


САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙ

БУХОРОНИНГ
ТАБАРРУК
ЗИЁРАТГОҲЛАРИ



САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙ

БУХОРОНИНГ ТАБАРРУК ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

МАЪЛУМОТНОМА
(ТЎЛДИРИЛГАН, ҚАЙТА ИШЛАНГАН ИККИНЧИ НАШР)

"ДУРДОНА" НАШРИЁТИ,
2012

САДРИДДИН САЛИМ БУХОРИЙ

БУХОРОНИНГ ТАБАРРУК ЗИЁРАТГОҲЛАРИ

МАЪЛУМОТНОМА

Такризчилар:

Ф. Косимов,

тарих фанлари доктори

Ҳ Тўраев, Тарих фанлари доктори,
Г.Наврўзова, фалсафа фанлари доктори.


Масъул муҳаррир:

С.Азимов, филология фанлари номзоди, доцент.

"ДУРДОНА", 2012

Ер юзида Бухоронинг таърифини эшитмаган, уни билмаган, уни умрида бирор марта ўз кўзи билан кўришни орзу қилмаган маърифатли одам йўқ десак, асло хато бўлмас. Бухоро нафақат Ўзбекистонни, балки бутун Марказий Осиё минтақасини дунёга маишур этган. Унга Бухоройи шариф деган ном бежиз берилмаган. Негаки, бу муқаддас заминда Абу Али ибн Сино, Абу Бакр Муҳаммад Наршахий, Имом Бухорий, Хожя Баҳоуддин Нақшбанд ва унинг пиру устозлари Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожя Ориф Ревгарий, Хожя Махмуд Ғағнавий, Хожя Али Ромитаний, Муҳаммад Самосий, Сайид Мир Кулол, кейинги замонларда Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Ғайзулла Хўжаев, Иброҳим Мўминов каби улуг зотлар ўтганки, уларнинг номларини ёдлаш ва эъзозлаш ҳар бир ватандошимиз, ҳар бир инсоннинг бурчидир. Бу муборак заминда ўтган азиз авлиёларнинг руҳлари қул-лаган Бухоро аҳлини биз ҳаммамиз кўли гул, дили соф, иймони бутун ва иродаси бақувват кишилар сифатида жуда яхши биламиз ва ҳурмат қиламиз.

ИСЛОМ КАРИМОВ



“ИШИНГ ТИРИК БЎЛСА...”

Ҳар гал Ҳазрат Абу Абдуллоҳ Рӯдакийнинг “Бир тану бир жонда шунча дониш, Ажабо, сен дарёми ё уммон?!” мазмунидаги:

***Як тан-т як жон, якеву дониш,
Эй, ажабо, марди ту ё дарёи?!***

байтини эслаганимда устоз Садри . Салим Бухорийнинг сермахсулг серкирра ижоди кўз ўнгимга келади: гўё “Шоирларнинг Одам Атоси” минг йил муқаддам бу мисраларни тану жонини илму донишга бағишлаган Садриддин Салим Бухорийни башорат қилиб ёзгандек туюлади. Эътибор беринг: Садриддин Салим Бухорий - бир томонда мумтоз Шарқ адабиётининг зуллисонаинлик анъанасини давом эттирган шоир, бир томонда тарихчи, маърифатпарвар олим. Унинг Бухоро ва Бухоро алломалари тарихи билан боглиқ китобу мақолалари кўлдан-кўлга, дилдан-дилга кўчиб юрибди. У айна чоғда тасаввуфшунос олим ҳамдир. Унинг тасаввуф ва тасаввуф адабиёти тариқат назарияси ва амалиётига оид рисолаларини бугун нафақат халқимиз, балки олмон, инглиз, фаранг афкор оммаси ҳам яхши билади.

Унинг илмий-ижодий фаолиятининг яна бир қиррасини домланинг мохир таржимонлиги тўлдириб турибди. Бугун халқимиз улуғ немис шоири ва мутафаккири И.В. Гётенинг жаҳонга машҳур “Ғарбу Шарқ девони”, Абдулхолиқ Ғиждувоний Хожа Али РОмитаний, Саид Амир Кулол, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Боқир каби қатор валиюллоҳ зотларнинг ирфоний асарларини бевосита унинг таржимасида ўқиб, баҳраманд бўлиб турганини ҳам алоҳида мамнуният билан эътироф этмоқ жоиздир.

Бир бугина эмас, у оташин воиз ҳам эди. Халқимиз, айниқса ёш: авлодни маънавий-маърифий руҳда тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшар экан, Бухоро вилояти Ўқитувчилар малакасини ошириш институтида “Шарқ педагогикаси” фанидан сабоқ берарди. Бу дарсларнинг ҳар бири, башарти ёзиб олинса ҳеч муболағасиз алоҳида бир рисола дейишга арзтулик эди.

Садриддин Салим Бухорий 5 қисмдан иборат “Имом ал-Бухорий” телевидеофильми, “Абу Ҳафс Кабир Бухорий”, “Хожаи жаҳон” телефильмлари ва яна бир неча қисқа метражли ҳужжатли фильмлар муаллифи... “Бир тану бир жонда шунча илму дониш”, шунча ғайрат!..

Садриддин Салим Бухорийнинг бутун ижодий ва илмий фаолиятининг асосини, агар таъбир жоиз бўлса “умуртқа поғонаси”-ни Бухоро ва унинг маданий-маърифий меросига муносабат ташкил этади. Юртбошимиз И. А. Каримов айтганларидек: “Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маънавий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчанлик салоҳиятидан, юксак тараққиёти, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради”. Беназир олим. Юртбошимиз таъриф берган мана шу табаррук замин - Бухорои шарифнинг маънавий-маърифий тарихи уммонидан дуру жа- воҳир териб, ўз халқига улашиш йўлида ҳормай-толмай тер тўкди. Юзга яқин рисола, уч юздан ортиқ илмий-публицистик мақола езиб, буюк аждодларимизнинг илмий-маърифий меросини халқимизнинг маънавий мулкига айлантирди. Уларнинг номи ва шаънини

улуғлашга, табаррук зиёратгоҳ ва қадамжоларининг обод бўлишига муносиб ҳисса қўшди.

Ҳурматли китобхон! Қўлингиздаги “Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари” китоби Садриддин Салим Бухорийнинг ўтмишда Бухоро заминиде яшаб ижод этган Бухоро алломалари, ориф-авлиелари ҳаёти, рухий-маънавий фаолияти, илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борган узоқ йиллик илмий-ижодий изланишларининг самарасидир Унда Бухорои шарифнинг уч минг йилдан ортиқ тарихи мобайнида яшаб ўтган, номлари ва айримларининг асарлари бизнинг давримизгача етиб келган беш юздан ортиқ маънавиятимиз дарғаларининг илмий-маърифий мероси, табаррук зиёратгоҳлари, уларнинг ибратли ҳаёт йўли, хулқу одоби. касбу кори, илму маърифати, имон-этиқоди ҳақида қисқа-узун фаслларда ҳикоя қилинади. Ушбу рисола кенг камровли бўлиб, Бухоронинг мутақаддимин олиму уламоларидан тортиб, то шоиру муғаннийлари, саркардаю давлат арбоблари, меъмору наққошлари, косибу ҳунармандлари, чорвадор-у деҳқонлари ҳақида тасаввур берувчи қомусий асар десак хато қилмаган бўламиз.

Асарда келтирилган маълумотлар то шу пайтгача турли даврларга мансуб араб, форс, турк (эски ўзбек) тилидаги манбаларда сочилиб ётарди. Бунинг устига мавжуд тарихий манбаларнинг аксарияти қўлёзма ҳолида бўлиб, етарлича ўрганилмаган баъзиларининг эса номи бору, ўзи йўқ эди. Заҳматкаш олим томчилаб асал йиққан асаларидек мазкур манбаларни чуқур синчиклаб ўқиб-ўрганиш, мавжуд бўлмаганларини сўраб-суриштириб топиш, қабр тошларидаги ўйма битикларни илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш, халқ оғзида юрган ривоятларни сараги-пучагини ажратиш орқали тарих қатида яширинган дуру гавҳарларни бир-бир йиғиб, яхлит китоб ҳолига келтирган. Кўриб турганимиздек, бу иш ўз-ўзидан эмас, балки узоқ йиллик машаққатли меҳнат, айрича салоҳият, кези келганда илмий жасорат орқали дунёга келганким, китоб саҳифларини варақлаган ҳар бир киши бунга амин бўлади. Бу ишда унга албатта қадимги турк форс тиллари, адабиёти ва тарихини чуқур билиши, араб тилидан бохабарлиги, бир бугина эмас, рус ва немис тиллари бўйича етук мутахассис бўлгани ҳам (рисолада Ғарб муаллифлари асарларидан қайдлар бор) қўл келган.

Рисола муаллифининг ижодий режаси - мазкур асар устида ишлаб туриб, келгусида “Бухоро алломалари қомуси”ни яратишдан иборат эди. Афсуски, унинг бу қутлуг нияти тўла-тўқис амалга ошмай қолди, умр бевафолик қилди. Мазкур нашр домланинг илгари чоп қилинган рисоаларига тириклик чоғида ўз қўли билан киритган тўлдириш ва тузатишлари асосида амалга эширилди.

“Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари...” Бу рисоланинг бугунги китобхон учун асқотадиган бир талай тарихий, маърифий ва тарбиявий жиҳатлари бор:

Биринчидан, рисола буюк аждодларимиз теран тафаккури маҳсули бўлмиш миллий-маънавий қадриятлар, таълимот ва қарашлар мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ идрок этишга хизмат қилади.

Иккинчидан, рисола муаллифи ўз олдига қўйган мақсадга эришишда маноқиб ва тазкираларда келтирилган маълумотларни шунчаки баён этиш билан чекланмай, Истиклол даврида ўтмишга муносабатнинг тубдан ўзгариши билан боғлаб, аждодларимиз этиқоди, тарихий хотирамиз, миллий қадриятларимизнинг қайта тиклангани, муқаддас қадамжоларнинг обод

бўлгани на бўлаётгани, айна чоғда бундай савобли ишлар қачон ва кимлар томонидан, қандай шароитда амалга оширилгани ва оширилади- гани ҳақида ҳам қисман тўхталиб ўтадики, бу китобнинг маърифий-тарбиявий аҳамиятини янада оширади.

Унинчидан: Бухоро вилоятидаги баъзи шаҳар, туман, қишлоқ ёки кўчалар номларининг китобда зикр қилинган тарихий шахслар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ жиҳати борки, бу номларда топонимик объектларнинг тарихи, этимологияси билан вобаста маълумотлар ўз ифодасини топган. Бу эса келгусида “Бухоро вилояти жой номлари луғати”ни тузиш ва аҳолини ўзи яшаб турган турар-жой тарихи тўғрисидаги маълумотлар билан таништириш асносида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Когон тумани ҳудудида жойлашган “Хўшкаб” қишлоғининг номи “Хўжа Каъбул Ахбор” эканлиги, Бухоро туманидаги “Хўжа Чўкмоқ” номи билан юритиб келинаётган қишлоқ номи аслида Ҳазрат шайх Ниёз Чақмоқий шахсияти билан боғлиқлиги, Бухоро шаҳридаги “Калобод” (араб тили ва ёзувида "г" товуши ва ҳарфи бўлмаганлиги туфайли шундай ёзиб келинган ва ўқилган, асли “Гулобод”) гузари эса машхур мутасаввиф олим, тасаввуф, ирфоний фанини назарий жиҳатдан асослаб берган, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби даҳо ижодкорлар томонидан эътироф этилган шайх Абу Исҳоқ Гулободий (у шу гузарда туғилиб, нашъу намо топган) номи билан аталганлиги шулар жумласидандир. Китобда бу каби яна кўплаб турар жойлар тўғрисидаги тарихий атамалар аслиятига дуч келамиз.

Тўртинчидан, рисоланинг яна бир муҳим хусусияти халқ ичида оғзаки тарзда ҳикоя қилиб келинаётган ривоятлардан фарқли ўлароқ ишончли манба ва мантиқий далиллар асосида ёзилганлиги билан ҳам белгиланади. Муаллиф улуғ бобокалонларимизнинг ҳаёти ва фаолиятига доир манба ва ривоятлардаги мавжуд хато-камчиликларга ўз муносабатини билдириб, уларни аниқ маълумотларга таянган ҳолда ислоҳ қилади. Чунончи, Ҳазрат Каъбул Ахбор ҳақидаги маълумотга у куйидагича изоҳ беради “...Каъбул Ахборнинг ёшлари, у кишининг бўй-бастлари ҳақида баъзи “Маноқибларда” муболаға этилган. У киши 4444 йил умр кўрмаган.. Бўйлари ҳам узун бўлмаган. Ҳазрат Каъбул Ахбор Таврот, Забур, Инжил, Қуръони Каримни билган, чуқур ўрганган. Лекин у киши (“Мақоқиб”да ёзилгани каби. С. А) Мусо а.с., Довуд а.с., Исо а.с., Муҳаммад с.а.в. билан ҳамсуҳбат бўлмаган. Бу зоти шарифлардан (бевосита. С.А.) таълим олмаган”.

Муаллиф, шунингдек баъзи зиёратгоҳлар ҳақида тарихий манбалардан маълумот топилмаганда ёки бизгача етиб келмаганлиги боис келажакда уларнинг тарихини аниқлаш имкони бўлар деган умидда фақат у жойнинг номи, манзили ва айна пайтдаги ҳолати хусусида тўхталиб ўтиш билан кифояланади

Бешинчидан, мазкур китоб фақат тарихий-маърифий жиҳатдан эмас, балки тарбиявийлик хусусияти билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Унда улкан ақл-заковат ва теран тафаккур соҳибларининг саховат ва меҳрибонлик, сабр-тоқат, адолат имон эътиқод, илм ва маърифат, устоз ва шогирд муносабатлари бобидаги фазилатлари улуғланади. Бу зоти боборакотларнинг нодир фазилатлари китобхон қалбида ажодларимизнинг буюк утмишидан фахрланиш туйғусини уйғотиб, улардан ўрнак олиш уларга муносиб ворис

бўлиш, уларнинг шонли йўлларини давом эттиришга ундайди, комиллик, улуф мақсадлар сари етаклайди

Халқимизнинг кўп минг йиллик тарихи давомида ривожланиб, узининг тадрижий тараққиётига эришган миллий ғоя ва мафкурасининг тарихий шакл ва кўринишлари бугунги миллий Истиқлол ғояси мазмун-моҳиятида ўз ифодасини топаётгани қувонарли ҳолдир. “Бухоронинг табаррук зиёратгоҳлари” китоби замирида муаллифнинг мана шу жараёни, яъни ўтмиш билан бугунни боғлаш, улар ўртасида доимий узвий муносабат бўлиши зарурлигини очиб беришдек эзгу илмий-маърифий ният талқин қилинган. Рисола бебаҳо ва дурдона руҳий-маънавий меросимиз ҳақида маълумот берувчи нодир манба бўлиб, асрий қадриятларимиз ила тўйинган Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда муҳим ўрин тутиши шак-шубҳасиздир.

***Ишинг тирик бўлса - шонинг тирикдир,
Бунёдкорлик этган онинг тирикдир
Вужудинг бир куни ўлади бешак,
Ишинг бирик бўлса - номинг тирикдир.***

Шоир, таржимон, муаррих, тасаввуфшунос олим Садриддин Салим Бухорий юқоридаги шеърида унинг ўзи таъкидлаганидек, ишлари, бунёдкорлик онлари билан ҳамон тирикдир. Модомики унинг асарлари бугунги кунда қайта-қайта нашр қилиниб, таҳлил на талқин этилаётган экан, унинг номи ҳам, шони ҳам мангу тирикдир!

САМАД АЗИМОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

ШАРАФЛИ ЮРТДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ

Бухорони шариф этган, унинг шухратини жаҳонга таратган, Фарбу Шарққа машҳур этган - шу замин фарзандлари ҳисобланади. Дарвоқе, “шариф” сўзи «шарафли», “азиз”, “муқаддас” маъноларини билдиради. Муҳаммад Ғиёсиддин “Ғиёсул луғот” китобларида ёзади: “Бухоро - Турон шаҳарларидан бирининг номи. “Бухоро” – “илм” демакдур. Бу шаҳарда уламо ва фузало кўп бўлгани боис, шу ном билан атагандир”¹.

Абу Ҳафс Кабирнинг шарофатларидан Бухоро “Қуббатул ислом” (Ислом динининг гумбази) унвонига сазовор бўлган. Демак, илму ирфон бу шаҳарни шарафли, азиз этган экан. Шоҳ Маишраб ёзадилар:

**Вилоятлар ичинда мулки амният Бухородур,
Баҳори раҳмат ичра гавҳари қиммат Бухородур.
Шарифу ҳам латифу афзали мулкат Бухородур,
Ки то явмул жазо бенуқсу беофат Бухородур,**

¹ Муҳаммад Ғиёсиддин “Ғиёсул луғот”, жилди 1. Душанбе. “Адиб” соли. 1987. Саҳ 119

Чароки кони илму таквою тоат Бухородур.

Улуғларнинг ривоят этишича, Бухоройи шариф ва унинг атрофида етти минг авлиё, аллома, зоҳид, обид, ошиқ, имом, муҳаддис, шайх дафн қилинган. Бухоройи шарифда учта пайгамбар, жумладан, Аюб алайҳиссалом, Довуд алайҳиссалом, Хизр алайҳис салом қадамжолари бор. Бир ривоятда айтилишича, ҳамма жойга осмондан нур ёғилса, Бухоройи шарифдан осмонга нур кўтарилар экан. Бу нур - маърифат, илму ирфон нуридир. Нур борки, зулмат чекинади. Нур борки, йўлимиз ёруғ. Нур, чироқ бизнинг ташқи оламимизни мунаввар қилади. Лекин қалбимизни ҳам мунаввар этувчи нур бор. Бу - маърифат нури, маънавият зиёси. Маърифати йўқ қалб - зулмат. Маърифати йўқ кишидан алҳазар!

Бухоройи шарифлик алломалар инсонлар қалбини нурли этган, бутун бани башар қалбини маърифат нури ила баҳраманд этолган зотлардир. Имом ал Бухорий исломун иймон илми нуруни, Ибн Сино тобобат илми нуруни, Ҳазрат Хожаи Жаҳон, Ҳазрат Баҳоуддин Нақибанд тариқат илми нуруни таратганлар. Уларга тенг келадиган аллома на Фарбда, на Шарҳда йўқдир.

Ушбу китобнинг дастлабки номини биз рамзий тарзда “Икки юз етмиш етти пир” деб номлаган эдик. Аслида китобда етти юзга яқин аллома, обид, зоҳид, пирлар ва уларга боғлиқ зиёратгоҳлар номи зикр этилгандир. “Пир” деган сўз форс-тожикча бўлиб, “кекса одам” маъносини билдиради. Лекин тариқатда “пир” дегани “устод”, “йўл бошловчи” маъноларини англатади. “Пир” билан бирга “шайх”, “мур- шид” сўзлари ҳам қўлланилади. Ҳаммасининг тариқатдаги маъноси деярли бир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, китобда нафақат тариқат, шариат пирлари, балки, шоир, деҳқон, меъмор, косиб - хуллас, турли соҳа устодлари ҳақида маълумотлар баён қилинган. Зеро ул зотларнинг ҳаёти ибрат, улар бунёдкор эди. Китобда тарихда нурли из қолдирган шох, вазир, саркардалар ҳақида ҳам хабар бор.

Маълумки, Бухоро шаҳри ва унинг атрофида жуда кўп туг кўтариб ётган авлиёлар зиёратгоҳи мавжуд. Уларнинг баъзилари ҳақида қадимий қўлёзмалардан маълумот тополмаганимиз боис, фақат зиёратгоҳ жойи кўрсатилди. Оғзаки ривоятлардан истифода қилмадик. Келажакда маълумот топсак, иншаоллоҳ, китоб тўлдирилади. Аксарият, аллома, муҳаддис, авлиёлар ҳақида ёзма манбаларда маълумот бор-у, лекин дафн қилинган жойлари тўғрисида мазкур китобларда хабар берилмаган. Биз илмий-амалий экспедиция давомида мазорлари аниқланган авлиёлар қабрлари жойини китобда кўрсатдик. Аниқлай олмаганларимизнинг дафн қилинган жойлари кўрсатилмаган. Келажакда улар аниқланар деган умиддамиз. Собиқ Иттифоқ замонида жуда кўп зиёратгоҳлар вайрон этилди. Уларнинг ҳозир номи бор-у, лекин жойи йўқ. Китобда мана шундай зиёратгоҳларнинг номи кўрсатилган. Ўқувчи ўша жойлардан ўтаётганда дуойи фотиҳа этар, у ерларнинг табаррук эканлигини англай, ваҳти келиб бу зиёратгоҳга ҳам нишона-белги қўйилар, деган умидимиз бор. Китобга авлиё, алломаларнинг ҳикоятлари, ҳикматлари ҳам дарж этилди. Бу

ҳикматлар ўқувчи маънавий оламини бойитар ва қалбининг илоҳий файзга тўлишига сабаб бўлар.

Баъзи алломаларнинг фақат номи ва улардан мерос бўлиб қолган биргина ҳадис манбалар орқали бизгача етиб келган. Мана шу муҳаддислар айримларининг номини ва ривоят этган ҳадисларини китобга киритдик. Зеро пайгамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг ҳатто битта ҳадиси муборақларини ХХI асрга эсон-омон етказа олган зот ҳам буюк зот ҳисобланади.

Шуни унутмаслигимиз керакки, халқимиз ҳар бир обида, ҳар бир зиёратгоҳ тарихини билмоқ истади. Шу боис тарихий манбаларга таянган ҳолда, қадрул имкон, юртимиздаги муқаддас зиёратгоҳлар, шунингдек, улуг боболаримиз ҳақида маълумот бермоққа ҳаракат қилинди. Китобда ХХ асрда яшаган, биз учрашган назаркарда зотлар ҳақида ҳам ибратли ҳикоятлар бор.

Бухоро шаҳримизни шариф дейдилар. Шарифлик белгиси борми? Шарифлик белгиси қуйидагилар экан. Қайси шаҳарда-ки:

- *илму ирфон, маърифат-маънавият ривож топган бўлса;*
- *авлиёлар, Ҳаққа етган зотлар бисёр бўлиб, дуолари ижобат бўладиган зотлар яшаса;*
- *бошқа мамлакатлардан келиб, бу ердаги олимлардан, авлиёлардан таълим олиб, аллома, авлиё даражасига етса. Бу шаҳар бошқа мамлакатларга олим-у алломалар, авлиёлар, орифлар етказиб берса;*
- *нафақат диний, балки дунёвий илмларда ҳам бу шаҳар олимлари, усталари етук бўлса; санъат, қурилиш, ҳандаса, илми нуҷум, фалсафа ва бошқа илмлар соҳасида ҳам ўзга мамлакатларга олим-у етук устозлар етказиб бера олса;*
- *бу шаҳарда турли миллат, турли дин, турли эътиқоддаги фуқаролар бир тан, бир жон бўлиб, низо этмай, муроса қилиб яшай олса;*
- *бу шаҳар аҳолиси. одобу ахлоқда, мардлигу саховатда, поклигу эътиқодда, дину диёнатда бутун бани башарга намуна бўлса - бундай шаҳарга ШАРИФ унвони берилган.*

Ота-боболаримиз мана шундай хислатларга эга эдилар. Шуни таъкидлаш жоизки, Мустақиллик шарофатидан Бухорога шариф унвони қайтиб келди. Энди Бухоронинг ҳар бир фуқароси, ҳар биримиз мана шу номга муносиб бўлиб яшашимиз, меҳнат қилишимиз шарт!

Бугунги кунга келиб улугларимизни эслаш, ёд этишдан мурод утган авлиё, аллома, донишмандлар одоб-у ахлоқи, илму маърифатини ўзимизга, фарзандларимизга сингдирмоқдир. Авлиёларимиз одобни пайгамбаримиз Муҳаммад с.а.в.дан ўрганган. Муҳаммад с.а.в. одоблари эса Қуръоний одобдир. “Ва иннака лаъала хулуқин аъзим” (“Қалам”, 4-оят). Яъни “Албатта Сиз буюк хулқ узрадирсиз”². Муҳаммад с.а.в.га Аллоҳ таоло мукамал одобу ахлоқни берган. Шу боис Муҳаммад с.а.в. одобу ахлоқлари билан зийнатланганлар авлиё бўлар экан. Аллоҳнинг дўстига айланар экан.

Албатта ушбу китобга Бухоро ва униш атрофидан ўтган барча авлиё, алломалар, зиёратгоҳлар номини киритишнинг имкони бўлмади. Ўз

² “Қурони Карим маънолари таржимаси”, Абдулазиз Мансур, 2001 йил. Тошкент.564-саҳифа.

қишлоғи, гузаридаги авлиё номини китобда учратмаганлар ранжисмай, шу табаррук зотлар ҳақидаги маълумотларни бизга етказсалар, Худо хоҳласа, навбатдаги китобларимизда улардан фойдаланамиз.

Шуни ҳам қайд этиб ўтиш жоизки, биз фойдаланган ҳар бир манба китобда кўрсатилган. Ушбу китобни ёзишда маслаҳат берган устодимиз Нажмиддин Комиловга, шунингдек, айрим авлиёлар тарихини топишда чин дилдан ёрдам берган С. Азимов, Ҳ. Тўраев, А.Иноятовларга, қўлёзма китобларини фойдаланиш учун берган Те-мур Ҳожи Субҳонов, Исмоил Шукуровга, илмий-амалий экспертизамизга бошқош бўлган Улғубек Абдуллаев ва Дилмурод Нуровга Аллоҳ таолодан ажру мукофот тилаймиз. Китобга киритилган шеърлар муаллифи, шунингдек, таржима қилинган шеърлар таржимони номи кўрсатилмаган бўлса, у бизнинг қаламимизга мансубдир.

Беайб, бехато Парвардигори оламдир. Айрим хато-камчиликлар ўтган бўлса, Аллоҳ кечирсин. Валлоҳу аълам!

ҲАЗРАТ АЮБ АЛАЙҲИССАЛОМ

Бухорода Аюб а.с. номлари билан боғлиқ тарихий обидалар бор. Уларни Чашмаи Аюб деб атайдилар. Бухоро шаҳрида жойлашган Чашмаи Аюб обидаси ичига кирганингизда кўзингиз қабрга ва чашмага тушади. Чашма (кудук) қадимий бўлиб, унинг тарихи Аюб а.с.га бориб тақалади.

“Тухфат аз-зоирин” китобида қуйидаги маълумот берилган: “Имом, муҳаддис Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Сулаймон бин Комил ал-Бухорий ал-Варроқнинг (ваф. 1122 йил) “Бухоро тарихи” деган китобларида ёзилишича, Ҳазрат Аюб а.с.нинг мунаввар қабрлари Бухоройи шарифдадир, у табаррук жойнинг белгиси шуки, унда бир дарахт бор, қишин-ёзин кўм-кўк, барглари жийда баргига ўхшаш. Дарахт тагида беҳишт чашмасидан бир чашма оқади”.

“Тарихи Муллозода” китобида таъкидланишича, Аюб а.с. Бухорога келадилар. Пайғамбарни Бухоройи шариф аҳолиси хурсандчилик билан кутиб олади, ул зоти шарифга иззат-икром кўрсатади. Бундан Аюб а.с. хурсанд бўладилар ва Бухоро аҳолиси ҳақида дуойи хайр қиладилар. Ул зоти шариф Аллоҳ таолодан бухороликлар учун уч нарсани сўраб дуо қилган эканлар: “Аллоҳим, Бухоро аҳлига ҳамиша хурсандчилик ато эт, Бухоро ерига барака бер, улар фаровон яшасин!”. Аюб алайҳиссаломнинг ушбу дуолари ижобат бўлган экан.

“Тухфат аз-зоирин”да таъкидланишича, Аюб алайҳиссаломнинг мунаввар қабрлари Бухорода эмас. Чашмаи Аюб, бу - Аюб а.с.нинг қадамжоларидир.

Шайхи комил Муҳйиддин Навоийнинг айтишича, Ҳазраг Аюб а.с.нинг қабрлари Хаврон деган жойдадир.

Чашмаи Аюб зиёратгоҳи Бухоро шаҳридаги Сомонийлар боғида жойлашган. Бухоро вилояти, Вобкент туманидаги Хайрободча қишлоғида ҳам Чашмаи Аюб зиёратгоҳи бор. У ерда кудук, обида мавжуд.

XII асрда Қорахонийлар ҳукмдори фармонига мувофиқ Бухоро шаҳридаги Ҳазрат Аюб чашмалари устида гумбаз қурилган. Иккинчи гумбаз эса Соҳибқирон Амир Темур буйруқларига мувофиқ 1379 йил бино этилгандир. Учинчи гумбазни шайбонийлар замонасида қурганлар.

Чашмаи Аюбнинг суви шифобахш ҳисобланади. У чашма сувидан ихлос билан ичган кишига Аллоҳ таоло сабр ато этади.

“Тухфат аз-зоирин” китобида келтирилишича, Чашмаи Аюб зиёратгоҳи атрофида жуда кўп буюк зотлар дафн қилинган экан. Жумладан, Хожа Каъбон Обид (бу зоти шариф Абу Ҳафс Кабир (767- 832) билан сабоқдош бўлганлар, кейинчалик кофирлар у кишини шахид этади), Мавлоно Шамсиддин Махбубий, Убайдуллоҳ Садр аш шариа ал-Асғар ибн Масъуд ва бошқа зотлар бу ерга кўмилгандир. Лекин собиқ Иттифоқ замонида бу буюк зотларнинг қабри вайрон этилди. Ҳозир улардан ному нишон йўқ.

Айни шу кунларда Сомонийлар боғида жойлашган Чашмаи Аюб зиёратгоҳи ободдир.

Ушбу зиёратгоҳ ҳақида Н.Йўлдошевнинг “Бухоро авлиёлари тарихи” китобида маълумотлар келтирилган³. Мирзо Салимбекнинг “Кашкўли Салимий” китобида, шунингдек, “Қасасул ан-биё”ларда Аюб а.с. қиссалари ривоят қилинган⁴.

Нақл этилишича, Аюб а.с. узун бўйли, келишган, нуроний зот бўлганлар. У кишининг беҳисоб кўп чорва моллари бўлиб, Ҳазрат хайр-эҳсон қилишни яхши кўрганлар. Меҳмон, мусофир, мискинларга хизмат қилганлар. Шу билан бирга Аллоҳ ибодатини ҳам ўз вақтида сидқ билан, ихлос билан адо қилганлар. Аюб а.с. доимо шукрона айтиб юрган. Асло ношукурлик этмаганлар. Шунча давлату бойликларга эга бўла туриб, бирор марта гуноҳ иш қилмаганлари учун Шайтон алайҳи лаъна ғазабланарди, азоб чекарди ва Аюб а.с.ни йўлдан оздириш учун ҳийла-найранглар ўйларди.

Бир куни шайтони лаъин Аллоҳ таолога деди: “Илоҳо, Аюб сенинг берган бисёр неъматларинг, инчунин, молу мулк, фарзанд, тани сиҳатлик, пайгамбарлик неъматларинг учунгина ибодат қилади, ҳамду сано айтиб туради. Мен кафилманки, агар Сен бу молу давлати, фарзандлари, соғлигини олсанг, албатта у кўфрга кетиб, Сени унутади”. Аллоҳ таоло деди: “Эй, лаъин! Ёлғон гапирдинг. Аюбнинг молу давлати, фарзандлари, саломатлиги олинса ҳам у шукронани, давом эттиради, ибодатини асло тарк қилмайди!”.

Шундан сўнг Аллоҳ таолонинг имтиҳони бошланди. Аюб а.с. молларининг ҳаммаси нобуд бўлди. Бу шум хабарни шайтон етказганда, Аюб а.с. дедилар: “Бу молларнинг ҳаммасини Аллоҳ берган эди. Ўзи берган эди, ўзи олди. Бунинг учун Аллоҳ таолога шукр қилурман. Чунки мён ҳам бир кун дунёдан ўтиб кетарман!”.

Фарзандларининг ҳаммаси ҳалок бўлганда ҳам Аюб а.с. шукронани давом эттириб, ибодатни асло тарк қилмаганлар. Шундан сўнг Аюб а.с. оғир бир дардга мубтало бўладилар: баданларидаги гуштларни қуртлар ея бошлайди. Лекин у зоти шариф сабр қилиб, ибодат этаверадилар. Нақл қилурларки, Аюб а.с.нинг баданларидаги гўштларни қуртлар еб тугатгандан сўнг тиллари ва дилларини емоқчи бўлади. Шунда Аюб а.с. Аллоҳ таолога муножот қилиб дейдилар: “Поко Парвардигоро юрагим ва тилим билан зикрингни айтиб эдим,

³ Н.Йўлдошев, “Бухоро авлиёлар тарихи”, “Бухоро” нашриёти - 1997 йил.

⁴ Мирзо Салимбек, “Кашкўли Салимий. Таворихи муттақалимин ва муттаахириин”, “Бухоро” нашриёти, 2003 йил. Форс-тожик тилидан Н.Йўлдошев таржимаси.

ибодатларингни бажо келтирар эдим уларни қуртлардан омон сақла!”. Аллоҳ таоло деди: “Эй, Аюб а.с.тилинг ва юрагинг Меникидир. Сен бесабрлик этма, етмиш пайғамбар Мендан сенга берилган балони, дардни сўраган эди, лекин Мен уларга бермадим. Сенинг фазлинг учун бу бало, дардни сенга бердим!”

Нақл қиладиларки, ўн саккиз йил Аюб а.с. баданларини қуртлар еди ва бу қуртлардан иккитаси ерга тушди: бири сувга кириб зулук бўлди, иккинчиси қурукликка тушиб ипак курти бўлди.

Аюб а.с. нинг бу сабрларини кўриб шайтон алайҳиланаъ ғоят дарғазаб бўлди ва барча зурриётини йиғиб маслаҳат этди. Шайтонваччалар унга дедилар: “Одам Атони ўз хотини орқали йўлдан оздирган эдинг, Аюбнинг хотини Раҳимани ишга сол, васваса қил!” Шайтон Раҳиманинг кўнглига васваса солди, натижада Раҳима Аюб а.с. нинг бу дарду ранжларига чидай олмай, фарёд қила бошлади. Аюб а.с. Раҳимага танбеҳ бериб дедилар: “Сен инсоф ила тафаккур эт! Тангри бизга саксон йил роҳат-фароғатли ҳаётни берди. Энди саксон йил ғам-кулфат берса, бизнинг қўлимиздан не иш келади?”

Шундан сўнг Аллоҳ таоло Аюб а.с.га деди: “Эй, Аюб а.с.! Сен имтиҳондан ўтдинг! Оёгингни ерга ургил, у ердан сув чиқади. Мана шу сувга чумил!” Аюб а.с. оёқларини ерга урганда, чашма пайдо бўлди. У зоти шариф чашма сувига кириб чўмилдилар, барча касалликлар кетиб, соғайдилар. Аввалгидан ҳам чиройлироқ бўлдилар, Аллоҳ таоло у кишининг фарзандларини ҳам қайта тирилтирди. Молу давлатлари ҳам қайтиб келди. Шайтон алайҳилаъна эса ноумид бўлиб қолди. Қуръони Каримдаги “Сод” сурасида Аюб а.с. ҳақларида хабар келган.

Бухоро тумани Талипоч қишлоғида тепалик бор, унда Аюб а.с. ва у кишининг хотинлари Раҳиманинг қадамжолари жойлашган. Тепалик пастида қудуқ мавжуд.

ҲАЗРАТ ДОВУД АЛАЙҲИССАЛОМ

Маълумки, Ҳазрат Довуд алайҳиссалом мелоддан аввалги XI асрда шнлб ўтганлар. Қуръони Каримда Довуд а.с. ҳақларида (“Сод” сураси) хабар келган.

Довуд а.с.га “Забур” нозил этилган эди. Довуд а.с. ҳам пайғамбар, ҳам подшоҳ булганлар. Довуд а.с.нинг товушлари шу қадар таъсирли бўлганки, у киши Забурни қироат қилганда ҳатто қушлар, ваҳший ҳайвонлар маст бўлиб тингларкан.

Имом ал-Бухорийнинг “Ал-жомийъ ас-саҳиҳ”ларида куйидаги ҳадис бор: “Абдуллоҳ ибн Амир ибн ал Ос разияллоҳу анху: “Менга Набий с.а.в: “Сен узлуксиз рўза тутиб, кечанинг ҳаммасига ибодат қилар эмишсан”, - дедилар. Мен: “Ҳа, шундоқ,” - дедим. Ул киши: “Агар шундоқ қилаверсанг, кўзингнинг кўриш қобиляти заифлашгайдур ва бутун аъзоларинг толиққайдур. Умр бўйи тутган рўзанг савобсиз қолгай, зоеъ кетгайдир. Ҳар ойда уч кун рўза тутган кишига эрса, умр бўйи рўза тутганнинг савоби берилгайдир,” - дедилар. Мен: “Ё Расулуллоҳ, бундан ҳам кўпроқ тутмоққа кучим етгайдир,” - дедим. Шунда ул зот: “Бўлмаса, Довуд а.с. тутган рўзани тутгил, ул киши бир куни рўза тутиб, бир кун тутмас эдилар. Душман бирлан рўбарў келганларида ҳам қочмас эдилар, яъни бундоқ рўза инсон аъзосини заифлаштирмагайдир,” - дедилар⁵.

⁵ Имом ал Бухорий, «Ал Жомий ас саҳиҳ» 1 жилд. Тошкент, 1991 йил, 535-саҳифа.

Кўриниб турибдики, Довуд а.с. таквода ҳам кўпчиликка намуна бўлганлар. Довуд а.с.нинг касблари темирчилик бўлган.

Бухоро вилояти, Жондор туманида Хўжахайрон қишлоғи бор. Хўжахайрон қишлоғида Довуд а.с.нинг қадамжолари жойлашган. Собиқ Иттифоқ замонида бу зиёратгоҳ қаровсиз, хароба эди. Истиклол шарофатидан бу зиёратгоҳ обод этилмоқда. Бу ерни ободонлаштиришда фидойи зот Бозор Иброҳимов бош-қош бўлмоқда.

Самарқандда ҳам Довуд алайҳиссалом зиёратгоҳлари бор. У ер жуда ҳам ободдир.

Довуд а.с. хонанда, ҳофиз, темирчиларнинг пири ҳисобланадилар. Ярага чалинган, қичима касалларига мубтало бўлганлар ушбу қадамжога келиб, бу ердаги лойдан суртса, Аллоҳ дардига шифо беради.

ҲАЗРАТ ХИЗР АЛАЙҲИССАЛОМ

Абдулҳолик Гиждувонийнинг “Мақсад ас-соликин”, Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”, Али Сафийнинг “Рашаҳоту айнул ҳаёт” китобларида Хизр алайҳиссаломнинг Бухорога келганлари ва Ҳазрат Абдулҳолик Гиждувоний, шунингдек, Хожа Ориф ар Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Баҳоуддин Нақшбандларни тарбия қилганлари, улар билан тез-тез ҳамсухбат бўлганлари ҳақида маълумотлар бор.

Мана шу манбалардан маълум бўлаяптики, Ҳазрат Хизр а.х. қадамжолари Бухорои шарифда бор. Бу қадамжолар Хожаи Жаҳон, Хожа Ориф Мохитобон, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али ар- Ромитаний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларидир.

Манбаларда таъкидланишича, Хизр а.с. Иброҳим алайҳиссаломдан кейин яшаганлар. Хизрнинг пайргамбар ё авлиё эканликлари ҳақида ихтилофли фикрлар бор. Айримлар бу зоти шарифни пайғамбар, баъзилар эса валий дейди. У киши Искандар Зулқарнайн аскарининг раиси (бошлиғи) эдилар, Хизр а.с. вафот этган. У зотнинг руҳлари Аллоҳнинг изни ила инсон қиёфасида намоён бўлади. Хизрнинг руҳлари кўплаб валийларга файз берганб.

Қуръони каримдаги “Каҳф” сурасида Хизр а.с. ҳақларида хабар бор. Баъзи манбаларда ёзилишича, Хизр а.с. Аллоҳнинг изни ила оби ҳаётни ичган, шу боис қиёматгача тирик.

Баъзи ривоятларга кўра, ҳар бир киши умрида ҳеч бўлмаса, уч бор Ҳазрат Хизр а.с.ни кўрар экан. “Кимни кўрсанг Хизр бил!” ҳикмати шунга ишорадир.

Бухоро шаҳрида Хизр а.с. номли гузар ҳам бўлган⁷. Бухоротумани, Шайхонча қишлоғида ҳам Хизр а.с.нинг қадамжолари бор.

ҲАЗРАТ КАЪБУЛ АҲБОР (548-652)

Ҳазрат Каъбул Аҳбор-тобейн, валиюллоҳ, олим ҳисобланадилар. Бир неча китоблар муаллифи сифатида машҳур. Манбаларда айтилишича Ҳазрат

⁶ Санд Аҳмад Маккий Учишиқ. “Илм ҳол”. Истамбул. 1993 йил

⁷ О.А.Сухарева “Квартальная община позднефеодалного города Бухары”, Москва. “Наука”. 1976 год. стр 173.

Каъбул Аҳбор Муҳаммад с.а.в. тирикликлари вақтида исломни қабул қилмаган. Каъбул Аҳборнинг миллати яҳудий, туғилган жойлари Ямандир. Ибн Абу Ҳотимнинг нақл этишича, улуғ тобеъин Каъбул Аҳборнинг иймонга келишига қуйидаги оят сабаб бўлган экан: **“Эй, аҳли китоб! Юзларни бузиб, тескарисига айлантириб юборишимиздан ёки уларни “Шанба эгалари”ни лаънатлаганимиздек лаънатлашимиздан олдин сизлардаги нарсани тасдиқловчи бўлиб келган нарсага иймон келтиринглар”** (Нисо, 47-оят).

Ҳазрат Каъбул Аҳбор ёзадилар: “Мен Мадинада шу оятни бир қори тиловат қилаётганда эшитиб, дарҳол бузилиб кетмадимми деб юзимни ушлаб кўрдим. Ва шу дақиқадаёқ сув топиб, ғусл қилдим ва мусулмон бўлдим”⁸.

Каъбул Аҳбор Ҳазрат Умар р.а. ва Ҳазрат Ойша р.а.дан ҳадис ривоят қилганлар. Ибн Саъднинг ривоят этишича, Каъбул Аҳбор улкан олим бўлиб, ўзгартирилмаган, асл Тавротдан қиссалар айтиб бераркан. Каъбул Аҳбор: “Ярғучоқ ўз ўқи атрофида айланган каби ер ҳам ўз ўқи атрофида айланади, “ - деган.

Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Мукошафатул қулуб” номли асарларида Кабул Аҳборнинг ҳикматлари ва шу китобнинг охирида таржимаи ҳоллари берилган: “Каъб - Каъб Аҳбор: тўла исми Абу Исҳоқ ибн Мотиъ ибн Ҳойсу. Пайгамбаримиздан кейинги иккинчи халифа Умар р.а. замонларида мусулмонликни қабул қилган яманлик яҳудийлардан бўлиб, араблардаги исроилий ва мусулмон ривоятларининг энг эски ровийси ҳисобланади.

Муовия Сурия волийси бўлган даврда саройда мударрислик қилар ва волий маслаҳатчиси эди. Вафоти мелодий 652 йилдир⁹.

Каъбул Аҳбор 104 йил умр кўрган, қабрлари Химс (Сурия) дадир.

Шу китобнинг 163-саҳифасида Ҳазрат Каъбдан қуйидаги ҳикмат келтирилган. Саҳоба Абдуллоҳ ибн Салам Каъбдан сўради: “Олимлар илм ўрганиб, қалбга жойлаганларидан кейин уларнинг қалбидан илмни кеткизадиган нарса борми?” Каъб деди: “Бор. Булар: очкузлик, ҳирс ва дунё ташвишлари!”

Бир киши Фузайл ибн Иъёздан: “Каъбнинг бу сўзини қандай тушуниш мумкин?” - деб сўради. Фузайл дейди: “Одам бир нарсага очкўзлик қилганда, уни қўлга киритишга тутинади, дини ёддан кўтарилади. Нафси унга, ё бунга ҳарис бўлади, ҳавасини келтирган ҳар нарсани олгиси келаверади. Шу тариқа бир қатор кишиларга иши тушади. Улар ҳам, бунинг эҳтиёжини қондиргандан сўнг энди унинг бурнига ҳалқа ўтказиб оладилар ва хоҳлаган ишларини қилдирадилар, хоҳлаган ерларига олиб борадилар, ўзлари учун итдай ишлатадилар! У ҳам уларга илиқ муомалада бўлишга мажбур бўлади. Дунёлик манфаат юзасидан дўстлашган бу кишилар билан учрашганда таъзим қилади, бемор бўлсалар кўргани боради. Зиёфатларга қатнашади. Буларнинг барчасини Аллоҳнинг ризоси учун эмас, ёлғиз дунёвий манфаат учун қилади. Бу аҳволда уларга иши тушмаганда, ўзи учун яхшироқ бўлмасмиди?”

⁸ “Сараланган саҳифалар”, “Мовароуннаҳр”, Т. 2003 йил. 90-саҳифа

⁹ Абу Ҳомид Ғаззолий. “Мукошафатул қулуб”, Т., “Адолат”, 2002 йил. 483-саҳифа

Бошқа манбада Каъбул Аҳборнинг қуйидаги ҳикмати бор: “Мўъминлар шайтондан паноҳ топишлари учун учта кўрғон бор: масжид, Аллоҳнинг зикри, Қуръон ўқиш.”

Бухоро вилояти, Когон туманида Ҳазрат Каъбул Аҳбор зиё ратгоҳлари бор. Дарвоқе, Каъбул Аҳборнинг ёшлари, у кишининг бўйлари (қадлари) ҳақида баъзи “Маноқиб”ларда муболаға этилган. У киши 4444 йил умр кўрмаган. Бўйлари ҳам узун бўлмаган. Ҳазрат Каъбул Аҳбор Таврот, Забур, Инжил, Қуръони Каримни билган, чуқур ўзлаштирган. Лекин у киши Мусо а.с., Довуд а.с., Исо а.с. ва Муҳаммад с.а.в.лар билан ҳамсухбат бўлмаган. Бу зоти шарифлардан таълим олмаганлар.

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобларида ёзилишича, Бухор фатҳи араблар томонидан 673 йилда бошланган. Яъни Каъбул Аҳбор вафотларидан 21 йил ўтгандан кейин араблар Бухорога келган. Шу боис Когон туманидаги Хожа Каъбул Аҳбор зиёратгоҳи қадамжо сифатида кейин барпо этилгандир.

ҲАЗРАТ ҚУСАМ ИБН АББОС РАЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ (624-677)

Ҳазрат Қусам ибн Аббос-саҳоба, Ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. амакилари Ал Аббос р.а.нинг ўғиллари, муҳаддис, аллома, улуғ авлиё ҳисобланадилар. Бу зоти шариф ҳақларида жуда кўп манбаларда, инчунин “Таҳзиб ал асмо”, “Асаба дар тамизи саҳоба”, “Ал Қанд фий зикри уламои Самарқанд” (“Самарқандия”), “Самария” ва бошқа китобларда маълумотлар берилгандир. Нажмиддин ан Насафийнинг “Самарқандия” китобида Ҳазратнинг исмлари тўлиқ келтирилган: Абу Жаъфар Қусам ибн ал Аббос ибн Абдулмутталиб ибн Ҳишом ибн Абду Маноф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Молик ибн ан Назр ибн Кинона ибн Хузайма ибн Мудрика ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маъаад ибн Аднон.

Ҳазрат Қусам ибн Аббос Муовия ибн Абу Суфён разияллоҳу анҳумо халифалиги даврида (661-680) Саъид ибн Усмон иби Аффон розияллоҳу анҳумо билан бирга Мовароуннаҳрни фатҳ этмоққа келиб, Самарқандда шахид бўлганлар.¹⁰

“Самария”да ёзилишича, нурга тўла Ҳазрати Шоҳ мазори, Ҳазрати Шоҳнинг муборак оти Аббос ўғли Қусам бўлиб, мазори Самарқанд кўрғонининг ичидадир... Амир Темур Кўрагонийнинг ҳукмронлиги вақтида ушбу мазор иморат қилиниб, турли безаклар билан безатилди. Унинг хотин ва сингилларидан бир нечаси ва баъзи амирларга унда ўринлар белгилаб, ўзлари учун турбатлар ва дахмалар ясаб, уларнинг устида буюк-буюк бинолар солдирган.¹¹

Ҳазрат Қусам ибн Аббос тахминан 624 йилда туғилиб, 677 йилда Самарқандда шахид бўлганлар. Гиёсиддин Жавҳарийнинг ёзишича, Ҳазрат

¹⁰ Ан Насафий “Самарқандия”, Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”. Давлат илмий нашриёти. 2001 йил, 223-234 саҳифалар. Арабчадан Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набиҳон ўғли таржимаси

¹¹ Абу Тохирхожа “Самария”, “Камалак”, 1991 йил, 30 саҳифа, форсчадан Абдулмўмин Сатторий таржимаси

Қусам пайғамбар с.а.в. вафот этганларидан сўнг ул зотни ювганлардан биридир. Ривоятга кўра Ҳазрат Қусам ўша пайтда 8 ёшда бўлганлар.

Ҳазрат Қусамнинг юзлари, қиликлари Ҳазрат Муҳаммад с.а.в.га ўхшаш бўлган¹².

Ҳазрат Қусам ибн Аббос Бухоройи шарифда ҳам бўлганлар¹³.

“Самарқандия” китобига Ҳазрат Қусам ибн Аббос ривоят қилган табаррук ҳадислар ҳам киритилгандир. Ҳазрат Қусам ибн Аббос бундай деб ривоят қиладилар: “Ҳотамуннабийин салаллоҳу алайҳи вассаллам Жаъфар ибн Абу Толиб разияллоҳу анҳуга: “Дарҳақиқат Аллоҳ таоло менга ваҳий йўллаб, ул орқали тўрт хислатинг учун сенга ташаккур изҳор айладики, сен Парвардигор мени пайғамбар қилиб юбормасидан бурун уларни ўзингда барқарор сақлаган экансан. Айтгил, улар қайси хислатлар?” -дедилар. Шунда Жаъфар: “Ота-онам Сизга фидо бўлсинлар, ё Расулуллоҳ! Агар Аллоҳ таоло ул хислатларим хусусида Сизга хабар қилмаганда эди, ўзимча улар ҳақида айтмасдим, улар қуйидагилар: бутларга ибодат қилмоқдан нафратланар эдим, чунки уларнинг зарари ҳам, фойдаси ҳам йўқ, деб ҳисоблар эдим, маст қилувчи ичимлик ичмоқдан нафратланар эдим чунки мен ичкиликни ақлимга нуқсон етказди, деб ҳисоблар эдим, ақлимга нуқсон етказганимдан кўра уни янада зиёда қилмоғим мёнга яхшироқдир; зино қилмоқдан нафратланар эдим чунки ўзимни-ўзим ҳалокатга гирифтор айламоғимни истамасдим; ёлгон сўзламоқдан нафратланар эдим, чунки мен буни тубанлик, деб ҳисоблар эдим” деди.”

Қусам ибн Аббос р.а. яна бундай деб ривоят қиладилар – “Расулуллоҳ с.а.в.: “Лутфу марҳаматни Аллоҳ таолонинг раҳмдил бандалари даргоҳидан излангизлар, улар паноҳида тирикчилик қилингизлар!” деб марҳамат қилдилар.

Абу Солиҳ: “Мен Қусам ибн Аббос р.а.нинг бундай деганини эшитдим” - дейдилар:

**Чин биродарлардинга ҳамдард киши,
Тарк этар ул кез сени номард киши.
Кимки ёнингда эмас ғам чоғида,
Ул биродар бўлмагай - муртад киши.**

(Усмонхон Темурхон ўғли, Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси.)

Ҳишом ибн Исом ал-Килобий бундай деб ривоят қиладилар - “Мен Қусам ибн ал Аббос ибн Абдулмуталлибнинг ҳузурига тез-тез кириб, у ерда бирор шеър ўқиб турар эдим. Бир куни одатдагидек Қусамнинг ҳузурига кирмок ниятида ичкарига қараб эдим, унинг шоҳона бир зарчапон кийиб олганини кўрдим. Шунда мен ўзимча унинг нарҳини юз динор, деб баҳоладим. Кейин, ортимга-дахлизга қайтдим-да, у ерда турт байт шеър битгач, Қусамнинг ҳузурига кириб, дудуклана-дудуклана уни ўқишга киришдим. Қусам бундан ҳайрон булиб менга: “Эй, ибн Исом! Мендан не содир бўлдики,

¹² “Ислом энциклопедияси”. Т. 2004 йил, 298-саҳифа

¹³ Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан Наршахий, “Бухоро тарихи”. Т. 1991-йил, 117-саҳифа. Форс тилидан А.Расулов таржимаси

дудукланаётирсан?” - деди. Мен унга: “Эй, Расуллоҳ амакиларининг ўғли! Мен кеча бир туш кўриб эдим, ҳозир дилим ўшал билан машғул бўлди,” - дедим. Қусам: “Қандай туш кўрдинг?” - деди, Шунда мен кўйидаги шеърни ўқидим:

**Мен Абу Жаъфарни кўрдим, туш эди, ёдда ҳамон,
У менга кийдирди бир шоҳона, янги зарчопон.
Таъбирин бир улфатимдан сўрадим, менга деди:
“Ул сабаб келгай ҳалокат, бўлгуси охир замон,”
Ҳошимий аҳли саҳога дўсти содиқ, ошно,
Такдир илги айлагай эҳсон талаб бир нотавон.
Дилда борин кимки айтса, эътироз этма унга,
Бош эгиб унга қулоқ сол, арзини қилсин баён!**

(Усмон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси.)

Кейин у зарчопонининг ени билан менга: “Бери кел!” деган маънода ишора қилиб: “Буни эғнимдан ечиб ол!” - деди, мен уни ечиб олдим. Қарасам, у зар чопон остидан бир кўйлак кийиб олган экан, мен ўзимча у кўйлак нарҳини эллик динор деб баҳоладим-да: “Аллоҳ таоло сени қамбағал қилиб қўймоғимни истамаган шекилли?! Тўғриси айтсам тушимда бул кўйлакни ҳам кўрган эдим-у, лекин унутибман,” - дедим. Қусам бул гапни эшитгач, шул қадар қаттиқ қаҳ-қаҳ отиб кулиб юбордики, ҳатто қўлу оёқлари ҳаракатга кириб кетди. Сўнг, у ғуломига: “Менга иккита оддий эскирган кийим келтир!” - деди. Ғулом иккита оддий, эскирган кийим келтиргач, Қусам иккаласини кийиб олди-да, устидаги қимматбаҳо кўйлакни ечиб, уни ҳам, зарчопонни ҳам менга инъом қилди. Қиммат-баҳо кўйлак ҳам, зарчопон ҳам меники бўлгач, мен унга: “Аллоҳ таоло сени қамбағал қилиб қўймоғимни истамаган шекилли?! Сўз бирла эришган ютуғим ҳар қандай мукофотдан ажабтовурдир,” - дедим. Қусам: “Буни қандай тушунмоқ керак?” - деди. Мен унга: “Бундан буён ҳар сафар тунда бирор туш кўрсам тонг отиши биланоқ унинг таъбирини сенга айтаман,” - дедим. Шунда Қусам: “Субҳоноллоҳ! Сен тунда бирор туш кўрасан-у, тонг отиши биланоқ келиб мени шилиб оласанми?! Демак, сенга на Шом ва на Ироқ тўкувчилари чидамас экан-да?! Лекин, яна шундай туш кўришинг зарур бўлиб қолса, фақат бир бор ёзда ва бир бор қишда кўргил! Башарти (биз тайин қилган вақтдан ташқари) яна шундай туш кўрадиган бўлсанг, ул ҳолда биз ҳам сенга атаб ана шундай бир туш кўриб қўюрмиз” - деди¹⁴.

Маълум бўлаяптики, улуг саҳоба Ҳазрат Қусам ибн Аббос шеърлар ҳам ёзган эканлар ва шоирларни дўст тутар эканлар. Бу зоти шариф ғоят саҳоватли инсон ва дину диёнат йўлида жонларини қурбон қилган экан.

Дурдоналар шодасидаги ноёб, қимматбаҳо гавҳарлардан бири Самарқанддаги Қусам ибн Аббос, яъни Шоҳи Зинда мажмуасидир. Боболаримизнинг бу шоҳ асарини асрамоқ, уни келажак авлодга эсон- омон етказмоқ биз бугунги авлодларга насиб этди. Бу обидада бунёдкор халқимизнинг бир неча минг йиллик санъати, тарихи, маданияти

¹⁴ “Самарқандия”. 223-229 саҳифалар

мухрлангандир. Шоҳи Зинда мажмуаси ота-боболаримизнинг юксак маънавияти, улуғ салоҳияти, донишмандлигига қўйилган ҳайкал. Ҳазрати пайғамбар с.а.в.нинг жиянлари, улуғ саҳобага билдирилган эҳтиром ҳам улуғ бўлгандир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Шоҳи Зинда мажмуасида қайта тиклаш ва ободонлаштириш ишларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори эълон қилинди. Ушбу қарорнинг шарофатидан мажмуани янада ободонлаштириш ишлари бошланди:

**Авлиёни эъзоз этган замондир,
“Замон ёмон!” -деган одам ёмондир!
Авлиёни севганни Аллоҳ севгай,
Аллоҳ севган юртда дорул омондир!**

ҲАЗРАТ БУРАЙДА ИБН АЛ ҲУСАЙБ РАЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ (ваф. 684)

Ҳазрат Абу Саҳл Бурайда ибн ал Ҳусайб ибн Абдуллоҳ ал Асламий разияллоҳу анҳу Ҳазрат пайғамбаримиз с.а.в.нинг саҳобалари эдилар. Ҳазрат Бурайда Мадина, Басрада яшаганлар, сўнг Марв (ҳозирги Туркменистон ҳудудидаги Мори)га келиб, шу ерда ҳадис илмидан сабоқ берганлар.

Ҳазрат Бурайда 684 йил Марв шаҳрида вафот қиладилар¹⁵. XVI асрда Ҳазрат Бурайда қабрлари устида мақбара ўрнатилгандир, ушбу миқбара ҳозирги кунларгача сақланган¹⁶. Айни шу кунда ҳам улуғ саҳоба Бурайданинг қабрлари обод зиёратгоҳдир.

АЛ ҲАКАМ ИБН АМР АЛ ҒИФФОРИЙ РАЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ (ваф. 670)

Ҳазрат ал Ҳакам ибн Амр ал Ғиффорий разияллоҳу анҳу Ҳазрати Муҳаммад с.а.в.нинг саҳобалари бўладилар, Бу зоти шариф ҳам Ҳазрат Бурайда каби Ҳижоздан Марв шаҳрига келганлар ва Марв шаҳрида анча муддат яшаганлар. Ал Ғиффорий ҳазратлари толиби илмларга ҳадис илмидан таълим берганлар. Бу зоти шариф Марвда 670 йил вафот қиладилар. Бу кишининг ҳам қабрлари устида XVI асрда мақбара ўрнатилгандир¹⁷.

Айни шу кунларда улуғ саҳоба ал Ғиффорийнинг зиёратгоҳлари ободдир.

Кўриниб турибдики, буюк саҳобалардан уchtалари яъни Қусам ибн Аббос р.а., Бурайда р.а., ал Ғиффорий р.а.ларнинг қабрлари Ўрта Осиё ҳудудидадир. Шоҳи Зинда (Қусам ибн Аббос) Самарқандда, бу иккиталари эса Марвда дафн қилинган. Бухорода саҳобаларнинг қабрлари йўқ, лекин қадамжолари бор.

¹⁵ “Ислом энциклопедияси”, Т. 2004 йил, 55-саҳифа

¹⁶ “Мозийдан таралган зиё”. Т. “Шарк”-1988 йил. 33-саҳифа

¹⁷ “Мозийдан таралган знё”. 33-саҳифа

ҲАЗРАТ ХОЖА УББОН (АББОН)

(ваф. 724)

Бухоро шаҳридан Газли томон етмиш километр бориб, чап томон бурилсангиз ва яна ўн километр юргандан сўнг чўлнинг ўртасида авлиё Ҳазрат Хожа Уббон зиёратгоҳлари намоён бўлади. Бу жой жуда ҳамтабаррук.]

Ҳазрат Хожа Уббон ҳақларида “Тарихи Муллозода” китобида маълумот келтирилган. “Китоби назми Муллозода”да ёзилган:

**Қабри Уббон, ки ибн Усмон аст,
Манбаи хуш файзи ғуфрон аст.**

Яъни Уббон ибн Усмоннинг қабри файзли жой ҳисобланади. Ушбу мисралардан маълум бўлаяптики, Уббон Ҳазрат Усмон ибн Аффон разияллоҳу анхунинг (576-656) ўғиллари экан. Хўш, Ҳазрат Усмон ибн Аффоннинг ўғиллари Бухорои шарифда бўлганми? Шу ерда марҳум бўлганларми? Ёхуд бу ер қадамжоми?

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Ан Наршахийнинг (899-959) “Бухоро тарихи” (944 йил) китобларида қуйидаги маълумот бор “Убайдуллоҳ ибн Зиёд 676 йил Хуросон амирлигидан туширилгандан кейин Саъид ибн Усмон Хуросон амири бўлди ва Жайхун дарёсидан ўтиб Бухорога келди (Ан Наршахий, “Бухоро тарихи” Т. “Камалак” 1991 йил, 115-саҳифа).

Нажмиддин ан-Насафийнинг “Самарқандия” (“Ал Қанд фий зикри уламои Самарқанд”) китобларида қуйидаги маълумотни келтирган: “Руфайъ ибн Михрон Саъид ибн Усмон билан бирга Амударёдан биринчилардан бўлиб кечиб ўтди ва Мовароуннаҳрда биринчи бўлиб азон айтди. Ўшанда Саъид ибн Усмон исми Руфайъ, кунияси Абулолия бўлган кишининг дарёдан биринчи бўлиб кечиб ўтиб, биринчи бўлиб азон айтганини эшитиб: “Бу галаба қозона жағимизга далилдир” деб хушнуд бўлди, чунки Руфайърифъат “олий мақом”, “юксалиш”, Абулолия эса “юксакликка, чўққига кўтарилган” деган маънодадир.

Саъид дарёдан кечиб ўтгач қирғоқда икки ракъат намоз ўқиди, сўнг у бир кишининг ўз ҳамроҳини “Эй, Зафар!” деб чақирганини эшитиб: “Иншооллоҳ, зафар қозонажакмиз!” -деди¹⁸.

Саъид ибн Усмон 705 йил вафот қиладилар, қабрлари Мадинададир. Саъиддан ташкари Амр ва Аббон (Уббон) исмли Усмон ибн Аффон р.а. нинг ўғиллари ҳам бўлган. Демак, Бухоро фатҳида Саъид билан бирга Ҳазрат Уббон ҳам келганлар ва Бухорода бир муддат яшаганлар.

“Сияру Аълومин Нубало”, “Табақоти ибн Саъид” китобларида Уббон ибн Усмон ҳақларида маълумот бор. Уббон - фақих, муҳаддис, тобеин бўлиб, халифа Абдумалик ибн Марвон замонида Мадинада 7 йил волий (ҳоким)лик этиб, 724 мелодий йил Мадинада вафот қиладилар. Қабрлари Мадинада ҳисобланади.

Ушбу далиллардан маълум бўлаяптики, Бухородаги Хожа Уббон зиёратгоҳлари Ҳазрат Уббон ибн Усмоннинг қадамжолалари экан.

¹⁸ Насафий, “Самарқандия” Т. Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. 2001 йил 18-19-саҳифалар

Ҳазрат Уббон тобеин, фақиҳ, муҳаддис, валиюллоҳ дедик, у кишига Аллоҳ таоло тери (пес, экзема) касалликларини даволаш кароматини берган.

Бухородаги Ҳожа Уббон зиёратгоҳига аср-асрлардан бери касаллар келиб, сидкидилдан ихлос билан Аллоҳ таолодан дардига шифо сўрайди, албатта Аллоҳ уларнинг касалига шифо беради. Ушбу зиёратгоҳдаги кудук суви ғоят шифобахшдир. Йил ўн икки ой ушбу зиёратгоҳда турли ирққа мансуб беморлар турли жумҳуриятлардан келиб маълум муддат турадилар.

2003 йил саховатпеша инсон Хайридин Рустамов ҳомийлигида ушбу зиёратгоҳда катта гумбазли дарвозахона, дарвоза ва дарвозахона биқинида иккита шинам хужра бино этилди. Уббон масжиди имоми Ҳожи Абдуманноф бобонинг сайъ-ҳаракати билан Уббон қадамжолари устида мақбара қад кўтарди.

Ҳожа Уббоннинг шажаралари куйидагичадир: Ҳазрат Ҳожа Уббон ибн Усмон ибн Аффон ибн Убульос ибн Умайд ибн Абдушамс ибн Абдуманноф ибн Қусайй ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Молик ибн ан Назр ибн Кинона ибн Хузайма ибн Мудрика ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маъадд ибн Аднон ал Қурайший¹⁹.

Ҳазрат Ҳожа Уббон ҳақларида юқорида номлари зикр этилган китоблардан ташқари Мир Муҳаммад Бухорийнинг “Убайдуллонома”, Мулло Муҳаммад Обиджоннинг “Тухфатул обидин” китобларида маълумот келтирилган. “Тухфатул обидин” китобида Машрабнинг мухаммаслари бор:

**Баъдазон шаҳри Бухородин чиқиб бўлсак равон,
Сурма қилсак кўзга бориб хоки роҳи Гиждувон.
Жилва қилса дийдаларга равзаи Моҳитобон,
Кўзга суртиб туфроғин дилдан кетиб рангу хон.
Миннати ҳамсухбату элдин канор истар кўнгил,
Қум ичинда Ҳожа Уббондин излаб даво.
Кеча ётиб эрта қилсак орзуйи Нурато,
Гўта урсак моҳи янглиғ чашмаи раҳмат аро.
Тун бориб тоғ узра ётиб фажрни қилсак адо,
Кема айлаб Нухдек сайри Бухоро истар кўнгил²⁰.**

Бухоро шаҳрида “Ҳожа Уббони” номли гузар ҳам бўлган²¹.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ҳожа Уббон зиёратгоҳларида бир неча қабрлар бор. Бу қабрларда кимлар дафн этилгани ҳақида ҳозирча маълумот тополмадик.

ҲАЗРАТ БУРҚИ САРМАСТ

Ҳазрат Бурқи Сармаст зиёратгоҳлари Бухоро вилояти, Шофиркон туманидаги Вардонзе тепададир.

¹⁹ “Самарқандия”. 25-саҳифа

²⁰ “Тухфатул обидин”. “Бухоро” нашрнети. 2000 йил, 79-саҳифа

²¹ О.А.Сухарева. “Квартальная община позднефеодального города Бухара”. Москва. изд-во “Наука”. 1976 г. 183-стр

Оғзаки маълумотларга қараганда Бурқи Сармаст Мусо алайҳиссалом замондошлари бўлганлар. Маълумки, Мусо а.с.нинг туғилганларига 5764 йил бўлган.

Ҳазрат Бурқи Сармаст Аллоҳнинг ошиғи, валиюллоҳ эдилар. Бурқи Сармаст зиёратгоҳлари Хоразмда, Душанбеда ва бошқа жойларда ҳам бор. Оғзаки нақлларда айтилишича, Ҳазрат Бурқи Сармаст Аллоҳга: “Дўзахингни барҳам ур!” -деб эркалик қилиб, бир неча йил муножот этадилар. Аллоҳ иккита фариштани одам суратида юборади. Улар бир эшакка ўтин ортиб Бурқи Сармаст ёнларига келади ва ўтин ўз-ўзидан қулаб тушади. Ул икки зот Бурққа қараб: “Ўтинларни эшакка ортиб бер!” -дейдилар. Бурқ Аллоҳнинг зикри билан банд бўлиб, уларга эътибор бермайди. Шунда улар бир таёқ билан Бурқни роса калтаклайди. Дард жонидан ўтгандан кейин, бу зулмга чидай олмай Бурқ: “Ё Аллоҳим! Дўзахингни кенгроқ эт! Ман пургуноҳ бандангни гуноҳидан кеч! Ман билмаган эканманки, дўзахбоп кишилар ҳам бор экан” -дебди.

Вардонзе тепадаги Бурқи Сармаст зиёратгоҳларида қабр ва туғ бор. Бу ер Бурқи Сармастнинг қадамжолари деб аср-асрлардан бери эъзозланади. Ушбу қадамжога кўплаб зиёратчилар келади. Қадамжо яқинида жомеъ масжид бор.

ҲАЗРАТ СУФИЁНИ САВРИЙ ҚАДАМЖОЛАРИ (715-778)

Бухоро шаҳридаги Тўпхон гузарида Ҳазрат Шайх Суфиёни Саврий қадамжолари бор. Ушбу зиёрагоҳда қадимда масжид, дарвозахона бўлган. Зиёратгоҳда ўндан зиёд қабрлар мавжуд. Гарчи қабрларнинг устида ёзувли мармартошлар бўлса-да, лекин вақт ўтиши билан бу ёзувларнинг хати ўчган. Уларни ўқишнинг иложи йўқ.

Суфиёни Саврий қадамжолари ҳақида “Тарихи Муллозода”, “Тухфат аз зоирин” китобларида ёзилган. Манбаларда таъкидланишича, бу ерда Суфиёни Саврий дафн қилинмаганлар. Ушбу зиёратгоҳ қадамжодир.

Суфиёни Саврий ҳақларида Фариддин Атторнинг “Тазкиратул авлиё” китобларида ёзилган: “Ҳазрати Шайх Суфиёни Саврий, қоддасаллоҳу сирраҳу, шайхларнинг улуғларидан бўлиб, халифаликни қабул этмаган зотдир. Зоҳир ва ботин илмларида назари йўқ эрди²².

Бир куни (ҳазрати Шайх) масжидга аввал чап оёғини босиб кирган эди, бир овоз эшитди: “Ё Савр! (Эй, хўкиз) Нечун ўнг оёғинг билан кирмадинг?” Суфиён Саврий бу садони эшитиши билан беҳуш бўлди. Хушига келгач, қўли билан соқолига ёпишиб, ўз юзига бир неча тарсаки урди ва деди: “Бир суннатни тарк этиб, адабсизлик қилганинг учун отингни Савр қўйдилар, яна бир адабсизлик қилсанг, тасаввур этгилки, не дерлар!”

Бир куни экинзор ичига кирганида, овоз келди: “Ё Савр! Банда Ҳақдан иноят етса, унинг оёғини ва жамъи андомини ярамас ишлардан сақлағайдир!”

Суфиён ҳазратлари бетоб бўлиб қолди. Халифанинг жуда ҳам содиқ бир насоро (христиан) табиби бор эди, уни Суфиённи даволамоқ учун жўнатдилар. Шайхнинг пешобини шишага солиб кўрди.Бошини чайқаб йиғлади: “Бу

²² Ф. Аттор.”Тазкиратул авлиё”. Т. 1997 йил. 43-45-б

Саврнинг Аллоҳ таоло кўркувидан жигари пора-пора бўлибди”, -деди. Филҳол, зуннорини кесиб мусулмон бўлди. Халифа: “Биз ҳақимни бемор ҳузурига жўнатдик, деб ўйлабмиз. Магар беморни ҳақимга жўнатган эканмиз!” -деди.

Суфиённинг ёшлик чоғидан бели букилган эди. Ундан сўрадилар “Сенинг туғишганларинг барчаси тик, саломат. Сенинг бундай заиф бўлиб қолишингни сабаби нима?” Суфиён деди: “Ғоят олим бир устозим бор эди. Ундан илм ўрганар эдим. Бу зотга ўлим ҳолати келди. Мен бошида ўтирар эдим. Ногоҳ кўзини очиб, менга қараб деди: “Эй, Суфиён! Кўраяпсанми, мени нима қилурлар? Эллик йил: одамларга дарс бераман, халқни тўғри йўлга бошлайман. Энди замон мени, керак эмассан, дейдилар” -деди. Ҳар қанча иймон талк этмайин, иймон келтирмади. Дунёдан иймонсиз кетди. Энди буни кўрган кишининг бели букилмай, нима қилсин?!” -деди.

Суфиён дер эдики, тўрт хислат кофирлик келтирур: бир кишини кўрмасдан ғийбатини қилмоқ, зеро кишининг айбини кўрмай сўзламоқ ғийбатдур, бу ғайбга ҳукмдир. Ғайбга ҳукм эса куфрдир. Мусулмонларнинг молига ҳасад қилмоқ - Аллоҳнинг берганини раво кўрмасликдир, кимки Аллоҳнинг берганини раво кўрмаса, кофирдир. Ҳаром мол топмоқ қиёмат ҳисобига ишонмасликдир, кимки қиёмат ҳисобига ишонмаса, кофир бўлур. Гуноҳи кўп, деб Ҳақ раҳматидан умид узмоқ, ўз гуноҳларини Ҳақ раҳматидан ҳам кўпроқ, деб билмоқ бўлур. Бу ҳам куфрдир.

ҲАЗРАТ АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ МУБОРАК (736-797)

Ҳазрат Абу Абдурраҳмон Абдуллоҳ ибн ал Муборак ал Ҳанзалий ал Марвазий ал Хуросоний - табаъа тобеъинлардан бўлиб, буюк муҳаддис, фақих, валиюллоҳ, улуг сўфий, аллома, шоир, саховатли зот ва шижоатли инсон эдилар. Бу зоти шариф 736 йили Марв (ҳозирги Мори)да туғилганлар.

Ф.Аттор ёзадилар: “Абдуллоҳ ибн Муборак ҳазратларини шаҳаншоҳи уламо дер эдилар. Илм ва шижоат, ҳунар ва саховатда назири йўқ эрди. Ва ул ҳамманинг мақбули эрди ва таснифлари машҳурдир”²³.

Манбаларда таъкидланишича, Абдуллоҳнинг оталари ал Муборак ўта тақводор, фозил зот бўлган. Нақл этилишича, ул киши бир бойнинг боғида боғбонлик қиларди. Бир кун хўжайин: “Менга ширин анордан узиб келтир!” - деди. Ҳазрат Муборак анор олиб келдилар. Лекин улар ширин эмас эди. Танбеҳдан сўнг яна бошқа дарахтдан анор олиб келдилар. Улар ҳам ширин эмасди. Хўжайиннинг жаҳли чиқиб: “Шунча йилдан бери бу боғда боғбонлик қилиб, қайси анор ширин, қайсиси нордон билмайсанми?” деганда, Муборак: “Билмайман!” -дедилар. Хўжайин: “Нечук билмайсен, нахотки уларни татиб кўрмаган бўлсанг?” -деди ҳайратланиб. Муборак дедилар: “Мен уларнинг бирортасини ҳам татиб кўрганим йўқ. Менинг касбим боғбонлик. Боғни парвариш қиламан. Менинг касбим уларни татиб кўриш эмас. Чунки сиз менга булардан истеъмол қилиш учун руҳсат берганингиз йўқдир!”. Хўжайин

²³ Ф.Аттор, «Тазкиратул авлиё», 41-саҳифа

Муборакнинг бу тақвосини кўриб, ўз қизини у кишига никоҳлаб берган экан. Ҳазрат Абдуллоҳ мана шу никоҳдан туғилганлар²⁴.

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн ал Муборак дейдиларки, мен бир минг бир юз шайхдан ҳадис ёзиб олдим. Уларнинг ичида улуғларидан Суфиёни Саврий ҳам бор эди.

Ҳазрат Абдуллоҳ Кўфа шаҳрида бўлиб, Ҳазрат Имоми Аъзам Нўъмон ибн Собитдан фикҳ илмини ўрганганлар. Шунингдек, бу зоти шариф Молик ибн Анасдан ҳам фикҳ бўйича таълим олган. Ҳазрат Макка, Мадина, Басра, Куфа, Бухоро, Миср ва бошқа шаҳарларда бўлиб илм ўрганганлар ва толиби илмларга илм ўргатганлар.

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муборакнинг даражалари шу қадар улуг бўлдики, бир кун даврага Абдуллоҳ ибн Муборак кириб келаётганларида Суфиёни Саврий: “Мархабо, Машрикзамин буюги!”- деганда, Ҳазрат Фузайил дедилар: “Ва Мағрибзамин ва унинг ораси буюги, мархабо!”.

Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муборакнинг ҳаётлари тилларда дoston бўлган. Ул зоти шариф бир йил тижорат билан шуғулланар, бир йил ҳажга борар, бир йил ғазотга иштирок қилар эдилар. Ҳазрат Абдуллоҳ дейдиларки: “Агар беш буюк зот дунёда бўлмаганда мен ҳаргиз савдогарлик этмас эдим. Бу зоти шарифлар: Суфён ас Саврий, Суфён бин Уяйна, ал Фузайл бин Иёз, Муҳаммад ас Самак ва Ибн Аммия”.

Ҳазрат Абдуллоҳ мана шу буюк зотларга ва бошқа толиби илм, етим-есир, камбағалларга топган пулларини саховат қилардилар.

Ҳазрат Абдуллоҳ дер эдилар: “Мен фазилатлик ва садоқатли кишиларнинг жойини биламан. Улар ҳадис учун ҳаққоний хизмат қиляптилар, улар одамларнинг ёрдамларига муҳтождурлар ва агар биз уларни ташлаб қўйсақ, уларнинг илмлари зое бўлади. Агар одамлар уларга ёрдам берсалар, улар Муҳаммад с.а.в.нинг умматларига илм тарқатадилар. Пайгамбарликдан кейин илм тарқатишдан афзалроқ нарсани билмайман²⁵.

Манбаларда Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муборакнинг қуйидаги китоблари айтилган:

1

1. Китоб ас Сунан фил Фикҳ. 2. Китоб ат тафсир. 3. Китоб ат тарих. 4. Китоб ал бирри вас силати. 5. Китоб аз зуҳд ва рақоик. 6. Китоб ал жиҳод.

Ҳазрат Абдуллоҳнинг жуда кўп шогирдлари бўлган. Жумладан, Имом ал Бухорийнинг оталари Ҳазрат Исмоил Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муборакдан сабоқ олган. Кейинчалик Имом ал Бухорий 16 яшарликларида Абдуллоҳ ибн Марвазийнинг ва Вокиъ ибн Жарроҳларнинг китобларини, яъни уларнинг китобларига киритилган пайғамбар с.а.в.нинг 70 минг ҳадисларини ёдлаганлар.

Нақл қиладиларки, Ҳазрат Абдуллоҳ бир йил дўсту ёронлари билан ҳажни ният қилганлар. Ва дўстларига: “Ҳаж йўлида сарфламоқчи бўлган пулларингизни менга беринг. Йўлда не сарф-харажат бўлса, ундан мен сиз учун истифода қиламан!” -деб, барчаларининг ҳамёнларини олиб, ҳамёнлар устида исмларини ёзиб бир сандиққа қўйибдилар, ҳажга боргунча уларни зиёфатлар

²⁴ Исмоил Ҳожи Райхон ўғли, “Абдуллоҳ ибн ал Муборак ал Марвазийнинг ҳаёт йўллари” Қарши “Насаф” нашриёти, 2001 йил, 29-30-саҳифалар.

²⁵ Исмоил Ҳожи Райхон ўғли. “Абдуллоҳ ибн ал Муборак ал Марвазийнинг ҳаёт йўллари”. 21-саҳифа

этибдилар. Ҳаждан сўнг уларнинг ҳар бирининг хоҳишига кўра совға-саломлар олиб берибдилар. Қайта манзилга етиб келгандан сўнг ўша сандиқни очиб, ҳар битталарининг ҳамёнларини ўзига берибдилар.

“Бу йилги ҳажларингиз сарф-харажати бизни ҳисобдан бўлди, дуо қилинглар!”-дебдилар.

“Тазкиратул авлиё”да нақл этилишича, бир йили Абдуллоҳ ибн Муборак ҳажга бордилар. Ҳаж амалларини бажариб бўлгандан кейин, ухлайдилар. Тушларида осмондан иккита фаришта тушганини кўради. Ундан бири иккинчисига қараб: “Бу йил ҳажда 300 минг киши бор эди, аммо ҳеч бирининг ҳажи қабул бўлмади” -дейди. Абдуллоҳ ибн Муборак уларга қараб дейдилар: “Шунча азият чекиб, йироқ мимлакатлардан келганларнинг наҳот риёзати, меҳнати ройгон кетган бўлса?!”. Фаришта дейди: “Шом шаҳрида бир ямоқчи бор, уни Али ибн ал Муваффақ дейдилар, бу йил ҳажга келмоқчи эди, кела олмади. Фақат мужаррад ниятининг ўзи билан ҳаж қабул қилинди. Ва барча ҳожиларнинг ҳажи унинг шарофатидан қабул қилинди”.

Хожа Абдуллоҳ дейдиларки, мен уйқудан уйгонгандан сўнг, Шомга қараб йўл олдим ва Алини қидириб топдим. Кўрган тушимни унга айтдим. У наъра тортиб, беҳуш бўлиб йиқилди. Ўзига келгандан сўнг, ундан ҳолини сўрадим. У деди: “Ё Шайх! Уч йилдирки, ҳажни ният қиламан, аммо пулим етмаганидан бора олмайман. Бу йил беш юз танга йиғдим. Ҳажга ҳаракат қилаётган пайтимда, менинг хомиладор рафиқам қўшни уйдан келаётган гўшт ҳидини туйиб, кўнгли кетди, менга озгина берсин, деб қайта-қайта ёзғирди. Чиқиб, гўшт пишираётган қўшнимдан озгина сўрадим. Бермади. Сабабини изоҳлаб, учкундан бери болалари оч ётганини, қўрқув билан ҳаром ўлган ҳайвоннинг гўшtidан кесиб келтирганини, ўчоқда пишаётган гўшт ўша эканини айтди. Ва йиғлади. Буни кўриб, юрагим ачишди, беш юз тангамни олиб чиқиб, садақа қилиб бердим. Бу йил менинг ҳажим шу бўлсин, дедим”.

Нақл қиладиларки, бир кун Абдуллоҳ ибн Муборак кўчадан ўтиб кетаётган эдидар. Кўзи кўр бир одам сарсари юрарди. Унга дедилар: “Мана Абдуллоҳ ибн Муборак ўтаётирлар!” Кўзи кўр киши Ҳазрат Абдуллоҳнинг этақларидан тутиб деди: “Менинг ҳақимда дуо айланг, токи Аллоҳ кўзларимга нур ато этсин!” Абдуллоҳ ҳазратлари сидқидилдан дуо этдилар, шу заҳот кўрнинг кўзлари очилди.

Манбаларда ёзилишича, Ҳазрат Абдуллоҳнинг оталари турк, оналари хоразмлик бўлган. Шундай нақл қиладиларки, бир кун Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муборак масжиддан чиқиб келаётган эдилар. Ул зотнинг эгниларида қимматбаҳо кийим, атрофларида беҳисоб кўп мурид бор эди. Буни кўриб бир сайидзода (яъни Ҳазрат пайғамбар с.а.в.нинг авлодлари) деди: “Эй, насаби паст зот! Мен пайғамбар с.а.в.нинг авлодлари бўла туриб, хору зор! Сен эса паст кишининг наслидан булсанг-да, мунча дабдаба асъасада юрибсан!” Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муборак дедилар: “Мен сизнинг бобонгиз, яъни Ҳазрат Расули Акрам с.а.в. меросларини эгалладим. Шу боис азизу мукаррам бўлдим. Сиз менинг бобомнинг меросини эгалладингиз, яъни илмсиз, жаҳолатда қолдингиз, шу боис хор бўлдингиз!”

Кечаси Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муборак пайғамбар с.а.в.ни туш кўрдилар. Ҳазрат пайғамбар с.а.в.нинг чехраларида ғамгинлик намоён эди. Унинг

сабабини сўраганда, ул зоти шариф дедилар: “Бизнинг фарзандимизга танбеҳ бердингиз-ку!”

Худди шу кеча сайидзода ҳам пайғамбар с.а.в.ни туш кўрди. Унга Расули Акрам с.а.в, дедилар: “Агар сенинг амалларинг жойида бўлганда эди, Абдуллоҳ сенга танбеҳ беролмасди!”

Саҳарда Абдуллоҳ ибн Муборак уйғониб, узр сўрамоқ учун сайидзода уйи томон равона бўлдилар. Сайидзода ҳам уйғониб, Абдуллоҳдан узр сўрамоқ учун йўлга чиқди. Улар йўлда учрашиб бир-бирларидан узр сўрадилар.

Нақл қилардиларки, Саҳл бин Абдуллоҳ доимо Ҳазрат Абдуллоҳ бин Муборакнинг дарсларида ҳозир эди. Бир кун у деди: “Эй, Абдуллоҳ, нега ўз канизакларингга танбеҳ бермайсан. Улар томнинг лабидан туриб, мени ҳузурларига чорламоқда! Энди мен қайта сенинг дарсингга келмасмен!” Абдуллоҳ ибн Муборак асҳобларига қараб дедилар: “Эй, асҳобларим, тайёр бўлингки, ҳозир Саҳл бин Абдуллоҳнинг жанозасини ўқирмиз!” Дарҳақиқат, бир неча дақиқадан сўнг Ҳазрат Саҳл вафот қилдилар ва ул зотни жанозасини ўқиб, дафн этдилар. Асҳоб сўрадиларки: “Эй, Шайх! Саҳлнинг ўлишини қаердан билдингиз?» Абдуллоҳ ибн Муборак дедилар: “Саҳлни ўзларининг ҳузурларига чорлаётганлар фаришталар эдилар. Зеро менинг уйимда канизак йўқдур. Мана шу чорловдан билдимки, Саҳлнинг вақту соати етишибдур!”

Нақл қиладурларки, бир кун Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муборакдан сўрадилар: “Қай хислат инсонга энг фойдалироқдир?” Ул зот дедилар: “Ақли вофир (яъни мўл ақл, ақли бисёр)”. Яна сўрадилар: “У ҳам бўлмаса-чи?” Дедилар: “Меҳрибон дўст бўлсин, токи ул билан ҳар бир ишини машварат қила олсин!” Яна сўрадилар: “У ҳам бўлмаса-чи?”

Дедилар: “Доимий хомушлик (яъни доимий сукут)”. Яна сурадилар: “Уни этолмаса нетсин?” Дедилар: “Унда ўлсин!”

Абдуллоҳ ибн Муборак дедилар: “Ҳар кимда адаб йўқ, суннатдан |маҳрум бўлур. Ҳар кимки суннатни тутмаса, фарзлардан маҳрум бўлур. Ҳар кимки фарзларни бажармаса, маърифатдан маҳрум бўлур. Ҳар кимки маърифатдан маҳрум бўлса, тавҳиддан маҳрум бўлур. Ҳар кимки тавҳиддан маҳрум бўлди - кофир бўлди”.

Ҳазрат Абдуллоҳ 797 йил Фурот дарёсининг ёқасидаги Ҳийт қишлоғида вафот қилдилар. Кейинчалик Амир Темур бу зоти шарифнинг жасадларини Қашқадарёдаги Муборак шаҳрига келтириб дафн қилган. Айни шу кунларда бу ер обод зиёратгоҳдир. Марвда ҳам Ҳожа Абдуллоҳ Муборак зиёратгоҳлари бор.

АБУ ҲАФС КАБИР АЛ БУХОРИЙ (ИМОМ ҲОЖАТБАРОР) (767-832)

Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс ибн ал Зиракон Абдуллоҳ ал Бухорий буюк фақиҳ, улкан аллома, валиюллоҳ, Моваруннаҳр уламоларининг устози эдилар. Ҳазратнинг исмлари Сайид Аҳмаддир. Улкан олимликлари боис “Кабир” (буюк), соҳибкаромат эканликлари боис “Ҳожатбарор» деб эл эъзозлаган. Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир Бухорода 767 йилда туғилиб, шу ерда 832 йилда вафот қилганлар. Қабрлари машҳур зиёратгоҳдир. Ҳожа Абу Ҳафс фақиҳ (ислом қонуншуноси) бўлиб, илмни Бағдоднинг буюк алломаси Имом Муҳаммад

Ҳасан Шайбонийдан (ваф.804 йил), Имом Муҳаммад Ҳасан Шайбоний эса илмни Абу Ҳанифа Нуъмон ибн Собит (699-767) ҳазратларидан ўрганганлар.

Абу Тоҳирхожанинг “Самария” китобида устодлар рўйхати қўйидагича давом эттирилган: Абу Ҳанифа илмни Имом Ҳаммод ва Иброҳим Наҳафийдан, у киши Имом Алқамадан, бу зоти шариф Абдулла Масъуд разияллоҳу анҳудан, бу зоти шариф эса Ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.дан илмни ўрганганлар²⁶.

Абу Ҳафс Кабир шарофатларидан Бухоройи шариф “Куббатул ислом” унвонини олган, Ҳазрат Абу Ҳафс илму фазллари юкори баҳолаб, у кишига “муаллими ислом”, яъни ислом илмининг муаллими номи берилгандир. Абу Ҳафс фикҳ илми ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳанафий мазҳабини Ўрта Осиёда ёйилишида улкан хизматлар қилганлар.

Наршахий ёзадилар: “Бухоро аҳолисининг илмли бўлишига, Бухорода илм кенг тарқалишига ва имомлар, уламоларнинг ҳурматли бўлишига Абу Ҳафс Кабир сабабчидир. Унинг ўгли Абдуллоҳнинг (ваф. 877 йил) ҳам илми шу даражада эдики, ҳожилар карвони ҳаждан қайтиб келаётганда уларнинг уламолари Хожа Абу Ҳафс олдига келиб, ундан масъала сўрар эдилар. Шунда Абу Ҳафс: “Ўзингку Ироқдан келяпсан, нима учун Ироқ олимларидан сўрамадинг?” -деганда, у олим: “Бу масъалада Ироқ олимлари билан мунозара қилдим, улар жавоб бера олмадилар ва менга Бухорога борганингда бу масъалани Хожа Имом Абу Ҳафс Кабир Бухорийдан ёки унинг фарзандларидан сўра!”- дедилар. Ана шундан кейин Абу Ҳафс улар масаласининг жавобини тўғри ечар эди»²⁷.

Маълумки, Бухорода Қутайба ибн Муслим томонидан 712 йил биринчи масжид бино қилинган эди. Ушбу масжид ҳам мактаб, ҳам ибодатхона, ҳам мадраса вазифасини ўтаган. Шарқшунос А.Б. Холидов Мовароуннаҳр ва Хуросонда илк бора мадрасалар барпо эгилганини зикр этиб, биринчи мадраса Бухородаги “Фаржак” мадрасаси деган фикрни билдирган. Ушбу мадраса 937 йил ёнғин натижасида ёниб кетган. IX-XI асрларда фаолият кўрсатган Бухородаги Абу Ҳафс Кабир мадрасаси ҳам ўз замонасида машхур ўқув даргоҳларидан саналган. Ас Садатий “Тарих уд дувал” номли асариди Имом Абу Ҳафс Кабир ал Бухорийнинг мадрасаси ислом оламининг турли ўлкаларидаги олимлар орзу қилган мадраса бўлганлигини таъкидлаган.

Ас Самъонийнинг айтишича, Ҳазрат Абу Ҳафс жуда кўп олимларни тарбия этганлар. Ҳорис ибн Абул Вафо ал Бухорий, Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс аз Забарқон Ҳазрат Абу Ҳафс шогирдларидир.

Академик В.В.Бартольд у кишининг мақбараси устида “Мовароун наҳр уламоларинингустози” деган ёзув бўлганлигини айтган. Ҳазрат Абу Ҳафс ҳаётлари ҳақида жуда кўп манбаларда қизиқ қизиқ ривоятлар, ҳикоятлар берилгандир. Ҳазрат Сўфий Оллоёр ёзадилар:

**Бо Бў Ҳафс он Имоми Кабир,
Ба Бухоро ки шуд ижозаи пир.
Гуфт аз рўйи машварат бо жуфт:**

²⁶ А.Тоҳирхожа, “Самария”. Тошкент. “Камалак”. 1991 йил, 40-саҳифа

²⁷ Абу Тоҳирхожа. “Самария”, Наршахий. “Бухоро тарихи” ва бошқ. Тошкент. “Камалак” 1991 йил. 130-саҳифа

**“Яъни ба халқ ваъз бояд гуфт!”
Зани вай бо талаттуфи бисёр
Арз кард: “Эй, Имом бузругвор!
Қабл аз ин ҳеч вақт аз як шай
Хўрдаи беризойи соҳиби вай?”
Гуфт: “Дар кўдаки ки мегаштам
Кўйи оташпарастон бигзаштам,
Хешро ба саройи ӯ бурдам,
Зи ӯ яке барги гандано хўрдам.
Чун ту гуфти, расид бар хотир,
Ғайр аз ин нест чизе дархотир.”
Гуфт: “То барги гандано дар туст,
Нафаси ту ба халқ бошад суст!”
Хожа ба сўйи он саро биштофт,
Соҳиби барги ганданоро ёфт.
Хожа ба ӯ ки гуфт арзи дил,
Соҳиби гандано накард бихил.
Гуфт Хожа: “Варо фуруш маро!”
Токи ба сад дирам расонд варо.
Гуфт: “Фардо жавоб хоҳам гуфт.”
Он мажусий бирафт пеши жуфт.
Сурати ҳолро ки арз намуд,
Хест аз жойи хеш жуфташ зуд,
Гуфт: “Ба барги гандано ин мард
Инқадар рўйи хешро созад зард,
Он чи ӯ рафта аст ҳақ дин аст,
Дини ӯро гузин ки кор ин аст!”
Чун баромад хуруш зин ду тан,
Гашт олам ба чашмашон равшан.
Ҳама атбоъи ӯ ки бишнейданд,
Дини оийини пок бигзейданд.
Сабаби тарси он бузурги даҳр
Як мажусий намонд дар он шаҳр.**

Ушбу ҳикоятдан маълум бўлаптики, Ҳазрат Абу Ҳафс Бағдоддан илм олиб Бухорога келадилар. Ҷаша асру айёмда ҳали Бухорода оташпарастлар ҳам бор экан. Ҳазрат Абу Ҳафс ваъзу, панду насиҳат этиб, элни дину диёнатга даъват қилмоқчи бўладилар. Шунда у кишининг хотинлари сўрайди: “Сиз умрингизда шубҳали таом истеъмол қилганингиз йўқми? Бировнииг дастурхонидан сўрамай бирор нарса еганингиз йўқми? Ундайларнинг гапи кишилар қалбим асло таъсир этмас!” Абу Ҳафс бу гапларни эшитиб узоқ ўйлайдилар ва бирдан сергак тортиб дейдилар: “Ёшлигимда оташпараст кўшнимнинг боғидан бир дона кўкат, яъни танданом кўкати олиб еган эдим Унинг ҳақини беришни фаромуш қилибман. “Хотинлари деди: “Бориб ул оташпарастни рози қилинг, андин сўнг амри маъруф этмоқ сизга мумкинدير. Йўқса ҳеч ким сизга эргашмагай!” Абу Ҳафс кўшнилариинг уйига бориб, бир дона кўкати болаликларида унинг боғидан сўрамай еганларини баён

қиладилар ва ундан ўшал кўка баҳосини сўрайдилар. Ўша пайтда бозорда бир боғлам танданом кўкатицинг нархи бир пул, яъни сариқ чақа бўлса-да, оташпараст узок тортишувдан сўнг юз дирҳам сўрайди. Ҳазрат Абу Ҳафс рози бўладилар. Оташпараст бу воқеани хотинига айтиб берганида, хотини унга танбеҳ бериб дейди: “Бу одам ўзи сиғинадиган Тангрисининг ғазабидан кўрқиб, бир неча йил олдин этган гуноҳини бўйнига олиб келибди. Бир пулга арзимайдиган кўкат учун юз дирҳам бермоққа, рози бўлибди. Эй, эр! Билгилки, унинг дини ҳақ экан. Биз ҳам Аллоҳга иймон келтириб, унинг динига қирайлик. У каби ҳалол-пок, ҳақгўй бўлиб яшайлик!” Ул оташпараст бутун оиласи билан мусулмон бўлган экан. Ҳазрат Абу Ҳафс шарофатларидан Бухородаги қолган оташпарастлар ҳам ислом динини қабул қилганлар ва Бухорода оташпараст қолмаган.

Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир “Ал ахвоъ вал ихтилоф” (“Ҳавои гаплар ва келишмовчиликлар”), “Ар раддул алал Лафзия” (“Юзаки қаровчиларга раддия”) ва бошқа асарлар муаллифи ҳисобланадилар²⁸.

Ҳазрат Абу Ҳафс Бухорода бир неча масжид ва мадрасалар куриб, толиби илмларга сабоқ берганлар²⁹.

Абу Ҳафс соҳибкаромат авлиё ҳам бўлганлар, у зоти шариф ҳузурларига қанақа муаммо, ҳожат билан борилса, муаммони ҳал қилганлар.

Шу сабабли бу зоти шариф Имоми Ҳожатбарор номини олганлар ва у кишининг хонақоҳларига олиб борувчи йўл Ҳақрах, ҳақиқатни топиш йўли деб аталган.

Ривоят этишларича, Бухорода Муҳаммад Толут исмли амир бўлган. Бир куни у ўз вазири Ҳошуяга: “Хожа Имом Абу Ҳафснинг зиёратига бориб, ул зот суҳбатларига етишайлик”-деганда, Ҳошуя амирга: “Абу Ҳафс ҳузурларида бўлганда ул зотнинг салобатлари босиб, ҳеч бир сўз айтолмай қолади киши”-дебди. Бу гапга ишонмай амир Абу Ҳафс ёнларига борибди ва Ҳазратга салом берибди-ю, бошқа ҳеч бир сўз айтолмабди. Хожа Абу Ҳафс: “Нима муаммо билан келдингиз?” деб сўраганда, амир ҳар қанча уринса ҳам ҳеч гапира олмабди ва ташқарига чиққандан сўнг Ҳошуяга: “Мен халифалар ҳузурида бўлганимда улар билан бийрон сўзлаша олгандим, лекин Абу Ҳафс салобатларидан ҳеч бир сўз айта олмадим!» -деди³⁰.

Ҳазрат Абу Ҳафс бир кеча кундузда Қуръони Каримни икки маротоба хатим қилар эканлар. Нақлларга кўра, Абу Ҳафс Имом Ал Бухорийга сабоқ берганлар.

Ҳазрат Абу Ҳафс асарларидан фойдаланиб жуда кўп алломалар, фақиҳлар китоб ёзган. Жумладан, “Чаҳор китоб”даги кўпгина фикҳий масалалар шунингдек, Суфий Оллаёрнинг “Маслакал Муттақин” китобларида Ҳазрат фатволаридан истифода қилинган. Ҳазрат Абу Ҳомид Ғаззолий “Мукошафатул қулуб” китобларидаги “Ғийбат - гап сўз – игво” бобида Ҳазрат Абу Ҳафснинг

²⁸ “Ислом энциклопедияси”. Тошкент -2004 йил 16 -саҳифа

²⁹ Абдулҳаким Шаръий Жузжоний “Ислом ҳуқуқшунослиги”. “Тошкент Ислом университети нашриёт”-2002 йил. 221 саҳифа

³⁰ Наршахий, “Бухоро тарихи”, 131-саҳифа.

қуйидаги гапларини мисол келтирган: “Бировни иғво қилишнинг гуноҳи бир Рамазон ойи рўза тутмасликнинг гуноҳидан ёмонроқдир. Ва яна Абу Ҳафс дейдиларки, ким бир фикҳ олимини ғийбат қилса, қиёмат куни пешонасида: “Бу Оллоҳнинг раҳматидан умид узгучидир”, деб ёзилган ҳолда келади”³¹ “Тухфатул обидин”да Мухлис Намангоний Ҳазрат Абу Ҳафс Кабирга бағишлаб шеър ёзган. Унда қуйидаги ибратли мисралар бор:

**Ул кеча қўйдинг Бухорога кадам, Эй, поки нур,
Беҳузур эрди халойиқ, топдилар ул дам хузур,
Хоки пойинг тўтиё айлаб очилмиш чашми кўр,
Шоми мотам мухтафий эрди етишгач субҳи сур,**

**Топти Исо жон дамнингди, балки амвоти қубур,
Ҳурматингдин то қиёмат кетмагай андин футур,
Ё Имомал муслимин Ё Хожа Бў Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дастгир.**

**Ерға тушдинг, уч кун ўтмай тонидинг Оллоҳни,
Ҳафта утди нақш этдинг зикри иллаллоҳни,
Чиқмайин чилланг қадам босиб тай этдинг роҳни,
Бир яшар бўлганда битдинг хатти «Бисмиллоҳни»,**

**Ёд қилдинг етти ёшингда Қалломуллоҳни,
Ўн ёшингда ундадинг Ҳаққа неча гумроҳни,
Ё Имомал муслимин, Ё Хожа Бў Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дасгир.**

**Синни покинг етти ўн бирга риёзат айладинг,
Қирдинг ўн иккига чилтан бирла суҳбат айладинг,
Ўн учингда кеча ётмасликни одат айладинг,
Ўн тўрт бўлганда Ҳазратни зиёрат айладинг,**

**Ҳам ўшал йил элга таълиму тиловат айладинг,
Сойим ўлдинг, икки кунга бир тиловат айладинг,
Ё Имомал муслимин, Ё Хожа Бў Ҳафси Кабир,
Руҳи покинг ожизу афтодаларга дасгир!³²**

Кўриниб турибдики, Ҳазрат Абу Ҳафс етти яшарликларида Қуръонни тўлиқ ёдлаган эканлар. Шеър давомида таъқидланишича, Ҳазрат Абу Ҳафс Хизр а.с. билан доимий ҳамсуҳбат эдилар. Ҳазратнинг кароматларидан кўзи ожиз кишининг кўзларига Аллоҳ нур ато қилган:

Рўзи дуввум ким ўқирдинг наъти поки Мустафо,

³¹ Абу Хомид Ғаззолий, “Мукошафатул кулуб”, Тошкент, “Адолат”- 2002 йил. 81-82 саҳифалар

³² “Тухфатул обидин”, “Бухоро”-2000 йил. 52-саҳифа

**Бўлди ҳозир ул халойиқ ичра марди нобино,
Саҳфани илгиндан олиб кўзга қилди тўтиё,
Баъд аз он пойинг ўпуб, йиғлаб деди: “Эй, порсо!
Найлайн аьмо эрурман йўкса бўлмасдим жудо,”
Дарҳақиқат халқ ичинда бўлди ул соат бино³³...**

Ҳазрат Абу Ҳафс хонақолари собиқ Иттифоқ замонида жамоа жамоа хўжалиги омборхонасига айлантирилган. Ҳовуз ахлатлар билан кўмилиб, унинг мрамартошлари ўғирланган эди. Хонақоҳ кун чиқар томонидаги хужралар, тоҳаратхоналар ярим вайрона ҳолига келтирилган эди.

Истиклол шарофатидан хонақоҳ асл ҳолига келтирилиб, намозхонлар ихтиёрига берилди. Ҳовуз, хужра, таҳоратхона, минора таъмирланган. Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир зиёратгоҳларида боғ барпо қилинди. “Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир” (Имом Ҳожатбарор) китоби нашр қилинди³⁴.

2009 йил Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир зиёратгоҳида улкан мақбара, янги жомеъ масжид, дарвозахона, гўзал боғ барпо этилди. Халқ ҳашари билан бунёд этилган ушбу XXI аср мажмуаси лойиҳасини истеъдодли архитектор М. Қ. Ахмедов яратган. Янги обидалар қадимий обидалар билан ғоят уйғун. Шуни ҳам эслатиб ўтиш жоизки, Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир номларидаги Ҳазрати Имом Дарвозаси ҳам қайта қад кўтарди. Бу дарвоза Бухорининг қадимги ўн бир дарвозасидан бири бўлган. Ушбу табаррук зиёратгоҳ Бухоро шаҳридаги Абу Ҳафс Кабир кўчасида жойдашган.

Шофиркон ва Пешкў туманларида ҳам Ҳазрат Имом Ҳожатбарор кадамжо зиёратгоҳлари бордир.

АБУ ҲАФС САҒИР АЛ БУХОРИЙ (ваф. 877)

Ҳазрат Абу Ҳафс Сағир Ҳазрат Абу Ҳафс Кабирнинг ўғиллари бўлиб, ислом оламида Абу Абдуллоҳ ал Фақиҳ номи билан машхур.

Ҳазрат Абу Абдуллоҳ илмни ўз оталари Абу Ҳафс Кабирдан ўрганганлар.

“Насабнома”да Абу Абдуллоҳнинг жуда кўп шогирдлари номлари зикр этилган, жумладан, Абу Ҳафс Ахмад ибн Ҳотам ас Сикачкасий Бухорий (ваф. 938 йил), Абу Бақр ибн Асад Сибадмуний, Абу Ахмад Ҳаким ибн Луқмон ар Ромоний ва бошқалар³⁵.

“Самария” асарида эса Ҳазрат Бурҳониддин Марғинонийнинг (1123-1197) устозлари силсиласи келтирилган. Ушбу силсилада Ҳазрат Абу Ҳафс Сағир Абу Абдуллоҳ ал Фақиҳ номлари ҳам бор. У силсила қуйидагича: Бурҳониддин Марғиноний Нажмиддин Умар ан Насафийнинг шогирди, у киши фахрул ислом ал Паздавийдан, ул киши Имом Шамсул аимма Ҳалвоийдан, бу зоти шариф Имом ал Саъдийдан, бу зот Имом Халил Абу Бақр бин Фазл ал Бухорийдан, бу киши Имом Абдуллоҳ бин Яъқуб Саъиддан, бу киши Абу Ҳафс Сағир Бухорийдан, бу киши ўз оталари Абу Ҳафс Кабир Бухорийдан сабоқ

³³ “Тухфатул обидин”, 53-саҳифа

³⁴ Садриддин Салим Бухорий. “Ҳазрат АбуҲафс Кабир”, “Бухоро” нашриёти, 2000 йил.

³⁵ “Насабнома”. 62-саҳифа

олганлар³⁶. Абу Абдуллоҳ ал Фақиҳ олим, обид, фақиҳ, валиюллоҳ эдилар. Оталари каби ханафия мазҳабини Ўрта Осиёга ёйишда жонбозлик кўрсатганлар. Шунини ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, бу зоти шариф жуда ҳам жасоратли бўлган. 874 йилда Хоразмдан Хусайн ибн Тохир келиб Бухорони талайди, шаҳарнинг кўп қисмини вайрон этади. Абу Абдуллоҳ ҳазратлари Самарқанддаги подшоҳ Наср ибн

Аҳмад Сомонийга мактуб ёзиб, Бухорога ҳоким юборишни илтимос қиладилар. 874 йил Наср ибн Аҳмад укаси Исмоил ибн Аҳмад Сомонийни Бухорога амир этиб жўнатади. Исмоил Сомоний шарофатларидан Бухорода тинчлик, барқарорлик, ободонгарчилик бўлган экан.

Абу Ҳафс Сағир 877 йил вафот қиладилар. Қабрлари оталари Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир ёнидадир.

АБУ ҲАФС САҒИР САФҚАРДАГИЙ

Абу Ҳафс Сағир Сафқардагий шайх, олим, муҳаддис, кароматли зот эдилар. Бу киши ҳақларида “Тарихи Муллозода”, “Тухфат аз зоирин” китобларида маълумот бор. Абу Ҳафс Сағир Сафқардагийнинг устодлари буюк муҳаддис, валиюллоҳ, фақиҳ Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муборак ал Марвазий бўлганлар.

Имом Абу Ҳафс Сағир Сафқардагийнинг муборак қабрлари Бухоро туманидаги Сафқарда қишлоғидадир. Бу зиёратгоҳ Газли йўлида бўлиб, Бухоро шаҳридан Сафқарда қишлоқигача тахминан тўрт километр.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, бир валиюллоҳ ўз кўзлари билан кўрибдики, бир кеча Имом Абу Ҳафс Сағир Сафқардагий қабрларидан минорадай нур кўкка кўтарилган экан.

МУҲАММАД ИБН САЛОМ ПАЙКАНДИЙ (БОЙКАНДИЙ)

(ваф. 841)

Ҳазрат Муҳаммад ибн Салом Пайқандий Қорақўл туманининг Пайкент (Бойкент) шаҳрида туғилиб, 841 йилда вафот қилган.

Бу зоти шариф зоҳид, олим, муҳаддис, фақиҳ бўлиб Имом ал Бухорийга сабоқ берганлар. Муҳаммад ибн Салом дерканлар: “Ёш Муҳаммад ибн Исмоил (яъни Имом ал Бухорий) ёнимда бўлса, ҳар гал хатога йўл қўймай деб юрагимни ҳовучлаб ўтираман.” Наршахий “Бухоро тарихи” китобида ёзадилар: “Зоҳид олим Муҳаммад ибн Салом Байқандий дейдиларки, мен тушимда пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.ни кўрдим. У киши Бухоронинг Харқон бозорида эдилар. Хабарда келтирилгач ўша туяга минган ва бошларида оқ кулоҳ кийган эдилар. Жуда кўп одамлар пайғамбар с.а.в.ни кўриб, хурсандчилик билан пешвоз олар ва у зоти шарифни қаерга туширамиз, дер эдилар. Шунда Ҳазрат пайғамбар с.а.в.ни марҳум Абу Ҳафс Кабир уйларига туширдилар. Мен Хожа Абу Ҳафсни кўрдим, у киши пайғамбар с.а.в. ёнларида ўтириб китоб ўқирди. Пайғамбар с.а.в. уч кун у кишининг уйида бўлдилар. Абу Ҳафс китоб ўқир, шу уч кун ичида пайғамбар с.а.в. унга ҳеч бир эътироз билдирмадилар ва

³⁶ “Самария”. 40-саҳифа

Ўқиганларининг ҳаммасини тўғри топдилар³⁷.

“Насабнома”да келтирилишича, Муҳаммад ибн Саломнинг устодлари Абу Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал Азғуний (ваф. 816 йил) бўлганлар. Шунингдек, Исо ибн Мусо ал Ғунжорий (ваф. 803 йил) ҳам Муҳаммад ибн Саломга ҳадисдан сабоқ берган эканлар.

Муҳаммад ибн Саломнинг шогирдлари эса қуйидагилардир: Аҳмад Волис ибн Абдушукур ибн Зайний Бухорий, Абу Заҳҳол ал Фазл ибн Хассон Сутикатий ва бошқалар.

АБУ МУҲАММАД ИСО ИБН МУСО АЛ ҒУНЖОРИЙ (ваф. 803)

Ҳазрат Абу Муҳаммад Исо ибн Мусо ал Ғунжорий - олим, фозил, муҳаддис, обид, содиқ эдилар. Бу зоти шариф Бухорода туғилиб, она шаҳарларида, шунингдек, Ироқ, Ҳижоз, Мисрда сабоқ олган. Ал Ғунжорийнинг устодлари Имом Молик ибн Анас (713-795) ва бошқа улуғ зотлар ҳисобланадилар.

Бу кишини “Ғунжорий” дейишларика сабаб шу эканки, икки юзлари доимо қип-қизил бўлган. Яъни чеҳларидан нур томарди.

Изиддин Али ибн Асир ал Жазирийнинг (1160-1234) “Ал лубоб фитаҳзиб ал ансоб” (Насл-насабларини аниқлаш) асрида Исо ибн Мусо ал Ғунжорийнинг фазилатлари, ҳадис жамлаш йўлидаги ибратли сайъ-харакатлари, у кишидан таълим олган олимлар номи келтирилган³⁸.

Наршахийнинг китобида қуйидаги воқеа баён қилинган: “Ғунжор деб машҳур бўлган раҳматли Исо ибн Мусо Тайминийга қозилик мансабини таклиф қиладилар, у қабул этмади. Султон унга, агар қозилик қилмасанг бирор кишини танлагин, биз ўшанга қозилик мансабини берайлик деган эди. Буни ҳам қабул қилмади. Султон қозиликка лойиқ кишилар номини унинг олдида бир-бир айтинглари деб буюради. Худди шундай қилдилар, аммо кимнинг номини айтсалар, у “лойиқ эмас” деяверди ва ниҳоят Ҳасан ибн Усмон Ҳамадоний номини тилга олганларида у сукут этди. Унинг сукути розилигидир дедилар-де, қозиликни Ҳасан ибн Усмон Ҳамадонийга бердилар. Бунинг замонида Хуросон шаҳарларида илм ва тақвода унга тенглашадиган ҳеч бир кишини кўрсата олмаганлар³⁹.

Мазкур парчадан кўриниб турибдики, Исо ибн Мусо ҳалоллик, поклик, ростгўйликда ўз замонасининг яғонаси бўлганлар. Абу Муҳаммад Ғунжорий Сарахс шаҳрида мелодий 803 йил вафот қилганлар. Самъонийнинг ал Ансоб китобида Ғунжорий ҳақларида маълумот берилгандир.

ҲАЗРАТ ОРИФАБИБИ ЗИЁРАТГОҲИ

Ҳазрат Орифабиби зиёратгоҳи Шофиркон туманида жойлашган. Бу ерда Орифабиби қабрлари, туғ, масжид бор.

³⁷ “Бухоро тарихи” 131-саҳифа

³⁸ У.Увватов “Имом ал Бухорий ҳаёти”. Тошент. “Шарқ”-1998 йил. 87-саҳифа

³⁹ “Бухоро тарихи” 89-бет

ХОКИ ПОЙИ БУХОРО (БИБИ КАБУДПЎШ)

Ушбу зиёратгоҳ Бухородан Лақлақа (Ромитан)га олиб боувчи қадимий йўл ёқасида бўлган. Газли йўли бино этилгандан сўнг, қадимий Лақлақа йўли бузилди.

Хоки Пойи Бухоро - Биби Кабудпўш зиёратгоҳи Бухоро тумани Шайхонча аҳоли пунктидадир. Собиқ Иттифоқ замонида зиёратгоҳдаги қабралар бузилиб, туғ олиб ташланган. Тепаликни текислаб ерга қўшмоқ мақсадида тракторни ишга солганлар. Лекин трактор ўз-ўзидан бузилган. Шундан сўнг тепаликни бузмоққа журъат қилолмаганлар.

АБУ САЪИД АББОД ИБН ЯЪҚУБ АЛ БУХОРИЙ (тах.800-864)

Абу Саъид Аббод ибн Яъқуб ар Раважоний ал Бухорний тарихчи аллома бўлиб, тахминан 800 йилда Бухорода туғилган.

Бу зоти шариф Кўфа шаҳрида фаолият олиб борганлар. Ҳазрат Абу Саъид ёзган тарихий китобдан парчалар Абул Фараж ал Исфаҳонийнинг асари орқали бизгача етиб келган (“Мозийдан таралган зиё”, 113-саҳифа).

Абу Саъид Аббод ал Бухорий 864 йил вафот қилганлар. Бу зоти шарифнинг жасадлари қаерда кўмилгани ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

ҲАЗРАТ БОЯЗИД БАСТОМИЙ (801-875)

Султонул орифин, бурҳонул муҳаққиқин (тахқиқ аҳли хужжати) Ҳазрат Боязид Бастомийнинг тўлиқ исмлари Имом Абдурахмон ас Суламийнинг(936-1021) “Табақоти суфиййа” китобларида берилгандир: “Абу Язид” (Боязид) Тайфур бин Исо Сарушон. Боязиднинг бобоси Сарушон мажусийларидан бўлган, кейинчалик исломни қабул қилган. Улар уч ака-ука бўлганлар: Одам, Тайфур ва Али. Барчалари зоҳид, улуғ шайхлар қаторидан жой олганлар. Ҳаммалари Бастом аҳлидандирлар⁴⁰.

Ушбу келтирилган иқтибосдан маълум бўлаяптики, Ҳазрат Боязиднинг исмлари Тайфур экан. Бу зоти шариф 801 йил туғилиб, 875 йилда марҳум бўлганлар. Ҳазрат Боязид Бастом (Эрондаги шаҳар)да туғилганлари боис Бастомий номи билан машҳур бўлдилар. Ҳазрат 113 та пирдан сабоқ олган экан. Лекин у зоти шарифдан сизнинг пирингиз ким деб сўралганда, айтган эканлар: “ Бир пиразан (кампир) дурким, бир куни тавҳид (Аллохнинг яккалигини таниш, Тасаввуф таълимотида ҳаққа етиш) сўнгги олий мақомининг ишорати ғолиблигидан сахрога чиқиб эрдим. Бир пиразан учради. “Бир қопдаги унимнн уйимга еткаруб бергил” –деди. Ва мени қопни кўтармоққа чоғим йўқ эрди бир шерни ишорат билан келтириб, уни шерга юклаб бердим. Кампирга дедимки: “ Шаҳарга борсанг, кимни кўрдим дерсан?” Кампир деди: “Бир золим ва такаббур кишини кўрдим, дерман”. Мен дедим: “Нега бундоқ дерсан?”. Кампир деди: “Худойи таоло шерни инсонга хизмат қилиш учун яратмаган. Нега сен уни хизматга таклиф қиласан? Бу зулм бўлмайдами?”. Мен дедим: “Оре, бу зулмдур. Лекин нега такаббур дединг?” У деди: “Анинг учунким, сенинг хоҳишинг улки шаҳар аҳли билгайларки, шер

⁴⁰ Имом Абдурахмон ас Суламий. “Табақоти суфиййа”.Т. “Фан”.2004 йил. 28-саҳифа

сенга мутеъ, фармонбардор бўлибдур. Соҳиб кароматсен. Бу такаббурлик эмасму?” Дедим: “Оре андоқдур! Зуд тавба қилдим ва баланддан пастга тушдим”⁴¹.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг “Насоимул муҳаббат” асарларида ёзилганки “Боязид Бистомий қ.т.а. аввалги табақадиндур. Оти Тайфур бин Исо Аҳмад Хулравайҳ ва Абу Ҳафс ва Яҳё Муъоз ва Шақиқи Балхийни кўруб эрди. Ул Рай асҳобидин эрди, аммо анга бир валоят эшиги очилдиким, анда мазҳаб падийдор бўлмади. Боязид қ.с. намоз қилса эрди, кўксининг сўнгақларидан қаъқаъа чиқар эди. Тенгри таоло кўркунчидан ва шарият таъзимидан. Боязид ўлиш вақтида дедиким: “Аллоҳим Сени фақат ғофиллик билан эсладим ва Сенга фақат сускашлик билан хизмат қилдим!” Бу сўзни деди ва жонни таслим қилди.

Оламдан ўтгандин сўнг (яъни Боязид вафот қилгандан кейин) туш кўрдилар, ҳолин сўрадилар, Боязид дедиким, мендин сўрадиларки, эй, қари не келтирубсен? Дедим, дарвеш подшоҳ эшигига келса, андин сўрамагайларки не келтирубсен? Сўрагайларки, не керак?⁴² “Табақоти суфиййада” Ҳазрат Боязиднинг қуйидаги ҳикматлари келтирилгандир: “Аллоҳ авлиёлар қалбига илм нуруни сочади. Лекин бу маърифат юкини софлигича сақлай олмайдиган бандаларини ибодат билан овора қилиб қўяди”.

Тўрт нарсада хато қилдим: Уни зикр этаяпман, Уни биламан, Уни севаман, Уни талаб қилаяпман, деб ўйладим. Аслида мендан олдин У мени зикр этган, мендан олдин У мени билган, мендан олдин У мени севган, мендан олдин У мени талаб қилган экан.

Агар инсон сен билан яқинлашиб, ёмонлик қилса, унга гўзал ахлоқ билан жавоб бер, шунда ҳаётинг гўзаллашади. Агар сенга яхшилик қилса, Аллоҳга шукронадан бошлагин, чунки кўнгиларни сенга иситган зот Удир.

Бир кеча меҳробда ўтирган жойимда оёқларимни чўздим. Шунда номаълум товуш қулоғимга шивирлади: “Подшоҳ билан ҳамсуҳбат одам гўзал одоблик бўлиши лозим!»⁴³

“Тазкиратул авлиё”да қуйидаги нақллар келтирилгандир: “Ҳотам Аҳмад Боязид ҳазратларининг муридларига берган насиҳатларини такрор қилар эди: “Қайси муридим жаҳаннам эшигида туриб, гуноҳкорларнинг ўрнига ўзини оловга ташлаб, азоб кўражак кишининг жаннатга қўйилмоғига васила (восита) бўлмас эса ундай муриддан безорман”.

Боязид ибодат ила машғул эканлигида кўнглига илҳом келди: “Ё Боязид! Хазиначарим қабул бўлган тоатлар билан тўлгандир. Шундай бир нарса келтирки, ул бизнинг хазиначада бўлмасин!” Боязид илтижо этди: “Худовандо, сенинг хазиначада бўлмайдиган нарса борми?” Худойи таоло марҳамат этдики: “Менинг ҳузуримда севимли бўлган нарса мискиннинг, мухлиснинг бечоралигидир”.

Боязид деди: Ҳаёт - илмда, роҳат - маърифатда, завқ - зикрдадир. Деди: Халқнинг ҳалокати икки нарсададир: биттаси-халқни ҳурмат қилмаслик, иккинчиси - ҳаққа шукр қилмасликдир⁴⁴.

⁴¹ Ф.Аттор “Тазкиратул авлиё” Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 1992 йил 26-37 саҳифалар

⁴² А.Навоий Мукамал асарлар тўплами. 17 том.Т. “Фан” 2001 йил, 48-49 саҳифалар

⁴³ Имом Абдурахмон ас Сулабий, «Табақоти суфиййа», 28-30-саҳифалар

⁴⁴ Ф.Аттор «Тазкиратул авлиё». 35-39 саҳифалар, Мирзо Кенжабек таржимаси

Ҳазрат Боязид Бастомийнинг қуйидаги шеърлари ҳам машҳурдир:

**Эй, ишқи ту кушта орифу омиро,
Савдойи Ту гум карда накўномиро.
Завқи лаби майгуни Ту оварда бурун
Аз савмаа Боязиди Бастомийро.**

Мазмуни: сенинг ишқинг орифни ҳам, бесавод омийни ҳам ўлдирди, сенинг савдойи ишқинг билан ҳамма бадном бўлди. Лаби майгунинг завқидан Боязид Бастомий ҳам савмаани тарк қилиб чиқди.

**Моро ҳама раҳба кўйи бадноми бод,
В-аз сўхтагон насиби мо хоми бод,
Нокомии мо ҳаст чу коми дили дўст,
Коми дили мо ҳамиша нокоми бод.**

Мазмуни: менинг ҳар бир тутган йўлим бадномликка йуналтиргандир, куйганлар ичра бизнинг насибимиз хомлик бўлмай. Бизнинг нокомлигимиздан дўст хурсанд бўлса, бизнинг мақсадимиз ҳамиша нокомлик бўлмай.

Ҳазрат Боязид Бастомий муридлари билан этган суҳбатларида қуйидаги масаллардан, ҳикматлардан фойдаланганлар ва “Ниначи ва чумоли” масалини айтиб, ундан ибрат олмоқликка чақирганлар, муридларни ҳалол меҳнатга даъват қилганлар. Маълумки, чумоли баҳордан бошлаб меҳнат қилади, у ёзда ҳам, кузда ҳам тер тўкиб ишлайди. Ўзига ин қуради, инига қиш учун озиқ-овқат жамлайди. Бир дақиқани ҳам бекорчилик билан ўтказмайди. Лекин ниначи унинг акси. У баҳор, ёз кезини ўйин-кулгу билан ўтказди. Натижада қишда бошпана, озиқ-овқат сўраб чумолининг олдига келади. Чумоли эса унга танбех беради. Вақтида умрни бекор ўтказмасдик керак эди. Баҳоринг, ёзу кезинг ўйин-кулгу билан, бекорчилик билан ўтди, ана энди қишинг мусибатли бўлади, дейди.

Дарвоқе, бу масални биз Иван Андреевич Крилов (1769-1841) жаноблари қаламига мансуб деб билардик. Бу масал дунёнинг 53 тилида Крилов шеъри деб таржима қилинган, инчунин, ўзбек тилида ҳам бир неча бор таржима қилинган. Ваҳоланки, Криловдан роппа-роса 1000 йил олдин ушбу масални Боязид Бастомий айтган эканлар.

Ҳазрат Боязид Бастомийнинг жасадлари Эрондаги Бастом шаҳридадир. У ерда улкан мақбара қурилган. Лекин ҳазрат Боязиднинг қадамжолари Бухоро, Навоий вилоятларида ва бошқа шаҳарларда бор. Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида Хожа Бўстон қадамжолари мавжуд. Лекин Навоий вилояти, Қизилтепа шаҳри, Бўстон Қўрғони, Мирзо Улуғбек кўчасида Султон Боязид Бастомийнинг қутлуғ қадамжолари, масжидлари, рамзий қабрлари бор. Ушбу зиёратгоҳ обод қилинаётир. Бу мазенинг қадимий номи Хожа Бўстондир. Ҳазрат номларидаги жомеъ масжиди намозхонлар ихтиёрига берилган.

ҲАЗРАТ АБУ ИСҲОҚ АС СУРМОРИЙ

(ваф.857)

Ҳазрат Абу Исҳоқ Аҳмад ибн Исҳоқ Ас Сурморий аз Зоҳид Бухоройи шарифнинг Сурмор кишлоғида туғилганлар. Бу зоти шариф Имом ал Бухорийга ҳадис илмидан сабоқ берган.

Имом ал Бухорий ўз китобларида Имом ас Сурморийдан ҳадис ривоят этган.

Абу Исҳоқ ас Сурморий ҳақларида Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал Исфаҳоний ўзларининг “Асоми машойих ал Имом ал Бухорий” (Имом ал Бухорийнинг устодлари исмлари) китобида маълумот берган.

Абу Исҳоқ ҳақларида “Насабнома”да ёзилганки: “Бу киши ҳақларида жуда кўп қиссалар ёзилган. Ҳазрат Абу Исҳоқ ўз замонасининг энг етук, энг шижоатли олими эдилар. Абу Исҳоқнинг устодлари қуйидагилардир: Усмон ибн Умар, Абудуллоҳ ибн Мусо, Амр ибн Осим, Яъло ибн Убайд, Абу Наим Фазл ибн Дақкин. .

Абу Исҳоқнинг шогирдлари Имом ал Бухорий, Муҳаммад ибн Исмоил ал Майдоний, Убайдуллоҳ Ибн Восиллардир.

Абу Исҳоқнинг ўғиллари Абу Сафвон Исҳоқ ибн Аҳмад ас Сурморий ҳам ўз оталаридан ҳадис илмини ўрганиб, алломаи замон бўлган.

Абу Исҳоқ Аҳмад таржимаи ҳоллари Ҳазрат Гунжорийнинг “Тарихи Бухоро” китобида ҳам келтирилгандир.

Абу Исҳоқ 857 йил вафот қиладилар45.

Атоқли аллома ас Самъоний Ҳазрат Абу Исҳоқ Аҳмад қабрларини зиёрат қилган экан.

МУҲАММАД ИБН ЮСУФ АБУ АҲМАД АЛ БУХОРИЙ

(IX аср)

Муҳаммад ибн Юсуф Бухоро вилояти, Қоракўл туманининг Бойкент (Пайкент) шаҳрида туғилганлар. Муҳаммад ибн Юсуф Ҳазрат Имом Бухорийга ҳадисдан сабоқ берган. Имом Бухорий ўз китобларида Муҳаммад ибн Юсуф Абу Аҳмад Бойкандийдан ҳадис ривоят қилганлар.

Муҳаммад ибн Юсуф ҳақларида Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Манда ал Исфаҳонийнинг “Асмои машойих ал Имом Бухорий” китобларида маълумот келтирилган.

ҲАЗРАТ ИМОМ АЛ БУХОРИЙ

(810-870)

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал Муғийра ибн Бардазбеҳ ал Жуафий ал Бухорий 810 йил Бухоро шаҳрида туғилганлар.

Муҳаммад (Имом Бухорий)нинг боболари Бардазбеҳ асли пайкентлик бўлган.

Муҳаммад ёш бўлган пайтда ногоҳ кўзлари ожиз бўлади. Муҳаммаднинг оналари такводор, дуоси ижобат бўладиган зот эди. Она ўғлини дуо қилади. Тушларида Иброҳим алайҳиссалом келиб, сенинг дуонг ижобат бўлди, дейдилар ва эртадан бошлаб Муҳаммад кўзлари яна кўра бошлайди.

⁴⁵ “Насабнома”. 60-61-б.

Муҳаммад ёшликдан Қуръони Каримни ёдлаган. Бухоро мадрасаларида Муҳаммад ибн Салом Пайкандий, Ад Дохилийлардан сабоқ олдилар.

Имом Бухорийнинг котиблари Муҳаммад ибн Ҳотим ёзганки: “Имом Бухорий 10 яшарликларидаёқ устодлари хатоларини тузатардилар, 16 яшарликларида Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий, Вакиъ ибн Жарроҳларнинг китобларини, шунингдек пайгамбар с.а.в.нинг 70 минг ҳадисларини ёдлаганлар”.

Имом ал Бухорий оналари ва акалари Аҳмад билан 825 йил ҳаж сафарига борадилар. Имом ал Бухорийнинг оталари Имом Исмоил ҳам муҳаддис бўлиб, Имом Бухорий ёшликларида оталари вафот қилган эдилар.

Имом Бухорий Макка, Мадина, Шом, Қоҳира, Басра, Кўфа, Бағдод, Марв шаҳарларида бўлиб, илм олганлар, ҳадис жамлаганлар

Нақл қилурларким, Басрада Имом Бухорий ҳадис дарсий дафтарсиз, қаламсиз қатнашиб, ҳеч нарсани ёзиб олмасканлар. Сабоқдошлари Имом Бухорийни синамоқ бўлиб, ўн олти кун олдин ўтилган дарсдан савол беришган ва ҳаммалари дафтарни очиб, ёзганларини кузатишган. Имом ал Бухорий кўзларини юмиб, устоддан эшитганларини бир бошдан такрорлабтилар, айрим сабоқдошлари хато кўчирган, баъзилари ёзиб олишга улгурмаган жумлалари бор экан. Имом такрорлаганларидан сўнг, улар ўз хатоларини тузатишибти ва Имом Бухорий хотираларига қойил қолишибти.

Имом Бухорий такво, саховат, меҳру мурувватда ҳам тенгсиз бўлганлар.

Имом Бухорий “Ал Жомий ас Саҳиҳ”, “Ал Адаб ал Муфрад”, “Ат Тарих ас Сағир”, “Ат Тарих ал Кабир”, “Китобул Виждон”, “Китоб ал Куна” ва бошқа ўнлаб асарларнинг муаллифи сифатида жаҳонга машҳур.

Имом Бухорийнинг тарих олдида этган хизматлари шу қадар улканки, биз XXI аср кишилари уни тасаввур қилишимиз қийин.

Пайгамбаримиз Муҳаммад с.а.в. вафотларидан кейин дину диёнатни заифлаштириш, шунингдек, мусулмонлар орасида нифоқ солиш мақсадида бир неча минг сохта ҳадислар ёзилган, китобларга киритилиб тарқатилган. Ҳар бир сохта ҳадис гўё улуғ бир портлагич (бомба) ҳисобланади.

600 минг ҳадисни жамлаб, 300 минг ҳадисни ёдлаб, шаҳарма- шаҳар гоҳ пиёда, гоҳ уловда кезиб, шунча ҳадислар ичидан 7275 ҳадиснинг саҳиҳ (ишончли) эканлигини исбот қилиш - буюк жасорат, улкан ақлу истейдод Худодод фаросатни талаб қиларди. Имом Бухорий ислом динининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган ва қиёматгача мусулмонларни адашувлардан асрай олган зот.

Имом ат Термизий ва яна юзлаб муҳаддислар Имом ал Бухорийнинг шогирдларидирлар.

Имом ал Бухорийнинг “Ал Жомий ас Саҳиҳ” китоблари тўрт жилддан иборат. Бу буюк асар ўзбек тилига тулиқ таржима қилиниб, нашр этилди.

Ислом оламида Қуръони Каримдан кейинги иккинчи мўътабар манба Имом Бухорий жамлаган ҳадислардир.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Имом Бухорий жаҳон кезиб, буюк аллома бўлиб Бухоройи шарифга қайтиб келадилар. Бухорода толиби илмларга ҳадисдан сабоқ бера бошлайдилар. Лекин ҳасадгўй, сохта олимлар Имом ал Бухорийни амирга ёмонлашади. Ўша пайт Холид ибн Аҳмад аз Зухайлий Бухоро амири бўлган экан. Амир Имом ал Бухорийни ўз она шаҳарларидан

бадарга қилади. Ҳазрат Самарқандга бориб, Пойариқ тумани, Хартанг қишлоғида бир неча муддат яшаб, 870 йил марҳум бўладилар.

Абу Тохирхожанинг ёзишича, у кишининг қабрларидан анча вақтгача мушкдан ҳам хушбўйроқ ҳид таралиб турган. Тажрибада кўрилганки, кимки “Саҳиҳи Бухорий”ни бошига кўтариб, шаҳар ва маҳаллаларни айланиб чиқса, албатта ўша шаҳар ва маҳалла аҳлини Аллоҳ таоло офатлардан сақлаган⁴⁶.

1998 йилда Юртбошимизнинг ташаббус ва фармонлари билан Имом ал Бухорийнинг 1225 йиллик юбилейлари жаҳон миқёсида юртимизда нишонланди. Имом Бухорий қабрлари устида улкан гумбаз - мақбара, мақбара ёнида улкан жомеъ масжиди ва бошқа бинолар қурилди. Бу ерда XX аср обидаси қад ростлади.

Бухоро шаҳрида Чашмаи Аюб зиёратгоҳи рўпарасида Имом ал Бухорий қадамжо зиёратгоҳлари барпо этилгани таҳсинга лойиқдир.

Имом ал Бухорийнинг “Ал Жомий ас Саҳиҳ” китобларидаги ҳадисдардан намуналар:

Бир-бирингизни ёмон кўрманглар, бир-бирингизга ҳасад қилманглар, аразлашманглар, ака-ука тутиниб, Аллоҳнинг солиҳ бандалари бўлинг. Муслмон одам ўз биродари билан уч кундан ортиқ аразлашмасин!

Мунофиқлик белгиси учта: ёлғон гапиргай, ваъдага вафо қилмагай, омонатга хиёнат қилгай.

Аввало онангга, яна онангга, яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил.

Қариндошларига оқибатсиз одам жаннатга кирмайди!

Ҳар бир эзгу иш садақадур. Ёмонликдан ўзни тийиш ҳам садақа. Ширин сўз - садақа ҳисобланади.

Имом ал Бухорий юбилейлари муносабати билан беш қисмдан иборат бўлган “Имом ал Бухорий” телевидеофильми суратга олинди. Ушбу фильмнинг продюссери Ҳожи Улугбек Абдуллаев, режисёри Мақсуд Юнусов ҳисобланадилар. Бош ролни Муҳаммад Рафиқов ижро қилди. Фильм сценарийси мазкур сатрлар муаллифи қаламига мансуб. Ҳожи Улугбек Абдуллаев ташаббуси билан фильмимиз телевидениега намоиш этиш учун ҳадя этилди. Фильмдаги шеърларга Ўлмас Расулов куй басталаган. Қуйида мазкур телевидеофильмдаги кўшиқлардан намуналар берилаётир:

**Умр фасли бисёр - баҳори битта,
Туни куни бисёр - наҳори битта.
Муҳаддислар кўпу сиз алар шоҳи
Бухорийлар бисёр - Бухорий битта!
Юлдузлар бисёрдур - қуёш ягона,
Сиз илм қуёши ушбу жаҳона.**

**Йўллар олис - Бухорони соғиндим,
Банда ожиз - Бухорони соғиндим.
Кўзларимга кенг олам ҳам тор эрур,
Бухоросиз, Бухорони соғиндим.**

⁴⁶ Абу Тохирхожа «Самария» 58-саҳифа

**Жаҳон кенгу, жаҳон кенгу, жаҳон кенг,
Қай юрт бўлгай Туронзамин сенга тенг?!
“Хуббул Ватан минал имон!” - дўстлар денг!
Бухоросиз, Бухорони соғиндим!**

**Йўллар олис - Бухорони соғиндим!
Худо ҳофиз - Бухорони соғиндим!
Кўзларимга кенг олам ҳам тор эрур,
Бухоросиз Бухорони соғиндим!**

**Бу маскандан йиллар ўтаро,
Қанча зотни тарих ютаро.
Бухорийни валекин тарих
Юрагида доим тутаро.**

**Бу масканнинг бордир зиёси,
Бунда ётур хосларнинг хоси.
Бу масканни обод этганнинг
Обод бўлгай икки дунёси.**

ХОШИД ИБН ИСМОИЛ АЛ ҒАЗЗОЛ (ваф.875)

Ҳошид ибн Исмоил ибн Исо муҳаддис бўлиб, Ҳазрат Имом Бухорий билан сабоқдош эдилар. Ҳошид ибн Исмоил куйидаги тарихий воқеани ёзиб қолдирган: “Имом Бухорий ўспиринлик чоғларида биз билан бирга Басра машойихларидан ҳадис эшитардилар. Ҳаммамиз устодлардан эшитганларимизни ёзиб олардик, ал Бухорий эса ҳеч нарса ёзмасди, фақат тинглаб ўтирардилар. Шу тариқа ўн олти кун ўтгач, у киши бирдан: “Назаримда кўп ҳадис ёзиб юбординглар, қани менга ёзганларингни кўрсатинглар-чи?” -деб қолдилар. Биз ёзган ҳадисларимизни ҳисоблаб кўрсак, ўн беш мингдан ортиқ экан. Шунда ал Бухорий уларнинг ҳаммасини ёддан айтиб бердиларки, ҳатто устозлардан ёзиб олган ҳадисларимиздаги йўл қўйилган хатоларни у кишининг ёддан айтганига қараб тuzатиб олдик⁴⁷”.

Ҳошид ибн Исмоил ал Ғаззол 875 йил вафот қилганлар.

ҲАЗРАТ ХОЖА ТОРОБИЙ (ваф. 879)

Ҳазрат Хожа Торобий зиёратгоҳи Бухоро вилояти, Жондор тумани, Торобий кишлоғидадир. Ас Самъонийнинг “Насабнома” китобида ёзилишича, Абул Файз Маҳдий ибн Ишқоб ат Торобий муҳаддис бўлиб, илмни Муҳаммад ибн Салом Пайкандийдан ўрганганлар⁴⁸.

Ҳазрат Абул Фазл Маҳдий Торобий 879 йил вафот қилган.

⁴⁷ “Имом ал Бухорий ҳаёти”. “Шарк” нашриёти.Т.1998 йил. 10-11-б

⁴⁸ “Насабнома”. 74-саҳифа

Хожа Торобий зиёратгоҳида Махмуд Торобийнинг жасади ҳам дафн қилинган. Айни шу кунларда ушбу зиёратгоҳ обод эмас. Умид қиламизки обод этилади.

ҲАБДАҲЁРОН ЗИЁРАТГОҲИ

Жондор туманидаги Оқшайх қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида Оқшайх қишлоғи бўлиб, унда Ҳабдахёрон зиёратгоҳи жойлашган Ҳабдахёрон - ўн етти ёр, ўн етти дўст маъноларини билдиради. Лекин ҳозирча бу зоти шарифлар ҳақида маълумотга эга эмасмиз.

МУТАЛЛИБ ҲОЖИ ЗИЁРАТГОҲИ

Жондор туманидаги Оқшайх қишлоғида Муталлиб Ҳожи мазористони жойлашган. Мазористон атрофи ўраб олинган, обод қилингандир.

ҲОЖА НУРОБОД ҲАЗРАТЛАРИ

Хожа Нуробод зиёратгоҳи Бухоро шаҳри ичида бўлиб Чўпбоз гузарининг кун чиқар томонидадир. Бу зиёратгоҳ ҳақида “Тарихи Муллозода” китобида, “Тухфат аз зоирин” асарида маълумот берилган. Хожа Нуробод мазорида кўплаб авлиёлар дафн қилинган экан. Қадимда бу зиёратгоҳда қорихона, ҳовуз, чашма, туғ бўлган.

Чашма суви шифобахш эди.

Собиқ Иттифоқ даврида Хожа Нуробод мазорининг тепалиги йуқотилди, ҳовуз кўмилди, қорихоналар бузилди, қабрларни ҳам буздилар.

Хожа Нуробод зиёратгоҳидан осмонга нур кўтарилар экан. Ушбу зиёратгоҳни ер билан текислаб, одамларга уй-жой қуриш учун тақсимлаб бердилар. Ҳозир у ерда зиёратгоҳ иўк

Хожа Нуробод зиёратгоҳининг номи бор-у, ўзи йўқдир.

ҲАЗРАТ ҲОЖА ПЕШКЎ

Ҳазрат Хожа Пешкў авлиёнинг қабрлари Вухоро вилояти Пешкў туманидадир. Ушбу зиёратгоҳда яқинда ХХI аср мажмуаси қад ростлади. Янги мақбара, масжид, айвон, дарвозахона зиёратгоҳнинг ҳуснига ҳусн қўшмоқда.

МОЗОРИ БЕҲИШТИЁН

Ушбу табаррук зиёратгоҳ Бухоронинг энг машҳур мазорларидан бўлиб, кўплаб авлиёлар, алломалар бу ерда дафн этилгандир.

(Уларнинг бир қисми ҳақида ушбу китобда маълумот берилган)

Мозори Беҳиштиён Дарвозаи Қаршининг шимолида бўлган.

Собиқ Иттифоқ замонида Мозори Беҳиштиён бузилиб, унинг ўрнида Ёғ заводи, мактаб, Кооператив техникуми (Юридик ва маиший коллежи) қурилган.

ДАҲМАИ БЕҲИШТИЁН

2007 йил Бухоро юридик ва маиший хизмат коллежи шимолида Даҳмаи Беҳиштиён обидаси қад ростлади. Ушбу мажмуада мақбара айвон, дарвозахона ҳам бор. Айворда Мозори Беҳиштиён, Мозори Дарвозаи Қавола, Қуззотус сабъа (Етти қози), Пуштаи Туғробекда дафн қилинган авлиёлар, олим фозиллар номи, таржимаи ҳоли ёзилди. Зиёратчилар келиб, улар ҳақида дуойи фотиҳа

қиладиган бўлди. Зеро, уларнинг қабрлари шўролар замонида йўқотилган эди. Ушбу зиёратгоҳда Ҳазрат Абу Бакр Ҳомид, Ҳазрат Абу Бакр Тархон, Ҳазрат Абу Бакр Гулободий, Ҳазрат Абу Зайд Дабусий, Ҳазрат Мустамлий, Ҳазрат Абу Жаъфар аш Шаъбий, Ҳазрат Имом Задзан, Ҳазрат Захириддин, Ҳазрат Аҳмад ибн Умар аш Шерозий, Ҳазрат Имом Бадинддин, Ҳазрат Ҳасан Андокий, Ҳазрат Абдуллоҳ Барқий, Ҳазрат Нуриддин Собуний, Ҳазрат Шайх Гулрез, Ҳазрат Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорий, Ҳазрат Имом Саъдиддин, Ҳазрат Имом Рукниддин Шаҳид, Ҳазрат Мавлоно Носириддин, Ҳазрат Мавлоно Абдурахмон, Ҳазрат Муҳаммад Қосим Дарвозаи Обий, Ҳазрат Хожа Муқим, Мавлоно Ҳофизиддин Кабир Бухорий, Ҳазрат Абу Абдуллоҳ ал Бухорий, Ҳазрат Тожиддин ал Масдар, Ҳазрат Ҳисомиддин, Мавлоно Бурҳониддин Анжир Фағнавий, Мавлоно Бурҳониддин Аршадий. Мавлоно Хожа Юсуф, Шайх Саъдиддин Ғиждувоний, Қози Хожа Нажмиддин Ғиждувоний, Ҳазрат Халифа Ниёзкули, Мавлоно Сирожиддин Аслий, Халифа Муҳаммад Ҳусайн, Мавлоно Фахриддин аш Шористоний, Мавлоно Рукниддин аш Шористоний, Мавлоно Бобойи Модар аш Шористоний, Мавлоно Жамолиддин аш Шористоний, Мавлоно Жамолиддин Халаф Бухорий, Хожа Муҳаммад Юсуф Нақшбандий, Ҳазрат Аҳмад Дониш, Ҳазрат Абурахим Қурро Торобийлар номи ва таржимаи ҳоли ёзилган лавҳалар мавжуд.

Ушбу зиёратгоҳ вилоят ҳокими С. Қ. Ҳусенов ташаббуси билан бунёд этилди. Ушбу қурилишда Бухоро шаҳар ҳокими К.Ж. Камолов бош-қош булди. Мазкур обида вилоят бош архитектори М.Қ. Ахмедовнинг лойиҳаси асосида қад ростлади. Бухоролик қўли гул уста Олим Абдиев, Бахриддин Йўлдошевлар ўз шогирдлари билан Даҳмаи Беҳиштиённи қурдидар, “Даҳмаи Беҳиштиён” китоби нашр қилинди⁴⁹.

ХОЖА ГУЛОБОД (КАЛОБОД) ЗИЁРАТГОҲИ

Бухоро шаҳрининг ҳозирги Хожа Нуробод кўчаси жанубида Гулобод (Калобод) гузари жойлашган, Мазкур кўчада Хожа Гулободий қабрлари бор. Ас Самъонийнинг “Насабнома” асарларида бир неча Гулободийлар ҳақида маълумот берилгандир. Бу қабрда қайси Гулободий дафн қилинганини аниқлай олмадик.

Айни шу кунларда қабр таъмирланиб, янги туғ кўтарилгандир.

ТАЛИ ХОЖА ГАРИБОН

Тали Хожа Ғарибон зиёратгоҳи ҳозирги Бухоро шаҳрининг “Дехқон бозор”и ичида бўлган. Тепалик устида қабрлар бор эди. Собик Игтифок замонида бозор қуриш баҳонаси билан ушбу зиёратгоҳ бузиб ташланди. Айни шу кунларда Тали Хожа Ғарибоннинг номи бор-у, ўзи йўқдир.

АБУЛАЗҲАР ЗОҲИР ИБН ХОЛИД АМР АЛ В АРРОҚ АЛ БУХОРИЙ

Нажмиддин ан Насафийнинг “Ал Қанд фи зикри уламои Самарқанд” китобларида ёзилишича, Абулазҳар Зоҳир ибн Холид ибн Амр ал Варроқ асли

⁴⁹ Садриддин Салим Бухорий. “Даҳмаи Беҳиштиён”, “Бухоро” нашриёти. 2007 йил

бухоролик бўлиб, Самарқандда яшаганлар. Бу зоти шариф ишончли мухаддис ва адиб сифатида элга танилган.

Бу зоти шариф Муҳаммад ибн Юсуф ал Фарёбий, Муҳаммад ибн Касир ал Масисий, Абу Убайд ал Қосим ибн Салом ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган. Мелодий 871 йилда вафот қилганлар.

Ҳазрат Абулазхарнинг қабрлари Самарқанддаги Санг Резистон мазоридадир.

Н.Насафийнинг китобларида ёзилганки: “Саҳл ибн Шозуянинг хабар қилишича, Абулазхар қуйидага ҳадиси шарифни ривоят қилган экан: “Расулуллоҳ с.а.в. бундай деб марҳамат қилдилар: “Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло илмни одамлардан тортиб олиш йўли билан тортиб олмай, балки уламоларни махв қилиш йўли билан тортиб олмай. Бирорта ҳам олим қолмагач, одамлар ўзларига жоҳил (нодон)ларни бошлиқ (имом, муфти) қилиб олмайлар. Ул нодон бошлиқлар эса бирор масала сўралганда илмсиз бўла туриб фатво бергайлар-да, ўзлари ҳам йўлдан озгайлар, бировларни ҳам йўлдан оздиргайлар”⁵⁰.

АБУ УСМОН САЪИД ИБН МУҲАММАД АЛ БУХОРИЙ

Н.Насафийнинг ёзишича, Абу Усмон Саъид ибн Муҳаммад ал Бухорий Самарқанддаги “Ал Лаббодун” (кигиз босувчилар) кўчасида истиқомат қилганлар. У киши Исбот ибн ал Ясаъ ал Бухорий, Абу Абдуллоҳ иб Абу Ҳафс ал Кабир, Самарқанд қозиси Муҳаммад ибн Аслам ал Марвазий ва Бухоро аҳлидан ҳадис ривоят қилган.

“Самарқандия”да ёзилган: “Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Шоҳнинг хабар қилишича, Абу Усмон Саъид ибн Муҳаммад ал Бухорий Самарқандда қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан: “Расулуллоҳ с.а.в. бундай деб марҳамат қилдилар: “Кимки (маст қилгувчи) ичимлик ичса, унга дарра урингиз, агар яна такрорласа, яна дарра урингизлар, яна такрорласа, яна дарра урингизлар, кейин туртинчи бор ҳам такрорласа, ул ҳолда уни ўлдиригизлар!”⁵¹

Абу Усмон Саъид Самарқандда 924 йил вафот қилганлар.

АБДУЛЛОҲ ИБН АБДУЙА ИБН АН НАЗР ИБН ҲУШТЁР (ваф. 900)

Абдуллоҳ ибн Абдуйа (Абдавайх) ибн ан Назр ибн Ҳуштёр ҳақларида Н.Насафийнинг “Самарқандия” китобларида маълумот берилгандир.

Абдуллоҳ ибн Абдуйа Бухорода туғилганлар. Бу зоти шариф имом саҳиҳ ҳадисларни йиғувчи мухаддис, олим, тарбиячи бўлганлар. “Самарқандия”да ёзилишича, Ҳазрат Бухородаги Куржан қишлоғида туғилган.

Ҳазрат Абдуллоҳнинг катта боболари Ҳуштёр бўлиб, Бухородаги оташпарастрларнинг катта олими бўлган. Қутайба ибн Муслим Бухорони фатҳ этишга келганларида, Бухоро ҳукмдори: “Менинг шаҳримда бир олим бор, мен уни сен бирлан мунозара қилмоққа ва сўзларингни тингламоқ учун ҳузурингга жўнаётирман, агар сен даъват қилаётган нарса ҳақиқат бўлса, ул ҳолда мени ундан воқиф айлагил, токи мен шунга биноан сенга итоат қилаин. Башарти даъватинг ботил бўлса, мен сенга итоат этмасман ва сенга қарши жанг

⁵⁰ Н.Насафий. “Самарқандия”. Т.2001 йил. 21-22-саҳифалар

⁵¹ Н.Насафий. “Самарқандия”. 27-саҳифа

қилурман” деган мактуб билан Ҳуштёрни Қутайба ҳузурига юборди. Қутайба ибн Муслим Ҳуштёрга ислом дини хусусида батафсил сўзлаб берди ва Расулulloҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам сифатларини таърифлади. Шунда Ҳуштёр унинг даъвати ҳақ эканлигини англаб, дарҳол мусулмон бўлди. Ҳуштёрнинг мусулмон бўлганлигини эшитган Бухоро ҳокими ғоятда тушкун ҳолга келиб, кўрқувдан дағдағ титраганча шаҳарни ташлаб қочди⁵².

Ушбу келтирилган парчадан маълум бўлаяптики, исломгача Бухорода Ҳуштёр деган олим бўлган экан. Одатда оташпараствлар олими нафақат диний, балки дунёвий илмлар, жумладан, табобат, нужум, риёзиёт, руҳшунослик илмларидан ҳам воқиф бўлган. Буни кўрингки, Ҳуштёр олим бўлгани боис биринчи суҳбатдаёқ Аллоҳнинг ягоналигига, Муҳаммад с.а.в.нинг ҳақ пайгамбар эканликларига иймон келтирди. Лекин ҳукмдор илмсиз, жоҳил бўлгани боис ўзи берган ваъдани ҳам бузиб, иймон келтирмади.

Ҳуштёрнинг ўғли ан Назр Насафга келиб, шу ерда муқим бўлган ва ували-жували бўлиб, 900 йилда вафот қилган.

Абдуллоҳ ибн Абдуйа ибн ан Назр қуйидаги шайхлардан ҳадис ривоят қилган: Сувайд ибн Наср, Али ибн Ҳужр, Дуҳайн ва бошқалар.

Ундан эса Абу Исо ат Термизий, Саҳл ибн Шозуя, Асад ибн Ҳамдуйа, Абу Яъло Абдулмуъмин ибн Халаф, Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Анбар ва бошқалардан ҳадис ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Абдуйа Наср ибн Муҳаммад ибн Абу Замра аз Замрийдан ривоят қилган ҳадиси шариф қуйидагичадир:

Ваҳший разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Биз Расулulloҳ с.а.в.нинг сафарларидан бирида ул зот бирлан бирга эдик. Шунда биз якка-якка овқатланар эдик, (натижада) озиб-чўзиб, ҳолдан кетдик. Охири, шу хусусда Расулulloҳ с.а.в.га айтдик. Ул зот: “Балким, сизлар якка-якка овқатланаётган бўлсангиз керак?” -деб марҳамат қилдилар.

Биз: “Ҳа,шундай,” -дедик. Ул зот: “Бундай қилмангизлар, таомларингизни бир ерга жамлангизлар-да, Аллоҳ таолонинг исмини айтиб тановул қилингизлар!” -деб марҳамат қилдилар. Биз таомларимизни бир ерга жамлаб, Аллоҳ таолонинг исмини айтиб тановул қилиб эдик, барчамиз тўйдик”⁵³.

АБУ ҲОРУН САҲЛ ИБН ШОЗУЯ АЛ БУХОРИЙ

Абу Ҳорун Саҳл ибн Шозуя ибн ал Вазир ибн Ҳазлам ал Боҳилий ал Ҳофиз ал Бухорий “Самарқандия” китобида ёзилишича, Боҳила қабиласининг озод қилинган кули бўлиб, соҳиби ғароиб эди. У Самарқандда бир мунча вақт яшаб ҳадислар ёзиб олган, ҳадислар ривоят қилган. Ундан Аҳмад ибн Наср ал Аткий, Муҳаммад ибн Исмоил, Али ибн Ҳашрам ва бошқалар ҳадис ривоят қилган. Кейинчалик Абу Ҳорун Бухорога кўчиб борган.

Халифа ибн Муҳаммад ибн Исмоил ал Хайёмнинг хабар қилишича, Абу Ҳорун Саҳл ибн Шозуя қуйидаги ҳадиси шарифни ривоят қилган экан:

Расулulloҳ с.а.в. бундай деб марҳамат қилдилар: “Агар банда: “Ло ҳавла ва ло қуввата илло биллоҳи!” – деса, Аллоҳ азза ва жалла: “(Бандам менга) бўйин эгди, итоат қилди” – дейди⁵⁴.

⁵² Н.Насафий. «Самарқандия» 75-саҳифа

⁵³ “Самарқандия” 75-76-саҳифалар

⁵⁴ «Самарқандия» 29-саҳифа

МУҲАММАД ИБН ИМРОН БУХОРИЙ

Насафийнинг “Самарқандия” китобларида Муҳаммад ибн Имрон ал Бухорий Абу Муҳаммад Самъон ибн Муҳаммад ал Кошоний томонидан ривоят қилинган қуйидаги ҳадис тўғрисида маълумот беради:

Салим ибн Қайс ал Омирий бундай деб хабар қиладилар: “Ибн ал Қаввъ Ҳазрат Али ибн Абу Толиб р.а.нииг хузурларига бориб: “Эй, мўминлар амири! Менга суннат, бидъат, жамоат ва фирқа хусусида хабар берсангиз!” деди. Шунда Ҳазрат Али р.а. унга бундай дедилар: “Эй, Ибн ал Қаввоъ! Саволларни-ку, (яхши) ёдлаб олибсан, энди уларни жавобини ҳам (яхшилаб) билиб ол! Суннат, Аллоҳ ҳаққи, бу Муҳаммад с.а.в.нинг суннатларидир. Бидъат, Аллоҳ ҳаққи, бу – неки Муҳаммад с.а.в.нинг суннатларидан четга чиқибдур, ўшалдур. Жамоат, Аллоҳ ҳаққи, бу аҳли ҳақнинг, гарчи оз бўлсаларда, ўзаро уюшувидир. Фирқа эса, Аллоҳ ҳаққи, бу -аҳли ботилнинг, гарчи кўп бўлсалар-да ўзаро бирлашувидир⁵⁵”.

ҲАЗРАТ БОБОЙИ ПОРАДЎЗ (842-925)

Ҳазрат Бобойи Порадўз зоҳид, олим, шайх бўлиб, “Тухфат аз Зоирин”, “Тухфатул обидин” асарларида ва бошқа манбаларда бу зоти шариф ҳақида маълумотлар берилган. Ҳазрат 842 йилда туғилиб, 925 йил марҳум бўлганлар. Бобойи Порадўз 83 йил умр кўрганлар.

Ҳазрат Бобойи Порадўз мақбаралари Бухоро шаҳринииг Саллаҳона дарвозаси ташқарисида бўлган. Ҳозир зиёратчи Ибн Сино номли кутубхонадан ўтиб қибла томонга бориб бурилса, Ҳазрат Бобойи Порадўз мақбаралари кўринади.

“Тухфат аз зоирин”да Бобойи Порадўзнинг исмлари Шайх Абу Бакр Муҳаммад бин Аҳмад ал Аскоф деб берилган. “Тухфатул обидин»да эса “Шавқи бобо эрди билсанг асли номи Порадўз” дейилади. Бундай аталишларига боис шуки, Ҳазрат Аллоҳ таолонинг шавқи, ишқи билан яшаганлар. Шунинг учун ул зоти шарифни Бобойи Шавқи ҳам деб атаганлар. Бобойи Порадўз мақбаралари атрофида автод абдоллар, яъни Аллоҳнинг дўстлари — валийлар дафн қилинган эди. Ҳозир бу қабрлар сақланмаган, Манбаларда таъкидланишича, Бухородаги машҳур Чор Бакр, яъни Ҳазрат Абу Бакр Саъд, Ҳазрат Абу Бакр Фазл, Ҳазрат Абу Бакр Тархон, Ҳазрат Абу Бакр Ҳомид ва улуғ мужтахид (яъни диний қоидаларни тартибга солувчи) Ҳазрат Абу Жаъфар Ҳиндувонийлар Ҳазрат Бобойи Порадўзнинг шогирдларидир.

Ҳазрат Бобойи Порадўзнинг касблари этикдўзлик, ямоқчилик бўлган. “Тухфатул обидин”да айтилишича Ҳазрат кечалари қоим (яъни ибодатда), кундузлари соим (яъни рўзада) бўлиб, Ҳазрат пайғамбаримиз с.а.в. ҳадисларига сидку эътиқод билан амал қилганлар.

Нақл этилишича, кунлардан бир кун Ҳазрат бомдод намозини Бухоро шаҳридаги Мағоқ масжидида адо қиладилар. Намоздан сўнг бир одам намозхонларга мурожаат қилиб дейдики: “Менга етти дона тилло танга зарур

⁵⁵ «Самарқандия» 36-саҳифа

бўлиб қолди. Кимеки шуни менга берса, мен уни дуо қиламан, ул одам Ҳазрат пайғамбар с.а.в.ни тушида кўради!” Бир неча бор ушбу гапларни такрорлаганидан сунг Ҳазрат Бобойи Порадўз ўринларидан туриб дейдилар “Мен Ҳазрат пайғамбар с.а.в. юзларини кўришга муштокман. Ҳозир уйдан сизга керакли тиллони келтириб бераман!” Ҳазрати Бобонинг вояга етган қизлари бор эди. Ўшанинг туйи учун пул жамлагандилар. Бобо аёлларига: “Бир савдогар биродаримиз келинлар учун либос келтирибти. Етти тиллони беринг, мен ўша кийимларни сотиб олиб келаман” –деб тиллоларни олиб, ҳалиги ҳожатманд кишига берадилар. Ул одам кўлини дуога очади ва дуо этганданг сўнг кўздан ғойиб бўлади.

Ҳазрати Порадўз ярим кеча бўш қўл билан кўрқа-писа уйга келадилар. Аёллари, қизлари ҳали ухламаган экан. Улар Бобони кўриб, либосларни сурайди. Жўяли жавоб олмагандан сўнг, жанжал қилиб, Бобойи Порадўзни уйдан кувадилар. Ҳаво совуқ бошпанасиз, якка-ю танҳо кўчада қолиб, Бобойи Порадўз бир бурчаккинага борадилар ва ўша жойда ухлайдилар. Ва мўжиза йз беради. Ҳазрат Муҳаммаднинг с.а.в. руҳлари Аллоҳ таолонинг изи билан Бобои Порадўз ёнларига келадилар:

**Кўз очиб курди ўшал соат жамоли нозанин,
Бўса айлаб пойидин қилди юзин фарши замин,
Мақсадим шул эрдик, Эй, раҳматан дил оламин!
Эмди ўлсам йўқ ғамим, бўлдим висолингга қарин,
Шарбати ваҳдат билан пур бўлди жоми Порадўз.**

**Бердилар Ҳазрат у дам Бобога ўн мисқол зар,
Айтдилар бер жуфтингга, берма анга сирдин ҳабар,
Айладук сардори чилтан, элга бўлгил раҳбар,
Ким жамолинг кўрса, фардо кўрмагай нори сақар,
Ғойиб ўлди Ҳазрат айлаб ихтимоми Порадўз**

**Қилдилар оғуш Бобони Расули мурсалин,
Ҳосил ўлди анга илми аввалину охирин,
Дедилар қилдим сани автодларга ҳамнишин
Келса ким ихлос бирлан норизо қайтармагин,
Қувват олди бўйи Ҳазратдин машоми Порадўз.**

**Келди чилтанлар ҳам ул дам ҳамраҳи автод ўлиб,
Жоми шарбат ичдилар навбатма-навбат шод ўлиб,
Сўнгра илм ўргатди кўп автодга устод ўлиб,
Нечага иршод берди, соҳиби иршод ўлиб,
Бўлди кам-кам Фоҳира аҳли ғуломи Порадўз**

**Олди Ҳазратдин сабок, ул кеча руҳи тозаси,
Бора-бора Арши аъзамдан ўтиб овозаси,
Тутти оламни тирикда дафтарин шерозаси,
Равзаи поки Бухоро шахрининг дарвозаси,**

Муттасилдур Каъбага девори боми Порадўз.

**Во дарифо, яхшилар пайваста зери хокдур,
Ахтариб топмай кўзим намнок, бағрим чокдур,
Ким зиёрат қилса Бобони гунаҳдин покдур,
Учрагай балога ким анга шаккокдур,
Кўлдадир ҳар лаҳза тиғи бениёми Порадўз**

**Ким зиёрат қилса бу машҳадни доим шоддур,
Бас чаро машҳад эгоси сарвари автоддур,
Ҳар киши Бобога мункир кўри модарзоддур,
Мухлисо, узма кадам бул жой файзободдур,
Мисли равзаи жаннат доруссаломи Порадўз⁵⁶.**

Собиқ Иттифоқ замонида Ҳазрат Бобойи Порадўз мақбараларини бузмок учун келган трактор ўз-ўзидан ўчиб қолади ва ҳайдовчи қорайиб ўлади. Бу ҳолни кўриб даҳрийлар мақбарани бузмокқа журъат этолмади.

Айни шу кунларда бу мақбара обод зиёратгоҳдир. Тикувчи, этикдўз, маҳсидўз ва бошқа касбу кор эгалари ўз пирлари Бобойи Порадўз зийратгоҳларига тез-тез келадилар.

Ушбу зиёратгоҳни обод этишда саховатли тадбиркор Абдулгафур Мирзоев хизмат қилаётир.

ҲАЗРАТ ИСМОИЛ СОМОНИЙ (849-907)

Маълумки, Мовароуннаҳр ва Хуросон араблар томонидан фатҳ этилгандан кейин бу ерда араб халифалари маҳаллий халқ вакилларидан бошқарувчи - амирлар тайинлашган. Мовароуннаҳр ва Хуросонда IX асрга келиб Тоҳирий (821-878), Саффорий (867-910), Сомонийлар (819-1005) давлати пайдо бўлди. IX-XI асрларни Шарқ уйғониш даври, форс-тожик адабиётининг гуллаган вақти деб тарихда қайд қилганлар. Зеро фалсафа, фикҳ, риёзиёт, фалакиёт, жуғрофия, тиббиёт, мусиқа, кимё, меъморлик хуллас кўплаб соҳаларда янги-янги кашфиётлар содир бўлди. Энциклопедия олимлар бу асрда Шарқда ижод қилди.

Нақл этилишича, Амир Асад ибн Абдуллоҳнинг (вафю783 йил) кўлида Сомонхудот исломни қабул этган. Сомонхудот балхлик бўлган. Наршихийнинг ёзишича, “Унинг Самонхудот дейилишига сабаб шуки, у бир қишлоқ барпо қилиб, унга Сомон деб ном берди ва Бухоро амирини Бухорохудот (яъни Бухоронинг эгаси, амири) деб атаганларидек, уни ҳам шу қишлоқ номи билан Сомонхудот деб атадилар. Сомонхудот Асад ибн Абдуллоҳ ал Кушайрийга бўлган ҳурмати туфайли ўғлига Асад исмини берди. Шу Асад амир Исмоил Сомонийнинг бобосидир. Сомонхудот Баҳром Чубии Маликнинг авлоди экан⁵⁷”.

Сомонхудотнинг уғли Асаддан тўрта фарзанд қолган: Нух, Аҳмад, Яхъё, Илёс.

⁵⁶ «Тухфатул обидин». “Бухоро” нашриёти. 2000 йил, 68-70-саҳифалар

⁵⁷ Наршахий “Бухоро тарихи” 132-саҳифа

Халифа Маъмунга манзур бўлгулик хизмат қилганлари учун Аҳмад ибн Асадга Фарғона, Яхъёга Чоч ва Истаравшан, Ильёсга Ҳирот, Нуҳга Самарқанд ҳокимлиги берилди.

Тарихчи Муқаддасийнинг таъкидлашича, сомонийлар уламо ва фозилларни бошқа амирлардан кўра кўпроқ эъзозлаганлар.

Амир Аҳмад ибн Асад вафотиданг сўнг унинг тахтини ўғли Наср ибн Аҳмад эгаллайди. Насрнинг укаси Исмоил ибн Аҳмад 849 йил Фарғонада туғилган. Амир Исмоил Бухорога 874 йил келган. Амир вафотидан кейин бутун Мовароуннаҳр амир Исмоил тасарруфига ўтди

Амир Исмоил Сомоний Тарозни фатҳ этди. Хуросон амири Амр ибн Лайсни жангда енгди. Амир ибн Лайс асир бўлди. Амир ибн Лайс дейдики мени асир олганлариданг сўнг узоқдан амир Исмоил Сомонийни кўриб, оддан тушмоқчи бўлдим, лекин у ўз жони ва боши билан қасам ичиб: “Оддан тушма!” –деди, бундай хуш муомалани кўриб, кўнглим таскин топди, бўлмаса жондан умидимни узгандим.

Менга Исмоил Сомоний меҳрибонлик кўрсатди ва сени ўлдирмайман деб айтди. Ва узугимни қўлимдан тортиб олган кишидан уч минг дирҳамга сотиб олиб, менга берди⁵⁸.

Исмоил Сомоний бутун Мовароуннаҳр ва Хуросон, шунингдек, Синд, Ҳинд, Гургон ва бошқа шаҳарларнинг ҳукмдори бўлди.

Маълумки, Бухоро атрофидаги девор (қалъа) 831 йил Муҳаммад ибн Яхъё ибн Абдуллоҳ ибн Мансур даврида қурилган. Бухоро шаҳри девори эса 850 йил бино этилгандир. Чунки тўрт томондан Бухорога босқинлар бўлган. Бухоро атрофидаги деворни “Кампирак девор” деб атаганлар. Лекин бундан олдин ҳам Бухорода девор бўлган экан. Ҳар бир амир Бухоро деворини таъмирлашга саъй-ҳаракат этар, бунга кўп маблағ ва куч сарфларкан. Амир Исмоил Сомоний замонида халқ йиғилиб: “Бухоро деворини таъмирлаш керак!” -дейди. Исмоил Сомоний дейди: “Мен Бухоронинг қалъаси! То тирик эканман Бухорога ҳеч қандай ёв киролмайди”. Дарҳақиқат тарих гувоҳдир, Исмоил Сомоний ҳукмронлиги даврида Бухоройи шарифга бирорта ёв кира олмаган.

Бухорода кумуш танга ва дирҳам зарб қилинган. “Байтут тироз”-тўқимачилик корхонаси Бухорода фаолият кўрсатган. Бухорода тўқилган “занданича” матосини Шом, Миср, Румга олиб кетганлар.

Исмоил Сомоний бошқа ҳукмдорлар ичида энг иқтидорли, жасури бўлган. Сомонийлар ҳукмдорлиги даврида Бухоро пойтахт бўлди. Бухорода диний ва дунёвий илмларни билгувчи олимлар, алломалар йиғилди. Шоирлар араб ва форс-тожик тилида, олимлар араб тилида илмий асарларини ижод қилганлар.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Исмоил Сомоний қизининг исми Моҳ Сиймо бўлган. Ҳазрат Али разияллоҳу анҳу авлодларидан бўлган Имом Амир Абдуллоҳ Исмоил Сомоний қизи Моҳ Сиймога уйланган эдилар⁵⁹.

“Қандия” китобида ёзилишича, Сайид Бурҳониддин Қилич Имом Амир Абдуллоҳ наслларидандир ва Даҳбед хожалари ул авлоддан.

Демак, Ҳазрат Маҳдуми Аъзам Даҳбедийнинг насаблари Ҳазрат Али р.а.га ва Исмоил Сомонийга бориб тақаларкан.

⁵⁸ Наршахий “Бухоро тарихи” 158-саҳифа

⁵⁹ К.Каттаев. «Маҳуми Аъзам ва Даҳбед”. Самарқанд. “Сўғдиёна”-1994 йил. 11-саҳифа

Наршахий ёзадилар: “Амир Исмоил бемор бўлиб бир неча вақт ётди. Унинг касаллиги кўпроқ рутубатдан эди. Охири икки юз тўқсон бешинчи йил сафар ойининг ўн бешинчисиди (25 ноябр 907 йил) Исмоил Сомоний вафот этди. У йигирма йил Хуросон амири бўлди. Хукмдорлик муддати ўттиз йил эди. Худойи таоло уни раҳмат этсин, негаки унинг даврида Бухоро пойтахт бўлди. Сомонийлар сулоласидан чиққан ҳамма амирлар Бухорода турадиган бўлдилар. Ундан олдинги Хуросон амирларининг ҳеч бири Бухорода турган эмас. У Бухорода туришни ўзи учун муборак деб ҳисоблар, унинг кўнгли Бухородан бошқа ҳеч бир ерда ором топмас ва қаерда бўлмасин: “Бизнинг шаҳар, яъни Бухоро, ана бундай, ана шундай” дер эди.

Амир Исмоил вафот этгандан кейин ўрнига ўғли ўтирди. Унга “Амири мозий”, яъни дунёдан ўтган амир, деган тахаллусни бердилар⁶⁰.

Сомонийлар сулоласи хукмдорлик қилган йиллар қуйидагичадир: Нух ибн Асад (819-842), Аҳмад ибн Асад (842-864), Наср I ибн Аҳмад (864-897), Исмоил ибн Аҳмад (897-907), Аҳмад ибн Исмоил (907-914), Наср II ибн Аҳмад (914-943), Нух I ибн Наср (943-954), Абдумалик ибн Нух (954-961), Мансур I ибн Нух (961-976), Нух II ибн Мансур (976-997), Мансур II ибн Нух (997-999).

“Тарихи Муллозода” китобида қуйидаги байтлар ёзилгандир:

**Нух тан бувад золи Сомон машхур,
Ҳар як ба валоят шахре маъмур.
Исмоилу Аҳмаду ду Наср,
Ду Нух, ду Абдул Малик, ду Мансур.**

Яъни Сомонийлар авлодида тўққизталари машхурдир, улар хукмдорлар эди: Исмоилу Аҳмад, иккита Наср, иккита Нух, иккита Абдумалик, иккита Мансур.

Сомонийлар хукмдорлигидан сўнг қорахонийлар хукмронлиги бошланди. 1005 йил бутун Мовароуннаҳр қорахонийлар қўлига ўтди.

Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрда жуда кўп обидалар қурилган, жумладан, Бухородаги Сомоний мақбараси энг гўзал обидадир. Ривоятга кўра ушбу мақбарани Исмоил отаси Аҳмад ибн Асад учун қурдирган. Мақбарадаги ёзувга кўра, унда Исмоил ва унинг невараси Наср II ибн Аҳмад дафн қилинган. Бу бино куб шаклида қурилган бўлиб, одам ақлини лол қолдирадиган даражада мутаносибдир. Иншоот пишиқ ғиштдан бино этилган. Бутун дунёдан келаётган сайёҳлар бу обидани минг йилдан бери тамошо қиладилар ва ота-боболаримиз санъатига қойил бўладилар.

Собиқ Иттифоқ замонасида америкалик бир корчаллон тарозининг бир палласига олтин, иккинчи палласига мазкур обидани қўйиб, сотиб олмоқчи бўлганди.

Собиқ Иттифоқ даврида бу обида ҳам деярли қаровсиз бўлиб, 1988 йил 15 августда Исмоил Сомоний обидаси бошига мусибат тушган эди. Бу воқеанинг тарихи “Бухорони қутқаринг” мақоласида баён қилинган. Ҳозир эса газета саҳифалари сарғайиб кетди, чунки бу воқеага ҳам ўн саккиз йил бўлибди. Ўқувчи фожеани аниқ тасаввур этиши учун “Бухорони қутқаринг” мақоласидан бир боб, яъни “Намойишми? Йўқ, ватанпарварлик!” бобини тўлиқ кўчириб

⁶⁰ «Бухоро тарихи». 159-саҳифа

беришни лозим кўрдик. “Шу йил 15 август, кеч соат еттиларда бир группа ёшлар Бухородаги Киров (ҳозирги “Сомонийлар боғи”) номидаги маданият ва истироҳат боғи томон йўл олдилар. Уларнинг мақсади боғда музқаймоқ еб, арғимчоқ учиб эмас шекилли, кўринишлари бежо, тўғрироғи, анча ташвишли эди. Бир пастда улар боғ чеккасида IX аср архитектура ёдгорлиги Исмоил Сомоний мақбарасини ўраб олишди. Бинонинг саҳнига тушиб, япалоқ ғиштлар остида милдираб турган сувни кўриб асабий гапира бошлашди.

Тўғри экан, ана, сув чиқиб турибти.

Вой, ноинсофлар, ахир бу ёдгорлик ЮНЕСКО ҳисобида-ку!

Кимдир сув чиққан ерга кўлини тикиб кўрди, яна биров манбаини суриштирди.

- Юринглар, мен кўрсатаман, сув қаёқдан тошиб келганини, - деди Мубинжон деган врач йигит, - кеча иккаламиз сувни анови бессейнга очиб юбормасак, ким билади, бутун мақбара кемага ўхшаб сув саҳифасида қалқиб юрармиди.

У бошқаларни бинонинг жануби томон бошлаб кетди. Дарҳақиқат, бинодан юз эллик метр чамаси юқорироқдан Талипоч дарвозаси томон ўтказилаётган саҳифаон ариқ (Шохруднинг давоми эмиш)ни кимдир кўмиб ташлабди. Натижада сув кўтарилиб, ҳамма ёққа тошиб кетган. Ариқларда, дарахт ва кўкатлар оралиғида якка-ярим ҳалқоблар кўзга ташланади. Бинонинг ғарбидаги кўл ҳам лим-лим. Атрофни ботқоқ ҳиди тугиб кетган эди.

Ёшлар яна бино олдига қайтиб келишди. Очиғи, уларнинг ҳаммасини ҳам ёшлар деб бўлмасди. Гуруҳнинг ташвишли гап-сўзларини бир четдан кузатиб турган икки милиция уларга яқин келиб, асл муддаога тушунгач, афсус билан бош чайқашди.

- Хўш, нима қилмоқчисизлар энди? – деб сўради улардан ёши каттароғи.
- Яхшиси, ҳозир тарқалиб эртага келинглар.
- Ҳеч қаёққа тарқалмаймиз!
- Чақиринг, шаҳар раҳбарлари келишсин бу ерга, бўлмаса...

Иккала милиционер кўз уруштириб олишди, сўнг ўзаро маслаҳатлашиб оператив группани чақиритмоқчи бўлишди. Бу орада икки-уч йигит автомат телефонга югуриб, ҳар томонга кўнғироқ қила бошлашди. Ҳеч кимни топа олмай қайтиб келишди. Қаердандир яна икки-уч милиционер ва граждан кийимидаги кишилар пайдо бўлиб, вазиятни кўргач, улар ҳам ғойиб бўлишди. Кимдир шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Л.Н.Пятинанинг уй телефонини топиб: “ЧП! Сомонийни сув босибти!” дея ваҳима билан кўнғироқ қилибти. Тажрибали раҳбар соат ўн ярим (кеч) бўлганига қарамай, сув ташийдиган машинада ўша заҳоти етиб келди. Бу холдан кулган енгилтак ёшлар ҳам бўлди. Бу кулги ўринсиз эди, албатта. Яна тушунтириш, яна гап-сўз. Лидия Николаевна ариқ кўмилган жойни

бориб кўргач боғ директорини сўради. Бироқ, у топилмади. Бу орада ёшлархали шу ерда тайёрланган МУРОЖААТНОМани унга тутқазди. Мурожаатномада Бухородаги обидаларнинг аянчли аҳволи далиллар билан кўрсатилиб, уларни бартараф этиш сўралган эди. Лидия Николаевна мурожаатномани ўқиб бўл гач: —Бу ҳолни қачон кўрган эдинглар, нега бизга айтмадинглар? - деб сўради.

Кеча таъмирлаш устахонасининг директори Лавренкога кўнгироқ қилиб айтган эдиқ - деди СССР рассомлар Союзининг аъзоси Баҳодир Саломов - мана Комил, Ботир, яна анавилар бор эди.

Наҳотки, нега у бизга хабар қилмади экан? Топинглар уни.

Бирок, Лавренко ўша куни ҳам, эртасига ҳам топилмади. Эҳтимол-топилмасликка, кўнгилсиз ҳодиса ҳақида хабар бермасликка унинг ҳаққи бордир. Чунки у тайёрни бузадиганларни эмас, балки бузилганни таъмирлайдиганларни бошқаради-да!

Эрталаб воқеа содир бўлган ерга биринчи бўлиб Л.Н. Пятини етиб келди. Коммунал хўжалиқ мелиорация мутахассислари насос ўрнатиб ёдгорлик остидаги сувни тортиб ола бошладилар. Парк директори ҳам топилиб қолди.

Наҳотки хабарингиз бўлмаса? Шу ҳам инсофми, ахир бу.

Менинг назифам паркда маданий-оқартув тадбирларини ўтказиш - деди у уялмай-немай, - ариқни ким кўмгамлигимни мен қаёқдан билай?

Шаҳар ижроия комитети раисининг архитектура ёдгорликлари бўйича муовини В.В.Гайдучёк кўринишдан жуда оғир, таббирли эди, у кела солиб мақбарани супуриб-сидирадиган қоровулни топиб жазоламоқчи бўлди. Лекин ҳозир бунинг пайти эмас. Ҳар бир раҳбар ўзига тегишли айбдорни изларди.

Шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш.К.Хайруллаев ҳам бу кўнгилсиз ҳодисадан анча дарғазаб бўлди. Биринчи навбатда сувни беркитиш, боққа киравериш ердан ариқни кўмиб ташлаш, ёдгорлик шарқидаги қўлбола қўлнинг сувини захкашга қочириб, қуритишга шошилиш буйруқ берди. Ҳамманиг олдида боғ директорини қаттиқ қойиб, ишдан олиб ташлансин, деди. Энг сўнгида жонкуяр зиёлиларга миннатдорчилик билдириб, яқин кунлар ичида улар бидан тағин учрашиб, алоҳида масалаларни ҳал қилишга ваъда берди.

Топшириқнинг ижроси: ўша куни соат еттигача айтилган барча тадбирлар амалга оширилган. Ариқ, 12 машина тупроқ билан кўмиб ташланган, қўлнинг суви қочирилган. Мақбара саҳнидаги кутилмаган | “қудуқ”ларда насос ёрдамида 15 марта сув тортилган. Бирок 35 минут ўтар-ўтмас сув яна аввалги ҳолига кўтарилган.

Шу масалада сўнги сўз: бир пайтлар Исмоил Сомоний мақбарасининг атрофи қабристон бўлган. Ўтгизинчи йилларда шу қабристон текисланиб боғ барпо қилинади. Ёдгорлик эса шу боғнинг хилватида, пастликда қолиб кетган. Бинонинг шарқи тарафида, баландликда етмишинчи йилларгача харсанг тошлардан иборат бир ҳовуз бўларди. Шу тошлар қайсидир бир “оғзи катта”нинг иморатига керак бўлади. Қўлни кенгайтириш баҳонасида харсанглар ташиб кетилади. Қўл эса ёдгорлик томон яна бир неча метрга кенгайтирилади. Бизнингча биринчи навбатда ана шу қўлни кўмиб ташлаш керак. Бино тепасидан ўтказилаётган саҳифаон ариқни, ҳозир ҳам эрта, ёдгорлик турган саҳдан чуқурроқ қазиш керак. Бино темасидаги дарахтзорларни суғорганда ҳам эҳтиёт чораларини кўрмаса бўмайди.

Агар бу ёдгорликни асраш ўзимизни қўлимиздан келмаса ЮНЕСКОнинг мутахассисларига мурожаат қилайлик...⁶¹

⁶¹ “Бухорони кутқаринг”. Неъмат Аминов, Садриддин Салимов “Ўзбекистон адабиёти ва снъати”. 1988 йил, 2 сентябр, № 36

Бу яқин тарихни эслатишдан мурод мақтаниш эмас балки ўша аянчли кунларни ёдда сақлаш ва бу кунларни қадрлаш, шукроналик этмақдир. Мақолада номлари зикр этилган раҳбарларнинг айримлари Бухорони тарк этган, айримлари бу фоний дунёни тарк этгандир,

Каминаи камтарин ушбу обидага атаб 1988 йил қуйидаги шеърни езган эдим:

**Бу шоҳ асар, буни кўрмоққа
Фаранг келар, олмони келар.
Узоқ-яқин юртнинг шоҳ-фақир
Яхши ҳамда ёмони келар.
Бу шоҳ асар, буни кўрмоққа
Зах келмоқда, шуроб келмоқда.
Пахтазори билан бостириб
Шиор билан хитоб келмоқда.
Ўзининг шоҳ асарларини
Айлаб қўйиб ер билан яксон-
Сен!
Не учун келмаяпсан, СЕН-
Каъбасини йўқотган инсон?!**

Буни кўрингки, Исмоил Сомоний Бухорони севган, обод этганига боис собиқ Шўролар замонасида ҳам бухороликлар бу зиёратгадан оёқ узмаган. Зиёрат қилиш таъқиқланганда ҳам зиёратга келар, дуойи фотиҳа манъ қилинган замонда ҳам Исмоил Сомоний ҳақиқа дуойи фотиҳа қилинарди.

Истиклол шарофатидан обида атрофи кенгайтирилди. Обида ҳозирги кунда кўз қорачиғидек асралмоқда. Сомоний мақбарасининг қибла томонида қадимий ҳовуз қайта тикланди. Ушбу бебаҳо обида “Сомонийлар боғи”да жойлашган.

ҲАЗРАТ БИБИ АВЛИЁИ ҲАМАДОНИЙ

Ҳазрат Биби Авлиёи Ҳамадоний зиёратгоҳи Мадрасаи Чуқурнинг жанубидадир. Бу кўчанинг номи Бозори Гул. Биби Авлиёи Ҳамадоний қабрлари уйнинг ичида. Ушбу зиёратгоҳ Мавлоно Шариф масжидларининг жанубидага кўчада.

ҲАЗРАТ ХОЖА АЖВАНДИЙ ЗИЁРАТГОҲИ

Навойи вилояти, Қизилтепа туманида, Хожа Ажвандий қишлоғи бор ушбу қишлоқда Ҳазрат Хожа Ажвандий зиёратгоҳи жойлашгандир.

АБУЛАЙС УБАЙДУЛЛОҲ ИБН СУРАЙЖ АЛ БУХОРИЙ (ваф. 871)

Ҳазрат Абулайс Убайдуллоҳ ибн Сурайж ибн Ҳужр ибн Убайдуллоҳ ибн ал Фазл ибн Таҳмон ар Рубъий аз Зарийр ал Бухорий ҳақларида Насафийнинг “Самарқандия” китобларида маълумот бор.

Бу зоти шариф Бухорода туғилганлар, сўнг Самарқандга бориб яшаб,

ўша ерда вафот қилган. “Самарқандия”да ёзилишича, “Абулайс Бухорий ўз даврида Аллоҳ таолонинг энг фозил бандаларидан, илму фан бобида адолатпешалардан бўлган. Унинг ҳадис ва фикҳга доир қатор тўпламлари мавжуд.

Абулайс куплаб шайхлардан ҳадис ривоят қилган. Абдон ал Марвазий (Абдуллоҳ ибн Усмон), Муҳаммад ибн Салом ал Пайкандий, Яхё ибн Яхё ан Нишопурий, Абу Ҳафс ал Бухорий ва бошқалар шулар жумласидандир. Ундан эса қуйидагилар ҳадис ривоят қилган; Наср ибн Сайёр, Иброҳим ибн Наср ва унинг ўғиллари Абу Убайд, Абу Абдурахмон ҳамда Абд ибн Саҳл аз-Зоҳид, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал Кассом ва бошқалар.

Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ад Доримий: “Ҳеч ким Самарқанднинг туққизта кучасига Абулайсчалик кўп кирган эмас”, - дейди⁶²,

Ҳазрат Абулайс Самарқандда 871 йил вафот қиладилар. Бу зоти шариф жанозаларини амир Исмоил ибн Аҳмад ас Сомоний ўқиганлар.

“Самарқандия” китобида ёзилишича, Абулайснинг ўғиллари Абдуллоҳ бундан деган: “Мен отам билан бирга ҳажга бориб келдим, ул кишининг (уйдан чиқиб, уйга қайтгунигимизга қадар бўлган муддат давомида) фақат бир мартагина ухлаганларини кўрдим. Шунда отам бирдан чўчиб уйғонган эдилар-да, менга: “Эй, ўғилгинам! Буни қара, ухлаб қолибман-ку!” -деб айтгандилар.

Абулайс қуйидаги ҳадисни Абдон ал Марвазийдан ривоят қилган: Абдуллоҳ ибн аз Зубайр бундай дейдилар: “Мен (отам) аз Зубайр разияллоҳу анҳуга: “Нечун сиз ибн Масъуд каби ҳадис айтмайсиз?” - дедим. Шунда отам: “Мен мусулмон бўлганимдан буён у киши билан биргаман, аммо Расулуллоҳ с.а.в.: “Кимки атайлаб менинг хусусимда ёлғон гапирса, жойини жаҳаннамдан эгаллайверсин!” - деб марҳамат қилганлар,” -дедилар.

АБУЛҲАСАН АЛИ ИБН АҲМАД ИБН МУҲАММАД АЛ БУХОРИЙ (ваф. 1017)

Абулҳасан Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ат Таркотий ал Бухорий ҳақларида Насафийнинг “Самарқандия” асарларида маълумот берилгандир. Бу зоти шариф муҳаддис, аллома бўлиб, 1017 йил Балхда вафот қилганлар.

Абулҳасан Али ибн Аҳмад қуйидаги ҳадисни Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ибн Али ибн Исо аз-Зарийр ар Розийдан ривоят қилган:

Амр ибн Шуъайбнинг боболари разияллоҳу анҳу бундай дейдилар: “(Эри талоқ қилган) бир хотин Расулуллоҳ с.а.в.нинг - хузурларига келиб: “Ё Расулуллоҳ! (Тўққиз ой) ўғлимни қорнимда асраб-авайлаб кўтариб юрдим, сўнг уни қучогимдан қўймай эмизиб тарбият айладим. Энди бўлса, унинг отаси: “Мен бу болага сендан кўра ҳақлироқман” -деб даъво қилаётир,” -деди. Шунда ул зот унга: Бўлак эрга тегмагунингча сен унга ҳақлироқсан” - деб марҳамат қилдилар⁶³.

⁶² Нажмуддин ан Насафий. “Самарқандия” Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти. 2001 йил. 136-саҳифа. Арабчадан Усмонхон Темурхон ўғли, Бахтиёр Набихон ўғли таржимаси.

⁶³ “Самарқандия”. 156-157-саҳифалар

ҲАЗРАТ АБУБАКР ФОЛИЗБОН БУХОРИЙ

Ҳазрат Навоийнинг “Насоимул муҳаббат” асарларида Ҳазрат Фолизбон Бухорий ҳақларида маълумот келтирилгандир: “Бухоролиғдур. Бузург эрмиш (яъни буюк эдилар). Жунайд (ваф. 910) қ.с.ни кўрибдур (яъни Жунайд Бағдодий билан учрашиб, ҳамсуҳбат бўлган). Шайхул ислом (Абдуллоҳ Ансорий) дебтуларки, Шайх Абу Бухорога борди, ани кўргали.

Дебдурки, ани бир уйда топтимки, бир эшиги бор эрди. Кирдим ва салом қилдим. Мени ўлтуртти ва суфра келтурди. Суфрада нон эрди ва ёнғоқ ва туз. Мен оч эрдим, емакка машғул бўлдим. Анга боқдим, ул йиғлайдур эрди. Илик таомдин тортдим. Манга дедиким сен нима егилки, мен шодлиғдин йиғлайдурменки, Абулқосим Жунайд қ.с.манга деб эрдиким, бот бўлғайки, бу сўзлар андоғ бўлғайки, бир кўйда икки хужра бўлсаки, бирида бу сўзлардин бўлса ва яна бирида бўлмаса, бўлмағон хужрадин келиб, бўлғон хужрадағидин бу сўзни эшитурға қарий қилмағай, ҳолоким, ҳануз Ҳиротдин Бухороға бу сўзларни эшитурға киши келур, хўбдур⁶⁴.

Ушбу келтирилган парчадан маълум бўлаяптики, Ҳазрат Абу Бакр Фолизбон Бухорийнинг даражалари буюк бўлиб, ўша даврнинг энг йирик валийси, алломаси Жунайд Бағдодий билан ҳамсуҳбат бўлган эканлар. Ва Шайх Абу Бухорога келганида Ҳазрат Фолизбонга меҳмон бўлипти. Ҳазратнинг кулбаларида бир эшикдан бошқа нарса бўлмаган. Ҳазрат меҳмон ёнига дастурхон ёзадилар. Дастурхонда нон, ёнғоқ ва туз бўлган. Меҳмон иштаҳа билан ея бошлайди ва беихтиёр кўзи Ҳазратга тушади. Ҳазрат тинмай йиғлардилар. Меҳмон таом емоқдан қўлини тартади. Ҳазрат дейдилар: “Сиз бемалол тановул қилинг, мен қувонганимдан йиғлаяпман. Жунайд Бағдодий менга деган эдиларки дунёда икки хужра бўлади, бирида бу сўзлардан (яъни: илоҳий сўзлардан) айтилур, бошқасида айтилмас. Ул хужрадан бул хужрага (яъни илоҳий сўз айтиладиган хужрага) келишни кишилар ор билмас Ҳоло Ҳиротдан бу сўзларни эшитурға Бухоро (яъни бизнинг хужрага) киши келгани яхшидур.

УСТОД АБУ АБДУЛЛО РЎДАКИЙ (858-941)

Атоқли шоир, моҳир бастакор, ҳофиз, адиб, аллома, тарбиячи Ҳазрат Рўдакий ҳақларида жуда кўп манбаларда маълумотлар берилгандир. Бу зоти шариф тахминан 858 йилда туғилиб, 941 йилда марҳум бўлган.

Даолатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкиратуш шуаро” китобларида ёзилганки: “Устод Рўдакий сомонийлар ҳукмронлиги даврида, Амир Наср ибн Аҳмаднинг (864-892) мухлиси ва хос надими эди. Рўдакий таҳаллусига ваз шулки, унинг мусиқа илмидан зўр маҳорати бор бўлиб, борбадни яхши чертарди. Баъзилар айтадиларки, Рўдак Бухоро қишлоқларидан биринг номи ва Рўдакий ўша қишлоқдандир. Қисқаси, унинг қарамли истеъдоди ва тузук зеҳни бор эди. Шеър фанида устодлар жумласидан эди. У “Калила ва Димна” назмга солган ва Амир Наср ибн Аҳмад унга беҳисоб инъомлар тухфа қилгандир⁶⁵”. Устод Рудакий саккиз ёшда Қуръонни тўлиқ ёдлаган.

⁶⁴ А.Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17 –том Т. 2001 йил “Фан” нашриёти. 163-саҳифа

⁶⁵ Давлатшоҳ Самарқандий «Шоирлар бўстони» Т. Ғ.Ғулом нашриёти – 1981 йил Форс-тожик тилидан Бўрибой Аҳмедов таржимаси

Ҳамдуллоҳ Муставфийнинг “Тарихи гузида” (Сайланган тарих) китобида қуйидаги ажиб воқеа баён қилинган: Амир Наср ибн Аҳмад Хуросон ўлкаларини забт этиб Ҳиротга боради. У ердаги об-ҳаво Амирга манзур бўлиб, бир неча вақт пойтахт Бухорони тамоман фаромуш қилади. Асли бухоролик бўлган аркони давлат хизматчилари, шоирлару котиблар, амирлар бундан ранжиб, Бухорои шарифга қайтиш тадбирини ўйлайдилар. Лекин Амирни ҳеч ким бунга кўндиролмади. Шунда аркони давлат хизматчилари Ҳазрат Рўдакийга кўп тортиқлар бериб, Амирни Бухорога қайтаришга кўндирмоқни илтимос қилиб сўрайдилар.

Бир куни саройда базм қизиб турганида, беихтиёр суҳбат Бухоро об-ҳавоси ва мевалари ҳақида бошланади. Шунда устод Рўдакий дарҳол қўлларига барбодни олиб, бадеҳатан қуйидаги ҳазални куйлайдилар:

**Бўй жўйи Мўдиён ояд ҳаме,
Ёди ёри меҳрубон ояд ҳаме.
Реги Омўву дурушти роҳи ў
Зери поям парниён ояд ҳаме.
Оби Жайхун аз нишоти рўи дўст
Ҳинги моро то миён ояд ҳаме.
Эй, Бухоро, шод бошу дер зи,
Мир зи ту шодмон ояд ҳаме.
Мир моҳ асту Бухоро осмон,
Моҳ сўи осмон ояд ҳаме.
Мир сарв асту Бухоро бўстон
Сарв сўи бўстон ояд ҳаме,
Офарину мадҳ суд ояд ҳаме,
Гар ба ганж андар зиён ояд ҳамебб.**

Баъзи манбаларда ёзилишича, Рўдакий Панжакентнинг Рўдак қишлоғида туғилганлар. Асад Тўсийнинг айтишича, Рўдакийдан бир юз саксон минг байт мерос бўлиб қолган. Лекин ҳозир минг байтгина - бизгача етиб келгандир. Дарвоқе, юқоридаги ғазал куйланганда, Амир Наср ибн Аҳмад бирдан шавқи ошиб, ҳатто этигини ҳам киймай Бухорога қараб аркони давлат билан йўл олган экан.

Шоирлар орасида энг бой-бадавлагии Ҳазрат Рўдакий бўлганлар, ул зоти шариф марҳум бўлганларида, у кишидан икки юз ғулом қолган экан.

Устод Рўдакийнинг юқоридаги ғазалларини С.Воҳид ўзбек тилига таржима қилган:

**Мўлиённинг хуш хиди келгай буён,
Эсга тушгай ёди ёри меҳрубон.
Ҳам Амунинг қумлари, қумлоқ йўли,
Пойимизга ёйилар баҳмалсимон.
От белидан паст тушар Жайхун суви,
Дўст висолини хаёл қилган замон.
Эй, Бухоро, шод бўл, мангу яша,**

⁶⁶ “Осори Рўдакий” Тожикистон. 1985 й. 125-саҳифа

**Шоҳ борар бағрингга яйраб шодмон,
Шоҳ агар ойдир, анинг осмони сен,
Ой борар осмон - Бухорога томон.
Шоҳ агар сарвдир, унинг бўстони сен,
Сарв борар бўстон - Бухорога томон.
Гарчи ганжга етса-да ундан зиёд,
Мадҳу таърифидан тугун етгай аён.**

Устод Рўдакийнинг қуйидаги рубоийларини Эргаш Очилов таржима этган:

**Кўн бориға-ю, Ҳақни этиб ёд яша!
Дил берма такаллуфга-ю, озод яша!
Ғам чекма сира кўриб ўзингдан бойни,
Сендан-да фақирларни кўриб, шод яша!**

**Йўлчи йўли ёришар чироғингдан; ёр,
У ўлмаса бас, хажру фироғингдан, ёр.
Куйган жигар ҳиди жаҳонни тутди,
Келмасми куюк ҳиди димоғингдан, ёр?!**

**Ҳар қайга йўли тушса дили маҳзуннинг,
Қонли тиғи шу жойда эрур гардуннинг.
Лайли кабилар англамагайлар бизни,
Мажнун билади ҳолини, бас, Мажнуннинг!**

ҲАЗРАТ АБДУЛЛОҲ СИПАДМУНИЙ (871-952)

Ҳазрат Абдуллоҳ Сипадмуний халқ наздида Устоз номи билан машҳур бўлган. Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Яъқуб ал Устоз Сипадмуний муҳаддис, аллома, фақиҳ, буюк тарбиячи эдилар. У киши мелодий 871 йилда туғилиб, 952 йилда вафот қилганлар. Ҳазратнинг муборак қабрлари Бухоро шаҳридан ярим фарсаҳ жанубдадир. Айни шу кунларда бу зиёратгоҳ олтинчи кичик ноҳия ҳудудида ҳисобланади. Бу қишлоқ Абдуллоҳ Сипадмуний (Сафедмўй) деб аталади.

Ҳазрат Абдуллоҳ Сипадмунийнинг устодлари Ҳазрат Абу Ҳафс Сағир Бухорий ҳисобланадилар.

Абдуллоҳ Сипадмуний Бухоро, Ироқ, Ҳижоз, Хуросонда сабоқ олган. Бу зоти шариф юзлаб кишиларга таълим берганлар, инчунин, улуг фақиҳ Имом Абу Бакр Фазл (ваф. 991) Сипадмуний шогирдларидир.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Ҳазрат Сипадмуний дарслари халқасида 400 шогирд ўтириб, у кишидан ҳадис ёзиб олар экан.

Абдуллоҳ Сипадмунийнинг “Кашфул осор аш шарифа фи маноқибни Абу Ҳанифа”, “Муснади Абу Ҳанифа” ва бошқа китоблар машҳур.

Бухоро шаҳри Саллахона дарвозаси ичкарасида Арабон кўчаси бор. Арабон кўчасида Ҳазрат Абдуллоҳ Сипадмунӣ жомеъ масжидлари жойлашган. Ушбу табаррук масжид собиқ Иттифоқ замонида нонвойхона, омборхона, устохонага айлантирилган эди.

Мустақиллик шарофатидан Арабон гузари аҳолиси усто Абдуллоҳ ака Атоев сайъ-ҳаракати билан ушбу обидани асл ҳолига келтирди.

Айни шу кундарда Абдуллоҳ Сипадмунӣ жомеъ масжиди намозхонлар ихтиёрига берилгандир.

Ҳазрат Абдуллоҳ Сипадмунӣ ҳақларида ас Самаънийнинг “Насабнома”, Носириддин Тўранинг “Таҳфат аз зоирин” китоблари ва бошқа манбаларда маълумотлар бор.

Ҳанафия мазҳабининг юртимизда ёйилишига бу зоти шарифнинг хизматлари каттадир.

Абдуллоҳ Сипадмунӣ мазорлари таъмирталаб.

АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН ЖАЪФАР АН НАРШАХИЙ (899-959)

Ҳазрат Абу Бакр Наршахий буюк тарихчи, аллома, муҳаддис ҳисобланадилар. Бу зоти шарифнинг 943 йилда араб тилида ёзган “Тарихи Бухоро” (Тарихи Наршахий) китоблари Марказий Осиё тарихи ҳақида ёзилган биринчи бебаҳо асардир.

Ҳазратнинг тўлиқ исмлари қуйидагичадир: Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариё ибн Хаттоб ибн Шарик.

Ҳазрат Наршахий Бухоро вилояти Вобкент туманидаги Наршах қишлоғида туғилганлар.

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” асарлари Абу Муҳаммад Нух бин Наср ибн Аҳмад ибн Исмоил ас Сомонийга бағишлангандир⁶⁷.

“Насабнома”да ёзилишича, Абу Бакр Наршахий қуйидагилардан ҳадис ривоят қилганлар, яъни Абу Бакр ибн Ҳурайсдан, Абдуллоҳ ибн Жаъфар ва бошқалардан ҳадис ривоят қилганлар⁶⁸.

1178 йил Муҳаммад Зуфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобини араб тилидан форс-тожик тилига таржима қилди ва у “Бухоро тарихи”ни янги тарихий воқеалар билан бойитди. Абу Наср Аҳмад ҳам ўз навбатида 1220 йил “Бухоро тарихи”га янги далил, тарихий воқеаларни киритди. Шу боис “Бухоро тарихи” IV-XIII аср Ўрта Осиё тарихини ўз ичига олувчи ғоятда қимматли манбадир.

Лекин бахтга қарши Ҳазрат Наршахийнинг араб тилида ёзган “Бухоро тарихи” асарлари ҳозирча топилган эмас.

“Бухоро тарихи” асари рус, инглиз, турк, араб ва бошқа тилларга таржима этилиб нашр қилинган. Ушбу асарда Бухоро олимлари, обидалари, шаҳарлари, шоҳлари тарихи ёритилгандир.

Абу Бакр Наршахий 959 йил вафот қилганлар. “Бухоро тарихи” ўзбек тилига А.Расулов томонидан таржима қилиниб, бир неча марта чоп этилган.

⁶⁷ “Маънавият юлдузлари” А.Қолирий номли ҳалқ мероси нашриёти. Т. 1999 йил. 70-саҳифа

⁶⁸ Абдулқарим ас Самъоний. “Насабнома”. 112-саҳифа

ҲАЗРАТ САИД АБУЛҲАСАН ПОБАНД

(ваф. 1004)

Ҳазрат Саид Абулҳасан Побанд ҳижрий 395 (мелодий 1004) йилда вафот қилганлар. Насаблари тўққиз ҳалқа орқали Ҳазрат Имом Ҳасан разияллоҳу анҳуга бориб тақалади.

“Тухфат аз зоирин” китобида қуйидаги шажара берилган: “Шайх Сайидул Имом Абулҳасан Муҳаммад ибн Али бин ал Ҳусайн бин ал Ҳасан бин ал Қосим бин Муҳаммад бин ал Қосим бин ал Ҳасан бин Зайд бин ал Ҳасан бин Али бин Абу Толиб р.а. уламои шарият, машойихи тариқат ва ҳақиқатдурлар”.

Кўриниб турибтики, Ҳазрат Саид Абулҳасан олим, ориф, шарият уламози тариқату ҳақиқат шайхи бўлган.

Саид Абулҳасаннинг тариқатдаги пирлари Ҳазрат Жаъфар Хилдий бўлиб, Жаъфар Хилдий эса Ҳазрат Жунайд Бағдодийнинг (ваф. 910) муридларидир.

Ҳазрат Саид Абулҳасан машҳур зот Абу Бакр Исҳоқ Гулободийнинг устодлари ҳисобланадилар.

Тарихчи олим Нарзулла Йўлдошев “Бухоро авлиёларининг тарихи” (“Бухоро” нашриёти - 1997 йил) китобида қуйидаги ибратли воқеани келтирган: “Саид Абулҳасан ривоят қиладиларки, бир кун пирим Шайх Жаъфар мени ифтор қилмоқ учун уйларига таклиф қилдилар. Иттифоқо, ўша кун уйда қовурилган товук, шу билан бирга палов учун масаллиқ ҳам тайёр эди. Мен нафсим хоҳишига кириб, пирга узр айтиб, уйларига бормадим. Ифтор пайти хизматчи паловни тавоққа солиб олиб келаётган пайт йиқилиб, ошни тупроққа яксон қилди. Мен, нима воқеа рўй берди, деб ташқарига чиқдим. Шу заҳот дайди бир ит уйга кириб, дастурхондаги қовурилган товукни олиб кетди...”

Бомдод нимозида Ҳазрат Жаъфар мени кўриб: “Кимеки ўз пири таклифини қабул этмаса, Аллоҳ таоло уни ит билан ҳамтовоқ этгай!” - дедилар, ифтор пайтидаги воқеа ул зотга аён бўлган эди. Мен зуд тавба қилдим, тавбамни қабул этдилар ва гуноҳимни кечирдилар”.

Нақл этилишича, Ҳазрат Саид Абулҳасанга тухмат қилиб, ул зотни зиндонбанд этадилар. Ҳар намоз вақти қўл-оёқларидаги кишан ўз-ўзидан очилар экан. Ибодатни адо қилиб бўлганларидан сўнг яна оёқ-қуллари кишанбанд бўларкан. Бу каромат Бухоро подшоҳига аён бўлибди. Шоҳ зудлик билан зиндонга келиб, Ҳазратдан узр сўраб, ул зотни озод қилмоқчи бўлибди. Ҳазрат Саид Побандикушо эса: “Аллоҳ хоҳишига мувофиқ қўл-оёғимга кишан солинди. Мен Аллоҳ тақдирига тан берганман. Бу Аллоҳ таолонинг имтиҳони эрди. Ҳозир бандаликни бажо келтиргумдир. Илтимосим ва васиятим шуки, мени мана шу кишанларим билан, яъни кишанланган ҳолда дафн қилинглар. Токи қиёмат куни мен Аллоҳ олдида фахр этай. Аллоҳ мени тақдирдан рози эканлигимни кўрсин!” -деб жонни Ҳаққа таслим қилган эканлар.

Ҳазратни кишанланган ҳолда дафн қилган эканлар. “Тарихи Муллозода” китобида қуйидаги байт бор:

**Марқади Бў ал Ҳасан, ки Побанд аст,
Тайи Дарвозаи Самарқанд аст.**

Таржимаси: Саид Абул Ҳасан, ки номи Побанд (яъни оёғи банддадур)
Қабр жойи Дарвозаи Самарқанд.

Саид Абулҳасан ҳазратларини Самарқанд Дарвозаси ёнидаги мазорга дафн қилганлар. Лекин йигирма йилдан сўнг ул кишининг жасади у мазористондан олиниб, Бухоро шаҳри ичидаги Саид Побандикушо гузаридаги ҳовли ичида қайта кўмилган. Бундай этилишига сабаб шуки, Ҳазрат муридларининг бири тушига кириб, мени шаҳар ичидаги ҳовлига этиб кўминг, деган эканлар. Қарангки, бу ҳам бир каромат ҳисобланади. Чунки Самарқанд Дарвозаси ёнидаги мазористон собиқ Иттифоқ замонида ер билан яксон қилинди, йўқотилди. Ҳовли ичида бўлгани боис Ҳазрат Саид Побанд қабрлари талафотдан шикаст кўрмади.

Ҳазрат Саид Побанднинг қабрлари Бухоро шаҳри Хоразм кўчасидаги ҳовли ичида жойлашган. Мазорлари ёнида масжид ҳам бор. Бу масжид Ҳазрат Саид Побанд номларидадир. Пайғамбаримизга илк бор ваҳий келган Ҳиро тоғидаги табаррук тош Ҳазрат Саид Побанд қабрлари тепасига қўйилган.

Ҳазрат Саид Абулҳасан Побанд кароматлари шуки, Ҳазрат қабрларини зиёрат қилиб, не мушкул иш, не муаммонгиз бўлса, Аллоҳ таолодан сўрасангиз, Аллоҳ дуонгизни ижобат қилади. Бу ер дуо ижобат бўладиган жойдир.

Собиқ Иттифоқ даврида Саид Побанд зиёратгоҳлари қаровсиз, масжидлари вайронага айлантирилганди. Истиклол шарофатидан мазкур гузарнинг фуқароси Иброҳим Қосимовнинг сайъ-ҳаракати, ташаббуси билан ушбу зиёратгоҳ ва масжид таъмирланди. Айни шу кунларда зиёратгоҳ обод, масжидда эса беш вақт намоз адо қилинаётир.

Ҳазрат Саид Побандикушо зиёратгоҳига Хожа Нуробод шоҳ кўчаси орқали борса бўлади.

ШАЙХ АБУ БАКР ГУЛОБОДИЙ (КАЛОБОДИЙ) **(ваф. 991)**

Бутун ислом оламида маълум ва машҳур бўлган “Китобут таарруф би мазҳабит тасаввуф” (Тасаввуф йўлини таништириш) асарининг муаллифи юртдошимиз Ҳазрат Шайх Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим Гулободий ҳисобланадилар. Бу зоти шариф Бухоро шаҳрининг Гулобод мавзеида туғилиб камолга етганлар. Арабларда “Г” ҳарфи бўлмагани боис бу мавзенинг номи “Калобод” номи билан барча манбаларда аталгандир. Гулобод мавзеи ҳозирги Хожа Нуробод кўчасининг бир қисмидир.

Ас Самъонийнинг “Насабнома” китобида ёзилишича, Гулобод маҳалласидан жуда кўп аллома, муҳаддис, авлиёлар ўтган (“Насабнома”, 97-99 саҳифалар).

Ҳазрат Абу Бакр Гулободий шайх, муҳаддис, фақиҳ, тасаввуфшунос аллома, тариқат пири, валиюллоҳ бўлиб, Абулҳасан Зарринкўбнинг ёзишича: “Ҳазрат Абу Бакр Гулободий аз аймаи тасаввуф ва ҳифзи ҳадис будаанд” (А.Зарринкўб, “Жусту жў дар тасаввуфи Эрон”, Душанбе, “Ирфон” 1992 с.). Яъни Ҳазрат Гулободий сўфийларнинг пешвоси, улуғи ва кўплаб ҳадисларни ёддан билувчи бўлганлар.

Гулободийнинг “Ат Таарруф” китобларидан ташқари “Баҳрул фавоид фи маъоний ал ахбор” асарлари ҳам бор. Ушбу китобда Гулободий пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг 222 ҳадиси муборақларини шарҳлаган.

“Ат Тааруф” араб тилида ёзилган бўлиб, бу асар аср-асрлардан бери тасаввуфшунос олим, шунингдек, сўфий ва тариқат ихлосмандлари учун қўлланмадир.

Малумки, ушбу нодир асар араб ва форс-тожик тилларида жуда кўп алламалар томонидан шарҳланган. Абдуллоҳ Ансорий (ҳижрий 481 й. ваф.) Алоиддин Кониявий (х. 729 йил ваф.) араб тилида, Имом Мустамлий ал Бухорий (ваф. мел. 1043 й.), Хожа Муҳаммад Порсо (1348-1420) форс-тожик тилида шарҳлаб, “Ат Таарруф” ҳикматлари, сиру асрорларидан Ғарбу Шарк олимларини воқиф қилганлар.

Абу Бакр Гулободийнинг “Ат Таарруф”лари муқаддимасида тасаввуфнинг моҳияти, шунингдек, сўфийлар ҳоли баён этилган. Асосий қисмида суфийлар ақоиди ислом ақоидига мос эканлиги, суфийлар равишида куфр, бидъат, хурофот йўқлиги, инчунин, мақомот бўни, сўфийлар аҳволи, сўфийлар ижодига мансуб бўлган шеърлар, сўфийлар қўллайдиган истилоҳларнинг шарҳи, сўфийлар кароматининг ҳақлиги, уларнинг ҳикмати берилгандир.

Шайх Яхё Суҳравардий (ваф. 1191) “Агар Гулободийнинг “Тааруф” асари бўлмаганда, биз тасаввуф нима эканлигини билмас эдик” деб бу китобнинг нақадар қимматли эканлигини баён қилган. Худди шу маънода Ҳазрат Жомий “Нафоҳатул унс”да ёзадилар: “Агар “Таарруф” набуди, тасаввуф доништа нашуди”.

Абу Бакр Гулободийнинг тарих олдидаги хизматлари буюқдир. Чунки бу зоти шариф биринчилардан бўлиб сўфийларни, тасаввуфни ҳимоя этиб, ояту ҳадислар билан тариқат, бу шариатнинг зидди эмас, балки шариат ботинини ўрганувчи фан эканлигини исботлаб берганлар. Маълумки, шариат зоҳирини фикҳ фани ўрганади. Лекин унинг ботинини фақиҳлар тадқиқ этолмайди. Балки уни тадқиқ этувчи сўфийлардир. Чунки бу учун илми ҳол, яъни илми ладуний - Аллоҳ таоло берган илм лозим. Бундай илмни на масжиду мадраса, на олий ўқув юртлардан ўзлаштириб бўлади.

Атоқли тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов: “Ат Таарруф” асари тасаввуф ҳақида назарий мамумот берувчи биринчи йирик ва яхлит манбадир. Унинг аҳамияти ва қиммати ҳам шунда. X-XI асрлар орасида тасаввуфнинг қоида-қонунлари, тушунча ва истилоҳлари ўрганилган ва бир нечта китоблар таълиф этилган эди. Чунончи, Абу Наср Саррожнинг (ваф. 988) “Китобал лумаъ”, Абутолиб Маккийнинг (ваф. 998) “Қутул қулуб”, Сулабийнинг (ваф. 1021) “Рисолатал маломатия”, Қушайрийнинг (ваф. 1072) “Рисолаи тасаввуф”, Ал Хужвирийнинг (ваф. 1076) “Кашфул маҳжуб”, Абдуллоҳ Ансорийнинг (XI аср) “Манозил ас соирин” номли асарлари ёзилди. Аммо “Ат Тааруф” давр нуктаи назаридан буларнинг ҳаммасидан олдин ёзилган ва номлари зикр этилган муаллифлар барчаси Гулободий асаридан фойдаланганлар” деб ёзадилар (Шайх ал Калободий, “Тасаввуф сарчашмаси”, Т. Ғ. Ғулом, 2002 й. 4 саҳифа).

Маълумки, Ҳазрат Абу Бакр Гулободий Фориси Динаварийнинг шогирдлари эдилар. Фориси Динаварий атоқли сўфий Мансури Ҳаллождан (858-922) сабоқ олганлар. Мансури Ҳалложни “Аналҳақ” деганлари боис бир гуруҳ мутаассиб, ақидапарастлар шаҳид этадилар ва тариқатга қарши мурасасиз жанг бошланади. Сўфийлар ва уларнинг муридлари тазйиқ остида қолади. Хур фикр зотлар қатоғонга учрайди. Мана шундай пайтда жасорат

билан тариқатни ҳимоя этмоқ, сўфийларга қалқон бўлмоқ, дарҳақиқат, қаҳрамонлик эди.

“Ат Тааруф” ёзишга туртки бўлган асосий сабабни муаллиф асари сўз бошисида баён қилгандир. Намиддинг Комиловнинг тўғри таъкидлашича, Э тасаввуф тарқала бошлаган дастлабки даврларда сўфийларнинг обрӯ-эътибори баланд бўлган, улар тақво ва ҳол илмининг пешволари сифатида катта хурматга сазовор бўлганлар... Аммо замонлар ўтиб, тасаввуф аҳли орасида нопок ниятли одамлар кириб олиб, уни ичидан буза бошлаганлар. Натижада тариқатнинг маъноси кетиб номи қолади, ҳақиқат кетиб, расм-русум унинг ўрнини эгаллай бошлайди.

Ўзларини сўфий дегувчиларнинг бир қанчаси хатти-ҳаракатлари билан тариқатга тескари бордилар, тасаввуфда бўлмаган нарсаларни киритдилар, унга ёт нарсаларни нисбат бердилар, тасаввуфни мақтовчилар сўнгра ундан ўзларини олиб қочдилар. Сўфийлар, орасида нифоқ, ҳасад авж олди.

Жу боис муаллиф қўлига қаламни олди ва ҳақиқий сўфийлар ким, уларнинг ақоиди нимадан иборат, уларнинг хизматлари не, мана шуларни “Ат Тааруф”да баён қилди. Муаллиф ўз китобида 69 та аттоқли сўфий номини тилга олгандир. Гулободий ҳар бир фикрини Қуръон оятлари ва пайгамбар с.а.в. ҳадислари билан баён қилади.

“Тарихи Муллозода”да келтирилишича, Сайид Абул Ҳасан Побандикушо Ҳазратлари ҳам Абу Бакр Исҳоқ Гулободийга сабоқ берганлар. Ҳазрат Абу Наср Аҳмад Турки Жанди эса Абу Бакр Гулободийнинг шогирдларидир.

Ҳазрат Абу Бакр Гулободийнинг туғилган йиллари ҳақида манбалардан маълумот тополмадик. Бу зоти шариф тахминан 906 йилда туғилганлар.

Лекин манбаларда Ҳазрат Гулободийнинг марҳум бўлган йиллари маълум, бу ҳижрий 385, мелодий 991 йилдир. Хўш, бу зоти шарифнинг қабрлари қаерда? У ҳозир ҳам борми? Бўлса нега зиёратгоҳга айлантирилмаган, ёхуд Гулободийнинг қабрлари Бухорода эмасми? “Тухфат аз зоирин”да ёзилганки: “Ва дар жониби қиблаи марқади Абу Бакр Ҳомид марқади мунаввари ва машхури муаттари қутбул авлиё, аш-шайхул олам, ал ориф, аз зоҳид Шайх Абу Бакр Муҳаммад бин ал олим ал ориф Абу Исҳоқ Иброҳим бин ал Гулободий қадасаллоҳу таоло сирра, ки шарҳи эшон аз баён мустағси аст”.

Ушбу келтирилган парчадан Ҳазратнинг тўлиқ исмлари Шайх абу Бакр Муҳаммад Абу Исҳоқ бин Иброҳим ал Гулободий эканлиги маълум бўлаяпти. Шунингдек, бу зоти шариф Ҳазрат Сайфиддин Бохарзийдан (ваф. 1261) деярли уч юз йил олдин Шайхул Олам унвонини олган эканлар.

Авлиёларнинг қутби, олим, ориф зотнинг қабрлари Абу Бакр Ҳомиднинг қабрлари ёнида экан. Бу мазорни “Беҳиштиён” мазори деб атаганлар.

Лекин афсуслар бўлсинки, собиқ Иттифоқ замонасида кўплаб мадраса, масжид, сарой, тарихий жойлар қаторида Абу Бакр Ҳомид мазорлари, шунингдек унинг ёнидаги Ҳазрат Гулободий мазорлари бузилди, йўқотилди. Ушбу мазористон устида Бухоро Кооператив техникуми (юридик ва маиший хизмат коллежи), мактаб ва Ёғ заводи қад кўтарди⁶⁹.

⁶⁹ 2007 йилда бунёд этилган Даҳмаи Беҳиштиён зиёратгоҳида Абу Бакр Гулободий номлари ёзилган лавҳа ўрнатилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ҳазрат Гулободий ҳақларида дастлабки маълумотлар “Уч авлиё” (С.Салим Бухорий, “Уч авлиё” “Бухоро” нашр. 2000 й.) китобида чоп этилган бўлса, 2002 йил Шайхнинг “Ат Таарруф” асарлари арабчадан Отакул Мавлонкул ўғли ва Мавлуда Иртакул қизи томонидан таржима этилиб “Тасаввуф сарчашмаси” номи билан Тошкентда нашр қилинди.

ҲАЗРАТ МАВЛОНО АБДУРАҲМОН БУХОРИЙ

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Ҳазрат Мавлоно Абдурахмон Бухорий шариату тариқат илмининг олими бўлиб, устоз ал уламо, яъни олимлар устози эдилар.

Ҳазрат Мавлоно Абдурахмоннинг қабрлари Ҳазрат Абу Бакр Гулободий қабрлари қибла томонида бўлган.

ҲАЗРАТ ТУРКИ ЖАНДИЙ

(Ҳаср)

Шайх Абу Наср Аҳмад ибн ал Фазл Мусо ал Жандий ҳазратлари Турки Жандий номи билан машҳур бўлиб, олим, ориф, муҳаддис, валиюллоҳдурлар.

“Тарихи Муллозода”, “Тухфат аз зоирин” китобларида маълумот берилишича, бу зоти шариф инсонлар ва жинларнинг устоди эди.

Абулкарим ас Самъонийнинг (1113-1167) “Насабнома” (“Ал Ансоб”) китобларида ёзилишича, “Абу Наср Аҳмад ибн Фазл ал Жандий Бухоро имомларидандурлар. Бу зот тафсир ва ҳадис илмида, маърифат илмида пешқадам бўлганлар. Ҳазрат Турки Жандий Абу Бакр ибн Абу Исҳоқ ал Гулободийнинг суҳбатдошлари, шогирдлари эдилар. (Абулкарим ас Самъоний, “Насабнома”, 33-саҳифа).

Жанд-Сирдарё атрофидаги туркий қавмлар яшайдиган шаҳар номи.

Ҳазрат Турки Жандий мазорлари Бухоро шаҳридаги машҳур зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади. У ерда қадимий мақбара, тошқудуқ бор. Бу зиёратгоҳ Бухоро шаҳри ичида бўлиб, Намозгоҳ кўчасида жойлашган.

“Назми китоби Муллозода” асарида ёзилган:

**Гўш ба ман бидор як чанде,
Гар надони ту турбати Жанди.
Ҳаст дар жониби жануби Бухор
Пуштаи нур баҳши файзосор.
Андар он пушта Аҳмади Жандист...
Асҳоби Бў Исҳоқ Калободийст.**

Ушбу назмий парчадан ҳам маълум бўляптики, Ҳазрат Турки Жандий мазорлари Бухоро шаҳри жанубида бўлиб, бу зоти шариф Абу Исҳоқ Гулободийдан сабоқ олган эканлар.

Турки Жандий ҳақларида Н.Йўлдошев “Бухоро авлиёлари тарихи” китобида маълумот берган.

Нақл қиладиларки, бир кун Турки Жандий бир гуруҳ шогирдлари билан Бухоро кўчаларидан ўтиб кетаётганларида бир одам ул зоти шарифга қараб дейди: “Сиз афзалми ёхуд ит афзалми?”. Асҳобларнинг жаҳли чиқади. Ҳазрат

Турки Жандий асҳобларига қараб дедилар: “Сизлар тек туринг Бу саволга жон бор. Дарҳақиқат, агар биз ушбу фоний дунёдан иймон билан ўтсак итдан афзалмиз. Агар иймонсиз ўтсак биздан ит афзалдир! Ҳазрат Али карамаллоҳу ваҷҳаху деганларки, итда ўн ҳислат борки, бу ҳар бир тақводор мўмин учун ибратдир: 1. Халойиқ ўртасида итнинг ҳеч бир қадри йўқ. 2. Ит фақирдир, унинг ҳеч бир мол дунёси йўқ. 3. Бутун ер унинг бисоти, у тўғри келган жойда ухлайди, ит жой танламайди. 4. Аксар пайтда у оч юради, очликка чидайди. 5. Эгаси уни уриб ҳайдаса-да, эгасини асло тарк этмайди. У эгасига вафодор. 6. Эгасига посбонлик этади. Душманларни асло уйга йўлатмайди. 7. Кечаси билан бедор пойлоқчилик қилади. 8. Аксар пайтда у сукут этади. 9. Эгаси нима берса ўшани ейди, қаноат қилади. 10. Ит ўлса ундан ҳеч бир нарса мерос қолмайди.

Кўриниб турибтики, Ҳазрат Турки Жандий улуғ авлиё, шу билан бирга ўта камтарин инсон бўлганлар. Ҳазрат Турки Жандий тариқат, шарият сабоғини Бухорои шарифдан олиб, шу ерда турғун бўлганлар. Бу зоти шариф хижрий тўртинчи асрда яшаб фаолият кўрсатганлар.

Турки Жандий зийратгоҳи обод қилинаётир.

ХАЗРАТ АБУ БАКР САЪД (ваф. 970)

Бухоро шаҳридан 6 километр ғарбда Чор Бакр зиёратгоҳи жойлашган. Бу ердаги қишлоқнинг қадимий номи Сумитондир. Тўртта буюк авлиё Абу Бакр Саъд (ваф.970), Абу Бакр Ҳомид (ваф.937), Абу Бакр Муҳаммад ибн Фазл (ваф.991), Абу Бакр Тархон (ваф.945) шарофатидан бу мавзе Чор Бакр, яъни тўртта Бакр исмли зот номи билан атала бошланган.

Ҳазрат Абу Бакр Саъд - улуғ шайх, олим, обид эдилар. Бу зоти шариф сомонийлар ҳукмронлигида яшаб, Бухоронинг шайхул исломи бўлганлар. Абу Бакр Саъд Муҳаммад с.а.в. авлодларидирлар.

Нақл қилинишича, Абу Бакр Саъд мадрасада ўқиб юрганларида оталари доимо уйдан ул зотга озик-овқат, нон келтириб берар ва шубҳали нарсани тановул қилма, деб тайинлардилар. Бир кун келиб кўрсалар дастурхонда бозори нон турибти. Ҳазрат: “Бу нонни нега дастурхонингга қўйдинг?” - деганларида, Ҳазрат Абу Бакр Саъд: “Отажон, бу нон сабоқдош дўстимникидир!” - дейдилар. Оталари: “Сен шубҳали нарса тановул қиладиганлар билан дўст бўлибсан!” - деб, у кишини мадрасадан олиб, туябоқарликка қўядилар. Ҳазрат саҳрода илмдан бенасиб қолдим, деб ғам чекканларини кўриб, Хизр а.с. ул кишига қирқ йил саҳрода сабоқ берадилар. Ҳалол лўқма, саҳифамаъ хизмат, тақво, отанонинг дуоси туфайли Абу Бакр Саъд валиюллоҳ бўладилар.

Ҳазрат Абу Бакр Саъд 970 йил вафот қиладилар. Қабрлари Чор Бакрдадир. Ҳазрат Абу Бакр Саъднинг шажаралари “Абдуллонома”да берилгандир: 1. Имом Ҳусайн р.а. (625-681) 2. Имом Зайнулобидим (ваф. 713). 3. Имом Муҳаммад Боқир (ваф. 732). 4. Имом Жаъфари Содик (700-765). 5. Хожа Заҳириддин. 6. Имом Абу Бакр Саъд (Ҳофиз Таниш ал Бухорий, “Абдуллонома”, Т., “Шарқ”-1999 йил, 76-саҳифа).

Ҳазрат Абу Бакр Саъднинг авлодлари Хожа Исом Жўйборий бўлиб, бу зоти шариф XVI асрнинг пири муршиди, кутби замон, нақшбандия тариқати шайхи эдилар.

ҲАЗРАТ АБУ БАҚР ФАЗЛ

(ваф.991)

Ҳазрат Абу Бақр Фазл буюк олим, муҳаддис, обид, тақводор зот эдилар. Бу кишининг шарофатидан исломга ёт бўлган турли бузғунчи фирқалардан Бухоройи шариф тозаланган. Чунки бу зот шариф буюк фақиҳ ҳам бўлган.

Муҳаммад Авфий ал Бухорийнинг “Нодир ҳикоялар” китобида куйидаги нақл киритилгандир: Бухорода Имом Хожа Абу Бақр Фазл муридларидан бири бўзфурушлик қиларди. Аммо доимо Хожа имом хизматида қоим эди. Шунитдек, пирнинг иродасига бўйсуниб, молу дунёга лоқайд қарарди. Бўзфурушнинг бир ўғли бўлиб, иш кўрмаган ва тажрибасиз йигит эди. Қазо ва қадарнинг тақозоси билан Рамазон ойида бўзфурушнинг ўғлини бир қиз билан зино асносида тутиб олдилар. Шаҳар волийси йигитни қамокқа олди ва отасининг молу мулкига дахл қилди. Бўзфуруш Имом Абу Бақр Фазл ҳузурларига келиб, ул зотдан ёрдам сўради, Имом бўзфурушга дедилар: “Рамазон ойида зино қилмоқлик катта жиноят ҳисобланади. Мен бу ишга кафил бўлолмайман ва бу иш менга лойиқ эрмас”. Бўзфуруш бу гапларни эшитгандан сўнг, бир парча оқ қоғозни олиб парнинг олдига келди ва деди: “Менга шафоатнома ёзиб беринг, токи у дунёда Молики дўзах менга азоб бермасин!”. Ҳазрат дедилар: “Менинг ёзиб берган ҳужжатимни Молики дўзах қабул этмайди. Менинг шафоатим у дунёда ўтмайди!”. Шунда мурид деди: “Адолат юзасидан айтинг, менинг сиз бирлан дўстлигим бу дунё учунми ёхуд у дунё учунми? Агар суҳбатингиз самараси бу дунёга менга асқотмаса, аминманки, у дунёда қиёматда асқотмайди! Бинобарин, хизматингизда бўлишимдан не фойда?” Пир бироз сукут этиб дедилар: “Рост гапирдинг! Аҳду паймонни ўртага солмоқни эслатдинг! Алҳол сенинг талабингни бажарурмен!”. Пир отга миниб Хуросон амирининг ҳузурига бордилар ва бўзфуруш билан унинг ўғли воқеасини гапириб бердилар. Бўзфуруш ўғлининг гуноҳини кечиритишни сўраб илтимос қилдилар. Амир кулди ва бўзфуруш ўғли гуноҳини кечди. Пир қизга одам юбориб, уни олиб келтирдилар ва йигитга никоҳлаб бердилар. Шундан сўнг пир билан бўзфуруш ўртасидаги муносабат яна яхши бўлди. (Муҳаммад Авфий, “Нодир ҳикоялар”, Т. Ғ.Ғулом, 1977 йил, 21-саҳифа).

“Маноқиби Саъдияда”да ёзилишича, Хожа Ислому Жўйборий дейдилар: “Мен бир кеча Ҳазрат Абу Бақр Фазл қабрлари зиёратига бордим. Қабр ёнида қуриган дарахт бор эди. Ногоҳ кўрдимки, бир бузругвор дарахт шохасини тутиб турибти. Мен эҳтиром билан салом бердим ва ул киши мени ўз олдига имлади. Мен бордим. Бузругвор менга “Ҳу” зикрини ўргатдилар ва дедилар: “Мен амиралмўъминин Ҳазрат Али карамаллоҳу ваҳҳаҳу бўламан!” Қалбим илоҳий нурга тўлди. Ўша баҳордан бошлаб қуриган дарахт қайта кўкарди. Андак фурсатдан кейин бу ерда масжид, мадраса қурилиб, обод бўлди (Ҳусайн ас Сараҳсий, “Маноқиби Саъдия”, “Бухоро” нашриёти, 1997 йил, 13-саҳифа. Форс-тожик тилидан Ҳ.Тўраев таржимаси). Ҳазрат 991 йил вафот қиладилар. Қабрлари Чор Бақрадир.

Айни шу кунларда Ҳазрат Абу Бақр Фазл қабрлари обод зиёратгоҳга айлантирилган.

ҲАЗРАТ АБУ БАКР ҲОМИД

(ваф. 937)

Ҳазрат Абу Бакр Ҳомид буюк шайх, валиюллоҳ, фақиҳ, ғоят тақводор, соҳибкаромат зот эдилар. Бу зоти шариф дафн қилинган жойни “Тухфат аз зоирин”да Тали Хожа Имом Бакр Ҳомид, деб айтилган. Бу Гулобод дарвозаси рўпасидаги Мозори Беҳиштиёнда бўлиб, унда автод, абдоллар дафн қилинган экан. Бу табаррук жой собиқ Иттифоқ замонида вайрон этилган эди.

ҲАЗРАТ АБУ БАКР ТАРХОН

(ваф.945)

Ҳазрат Абу Бакр Тархон зоҳид, олим, мужтахид эдилар. Ҳазратнинг исмлари “Тўхфат аз зоирин”да қуйидагича келтирилган: ал имом ал олим, ал омил ал оқил аз зоҳид ал мужоҳид Абу Бакр Абдуллоҳ бин Муҳаммад бин Али бин Тархон. Бу зоти шариф Тали Абу Бакр Тархонда дафн қилингандир. Ҳазрат 945 йил вафот қилган. Бу баландлик Тали Имом Абу Бакр Ҳомидга яқин бўлган жойда эди. Ҳозир ундан нишон қолмаган.

ҲАЗРАТ ҲОФИЗИДДИН КАБИР БУХОРИЙ

Ҳазрат Ҳофизиддин Кабир Бухорий ўз замонасининг алломаси эдилар. Бу киши ҳақида “Тухфат аз зоирин”да хабар берилган. Ҳазратнинг тўлиқ исмлари қуйидагичадир: Мавлоно Муҳаммад ибн Наср ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр ал Қаласоний Ҳофизиддин Кабир Бухорий.

Мавлоно Ҳофизиддиннинг қабрлари Ҳазрат Абу Бакр Тархон мазорлари ёнида бўлган.

ҲАЗРАТ АБУ АБДУЛЛОҲ АЛ БУХОРИЙ

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Аҳмад ал Бухорий Ҳазрат Ҳофизиддин Кабирнинг уғиллари бўлиб, имом, зоҳид, аллома, муфассир, воиз эдилар. Жасадлари оталарининг қабри ёнига кўмилган.

ҲАЗРАТ ТОЖИДДИН АЛ МАСДАР

Ҳазрат Тожиддин ал Масдар Мавлоно Ҳофизиддин Кабирнинг куёвлари эдилар. Ўз замонасининг алломаси бўлган бу зотнинг қабрлари қайноталари мазори ёнидадир. “Тухфат аз зоирин”да Ҳазрат Тожиддин ҳақларида маълумот бор.

ҲАЗРАТ ҲИСОМИДДИН

Мавлоно Ҳисомиддиннинг устодлари ўз оталари Мавлоно Тожиддин ал Масдар бўлган. Бу зоти шариф ҳам ўз замонасининг олими боамалларидан эди.

Ҳазрат Ҳисомиддин жасадлари оталарининг қабри ёнида, яънид Ҳазрат Абу Бакр Тархон мазорларига кўмилган.

МАВЛОНО ХОЖА ЮСУФ

Ҳазрат Хожа Юсуф Ҳазрат Мавлоно Ҳофизиддин Кабир ал Бухорийнинг неваралари бўлиб, ўз замонасининг алломаси эдилар. Бу кишининг жасадлари боболари қабри ёнига кўмилган.

ҚОЗИ ХОЖА НАЖМИДДИН ҒИЖДУВОНИЙ

Буюк имом Хожа Нажмиддин Ғиждувоний ҳақларида “Тухфат ал зоирин” китобида маълумот берилган.

Бу зоти шариф ўз замонасининг олими, зоҳиди, обиди эдилар.
Қози Хожа Нажмиддин Ғиждувонийнинг жасадлари Ҳазрат Абу Бакр Тархон мазористонида кўмилган.

МАВЛОНО СИРОЖИДДИН АСЛИЙ

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Мозори аҳли ҳадисга туташ бўлган Қуззотус сабъа мазористони қибла томонида Мавлоно Сирожиддин қабрлари жойлашган эди. Бу зоти шариф ўз замонасининг олими бўлганлар.

АБУ ИСМАТ АБДУЛВОҲИД ИБН ТОҲИР ИБН МУҲАММАД АЛ КАРМИНИЙ (ваф. 1094)

Ҳазрат Абу Исмаат Абдулвоҳид шайх, қози, имом ва шаҳид эдилар. Бу зоти шариф ҳақларида Ан Насафийнинг “Самарқандия” китобларида хабар берилган: “Шайх, имом ва шаҳид Абу Исмаат Ҳазратлари Исмоил Абу ибн Наср ас Саффорнинг мўътабар дўстларидандир. Карманада бир неча вақт ҳадисдан таълим берган, ҳадис толибларига ўзи билган ҳадисларни айтиб туриб ёздирган, муфтилик қилган. Сўнг, Бухорода яшаган. Бухорода муаян вақт мударрислик, муфтилик, қозилик, воизлик қилган, бир неча марта Самарқандга келиб кетган.

Абу Исмаат Абдулвоҳид ибн Тоҳир мелодий 1094 йил 16-Рамазон, чаҳоршанба куни Бухорода шаҳид бўлган. У ҳадислар ҳофизи Абу Яъқуб, Юсуф ибн Мансурдан ривоят қилган ҳадис қуйидагичадир: Ибн Умар разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Расулуллоҳ с.а.в.: “Художўйлик (Аллоҳга итоаткорлик) ҳазиналаридан бири - мусибатларни пинҳон тутмоқликдир” - деб марҳамат қилдидар - (Нажмиддин ан Насафий, “Самарқандия”, 104-саҳифа).

АБУЛҲУСАЙН МУҲАММАД АЛ МУРОДИЙ (ваф. 940)

Абулҳусайн Муҳаммад ал Муродий ўз замонасининг буюк адиби, шоир, олими бўлган. Бу зоти шариф икки тилда - ҳам араб, ҳам форс-тожик тилида ижод қилган. Ас Саолибийнинг “Йатимат ад даҳр” (Замонасининг ягона дурдонаси) китобида бу киши ҳақида маълумот берилган. Ал Муродий атоқли шоир, форс-тожик адабиётининг асосчиси устод Рўдакий билан дўст бўлган. Шоир бир неча вақт Нишопурда яшаб, яна она шаҳри Бухорога келади. “Шоир ўлим тушагида ётганда, вазир Абу Али ал Жаҳоний унга кафанлик юборади. Ал Муродий кўзини очиб, ҳозиржавоблик билан қуйидаги байтни ўқийди:

**Жаҳон авлодларининг сахийлиги беқиёс,
Тирик-ўликлигимда берганди менга либос.**

**Саховатин қуйларман охир замон келгунча,
Дастлаб берди бар чопон, сўнгги кафан, холос»**

(И.Абдуллаев “Бухоронинг арабийнавис шоирлари”, Т., “Фан”, 1965 йил, 34-35-саҳифалар. Рубоийни А.Ирисов таржима қилган).

Ал Муродий тахминан 940 йилда Бухорода вафот этган. Муродий вафотига бағишлаб Рудакий марсия ёзган. Бу марсия жуда ҳам машҳурдир:

**Кох набуд ў, ки ба боди пирид,
Об набуд ў, ки ба сармо фусурд.
Шона набуд ў, ки ба мўе шикаст,
Дона набуд ў, ки заминаш фушурд,
Гарчи заре буд дар ин хокдон...**

Ушбу шохбайтларни Абдусодиқ Ирисов қуйдагача таржима қилган:

**Сомон эмаски, шамолда учиб кетса,
Сув эмаски, у музлаб қотиб қолса.
Тароқ эмаски, у соч тараганда синиб кетса,
Дон эмаски, у ер остида йўқ бўлиб кетса,
Тупроқ хазинаси аро олтин эди.**

Ҳазрат Рўдакийнинг куйинчаклик билан ёзган марсияларидан маълум бўлаяптики, Ҳазрат ал Муродий замонасининг етук адибларидан бўлган. “Ашъори ҳамасрони Рўдакий” китобида ал Муродийнинг қуйидаги байтлари келтирилган:

**Аз ҳашаму ганж чи фарёду суд,
То марг кунад бар сари ту тохтан.**

Мазмуни: бу бойлик-ҳазина ва бу дабдабадан не фойдаки, бир кун ўлим бошингга чопиб келадир.

Ал Муродийнинг “Девон”и ҳозиргача топилгани йўқ. Фақат “Йатимат ад даҳр” тазкираси орқали шоирнинг айрим шеърлари бизгача етиб келган.

ХАЗРАТ ШАЙХ ҚАФФОЛ АШ ШОШИЙ КАБИР (903-976)

Буюк фақих, атоқли тарбиячи улкан авлиё, муҳаддис, шоир, файласуф, тилшунос олим Ҳазрат Абу Бакр ибн Али Исмоил Қаффол аш Шоший ал Кабир 903 йил Тошкентда туғилиб, 976 йил 73 ёшда она шаҳрида вафот қилган.

Маълумки, Тошкентнинг қадимий номи Шош бўлган. Шу боис Ҳазрат Шоший, яъни тошкентлик деб аталган. Манбаларда ёзилишича, Абу Бакр қулфсозлик хунари орқали ризқ-рўзиларини топган. Исм-шарифларига қушилган “Қаффол” - қулфсоз маъносини билдиради. Номларидаги “ал Кабир” эса буюқ, улуғ аллома эканликларига ишорадир.

Шайх Қаффол Шоший ҳақларида Ибн Холликоннинг “Вафоёт ул аъён”, Абу Аҳмад Муҳаммад Андижоний - Шошийнинг “Силсилатул орифин”, Абдулкарим ас Самъонийнинг “Ал Ансоб”, Тожиддин Субкийнинг “Табақот аш Шофия” ва бошқа асарларда маълумотлар берилгандир.

Ҳазрат Шоший дастлаб она шаҳарларида илм олиб, сўнг Бухоройи шарифга келадилар. Ўша пайтда Бухорода буюк авлиё улкан фақиҳлар Ҳазрат Абдуллоҳ Сипадмунӣ, Ҳазрат Саид Абулҳасан Побанд, Ҳазрат Абу Бакр Саъд, Ҳазрат Абу Бакр Фазл, Ҳазрат Абу Бакр Ҳомид, Ҳазрат Абу Бакр Тархон, буюк тарихчи олим Ҳазрат Наршахий, муҳаддис тасаввуфшунос аллома Ҳазрат Абу Бакр Гулободий ва бошқа олиму фузалолар дунёни чор тарафидан келган толиби илмларга сабоқ беришган. Қафғол Шоший ҳам юқорида номлари зикр этилган алломалардан сабоқ олганлар.

Қафғол Шоший Самарқанд, Термиз, шунингдек Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара, Ироқ, Шом каби шаҳарларда бўлиб таълим олдилар.

Тарихий манбаларда зикр этилишича, аш Шоший фикҳ ва тарих илмини Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат Табарийдан (839-923), ақоид ва калом илмини Абул Ҳасан Али ибн Абу Мусо ал Ашъарийдан (873-941) ўрганганлар.

Маълумки, ислом оламида суннийлик мазҳабида иккита ақоид (ақидавӣ) йўли бор: 1. Мотуридия. Бу ақоиднинг асосчиси Ҳазрат Абу Мансур ал Мотуридий ас Самарқандий (ваф. 945). 2. Ашъария. Бу ақоиднинг асосчиси Ҳазрат Абул Ҳасан Али ибн Абу Мусо Ал Ашъарий.

Тожиддин ас Субкий (1327-1400) ёзади: “Қафғол аш Шоший ал - Ашъарийдан калом илмини ўрганар ва ўз навбатида ал Ашъарий Қафғол аш Шошийдан ислом қонуншунослиги илмидан сабоқ оларди.”

Шофеия мазҳабининг буюк алломаси Қафғол аш Шошийнинг “Одоб ал қози”, “Одоб ал баҳс”, “Ҳусни жадал” (“Диалектика гўзаллиги”), “Жавомиъул калим” ва бошқа асарлари машҳурдир⁷⁰.

Ибн Холликоннинг (1211-1282) ёзишича, бутун Мовароуннаҳрда аш Шошийга тенг келадиган олим ўша асрда йўқ эди. Ул зоти шарифнинг шухрати Хуросон, Ироқ, Ҳижоз, Шом ва бошқа мамлакатларга ёйилган.

Ас Субкийнинг “Табақот аш Шофийа” асарида Ҳазрат Қафғол Шошийнинг шеърларидан намуналар ҳам келтирилгандир. Лекин бахтга қарши Ҳазрат Шошийнинг кўплаб асарлари қатори “Девон”лари ҳам бизгача етиб келмаган.

Аш Шоший араб тилини мукаммал билганлар ва барча илмӣ, инчунин, бадий асарларини араб тилида ижод этганлар.

Ас Субкийнинг ёзишича, ўша асрда Византия императори билан Бағдоддаги халифалик ўртасида жанжалли ёзишма бўлган. Византия императори турли йўллар билан ислом давлатига таҳдид солар, бу мамлакат ҳудудини босиб олмоқ, мусулмонлар бойлигини ўмармоқ, исломга зарба бермоқни ўйлар эди. Император Бағдодга таҳдид, дўқ-пўписа қилиб, мусулмонлар шаънини ер билан яксон этувчи шеърий мактуб жўнатади ва дейдики: “Ушбу шеърга муносиб жавоб берасиз агар бунинг уддасидан чиқмасангиз, бизга катта миқдорда ўлпон тўлайсиз. Агар бу шартларимизни бажара олмасангиз, унда жангга тайёргарлик кўраверинг!” Ўша вақтда халифаликда жанг қилишга етарли аскар бўлмаган, ҳазинада ҳам ўлпон тўлаш учун маблағ етмаган. Бирдан-бир йўл мактубдаги шеърга муносиб жавоб ёзмоқ эди. Лекин халифаликдаги бирорта шоир, адиб шеър жавоб ёзишга журъат қила олмайди. Халифага араб шоирлари бу шеърга жавоб ёзишга ожиз

⁷⁰ И.Велиев. «Қафғол Шоший». Т. “Истиқлол нашриёти”, 2005 йил. 14-саҳифа

эканликларини билдиришади. Византия элчиси эса жавоб мактубини сабрсизлик билан кутарди. Иттифоқо, Бағдодга алломаи замон Ҳазрат Абу Бакр Шоший келганликларини халифага билдирадилар ва халифа Ҳазрат Шошийни ўз ҳузурига чақириб, муддаони билдиради. Ҳазрат Қаффол Шоший бутун бир халифаликдаги шоирлар, алломалар, сўз санъаткорлари удда қилиб билмаган вазифани ўз бўйинларига оладилар ва ўша дақиқада қўлларига қалам-қоғозни олиб, Византия ҳукмдори йўллаган шеърини мактубга жавобан маснавий жанридаги етмиш тўрт байтлик жавоб маснавийсини ёзиб берадилар. Буюк Қаффол Шошийнинг маснавийси мағзига сингдирилган мардонавор овозлари, шижоату жасоратлари, ватанпарварлигу дину диёнат йўлидаги фидойиликлари, гўзал ташбеҳлари Византия императори ва бутун сарой аҳли, инчунин, уларнинг лашкарбошиси Тағфур қалбига кўрқув солади. Улар дағ-дағ титраб: “Бундай илму дониш, Бундай фаросату заковат, бундай шижоат эгаси ким? Аҳир, араблар орасида бундай маснавий ёза оладиган киши ҳали туғилмаганди-ку?!” деб ҳайрон қоладилар.

Қаффол Шошийнинг шарофатларидан халифалик катта талафотдан омон қолди ва халифалик Ҳазрат Шошийга мана шу улуғ хизматлари учун Ҳазрат Усмон разияллоҳу анҳу замонларида кийик терисига кўчирилган Мусҳафи Усманий – Қуръони Каримни ҳадя қилади⁷¹.

Ҳазрат Шошийнинг мазкур маснавийлари бизгача Тожиддин ас Субкийнинг китоби орқали тўлиқ етиб келган.

Манбаларда Қаффол Шошийнинг куйидаги устодлари номлари ҳам келтирилган: Абул Аббос Муҳаммад ибн Исҳоқ ас Саррож, Абул Қосим Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал Бағавий, Абу Аруба Ҳусайн ибн Абу Маъшар ас Суламий, Абу Жаҳм Аҳмад ибн Ҳусайн ал Машгарий⁷².

Ҳазрат Қаффол Шошийнинг шогирдлари куйидагилардир: Хожа Муҳаммад Номий⁷³, Абу Абдуллоҳ ибн Манда ал Ҳофиз, Абу Абдуллоҳ ал Ғунжор ал Ҳофиз, Абу Абдурахмон ас Суламий, Абу Саъд ал Идрис⁷⁴.

Ҳазрат Хожа Муҳаммад Номий асли Бағдоддан эдилар. Ул зоти шариф ўз устодлари Ҳазрат Қаффол Шоший билан бирга Тошкентга келиб, шу жойда вафот қилганлар. Ҳазрат Номий буюк авлиё, нақшбандия тариқатининг пири муршиди Ҳазрат Хожа Аҳрори Валийнинг ота томонидан катта боболари ҳисобланадилар⁷⁵.

Мавлоно Убайдуллоҳ Нақшбандий ас Самарқандий (XVI аср) ўзининг “Сирож ас соликин ва латоиф ал орифин” асарида ёзадики: “Мен Тошкентда бўлганимда Қаффол Шоший мазорлари зиёратига бордим. Ҳазрати имом (Хастимом) атрофи жуда ҳам кўрқинчли ва хавfli жой эди, ҳатто кундузи одамлар у ерга боришга кўрқар эди⁷⁶”. Ҳазрат Қаффол Шоший жасадлари ққмилган жой Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом (Хастимом) номи билан машҳур зиёратгоҳдир. 2007 йилда Юртбошимиз ташаббуслари билан бу ерда XXI аср обидаси – Ҳазрати Имом меъморий мажмуаси бунёд қилинди. Ушбу

⁷¹ Шайх Исмоил Маҳдум. “Тошкентдаги Усмон мусҳафи тарихи”. Т. 1995 йил.

⁷² Абдулкарим Самъоний «Насабнома», “Бухоро” нашриёти. 2003 йил, 208-саҳифа

⁷³ “Маънавият юлдузлари”. Т. А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999 йил, 76-саҳифа

⁷⁴ «Насабнома», 208-саҳифа

⁷⁵ Фахруддин Али Сафий. “Рашаҳот”, Т., Абу Али ибн Сино номидаги тиббаёт нашрийти

⁷⁶ И.Абдуллаев, Ҳ.Хикматуллаев. «Самарқандлик олимлари»

мажмуада янги улкан жомеъ масжиди, икки Минора, шунингдек, Ҳазрат Қафғол Шоший мақбаралари бор.

Бухорои шарифда ҳам Ҳазрат Қафғол Шоший қадамжолари бўлган.

АБДУЛ ФАЗЛ АҲМАД ИБН АЛИ АЛ БАЙКАНДИЙ
(ПАЙКАНДИЙ)
(924-1014)

Ёқут Ҳамавийнинг (тав. 1179) «Мўъжам ал Булдон» китобида ёзилишича, Абул Фазл Аҳмад ибн Али ас Сулаймон ал Байкандий Бухоро вилояти, Қорақўл туманидаги Байканд шаҳрида туғилганлар.

Байкандда (Пайкент) мингдан ортиқ мусофирхона, ўта мустаҳкам ва улкан масжид бор. Бутун Мовароуннаҳрда бу масжиддай безакли ва унинг меҳробидай гўзал масжид йўқдир.

Абул Фазл Аҳмад ибн Али Байкандий Ироқ, Дамашқ, Мисрда сабоқ олган.

Бу зоти шариф 400 та асарнинг муаллифи ҳисобланади (Ҳ.Ҳикматуллаев, Ш.Шосломов, “Ёқут Ҳамавий”, Т, “Фан” -1965 йил, 24 -с.)

Самъонийнинг ёзишича, Абул Фазл Байкандий улуғ муҳаддис бўлиб, ҳар ҳафтада битта китоб ёзарканлар ва жума куни Бухородаги Масжиди Калонга келиб, ўз китобларини олимларга ўқиб берарканлар (А.Самъоний, “Насабнома”, 27-с).

“Насабнома”да етти нафар Байкандийлар ҳақида маълумот келтирилган. Уларнинг ҳаммалари адиб, аллома, муҳаддис бўлганлар.

Ёқут Ҳамавий Самъонийларнинг ёзишича, Абул Фазл Аҳмад ибн Али ас Сулаймон ал Байкандий 924 йилда туғилиб, 1014 йил Байкандда вафот қилганлар. Муборак қабрлари Байканддадир.

АБУ АБДУЛЛОҲ ФАЗЛ ИБН АБУЛ ФАЗЛ АЛ БАЙКАНДИЙ
(ПОЙКАНДИЙ)
(ваф. 1023)

Бу зоти шариф ҳам муҳаддис бўлиб, Ҳазрат Абул Фазл Аҳмад ибн Али ас Сулаймон ал Байкандийнинг ўғиллари ҳисобланадилар. А.Самъонийнинг “Насабнома” китобида ёзилишича, Абу Абдуллоҳ Насафга бориб ҳадис ривоят қилганлар. Ҳазрат Абу Абдуллоҳ 1023 йил вафот қилганлар. Қабрлари Байканддадир.

ҲАЗРАТ АБУ АЛИ ИБН СИНО
(980-1037)

Шайхур раис, буюк ҳаким, улкан файласуф, нозиктаъб шоир, адиб, улуғ руҳшунос олим, ҳандаса, математика, илми нужум, адабиётшунослик, тилшунослик, шарқшунослик, диншунослик хуллас, қомусий билимлар эгаси бўлган Ибн Сино 980 йилда Бухоро вилояти, Пешкў туманидаги Афсона қишлоғида туғилган.

Ибн Сино илмни Бухоро шаҳрида олган. У ёшлигидаёқ Қуръони Каримни тўла ёдлаган.

Кант-у Фейербах, Гердер-у Гёте, Данте-ю Боккаччолар Ибн Сино, фалсафасини чуқур ўрганиб, ўзларининг бу буюк файласуфга шогирд эканликларини эътироф этишган.

“Буюк италян шоири Данте (1265-1321) баъзан Арасту ва Ибн Рушд билан мунозарага киришиб, уларнинг айрим қарашларини этади. Аммо, Ибн Сино фикрларига ҳеч бир эътироз билдирмайди. Аксинча, бошқа файласуфлар фикрларини у Ибн Сино фалсафий системасига қиёсан аниқлайди, мувофик келмаса, уларни инкор этиб, яна Ибн Синога таянган ҳолда, мулоҳазаларини давом эттиради.” (Н.Комилов, “Тафаккур карвонлари”, Т., “Маънавият”, 1999 йил, 1ё7-саҳифа).

Европа Уйғониш даври адабиётининг улкан намояндаси Ж.Боккачо (1313-1375) ўзининг буюк асари “Декамерон”да Ибн Сино образини ҳам киритган. Бу адибнинг Ибн Синога бўлган ҳурмати, эҳтироми рамзидир.

Ж.Бруно Ибн Синони буюк грек файласуфи Аристотель ва врач Галенлар каторига қўйиб, эҳтиром билан тилга олган (А.Ирисов, “Абу Али ибн Синонинг адабий фаолияти”, Абу Али ибн Сино, “Саломон ва Ибсол”, Т. Ғ.Ғулом-1980 йил, 8-саҳифа. Сўзбоши).

Ибн Сино илмий асарларини араб тилида ёзган. Бадиий асарлари эса форс-тожик тилида яратилгандир.

Донишманднинг табобатга доир китоблари бир неча аср Европа олийгоҳларида асосий дарслик бўлган. Алломанинг “Донишнома”, “Мантик”, “Кимё рисоласи”, “Ал Қонун”, “Лисонул Араб”, “Ал Ҳидоя”, “Аш Шифо”, “Ал Қуланж”, “Ал Инсоф”, “Китоб ал маад”, “Китобул мубоҳасат”, “Мухтасар Уқлидус” ва бошқа асарлари машҳурдир.

“Палеонтология ва седиментология соҳасида илк тажрибалар ўтказиб, китоб ёзган олим Абу Али ибн Сино бўлса-да, бу борадаги хизмати учун Альбертга “Буюк Альберт” унвони берилган. Дарвоқе, Ибн Сино (Оврупада Авитсенна) фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ китоб ёзган, биргина “Китоб ул Шифо” асари 22 жилддан иборат бўлган, “Тиб Қонунлари” китоби эса 800 йил мобайнида тиббиётга асосий қўлланма бўлиб келди. “Медицина” истилоҳи ҳам олимнинг лотинча номидан олинган” (“Ислом ҳазораси”, “Мовароуннахр” нашриёти, Тошкент-2004 йил, 112-саҳифа).

Алломанинг ҳаёти дарбадарликда, қувғинда, таъқибда ўтган. Сомонийлар сулоласидан тожу тахт кетганидан сўнг Ибн Сино Урганжга боради. Маҳмуд Ғазнавий Хоразмшоҳга қарши кураш бошлаганда, Ибн Сино у ердан қочиб Нисо, Абивард, Тус орқали Гургонга келади. Сўнг Рай, Ҳамадонда яшайди. Ибн Сино шухрати жаҳонга ёйилган сари дўстлари, муҳиблари қатори душманлари ҳам кўпаяди. Ҳатто Ҳазрат Ибн Синони кофирликда айблаганлар бўлди. Шоир Ибн Сино ёзади:

**Куфре чу мане газофу осон набувад,
Маҳкамтар аз имони ман, имон набувад.
Дар дахр чу ман якеву он ҳам кофир,
Пас, дар ҳама дахр як мусулмон набувад.**

Таржимаси:

**Менинг куфрим айбдарга дилимда ўзга судтон йўқ,
Бу одамда менинг покиза имонимдек имон йўқ.
Мусулмонликда мен аҳли замон ичра эдим танҳо,
Агар кофир эсам мен ҳам, бу дунёда мусулмон йўқ.**

Абу Али ибн Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Али ибн Сино ал Бухорийнинг “Саломон ва Ибсол”, “Юсуф қиссаси”, “Шеър санъати” ва бошқа асарлари ҳам бор.

Ибн Синонинг асарлари аллақачон лотин, англиз, француз, рус, хуллас жаҳон тилларига таржима бўлган.

Ибн Сино 1037 йил Ҳамадонда вафот қиладилар. Ул зоти шариф қабрлари Ҳамадонда зиёратгоҳдир.

Ибн Сино сурат ва сийратлари ҳақида жуда кўп аллома, адиблар китоблар ёзишган. Фузуни Астрободий “Бухайра” китобида ёзадики, кунлардан бир кун Ибн Синонинг энг садоқатли шогирди Баҳманёр дейди: “Эй, устод! Шунча илму фазилатларингиз бор-у лекин нега пайғамбарлик даъвосини қилмайсиз?” Абу Али унга танбеҳ бериб деди: “Бу саволинг жавобини бошқа вақтда бергумдир!” Иттифоқо, улар қишнинг чилласида Ҳамадонда эдилар. Сахар пайти муаззин азон айтди. Ибн Сино Баҳманёрни уйғотиб деди: “Тургил, менга сув келтиргил!” Баҳманёр: “Қишнинг чилласида кимеки совуқ сув ичса, кўп касалликларга чалингайдур” -деди. Ибн Сино: “Мен ушбу асрнинг буюк табиби бўлсам-у менга маслаҳат берасанми? Зарурат сувни талаб қилаётир, ўрнингдан тур!” -деди. Баҳманёр деди: “Гапнинг тўғриси, терлаганман. Агар ҳозир сув учун ташқарига чиқсам, албатта шамоллаб касал бўламан”. Ибн Сино деди: “Эй, Баҳманёр! Кўзингни оч, диққат билан тингла! Кеча берган саволинг жавобини эшит. Кеча сен: “Нега пайғамбарлик даъвосини қилмайсиз?” дединг. Билгилки пайғамбар с.а.в. шундай зот эдиларки, у кишининг марҳум бўлганларига тўрт юз йил бўлди, лекин пайғамбарлик нафаси таъсирини кўрки, ул бардавомдир. Қишнинг чилласи, ҳаво совуқ сахар пайти муаззин азон айтиб, Аллоҳнинг улуғлигини, пайғамбар Муҳаммад с.а.в.нинг ҳақ пайғамбарлигини таъкидлаяпти, кўрки, одамлар унга эргашаяпти, пайғамбарнинг фармонини бажараяпти. Одамлар терлаганми, терламаганми, баҳона қидирмаяпти!

Мен сенинг ёнингдаман, юзма-юз турибмиз. Сен садоқатли шогирдим бўла туриб, “сув келтир!” десам, юз хил баҳона қиласан. Нега? Чунки менинг нафасим сенга таъсир қилмади Шу боис буйруғимни бажармадинг. Бундай шахс, алломаи замон бўлса ҳам, пайғамбарлик даъвосини қилиши мумкинми? Менга Аллоҳ илм ато қилган, холос!” (“Сурат ва сийрати Ибн Сино”, Душанбе, “Ирфон”, 1980 с., сах.83-84).

Ибн Синонинг рубоийлари панду насихатдан иборат дурдоналардир:

**Шул хоки сиёҳдин то авжи Зухал,
Ҳар нечаки мушкилот эрур, этдим ҳал.
Очдим неча занжир - занжири макру хиял,
Ечдим нечабир тугун, магар қолди ажал...**

**Ўзни доно билган бу уч-тўрт нодон,
Эшак табиатин қилур намоён.
Булар суҳбатида сен ҳам эшак бўл,
Бўлмаса “кофир” деб қилишар эълон.**

**Дўстим душман билан ўтирмиш бисёр,
Энди ўтирмайман у билан зинҳор.**

**Парҳез қил шакардан захарли бўлса,
Пашшадан қоч, қўниш жойи бўлса мор.**

**Эй, кошки, кимлигимни бир билсаме,
Нечун саргаштаман, назар қилсаме.
Соҳиби тахт эсам, ўйнаб-кулсаме,
Эрмасам, ёш тўкиб, бағрим тилсаме.⁷⁷**

Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъул вақоъе” асарида зикр этилишича бир кун Наср Сомоний қасрда Ибн Сино ўтирадиган курсининг тўртта оёғи остига биттадан танга қўйишни буюрди. Ибн Сино курсида ўтирганданок таажжуб билан бир ерга, бир осмонга қаради. Наср Сомоний ундан таажжубланиши сабабини сўраганда, Ибн Сино деди: “Бугун менинг курсим ё андак баланд бўлмиш, ёхуд осмон андак паст бўлмиш!”

Наср Сомоний Ибн Сино фаросатига қойил бўлган экан.

“Бухайра” китобида ёзилишича, Ибн Сино бир яшар бўлганда, онаси қимматбаҳо лаълни иўқотади. Уни излаб, тополмайди. Бир неча йил утгандан сунг Ибн Сино тил чиқаргандан кейин онасига дейди: “Қимматбаҳо лаълни сиз фалон жойга қўйган эдингиз. У пайтда мен гапириб билмас эдим, шу боис жойини айтолмадим!” Дарҳақиқат, онаси лаълни Ибн Сино кўрсатган жойдан топган.

Мухаммад ибн Сулаймоннинг “Қиссасул уламо” китобида шундай нақл келтирилади: бир ҳамадонийлик Охунд исмлиқ толиби илм Ибн Сино қабри ёнидан ўтаётганда дуойи фотиҳа этмас ва қабрдан юзини ўгириб кетарди, ичида Ибн Синони маломат қилиб: “Бу зайдия мазҳабидадир, адашганлардан ҳисобланади!”-дерди.

Бир неча туш кўрди. Тушида Ҳазрат Мухаммад с.а.в. ёнларида Ибн Сино ўтирибти, улар ўзаро суҳбат қиляптилар. Толиби илм: “Ибн Сино зайдия мазҳабида эди-ку? Нечук сиз билан бирга ўтирибдур?” деди ҳайратланиб. Ҳазрат пайгамбар с.а.в. дедилар: “Эй, Охунд сен ўзининг калта ақлинг билан зайдия мазҳаби хатолигини билдинг-у бу Абу Али ибн Сино шунча катта ақлу фаросати ила ушбу мазҳабнинг хатолигини билмадими?”

Толиби илм уйқудан уйғониб, тўғри Ибн Сино қабрига борди ва дуойи фотиҳа ўқиди.

Ибн Сино меросини ўрганиш ва тарғиб қилишда кўзга кўринарли ишлар этилмоқда. Бу зоти шарифнинг кўп томликлари рус, ўзбек тилларида нашр қилинди. Тиббиёт институтларимизда Шарқ табобати, Ибн Сино табобати услублари қўлланилмоқда. Бухоро тиббиёт институти буюк ҳаким Ибн Сино номидадир. Афшонадаги Ибн Сино музейи янада обод, кўркам қилинмоқда.

⁷⁷ Форс-тожик тилидан Жамол Камол таржимаси.

АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД АЛ ВАРОҚ АЛ ҒУНЖОРИЙ (ваф. 1022)

Ҳазрат Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Бакр ал Бухорий ал Варроқ ал Ғунжорий ҳофиз (яъни Қуръонни тўла ёдлаган), олим, ориф, муаррих, валиюллоҳ, муҳаддис эдилар.

Хожа Ғунжорий номи билан машҳур бўлган бу зоти шариф “Тарихи Бухоро”, “Фарз амаллари китоби”, “Саҳобалар китоби” асарларининг муаллифи ҳисобланадилар. Хожа Ғунжорийнинг “Бухоро тарихи” китоби араб тилида ёзилган. Унда Имом Бухорий ҳаётларига доир боблар, шунингдек, Бухоро обидалари тарихига доир маълумотлар бор. Хожа Ғунжорий қуйдаги олимлардан ҳадис ўрганганлар: Абу Солиҳ ибн Муҳаммад ал Хайём, Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Собир ал Бухорий, Салх ибн Усмон, ас Суллабий, Абу Убайд Аҳмад ибн Урва ал Карминий, Муҳаммад ибн Ҳафс ибн Аслам, Иброҳим ибн Ҳорун ал Мулоҳимий, Ал Ҳасан ибн Юсуф Яъқуб.⁷⁸

Хожа Ғунжорий ҳадис йиғмоқ мақсадида бошқа шаҳарларга сафар қилмаган эканлар.

Кўплаб тарихий асарларда, жумладан, Муллозоданинг “Тарихи Муллозода”, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин”, Шамсиддин Заҳабийнинг (1274-1348) “Машҳур алломалар сийрати”, Тожиддин ас Сабоқийнинг (1327-1370) “Ат Табоқот аш Шофеъия ва кубро”, ал Хабиб ал Бағдодийнинг (1002-1071) “Тарихи Бағдод” китобларида Хожа Ғунжорийнинг “Бухоро тарихи” китобларидан мисоллар, тарихий далиллар келтирилган. Лекин бахтга қарши Хожа Ғунжорийнинг машҳур “Бухоро тарихи” китоблари ҳозирча топилгани йўқ. Умид қиламизки, улуғ бобомизнинг ушбу нодир асарлари албатта топилади.

Ҳазрат Хожа Ғунжорий 1022 йил вафот қилган. “Тухфат аз зоирин” китобида ёзилишича, Исмоил Самоний мазорининг жанубига қараб борилганда Ҳазрат Хожа Ғунжорий қабрлари чиқади.

Айни шу кунларда Ҳазрат Хожа Ғунжорий қабрлари Бухоро шаҳри Мир Дўстим кўчасидадир.

АБУ БАКР МУҲАММАД АЛ ОФУРОНИЙ (943-1023)

Ҳазрат Абу Бакр Муҳаммад ибн Иброҳим ал Офуроний Насафдан бир фарсах узоқда жойлашган Офурон қишлоғида 943 йил туғилганлар. Бу зоти шариф ҳақларида “Насабнома”да хабар берилган.⁷⁹

Ҳазрат Абу Бакр фақиҳ эдилар. Бу зоти шариф Бухорога кўчиб бориб, олимлар Абу Солиҳ Халаф ибн Муҳаммад ал Хайём ва Абу Амр Муҳаммад ибн Собир ал Бухорийдан таълим олган.

Ҳазрат Абу Бакр Муҳаммад саксон ёшга кириб, 1023 йил Бухорода вафот қилганлар.

⁷⁸ У.Увватов. «Имом ал Бухорий ҳёти», 88-саҳифа.

⁷⁹ Ас Самъоний». “Насабнома”, 222-бет

ҲАЗРАТ АБУЗАЙД ДАБУСИЙ АЛ БУХОРИЙ

(ваф. 1039)

Ҳазрат Абузайд Дабусий атоқли фақиҳ, аллома, валиюллоҳ бўлиб, Бухоро вилояти (ҳозирги Навоий вилояти)даги Дабусия шаҳрида туғилганлар.

Ҳазрат Абузайд Убайдуллоҳ ибн Умар ибн Мусо ад Дабусий ислом ҳуқуқшунослиги буйича “Илмул хилоф” деб аталган янги фаннинг асосчиси ҳисобланадилар. Бу зоти шариф аҳли сунна мазҳаблари орасидаги ихтилоф (карама-қаршилиқ)ларни тартибга солиб, илмий услубда ўрганган (А.Ш.Жузжоний, “Ислом ҳуқуқшунослиги”, 213-саҳифа).

Ҳазрат Абузайднинг “Китобул асрор фил усул на фуруъ”, “Ал Амаду ул ақсо”, “Ал Анвор”, “Таъсисун назар”, “Ат Таълиқа”, “Таквимул адилла” каби китоблари машҳур.

Ҳазрат Абузайднинг “Таквимул адилла” китобларини Фахрулисом Баздавий шарҳлаган.

Ҳазрат Абузайд 1039 йил вафл қиладилар ва Бухородаги “Қузотус сабъа” (“Етти қози”) мозорида дафн қилинадилар.

АБУ ИБРОҲИМ ИСМОИЛ АЛ МУСТАМЛИЙ АЛ БУХОРИЙ

(ваф. 1043)

Ҳазрат Абу Иброҳим Исмоил ибн Муҳаммад ал Мустамлий ўз замонасининг буюк муҳаддиси, фақиҳи, мутакаллимиди, адиби эдилар.

Ал Мустамлий Қуръони Каримни форс-тожик тилида шарҳлаган.

Бу зоти шариф “Кашфул мажзуб” китобининг муаллифи ҳисобланади. Ал Мустамлий ҳазрат Абу Бакр Исҳоқ Гулободийнинг “Китобут таарруф би масҳабит тасаввуф” номли нодир асарларини шарҳлаб китоб ёзганлар. Ушбу бебаҳо кўлөзма Берлин кутубхонасида сақланмоқда.

Ал Мустамлий ҳақларида Ас Самъонийнинг “Ал Ансоб”, Абдулазиз ан Нахшабийнинг “Муъжал аш шуюх” (Шайхлар қомуси) ва бошқа асарларда маълумотлар бор. Ҳазрат Мустамлийдан жуда кўп буюк зотлар таълим олган. жумладан, Абдулазиз ибн Муҳаммад ан Налшабий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал Жаъфарийлар ал Мустамлийнинг шогирдларидандир.⁸⁰ Ал Мустамлий 1043 йил вафот қиладилар.

ҲАЗРАТ ШАМСУЛАИММА ҲАЛВОНИЙ (ҲАЛВОИЙ)

(ваф. 1058)

Ҳазрат Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳ Шамсулаимма ал Ҳалвой ал Бухорий буюк муҳаддис, улкан фақиҳ, машкур мужтаҳид, валиюллоҳ эдидар.

У кишига “Шамсулаимма”, яъни Имомлар қуёши деган унвон берилган эди.

Зарнужийнинг “Таълимул мутаалим” китобида ёзилишича, Ҳазратнинг оталари фақир киши бўлиб, ҳолвапазлик касби билан ризқ-рўзини топган ва фарзандини тарбия этган. Шу боис Ҳазрат Абдулазиз ибн Аҳмад ибн Наср ибн Солиҳга Ҳалвой деган ном ҳам берилгандир.

⁸⁰ Ас Самъоний. «Насабнома», 107-саҳифа

Ас Самъонийнинг “Насабнома” китобида келтирилишича, Шамсул-аимма фикҳ илмини Қози Абу Али Ҳусайн ибн Ҳизр ан Насафийдан, ҳадис илмини эса Абу Абдуллоҳ ал Ғунжор ал Ҳофиз ал Бухорий ва Абу Саҳл Аҳмад ибн Муҳаммад ал Бухорийдан ўрганганлар.

Шамсулаимма катта ҳажмли “Ал Мабсут”, шунингдек, “Китоби наводир” ва бошқа асарлар муаллифи сифатида ислом оламида машҳур.

Заҳабийнинг “Сияру аъломин-нубало” китобида ёзилишича, аллома Шамсулаимма ал Ҳалвоний ханафийлар пешвоси ва ўз диёрида раъй тарафдорларининг раиси эдидар.

Бу зоти шариф ҳақларида А.Ш.Жузжоний “Ислом ҳуқуқшунослиги” китобида маълумот берган (214-саҳифа).

“Насабнома”да ҳабар берилишича, Шамсулаимма 1058 йил Кешда вафот қилади. Лекин у кишининг жасадларини Кеш шаҳридан Бухорога олиб келадилар ва Бухоро шаҳри ичидаги Гулободда дафн қиладилар.

Жузжонийнинг ёзишича, Шамсулаиммадан Фахрул ислом Баздавий, Садрул ислом Абул-юср, Шамсулаимма Бакр ибн Муҳаммад Заражарийлар таълим олган.

Яқинда Ҳазрат Ҳалвонийнинг жасадлари Бухоро шаҳридаги Шоҳ Ахсавий жомеъсининг жанубий томонига қайта кўмилди. Мазкур масжид имом-хатиби Ҳожи Ҳайит Шнринов ташаббуси билан бу зиёратгоҳ обод қилинмоқда.

ҲАЗРАТ АБУ БАКР МУҲАММАД ИБН АҲМАД САРАХСИЙ (тах. 1010-1090)

Буюк фақиҳ, калом илмининг устози, аллома, авлиё Ҳазрат Шамсул аимма (имомларнинг кўеши) Ҳазрат Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад тахминан 1010 йил Хуросоннинг Сарахс шаҳрида туғилиб, 1090 йил Фарғонада вафот қилгандар.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Ҳазрат Сарахсий бир неча йил Бухорои шарифда яшаб, буюк фақиҳ, авлиё, аллома Шамсулаимма Абдудазиз ибн Аҳмад ибн Наср Ҳалвоний ал Бухорийдан таълим олганлар.

Дарвоқе, Бухоро шаҳрида Сарахсийн номли гузар борлиги ҳақида маълумот бор.⁸¹

Ҳазрат Сарахсий ҳақларида Ҳофиз Абдулқодир ибн Абдулвафо Қурашийнинг «Ал Жавоҳирул музийа», Абдулхай Лакнавий Алийўл Қорининг “Табақотус сунийа”, Шиҳоб ибн Фазлуллоҳ Умрийнинг “Маслакул абсор” ва бошқа манбаларда маълумотлар берилгандир. Имом Сарахсийнинг қуйидаги китоблари машҳурдир: 1. “Ал Мабсут” (Фуруъул фикҳ бўйича ёзилган энг мўътабар ва машҳур китоб, 15 жилддан иборат). 2. “Шарҳул жомийус сағир” (Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг (ваф. 804) “Ал жомийус сағир” асарига ёзилган шарҳ). 3. “Шарҳул жомийул кабир” (Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Ал жомийул кабир” асарига ёзилган шарҳ). 4. “Усулул фикҳ” (“Усулул Сарахсий”). 5. Хассофнинг “Адабул қозий” китобига ёзилган шарҳ. 6. Хассофнинг “Ан нафақот” китобига ёзилган шарҳ. 7. “Ашротус соъа”

⁸¹ О.А.Сухарева “Квартальная община позднефеодалного города Бухары” Изд-во “Наука”, Главная редакция восточной литературы. М., 1976 г. 96-97 стр.

(Қиёмат аломатлари). 8. “Ал фавоидул фикҳия”. 9. “Шархул мухтасари Таҳовий” (Имом Таҳовийнинг “Ал Мухтасар” асарига ёзилган шарҳ). 10. “Шархул китобул касб” (Имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг “Китобул касб” асарига ёзилган шарҳ).⁸²

“Масдакул асрор” китобида ёзилишича, Ҳазрат ас Сарахсийни Ўзганд шаҳрида бир ноҳақ тухмат билан зиндонга қамайдилар. Зиндонда Ҳазрат ас Сарахсий бирор китобдан фойдаланмай, бирорта манбага карамай ўн беш жилддан иборат “Мабсут” асарларини айтиб турган ва уни энг етук шогирдлари Усмон ибн Али ибн Муҳаммад ал Байкандий ёзган.

Сарахсийнинг машҳур шогирдлари қуйидагилардир: Бурҳонул аймма Абдудазиз ибн Умар ибн Моза, Муҳаммад ибн Иброҳим Ҳасирий, Маҳмуд ибн Абдулазиз Ўзгандий, Рукниддин Масъуд Усмон ал Байкандий ал Бухорий.

Ҳазрат ас Сарахсийнинг буюк фақиҳ Муҳаммад ибн Ҳасан аш Шайбонийнинг “Ас сиярул кабир” китобига ёзган шарҳлари Фарбу Шарқда машҳур асар ҳисобланади. Зеро, Шайбонийнинг “Ас сиярул кабир” асарлари жаҳондаги халқаро ҳуқуқ асосий меъёрларини ёритиб берган биринчи китоб эди. Бахтга қарши бу китобнинг асли йўқ. Ҳазрат Сарахсийнинг шарҳлари орқали ушбу нодир асар бизгача етиб келди. Мажид Хадурийнинг ёзишича, ас Сарахсийнинг “Ас сиярул кабир” шарҳи” китоблари 1825 йил Оврупода таржима қилиниб, нашр этилгандан сўнг, олмониялик машҳур шарқшунос Ҳаммер фон Пургштал (1774-1856) буюк Ҳасан аш Шайбонийни ислом Горацийси, деб атади. Аслида аш Шайбоний халқаро ҳуқуқнинг барча соҳалари (хусусий ва умумий халқаро ҳуқуқ)қа тегишли жуда кўп масалалар, айниқса, уруш ва тинчлик шартномаларини тузишда риоя қилиниши зарур бўлган меъёрлар, асирлар билан қандай муомала қилиш ҳақидаги нормаларни Горацийдан саккиз ярим аср олдин ўз китобида муфассал ёритиб берган.⁸³

Кўриниб турибдики, ҳуқуқшунослик тарихида биринчи бўлиб Ҳазрат аш Шайбоний халқаро ҳуқуқ нормаларини ишлаб чиқиб, уни ҳаётга жорий этган эканлар.

Ас Сарахсий жасадлари Фарғонада дафн қилинган, лекин Бухоро шаҳрида ул зоти шарифнинг қадамжолари бўлган.

ҲАЗРАТ САДРИ ШАҲИД (ваф. 1095)

Буюк фақиҳ, ҳанафия мазҳабининг бидимдони, аллома, валиюллоҳ Ҳисомиддин Садри Шаҳид Умар ибн Абдулазиз Бухоро олимлари устози эдидар.

Садри Шаҳиднинг устозлари оталари Бурҳониддин Кабир бўлган. Садри Шаҳидни Мовароуннаҳр султонлари бениҳоя ҳурмат қиларди. Садри Шаҳид фикҳий назария бўйича Ҳазрат Бурҳониддин Марғинонийнинг буюк устозларидан бири бўлган.⁸⁴

⁸² Ихтиёр Бобоназаров. “Имом Сарахсий” “Ҳидоят” журнали. 2007 йил. 5-сон 28-бет..

⁸³ Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. «Ислом ҳуқуқшунослиги». “Тошкент ислом университети” нашриёти. 2002 йил. 164-165-бет.

⁸⁴ А.Ш.Жузжоний «Ислом ҳуқуқшунослиги». 215-саҳифа.

Садри Шаҳид куйидаги китоблар муаллифи ҳисобланадилар: “Ал фатво ас суғро”, “Ал фатво ал кубро”.

Бу зоти шариф Хассофнинг “Адабул қазо”, “Ал Жомий ас сағир” номли китобларига шарҳлар ҳам ёзган.

Садри Шаҳид Самарқанддаги Катвон воқеасида 1095 йил шаҳид бўладидар ва жасадларини Бухорога олиб келадидар. Қабрлари Бухородадир.

АБУ ҲАФС УМАР ВОЪИЗ АЛ БУХОРИЙ

Ҳазрат Абу Ҳафс Умар ибн Утайқ ибн Абдулмалик ал Воъиз ал Бухорий ҳақларида Нажмиддин Насафийнинг “Самарқандия” китобларида маълумот келтирилгандир. Ҳазрат Абу Ҳафс қози бўлганлар. Самарқандга кўп маротаба келиб, у ердаги толиби илмларга ҳадис ривоят қилган. У Шайх Абу Муҳаммад Абдурахмон ибн Исҳоқ ар Рингдамуний ҳижрий 468 (мелодий 1075) йил, зулҳижжа ойида айтиб туриб ёздирган кундаги ҳадисни ривоят қилган: “Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анху бундай дейдидар: “Расулulloҳ салалллоҳу алайҳи ва саллам: “Бу дин (ислом дини) ўсиб турган бир дарахт янглиғдир. Иймон унинг илдизи, закот унинг шохлари, рўза унинг (баданидаги сув юрар) томирлари, Аллоҳ таоло йўлида биродарлик унинг (турли офатларга) чидамлилиги, гўзал ахлоқ унинг меваларидир. Бу дарахт фақат яхши (лаззатли) мевалар билангина мукаммал бўлгани каби иймон ҳам фақат Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалардан тийилиш билангина (мукаммал) бўлур” -деб марҳамат қилдилар”. (Н.Насафий, “Самарқандия”, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашриёти, Тошкент, 2001 йил, 137-138-саҳифалар). Маълум бўлаяптики, Ҳазрат Абу Ҳафс Умар ҳам муҳаддис бўдиб, XI асрда яшаб фаолият кўрсатиб ўтган эканлар.

АБУ ҲАФС УМАР ИБН МАНСУР АЛ БУХОРИЙ

Ҳазрат Абу Ҳафс Умар ибн Мансур ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Мансур ибн Мусо ибн Афдаҳ ибн Имрон ал Баззоз ад Дихқон ал Бухорий - Қуръон ва ҳадис ҳофизи эдилар. “Самарқандия”да ёзилишича, бу зоти шариф 1068 йил Самарқандга “Саҳихул Бухорий”ни олиб бориб, у ердаги толиби илмларга сабоқ берганлар. У киши Самарқанддаги “Масжид ал Манора»да дарс ўтган. Абу Ҳафс куйидаги ҳадисни Имом Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал Аздийдан ривоят қилган: “Анас ибн Молик р.т.а. дейдилар: “Расулulloҳ с.а.в.: “Агар ҳамиша таҳорат билан юрмоқ кўлингдан келса, шундай қилгил! Чунки ўлим фариштаси алайҳиссалом бирор банданинг жонини олсалару, ул таҳоратдор бўлса, унга шаҳиллик ажри ёзилур” - деб марҳамат қилдилар”. (Н.Насафий, “Самарқандия”, 137-саҳифа).

ШАЙХ ҲАСАН НАМАДПЎШ

(ваф. 1116)

Шайх Намадпўшнинг номлари Ҳасан бин Юсуф ас Самоний ал Бухорийдир. “Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, ҳазрат Ҳасан бин Юсуф қорахонийлар ҳукмдори Арслонхон Ғозий (1102-1130) замонасида яшаб фаолият кўрсатганлар.

Ҳазратни Намадпўш дейишларига сабаб шуки, бу киши қишин-ёзин намад (кигиз) матосидан тикилган кийимда юрган.

Ҳазрат Ҳасан олим, зоҳид, обид валиюллоҳ, тарбиячи бўлганлар. Манбаларда таъкидланишича, ҳазрат Намдпўш ўттиз йил муттасил рўза тутганлар. Ифторлик пайтида таомлари факат сабзавот бўлган, холос.

Арслонхон Ғозийнинг эътиқоди, ҳурмати Ҳазрат Намадпўшга бениҳоя катта эди. Ўз пири, устози Ҳазрат Намадпўшнинг маслаҳатларига Арслонхон Ғозий доимо амал этган. “Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, ҳукмдор Арслонхон Ғозий Ҳазрат Намадпўшнинг писархонд (тутинган ўғил, маънавий фарзанд)лари ҳисобида бўлган.

Ҳазрат Ҳасан бин Юсуф Бухорога бидъату хурофот, шунингдек, исломга ёт бўлган турли гуруҳу фирқаларнинг ғоялари тарқалмаслиги учун мурасасизлик билан курашганлар.

Ҳазрат Намадпўш доимий равишда амри маъруф этиб бидъатнинг зарарли оқибатлари, исломни ниқоб қилиб олган кимсаларнинг ғаразли мақсадлари нималардан иборат эканлигини кенг оммага тушунтирганлар. Шу кишининг шарофатидан ислом дини, ханафия мазҳаби Бухорода кенг томир ёйиб, жаҳолат, бидъат йўқолган.

Ўша асру айёмдаги сохта шайхлар, сохта сўфийлар шаҳардан қувилган экан.

“Китоби назми Муллозода”да Ҳазрат Намадпўшнинг шаҳид бўлишлари тарихи ёзилгандир:

**Рўзе дар хонақо бебоке,
Он даромад зи рўйи шаккоки.
Тир зад бар сари мубораки ў,
Кард ўро шаҳид он бадхў.**

Таржимаси:

**Кирди хонақоҳга бебок,
Ул эрди бехирад, шаккок.
Тир уриб бошига, ёху!
Шаҳид этди Ҳазратни у!**

Ҳижрий 510 (мелодий 1116) йилда Ҳазрат Намадпўш ўз хонақоҳларида шаҳид бўлганлар.

“Тухфат аз зоирин” китобида келтирилишича, Ҳазрат Шайхул Олам, яъни Сайфиддин Бохарзий доимо қуйидаги жумлаларни такрорларкан: “Бухоройи шарифда икки буюк зот бор эдиларки, дунёвий нарсадарга ҳеч эҳтиёжлари йўқ эди. Улардан бири Ҳазрат АбуБакр Исҳоқ Гулободий, иккинчилари эса Ҳазрат Ҳасан Намадпўш раҳматуллоҳи алайҳ”.

Ҳазрат Намадпўшдан қуйидаги рубоий мерос қолган:

**Ин кўхна намад баҳри аҳд пўшидам,
То тан набари, ки ман ба худ пўшидам.
Дидам ки чун хирқан султон бебақост,
Андохтам атласу намад пўшидам.**

Таржимаси:

**Бу эски кигизни аҳд айлаб кийдим,
Кечдим атласдин, жаҳд айлаб кийдим.
Кўрдимки бақо йўқ султон хирқасига,
Хирқамни манам намад айлаб кийдим.**

Ҳазрат Намадпўшнинг қабрлари Имом Қозихон мақбараларининг қибла томонидадир. Айни шу кунларда Ҳазрат Намадпўш зиёратгоҳлари бор.

ШАЙХ АЛИ БУХОРИЙ (ҲАЖИ ПИЕДА)

Ҳазрат Шайх Ади Бухорий ҳақларида “Тарихи Муллозода”, “Тухфат аз зоирин” ва бошқа манбаларда маълумотлар берилгандир.

Шайх Алининг қабрлари Чор Минорнинг жанубида Шайх Ҳасан Намадпўшнинг ёнидадир. Айни шу кунларда ушбу зиёратгоҳ таъмирталаб.

Шайх Али Бухорий буюк машойихлардан бўлиб, бу зоти шариф Шом, Ироқ, Ҳижоз шаҳарларида машҳур эдилар.⁸⁵

Ҳазрат Шайх Али ун саккиз маротаба ҳаж қилган эдидар. “Тухфат аз зоирин”да нақл этилишича, авлиёлардан бири Ҳазрат Пайғамбаримиз салаллоҳу алайҳи васалламни туш кўради. Ул зоти шариф дейдиларки: “Сиз Шайх Али Бухорий билан учрашиб, ул зотни зиёрат қилганми?” Авлиё: “Йўқ”-дейдилар. Шунда расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи васаллам: “Шайх Али Бухорийни зиёрат қилинг, зеро, кимеки Шайх Али Бухорийни зиёрат қилса, гўё мени зиёрат қилгандек бўлур!”-дедилар.

ШАМСУЛАЙММА ЗАРАНГАРИЙ

(ваф. 1119)

Ҳазрат Шамсулаймма Зарангарийнинг исмлари Абул Фазл ибн Муҳаммад аз Зарангарийдир. Бу зоти шариф Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидаги Зарангари қишлоғида туғилганлар. Ҳазрат Зарангарий ҳақларида жуда кўп манбаларда, жумладан, Ас Самъонийнинг “Ал Ансоб” (“Насабнома”), Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин”, Абдулҳаким Шаръий Жузжонийнинг “Ислом ҳуқуқшуносига” асарларида маълумотлар берилган.

Ҳазрат Шамсулаймма буюк фақиҳ, муҳаддис, валиюллоҳ, улуғ тарбиячи бўлганлар.

Ҳазратнинг устозлари қуйидагилардир: Шамсулаймма Абдулазиз ибн Муҳаммад ал Ҳалвойи ал Бухорий, Абу Саҳл Аҳмад ибн Али ад Абивардий, Абу Ҳафс Умар ибн Мансур ал Ҳофиз, Аҳмад ибн Муҳаммад ал Бужалий ал Ҳофиз, Маймун ибн Али ал Майманий, Муҳаммад ибн Сулаймон ал Қоҳуштувоний, Аҳмад ибн Абдуллоҳ ал Хайрохайрий.

Шамсулаймма Зарангарийнинг шогирдлари қуйидагилардир: Абдулкарим ас Самъоний, Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ал Фаргоний, Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ал Ҳалимий, Абул Фазл Муҳаммад ибн Али ал Замий, Абу Муҳаммад Абдулҳалим ибн Муҳаммад ал Барроний.

⁸⁵ «Тухфат аз зоирин», 19-6.

Ҳазрат Зарангарийни “Шамсулаимма”, яъни имомлар куёши деб атаганлар. Бу ҳам улуғ унвон ҳисобланади. Чунки нлм тарихида бармоқ билан санарли алломаларга бундай унвон насиб этган.

Ҳазрат Шамсулаимма Зарангарийдан ташқари Самарқанд, Балх, Косон ва бошқа шаҳарларда бўлиб, у ердагиларга илм ўргатганлар. (Ас Самъоний “Насабнома”, “Бухоро” нашриёти, 2003 й. 51-саҳифа).

Зарангарий ҳазратлари фатвони ханафий мазҳаби бўйича дарс берар эдилар. Бу кишини “Абу Ҳанифаи Сағир” (Кичик Абу Ҳанифа) деб атардилар. Ҳазрат 1119 йил Бухорода вафот қиладилар. Қабрлари Бухоро шаҳридаги Гулобод қабристонидадир.

ҲАЗРАТ ЗИНДАФИЛ АҲМАД ЖОМИЙ (1049-1141)

Ҳазрат Зиндафил Аҳмад Жомий қадамжо зиёратгоҳлари Бухородаги Сомонийлар боғининг ғарбидадир. Ушбу зиёратгоҳда туғ ва қабр бор.

Ҳазрат Исмоил Сомоний мақбараларининг кун ботар томонида кошин ва пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган кичик корхона жойлашган. Мана шу корхона ичида ушбу зиёратгоҳ қолган. Айни шу кунларда ҳам зиёратгоҳда қабр ва туғ мавжуд.

Ҳазрат Зиндафил Аҳмад Жомий зиёратгоҳлари ҳақида Нарзулла Йўлдошев “Бухоро авлиёларининг тарихи” (“Бухоро” нашриёти, 1977 йил, 59-60 саҳифалар) китобида маълумот берган.

Ҳазрат Аҳмад Жомий буюк шоир, шайх, авлиё бўлганлар. Ул зоти шариф ғазаллари машҳур. Бухорода китобат қилинган кўплаб баёзларда Ҳазрат Аҳмад Жомийнинг ғазаллари киритилгандир. Ҳазрат Аҳмад Жомий ҳақларида халқнинг оғзида жуда кўп ривоятлар юради.

ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ ЗИЁРАТГОҲИ (1058-1111)

Бухоро шаҳрида Имом Ғаззолий номли кўча бор. Ушбу кўчада Ҳазрат Имом Ғаззолий зиёратгоҳлари ва масжидлари жойлашган. (О.Сухарева, “Квартальная община позднефеодального города Бухары”, Москва, “Наука” 1976 г. 188-189 стр.).

Ҳазрат Имом Ғаззолий 1058 йил Тусда туғилганлар. Ул зоти шарифнинг оталари жундап ип (ғаззол) тайёрловчи бўлган. Ҳазрат Имом Ғаззолийнинг исмлари Муҳаммад, куниялари Абу Ҳомид ва таҳаллуслари Зайниддиндир. “Ҳужжатул ислом” унвонига сазовор бўлган бу зоти шариф тариқат сабоғини буюк пири муршид Ҳазрат Шайх Абу Али Формадийдан ўрганганлар.

Ҳазрат Имом Ғаззолий 100 дан ортиқ китоб ёзган. “Мукошафатул кулуб”, “Ихё улумид Дин” (“Кимёий саодат”), “Босит”, “Војиз”, “Қавоид ал Ақоид”, “Ар Рисолат ал қудсия”, “Ҳужжат ал Ҳақ”, “Муфассал ал Хилоф”, “Жавоҳир ул Қуръон”, “Аюҳал Валад” ва бошқа асарлари машҳур.

Имом Ғаззолий бир неча йил Бағдоддаги Низомия мадрасасида дарс берганлар. Бу зоти шариф 1111 йил Тусда вафот қиладилар.

Имом Ғаззолийнинг “Мукошафатул кулуб”, “Ихё улумид Дин”, “Аюҳал Валад” ва бошқа китоблари ўзбек тилига таржима қилиниб, Республикамизда нашр қилинган.

Бухоро шаҳридага Имом Ғаззолий жомеъси намозхонлар ихтиёрига берилгандир, Имом Ғаззолий зиёратгоҳлари обод қилинмоқда.

Ҳазрат Имом Ғаззолий ҳикматлари:

“Набий с.а.в.: Сизлардан бирортангиз бирор қавмга улар тушунмайдиган сўзни айтмангиз, акс ҳолда улар ўртасида фитна бўлади”, деганлар. Ушбу ҳадис сўзлаётган сўзини тушунадиган, аммо тингловчиларнинг онгига етказа олмайдиганга тегишли, энди сўзловчи нима деётганини ўзиям тушунмаса, қандай бўлади? Бас, тингловчи тушунмаса, сўзловчи тушунадиган сўз бўлса ҳам уни гапириши дуруст эмас. Исо а.с. деганлар: “Ҳикматни унинг аҳли бўлмаганлар даврасида айтманглар, ҳикматга зулм қилиб қўясиз. Шунингдек, ҳикматни ҳикмат аҳлидан тўсманглар, ҳикмаг аҳлига зулм қилиб қўясиз. Дорини касалланган жойга қўядиган ҳозиқ табиб каби бўлинглар”. (Имом Абу Ҳомид Ғаззолий, “Ихёу улумид Дин”), (Илм китоби), Тошкенг, “Мовароуннаҳр” - 2003 йил, 91-92-саҳифалар.

“Ривоят қиладиларки, битта бой тўплаган бутун мол дунёсини беркитиб қўйди. Қаср қурдириб, унга иккита мустаҳкам эшик ўрнаттирди. Эшикка кўриқчилар қўйди. Сўнгра аҳлу аёлини тўплаб, улар учун таом ҳозирлади. Тахтга оёқларини чалиштириб ўтириб, аҳлига боқди. Улар шод-хуррам овқат ер эдилар. Овқатдан сўнг уларга ва ўзига хитоб қилиб деди: “Эй, нафс! Неъматлардан истаганча баҳраманд бўл. Тўплаган молу дунёим бир умрга етади”.

Хўжайин бу сўзларни айтиб тугатар - тугатмас, эгнида увада жанда, бўйнига мискинларникидек тўрва осиб олган киши эшик қоқди. Тунгги сукунатни бузиб, шиддат билан қоқилаётган эшикнинг овозида қандайдир ваҳима бор эди. Кўримсиз аҳволига қарамасдан шунчалик салобатга эга, атрофга кутку солаётган бу мискин ким ўзи?!

Хўжайин энди тўшакка чўзилган эди. Қуллар эшик олдида чопиб бориб, у мискиндан сўрашди:

- Нима ишинг бор?

- Хўжайинингизни чақиринглар.

- Хўжайинимиз сендек мискинни қабул қилармикан?

- Қабул қилади!

Хўжайинга зудлик билан уни қандайдир бир мискин чақираётганини айтишди.

- Уни нега ҳайдаб юбормадингизлар? - деди хўжайин сўкиб.

Шу вақт эшик аввалгидан ҳам шиддатлироқ тақиллай бошлади. Қоровуллар яна эшик томон отилишди.

- Хўжайинингизга хабар беринг, мен ўлим фариштасиман, - деган дахшатли товушдан гўё қаср титраб кетди. Ҳамма қотиб қолди. Улкан бир мусибатнинг яқинлашганини ҳис қилган хўжайин ҳам ювош тортиб қолди ва деди: -Унга юмшоқлик билан айтиб кўринт-чи, менинг ўрнимга бошқа бирортасининг жонини олмасмикин?

Шунда ўлим фариштаси унинг ҳузурида ҳозир бўлиб: -Мол— дунёингни нима қилсанг, ўзинг биласан. Мен сенинг жонингни олиш учун бу ерда ҳозирман. То жонингни олмагунча кетмайман, - деди.

Хўжайин бутун мол-дунёсини шу ерга келтиришларини буюрди. Сўнг бойликларга қарата: -Сизга Аллоҳнинг лаънати бўлсин! Сиз эмасми, мени

Раббимнинг ибодатидан чалғитган ва Раббим билан орамизни тўсган?! - дея сўка бошлади.

Шунда Аллоҳ молга (яъни бойликларга) нутқ ато қилди: - Мени сўкма. Такводор кишилар султонлар эшигидан қувилган бир пайтда, сен эмасми, мени восита қилиб, султонлар ҳузурига шошилган?! Сен эмасми, мени шоҳона айшишратларга сарф қилган, ёмонлик йўлига сочган?! Ахир савоб йўлига мени сарфласайдинг, ким сенинг йўлингни тўса оларди? Мен ҳам одам фарзанди каби тупроқдан яралдим. Кимдир мен орқали савоб, кимдир мен орқали азоб топади!

Кейин ўлим фариштаси бойнинг жонини олди. Жонсиз бадан ерга қулади.

Аъмошдан ривоят қилинади: “Сулаймон а.с. ҳузурига ўлим фариштаси кирди ва шу ерга ўтиргандардан бирига узоқ тикилиб қолди. Ўлим фариштаси ташқарига чикқач, у киши: -Бу ким? – Деб сўради.

- Ўлим фариштаси, - деди Сулаймон а.с.

- У худди бирор иши бордек менга жуда кўп тикилди.

- Хўш, нимани истайсан?

- Мени ундан халос эт.

Сулаймон а.с. шамолга бу кишини Ҳиндистоннинг энг чекка жойига элтиб қўйишни буюрди. Шамол амрни дарҳол бажарди.

Ўлим фариштаси иккинчи бор келганда, Сулаймон а.с. ундан сурадилар:

- Ёнимга ўтирган кишилардан бирига нимага бунча кўп тикилдинг?

- Ҳа жуда ажабландим. Ахир, Ҳиндистоннинг чекка бир жойида бу кишининг жонини олишга буюрилгандим. Буйрукнинг адосига жуда оз вақт қолган эди. Ажабо! У эса сенинг ҳузурингда ўтирарди, - деб жавоб берди ўлим фариштаси”. (Абу Ҳомид Ғаззолий, “Ўлимни эслаш китоби”, Тошкент “Мовароуннаҳр”- 2004 йил, 56-59-саҳифалар).

ҲАЗРАТ АБУ ЖАЪФАРАШ ШАЪБИЙ

Қози, аллома Абу Жаъфар аш Шаъбий буюк тарбиячи бўлиб, Шамсулаимма (имомлар куёши) Ҳалвойи (ваф. 1058) ва Абузайд Дабусийларнинг устодлари ҳисобланадилар. Бу зоти шарифда Ҳазрат пайғамбаримиз салаллоҳу алайҳи васалламнинг бир неча тола мўйи муборақлари бўлган. Аш Шаъбий ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот бор. Аш Шаъбийнинг қабрлари. “Қуззотус сабъа” мазористонидадир. “Қуззотус сабъа” мазористони Пуштаи Беҳиштиён ёнида бўлган. Бу киши номлари янги бунёд қилинган Дахмаи Беҳиштиён зиёратгоҳидаги лавҳада ёзилган.

ҲАЗРАТ ИМОМ ЗАДЗАН

Ҳазрат Имом Задзан бир неча йил Бухоройи шарифда адолат билан қозилик қилган. Бу киши ғоят такводор олим эди. Ҳазрат Имом Задзан ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилгандир.

Ҳазратнинг қабрлари “Қуззотус сабъа” мазористонида бўлган.

ҲАЗРАТ ЗАҲИРИДДИН

Ҳазрат Заҳириддин ҳам бир неча йил Бухоройи шарифда эдолат билан қозилик қилган. “Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Ҳазрат Заҳириддин илмига амал этувчи олим эди. Жасадлари “Қуззотус сабъа” мазористонида кўмилган.

ҲАЗРАТ АҲМАД ИБН УМАР АШ ШЕРОЗИЙ

Ҳазрат Аҳмад ибн Умар аш Шерозий ҳам Бухоройи шарифда бир неча йил адолат билан қозилик қилган. “Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Шайх Аҳмад ибн Умар аш Шерозий илму одобда барчага намуна эдилар. Ҳазратнииг қабрлари “Қуззодус сабъа” мазористонидадир.

ҲАЗРАТ ИМОМ БАДИУДДИН

Ҳазрат Имом Бадиуддин ҳақларида “Тухфатаз зоирин”да ёзилган. Бу киши ҳам бир неча йил Бухоройи шарифда қозилик қилган ва халқнинг хурматини қозонган, юртнинг ободонгарчилигига сайъ-ҳаракат қилган.

Ҳазрат Имом Бадиуддиниинг қабрлари “Қуззотус сабъа” дадир. Қуззотус сабъа, яъни етти қози: 1.Ҳазрат Абу Зайд Дабусий 2.Ҳазрат Мустамлий 3.Ҳазрат Абу Жаъфар аш Шаъбий 4. Ҳазрат Имом Задзан 5. Ҳазрат Заҳириддин. 6. Ҳазрат Аҳмад ибн Умар аш Шерозий 7. Ҳазрат Имом Бадиуддинлардир.

Маълумки, тарихда жуда кўп қозилар ўтган, лекин юқорида номлари зикр этилган қозилар адолатда, хулқу одобда, тақвода, саховатда, илмда бошқаларга намуна бўлгани боис, шунингдек, ўз нафсларини жиловлаб билганлари учун тарих саҳифаларида номлари абадий муҳрланиб қолган. Уларнинг исми шарифи янги бунёд қилинган Дахмаи Беҳиштиён зиёратгоҳидаги лавҳада ҳам ёзилди.

ЗОРЛИҚБОВА АВЛИЁСИ

Бухоро вилояти, Қоракўл туманидаги Арабхона қишлоғида Зорлиқбова (Зорикбобо) зиёратгоҳи бор. Ушбу зиёратгоҳда авлиё қабри ва унииг ёнида туғ кўтарилгандир.

ЗАНЖБОБО АВЛИЁСИ

Қоракўл тумани, Жиғачи ҳудудидаги Катмандугди қишлоғида Занжбобо зиёратгоҳи бор. Занжбобо мақбаралари ёнида туғ кўтарилгандир.

ХОЖА МАСТАЛИБОБО ЗИЁРАТГОҲИ

Қоракўл тумани, Саёт қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Аликахўжа қишлоғида Ҳазрат Масталибобо зиёратгоҳи бор. Бу ерда еттита туғ кўтарилган. Қадимий тошқудук, жомеъ масжид ҳам ушбу зиёратгоҳда мавжуддир

МЕЪМОР УСТА БАҚО

Дунёдаги мўъжизалардан бири Бухородаги Минораи Калондир. Шундай нақл қиладиларки, Чингизхон Бухорога келиб барча осори- атиқаларни, яъни масжиду мадрасаларни ер билан яқсон қилган. Минораи Калонни кўриб, унинг

тепасига қараганда бош кийими ерга тушган. Чингизхон умрида биринчи бор сесканади ва бу улуғ, мўътабар иншоотни бузишга журъат этмайди.

Минораи Калон шунчаки тошдан бунёд этилган обида эмас, у - мўйсафид, донишманд Бухоро, у - ёғийларга бўйин эгмаган, босқинчиларга тобеъ бўлмаган, ҳамиша юксакликни кўзлаб, абадийликни бўйлайдиган халқимиз тимсоли.

**Ракеталар учун андоза
Олмишлар Минори Калондан,
Осмон эса очик дарвоза
Минор парвоз истар азондан,**

**Минор билмас, минг йилдан бери –
Учмоқда вақтларга қасдма-қасд.
Парвоз этар она ер шари
Минордан ажралмай бир нафас.**

Ҳар бир шаҳарнинг рамзи бор, шу рамз дунёнииг қай буржидан намоён бўлса, бутун бир шаҳар, ё мамлакат кўз олдинга келади, Турон заминни билдирувчи шундай рамзлардан бири - Минораи Калондир.

Минора (Миноратун) - арабча сўз бўлиб, маёқ мазмунини англантиб келади. Бундай иншоот масжидлар ёнида қурилиб, муаззиннинг азон айтишига мўлжалланган.

Маълумки, Бухорои шарифнинг тўрт томони чўлу саҳро. Узок, мамлакатлардан келадиган карвонга Минора йўл кўрсаткич вазифасини ўтаган. Миноранинг устидан атрофни кузатиш, яъни душман келаётганидан хабардор бўлиш мумкин экан. Кўрилиб турибдики, бу тарихий обида бир вақтнинг ўзида бир неча хизматни қилган.

Минораи Калон 1127 йил қорахонийлар даврида Арслонхон буйруғига мувофиқ қурилган.

Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида ёзилишича, биринчи Минорани Бухорода Абу Абдуллоҳ ал Жаҳоний 918-919 йил қурдирган. Бу Минора қулагандан сўнг Арслонхон янги Минора бино қилишга фармон беради. Минора қурилиши охирига етмай қулайди. Шундан сўнг Арслонхон пишиқ ғиштдан Минораи Калонни мустаҳкам қуриш тўғрисида буйруқ беради.

Нақл қиладиларки, Уста Бақо Минораи Калонни қуришда сув ўрнида туянинг сути тухумнинг оқидан фойдаланган.

Ривоят қиладиларки, Уста Минораи Калон асосини қургандан сўнг қирқ йил пинҳон бўлади. Подшоҳ Устанинг бу ишидан газабланади, Уста ёнига келиб: “Шоҳим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз пинҳон бўлганим сирини билдираман!” - дейди. Шоҳ: “Кечдим, гапир” - деб ижозат берганидан кейин, Уста: “Бинонинг асоси қирқ йилда ўрнашади. Энди қиёматгача Минораи Калон қуламайди. Сизнинг шухратингизни оламга ёяди. Агар мен пинҳон бўлмасайдим, сиз бесабрлик этиб, Минора қурилишини тезроқ битказишни талаб қилардингиз. Натижада Минора аввалгидай шикаст топарди. Иншаоллоҳ, бу Минора дунё тургунча беофат бўлгай. Зилзилалар ҳам унга таъсир этмагай!” - дейди.

Минора асосининг диаметри 9 метр, унинг баландлиги 50 метрга яқин. Унинг ичидан 104 зина орқали устига чиқиш мумкин Минора танаси ғўласимон, юқориси ингичкалашиб боради ва муқарнасли қафаса билан тугайди. Минорада тарихий ва диний мазмундаги кўфий ёзувлар бор.

Нақл этилишича, Усто Бақонинг умри поёнига етай деб қолганда шундай васият қилибди: “Менинг жанозамни Масжиди Калонда ўқинг, жасадимни эса шу Минораи Калон ёнидаги ҳовлига кўминг. Агар Минора қуласа, қабрим устига қулсин. Суякларимни майда-майда этиб синдирсин! Лекин Худо шоҳид! Қиёматгача Минораи Калон қуламагай!”

Кекса намозхонларнинг айтишича, Минораи Калон тепасидан бир вақтнинг ўзида бир неча муаззин азон айтган. Сўнги муаззинлар Қори Ғулом, Сўфи Абдушукур, Сўфи Қамар, Сўфи Абдулҳакимлар эди. 1920 йил Фрунзе буйруғи билан жуда кўп обидалар, жумладан, Минораи Калон ҳам аэроплан орқали бомбардимон қилинди. Миноранинг бир неча жойлари “жароҳатланди”. Лекин Фрунзенинг тўплари ҳам Минорани қулатолмади.

Собиқ Иттифоқ замонида Минораи Калонни камситиш одат бўлган эди. Буюк иншоотни “ўлим Минораси” деб айтар ва китобларга ёзардилар. 1929 йилдан сўнг Минораи Калондан азон айтиш таъқиқланди. Унинг атрофи дидсизлик билан асфальтланди, Минора захга ем була бошлади.

Мустақиллик йилларида Минора атрофида мрамртошлар ётқизилди. Минораи Калон кўз қорачиғидек асралмоқда. Минораи Калон халқимиз фаҳрига айланди.

Минораи Калоннинг жанубидаги Пойи Калон кўчасида буюк меъмор Усто Бақонинг қабрлари ҳозир ҳам бор. Умид қиламизки, бу зиёратгоҳ ҳам обод этилажак.

АБУ МАҲЛАД АБДУЛМАЛИК ИБН АБДУЛЖАББОР АТ ТАБАРИЙ (ваф. 1123)

Ҳазрат Абу Маҳлад Абдулмалик ибн Абдулжаббор ат Табарий ҳақларида Нажмиддин ан Насафийнинг “Самарқандия” китобларида маълумот берилгандир. Бу зоти шариф закий ва тожирлар фаҳри бўлганлар. Бухорода муқим яшаганлар, баъзан эса Самарқандга келиб толиби илмларга ҳадисдан сабоқ берганлар.

Муҳаддис Абу Маҳлад Абдулмалик 1123 йил Бухорода вафот қилганлар.

“Самарқандия” китобида Абу Маҳладнинг қози ва имом Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Мусо ал Мутаҳҳирий ат Табарийдан ривоят қилган ҳадислари келтирилгандир:

Анас ибн Молик разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар:

“Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам: “Дарҳақиқат, ҳожилар ҳаждан қайтсалар, фаришталар уларга пешвоз чиқишиб, туяда келаётганларига салом бергайлар, пиёда келаётганларини эса қучоқлагайлар” - деб марҳамат қилдилар.” (Нажмиддин ан Насафий, “Самарқандия”, 98-саҳифа).

ҲАЗРАТ УБАЙДУЛЛОҲ ИБН АЛ ИМОМ АБУ БАКР ХОҲАРЗОДА (ваф. 1091)

Ҳазрат Убайдуллоҳ ибн ал Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн ал Ҳусайн ал Қудайдий ал Бухорий ҳақларида Нажмиддин ан Насафийнинг “Самарқандия”, Абдулкарим ас Самъонийнинг “Насабнома”, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин” ва бошқа китобларда маълумотлар берилгандир.

Ҳазрат Имом Абу Бакр Муҳаммад фақиҳ, муҳаддис, валиюллоҳ эдилар. Бу зоти шариф “Ҳоҳарзода” номи билан машҳур бўлган. Ҳазрат Имом қози ҳам эдилар. Бу зоти шариф илмни ўз оталари Абу Алидан, шунингдек, Мансур ибн Наср ал Қоғазийдаи ўрганган. Ҳазрат Имом Абу Бакр Ҳоҳарзоданинг энг етук шогирдлари Абу Амр Усмон ибн Али ал Пайкандий ҳисобланадилар.

Самъонийнинг ёзишича, Имом Абу Бакр Ҳоҳарзода 1091 йил вафот қилганлар. Қабрлари Бухородадир.

“Самарқандия”да Имом Абу Бакр Ҳоҳарзодадан қунидаги ҳадис ривоят қилинган:

Барроъ разияллоҳу таоло анҳу бундай дейдилар: “Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу таоло анҳу (уйимизга келиб) отам Озиб разияллоҳу таоло анҳудан ўн уч дирҳамга эгар сотиб олдилар. Сўнг Абу Бакр (отам) Озибга: (ўғлингиз) Барроъга буюрингиз, эгарни уйимгача кўтариб борсин!” дедилар. Озиб: “Йўқ, токи Расуллуллоҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам бирлан сиз иккалангиз Маккадан (қочиб) чиққанингизда ва мушриклар иккингишни излашганда не қилганингизни айтиб бермас экансиз (ўғлимга бундай деб буюрмасмен)”, - дедилар. Шунда Абу Бакр ас Сиддиқ разияллоҳу таоло анҳу бундай деб хикоят қилдилар: “Биз Жаноб Расулуллоҳ ва мен иккаламиз Маккадан чикиб, тун бўйи ва эртасига қуёш қоқ тепамизга келгунча йўл юрдик. Сўнг, мен дам олмоғимиз учун бирор сояли жой бормикин, деб атрофга назар ташлаб эдим, бир қатта тош кўринди. Биз иккимиз ўша тош (харсанг) олдига бориб, тўхтадик. Кейин, мен тош (харсанг) соясини кўздан кечирдим-да, соя тушиб турган жойни текисладим. Сўнг, ўзим бирла олиб келган пўстакни Жаноб Расулуллоҳга тўшаб бердим. Кейин, мен ул зотга: “Ё Расулуллоҳ! Келингиз, мен атрофин кузатиб келгунимча ёнбошлаб турингиз!” - дедим. Бир маҳал қарасам, бир чўпон йигит биз боя сояли жой қидирганимиз каби бир салқин ер ахтариб қўйларини ҳайдаганча мазкур харсанг томон келаётир.

Мен унга: “Эй, йигит! Сен кимнинг чўпонисан?” - дедим. У: “Қурайш қабиласига мансуб бир кишининг чўпониман” - деб унинг исмини айтди, мен уни танидим. Кейин, мен ундан: “Қўйларинг ичида сути бор совлиғ борми?” - деб сўрадим. У: “Ҳа, бор” - деди. Мен унга: “Менга бир оз сут соғиб берасанми?” - дедим. У: “Майли” - деб жавоб қилди. Сўнг, мен унга ёнимдаги идишни узатдим, у унга сут соға бошлади. Шунда мен унга: “Қўйнинг елинини чангдан тозалагил!” - дедим, кейин кафтларини ҳам қоқиб ташламоғини амр этдим. У бир кафтини иккинчисига ургач, менга бир оз сут соғиб берди. Мен Жаноб Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи ва саллам учун бир мешчага сув тўлдириб олиб, оғзига латта тиқиб қўйгандим, мешнинг таги совиганини сезгунимча ўша сувдан сутга қўшавердим. Кейин сутни Жаноб Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи ва салламга олиб бордим. Қарасам, ул зот уйгонган эканлар: “Ё Расулуллоҳ! Манави сутни ичингиз!” - дедим. Ул зот уни ичдилар, мен бундан мамнун бўлдим. Сўнг, мен ул зотга: “Ё Расулуллоҳ! Йўлга тушмоқ вақти келди,” - дедим. Биз йўлга тушдик, мушриклар эса бизни хануз таъқиб қилиб келишмоқда эди. Ниҳоят, Суроқа ибн Молик ибн Жуъшум оти устида бизга

етиб олди. Шунда мен: “Ё Расулуллоҳ! Таъқибчилардан бири бизга етиб олди,” - дедим. Ул зот: “Ғам чекмангиз, Аллоҳ таоло биз бирлан» (“Ат Тавба” сураси, 40-оят) - дедилар. Суроқа икки ёки уч найза бизга яқинлашгач мен ул зотга: “Ахир, анави таъқибчи бизга етиб олди-ку!” - дедим-да (ул зотнинг ҳаётларидан хавотир олганимдан) йиғлаб юбордим. Ул зот: «Сизни йиғлатган недир?»- дедилар. Мен: “Аммо, Аллоҳ таоло ҳақи! Мен ўзимнинг ҳаётимдан ташвишланиб эмас, балки Сизнинг муборақ жонингиздан хавотир олганимдан йиғлаётирман,” - дедим. Шунда Жаноб Пайғамбаримиз салаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ё Парвардигор! Ўзинг истаган йўсинда бизни ундан халос айлагайсан!” - деб Суроқани дуойи бад қилиб эдилар, унинг оти бирдан корнигача ерга ботиб кетиб, ўзи эгардан кулаб тушди. Кейин, Суроқа: “Эй, Муҳаммад! Бу сени ишинг эканини билдим, Аллоҳ таолога дуойи хайр қил, мени бу аҳволдан қутқарсин! Мен эсам, бунинг эвазига йўлда дуч келган таъқибчига сизларни кўрмадим, деб айтаман. Манави қалқоним бирла ўқ-ёйларимни ол, кейин менинг туямни миниб фалон жойга бор, ул ерда қўйларим бор, улардан истаганингча ол!” - деди. Шунда Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи васаллам унга: “Сенинг туянг бизга керак эмас!” - дедилар-да, уни дуойи хайр қилдилар, у бояги аҳволдан халос бўлиб, ўз шериклари томон қайтиб кетди. Сўнг, Расулуллоҳ салаллоҳу алайҳи васаллам ва мен биргаликда йўлда давом этдик”. (Нажмиддин ан Насафий, “Самарқандия”, 130-132-саҳифалар).

ҲАЗРАТ НУРИДДИН СОБУНИЙ **(ваф. 1184)**

Буюк фақиҳ, мотуридия мактабининг атоқли вакили, улуғ тарбиячи валиюллоҳ Ҳазрат Нуриддин Собунийнинг исмлари Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Абу Бакрдир. Бу зоти шариф “ал Имомул ажаалл” (буюк имом), “Нуриддин” (дин зиёси, дин нури), “Носирул Ҳақ” (Ҳақ ёрдамчиси), шунингдек, совун тайёрлаб сотганлари боис “Собуний” тахаллуслари билан машҳур.

Ҳазрат Собуний ҳақларида Ибн Қутлубғоннинг “Тожут тажорим” Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин”, А.Ш.Жузжонийнинг “Ислом ҳуқуқшунослиги” ва бошқа манбаларда маълумотлар берилган.

Собунийнинг устозлари хоразмлик буюк мутафаккир Шамсулаимма Кардарий (ваф. 1167) ҳисобланадилар. Ҳазрат Собуний ўз замонаси алломаси Фахриддин Розий (ваф. 1210) билан баҳсу мунозара этганлар.

Нуриддин Собунийнинг куйидаги китоблари машҳур: “Ал Мунтақо мин исматил анбиё”, “Ал Кифоя фил Ҳидоя”, “Китбул бидоя фи усулиддин” (А.Ш.Жузжоний, “Ислом ҳуқуқшунослиги”, “Тошкент ислом университети” нашриёти, 2002 йил, 216-саҳифа).

Ҳазрат Нуриддин Собуний 1184 йил Бухорода вафот қилганлар. Ул зоти шарифнинг қабрлари “Ал қуззотус сабъа” (Етти қози) мазоридадир.

“Тухфат аз зоирин” китобида ёзилишича, Ҳазрат Абу Бакр Тархон мазористони ёнида “Етти қози” мазористони бўлган. Абу Бакр Тархон ва “Етти қози” мазористони Собик Иттифоқ замонасида вайрон этилган эди.

МУҲАММАД ИБН АЛИ АЛ КОКАНИЙ

Муҳаммад ибн Али Коканий ҳам муҳаддис бўлиб, Когон туманида туғилганлар. Бу зоти шариф ўғилларининг исми Муҳаммад ибн Муҳаммад ал

Коканий эди, бу киши ҳам ҳадис илмининг устои бўлган. Бу икки муҳаддиснинг устозлари Юсуф ибн Ҳайдар ал Хумисангий эдилар. Муҳаммад ибн Али ал Коканий ҳақларида ас Самъонийнинг “Насабнома” китобида маълумот берилгандир.

ҲАЗРАТ АБДУЛҚОДИР ЖЕЛОНИЙ (ГЕЛОНИЙ) ПИРИ ДАСТГИР ЗИЁРАТГОҲИ (1079-1166)

Бухоро шаҳрининг жанубида Ҳазрат Шайх Абдулқодир Желоний (Гелоний) Пири Дастгир зиёрагҳолари бор. Бу мавзенинг номи қадимда Сепулон бўлган. Қадимда бу зиёратгоҳда минора, мрамртошли ҳовуз, чашма (қудук), мақбара ва масжид бўлган. Мақбара ичида қабрлар бор. Бу қабрлар Ҳазрат Пири Дастгирнинг муридлари хокжойи деган ривоятлар мавжуд.

Собиқ Итгифоқ замонида ушбу мажмуадаги масжид бузиб ташланди. Ҳовуз ичи ахлатхонага айлантирилди. Зиёратга келиш, чашма сувидан баҳраманд бўлиш таъқиқланди. Истиклол шарофатидан Ҳазрат Пири Дастгир зиёратгоҳи қайта обод этилмоқда. Чашма устида гумбаз тикланди, ҳовуз қайта таъмирланиб, асл ҳолига келтирилди. Айни шу кунларда бу ерда имом - хатиб Ҳожи Жонмуҳаммад Гуловнинг сайъ-ҳаракати билан 35 гумбазли улкан жомеъ масжиди бино қилинмоқда.

Маълумки, Ҳазрат Шайх Абдулқодир Желоний 1079 йил Эроннинг Желон (Гелон) деган мавзеида туғилиб, 1166 йил Бағдодда вафот қилганлар. Қабрлари Бағдодда, у ерда улкан, гўзал мақбара бунёд қилинган. Ҳазратнинг қадамжолари жуда кўп жойларда бор. Самарқандда, Душанбеда, Бухорода, Шофирконда ва бошқа жойларда Ҳазрат Пири Дастгир зиёратгоҳлари мавжуд.

Ҳазрат Абдулқодир ҳақларида Жомийнинг “Нафохатул унс”, Навоийнинг “Насоимул муҳаббат”, Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг “Авлиёлар султони” китобларида ва бошқа манбаларда маълумотлар берилгандир.

Ҳазратнинг насаблари ота томонидан Ҳазрат Имом Ҳасан разияллоҳу анхуга, она томонидан эса Имом Ҳусайн р.а. бориб тақалади. Ота томонидан насаблари қуйидагичадир: Шайх Сайид Мухйиддин Абдулқодир ибн Сайид Абу Солиҳ Мусо ибн Сайид Абдуллоҳ Жайлий ибн Сайид Яҳё Зоҳид ибн Сайид Довуд ибн Сайид Абдуллоҳ ибн Сайид Мусо ал Жавон ибн Сайид Абдуллоҳ Мухас ибн Сайид Ҳасан ибн Ҳазрат Али разияллоҳу анху.

Она томонидан насаблари қуйидагичадир: Ҳазратнинг оналари-нинг исми Фотима, кунилари Умми Хайр бўлиб, бу зоти шарифанинг оталарини исми Абу Жамол Сайид Муҳаммад ибн Абу Муҳаммад Тоҳир ибн Саид Абу ал Ато ибн Сайид Али Арзий ибн Ҳазрат Имом Жаъфари Содик ибн Имом Муҳаммад Боқир ибн Ҳазрат Имом Зайнулобидин ибн Имом Ҳусайн р.а. ибн Али Муртазо р.а. (Муҳаммад Сиддиқ Рушдий, “Авлиёлар султони”, Т., “Камалак”, 1995 йил, 13-14-саҳифалар;

“Ҳазрат Қутби Раббоний”, “Ғавсус Самадоний”, “Маҳбуби Субҳоний” унвонларига сазовор Шайх Абдулқодир Желоний “Қодирия” тариқатининг асосчиси ҳисобланадилар.

Нақл этилишича, Ҳазрат Абдулқодирнинг оналари дейдиларки, фарзандим Абдулқодир Рамазон ойида туғилган эди ва ҳаргиз кундуз кунлари мени

эммасди ва ифторлик пайти эмар эди. (А.Навоий, Мукаммал асарлар тўплами, ўн еттинчи том, “Насоимул муҳаббат”, Т., “Фан”- 2001 йил, 254-саҳифа).

Бир вақт Рамазон ойи бошида ҳаво булутли бўлиб, одамлар Рамазон ойининг кирган, кирмаганини билмай қолдилар, не иш қиларини билмай, Ҳазрат Абдулқодирнинг оналари ҳузурларига келиб сўрадилар: “Бугун саҳардан сўнг Ҳазрат Абдулқодир сизни эмдиларми?” Оналари дедилар: “Йўқ!” Маълум бўлдики, Рамазон ойи кирган экан (Муҳаммад Сиддиқ Рушдий, “Авлиёлар султони”, 22- саҳифа).

Қуйидаги воқеа “Нафоҳатул унс” да келтирилган: Ҳазрат ёшлиқларида Бағдодга илм олмоқ учун бормоқчи бўлиб онадаридан рухсат сўрадилар. Оналари қирқ тилла тангани Ҳазратнинг чопонлари ичига қўйиб тикиб бердилар ва дедилар: “Ҳамма вақт росгўйликка амал этинг!” Ҳазрат оналарига ваъда бериб, карвон билан йўлга чиқдилар. Саҳрода карвонни қароқчилар талади. Бир қароқчи Ҳазратдан: “Сенда бойликдан нима бор?” -деб сўраганда, Ҳазрат Абдулқодир: “Менда қирқ тилло танга бор!” -дедилар. У ишонмай кетди. Иккинчи қароқчи сўради, унга ҳам аввалги жавобни бердилар. Қароқчилар молни тақсимлаётган пайтда бошлиқларига дедиларки: “Бир ўсмирдан сўрадик, у қирқ тиллом бор, деди. Лекин биз унга ишонмадик. Ўзи жуда ҳам юпун кийинган”. Қароқчилар бошлиғи Ҳазратни ҳузурига чақириб, ниманг бор, деб сўраганда, Ҳазрат аввалги жавобни бердилар. “Тилланг қани?” —деганда, Ҳазрат: “Чопоним ичига қўйилиб тикилган” -дедилар. Қароқчилар Ҳазратнинг чопонларини йиртиб кўрганда, дарҳақиқат, қирқ дона олтин танга чиқди. Қароқчилар бошлиғи ҳайрон бўлиб сўради: “Эй, йигит! Ахир биз бу тиллоларингдан беҳабар эдик-ку! У мустаҳкам жойда яширилган экан. Лекин нега сен рост гапириб, бойлигингдан айрилдинг?” Ҳазрат Абдулқодир дедилар: “Мен онамга ҳамма вақт рост гапираман деб ваъда бериб, аҳду паймон қилган, шу боис аҳду паймонимни бузмадим, рост гапирдим!” Қароқчилар бошлиғи бу жавобни эшитиб йиғлади ва деди: “Мен шунча йиллардан бери Аллоҳ таолога берган аҳду паймонимга вафо қилмасдан гуноҳ ишларни қилиб келаяпман! Во ҳасрато! Бас! Энди тавба қилдим. Қайта қароқчилик этмайман! Аллоҳ ризолигини топмоқ учун то умрим сўнгигача ҳаракат қиламан!” Бошлиқларининг бу гапини эшитиб, қолган қароқчилар ҳам тавба қилдилар ва карвон аҳлига барча молу мулкларини қайтариб бердилар.

Шайх Абдулқодир Желонийнинг тариқат пирлари Шайх Сайид Маҳзумий, бу зотнинг устодлари Абул Ҳасан Али, бу кишининг устодлари Шайх Абулфаррух Тарсусий, бу зотнинг устодлари Шайх Абул Фазл Абдулвоҳид, бу кишининг пирлари Шайх Абу Бакр Шиблий бўладилар.

“Маноқибн Қодирия”да ёзилишича, бир неча муддат Ҳазрат Абдулқодир Желоний бир оёқда туриб ибодат этадилар. Нидо келдики: “Эй, Сайид Абдулқодир! Не сабаб бир оёқда туриб ибодат қиласен?” Ул Ҳазрат дедилар: “Илоҳо, бутун ер юзи авлиёуллоҳ билан тўлибдур, иккинчи оёғимни сиғдиргали жой йўқ. Иккинчи оёғимни қўяман десам, авлиёуллоҳлар гарданига тушгай!” Яна нидо келдики:

“Эй, Абдулқодир! Оёғингни менинг авлиёларим гарданига қўйгил!” Ҳазрат амри илоҳийни бажо келтирдилар ва барча авлиёлар гарданини паст қилди.

“Маноқибн Қодирия”да келтирилишича, Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанднинг ботин ва зоҳирларига исми зотнинг нақш боғлашида Ҳазрат Шайх Абулқодир

Желонийнинг ёрдамлари бўлган. Ҳазратнинг руҳониятлари Баҳоиддинни тарбият қилган.

Нақл қиладиларки, бир кун Ҳазрат Баҳоиддин Накшбанддан сўрадилар: “Ҳазрат Ғавсул Аъзам Пири Дастгир: “Менинг қадамим жамики авлиёуллоҳ гарданидадур”, дер эрмишлар, чиндан ҳам ул зот жамики авлиёлар гарданига муборак қадамларини қўйганларму?” Ҳазрат Баҳоуддин дедилар: “Дарҳақиқат, рост! Ул вақтда бизнинг хоҷамиз Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний ҳозир эрдилар. Ул Ҳазратнинг муборак қадамларига гарданларини паст қилиб турдилар. Агар мен ул вақтда ҳозир бўлсам эрди, муборак қадамларини кўзимга қўйдирган бўлар эрдим”.

Нақл этилишича, Ҳазрат Ғавсул Аъзам Пири Дастгир Бағдодда мадраса бино қиладилар ва шу мадрасаларида толиби илмларга ўн уч илмдан сабоқ берадилар. Инчунин, Қуръон тафсири, фикҳ, ҳадис, ахлоқ илми, сарфу навҳ ва бошқалар.

“Бахжатул асрор” китобида ёзилганки, Ҳазрат Ғавсул Аъзам саҳродан ўтиб кетаётганларида ногоҳ ҳавода булут пайдо бўлиб, осмон нурга тўлди. Ул нурнинг орасидан бир сурате намоён бўлиб деди: “Эй, Абдулқодир! Билки, мен сенинг Парвардигорингман! Сенга улуг даража ато қилдим ва барча ҳаром нарсаларни сенга ҳалол этдим!” Ҳазрат Абдулқодир: “Аузубиллаҳи минаш шайтонир Ражим!”- дедилар, шу заҳот нур йўқолиб, саҳрони қоронгулик чулғаб олди. Сурат худди қора тутундай тарқалиб нидо этди: “Эй, Абдулқодир! Аллоҳнииг сенга берган ҳикмат ва илми шарофатидан мендан кутулдинг! Мен мана шу хийла билан етмиш нафар авлиёни йўлдан оздириб, осий қилган эдим”.

Бир неча муддат сўнг муридлар ҳайрон бўлиб сўрадилар: “Эй, Ҳазрат! Сиз ул нурнинг шайтон эканлигини қандай қилиб билдингиз?” Ҳазрат дедилар: “Ва барча ҳаром нарсаларни сенга ҳалол қилдим” деган сўзидан унинг шайтон эканлигини билдим”.

Ҳазрат Ғавсул Аъзамнинг кароматлари бисёрдир. Ҳазрат Абдулқодир хонақоҳлари ғариб, етим, мусофир, камбағал толиби илмларга бошпана эди. Ул зоти шариф жуда ҳам саховатли инсон эдилар.

Ҳазрат Абдулқодирнинг жуда кўп муридлари бўлган, энг буюк муридлари, яъни авлиёлик даражасига етганлари куйидагилардир: Шайх Ҳаммод Даббос, Шайх Садақа Бағдодий, Шайх Сайфиддин Абдулвахҳоб (бу зоти шариф Ҳазрат Абдулқодирнинг ўғиллари), Шайх Абу Муҳаммад Абдурахмон Тафсунажий, Шайх Абу Амр Сарифиний, Шайх Бақо бин Батту, Қазиб ул бон - Мавсилиий, Муҳаммад Авоний ибн ул Қоид, Абус Суъуд бин Шабл (А.Навоий, “Насоимул муҳаббат”, 375-384—саҳифалар).

Бухорода кодирия тариқатига мансуб зотлар кўп бўлган. Ҳозир ҳам кўп хонадонларда ҳар ой “Хатми Пири Дастгир” ўтказилади.

Ҳазрат Абдулқодир Желоний Пири Дастгир зиёратгоҳларида ҳам ушбу хатм мудом ўтказилади. Қуйидаги байт ғоят машхур:

**Агар туфон бигирад гирди олам,
Чи ғам дорад муриди Ғавсул Аъзам.
Ки ҳар кас домани покаш бигирад
Набинад дар ду олам заррае ғам.**

Таржимаси:

**Агар туфон ичра қолса бу жаҳон,
Ғавсул Аъзам муридига “Ал Амон!”
Кимки ул зот этакларидан тутти,
Икки жаҳон саодатига етди!**

Шайх Абдулқодир Желоний ҳикматлари: -Динингизнинг зоеъ бўлмоғи тўрт нарса биландир: 1.Билган нарсангизга амал қилмаслигингиз; 2.Билмаган нарсангизга амал қилишингиз; 3. Билмаган нарсангизни ўрганмаслигингиз; 4. Инсонларни билмаган нарсаларини ўрганишдан тўсишингиз.

- Эй, йигит, инсонларга кўр-кўрона, ғафлат ва жаҳолат билан эмас, балки ақл, илм ва уйғоқлик ила эргаш. Уларда мақталган нарсаларни кўрсанг, қабул қил. Агар ёмонлик томон олиб борадиган сифатларга гувоҳ бўлсанг, улардан узоқ бўл ҳамда уларни бу йўлдан қайтар.

- Дининг билан эмас, балки касбинг билан ризқ-рўзингни топ. Касб-хунар ўрганиб, уни бошқаларга ҳам ўргат.

- Аллоҳнинг дўстлари кўр, соқов ва карга ўхшайди. Қачон уларнинг қалблари Ҳаққа яқин бўлса, ундан ўзгани тингламайди, бошқани кўрмайдилар ҳам. Ҳамма, яъни инсу жин, подшоҳлар ва турли махлуқлар, илм ва ҳикматлар уларнинг ортида туриб хизмат қилади...

- Эй, инсонлар, Аллоҳ азза ва жалладан ҳақиқий ҳаё қилинг. Вақтингизни зоеъ кетказманг, ғафлатда қолманг! Дарҳақиқат, сизлар емайдиган нарсаларни жамлаш билан машғул бўласиз, етолмайдиган нарсаларни орзу қиласиз ва ўзингиз яшамайдиган биноларни барпо қиласиз. Буларнинг барчаси Раббингиз азза ва жалланинг мақомидан сизларни тўсади. Ваҳоланки, Аллоҳнинг зикри орифлар қалбига ўрнашиб, уни ихота қилади ва юқорида зикр қилинган нарсаларни эслашни унуттиради...

- Набий с.а.в. марҳамат қилганлар: “Аллоҳ дўстини азобламайди, балки уни синайди” (Имом Аҳмад ривояти).

Мўмин киши Аллоҳ азза ва жалла ҳузуридан келадиган барча синовларда собит туради, улардан кейин дунё ва охиратда фойда кўради. У балосиновларга рози бўлиб, Раббини айбламайди, сабр қилади.

- Эй, дини синган киши, уламоларга яқинлаш, синган динингни тузатиб кўядилар. Аллоҳ олдин шифосини яратиб, сўнг касалликни пайдо қилган... (А.Желоний, “Раббонийликни англаш”, Т. “Мовароуннаҳр” - 2005 йил).

ҲАЗРАТ ЮСУФ ҲАМАДОНИЙ (1048-1141)

Шайхуш шуюх, олими Раббоний, қутби аср, соҳибкаромат авлиё, юксак мақомот соҳиби, пири муршид, алломаи замон Ҳазрат Юсуф 1048 йил Ҳамадонда туғилганлар. Ҳазратнинг насаблари Имоми Аъзам (699-767) ҳазратларига бориб тақалади.

Ҳазрат Абдулҳолик Ғиждувоний “Мақсад ас соликин” китобларида пири муршидлари Юсуф Ҳамадонийнинг сурат ва сийратларини баён қилган...

Мусаввир етти рангни ишлатиб сурат чизади. Лекин агар битта ранг, асосий - саккизинчи ранг кўшилмаса, сурат курук, жонсиз чиқади. Барча ранглар рангини ўзгартирадиган бу ранг меҳрдир, муҳаббатдир. Ҳазрат Абдулхолиқ меҳр билан, муҳаббат билан пири муршид сурат ва сийратларини чизади. Кўз олдинда жуда ҳам қадрдон инсон: қотмадан келган, кўркам, узун соқоли ўзига ярашган, юзларидан нур томаётган, лабларида табассум, кўзларида илоҳий файз - меҳру шафқат балкиётган Юсуф Ҳамадоний намоён бўлади. Ва бу зоти шариф сендан асло ажралмайди. У кишининг ҳар бир қадами, ҳар бир айтадиган каломи, ҳар бир этаётган иши - намуна, дастуриламал. Беихтиёр бу зоти шарифга эргашасан, у кишига тақлид қиласан, пайрав бўласан. Нега? Чунки бу комил инсонга ҳавасинг келади. Ва Юсуф Ҳамадонийнинг саховатларини кўриб, ўзингдаги бахиллик, табассумларини кўриб, уйилган қовоғинг, камтарликларини кўриб, ўзингдаги кибру ҳаво, алломанинг илмларини кўриб, омий-бесаводлигинг, ул зотнинг шоҳу гадога бир хилда бўлган муомалаларини кўриб, ўзингдаги кўрслик, шайхнинг саҳифаамаъликларини

кўриб, тамаъгирлигинг, ул зоти шарифнинг турли дин вакилларига бир хил этадиган панду насиҳатларини кўриб, ўзингдаги мутаассиблик, у кишининг кетмон чопиб, ҳалол ризқ топаётганини кўриб, ўзингдаги танбаллик, кам ейишларини кўриб, очофатлигинг, кам ухлашларини кўриб, ғофиллигинг, кам гапиришларини кўриб, вайсоқилигинг, турли миллат вакилларига бир хил муомалаларини кўриб, маҳаллийчилигинг, миллатчилигинг, хуллас, беҳисоб айбларинг кўзгуда намоён бўлади. Юсуф Ҳамадоний ҳазратлари улкан Кўзгу! Ул зоти шариф панду насиҳат этиб, ширин суҳбат қилиб, танбеҳ бериб аста-аста сени айбу нуксонлардан қутқара бошлайдилар.

Қачон айтилган гап билан этилаётган иш бир хил бўлса, қачон тил билан дил бир бўлса - шунда натижа ҳосил бўлур. Айтган гапларига ўзлари амал этганлари боис устод Ҳамадонийга юзлаб, минглаб, бугунги кунга келиб миллионлаб кишилар эргашмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Юсуф Ҳамадоний Бухоро, Самарқанд, Марв (Мори), Хоразм, Бағдод, Макка, Мадина ва бошқа шаҳарларда бўлиб, у ерда илм олганлар. Ҳазрат икки юз ўн учта буюк аллома, шайхлар билан ҳамсуҳбат бўлганлари манбаларда ёзилган.

Юсуф Ҳамадоний буюк аллома Шайх Абу Исҳоқ Шерозийдан фикҳ илмини ўргандилар. Ҳазрат ҳадис, тафсир илмларида ўз замонасининг яқтоси бўлган.

А.Жомийнинг “Нафоҳатул унс” китобларида ёзилишича, Ҳамадонийнинг тариқатдаги пирлари Ҳазрат Абу Али Формадий (1004-1084) бўладилар.

Ҳазрат Формадийнинг тўртта энг етук халифалари бўлган: 1. Хожа Абдулло Мунир Амиқий. 2. Хожа Исҳоқ Фахр Насрободий. 3. Хожа Ҳамидиддин Мултоний. 4. Хожа Юсуф Ҳамадоний.

Хожа Юсуф Ҳамадоний қуйидаги китобларнинг муаллифи ҳисобланадилар: “Рутбатул ҳаёт”, “Манозил ус соирин”, “Манозил ус соликин”.

А.Ғиждувоний таъкидлашларича, Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний ўттиз олти марта ҳаж қилиб, Қуръони Каримни ўнг минг марта хатм қилганлар. Ул зоти шарифнинг етти юздан ортиқ шогирдлари авлиёлик даражасига етган.

Ҳазрат аксарият вақт кундуз кунлари руза, кечалари эса бедор-ибодатда эдилар. Юсуф Ҳамадоний шарофатларидан саккиз юз нафар бутпараст ислом динини қабул этган. Жуда кўп кишилар тўғри йўлни топган.

Ҳазрат умрларида ҳеч кимни ҳақорат қилмагандилар, ҳатто тилларига “лаънати”, “бадбахт”, “ит” деган ҳақорат сўзларни умуман олмагандилар.

Ҳамадонийнинг одоб-ахлоқлари, қиладиган ишлари суннатга мувофиқ бўлиб, Ҳазрат пайғамбар с.а.в.га издош, пайрав эдилар.

Ул зоти шариф деҳқончилик ва касиблик (этиқдўзлик, ямоқчилик) ҳунарлари орқали ризқ-рўзиларини топарди. Ҳалол касбдан топган маошларини бева-бечора, етим-есир, кўзи ожиз, мусофир, камбағалларга, шунингдек, толиби илмларга эҳсон қиларди.

Ҳазрати пир таомларини ўзлари пиширар, кирларини ўзлари ювар, кийимларини ўзлари ямарди. Ямоқли кийимни яхши кўрардилар. Ажабо? Нега буюк пир, улуғ авлиё ямоқлик кийим кийишни хуш кўрган? Шунини таъкидлаш жоизки, ўша асру айёмда зарбоф тўнлар киймоқ, заррин камарлар боғламоқ бойлар, дарбор аҳлига, задагондарга расм бўлган эди. Мусулмонлар ботинини эмас балки зоҳирини безай бошладилар. Ҳазрати пирнинг оддий кийим, ҳатто ямоқли кийим кийишлари зоҳирпарастларга танбеҳ бўлган.

Ямоқли кийим - кибру манманлик кушандаси, камтарлик белгиси. Бу нафсини ўлдирган, нафсини хору зор қилган кишилар либоси. Бу ички дунёсини зийнатлаган аҳли тақво, аҳлуллоҳларнинг либоси.

Ҳазрат от минмас, зарурат бўлганда эшакка минар, сафар қилардилар. Бунда ҳам катта ҳикмат бор. Албатта от ҳам улов. Лекин от минса манманлик, кибрга сабаб бўлиши мумкин.

Сухбатларда, давраларда олимликларини, авлиёликларини асло ошкор этмасдилар. Сухбатдошларидан ўзларини баланд тутмас, ҳеч кимни таҳқирламас, мазах қилмас. Кимни кўрсалар, унга: “Ҳожа!” деб мурожаат қилардилар. Номаҳрам хотин-қизларга, инчунин, болаларга асло тикилиб қарамасдилар. Аксарият калимаи радди куфрни ўқиб юрардилар.

Ҳазрат ҳамиша хуфия зикр ила машғул эдилар. Юсуф Ҳамадоний Ҳазрат Салмони Форсийдан қолган тасбеҳ ва ҳассани ғоят эъзозлаб сақлардилар.

Ҳазрат шаҳар ва қишлоқларга борар, турк, араб, тожик миллатига мансуб кишилар билан, шунингдек, хоҳ қул, хоҳ бой бўлсин ҳамма билан бирдай сухбатлашардилар, ҳаммага панду насиҳат этардилар. Исломнинг моҳияти, Ҳазрат Расули Акрам с.а.в. ҳаётлари, инчунин, саҳобаларнинг одобларидан гапириб берардилар. Амри маъруф ва наҳйи мункар этардилар.

Юсуф Ҳамадонийнинг энг етук халифалари Абдулло Барқий, Ҳасан Андоқий, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Гиждувоний эдилар.

Юсуф Ҳамадоний 1141 йил вафот қилдилар. Бу зоти шарифнинг қабрлари Марв (Мори)дадир.

Бухорода Ҳазрат Юсуф Ҳамадонийнинг қадамжолари бор. Бу Хожа Нуробод кўчасининг ғарбида жойлашган Корхона гузаридадир. Ушбу табаррук жойда Ҳазрат Барқий, Андоқий, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Гиждувонийлар маълум муддат яшаб, Юсуф Ҳамадонийдан таълим олганлар. Корхона гузариди масжид, ҳовуз, мақбара бор эди. Собиқ Иттифоқ замонасида масжид йикитилди, ҳовуз кўмилиб, мрамартошлари талон-тарож қилинди. Лекин Юсуф

Ҳамадоний қадамжолари бор. Умид қиламизки бу табаррук гўша ҳам обод этилади.

Юсуф Ҳамадонийнииг ҳикматлари бир неча асрлардан инсониятга маънавий озик бераётир:

- Инсон дунё лаззатларидан воз кечмагунча, ибодатни фароғат билан адо этолмас. Зеро бир қалбда икки зид нарса ўрнаша олмагай.

- Агар тупроқ моҳиятини ўрганаман десанг (зеро сен тупроқдан яратилгансен), бугун умринг сарф бўлур, лекин тупроқ сиру асрорига оид бўлган илминг ибтидода қолгай.

Агар сувнинг хусусиятларини ўрганмоққа бел боғласанг (зеро сен сувдан яратилгансан), минг йил умр кўрсанг-да, сувнинг мингдан бир хусусиятини билмакка ақлинг етмас.

Агар олов сир-синоатини ўрганаман десанг (зеро сен оловдан яратилгансен), қиёматгача умр кўрсанг, дунё тугар, лекин олов сир асрори тугамас.

Агар ҳавонинг сифатларини ўрганаман десанг (зеро сен ҳаводан яратилгансан) умринг, илминг, ақлинг тугар лекин ҳаво сифатлари тугамас.

- Зикр қалбни юмшатади ва кўнгил кўзини мунаввар қилади. Қалб тафаккурини очувчи калит- зикрдир.

- бадан дин йўлида ғозийнинг отидан ва ҳожининг туясидан афзал бўлмаганидек, тубан ҳам эмас. Жиход ва ҳаж йўлида от ва туяга ем-хашак бериш Ҳаққа ибодат ва диний амаллардан бўлса, бундан ҳам афзалроғи - шариат ҳукмларини ва дин аҳкомларини бажарувчи баданни таомлантирмоқ

- бу Ҳаққа итоат ва яқинлик қилишдир.

- Ҳою ҳавасларга эргашиб, нафс васвасаларига бўйсуниб, шариатга хилоф амалларни бажариш учун баданни парвариш қилган инсон от ва туяга ем-хашак бериб, уларнинг кучи билан йўлтўсарлик қиладиган қароқчига ёки бир мусулмонни ноҳақ ўлдириш учун қилич қайирган кишига ўхшайди.

- Аллоҳ севгиси махлуқот севгисидан кўра жўшқин ва шиддатли ва қудратлироқдир. Нафсоний ва Шайтоний севги билан Раҳмоний севги орасидаги фарқ шундай: махлуқ севгисидан ўзидан кетиш ва девоналик юзага келади. Ҳақ таолони севишдан эса кўнгилда фаросат, ҳикмат ва маърифат ҳосил бўлади. Чунки Шайтоннинг йўлида тикан ва хас-хашак учраса, Ҳақ таолонинг йўлида фақат наргису лола, гуллар рўпару келади... (Ҳожа Юсуф Ҳамадоний, “Ҳаёт мезони”, Тошкент, “Янги аср авлоди”-2003 й.)

ХОЖА АБДУЛЛОҲ БАРҚИЙ (ваф. 1160)

Ҳазрат Хожа Абдуллоҳ Барқий Ҳазрат Юсуф Ҳамадонийнинг биринчи халифалари эдилар. Бу зоти шариф ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган.

Хожа Абдуллоҳ Барқий Юсуф Ҳамадоний марҳум бўлганларидан сўнг муридлар тарбияси билан шуғулланганлар.

Хожа Абдуллоҳ Барқий 1160 йил вафот қиладилар. Қабрлари Абу Исҳоқ Гулободийнинг мазорлари ёнида бўлган. Бу Беҳиштиён мазоридадир.

ХОЖА ҲАСАН АНДОҚИЙ (1069-1158)

Ҳазрат Хожа Ҳасан Андоқий Юсуф Ҳамадонийнинг иккинчи халифалари ҳисобланадилар. Бу зоти шариф ҳақларида Самъонийнинг “Ал Ансоб” китобида маълумот бор. “Ал Ансоб”да ёзилишича, Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳусайн ал Андоқий — имом, фозил, зоҳид тақводор, камтарин, ғоят гўзал сийратлиги билан шуҳрат қозонган Абул Музаффар Абулкарим иби Абу Ҳанифа ал Андоқийнинг (1010- 1089) неваралари ҳисобланадилар.

Ҳасан Андоқий Юсуф Ҳамадоний билан бирга Хоразм, Бағдодда бўлган. Ас Самъоний ёзади: “Мен биринчи бор Ҳасан Андоқий билан Марвдаги шайх хонақосида учрашдим. Сўнг Бухорода учрашдим ва бу зотдан сабоқ олдим. Ҳазрат Андоқий менга Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний ривояг қилган ҳадисларни ўргатдилар. Ҳазрат Андоқий мени бениҳоя ҳурмат-иззат қилардилар”.

Ҳазрат Андоқийнинг вафотлари Рамазон ойини Лайлатул Қадр кечасида воқе бўлди (“Насабнома”, 16-саҳифа).

Андоқий ўз замонасининг етук алломаси, тариқат олими, валиюллоҳ бўлиб, жуда кўп муридлари бор эди. Кўп ибодат этар, кўп риёзат чекар эди.

“Тухфат аз зоирин” китобида ёзилишича, Ҳасан Андоқийнинг қабрлари Бухорода Абу Исҳоқ Гулободий мазорлари ёнидадир.

Айни шу кунларда Хожа Абдулло Барқий, Хожа Ҳасан Андоқийларинг қабрлари қолмаган. Шўролар замонасида улар йўқотилгандир.

ҲАЗРАТ АҲМАД ЯССАВИЙ (ваф. 1166)

Бухоро шаҳридаги қадимги Корхона гузарида Аҳмад Яссавий қадамжолари бор.

Яссавия тариқатининг асосчиси, буюк авлиё, улуғ шоир, файласуф, аллома Ҳазрат Аҳмад Яссавий Сайрам қасабасида туғилганлар.

Баъзи манбаларда ёзилишича, бу зоти шариф 130 йил умр кўрган. Бу зоти шариф Арслонбобо, Саид Ваққос, Шаҳобиддин Исфинжобий, Ҳамадоний ва бошқа устозлардан таълим олганлар.

Нақл қилинишича, Ҳазрат Шаҳобиддин шогирдларини имтиҳон қилмоқчи бўлибди ва ҳар бирига биттадан товукни ҳеч кимнинг кўзи тушмайдиган жойда сўйишни буюрибди. Ҳамма топшириқни бажарган, фақат Аҳмад тирик товук билан келиб: “Узр, устоз! Мен ҳамма жойда Аллоҳ таоло назарини ҳис қилдим. Шу боис топшириқни бажаролмадим” - дедилар. Устоз ёш Аҳмаднинг валийликларига тан бериб, дуо қилган эканлар.

Аҳмад Яссавий Юсуф Ҳамадонийнинг учинчи халифалари бўлиб, бир неча вақт устоз ўрнида Бухородаги хонақоҳда пири муршид сифатида қолиб, толиби илмларга сабоқ берганлар. Кейин эса Яссига кетганлар.

Ҳазрат Навоий “Насоимул муҳаббат” да ёзадилар: Хожа Аҳмад Яссавий - Туркистон мулкининг Шайхул машойихидур. Мақомоти олий ва машҳур, каромати мутаволи (хайратланарли) ва номахсур (чегарасиз) эрмиш. Муриду асҳоби ғоясиз (бениҳоят кўп) ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонидан ниҳоятсиз эрмиш (Алишер Навоий, Мукаммал асарлар тўплами, 17-том, Т. “Фан” - 2001 йил, 419- саҳифа).

Ҳазрат Яссавий оталарининг исми Иброҳим, боболари Илёс бўлиб, насаблари Ҳазрат Али р.а.га бориб тақалади.

Қутбиддин Ҳайдар, Ҳаким Ато, Исмоил Ато, Шайх Разиюддин Али Лоло каби буюк авлиёлар Ҳазрат Яссавийнинг шогирдлари эдилар.

Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг “Девони Ҳикмат”, “Фақирнома” каби асарлари жаҳонга машҳур.

Ҳазрат Аҳмад Яссавий 63 га киргандан сўнг ер устини тарк қилиб, ер ости ғорига кирганлар. Ғорда ҳам шогирдларга дарс берганлар. Ер остига кирганларига сабаб нима? Ҳазрат Яссавий пайғамбар с.а.в. издошлари бўлганлар. Пайғамбар с.а.в. сунналарига амал этганлар. У зоти шариф: “Пайғамбар ёшларига етдим, энди ер устида юрмайман!”-деб ғорга кирган эканлар.

Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг касблари чивикдан сузқич туқиш, ёғочдан қошиқ ва чўмич йўниш бўлган. Мана шу касб орқали ризқ-рўзларини топганлар.

Аҳмад Яссавий дейдилар: “Шайх улдирки, нарзу ниёз олса, уни мискин, ғариб, бечора, етим-есирларга бергай. Агар бу нарзу ниёзни ўзи еса гўё мурдор ит емишини тановул қилган бўлур!”

Аҳмад Яссавийнинг қабрлари Қозоғистон республикаси, Туркистон вилояти, Ясси қасабасидадир. Аҳмад Яссавий қабрлари устида Амир Темур 1395 йил улкан мақбара бино қилган.

Яссавий ҳикматлари собиқ Иттифоқ замонасида қатағонга учраган эди. Истиклол шарофатидан Ҳазратнинг китоблари бир неча бор ўзбек тилида нашр этилди. Ўзбекистонда Яссавий ижодларини тарғиб ва ташвиқ этишда Эргаш Рустамов, Иброҳим Ҳаққулов, Нодирхон Ҳасанов, Расул Муҳаммад Ашурбой ўғли Абдушукуров, Тожи Кораев ва бошқа олимлар хизмат қилган.

Ҳазрат ҳикматларининг тарбиявий аҳамияти бениҳоя буюқдир:

**Бешак билинг, бу дунё барча халқдин ўтаро,
Инонмағил молингга, бир кун қўлдан кетаро.
Ота-она, қариндош қаён кетти, фикр қил,
Тўрт оёғлиғ чўбин от бир кун сенга етаро.
Дунё учун ғам ема, ҳақдин ўзгани дема,
Киши молини ема, сирот узра тутаро.
Ахли аёл, қариндош - ҳеч ким бўлмайдуз йўлдош,
Мардона бўл, ғариббош умринг елдек ўтаро.
Қул Ҳожа Аҳмад, тоат қил, умринг билмам неча йил,
Аслинг билсанг обу тил, яна гилга кетаро.**

**Ўн саккиз минг оламга сарвар бўлгон Муҳаммад,
Ўттуз уч минг асхобга раҳбар бўлгон Муҳаммад.
Ёлонғочу очлиққа қаноатлиғ Муҳаммад,
Осий, жофий умматга шафоатлиғ Муҳаммад.
Тунлар ётиб уйимас, тиловатлиғ Муҳаммад,
Ғариб бирла етимга муруватлиғ Муҳаммад.
Йўлдин озған гумроҳға ҳидоятлиғ Муҳаммад,
Муҳим тушса хар кимга кифоятлиғ Муҳаммад.**

**Бў Жахлу Бў Лаҳабға сиёсатлиғ Муҳаммад,
Маломатни собуни, саломатлиғ Муҳаммад.
Намоз, рўза қилғувчи ибодатлиғ Муҳаммад,
Тинмай тасбех айтувчи риёзатлиғ Муҳаммад.
Мальун-лаъин шайтонга сиёсатлиғ Муҳаммад,
Шариатни йўлиға иноятлиғ Муҳаммад.
Тариқатга раҳнамо, иродатлиғ Муҳаммад,
Ҳақиқатга муқтадо, ижозатлиғ Муҳаммад.
Дуолари мустажоб, ижобатлиғ Муҳаммад,
Ёмонлиқға яхшилиқ кароматлиғ Муҳаммад.
Таъфиқ берган золимга, жалолатлиғ Муҳаммад,
Сажда қилган эгилиб, итоатлиғ Муҳаммад.
Беш вақт намоз бўлганда имоматлиғ Муҳаммад,
Меърож ошиб борганда шаҳодатлиғ Муҳаммад.
Аршу Курси бозори, иноятлиғ Муҳаммад,
Саккиз беҳишт эгаси, вилоятлиғ Муҳаммад.
Мискин Аҳмад кулиға китобатлиғ Муҳаммад,
Етим, фақир, ғарибға саховатлиғ Муҳаммад.**

(Аҳмад Яссавий, “Девони Ҳикмат”, Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992 йил).

ҲАЗРАТ ИМОМ ҚОЗИХОН (1132-1212)

Имом Қозихон ҳазратларининг исмлари Имом Ҳасан бин Мансур бин Маҳмуд бин Абдулазиз Фаҳриддин Марғилоний ал Бухорийдур. Бу зот буюк фақиҳ, аллома, валиюллоҳ, улуғ тарбиячи бўлганлар.

Имом Қозихон Бухоро қозиси бўлиб, ханафия мазҳабини ёйишда улуғ хизматлар қилганлар.

Имом Қозихоннинг “Шарҳи одобул Қозихон”, “Шарҳи ал жомий ас сағири Шайбоний”, “Шарҳи ас сағири Шайбоний”, “Шарҳи ал жомеъ ал кабири Шанбоний”, “Китоб ал мазҳар” ва бошқа асарлари маълум ва машҳур.

“Ҳидоятул орифин”, “Тарихи Муллозода” ва бошқа манбаларда Имом Қозихон ҳаёти ва фаолиятлари туғрисида маълумот берилган.

Нақл этилишича, Абулқосим Шаҳид Самарқандий ёзадики, мен ҳаж арконларини адо қилганимдан сўнг, Ҳиро тоғидаги Расулуллоҳ ғорларига кириб, хилватда юзимни тупроққа қўйиб муножот қилдим: “Парвардигоро! Менга даргоҳингдан улуғ давлат ато айла. Илоҳо, дўстларингдан бири ила мени ҳамсухбат қил!” Ногоҳ қулоғимга ғайбдан бир нидо келди: “Эн, Абулқосим! Билгилки илоҳий давлат уч тоифа инсонларга муяссар бўлур, булар пайғамбарлар, шаҳидлар ва фақирлар. Пайғамбарлик эшиги ёпилди (зеро Муҳаммад с.а.в.дан сўнг пайғамбар чикмайди). Сен шаҳидликни, ёхуд фақирликни танлашинг мумкин!” Мен ниёзмандилик билан: “Парвардигор, шаҳидлик давлатини истаюрман!” - дедим. Шунда яна нидо келди: “Эй, Абулқосим, аҳлуллоҳ (яъни Аллоҳ дўстлари)дан бири жумъа намозининг суннати билан фарзи орасида ёнингга келиб ўлтиргай ва ўзини сенга танитгай!”

Мен ғоят хурсанд бўлдим, ҳар шаҳарга келсам албатта жумъа кунини кутар ва ўша аҳлуллоҳ дийдори ва суҳбатига интизор бўлардим.

Бир кун Фохира (яъни Бухоро)га келдим, жумъа куни эрди. Жумъа намозининг суннати билан фарз намозининг орасида бир киши келиб ёнимга ўтирди. Мен аҳлуллоҳ шу бўлса керак деб гумон этдим. Ногоҳ охириги сафдан Имом Қозихон ҳазратлари туриб, биринчи сафга келдилар ва менинг ёнимга ўтирган кишига қараб: “Эй, биродар! Бу киши Ҳиро тоғидаги ғорда туриб, Аллоҳ таолодан мени сўраган эди. Унинг муножотини Аллоҳ таоло қабул айлади. Шу боис ушбу жойни бўшатишингизни ва унинг ёнида менинг ўтиришимга изн бергайсиз!”- дедилар-да, ёнимга ўлтирдилар.

Манбаларда таъкидланишича, Ҳазрат Абулқосим Самарқандий бир неча муддат Ҳазрат Имом Қозихоннинг суҳбатларидан баҳраманд бўлдилар. Кейинчалик эса дин йўлидаги муҳорабада шаҳид бўлдилар.

Ҳазрат Имом Қозихоннинг муборак қабри Бухоро шаҳрида Имом Қозихон гузаридадир. Имом Қозихон гузари Чор Минорнинг жанубида жойлашган.

Ҳазрат Имом Қозихон қадамжолари Вобкент тумани, Имом Қозихон номли қишлоқда бор.

Айни шу кунларда Бухоро шаҳридаги Имом Қозихон мақбаралари обод зиёратгоҳдир.

НУРИДДИН МУҲАММАД ИБН АВФИЙ АЛ БУХОРИЙ (1172-1233)

Ҳазрат Муҳаммад ибн Авфий ал Бухорий тахминан 1172 йилда Бухорода туғилиб, 1233 йил Дехлида вафот қилганлар. Муҳаммад Авфий Бухородаги мадрасадарда таълим олганлар. Ул зоти шарифнинг устодлари Рукниддин Масъуд Имомзода Бухорий, Али Бурҳон, Қутбиддин Сарахсийлар эди. Муҳаммад Авфий фикҳ, ҳадис, тарих, адабиёт илмларини пухта ўзлаштирган. Муҳаммад Авфий 1204 йилда Хоразмга келиб буюк авлиё Ҳазрат Нажмиддин Кубро ва у кишининг шогирдлари билан ҳамсуҳбат бўлган. Ҳазрат Бағдод Нишопур, Марв, Ҳирот шаҳарларида бўлган. Адиб бир муддат она шаҳарлари Бухорога келиб, сўнг Ғазнага боради. Ўрта Осиёга мўғил босқини бошланганда Муҳаммад Авфий Ҳиндистонга борадидар. У зоти шариф Гужарот ўлкасида қози ҳам бўлган. Муҳаммад Авфийнинг “Лубобул албоб”, “Жавомиул ҳикоёт” китоблари машҳурдир.

Муҳаммад Авфий ижоди тадқиқотчилари Илёс Низомиддинов ва Турғун Файзиёвларнинг айтишича: “Муҳаммад Авфий “Лубобул албоб”дан кейин фаннинг турли соҳалари, чунончи, илми нужум, жуғрофия, ҳайвонот дунёси, табобат, фикҳ, тарих, фалсафа ва ахлоққа оид асарлар, саёхатномаларни атрофлича таҳлил қилиш, машҳур олим ва фузалоларда таҳсил кўриш ҳамда ўзи шохид бўлган воқеаларни тасниф этиш асосида илмий асари “Жавомиул ҳикоёт”ни яратди. Авфий у ёки бу ҳикояни ёзишда уни қайси асардан олганини айтиб ўтади. У тилга олган манбалар 93 та бўлиб, улардан 45 тасининг муаллифи ҳам кўрсатилган. Ҳинд олими Муҳаммад Низомиддиннинг аниқлашича, Авфий асарида айтиб ўтилган 93 асарнинг 35 таси бизгача етиб келган, 43 таси ҳақида айрим маълумотлар учрайди ва қолган 15 таси буткул йўқолиб кетган. Авфийнинг “Лубобул албоб” китоби қўлёзмаси Манчестер ва

Берлин кўлёмалар фондида сақланмоқда (Муҳаммад Авфий, “Нодир ҳикоялар”, Т., Ғ.Ғулом, 1977 йил, 4-саҳифа.)

Муҳаммад Авфийнинг қуйидаги ибратли ҳикоялари “Нодир ҳикоялар”

тўпламида киритилгандир: нақл қиладиларки, Чин мамлакатига савдогарлик учун бораётган кема бошлиғига басралик бир мўйсафид бир қоп келтириб беради ва дейди: “Эй, хожа! Сендан илтимосим шуки, ушбу қопдаги қалайини денгизнинг ўртасига етканигда сувга улоқтиргайсен, бу менинг садақамдир!”

Иттифоқо, кема денгизнинг ўртасига етганда қаттиқ шамол туриб, тўлқинлар кучайди ва кемачи ушбу хавфу хатар сабабидан қопни денгизга ташлашни унутди. Ниҳоят кема соғу саломағ Чин мамлакатига етди. Кемадаги барча моллар сотилди. Ногоҳ бир йигит келиб савдогарга деди: “Ўзрларингиз билан бирга қалайи олиб келмадингизларми? Менга бир қоп қалайи керакдур!” Савдогарнинг ёдига мўйсафид берган қоп тушди ва йигитга қалайини бериб, деди: “Басрада бир мўйсафид менга бир қоп қалайи бериб, уни денгизнинг қоқ ўртасида сувга ташлашни буюрган эди, лекин денгизда қўпган бўрон туфайли мен уни отишни унутдим. Яхшиси уни сотиб ол. Сен берган пулга яхши моллардан олиб бориб чолга берайин. Албатта у менинг ушбу ишимдан хурсанд бўлур!” Савдогар қалайини сотиб, пулига яхши моллардан олиб ва Басрага эсон-омон қайтди ва қалайи берган чолнинг уйини қидириб топди. Лекин бахтга қарши чол ўлган эди. Сўнг унинг меросхўрларини қидира бошлади. Қўшнилари айтишича, чолнинг яккаю ёлғиз бир жияни бор экан, лекин у жиянига кўп озор берар экан ва сен менинг ўлимимни кутаяпсан, сен молу давлагимга меросхўр бўлмоқчисан, дер эди. Шу боис жияни бошини олиб бошқа мамлакатга кетиб қолган эди. Савдогар ноилож мўйсафид учун олиб келган молларини сотди. У 700 динор бўлди. То мўйсафиднинг меросхўри топилгунча 700 динорни омонат сақламоқни ният қилди.

Бир неча муддат ўтганидан сўнг савдогар дўконида ўтирганида бир йигит келиб саломлашди ва деди: “Эй, хожа! Мени танидингизми?” Савдогар деди: “Йўқ!” Йигит: “Мен сиздан Чин мамлакатада қалайи сотиб олган кишиман! Мен қалайини уйга бориб синдириб кўрсам, барчасининг ичида олтин қуйилган экан. Мен ўзимча, олтин эмас, қалайи сотиб олган эдим. Бинобарин бу олтинлар менга ҳаром деб, сизнинг ортингиздан сўроқлаб келдим. Токи ушбу олтинларни сизга топширайин!”

Савдогар деди: “Эй, йигит! Бу қалайилар фалон гузардаги фалон мўйсафиднинг моли эди. У менга қалайини топшираётди, денгизнинг ўртасига борганда уни сувга ташлашни буюрганди. Лекин ногоҳ қўпган шамол бўрон сабабидан мен унинг топшириғини унутган эдим ва сенга қалайиларни сотган эдим. Лекин Басрага келсам мўйсафид марҳум бўлган экан!” Йигит бу гапларни эшитгандан сўнг таббасум қилди ва деди: “Эй, хожа! Билгинки, у мўйсафид амаким эди. Бу бойликни ғарқ қилишдан унинг мақсади мени бойликдан маҳрум қилиш эди. Лекин Аллоҳ таоло мазкур бойликни менга насиб қилган эди. Шу боис турли васила ва воситалар билан уни эсон-омон етказди.”

Йигит ўзини ким эканлигини исбот қилди. Савдогар ўз қўлидаги 700 динорни ҳам йигитга бериб, деди: “Аллоҳ таоло сенга бу бойликни омонатга хиёнат қилмаганинг туфайли насиб этди. Сен ҳаромдан парҳез қилдинг, Аллоҳ таоло сенга ҳалол бойликни насиб қилди!”

Нақл қилурларки бир куни амир Али олдига бир мўйсафид келди: “Ё амир, қариб қолдим, кун ўтказиш машаққатли бўлиб қолди. Тирикчиликдан ҳеч бир роҳат тополмаяпман, менга панду насихат қилсанг, шояд сенинг насихатинг туфайли Худойи таоло менинг ишларимни яхши йўлга бошласа”, деди. Амир Али мўйсафидга хитоб қилиб деди: “Эй, шайх агар эсда тутгучи бўлсанг икки нарсани эсдан чиқар: халқ учун қилган яхшилигингни, биров сенга қилган ёмонликни!”

“Мардлик ва одамийлик ҳақида бирор сўз айтгин”, - деди мўйсафид. “Одамийлик улдирки, миннат юкига бардош беролса, мардлик улдурки, қўлдан келадиган ишни ўзгандан дариг тутмаса!” - деди.

“Ё амир, - деди мўйсафид - ҳамма вақт мўмин ва мусулмон бўлмоқлик ҳақида бирор сўз десанг...

“Киши айбини қидирмаслик мусулмонликдур. Ёмон сўзларни гапирмаслик мўминликдур. Агар билсанг, барча яхши ахлоқни ушбу жумлаларда баён қилдим. Ушбу сўзларга амал этсанг, албатта яхши ахлоқ эгаси бўлурсан!” - деди амир.

Нақл қилурларки бир кишининг кўнглида ўғрилик хунарини ўрганиш ҳаваси пайдо бўлди. Ва у ўзига устод қидира бошлади.

Кунлардан бир кун одамлар унга, Нишопур шаҳрида ўз касбига ниҳоятда моҳир бир ўғри бордир, деб хабар бердилар.

У киши ўз шаҳрида чиқиб Нишопурга борди ва устодни топди. Устод ўғри унинг ниятидан воқиф бўлганидан сўнг, уни уйга олиб кирди ва кўп иззат-икром қилиб, дастурхон ёзди. У киши таомга қўл чўзиб емоқчи бўлганида, устод уни тўхтатиб деди: “Чап қўлинг билан таомни егин.” У киши чап қўли билан таом ея олмади. Ниҳоят яна ўнг қўлини узатди. Устод унга деди: “Ҳамонки, бу йўлга қадам қўйдингми, унинг шарт-шароитларига амал қилмоғинг лозим. Чунки, аввало ўнг қўлинг баҳридан ўтмоқ керак. Зеро, сени ўғриликда тутсалар, шариат ҳукмига мувофиқ ўнг қўлингни кесадилар. Ўнг қўлига ўрганган одамнинг аҳволи қийин бўлади. Агар сен ҳозирдан бошлаб, чап қўлда таом ейишга ўргансанг, кейинчалик ўнг қўлингни кесганларида ҳам ҳеч ранж ва машаққат кўрмайсан.”

Ўғрилик касбига ҳавасманд бўлган киши устодидан бу гапларни эшитгач, ҳушёр тортди ва ўзига-ўзи деди: “Агар зарни қўлга киритиш тамаъида, қўлни зарга алмаштириш қўлдан ажралмоқ биринчи шарт бўлса, ушбу хунардан воз кечмоқ менинг биринчи шартим бўлсин!” Ҳавасманд ўғри дарҳол ўғрилик касбидан воз кечиб, сидқидилдан тавба қилди.

ШАЙХ НАСИМИЙ

Ҳазрат Шайх Насимий зиёратгоҳи Ромитан туманидага Қоқиштувон қишлоғидадир. Шайх Насимий кўмилган мазорни Сазоқлибобо мазористони деб ҳам атайдилар (Тўра Ҳалим, Исмоил Қобилов, “Қадимий ва навқирон Ромитан”, Тошкент, “Ўзбекистон”- 1997 йил, 38-саҳифа).

ШАЙХ НУРИДДИН ХИЛВАТИЙ

Ҳазрат Нуриддин Хилватий кубравия тариқатининг пирларидан бўлиб, Ҳазрат Шайх Нажмиддин Кубронинг муридлари эдидар. Бу олим, ориф зотнинг

қабрлари “Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Бухоро шаҳридаги Оҳангарон дарвозаси ёнида бўлган. Бу Телпакфурушон Тоқининг қибла томонидадир.

МАВЛОНО НУРИДДИН СИРФИЙ (XIII аср)

Ҳазрат Мавлоно Нуриддин Сирфий Ҳазрат Шамсулаимма Кардарийнинг шогирдлари эдилар. Бу зоти шариф Масжиди Калоннинг имоми бўлганлар.

Бухоройи шарифдаги қадимий обидалардан бири Масжиди Калондир. Ушбу жомеъ масжид ислом оламидаги энг қадимий ва энг катта ибодатхоналардан бири ҳисобланади. Зеро бир вақтнинг ўзида масжид ичида ўн мингдан зиёд одам намоз ўқиши мумкин.

Ушбу ибодатхона тўрт бурчак шаклида қурилган. Унинг атрофи ғишт айвон билан ўраб олинган бўлиб, ўртаси очик, меҳроб устида улкан ва салобатли гумбаз бор. Нақшинкор гумбаз аср-асрлардан бери ўзининг баландлиги, мовий рангининг тиниқлиги ва ажиб безаклари билан Ғарбу Шарқдан келган сайёҳларни ҳайратлантириб келмоқда. Катта боболаримиз ёмғиру қор, қуёшу шамоллар зарбига дош берувчи рангларни ихтиро қила олганини ушбу гумбаз мисолида кўриш мумкин.

Бухоро нафақат ислом динининг қуввати, балки санъату маданият, маърифатнинг ҳам бешиги эканлигига қайтадан иймон келтирасан киши.

Масжид қурилишида пишиқ ғишт ва кошинкорлик санъатидан истифода қилинган. Масжид деворларида Аллоҳ номи, шунингдек, Қуръони Карим оятлари, ҳадиси шариф ҳикматлари нақш этилган. Бухородаги баланд иншоотлардан бири Масжиди Калон гумбази ҳисобланади. Археологлар гумбаз остини тадқиқ қилганда асос мустаҳкам ва устакорлик билан қурилганига гувоҳ бўладилар. Археологларнинг хулосасига қура, бу обида ўрнида XII асрда бино этилган қадимий масжид бор экан.

Дарвоқе, буюк тарихчи Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобларида ёзилишича, Қутайба ибн Муслим 713 йилда Бухоро ҳисори (Арки) ичида жомеъ масжиди қурган. Бухородаги қадимий бутхона бузилиб, унинг ўрнида масжид бино этилган экан. Маълумки, Бухоро аҳолиси бутпарастлик, оташпарастлик динида бўлган. Шу боис масжидга ибодат қилиш учун ҳамма ҳам келавермаган. Қутайба ибн Муслим жумъа иамозига келган ҳар бнр бухороликка икки дирҳам инъом қилар, ерли аҳоли намозга қироат қилиниши керак бўлган арабча сураларни ўз тилларида таржима қилиб ўқирди.

Аста-секинлик билан Бухорода ислом дини томир ота бошлади ва одамлар Қутайба ҳазратлари қурдирган масжидга сиғмади.

Ҳорун ар Рашид ҳукмронлиги даврида Фазл ибн Яҳё ибн Холид Бармакий Хуросон ҳокими бўлди ва Бухородаги ҳисор билан Шаҳристон орасида жомеъ масжид бино қилди. Бу хайрли тадбирда бутун Бухоро аҳолиси иштирок этган.

1220 йил Чингизхон галалари Бухоройи шарифни забт этди. Чингизхоннинг кўзи Масжиди Калонга тушди. У ўғли Тули билан биргаликда отдан тушмай Масжидга кирди. Минбар олдида тўхтади ва сўради: “Бу подшоҳнинг қасрими?” Унга дедилар: “Бу байтуллоҳ! Яъни Аллоҳнинг уйи - масжиддур!”

“Тухфат аз зоирин”да қуйидаги ибратли воқеа нақл этилган. Чингизхон Масжиди Калонга кирган вақтида Имом Нуриддин Сирфий ҳазратлари меҳроб ёнида ибодат билан машғул эдилар.

Ҳамма Чингизхонга эҳтиром билдириб, таъзим қилиб турган пайтда, Чингизхон ўзига эътибор бермаётган Мавлоно Нуриддинга қараб: “Бу одам нега менга эҳтиром билдирмаяпти. Унга айтинглар, менга қарасин!” дейди ғазаб билан. Ҳазрат Мавлоно Нуриддинга Чингизхон буйруғини етказдилар. Ҳазрат Нуриддин дейдилар: “Менинг кўзларим унинг номуборак юзига ҳаргиз тушмасин! Мен унга асло қарамасмен!” Ушбу жавобдан Чингизхоннинг ғазаби келиб, қиличини қинидан чиқаради ва Ҳазрат Нуриддин бўйинларини қилич билан ўзи томонига буради. Ҳазрат Нуриддин Чингизхоннинг номуборак юзига нафрат билан тупурадилар. Бу ҳолни кутмаган Чингизхон умрида илк бор титраб кўрқади ва дарҳол ўзини қўлга олиб Ҳазрат Нуриддиннинг бошларини танларидан жудо қилади. Бу воқеадан сўнг Масжиди Калон ичида яна қаттиқ жанг бошланган экан. Ўн минг киши Масжидда шаҳид этилган, деган ривоятлар бор.

Ҳазрат Мавлоно Нуриддиннинг муборак қабрлари Масжиди Калонга яқин бўлган Оҳангарон дарвозаси ёнида бўлган экан.

Чингизхон Масжиди Калонни ер билан яксон этади. Кулдан қайта тирилиб чиққан Самандар қуш янглиғ Масжиди Калон ҳам қайта-қайта бино этилган. 1514 йил шайбоний Убайдуллоҳон даврида Масжиди Калон яна янгидан қурилади. Масжиднинг ҳозирги шакли шайбонийлар давридан қолган ёдгорликдир.

Собиқ Иттифоқ даврида Масжиди Калон намозхонлар қўлидан тортиб олинди ва омборхонага айлантирилди. Масжиди Калон вайрона ҳолга келган эди. Унинг айрим дарвозаларини ўғирладилар, айримлари чириб нобуд бўлди. Обиданинг қарийб ўттиздан ортиқ гумбазлари ёрилиб, йиқилган эди.

Мустақиллик шарофатидан Масжиди Калон намозхонлар ихтиёрига берилди. 1996 йил Президентимиз Ислам Каримовнинг фармойишларига мувофиқ Масжиди Калонни асл ҳолига келтириш учун пул ажратилди. Натижада Масжиди Калон ўз асл қиёфасини олди.

Масжиди Калоннинг умумий ер майдони 127 х 78 метр бўлиб, бир гектар майдонни ишғол қилган. Масжиднинг 200 гумбази бўлиб, 288 устунда ўрнатилган. Масжиднинг қибла томонига яқин жойда кичик гумбазли иншоот бор.

Нақл этилишича, Масжиди Калонни Каъбатулло лойиҳасига ўхшатиб қурганлар. Маккаи Мукаррамадаги Каъба масжиди бир неча бор кенгайтирилгани сабаб, ўзининг аввалги қиёфасини йўқотган.

Масжиди Калоннинг еттита дарвозаси бўлиб, шарқ томондан кириладиган дарвозанинг устидаги пештоқда Қуръони Каримдаги “Жумъа” сурасидаги оят ёзилган. Унда илмига амал қилмаган киши устига китоб ортилган эшакка қиёс қилинган.

Масжиди Калонда жуда кўп авлиё, олим, обид, зоҳид, имомларнинг қадами теккан. Шу боис бу ер ҳам табаррук зиёратгоҳдир.

ХАЗРАТ АЛИ ИБН АТ ТОҲИР ИМОМИДДИН АЛ БУХОРИЙ

(ваф.1282)

Ҳазрат Али ибн ат-Тоҳир Имомиддин ал Бухорий олим, тарбиячи ва саховатли зот эдилар. Бу кишининг шарофатидан Пекиннинг Нью Жи (Нью Дзие) жомеъ масжиди қурилган. Ҳазрат Али ибн ат-Тоҳир Хитойда ислом динини ёйишда хизмат қилганлар.

Олима Суйима Ғаниева ёзадилар: “Биз Пекиндага Нью Жи масжидида бўлдик. Масжид ҳовлисида иккита қабр бўлиб, уларнинг биринчи қабртошида “Шайх Аҳмад ал Буртоний ал Қазвиний” (ваф.1280) деб, иккинчисига “Али ибн ат-Тоҳир Имомиддин ал Бухорий” (ваф. 1282) деб ёзилган. Мутахассисларнинг фикрича, бу икки шайх Нью Жи масжидида янги бинолар қуриб, уни кенгайтиришга ҳамда Пекинда ислом динини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган эканлар”⁸⁶.

Қабрлар тоши қора мраммардир. Қабр атрофида ранг-баранг гуллар экилган. Ушбу зиёратгоҳ ғоят обод.⁸⁷

МАВЛОНО ШАМСИДДИН АЛ МАҲБУБИЙ АЛ БУХОРИЙ

(ваф. 1240)

Мавлоно Шамсиддин ал Маҳбубий ал Бухорий улкан фақиҳ, валиюллоҳ, тарбиячи, саркарда, ватанпарвар зот бўлганлар.

Мавлоно Бухоро шаҳрининг Самарқанд дарвозаси ташқарисидаги Нов қишлоғида туғилганлар. Абулхай Лакнавийнинг ёзишича, Мавлоно Шамсиддин илмни оталари Мавлоно Жалолиддин Убайдуллоҳдан ўрганган ва ўз даврининг улуғ алломаси даражасига етган. Мавлоно Шамсиддин усул илмининг билимдони эдилар. Мавлоно Шамсиддин қаламларига мансуб бўлган “Таҳқикул фуруқ” китоби машҳурдир.

Мавлоно Шамсиддиннинг оталари Мавлоно Убайдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Аҳмад Жалолиддин Маҳбубий 1146 йилда туғилганлар. Бу зоти шариф пайғамбаримиз с.а.в.нинг саҳобалари Убода бин Сомит р.а. авлодлари ҳисобланади. “Жомеъус сағир”, “Китобул фуруқ” каби асарларни бу зоти шариф ёзган экан (Самъоний, “Ал Ансоб”, “Бухоро” -1999 й.)

“Тарихи Муллозода” китобида келтирилишича, Мавлоно Шамсиддин ал Маҳбубийнинг боболари улуғ Садр Бурҳон ал миллат вад дин Абдалазиз бин Умар ал Мозий эди.

Маълумки, Чингизхон 1220 йилда катта қўшин билан келиб Бухорони босиб олди. Юзминглаб бухороликлар ўлдирилди, обидалар вайрон этилди. Чингизийлар зулмига қарши 1238 йилда Бухорода Маҳмуд Торобий раҳбарлигида исён кўтарилди. Ушбу жангда Мавлоно Шамсиддин ал Маҳбубий ҳам иштирок қилдилар. Ҳазрат Маҳбубийнинг эл орасида обрўлари ғояг баланд эди. Шу боис Маҳмуд Торобий Маҳбубий ҳазратларини ўзига пир билиб шу кишининг кўмакларига бутун аҳолини мўғил-татар ғалаларига қарши қузғатди.

⁸⁶ Каунбаев М.Т. Хитойда Марказий Осиёликлар барпо этган масжидлар.”Шарк машхали” журнали.. 2004 йил.1/10 сон.

⁸⁷ С.Ғаниева. “Бежин-Пекинда ўн кун”. “Имом ал Бухорий сабоклари журнали. 3-сон 2004-йил

Тарихий манбаларда ёзилишича, Махмуд Торобий атрофида йиғилганлар Бухоро шаҳрини мўғил-татар босқинчиларидан тозаладилар. Муғуллар ушбу жангда енгилиб, Карманага қараб қочади. Жумъа намозида хутбада Махмуд Торобий номи зикр этилади ва Шамсиддин ал Маҳбубий Садр аш Шариа, деб аталади. Қоидага кўра жумъа кунидаги хутбада султон номи тилга олинади. Демак, эл Бухоро ҳукмдори деб Махмуд Торобийни, дину диёнат бўйича ўзини раҳбари деб Маҳбубийни расман тан олган.

Лекин Хўжанддан Махмуд Ялавоч катта қўшин билан келади ва ўртада қаттиқ жанг бошланади, ушбу жангда Махмуд Торобий ҳам, Мавлоно Шамсиддин Маҳбубий ҳам шаҳид бўладилар. Бу воқеа 1240 йилда содир бўлган.

Мавлоно Шамсиддиннинг жасадлари Чашмаи Аюб ёнидаги Шаръобод мазорида, яъни ўз ота-боболари қабри биқинида дафн қилинади.

Н.Йўлдошев, П.Ражабовларнинг “Мавлоно Шамсиддин ал Маҳбубий ал Бухорий” номли рисоалари “Бухоро” нашриётида 2001 йил чоп этилди. Бухоро шаҳридаги Янги Ер кўчасида Ҳазрат Шамсиддин Маҳбубий номларида масжид бино этилди.

МАВЛОНО МАҲМУД ИБН ШАМСИДДИН АЛ МАҲБУБИЙ

Мавлоно Махмуд Ҳазрат Шамсиддин ал Маҳбубий ўғиллари бўлиб, ўз замонасининг алломаси эдилар. Қабрлари Шаръобод мазоридадир.

МАВЛОНО АҲМАД ИБН ШАМСИДДИН АЛ МАҲБУБИЙ

Мавлоно Аҳмад ҳам Шамсиддин ал Маҳбубийнинг ўғиллари эди, Бу зоти шариф олим, обид бўлган. Қабрлари оталари мазори ёнида.

МАВЛОНО УБАЙДУЛЛОҲ САДР АШ ШАРИА

(ваф. 1348)

Мавлоно Убайдуллоҳ Садр аш Шариа ал Асғар ибн Масъуд ибн Тожуш шариа ал Маҳбубий ҳазратлари Ҳазрат Шамсиддин ал Маҳбубийнинг неваралари ҳисобланадилар. Бу киши “Шарҳул виқоя”, “Мухтасар ул виқоя”, “Танқиҳ тавриҳ” китобларини ёзган. Бу зоти шарифнинг асарлари ҳозирги кунда ҳам мадрасаларда, ислом олийгоҳларида дарслик ҳисобланади. Мавлоно Убайдуллоҳ 1348 йил марҳум бўлган. Қабрлари Шаръободдадир. Маҳбубийлар ҳақида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган.

Собиқ Иттифоқ замонида Шаръобод мазори йўқотилган.

ҲАЗРАТ ШАЙХУЛ ОЛАМ

(1190-1261)

Шайх Сайфиддин Бохарзий улуғ авлиё, буюк тарбиячи, ўз даврининг етук устоди, воиз, кубравия тариқати ривожига муҳим ҳисса қўшган зот, шоир, аллома эдилар. Сайфиддин Бохарзийнинг унвонлари Шайхул Олам, яъни оламнинг шайхидир. Бу зоти шариф Эроннинг Бохарз шаҳрида 1190 йил туғилиб, 1261 йил Бухорода вафот қилганлар. Қабрлари Бухоронинг Фатҳобод мавзеидадир.

Шайхул Олам ҳақларида Жомийнинг “Нафоҳатул унс”, Навоийнинг “Насоимул муҳаббат”, Яхъё ибн Аҳмад Бохарзийнинг “Аврод ал аҳбоб ва фусус

ал адаб”, Ҳамидулла Қазвинийнинг “Нусхатал кулуб”, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин” ва бошқа манбаларда маълумотлар берилган.

“Тухфат аз зоирин”да: “Ҳазрат Шайхул Олам олими боамал, муҳаддис Шайх Сайф ҳақ вад дин Абу ал Маоний Саъид бин ал Мутаҳар бин Саъид бин ал Бохарзий” деб ёзилган.

Манбаларда таъкидланишича, Ҳазрат Шайх Сайфиддиннинг насаблари Ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади: Ҳазрат Шайх Сайфиддин Бохарзий ибн Муҳаммадхожа ибн Шариф Атохожа ибн Муҳйиддинхожа ибн Муваффақхожа ибн Аҳмадхожа ибн Саъидхожа ибн Муҳаммадхожа ибн Исҳоқхожа ибн Абдулисломхожа ибн Муслимхожа ибн Нофеъхожа ибн Саъдхожа ибн Тафил (Туфайл)хожа ибн Утбахожа ибн Талҳахожа ибн Қосимхожа ибн Муҳаммадхожа ибн Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ разияллоҳу анху.

“Насоимул муҳаббат”да таъкидланишича, Шайх Сайфиддин Бохарзий Шайх Нажмиддин Кубронинг хулафосидиндур (яъни шогирдларидир). Зоҳирий улум таҳсили ва такмилидин сўнгра Ҳазрати Шайх мулозаматига мушарраф бўлди ва тарбият топди.⁸⁸

Кўриниб турибтики, Шайх Сайфиддин зоҳирий илмларни (яъни фикҳ, ҳадис, тафсир ва бошқа илмлар) ўрганганданг сўнг Шайх Нажмиддин Кубро ҳузурларига келиб, мурид бўлган.

Сайфиддин Бохарзий зоҳирий илмларни Ҳирот ва Нишопурда олганликлари манбаларда ёзилгандир. Демак, Шайх Сайфиддин ботиний илмни Ҳазрат Нажмиддин Кубродан ўргандилар.

Маълумки, 1995 йил ҳукуматимиз Фармони билан Шайх Нажмиддин Кубронинг 850 йиллик юбилейлари мустақил Республикамизда нишонланди. Ҳазратнинг рубоийлари Матназар Абдулҳаким таржимасида нашр этилди.⁸⁹ Нажмиддин Комиловнинг “Нажмиддин Кубро” рисоалари 1999 йил Тошкентда нашр қилингани ҳам диққатга сазовордир.

Шайх Нажмиддин буюк авлиё, ориф, шоир, улуғ аллома, буюк тарбиячи эдилар. Бу зоти шариф “Рисолатул фис сулук”, “Рисолатут туруқ”, “Таволит таънис”, “Фавотихул жамол”, “Ҳидоятул толибин”, “Айнул ҳаёт”, “Рисолаи Нажмиддин”, “Ал усул ал ашара” каби асарларнинг муаллифи ҳисобланадилар. Шайх Нажмиддин Ҳазратлари 1145 йилда туғилиб, 1221 йил шаҳид бўлганлар. Бул зот бир назари билан итга валоят даражасини бағишлаган. Нақл қилурларки, бир савдогар сайр этиб юрарди, шунчаки, қизиқувчанлик юзасидан Ҳазрат Нажмиддин Кубро хонақосига кирди. Ҳазрат илҳом ҳолатида эдилар, ул савдогарга назар ташладилар. Назарлари тушган он савдогар авлиёлик даражасига етди. Ҳазрат унга иршод (ижозат) хати бериб, ўз юртинга бориб, элни Тангри таоло йўлига бошлагайсен, дедилар.⁹⁰ Шайх Кубронинг исмлари Аҳмад ибн Умар Хевақий ал Хоразмийдир. “Нажмиддин” - диннинг юлдузи, “Кубро” - буюк деган маъноларни англатиб, ҳазратга берилган унвонлардир.

Шайх Нажмиддин Кубро Кубравия тариқати асосчиси ҳисобланадилар.

⁸⁸ А.Навойи. Мукамал асарлар тўплами, 17-том. Т. “Фан”-2001 йил. 295-саҳифа

⁸⁹ “Шайх Нажмиддин Кубро, “Жамолинг менга бас”. Т. Ғ.Фулом нашриёти. 1994 й.

⁹⁰ А.Навойи. “Насоимул муҳаббат”, 287-саҳифа.

Шайх Нажмиддиннинг мурид-шогирдлари кўп бўлган, лекин, энг буюклари куйидагилардир: Шайх Мажидиддин Багдодий, Шайх Саъдиддин Ҳамавий, Бобо Калон Жандий, Шайх Разидиддин Лоло, Шайх Сайфиддин Бохарзий, Шайх Нажмиддин Розий, Шайх Жамолиддин Гелий, Мавлоно Валад.

Устоз Нажмиддин Комилов “Нажмиддин Кубро” рисоаларида ёзганларки, Шайх Нажмиддин Кубронинг учта устози, яъни Шайх Исмоил Қасрий, Шайх Рўзбехон Мисрий ва Шайх Аммор Ёсирлар тариқатида умумийлик бор. Уларнинг уччаласи ҳам Шайх Абдулнажиб Сухравардийнинг муридларидир. Шайх Зиёиддин Абдулнажиб Абдулкаҳҳор ас Сухравардийнинг сўфийлик нисбати Шайх Ғаззолийга бориб тақалади. Сухравардий фақирлик билан футувватни (яъни жавонмардликни) бирга олиб тушунтирган. Фақирлик унинг талқинида фақат кашшоқлик, бечоралик эмас, “Фақирлик - Худо олдида талабгорлик, ожизлик, аммо, бандалар олдида адолат ва саховат посбони бўлиш, ҳаммага ҳар ерда ёрдам кўрсатишдир”. Пайғамбаримиз Муҳаммад салаллоҳу алайҳи васалламнинг: “Бергувчи қўл олгувчи қўлдан афзалдир”, деган муборақ ҳадиси шарифларига мувофиқ, “Бағишловчи қўл - фақр эшигини очувчидир”, деган фикрларни баён этган. Сухравардий бойликни қораламайди, балки зулму ситамни ва талончиликни, ҳаромхўрликни ва хасисликни мазаммат этади⁹¹. Шайх Нажмиддин хирқани Шайх Исмоилдан кийганлар, Исмоил ҳазратлари эса Муҳаммад Моликулий (Холикулий)дан, бу зот Довуд Ходимул Фуқародан, ул киши Абулаббос Идрисдан, ул киши Абулқосим бин Рамазондан, у киши Абуяъқуб Табарийдан, бул зот Абу Абдуллоҳ бин Усмондан, бу киши Абуяъқуб Наҳржурийдан, у киши Абуяъқуб Сусийдан, у киши Абдулвоҳид бин Зоҳиддан, у киши Комил бин Зиёддан, бул зот Али бин Абу Толибдан, бул зот Ҳазрат Муҳаммад Мустафо салаллоҳу алайҳи васалламдан хирқани кийган ҳисобланадилар.⁹²

Демак, Шайх Сайфиддин Бохарзий хирқани Шайх Нажмиддин Кубродан кийганлар.

Шайх Нажмиддиннинг ҳар бир қўйган қадами, ҳар бир айтган гапи, ҳар этган ишлари шогирдларга намуна бўлган. Шундай нақл қиладиларки, мўғил босқинчилари Хоразмга киришларидан олдин, Шайх Нажмиддин ўзларининг олтмишдан ортиқ муридларини йиғиб: “Сизлар Хоразмни тарк айланг. Машрикдан оташ келмоқда, Мағриб куйиши муқаррар. Бу азим фитнадурким, бунга ўхшаши ҳали бўлмаган!”-дедилар. Асҳобларидан баъзилари дедиларки:

“Не бўлгайки, Шайх дуо қилсалар, зора бу бало-ю офат бошимиздан даф бўлса”. Шайх дедилар: “Бу ғазо-ю қадардир, анинг дафи дуо бирлан бўлмас!” Асҳоб дедилар: “Не бўлгайки, шайх бизга ҳамроҳлик қилиб, Хуросон сари борсалар, токи биз мулозаматда давом этсак!” Шайх дедилар: “Менга рухсат йўқ. Мен жангда шаҳид бўлурмен.” Шунданг сўнг асҳоблар Хоразимни тарк этди. Шайх Сайфиддин Бохарзий Бухорога пирнинг ишоратлари ила йўл олдилар. Хоразмшоҳ босқинчилардан кўрқиб шаҳарни ташлаб қочди. Шайх Нажмиддин хоразимликларни душманга қарши жангга бошладилар. Шайх шаҳид бўлаётган пайтда душманнинг қўлидан байроғини тортиб олдилар ва шу

⁹¹ Н.Комилов. “Нажмиддин Кубро”. 11-саҳифа.

⁹² Шу китоб 12-саҳифа

даражада маҳкам ушладиларки, ҳатто ўн киши зўр уриб Шайх қўлларидан уни ола билмагач, ахири қўлларини кесиб олдилар.

Шайх Нажмиддан Кубронинг қуйидаги хикматлари ҳам бизга сабоқдир: “Нафс ва гуноҳ ботқоғига ботганларни, исрофгарларни кўрдим, лекин ўзимдан кўра очкўзроқ, гуноҳкорроқ, исрофгарроқни учратмадим. Билдимки, умр ва дунёдан кўра тезлик ила кетадиганроқ, ўлим ва охиратдан кўра яқинроқ, орзу ва хаёлдан кўра йироқроқ, хотиржамликдан кўра гўзалроқ нарса йўқдир... Аллоҳ қай кимсани дунё қуллигидан озод этган бўлса, ўша ҳақиқий хур, эркин инсондир. Ким маҳлуқ хизматида бўлса, ул хору зор, ким Холиқ хизматида бўлса ул азизу муқаррам бўлғай”.

Шайх Нажмиддиндан сўфиёна рубоийлар ҳам қолган. Қуйидаги рубоий хайратангиздир:

**Гар тоати худ нақш кунам бар ноне,
В-он нон ниҳам пеши саге бар хоне,
В-он саг соле гурусна бар зиндоне
Аз нанг бар он нон назанад дандоне.**

Таржимаси:

**Тоатим нақш этиб нонга муқаррар
Қўйсам ит олдиға ул нонни агар,
Ит бир йил зиндонбанд, оч бўлса ҳам, ох!
Ор этиб ул нонга ташламас назар.**

“Насоимул муҳаббат”да таъкидланишича, Шайх Сайфиддин чилла ўтирганда Шайх Нажмиддин келадилар ва дейдилар:

**Манам ошиқ, маро ғам сазовор аст,
Ту маъшуқи, туро бо ғам ни кор аст?**

Таржимаси:

**Манам ошиқ, мангадур ғам сазовор,
Сан маъшуқа, санга ғам емоқ бекор.**

Мазкур байтларни айтиб, Ҳазрат Сайфиддинни чиллаҳона, яъни хонақоҳдан ташқарига чиқарадилар.

Ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг “Нафоҳатул унс” китобларида бир ибратли воқеа баён қилинган. Бу воқеани Навоий ҳам кейин “Насоимул муҳаббат”га киритганлар: нақл этилишича, бир кун Хитойдан Ҳазрат Нажмиддинга бир канизак келтирадилар. Ул зот канизакни никоҳларига олиб, буюрадиларки, барча муридлар бу кеча риёзат-меҳнатни тарк қилиб, фароғатда бўлсинлар.

Бул фармондан сўнг ҳамма муридлар фароғат билан машгул бўлди. Сайфиддин Бохарзий эса офтобага сув олиб, бағирларига босиб, юрак тафти билан уни иситиб кечаси билан Шайхнинг хужралари остонасида турдилар. Токи Шайх эрталабки таҳоратда азият чекмасинлар. Саҳар Шайх бу ҳолни

кўриб: “Нега фармонимни бажармадинг? Биз буюрувдикки, ҳамма фароғат ила банд бўлсин. Сен яна риёзат ила машгул бўлибсен?!” дедилар.

Шайх Сайфиддин: “Мен учун Ҳазрат Шайх остоналарида бўлмоқдан ортик фароғат, лаззат йўқ” — дедилар. Бу жавобни эшитиб Ҳазрат Нажмиддин Кубро: “Башорат бўлсин сенгаки, подшоҳлар сенинг отинг рикобида бўлмай!”-деб башорат бердилар.

Дарҳақиқат, кунлардан бир кун Бухоро амири Ҳазрат Сайфиддин Бохарзийга бир от инъом қила туриб дейдики: “Ҳазрат отга минсалар, мен жиловдор бўлсам!” Шайхул Олам отга минган захот ювош от хуркиб югуради. Подшоҳ ҳам жиловни қўйиб юбормай от билан бирга югуради. От ўн-ўн беш қадамдан сўнг яна ювош тортиб тўхтади. Бу ҳолдан амир хижолат чекади. Шайх: “Бу отнинг югурганида ҳикмат шу эрдикки, шайх Нажмиддиннинг дуолари ижобат бўлди”-деб воқеани айтиб бердилар.

Эрон тадқиқотчиси Насруллоҳ Пуржаводий (туғ. 1942 й.) ёзганки, Абдулмажид Табризийнинг “Мунозарат ас сам вал басар” китобида қуйидаги воқеа баён қилинган: Ҳазрат Шайхуш шуоҳ, кутбул ақтоб Сайф ал миллат ваддин Бохарзий ишқи илоҳийдан масту мустағрак, бўлиб, илоҳий ишқ тўғрисида суҳбат этаётганларида, ногоҳ бир кимса ўрнидан туриб, Ҳазратга қараб дейди: “Эй, тариқат пири муршиди, жинлар ва инсонларнинг йўлбошловчиси! Сизга арзим бор! Менинг чакмоқдай учқур, ариқдаги сувдай жўшқин, тоғ насими каби равон, олов янглиғ шиддатли бир эшагим бор эди, уни ўғирлаб, мени хароб қилдилар!” Бутун бир катта хонақоҳдагилар унинг ушбу гапларини эшитиб ҳайратдан қотиб қолади. Шайх дейдилар: “Сен андак сабр қил, мен шу ердан эшагингни топиб бераман!”

Шу гапларни айтиб, Ҳазрат Сайфиддин Бохарзий яна ишқу муҳаббат мавзуида суҳбатни давом эттирдилар вэ дедилар: “Давраимизда ишқ шаробини ҳали татиб кўрмаган, қалбини ишқ оташи ҳали куйдирмаган, ишқ китобини ҳали ўқимаган киши борми?”

Бўлса, ўрнидан турсин!” Шунда бир киши ўрнидан туриб деди:

“Эй, Ҳазрат, мен умрим бино бўлиб ҳали ишқу муҳаббат кўчасидан утганим йўқ!”

Ҳазрат Бохарзий дедилар: “Эй, эшагини йўқотган зот, айил ва тўқимни келтир. Маиа мен эшагингни топиб бердим!” (“Суфизм в центральной Азии”, Санкт-Петербург-2004 г., 89 стр).

Тарихий манбаларда ёзилишича, Ҳазрат Шайхул Олам хонақоҳларида зикр мажлиси ёхуд суҳбат бошладан олдин Қуръон тиловат эттирдилар. Тиловатдан сўнг ўқилган оятларга мувофиқ бадеҳатан рубоий ё битта қитъа форс-тожик тилида ўқирдилар. Бу рубоийларнинг аксарияти Бохарзий ижодлари бўлган. Мажлис аҳли бундан вэжд, завқ ҳолига кирарди. Бутун кеча давомида суҳбат ўқилган оят маънолари ҳақида бўларди. Ҳазратнинг рубоий, қитъа, фардлари ояту ҳадис таъсирида бадеҳатан ижод қилинган асарлардир. Бу асарларнинг бадиий қиммати ғоят баланд. Албатта бу ҳол Ҳазрат Шайхул Оламнинг улкан иқтидор эгаси эканликларига далил. Ҳазрат ширинтакаллум воиз ҳам эдилар.

“Нафоҳатул унс”да Ҳазрат Сайфиддин Бохарзийнинг қуйидаги рубоийлари келтирилган:

**Ҳар шаб ба мисли посбони кўят,
Мегардаму гирди остони кўят.
Бошад, ки барояд, эй, санам, рўзи ҳисоб,
Номам зи жаридани сағони кўят.**

Таржимаси:

**Ҳар кеча куйингда йўқдир оромим
Остонанг қўриқлаб чиқаман, жоним.
Мақсадим, қиёмат куни чиқсайди
Итларинг қатори шоядки номим.**

**Ҳар чанд гаҳе зи ишқ бегона шавам,
Бо офият ошнову ҳамхона шавам.
Ногоҳ парирухе ба ман баргузарад
Баргардам аз он ҳадису девона шавам.**

Таржимаси:

**Гарчи гоҳ ишқдин бегона бўлгаймен,
Офият ила ошнову ҳамхона бўлгаймен,
Ногоҳ парирухе кўринса, войким,
Яна ошиқи девона бўлгаймен.**

Нақл қалинишича, Шайх Сайфиддин бир кун бир дарвешнинг жанозасига ҳозир бўлдилар. Йиғилганлар: “Шайхо, талқин айланг!”- дедилар. Шайх майит ёнига келиб, куйидаги рубоийни ўқидилар:

**Гар ман гунаҳи жумла жаҳон кардастам,
Лутфи ту умид аст, ки гирад дастам.
Гуфтий: ки ба вақти ажз дастат гирам,
Ожизтар аз ин маҳоҳ, к-акнун ҳастам.**

Таржимаса:

**Барча гуноҳларни қилиб рўзу шаб
Лутфингдан умидвор бўлсам, не ажаб!
Ожизлик пайтида қўллайман дединг
Энг ожиз ҳолдаман, қўллагин, ё Раб!**

Шайхул Олам подшоҳларга тик қараб ҳақиқатни айтганлар. Золимларга танбеҳ берган, доим оддий халқни ҳимоя қилган.

Нақл этилишича, Бухоро хони Маликшоҳнинг раъиятга жабру зулми ҳаддан ошиб кетади. Шунда Шайх Сайфиддин Бохарзий унинг ҳузурига бориб, зулмингни тўхтат, бўлмаса, ўзинг ҳам халок бўласан, деб, куйидаги рубоийни ўқидилар:

**То чанд бувад зулму жафо кардани ту,
Пайваста дили халойиқ озурдани ту.**

**Гар ту накуни тарки жафо, Эй, золим,
Гуфтам туро: хуни ту дар гардани ту!**

Таржимаси:

**Қачонгача зулму жафо этгайсан,
Озор бериб дилни яро этгайсан?
Энди жафо айлашни бас эт, золим!
Йўкса бўйнингда қон, ох, этгайсан!**

Сайфиддин Бохарзийнинг бу сўзлари башорат бўлиб чиқиб. Маликшоҳ ўз одамлари томонидан ўлдирилди⁹³. Шайх Сайфиддинга “Шайхул Олам” унвони нега берилганди? Тарихий манбаларда такидланишича, Шайх Сайфиддин ҳазратларининг бир мактублари шарофотидан Чингизхон авлодидан бўлган подшоҳ Беркехон ислом динини қабул қилган. Буни кўриб барча раъияти, аркони давлати ҳам мусулмон бўлганлар. Шу боис халифа Ҳазрат Сайфиддин Бохарзийга “Шайхул Олам” унвонини берган.

Маълумки, Беркехон Ботухоннинг акаси эди. У Ҳазрат Шайхул Оламни кўриб, дуоларини олмоқ мақсадида Бухорога келган. Ҳалоқунинг онаси улуғ малика Сюркуктени бека Бухорода Шайх Сайфиддин амрлари билан мадраса қурдирган ва анча ерни вақф қилдирган экан.

Қурони Каримда Аллоҳ таоло дейди: “Ҳақиқат (ислом) келди ва ботил (куфр) ўчиб-йўқолди. Чунки ботил йўқолгувчи нарсадир” (Ал Исро, 81-оят). Дарҳақиқат, тўғри! Тарихда доимо ғолиб тараф мағлубларга ўз дини, ўз урф-одати, тилини қабул эттиришга мажбур қилган. Лекин ислом динининг улуғлигини кўрингки, ғолиб (Беркихон ва бошқа чингизий подшоҳлар) мағлублар динини қабул этган.

Шайх Сайфиддин хулқу одобда, илму донишда намуна бўлганлар. Ул зотнинг беҳисоб кўп вақф ерлари бўлган. Бечора, етим, мусофирларга бепул озиқ-овқат, кийим-бош доимий равишда бериб турганлар.

Ҳазрат Шайхул Олам “Шарҳал асма ал ҳусна”, “Рисолаи ишқ”, “Воқеаи хилват”, “Рубоиёт”, “Васиятнома”, “Рўзнома” каби китобларнинг муаллифи ҳисобланадилар.

Собик Иттифок даврида Шайхул Олам хонақоларининг гумбази қулаган, атрофи қаровсиз, ахлатхонага айлантирилган эди. 1989 йил “Санъат” журналининг 12-сонида чоп этилган “Ранглар фарёд этганда” мақоласида, жумладан, шундай ёзилган эди: “Шайхул Олам, яъни Сайфиддин Бохарзий мақбарасининг донғи бутун оламга ёйилган. Шайх қабрининг усти ёғоч билан ёпилган бўлиб, ўймакор усталарнинг нодир санъати унда ўз тажассумини топган эди. Бугунги кунга келиб мақбара вайрон қилинди, қабр устидаги ёғочлар йўқолди. Ёдгорлик ёнидан темир йўл ўтказилди.

Ўн саккиз йил аввал Ўзбекистон Министрлар Советининг қарорига мувофиқ темир йўлни мақбара ёнидан олиб ташлаш лозим эди. Бироқ бу қарорни бажарувчи бирор мард топилмади⁹⁴. Энг даҳшати, Ҳазрат Сайфиддин

⁹³ Н.Комилов. «Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи». Т., “Ёзувчи” – 1996 йил.

⁹⁴ С.Салимов. «Ранглар фарёд этганда». “Санъат”. 1989 йил. 12-сон. 17-саҳифа.

Бохарзийнинг қабрларини тадқиқ қиламиз деб, қазиб, Ҳазратнинг бош чанокларини олиб кетган эдилар. Алҳамдулиллаҳ, Истиклол шарофатидан Ҳазрат Шайхул Олам мажмуалари ҳашар йўли билан асл ҳолатига келтирилди. Мақбара ёнидан ўтказилган темир йўл олиб ташланди. Хонақоҳ атрофнда улкан боғ барпо қилинди, бу боғ “Фатҳобод” боғи деб аталади. Энг муҳими, Ҳазратнинг бош чаноклари келтирилиб, қабрга қўйилди. Айни шу кунларда Ҳазрат Шайхул Олам хонақоҳлари намозхонлар ихтиёрига берилгандир.

Сайфиддин Бохарзий мақбараларидаги қабрлар устида мрамор тошлар ўрнатилиб, қадимий шукуҳ тикданди.

ШАЙХ ХОВАНД ЖАЛОЛИДДИН ШАҲИД БОХАРЗИЙ

Шайх Сайфиддин Бохарзийнинг ўғиллари Шайх Хованд Жалолиддин Шаҳид ҳисобланадилар. Бу зоти шариф ҳам ўз замонасини улуғ олими бўлганлар. Оталари марҳум бўлгандан сўнг инсонларни тўғри йўлга даъват этиш билан машғул бўлган. Шайх Хованд ҳақларида “Тухфат аз зоирин” китобида маълумот берилган. Бу зоти шарифнинг қабрлари оталари Шайхул Оламнинг қабрларининг қибла томонидадир.

ҲАЗРАТ ШАЙХ ГУЛРЕЗ

Ҳазрат Шайх Гулрез шариат ва тариқат сабоғини Ҳазрат Шайхул Оламдан ўрганган. Кубравия тариқати ривожига хизмат қилган.

Соҳибкаромат авлиё Шайх Гулрез кунлардан бир кун учта рангсиз ок калавани оқар сувга ботириб, уч хил рангдаги ипга айлантирган. Бу кароматларини кўриб пирлари Шайхул Олам бу зотга Шайх Рангрез, Шайх Гулрез номларини берган.

Бухоро шаҳридаги Қавола дарвозаси шимолида Шайх Рангрез. номли хонақоҳ, мақбара, мазористон бўлган. Лекин Шўролар замонасида хонақоҳ ҳам, мақбара, мазористон йўқотилди.

ҲАЗРАТ МУҲАММАД ИБН АБУ БАКР

Ҳазрат Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорий - олим, тақводор зот, муфтий, ўз даврининг шайхул исломи эдилар. Имомзода унвони билан машҳур бўлган Ҳазрат Муҳаммад ибн Абу Бакр “Ширъазул ислом” китобининг муаллифи ҳисобланадилар.

Ҳазрат Муҳаммад ибн Абу Бакрнинг қабрлари Ҳазрат Хожа Ҳасан Андоқий қабрлари ёнида эди. Ҳазрат Муҳаммад ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилгандир.

ҲАЗРАТ ИМОМ САЪДИДДИН

Ҳазрат Имом Саъиддин илмни ўз оталари Имомзода Ҳазрат Муҳаммад ибн Абу Бакр Бухорийдан ўрганган. Имом Саъиддин “Уқудул ақоид фи илмил калом” номли китобнинг муаллифи ҳисобланадилар. “Тухфат аз зоирин” китобида ёзилишича, Ҳазрат Имом Саъиддиннинг жасадлари ўз оталари қабри ёнига қўмилган.

ҲАЗРАТ ИМОМ РУКНИДДИН ШАҲИД

(XIII аср)

Ҳазрат Имом Рукниддин илмни ўз оталари Ҳазрат Имом Саъиддиндан ўрганган. Имом Рукниддин Ҳазрат Шайхул Оламнинг ўғиллари Шайх Хованд Мутаҳариддин Бохарзийнинг устодлари ҳисобланадилар.

“Тухфат аз зоирин”да бу зоти шариф ҳақида маълумот бор.

ҲАЗРАТ МАВЛОНО НОСИРИДДИН

Ҳазрат Мавлоно Носириддин Ҳазрат Имом Рукниддиннинг ўғиллари бўлиб, ўз замонасининг олими, алломаси эдилар. Бу киши ва уларнинг авлодлари Пуштаи Беҳиштиёнда кўмилгандир.

ШАЙХ ХОВАНД МУТАҲАРИДДИН БОХАРЗИЙ

Шайх Сайфиддин Бохарзийнинг иккинчи ўғиллари Шайх Хованд Мутаҳариддиндурлар. Бул аллома ҳам оталари қабрларининг қибла томонида дафн қилинганлар.

ШАЙХ ЯҲЪЁ ИБН АҲМАД БОХАРЗИЙ .

(ваф. 1336)

Шайх Яҳъё ибн Аҳмад ҳазратлари Ҳазрат Сайфиддин Бохарзийнинг неваралари бўлиб, “Аврод ал аҳбоб ва фусус ал адаб” номли китобнинг муаллифи ҳисобланади. Ушбу асар Ҳазрат Сайфиддин Бохарзийга бағишлаб ёзилгандир. Унда Сайфиддин Бохарзийнинг ҳикматли гаплари, суҳбатлари, кароматлари, рубоийлари келтирилган.

Араб сайёҳи Ибн Баттута Шайх Яҳъёни кўрган. Шайхул Олам номли хонақоҳда меҳмон бўлган. “Хушхон қорилар тиловат қилди. Ҳофизлар туркий ва фарс-тожик тилида кўшиқлар куйлади. Мен Садр аш Шариа билан танишдим. Ул зот фақиҳ эди. Менинг ҳаётимда бу кеча унитилмас бўлди.”— деб ёзади Ибн Баттута.

Шайх Яҳъё 1336 йил вафот қиладилар. Шайхул Олам қабрларининг шарқида Шайх Яҳъёни дафн қиладилар.

Шайх Яҳъё ибн Аҳмад ҳам олим, ҳам ориф, ҳам муҳаддис, ҳам воиз эдилар.

ШАЙХ ХОВАНД БУРҲОНИДДИН

Шайх Хованд Бурҳониддин ҳазратлари Ҳазрат Шайхул Оламнинг чеваралари бўлиб, ўз даврининг алломаси эдилар. Бу зоти шариф ҳам Шайхул Олам мақбарасида дафн қилинган.

ШАЙХ РУКНИДДИН ДОВУД

Шайх Рукниддин Довуд ҳам Ҳазрат Шайхул Оламнинг чеваралари бўлган. Бу зоти шариф ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот бор. Шайх Рукниддин ҳам ўз даврининг улуғ олими эдилар. Қабрлари катта боболари Шайхул Оламнинг мақбараларидадир.

ХОЖА ҲОФИЗИДДИН БУХОРИЙ

Ҳазрат Хожа Ҳофизиддин Бухорий зиёратгоҳлари Бухоро шаҳар Хожа Нуробод кўчасида жойлашган. Ушбу зиёратгоҳ Ҳазрат Сайид Побандикушо зиёратгоҳлари яқинидадир.

САЪДИ ВАҚҚОС ЗИЁРАТГОҲИ

Ҳазрат Саъди Ваққос зиёратгоҳлари Навоий вилояти, Қизил тепа тумани, Зарметан қишлоғида жойлашгандир.

ҲАЗРАТ БОБОЙИ ЛАҚЛАҚАГИ (НИЁЗ ХОРАЗМИЙ)

Ҳазрат Бобойи Лақлақагининг исмлари Ҳазрат Хожа Ниёз Хоразмийдир. Бу зоти шариф Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг устодлари ҳисобланадилар.

Нақл этилишича, Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний сабоқ олмоқ учун Ғиждувондан Ромитанга келар ва Зарафшон дарёси устига қўйилган кўприкдан ўтар эканлар. Ушбу кўприкни Ҳазрат Ниёз Хоразмий қурган эканлар ва киши у кўприкнинг устидан ўтаётганда, ёғоч кўприк лақ-лақ этиб қимирлаб тураркан. Шу боис Ниёз Хоразмийга Бобойи Лақлақаги деб ном берилган экан.

Улуғ пир, аллома, валиюллоҳ Бобойи Лақлақаги XII асрда яшаб ўтганлар. Бу зоти шариф қабрлари Ромитан туманидаги Лақлақа қишлоғидадир.

Бухоро шаҳридан Газли йўли билан 16 километр юргандан сўнг, ўнг томонга бурилиб, 4 километр юрилса Бобойи Лақлақаги зиёратгоҳлари намоён бўлади.

Собиқ Иттифоқ замонасида Ҳазрат Бобойи Лақлақаги мақбаралари ва у кишининг номидаги жомеъ масжиди вайрон этилган. Яқинда Ҳазрат Бобойи Лақлақаги қабрлари устида янги мақбара тикланди, шунингдек, мақбаранинг кун чиқар томонида янги жомеъ масжиди қурилди.

МАВЛОНО БУРҲОНИДДИН АНЖИР ФАҒНАВИЙ

Мавлоно Бурҳониддин Анжир Фағнавий ҳам ўз даврининг алломаси, валиюллоҳ эдилар. Бу зоти шариф Вобкент тумани, Анжир Фағни қишлоғида туғилган, Бухоро шаҳрида вафот қилганлар. Муборак қабрлари Ҳазрат Абу Бакр Тархон мазористонидадир. Айни шу кунларда ундан нишона йўқ. Янги бино қилинган Дахмаи Беҳиштиёндаги лавҳада Мавлоно Бурҳониддин номлари ҳам ёзилгандир.

МАВЛОНО БУРҲОНИДДИН АРШАДИЙ

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Мавлоно Бурҳониддин Аршадий ўз замонининг буюк шайхи бўлган. Жасадлари Мавлоно Бурҳониддин Анжир Фағнавий қабрлари ёнида, яъни Абу Бакр Тархон мазористонида бўлган.

ҲАЗРАТ АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ

(1103-1220)

Авлиёлар султони, замон кутби, олими Раббоний, шайхуш шуюх, буюк тарбиячи, Хожагон тариқатининг асосчиси Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний 1103 йилда Бухоро вилояти, Ғиждувон туманида туғилганлар. Вафот этган

йиллари айрим манбаларда 1179 йил, айримларида эса 1220 йил дейилган. Муборак қабрлари Ғиждувон шаҳрининг марказида таббарук зиёратгоҳдир.

Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг оталари малатия (Туркия)лик бўлиб, исмлари Имом Абдулжамил эди. Имом Абдулжамил Ҳазрат Имом Моликнинг (721-795) авлодлари эдилар. Абдулхолиқнинг оналари Малатия подшоҳининг қизи бўлган. Манбаларда таъкидланишича, Ҳизр а.с. келиб Имом Абдулжамилга дейдиларки: “Аллоҳ таоло сизларга ўғил фарзанд ато қилгай. Унинг исмини Абдулхолиқ деб қўясизлар. Сизлар Бухорога қараб равона бўлинг, Ғиждувонда сокин бўлинг. Фарзанд Ғиждувонда туғилажак ва буюк валлиюлоҳ бўлажак, иншаоллоҳ!”

Ҳазрат Ҳизр тавсияларига мувофиқ улар Ғиждувонга келадилар ва Ҳазрат Абдулхолиқ туғиладилар.

Абдулхолиқ Бухорода Имом Садриддиндан тафсир илмини ўрганаётган пайтда, “Аъроф” сурасидаги: “Удъу Раббакум тазарруъав ва хуфятан иннаҳу ло юҳиббул мўътадин” (Сен Парвардигорингга ёлвор ва махфий ҳолда дуо қил, чунки у ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди) 55-оят маъносини сўрайдилар ва дейдилар: “Эй, устоз! Агар зокир (зикр этувчи) овоз чиқариб зикр этса, бу ҳол ўзгаларга аён бўлгай. Мабодо дилда, яъни овоз чиқармай зикр этса, Шайтон воқиф бўлур. Чунки “Шайтон одам фарзандининг томирида қон каби оқиб юради” ҳадиси бунга ишорадур. Хўш, унда хуфия зикр этиш қоидаси ва тартиби қандай бўлур?”

Имом Садриддин дейдилар: “Эй, фарзанд! Сен сўраётган илм - илми ладуний. Агар Аллоҳ таоло илми ладунийни сенга маълум қилмоқчи бўлса, албатта аҳлуллоҳдан бирини ёнингга юборади, у сени бу илмдан воқиф қилур.”

Ладуний илм - Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларига бериладиган илм эхан. Олимлар ладуний илмни учга бўлганлар: 1. Ваҳий, 2. Илҳом, 3. Фаросат.

Ваҳий пайғамбарларга, илҳом авлиёларига, фаросат эса сўфийларга . Аллоҳ изни билан берилган (Муҳаммад Ғиёсиддин, “Ғиёсул Луғот”, Душанбе, “Адиб”, 1987 й.)

Имом Садриддин билан бўлган ушбу суҳбатдан бир неча муддат ўтгандан сўнг Ҳизр а.с. келадилар ва Абдулхолиқ Ғиждувонийни фарзандликка қабул қилдилар ҳамда хуфиёна зикр қоидаларини у кишига ўргатадилар. Хуфия зикр қоидасини ўргатишда Ҳизр а.с. қуйидаги ишни буюрадилар: “... ҳовузлиғ сувга кириб, ғўта ур ва кунгунда: “Ло илоҳа илаллоҳу Муҳаммадур Расулulloҳ!” дегил.

Алар Хожа буюргандек қилибдурлар ва ишга машғул бўлубдурлар ва кушодлар топибдурлар ва аввалдин охиргача рўзғори барча халқ қошида мақбул ва маҳмуд экандур” (А.Навоий, Мукаммал асарлар тўплами, 17-том, Т. 2004 й. 254-саҳифа).

Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний Ҳизр а.с.дан таълим олгандан сўнг Юсуф Ҳамадоний, Ниёз Хоразмий (Бобойи Лақлақаги)лардан ҳам сабоқ олдилар.

Ҳазрат Навоий дейдиларки: “Аларнинг (яъни Хожаи Жаҳоннинг) равиши тариқатда хужжатдур, барча форуқ (ҳақни ботилдан ажратувчилар)нинг мақбулидурлар, ҳамиша сидқу сафо йўлида ва Мустафо с.а.в. шаръу суннати мутобаатида ва бидъату ҳаво муҳолифатида қадам урубдурлар ва пок равишларини ағёр кўзидин яширибдурлар”. (А.Навоий, 17-том, 254-саҳифа).

Кўриниб турибдики, Ҳазратнинг равишлари тариқатда ҳужжат ҳисобланар экан ва бутун умр ул зоти шариф бидъатга қарши курашганлар ва суннатга амал қилиб умр ўтказганлар.

Ҳазрат Хожаи Жаҳонга Аллоҳ таоло шундай улуғ бир даражани бердики, “ҳар вақт намозда Каъбага борар эдилар” (А.Навоий, 17-том, 254-саҳифа).

Ҳазрат Сайид Аҳмад Жалолиддин Махдуми Аъзам Даҳбедий (1461-1542) “Манокіби Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний” номли асарларида ёзадилар: нақл қилурларки, Хожа Абдулҳолиқ баҳор айёмида) ўз боғларида деҳқончилик ила машғул эдилар. Тақво либоси ҳисобланмиш хирқаларини эгниларидан ечиб бир бурчакка осиб кўйдилар. Хизр а.с. келиб ушбу хирқани табаррукан олиб юз-кўзларига суртадилар. Хожа Абдулҳолиқ бу ҳолни кўриб дейдиларки: “Оби ҳаётни тутган кўл бирлан бизнинг либосни олмоқ қандоқ бўлгай?”

Нақл қилурларки, кунлардан бир кун Хизр алайҳиссалом келиб дейдиларки, келинг, суҳбат этайлик. Хожа Абдулҳолиқ дейдилар: “Сиз оби ҳаёт (тириклик) сувини ичгансиз, биз қадамни фано оламига кўйдик ва фано талабидамиз. Нима ҳақда суҳбат этишимиз мумкин?”

Ажабо? Нега Хизр а.с.дай буюк зот Ҳазрат Абдулҳолиқ кийимларини табаррук билиб, юз-кўзларига суртаяптилар? Нега Абдулҳолиқ Ҳазрат Хизр а.с. суҳбатларини хушламаётгандай кўринаяптилар?

Ваҳоланки, Хизр а.с. дийдорларини бир кўрай деб, ул зот суҳбатига етишай деб қанчадан қанча авлиёлар, орифлар армонда! Ваҳоланки, Хизр а.с. - устод, Абдулҳолиқ - шогирд. Абдулҳолиқ ёш бўлган пайтда Ҳазрат Хизр а.с. у кишининг ёнларига келганда дастурхон ёйиб: “Ушбу нондан тановул қилинг у луқмаи ҳалолдур!”-деганларида, Хизр а.с.: “Йўқ, бу нондан тановул қилмаймиз, чунки унини қорган одам саҳифааҳорат бўлган эди!”-деб танбех бергандилар. Хўш, унда бу икки нақлни, бу икки воқеани қандай тушунса бўлади? Маълумки, Хизр а.с. ҳаёт сувини ичган, у киши ҳаёт, тириклик тимсоли. Лекин Хожа Абдулҳолиқ фано сувини ичган, у киши фано тимсоли. Хўш, фано даражаси баландми, ё ҳаёт даражаси баландми? Инсон то фано бўлмаса, Ҳаққа етмайди. Шу боис фано даражасига етган Ҳазрат Абдулҳолиқ хирқаларини табаррук санаб, Хизр а.с. у кишига нисбатан эҳтиром билдирмоқда.

Хизр а.с. пайғамбар. Пайғамбарнинг даражаси авлиёдан баланд. Бунга шак-шубҳа йўқ. Хизр а.с. Мусо а.с. билан, шунингдек, кўплаб авлиёлар билан учрашганлар, авлиёларни тарбия қилганлар. Шундай зотнинг суҳбатини Ҳазрат Абдулҳолиқ хушламайдиларми?

Абдулҳолиқнинг суҳбат масаласида айтган гаплари, бу суҳбатни ҳоҳламаслик эмас, балки фанову ҳаётнинг бир-бирига зид эканлигига шамадир, холос. Ваҳоланки Хизр а.с. билан Ҳазрат Абдулҳолиқ Гиждувоний доимий ҳамсуҳбат бўлишган.

“Мақомот”да яна қуйидаги нақл келтирилган: муршидлар рашиди, шайхлар шуюхи, соҳибқаромат валиюллоҳ, шайхи валитарош Ҳазрат Нажмиддин Кубро бир кун бомдод намозини адо қилгандан сўнг бир муддат муруқаблага борадилар на кейин асҳобга қараб юзланиб дейдилар: “Бир азим бало бу диёрга келмоқдадир! У бало ерни қонга ботиргай. Лекин бу азим балони қайтаргувчи соҳибдават бародаримиз бор. Ул зоти шариф авлиёларнинг султони Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний бўладилар. Шу зотнинг дуолари барокатидан, иншаоллоҳ, ушбу азим бало қайтгай!”

Ҳазрат Нажмиддин Кубро икки муридларини Бухорога жўнатадилар ва уларга дейдиларки: “Ҳазрат Абдулҳоликдан илтимос қилинг, ул зоти шариф гуноҳларимизни кечиришни Аллоҳ таолодан сўрасинлар. Ва ушбу азим балони Аллоҳ таоло мўъминлар бошидан даф қилишини дуо қилиб сўрасинлар! Токи мўъминлар ушбу дуо баракотидин нажот топсин!” Муридлар зудлик билан Бухорога қараб равона бўлди. Бир неча манзилдан сўнг улар бир қарвонга рўпара бўлдилар. Қарвон аҳлидан Бухорои шариф аҳволи, Ҳазрат Абдулҳолик Гиждувоний ҳақларида сўрадилар. Қарвон аҳли доду фарёд қилиб, Ҳазрат Абдулҳолик Гиждувоний бу фоний оламни тарк қилганларини, улар жанозада иштирок қилганини баён этадилар. Бу хабарни эшитгандан сўнг икки мурид ортга қайтди ва Ҳазрат Нажмиддин Куброни аҳволдан воқиф этди. Ҳазрат Нажмиддин Кубро дедилар: “Аллоҳ таоло бир қавмни балога гирифтор этмоқчи бўлса, аввал уларнинг орасидан ўз валийси (дўсти)ни олади. Сўнг балони, фитнани, офатни ул қавм бошига солади. Эй, менинг асҳобларим, огоҳ бўлинг, энди бало келгай, фитна, офат оламимизни ягмо этгай!”

Дарҳақиқат, бало келди. Чингизхон галалари Хоразмни, Бухорони хароб этди. Юртни қонга ботирди. Ушбу жангда Нажмиддин Кубро шаҳид бўлдилар.

Нақл қилурларки, Ҳазрат Гиждувонийдан асҳоблари сўрашди: “Эй, Ҳазрати Шайх! Бу икки жаҳон саодати ва ризои Раббоний ва буюк даража ва растакорлик мақоми қай хизматларингиз сабабидан сизга муяссар бўлди?”

Ҳожа Абдулҳолик дедилар: “Қор қардем ва хўрдем ва худро надидем” (Хизмат қилдик ва едик ва ўзни кўрмадик).

Асҳоб дедилар: “Бу каломларни шарҳлаб беринг, биз ҳеч нарсани тушунмадик”. Ҳожа дедилар: “Эй, покзамир дарвешлар! Билингки, Ҳазрат пайғамбар с.а.в. ҳадисларига мувофиқ “хизмат қилдик” дегани, бу “кимки Аллоҳ билан бўлиб, Аллоҳ ризолиги йўлида хизмат қилса, Аллоҳ у биландир”. Биз Аллоҳ ризолиги йўлида хизмат қилдик”.

Ва “едик” дегани; бу - қуйидаги оятга мувофиқ келур, яъни “Мўминлар бир-бири билан биродардирлар”. Мана шу оятга мувофиқ биз доим мўъмин-мусулмонлар ғамини едик.

“Ўзни кўрмадик” деганининг маъноси, бу – “Меҳру муҳаббат юзасидан мискинлар, етимлар ва асирларга озиқ-овқат беринг” каломига мувофиқ Аллоҳ таолонинг бандаларига боримизни бердик ва ўзимизни кўрмадик (яъни худбинлик қилмадик).

Эй, дарвешлар, мана шу ишларга амал этсангиз, албатга, улуғ даража, мақомлар, қурб ҳосил бўлгай! Аллоҳнинг хос бандаларига айланасиз!”

Нақл қилурларки, Ҳожа Абдулҳолик дедилар: “Агар биздан чивин учиб бировга қўнса, ул одамни эрта (яъни қиёмат куни) то Аллоҳ таоло дўзах оташидан омон этмаса, асло ором олмаймиз” (бу нақлда ҳамсуҳбатлар, асҳоблар, муридларни шафоат этиш назарда тутилган).

Муҳаммад Боқирнинг “Мақомати Шоҳи Нақшбанд” китобларида Ҳожаи Жаҳоннинг бир қатор қароматлари, ҳикматлари келтирилган. Али Сафий “Рашаҳот”лари орқали эса Ҳожа Абдулҳоликнинг таржимаи ҳоллари, энг муҳими, қимматли “Рашаҳ”лари бир-бир баён қилиниб, муриду муршидларга Ҳожагон-нақшбандия дастуриламалини етказганлар.

Жомийнинг “Нафоҳатул унс”, Навоийнинг “Насоимул муҳаббат” ларида Хожаи Жаҳоннинг улуғ мақомлари, буюк даражалари, каромату ҳикматлари ихлос билан зикр қилинганини таъкидлаш жоиз.

Ҳазрат Хожаи Жаҳоннинг шогирдлари, “Силсилаи шариф”даги ўн иккинчи ҳалқанинг пири муршиди Ҳазрат Хожа Ориф ар Ревгарий “Орифнома”ларида Хожаи Жаҳон ҳақларида қимматли маълумотларни келтирганлар. Зеро Хожа Ориф Ҳазрат Гиждувоний билан бир неча йил бирга бўлганлар, ул зоти шариф кароматларини ўз кўзлари билан кўрганлар, ҳикматларини ўз қулоқлари билан эшитганлар. Шу боис “Орифнома”даги маълумотлар энг саҳиҳ ва қадимийдир.

“Орифнома”да қуйидаги воқеа келтирилган: “Ашур ойи эди. Жамоа Ҳазрат Хожа суҳбатларида ҳозир, Ҳазрат Абдулҳолик маърифатдан сабоқ бераётган эдилар. Ногоҳ бир киши зоҳид ва солиқ суратида пайдо бўлди: эгнида хирқа, кифтида сажжода (жойнамоз), хонақоҳга кирди, бир бурчакда ўтирди ва бир соатдан сўнг ўрнидан туриб деди: “Аттакво фаросатул мўъмин ва иннаҳу янзуру би нуриллоҳи” (“Сизлар мўъминнинг фаросатидан кўрқинг, чунки у улуғ ва қудратли Аллоҳ нури билан боқади”) ҳадиси сиррини бизга баён қилинг, Эй, устод!”

Хожа унга қараб дедилар: “Бу ҳадиснинг сирри шуки, хирқанг остидаги (яъни яширин) зуннорингни кесгайсен ва иймон келтиргайсен”.

Ҳазрат Хожаи Жаҳон фаросат билан ул йигитнинг сохта мусулмонлигини билдилар ва кийими остидаги зуннорини ҳам фаросат нури билан кўриб ушбу каломларни дедилар. Йигит шу заҳоти зуннорини кесиб иймон келтирди, мусулмон бўлди. Чунки у кароматни кўрди.

Шундан сўнг Хожаи Жаҳон асҳобларига дедилар: “Эй, ёронлар! Бу наваҳд йигитки, зоҳир зуннорини кесиб, иймон шарафига муяссар бўлди, биз ҳам ботин зунноримизни-ки, уждан (кибр, манманлик) иборатдир, кесайлик ва қайта иймон келтирайлик!” Даврадагиларга ажиб бир ҳол пайдо бўлди ва ҳаммалари тавба ва истиғфорларини тоза айлаб, қайтадан иймон келтирдилар (“Хожа Ориф ар Ревгарий”, “Орифнома”, 15-саҳифа).

Зоҳир зуннори-ку аён, лекин ботин зуннори не? Ботин зуннори, бу кибру манманлик ҳисобланар экан.

Ушбу ибратли воқеани “Орифнома”дан олиб Жомий, Навоий, Али Сафий, Носириддин Тўралар ўз асарларига киритган.

“Орифнома”да Ҳазратнинг ҳикматларидан намуналар ҳам берилган: бир кун Ҳазрат Хожага савол бердилар: “Дилнинг фароғати нимадан ҳосил бўлур?” Хожа дедилар: “Дилнинг фароғати - унинг поклигидадир. Дунёнинг молига заррае тамаъ бўлмаган дилда фароғат бўлур!”

Хожа Абдулҳолик дедилар: “Ислом асоси уч нарасададур:

Биринчиси — ҳар бир ибодатеки этгайсиз — анинг илмидан воқиф бўлинг.

Иккинчиси — ҳар илмники ўрганибсиз — унга амал қилинг.

Учинчиси — ҳар амалники этгайсиз — сидку ихлос билан адо этинг” (“Орифнома”, 15-саҳифа).

Навоий ёзадилар: “Бир кун алар хизматида бир дарвеш дер эдики, агар Худованди таоло мани беҳишт била дўзах орасида мухайяр (ихтиёрли) қилса, мен дўзахни ихтиёр қилурмен. Нечунки, харгиз нафсим муроди била иш қилмайдурмен. Бу ҳолда беҳишт нафс муродидур ва дўзах ҳақ муроди. Ҳазрат

Хожа ул сўзни рад қилдилар ва дедиларки, бандага ихтиёр била не иш, ҳар қаён деса бор, борурбиз ва қаён деса бўл, бўлурбиз, бандалик будур! Йўқ! Улки, сен айтасен. Ул дарвеш сўрадики, шайтонга Ҳақ йўлининг солиқларига даст бўлмай?

Хожа буюрдиларки, нафс фаноси сарҳадига етмаган бўлса! Чунмх анга ғазаб даст бергай. Чунки нафс фаноси ҳосил қилмиш бўлса, анга ғазаб бўлмас, ғайрат бўлур ва Шайтон ғайратдин қочур. Бу сифат бировга мусалламдурки, юзи Ҳақ йўлига бўлмай ва “Китобуллоҳ”ни ўнг илкига тутқой ва Расул с.а.в суннاتини сўл илкига ва бу нкки ёруғлик орасида йўл сулуки қилмай.

Бир ниёзманд дедик, Хожа бизга иймон дуоси била мадад қилсалар бўлмайки, бу Шайтон домгоҳидин саломат жон элтгаймиз.

Алар буюрдиларки, ваъда андоғдурки, фаройиз (фарзлар) адосидин сунгра дуо мустажоб бўлур. Сен ишда бўл ва бизни хайр дуоси била ёд қил! Фароиз адосидин сунгра биз ҳам сени ёд қиламиз. Бўлмайки, бу орада ижобат асари зоҳир бўлмай ва ҳам сенинг ҳақинга, ҳам бизнинг ҳақимизга!” (А.Навоий, 17-том, 225-254-саҳифалар).

Ҳазрат Абдухолик Ғиждувоний “Рисолаи соҳибия”, “Мақсад ас солиқин”, “Маслақал орифин”, “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”, “Тариқат одоби” каби китобларнинг ва бир неча рубоийларнинг муаллифи ҳисобланадилар.

Ҳазрат Хожа Жаҳоннинг жуда кўп мурид, муҳиблари бўлган, энг етуқлари: Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир, Хожа Сулаймон Карминагий, Хожа Муҳаммад Ориф ар Ревгарийдур.

Хожа Абдухолик “Тариқат одоби” китобларида ёзадилар: “Эй, фарзанд! Илм билан бирга одобни ҳам ўрган. Зеро, одобсиз одам Аллоҳ лутфидан маҳрумдир. Халқ билан асло низо-жанжал этма. Яхши хулқ нек одоб ила умргузаронлик айла. Суннати санияни маҳкам тут, салафи солиҳин, тақволи имомлар йўлларига эргаш. Бидъат ахлидан йироқ бўл, зеро, ҳар қандай бидъат гуноҳдир...”

Агар қалбинг суҳбат истаса, фақирлар, дил шикаста (кўнгли синик), аҳлуллоҳлар билан ҳамсуҳбат бўл. Номдор бўлмоқчи бўлсанг асло номдор бўлма (яъни Аллоҳ ҳузурида ном чиқармоқчи бўлсанг, бу дунёда камтар бўл, шуҳрат кетидан югурма). Бирор кишига хизмат буюрма. Ўз юкингни ўзинг кўтар. Ўзингни ҳамаша паст билки, бу жуда ҳам муҳим ҳислатдур. Аллоҳнинг ҳамма маҳлуқотлари - катта- кичикка марҳамат ва шафқат назари ила қара. Уларни асло ҳақир билма...”

Биз куйида Хожаи Жаҳон шеърларидан айримларини ҳам аслиятда, ҳам таржимада бераяпмиз:

**Ғар дар дилат аз касе шикаят бошад,
Дарди дили ту аз ў бағоят бошад,
Зинҳор ба интиқом машгул машав,
Бадро бадии хеш кифоят бошад.**

Таржимаси:

**Ғар сенга бировдан шикаят бордур,
Дарди дилинг ундан бағоят бордур.
Ёмонлиги ўзи ёмонга жазо,**

Интиқом олмоққа на ҳожат бордур.

**Чун мегузарад умр кам озори бех,
Чун медихад даст накўкори бех.
Чун киштаи худ ба дасти худ медарави,
Тухме ки накўтар аст агар кори бех.**

Таржимаси:

**Умринг ўтадур - кам озорлик бех,
Қўлдан келадур - накўкорлик бех.
Ҳар неки экдинг - шуни ўргайсен,
Эккил сара уруғ - хушёрлик бех.**

**Эй, дил, ту ба жонаш хон,
Бекому забонаш хон.
К-он Ер на он ёр аст,
Ки ўро бо дахонаш хон.**

Таржимаси:

**Тил сукут эт, Эй, жон гапир,
Бекому безабон гапир.
Ул ёрки бошқа Ёр эрур,.
Бегапу бедахон гапир.**

**Аз шуҳрати хеш нафсро дод мадех,
Худро ба миёни мардумон ёд мадех.
Кам ному нишон бошу дигар дер макун,
Зинҳор ки дини хеш барбод мадех.**

Таржимаси:

**Шуҳрат ила шум нафсингни шод этма,
Ўзни мардум орасинда кўп ёд этма.
Камтарлик эт! Сен ном чиқарай деб
Зинҳорки динингни барбод этма!**

**Саттори ҳама уюб бояд будан.
Ғамхори ҳама қулуб бояд будан.
Гар талаби ризои Холик боши,
Бо халқ ба хулқи хуб бояд будан**

Таржимаси:

**Айбларни ёпгувчи саттор⁹⁵ бўлгайсен,
Қалбларни топгувчи гамхор бўлгайсен.
Аллоҳ ризолигин топай десанг, Эй, дўст!
Эл бирла адабда хушёр бўлгайсен.**

**Бо бадон манишин, ки суҳбати бад
Гарчи поки туро палит кунад.
Офтобро ба дин бузургияш
Заррае абр нопадид кунад.**

Таржимаси:

**Емон билан суҳбат этма ҳеч,
Алар номинг булғаб кетолгай,
Қара, улкан қуёш нуруни
Парча булут хира этолгай.**

2003 йилда Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик юбилейлари юртимизда ҳукуматимизнинг сайъ-ҳаракати билан жаҳон миқёсида нишонланди. Ҳазрат Ҳожаи Жаҳон зиёратгоҳида XXI аср обидаси қад кўтарди. Унда гўзал мақбара, янги жомеъ масжид, улкан боғ, ҳовуз бунёд этилди. Ҳазратнинг ёзган асарлари ўзбек ва бошқа жаҳон тилларида нашр қилинди. Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувоний мақбараларининг пештоқида, кексаларнинг айтишича, қадимда қуйидаги рубоий ёзилган экан:

**Ҳар кас ба диёри Ғиждувони меояд,
Гўё ба беҳишти жовидон меояд.
Бўйи чамани Мадинаи пайгамбар
Аз равзаи Ҳожаи Жаҳон меояд.**

Таржимаси:

**Кимки диёри Ғиждувонга келадур,
Гўё беҳишти жовидонга келадур.
Равзаи Ҳожа Жаҳондин пайгамбар –
Равзалари ҳиди жаҳонга келадур.**

Қуйидаги байт ҳам халқ оғзида машҳурдир:

**Ҳар кас ба Ҳожаи Жаҳон хок шавад,
Монанди тифл аз гуноҳ пок шавад.**

⁹⁵ Саттор – айбларни ёпгувчи

Таржимаси:

**Гар Хожай Жаҳон йўлларида хок бўлгайсен,
Гуноҳлардан гўдак мисол пок бўлгайсен.**

ХОЖА АҲМАД СИДДИҚ

Хожа Аҳмад Сиддиқ Хазрат Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг биринчи халифалари ҳисобланадилар. Бу зоти шариф Бухорода туғилганлар. Хожа Аҳмад Сиддиқнинг қабрлари Бухородан уч фарсах узоқликда жойлашган Муғиён қишлоғидадир. Муғиён қишлоғи Вобкент туманида жойлашган.

“Рашаҳот”да ёзилишича, Хазрат Абдулҳолиқ Гиждувоний вафотлари яқинлашгач, барча асҳобларини Хожа Аҳмад Сиддиққа топширдилар. Хожа Аҳмад муридларни тарбия қилдилар. Хожа Аҳмад Сиддиқ вафотларидан олдин Хожа Авлиёи Кабир ва Хожа Ориф ар Ревгарийга муридлар тарбиясини топширдилар.

ҲАЗРАТ АВЛИЁИ КАБИР (ваф. 1227)

Авлиё Кабир Хазрат Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг иккинчи халифа - шогирдлари эдилар. “Рашаҳот”да ёзилишича, Ҳазрат Авлиёи Кабир асли бухоролик бўлган.

Манбаларда таъкидланишича, Хожа Авлиёи Кабир билан Ҳазрат Абдулҳолиқ илк бор бозорда учрашадилар. Ҳазрат Гиждувоний бозордан гўшт олаётган пайтда нотаниш ўспирин, толиби илм келиб “Ҳазрат, рухсат берсангиз, қўлингиздаги юкни уйингизгача элтиб берсам!”- деб кўп ялинади. Ҳазрат унга рухсат берадилар. Уйнинг остонасига етгандан сўнг Ҳазрат: “Бир соатдан кейин келинг бирга овқат тановул қиламиз”- дейдилар.

Авлиёи Кабир ўша пайтлар бухоролик бир донишманддан сабоқ оларди. Донишманд ҳузурига бориб, бир соатдан сўнг безовта бўладилар ва зудлик билан Ҳазрат Абдулҳолиқ ёнларига келадилар. Шу кундан эътиборан донишманддан сабоқ олишни тарк қилиб, Ҳазрат Гиждувонийга инобат қиладилар, тариқатга кирадилар.

Бу ҳолдан вақиф бўлган донишманд Авлиёи Кабирга дашном бера бошлайди. Ҳар кўрганида: “Бекорчи сўфийларга эргашиб, илмни тарк этдинг! Тўғри йўлдан адашдинг!” - деб Ҳазратни маломат қиладиган бўлади. Лекин Авлиёи Кабир унга мутлақо эътибор бермас, тариқат йўлида риёзат чекарди. Натижада тез орада улуғ мақомга етишдилар.

Бир кеча ҳалиги донишманд фаҳш ишлари билан машғул бўлаётгани Авлиёи Кабирга каромат ила маълум бўлди. Эрталаб йўлда Авлиёи Кабирга ул донишманд яна дашном бера бошлади. Авлиёи Кабир унга қараб дедилар: “Эй, устод! Кечаси билан фоҳишабозлик этган киши тўғри йўлдами, ёхуд Аллоҳ зикри ила банд бўлиб тунни ўтказган киши тўғри йўлдами?” Ушбу кароматни кўриб донишманд Авлиёи Кабирдан узр сўрайди ва шу дақиқадаёқ Ҳазрат Абдулҳолиқ ҳузурларига бориб, тавба шарифига муяссар бўлади (“Рашаҳот”, 43-саҳифа).

Ҳазрат Авлиёи Кабир устодлари Ҳазрат Хожай Жаҳон васиятига мувофиқ Хожа Аҳмад Сиддиқдан сўнг Бухорода инсонларни тўғри йўлга даъват этдилар,

тарбия қилдилар. Ҳазрат Авлиёи Кабирнинг тўртта етук халифалари бор эди: 1. Хожа Дехқон Қалтий, 2. Хожа Закий Худободий. 3. Хожа Сўкмон. 4. Хожа Ғариб.

Ҳазрат Хожа Авлиёи Кабир 1227 йил Бухорода вафот қиладилар. Қабрлари Бухоро ҳисорининг ёнида Буржи Айёрда экан. Аини шу кунларда бу зоти шарифнинг муборак қабрлари йўқотилгандир. Бу киши кўмилган мазористон ўрнида қатағон замонасида такси парки бунёд қилинган эди.

ХОЖА ҒАРИБ

Ҳазрат Хожа Ғариб Ҳазрат Авлиёи Кабирнинг фарзандлари ҳисобланадилар. Хожа Ғариб илмни ўз оталар Авлиёи Кабирдан ўрганган. Бу зоти шариф кўплаб авлиёлар билан, инчунин, Хожа Ҳасан Булғорий билан ҳамсухбат эдилар. Ҳасан Булғорий деган эканларки: “Мен кўрдимки, Хожа Ғариб марди тамом турур (яъни комил инсон) ва онинг сулуки жазба бирла орастадур” (“Рашаҳот”, 46-саҳифа).

Ҳасан Булғорий яна деган эканлар: “Мен ўз ҳаётим давомида жуда кўп (яъни йигирма саккизта) авлиёлар билан ҳамсухбат бўлдим, лекин Хожа Ғарибдай улуғ мартаба, улуғ мақомли авлиёни кўрмадим.”

Ҳазрат Хожа Ғарибнинг тўртта халифалари бўлган: 1. Хожа Авлиёи Порсо. 2. Хожа Ҳасан Шоварий. 3. Хожа Укитмон. 4. Хожа Авлиёи Ғариб.

“Тухфат аз зоирин” китобида ёзилишича, Ҳазрат Хожа Ғарибнинг муборак қабрлари Бухоро шаҳри ичидаги тепалиқдандир. Бўйробофон гузари ёнидаги ушбу тепалиқ ҳозир ҳам бор. Шу гузарлик Саид ака Хожа Ғариб қабрларини қайта бино этди, бу ерда боғ барпо қилган.

ХОЖА ҲАСАН ШОВАРИЙ

Хожа Ҳасан Хожа Ғарибнинг етук халифалари эдилар. Бу зоти шарифнинг туғилган ва вафот қилган қишлоқларининг номи Шовари. Шовари қишлоғи Пешкў туманида жойлашган. Ҳазратнинг қабрлари шу ердадир.

ХОЖА СУЛАЙМОН КАРМИНИЙ

Хожа Сулаймон Карминий Ҳазрат Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг учинчи халифалари ҳисобланадилар. Бу зоти шариф Карминада туғилиб, шу ерда вафот қилганлар. “Рашаҳот”да ёзилишича, Хожа Сулаймоннинг қабрлари Карминададур. Абулқосим ибн Муҳаммад ибн Масъуд ал Бухорийнинг маълумот беришларича, Хожа Сулаймон Карминийнинг иккита соҳиб иршод халифалари бўлган: Хожа Муҳаммадшоҳ Бухорий ва Шайх Саъиддин Гиждувоний. Шайх Абу Саъид Бухорий ҳам Ҳазрат Сулаймон Карминийнинг шогирдларидан бўлганлар.

ШАЙХ АБУ САЪИД БУХОРИЙ

Шайх Муҳаммад Бухорийнинг “Маслакал орифин” китобларида ёзилишича, Хожа Сулаймон Карминий вафотлари яқинлашгач барча асҳобларини Шайх Абу Саъид Бухорийга топширдилар. Шайх Абу Саъид муридларни бир неча йил тарбия этдилар. “Рашаҳот”да Ҳазрат Шайх Абу Саъид Бухорийнинг бир неча ҳикматлари келтирилгандир: Шайх Абу Саъиддан сўрадиларки: “Вақтеки, хавотир (яъни беҳуда хаёл) келса ва бозгашт била ани

нафий (яъни ҳайдамоқ) қилурмиз ва у йўқолур. Лекин бу беҳуда хаёл (васваса) Шайтонийми ёхуд нафсонийми, буни қандоқ билса бўлур?”. Шайх Абу Саъид дедилар: “Огоҳ бўлинг, агар ул хаёл қайта-қайта бир нарсани истаб хуруж қилаверса, билингки, ул нафсонийдур. Чунки нафс бир нарсани талаб қилаверади, то ўшанга етмаса одамни тинч қўймайди. Аммо агар бошқа-бошқа, ранго-ранг тарзда хуруж этса, билингки ул Шайтонийдур. Чунки Шайтоннинг мақсади излол (тўғри йўлдан адаштириш) ва иғводур. Шу боис ул турли йўллар билан солиқни йўлдан оғдириш учун ҳаракат қилур”.

Ҳазрат Шайх Абу Саъиддан сўрадиларки: “Тарикатдан гапирмоқ кимга ярашур?” Шайх дедилар: “Шундай одамгаки, унинг зоҳирини бутун ер юзидаги одамларга кўрсатсалар, зоҳирида ҳеч бир айб шаръан топмасинлар. Ва агар унинг ботинини бутун осмон аҳли (яъни фаришталар)га кўрсатсалар, унинг ботинида ҳам ҳеч бир нуқсон топилмаса. Мана шундай зотга тарикатдан гапирмоқ мумкиндр”.

ШАЙХ САЪДИДДИН ҒИЖДУВОНИЙ

Ҳазрат Саъиддин Ғиждувоний Ҳожагон тарикатининг пири муршиди бўлиб, Ҳазрат Ҳожа Сулаймон Карминийнинг иккинчи халифа (шогирд)ларидирлар.

“Тухфат аз зоирин”, “Рашаҳоту айнул ҳаёт” китобларида ёзилишича, Шайх Саъиддин Ғиждувоний Ҳожа Муҳаммад Шоҳ вафотларидан сўнг муридлар тарбияси билан шуғулланган.

Шайх Саъиддиннинг муборак жасадлари Имом Ҳофизиддин Кабир Бухорий қабрлари ёнида кўмилган.

ҲАЗРАТ ХОЖА ОРИФ РЕВГАРИЙ

Ҳазрат Ҳожа Муҳаммад Ориф Ҳожа Орифи Моҳитобон номи билан машҳурдир. Бу зоти шариф Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Ревгар қишлоғида тугилганлар. Шу боис Ғарбу Шарқда Ар Ревгарий номи билан ҳам танилганлар. Маълумки, “Силсилаи шариф”даги ўнингчи ҳалқанинг пири муршиди Ҳазрат Ҳожаи Жаҳон Абдулхолиқ Ғиждувоний бўладилар, ўн биринчи ҳалқанинг пири муршиди Ҳазрат Ҳожа Муҳаммад Ориф Ревгарийдирлар. Бу зоти шариф шарияту тарикат илмини Ҳожаи Жаҳондан ўрганганлар.

Нақл этилишича Ҳожа Ориф ўрта бўйли, ой юзли, катта кўзли, қошлари камон, бутун вужудларидан мушқу анбар ҳиди анқиб турадиган зот бўган эканлар.

Ҳожа Ориф Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг тўртинчи халифалари ҳисобланадилар. Ҳазрати Маҳдуми Аъзам Даҳбедийнинг “Мақомати Ҳожа Абдулхолиқ Ғиждувоний” асарларида нақл қилинишича, ҳазрат Хизр а.с. ҳазрат Абдулхолиқ ҳузурларига келардилар Шу пайт Ҳазратнинг ҳамма шогирдларини уйқу босарди. Сухбат тугаб, Хизр а.с. кетганлариданг сўнг шогирдлари беихтиёр уйқудан ўйғонарди. Шогирдлар орасида энг ёши ҳисобланган Ҳожа Муҳаммад ар Ревгарий Хизр а.с. сухбатларидан баҳраманд бўлай деб, кузларига туз сепадилар ва оғриқнинг қаттиқлигидан у кишига уйқу ғалаба қилолмайди. Натижада улуғларнинг сухбатидан баҳраманд бўладидар. Бу холни кўриб Хизр а.с. Ҳожа Орифга дейдилар: “Сиз Ориф бўлғайсиз

иншаоллоҳ!” Хожа Хизр а.с. нафасларининг барокатидан бутун дунёга Хожа Ориф номи билан машхур бўлдилар.

Қуйидаги нақл ҳам мазкур “Мақомат”да бор: Ҳазрат Абдулхолик хизматларида Хожа Аҳмад Сиддик, Хожа Авлиёи Кабир (Калон), Хожа Сулаймон камарбаста бўлиб турганларида, ногоҳ уларнинг ҳар учовлари кўнглида: “Ажабо, бизнинг ёшимиз ҳам, даражамиз ҳам, этаётган хизматимиз ҳам Хожа Ориф ар Ревгарийдан улуғ, лекин нега Ҳазрати пирнинг иноят назарлари Хожа Орифга баланддур?” деган шубҳа ўтади. Ҳазрат Абдулхолик каромат нури ила уларнинг бу фикрини билдилар ва дедилар: “Эй, фарзандларим! Хожа Орифни қидириб топинглар!” Улар авлиёлар сарвари, атқийё қофиясолори Хожа Орифни топдилар. Ул зоти шариф бир масжид ичида дуру гавҳар каби товланиб, зикр қилиб турардилар. Ул кишининг бошлари устида Каъба айланиб соя қилиб турарди. Бу ҳолни кўриб улар Ҳазрат Хожа Орифнинг оёқлари остига ўзларини отиб, узр сўрадилар ва Хожа Ориф даражалари баланд эканлигига иймон келтирдилар.

“Рисолаи Сигноқий” асарида баён этилишича, кунлардан бир кун Хожа Аҳмад Яссавий таом пишираётди, муриди Хожа Дўғийни

Ғиждувонга бориб. Хожа Абдулхолик Ғиждувонийдан қатик, олиб келишни буюради. Хожа Дўғий Ғиждувонга етиб бормасданок Ғиждувонийнинг халифаси Хожа Ориф Ревгарий Аҳмад Яссавий ҳузурига қатик олиб келади. Бундан хабар топган Хожа Дўғий: “Орифнинг холи мендан устун келди”, -дея Хожа Орифнинг камолотини эътироф этади.

Хожа Ориф ар Ревгарий “Орифнома” номли асарнинг муаллифи ҳисобланадилар. Бу китоб Нур қасабасида 622 ҳижрий йилда (мелодий 1225) ёзилган экан. Лекин биз то 1993 йилгача Хожа Орифнинг “Орифнома” асарларининг ҳатто номини ҳам билмасдик. Чунки қатағон замонасида кўплаб нодир асарлар қатори бу ҳам йўқотилган эди. 1993 йил Ҳазрат Баҳоиддин юбилейларидан сўнг Покистондан Шайх Зулфиқор Аҳмад Нақшбандий Ҳазратлари Бухорога келиб Етти пири комиллар қабрларини зиёрат этдилар. Ҳазрат Хожа Ориф ар Ревгарий мақбараларида тиловат этгандан сўнг бир асардан парчани ўқидилар. У киши билан ҳамроҳ бўлган бухоролик олимлар: “Бу кимнинг асари, қандай гўзал асар?” - деб ҳайратланиб савол беришди. Ҳазрат Зулфиқор Аҳмад ҳам ҳайратланиб: “Ахир мен боболарингаз Хожа Орифнинг “Орифнома” асарларидан бир парчани ўқиб бердим-ку, наҳотки сизлар уни эшитмаган бўлсангиз?”-дедилар. Олимлар ҳақиқий ҳолдан Шайхни воқиф этганларидан сўнг, Ҳазрат Зулфиқор Аҳмад зудлик билан Покистонга бориб, “Орифнома” асари фото нусхасини Ҳожи Жонмуҳаммад Гуловга жўнатдилар. Бу асар форс-тожик тилида ёзилган экан. Уни ўзбек тилига таржима қилдик. Етмишбеш минг нусхада Тошкентдаги “Наврўз” нашриётда чоп этилиб, халқимиз мулкига айланди.

“Орифнома” асарларида Хожа Ориф дейдилар: “Аюҳал ориф! Пок ва пок эътиқодли бўл! Зеро чиркин кўнгил бутун аъзои баданни ҳаром қилгай! Ахир, Аллоҳнинг бизни қабул этиши ё этмаслиги айнан шу кўнгил туфайлидир!..”

- Шунини билгилки, солиҳ учун бирламчи важд (завқ-шавқ, ҳаяжон) лозимдурки, ул кашфнинг муқаддимаси ва кашф маърифатнинг ва маърифат мушоҳаданинг муқаддимасидур. Ва шундан сўнггина унга ғайб эҳсон мурассар

бўлмай! Солик кўз ўнгидан пардалар кўтарилган заҳоти унинг мушоҳадаси тиниқ кўзгуга айланур!

- Ул қушки, бўйнида оғир юк осиглик экан, қандоқ кўкка парвоз айласун? Соликким бу дунёда дилбандлиги бисёрдур, илоҳий парвоз қила олмас ва талаб водийсига қадам қўйолмагай!

- Аюҳал ориф! Шайтон лаъин ҳар сахар ориф кишининг қалбига ваҳима солмоқ бўлиб савол бергай: “Бугун не тановул қилурсен?” Ориф дер: “Ўлимни тановул қилурмен!” Яна васваса қилурки: “Либосинг йўқ, қай либосни киюрсен?” Жавоб қилурки: “Бугун кафанни киюрмен!” Яна сўроқ қилур: “Қай ерга борурсен?” Жавоб қилурки: “Бугун борар ерим гўрдур!”

- Аюҳал ориф! Каломи Мажид ва ҳадиси набавий салаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин машойихлар каломини тинглагилки, алар каломи қалбда тавфиқ ва (Аллоҳ ғазабидан) кўркув сабабчисидир. Ва Аллоҳ таоло душманларидан нафрат этмоққа ва Аллоҳ ризоси бўлган ишлар билан машғул бўлмоққа боис бўлмай.

- Аюҳал ориф! Улуғ Шайхлар демишлар: кимеки Аллоҳ таолодан бошқа зотни азиз этиб, иззат қилмай, батаҳқиқ шу иззати уни хор этгайдур!

- Бу дунёда вужудинг билан ва охиратда қалбинг билан бўл!

- Авлиёлик аломати учтадир: биринчиси шуки, баланд даражани эгаллаганда ҳам камтар бўлмоқ, иккинчиси шуки, қудрати, сабру тоқати етгунча парҳездорлик қилмоқ. Учунчиси шуки, то кучи етгунча инсоф қилмоқдур.

- Бировни ҳаддан ташқари мадҳ этмоқ мажусийлик белгисидур ва бу иш Аллоҳ Таолони инкор этмоқ ила баробардур.

- Очлик зоҳидлар ва зикр - орифлар таомидур.

- Зоҳид ва комил шахс улдурки, фатволарга амал этмай, акс ҳолда у васвос, жиннидур.

- Қайси одамеки, тавба қилиб тағин гуноҳ ишларга қўл урмай. Аллоҳ таоло бундайларнинг тавбасини ҳаром қилмай ва аларга ҳаргиз назар ташламас.

“Орифнома”да яна қуйидаги ибратли воқеа ҳам баён қилингандир. Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний Макатуллоҳ сафарига ният қилиб, Хожа Ориф ар Ревгарийни хонақоҳда ўз ўринларига тайинлайдилар ва ҳажга кетадилар.

Ўшал асрда Ойша исмли бир мажнуна аёл бор эди. Ойша доимо юзи очиқ кўчаларда юрар эди. Унга ҳарчанд сатри аврат лозим, яъни юз-бошингни номаҳрамлардан беркит, десалар ҳам, у буни қабул этмас ва дер эди: “Бугун бу диёрда мард қани? Ки мен ундан ўзимни олиб қочай, юз-саҳифаимни беркитай?”

Кунлардан бир кун нонвой тонг - сахардан тандирга ўтин қалаб турар эди. Энди нон ёпиш фурсати келганда, ногоҳ Ойша келиб қолди ва парвона ўзини оловга урган каби лов-лов ёниб турган ўт ичига ўзини урди - тандир ичига кириб, нонвойга хитоб қилди: “Тандирнинг оғзини ёпгил! Аллоҳ таолонинг мардларидан бирлари Бухорога келаётирлар! Менга сатри аврат келтир!” Нонвой саросимада қолди, хуши бошидан учди. Ойша яна деди: “Менга ёпинчиқ келтиргил, токи мен юз бошимни ёпиб, аларнинг истикболларига пешвоз чиқайин!” Нонпой шошиб уйига борди ва зудлик билан ёпинчиқ келтирди (рўмол келтирди) Ойша юз-бошини рўмолга ўраб, тандирнинг ичидан ташқарига чиқди. Нонвой кўрдикки, олов Ойша сочининг ҳатто бир толасига

ҳам зарар қилмабди. Нонвой Ойша валояти (даражасини) кўриб, унинг оёқлари остига ўзини отди ва деди: “Бу сирдан бизни воқиф этинг” Ойша деди: “Уч йилдан бери муршид ал халойиқ, зоҳири ботинига мувофиқ, яъни Шайх ва Мавлоно Абдулхолиқ Гиждувоний муборак ҳаж зиёратига борган эдилар. Бугун тонгданок ул Ҳазрат Жуйхун дарёсидан ўтиб, Бухоро томон юз тутдилар. Шул боис менга юз-бошимни беркитмоқ зарурати бўлди”. Нонвой Ойшага қўшилиб, Ҳазрат Абдулхолиқ хузурларига борди ва ҳақ йўлга дохил бўлди. (Хожа Ориф ар Ревгарий, “Орифнома”, Т., “Наврўз”, 1994 йил).

Баъзи манбаларда айтилишича Хожа Ориф 100 ёшдан ортиқ умр кўрганлар. Бир умр боғбонлик билан шуғулланганлар.

“Орифнома” да қуйидаги байтлар хаттот томонидан ёзилган:

**Афсус шуд пинҳон Моҳитобон ба зери хок,
Килкам сияҳпўш, жигар реш, сина чок.
Тарих баҳри реҳлати ў жустам аз қалам:
“Қутби замон ва Орифи биллоҳ зери рақам”.**

Мазмуни: Афсус, Моҳитобон тупроқ остига пинҳон булди, қаламим қора кийинди, жигарим тилинди, сийнам чок бўлди. Унинг марҳум бўлган йили “қутби замон ва Орифи биллоҳ зери рақам”дан чиқади. Ушбу байтдан 634 ҳижрий сана чиқар экан, демак Хожа Ориф мелодий 1234 (35) йилда вафот қилганлар.

Айни шу кунларда Хожа Ориф ар Ревгарий зиёратгоҳлари обод қилинмоқда. 1997 йил Хожа Ориф жомеълари қурилди. Ушбу зиёратгоҳни обод этишда саховатли инсонлар беминнат хизмат қилдилар.

ҲАЗРАТ ХОЖА МАҲМУД АНЖИР ФАҒНАВИЙ (ваф. 1286)

Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий Вобкент тумани, Анжир Фағни қишлоғида туғилдилар ва шу қишлоқда 1286 йил вафот қилдилар.

Хожа Маҳмуд “Силсилаи шариф”даги ўн иккинчи ҳалқанинг пири муршиди, буюк тарбиячи, аллома, валиюллоҳ ҳисобланадилар.

Манбаларда бу зоти шарифнинг касблари гилкор (лой-сувоқ ишлари билан шуғулланадиган) дейилган. Хожа Маҳмуднинг туғилган қишлоқларининг ҳозирги номи Анжирбоғдир. Ҳазрат Фағнавий илми ҳол ва илми қолни Ҳазрат Хожа Ориф ар Ревгарийдан ўрганганлар.

“Рашаҳот”да ёзилишича, Хожа Маҳмуд Хожа Орифдан ижозат хати олганларидан сўнг халқни Ҳаққа даъват этиб, алония (баланд товуш билан зикр этмоқ) зикри ила машғул бўладилар.

Нақл этилишича, кунлардан бир кун Мавлоно Ҳофизиддин (бу зоти шариф Хожа Муҳаммад Порсонинг боболари ҳисобланадилар) Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийга бир мажлисда ўз устозлари Шамсулаимма Ҳалвойи ишоратлари ила қуйидаги саволни бердилар: “Ҳазрат, сиз нимага асосланиб алония (жаҳрия) зикрини танладингиз?” Бу мажлисда жуда кўп бухоролик уламо, фузалолар иштирок қилган экан. Хожа Маҳмуд дейдилар: “Бу зикр услубини танлаганимизнинг сабаби шуки, токи ухлаганлар уйғонсин. Алар ғафлатдан

кутилиб шариату тариқат қонунларига доимий бўйсунувчи бўлсинлар. Ҳақиқий тавба шарафига муяссар бўлиб, икки дунё саодатига етишсинлар!”

Мавлоно бундай асосли жавобни эшитгандан сўнг: “Сизнинг йўлингиз тўғридур, ҳақдур ва бу машғулот сизга ҳалолдур!” - деб тан берадилар. Худди шу мажлисда Мавлоно Ҳофизиддин яна Хожа Маҳмудга илтимос қиладиларки, алония зикри таърифини бизга баён айланг. Кимнинг бундай зикрга амал этишга ҳаққу ҳуқуқи бор? Хожа дедиларки, алония зикри билан шундай киши машғул бўлсинки, унинг тили ёлғон гаплардан ва ғийбатдан пок, оғзи ҳаром ва шубҳали таомдан пок дили риёдон пок, қулоғи ҳаром – ҳариш, беҳуда сўзлар эшитишдан пок, боши Аллоҳ таолодан бошқа зот ҳаёлидан пок бўлиши лозим!

Бу жавоблар Мавлоно Ҳофизиддинни ҳам, мажлис аҳлини ҳам қониқтирган. Ушбу жавоблардан Хожа Маҳмуднинг илмлари, фаросатлари, ақллари нақадар юксаклигини билса бўлади. Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳазратларининг энг етук шогирдлари Ҳазрат Хожа Али ар Ромитаний ҳисобланадилар. Хожа Али ар Ромитаний даврида бир дарвеш бор экан, ул дарвеш Ҳазрат Хизр а.с. билан учрашиб сўрабди: “Бу асру айёмда этагини тутишга арзийдиган, Ҳақ йўлидаги пир ким? Токи унга эргашайлик” Хизр а.с. жавоб бердилар: “Ҳозирги асру айёмда замонанинг Шайхи Ҳазрат Маҳмуд Анжир Фағнавийдурлар!”

“Рашаҳот”да таъкидланишича, Хизр а.с. ни кўриб юқоридаги саволни берган зот Хожа Али ар Ромитанийнинг ўзлари экан. Лекин камтарлик юзасидан бу воқеани бошқа бир дарвеш номидан эълон қилганлар.

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий соҳибкаромат авлиё бўлганлар. Нақл этилишича, Хожа Али Ромитанда бир гуруҳ асҳоблари билан зикр ила машғул эдилар. Ногоҳ аларнинг устида катта оқ рангли қуш пайдо бўлди ва фасех (бурро) тилда деди: “Эй, Али, мардона бўл!” Барча асҳоб бу қушни кўриб, унинг гапини эшитдилар ва аларга ажиб бир кайфият пайдо бўлди, ҳаммалари хушдан кетдилар. Асҳоблар хушларига келгандан сўнг Хожа Алига дедиларки, бу оқ қуш воқеасини бизга баён қилинг. Хожа Али дедилар: “Бу қуш Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳазратлари бўладилар. Бу маҳал ул зот Хожа Дехқон Қалтий хузурларига бораптилар. Хожа Дехқон Қалтий Хожа Авлиёи Кабирнинг халифалари ҳисобланади. Хожа Дехқон Қалтайнинг вафотларига яқин колган. У киши Аллоҳ таолодан сўнгги нафасим яқинлашганда дўстларингдан, яъни аҳлуллоҳлардан бирини бошим тепасига ҳозир эт, токи рихлатим осон кечсин, деб сўраган экан. Шу боис Хожа Маҳмуд у кишининг ёнига учиб бордилар.

Ҳазрат Маҳдуми Аъзам Даҳбедийнинг “Мақомати Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний” асарларида ёзилишича, ҳар гал Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий: “Ё Раббий!” - десалар, Ҳазрат Борий таолодан: “Лаббай, ё абди! (Лаббай, Эй, менинг бандам!)” деган бевосита жавобни эшитардилар.

Худди шу “Мақомот”да баён қилинишича, Шайтон алайҳи лаъна Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ёнларида ўн икки йил, бу зоти шарифни йўлдан оздираман, деб ният қилиб юрди. Иттифоқо, бир кун ярим тунда Ҳазрат Хожа Маҳмуд Ҳазрат Абдулҳолик Ғиждувоний мозорлари зиёратига келдилар. Шайтон а.л. қўлига шамъни олиб кишидан олдин борар эди. Шайтон а.л. фурсатни ғанимат билиб савол берди: “Сулукда қирқ сайрнинг миқдори қанча бўлгай?” (Бундай саволдан мақсад шу эдики, Хожа Маҳмуд: “Бир ман!”- деб

жавоб берсинлар. Зеро бу ерда “ман” ҳам ўлчов бирлиги, ҳам манманлик маъносида келади. Шайтон а.л. бундай жавобдан сўнг Хожани мазах қилиб: “Тарикатда ҳали хом экансиз, вояга етмаган экансиз!” демоқчи эди.) Ҳазрат Хожа Маҳмуд Шайтон а.л.нинг ғаразли ниятини сезиб, дедилар: “Саккизта беш сайр бўлмай!” Бундай жавобни кутмаган Шайтон а.л. тупроқни бошига сеппиб, наъра уриб, фарёд қилиб деди: “Ўн икки йилдан бери зўр уриб, бу кишини йўлдан оздиrolмадим, ҳийла-найранглари ўтмади. Энди бу ерда қолишим бефойда!”

Мустақиллик йилларида Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий зиёратгоҳлари обод этилди. Бу ерда янги жомеъ масжид, янги мақбара, ховуз, дарвозахона, боғ - XXI аср обидалари барпо қилинди.

Хожа Маҳмуднинг биринчи халифалари Мири Хурд, иккинчи халифалари Ҳазрат Хожа Али ар Ромитаний ҳисобланадилар.

ХОЖА МИРИ ХУРД ВОБКАНДИЙ (ваф. 1319)

Хожа Мири Хурднинг исмлари Амир Хусайндир. Бу зоти шариф Ҳазрат Анжир Фағнавийнинг биринчи халифалари бўлган. Хожа Мири Хурднинг акалари Амир Ҳасан бўлиб, Мири Калон номи билан машҳур. Лекин Ҳазрат Маҳмуд Анжир Фағнавий вафотларидан сўнг халифалик Мири Хурдга насиб этди.

Али Сафийнинг “Рашаҳоту айнул ҳаёт” китобларида, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин” асарларида ёзилишича, Мири Хурднинг қабрлари Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий мақбараларининг супасидадир. Бу зоти шариф 1319 йил марҳўм бўлган. Бу ер обод зиёратгоҳга айлантирилган. Мири Хурд қабрлари ҳам таъмирлангандир.

Хожа Мири Хурд авлодлари Бухоро шаҳрида, Бобкентда бор. Пойи Остона гузарида истиқомат қилган Насрулло Яҳёев Мири Хурднинг авлодлари ҳисобланади.

ҲАЗРАТ ХОЖА АЛИ АРҒАНДИЙ

Хожа Али Арғандий Ҳазрат Мири Хурднинг халифалари эдилар. “Рашаҳот”да ёзилишича, Хожа Али Арғандийнинг қабрлари Бухоро шаҳридан беш фарсах узоқликда жойлашган Зандани мавзеининг Арғандон қишлоғидадир. Зандани Пешкў туманига қарашли.

ҲАЗРАТ ИБРОҲИМ ОҚСОҚ АВЛИЁ

Вобкент тумани, Ғарибшоҳ қишлоғида Ҳазрат Иброҳим Оқсоқ авлиё қадамжолари бор. Бу зиёратгоҳни мазкур қишлоқ фуқароси Садриддин Икромов обод қилмоқда. Садриддин Икромов Иброҳим Оқсоқ авлодлари ҳисобланади.

ҲАЗРАТ ЭШОН ЗИЁРАТГОҲИ

Вобкент тумани, Дилором қишлоғида Ҳазрат Эшон зиёратгоҳлари бор. Ушбу зиёратгоҳ атрофи ўраб олинган, туғ кўтарилган, обод қилинмоқда.

ҲАЗРАТ ДИЛОРОМ ОТА ЗИЁРАТГОҲИ

Вобкент тумани, Дилором қишлоғида Ҳазрат Дилоромота зиёратгоҳи жойлашган. Ушбу зиёратгоҳда туғ кутарилган, атрофи ўраб олинган.

ХОЖА МИРОН МОЗОРИ

Вобкент тумани, Мирбозор қишлоғида Хожа Мирон мазористони бор. Ушбу зиёратгоҳ катта йўлнинг ёқасида жойлашган.

ШАКАРКЕНТВАЛИЙ ЗИЁРАТГОҲИ

Вобкент тумани, Ўбай Калон қишлоғида Шакаркентвалий мазористони бор. Мазористон атрофи ўраб олинган. Ушбу зиёратгоҳда дарвозахона, масжид бунёд қилинган. Туғ кўтарилган.

ҲАЗРАТ ХОЖА БУЛҒОРИЙ

(ваф. 1298)

Ҳазрат Хожа Булғорийнинг исмлари Ҳасандир. “Рашаҳотда” ёзилишича, кутбул восилин, шайхи мажзуби маҳбуб Ҳасан Булғорийнинг муридлари Ҳазрат Шайх Умар Боғистоний бўлганлар. Маълумки, Шайх Умар Боғистоний Ҳазрат Хожа Аҳроп Валийнинг она томонидан катта боболари ҳисобланади.

Ҳазрат Хожа Булғорий Ҳазрат Шайх Шамсиддин Муҳаммад Розийдан, бу зот шайх Ҳусайн Сақонийдан, бу зот Шайх Аҳмад Ғаззолийдан, бу зот Абу Бакр Нассожийдан, бу зот Шайх Абдулқосим Гургонийдан, бу зот Абу Али Котибдан, бу зот Абу Али Рудборийдан, бу зот Шайх Жўнайд Бағдодийдан, бу зот Шайх Сирри Сақатийдан, бу зот Маъруфи Кархийдан, бу зот Довуд Тойидан, бу зот Ҳабиб Ажамийдан, бу зот Ҳасан Басрийдан, бу зот Ҳазрат Али р.а.дан, бу зоти шариф эса Ҳазрат пайғамбар Муҳаммад с.а.в.дан сабоқ олганлар. (“Рашаҳот”, 280-281-саҳифалар)

Ҳазрат Хожа Булғорий Ҳазрат Шайхул Олам Шайх Сайфиддин Бохарзий, Ҳазрат Хожа Ғариб каби буюк зотлар билан ҳамсухбат бўлган эканлар.

“Шайх Ҳасан Булғорий мақомат”ларида ёзилишича, Ҳазрат Булғорий йигирма саккизта авлиёга хизмат этиб, уларнинг суҳбатига мушарраф бўлган эканлар. (“Рашаҳот”, 46-саҳифа)

Ҳазрат Тожиддин Саттожий дейдиларки, Шайх Ҳасан Булғорий менга айтгандилар: “Мен ўз ҳаётим давомида жуда кўп авлиёлар билан ҳамсухбат бўлдим, лекин Хожа Ғарибдай улуғ мартаба, улуғ мақомли авлиёни кўрмадим”.

Шайх Ҳасан Булғорийнинг асл Ватанлари Озарбайжоннинг Нахживон деган жойидадир. Бу зоти шариф йигирма уч яшар бўлганларида Дашти Қипчоқдаги кофирлар кўлига асир тушадилар. Етти йил уларнинг орасида бўладилар. Ўттиз ёшларида кучли жазбага (яъни Аллоҳ таоло ишқига девона) мубтало бўлиб, авлиёлар суҳбатига етишадилар. Тўққиз йил Булғорияда, етти йил Кирмонда, бир йил Мароғайи Табризда, уч йил Бухоройи шарифда бўладилар. Шайх Умар Боғистоний Хожа Булғорийдан Бухорода таълим олган эканлар.

Ҳазрат Шайх Булғорий деган эканларки, ман ўттиз ёшимда илоҳий жазбага мушарраф бўлдим. Замонанинг кутби бўлдим, зеро Ҳазрати Муҳаммад Мустафо с.а.в. нинг қалбларида ман воқеъ бўлдим ва манга бу амрда ҳеч шак йўқдур. Ва андоғки, ул Ҳазрат умрларининг йиллари олтмиш уч эрди ва манинг

умрим ибтидойи жазбадин (яъни жазбанинг бошланишидан) то ҳаётимнинг охиригача олтмиш уч эрди, тамом бўлди (“Рашаҳот”, 281-саҳифа).

Кўриниб турибдики, Хожа Булғорий 93 йил умр кўрган эканлар, лекин шундан уттиз йилини беҳудага ўтганлиги учун умрлари ҳисобига киритмай, фақат 63 йилини умрлари ҳисобига киритган эканлар.

Ҳазрат Хожа Ҳасан Булғорий 1298 йил вафот қиладилар. Муборак қабрлари Табризнинг Сурхон деган қишлоғидадир.

Бухоро шаҳрида Хожа Булғор номли кўча, масжид ва мазор бор. Ушбу мазористон Собиқ Иттифоқ замонида бузилган эди. Тепалик ўрнида айни шу кунларда гулзор қилинган. Яқинда бир савобталаб киши Хожа Булғор гузари кун чиқарида Ҳазрат Хожа Булғор қадамжолари сифатида бир сағана бунёд қилди.

Шайх Умар Боғистоний Ҳазрат Булғорийдан таълим олиб валиюллоҳ бўлдилар. У кишининг ўғиллари Шайх Хованд Тахурга айтган қуйидаги ҳикматлари ибратлидир: “Е Тахур, мулло бўлма, шайх бўлма, сўфий бўлма, ул бўлма, бул бўлма, мусулмон бўл!” (“Рашаҳот”, 282-саҳифа).

ХОЖА ПОРСО

Хожа Порсо номли тепалик, қабр Бухоро вилояти, Пешкў тумани худудидаги чўлда жойлашган. Бу ерда хом ғиштдан бино этилган масжиднинг ярим вайронаси сақланган, Хожа Порсо қабрини фермер Дурон ака обод қилаётир.

ҲАЗРАТ ХОЖА АЛИ АР РОМИТАНИЙ (ваф. 1321)

Ҳазрат Хожа Али ар Ромитаний буюк валиюллоҳ, буюк аллома, улкан мураббий, Хожагон-нақшбандия тариқатининг пири муршиди, қутби замон эдилар.

Бу зоти шариф “Силсилаи шариф” да ўн учинчи ҳалқанинг пири муршиди ҳисобланадилар. Ҳазрат Бухоро вилояти, Ромитан туманининг, Қўрғон қишлоғида туғилган. Ҳазрат бир рубойларида дейдилар:

**Хоҳики ба Ҳақ раси, биё Ромитан,
В-андар талаби дўсти, биё Ромитан!
Хоҳики мадад аз руҳи Азизон ёби,
Пой аз сари худ созу биё Ромитан!**

Таржимаси:

**Ромитанга кел, Ҳаққа етмоқ истасанг,
Ромитанга кел, дўстни тутмоқ истасанг!
Кел, бошингдан оёқ ясаб, аё дўст,
Гар Азизон руҳин шод этмоқ истасанг.**

Манбаларда таъкидланишича, Хожа Али нуроний юзли, ўртача бўйли, барча аъзолари бир-бирига муттаносиб бўлган. Дунё бойлигига ҳеч илтифот этмас, фақирликни улуг давлат деб билардилар.

А. Навоий “Насоимул муҳаббат”да ёзадилар: “Алар (яъни Хожа Али) Хожа Маҳмуд халифасидиндурлар ва силсилада аларнинг таҳаллуси Ҳазрати Азизондур ва аларга олия мақомот ва зоҳира каромот кўп экандур ва тўқимок санъатига машғул бўлур эрмишлар ва Ҳазрат Маҳдумким (яъни Абдурахмон Жомий) “Нафоҳатул унс” китобининг мусаннифидурлар, мундоқ дебтурларким, манга баъзе акобирдин мундоқ истемоъ тушубдурким, ишорат аларгадур. Улки Ҳазрат Мавлоно Румий дебтурларким:

**Гарна илми ҳол фавқи қол будй кай шуди,
Банда аъёни Бухоро Хожаи Нассожро.**

(А.Навоий, 17- том, 255-256-саҳифалар)

Яъни ҳол илми қол илмидан устун бўлганлиги боис Вухоро аҳли Хожаи Нассож (тўқувчи Хожа Алига)га эргашди, тобеъ бўлди.

Маълум бўладики, Хожа Али сабоқни Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдан олган эканлар. Бу зоти шарифнинг таҳаллуслари Хожаи Азизондир.

Мақомотлари олий, кароматлари бисёр, касблари тўқувчи бўлган. Ж.Румийнинг байтларидан маълум бўладики, Хожа Алининг овозалари Румгача (яъни Туркиягача) етган экан ва Румий Хожа Алига хурмат-эҳтиромларини шу байтлар орқали билдирганлар.

Илми ҳол не, илми қол недир? Илми қол - зоҳирий илмлар: Қуръони Карим, Ҳадиси шариф, фикҳ ва бошқа илмлардир. Илми ҳол - ботиний илмдир ёхуд илми ладуний бўлиб, бундай илмни Аллоҳ Ўзи хоҳлаган бандаларигагина ато қилади. Пири муршид юқорида баён қилинган икки илмдан ташқари илми сол ва илми мол эгаси ҳам бўлиши керак. Яъни ёши бир жойга етган, ҳаёт аччиқ-чучугини татиб кўрган, шунингдек, маълум бир касбу корни эгаллаган, ўзи ва муридларни ризқу рўзини мана шу касб орқали топа биладиган, аниқрок қилиб айтганда, бетамаъ бўлиши шарт. Хожа Ориф ар Ревгарий таъбирлари билан айтганда: “Муршид (пир) улдурким, халқни дунёдан ухро (охират)га ва маъсият (гуноҳ)дан тоатга ва хирсдан зухдга ва бахилликдан саховатга ва кибрдан тавозеъга ва ғафлатдан огоҳликка ва ғурурдан парҳезкорликка чорлагай! Ва охират дўсти ва дунёвий зебу зийнат душманига айлантиргай... ва Аллоҳ ғазабидан кўрқиш-тарсокорлик илмини муридларига ўргатгай” (“Орифнома”, 11-саҳифа).

Дарвоқе, бу услуб Ҳазрати пайғамбаримиз с.а.в. услублари эмасми? Рост. Пирларнинг йўли бошқача бўлиши мумкин эмас. Улар ахир Муҳаммад с.а.в. издошлари бўлган!

Али Сайфининг “Рашаҳот”ларида бир ибратли воқеа баён қилинган.

“Силсилаи шариф”даги ўн саккизинчи халқанинг пири муршиди, олим, ориф, валиюллоҳ, Ҳазрат Мавлоно Яъқуб Чархий (ваф. 1447) мурид бўлишни истаб Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд хузурларига келдилар. Ҳазрат Баҳоуддин: “Нега устодликка бизни танладингиз?”- деган саволни берганида, мавлоно Чархий: “Чунки сиз бениҳоя буюк ва тариқатингиз ҳаммага манзурдир!”-деб

жавоб берадилар ҳаяжонланиб. Баҳоуддин бу жавобга эътироз билдириб дейдилар: “Мабода бу гапларни Шайтон васваса этиб кўнглингизга солган бўлса-чи? Бундан асослироқ далилингиз йўқми?” Яъқуби Чархий дейдилар: “Саҳиҳ ҳадисда келибдурким, Аллоҳ севган бандасини ўзгаларга ҳам севдиргайдир”. Бу жавобдан Ҳазрат Баҳоуддин қониқиб табассум этдилар ва дедилар: “Биз Ҳазрати Азизон фарзандларимиз!” Бу гапни эшитиб Ҳазрати Яъқуби Чархийнинг ҳоллари ўзгарди, чунки бундан бир ой олдин у киши туш кўрганди. Тушларида: “Сен Ҳазрат Азизоннинг муриди бўл!” деган овозни эшитгандилар. Бул кароматдан Яъқуби Чархийнинг эътиқодлари кучайиб ўзларининг келажакларини Хожагон-нақшбандия тариқатида кўрдилар. Баҳоуддин Нақшбанд доимо ўзларини Хожаи Азизон издошлари, пайравлари деб билган. Муридлар билан этган суҳбатда кўпинча Хожа Али ҳикматлари, кароматлари, шунингдек, ул зотнинг ҳаётлари ҳақида гапирганлар. Абулмуҳсин Муҳаммад Боқир бин Муҳаммад Алининг “Мақомати Шоҳи Нақшбанд” китобида ёзилганки, Ҳазрат Баҳоуддин дедилар: “Ҳазрат Азизон айтардиларки, ер юзи бу тоифа (яъни авлиёлар) назарида бир дастурхон кабидур. Биз айтамыз ер юзи бу тоифа назарида бир тирноқ каби, уларнинг назаридан ҳеч бир нарса пинҳон эмас. Ҳазрати Азизон неки деган бўлсалар валоят доирасининг кенглигига мувофиқ айтганлар, лекин ориф кўнгли кенглигини асло шарҳлаб бўлмас”.

Хожа Али Ромитаний билан Ҳазрат Баҳоуддин гапларини муқояса этганда, шогирднинг фикри устод фикрига зиддай кўринади. Аниқроқ қилиб айтганда, Баҳоуддин ўзларини Хожа Алидан устун кўяётгандай. Аслида шундайми? Йўқ, асло! Ҳазрат Баҳоуддин пирлари Хожа Али даражалари улуғлигини таъкидлаш учун ўз ҳикматларини кўшган. Айни пайтда Баҳоуддин Хожа Азизон ҳикматларини шарҳлаяптилар, муридларга унинг моҳиятини тушунтираяптилар. Зеро Аллоҳнинг кудрати чексиз. Аллоҳ хоҳлаган қулларига мана шундай кароматларни беради.

Саҳиҳ ҳадисда таъкидланганки, Аллоҳ дейди: “Мен яхши кўрган бандамнинг кўли, кўзи, оёғи бўламан”. Демак валийлар Аллоҳнинг инояти шарофатидан ер юзидаги воқеаларни кўриб, билиб, сезиб турадилар.

Баҳоуддин: “Авлиёлар билан бўлган доимий суҳбат охираат тушунчасини зиёда қилувчи воситадир. Ҳазрат Азизон алайҳир раҳма ва ризвонадан алония зикри (баланд товуш билан зикр этмоқ) ҳақида сўрадилар. Ул зот дедиларки: “Уламоларнинг фикрича, охирги нафасда баланд зикр этмоқ ва талқин қилмоқ вожибдур. Илло дарвеш учун ҳар бир нафас охирги кабидур!” Кўриниб турибдики, инсон ҳар бир нафасини гўё охирги нафас деб билсин. Шу боис ҳалол меҳнат, тоат-ибодат, эзгу ишларга ҳар нафасини сарфласин. Чунки ҳар бир нафас ғанимат.

Ҳазрат Баҳоуддиннинг: “Ҳазрат Азизондан икки хил зикр бизга мерос бўлиб қолди: бири жаҳрия (баланд товуш чиқариб), иккинчиси хуфия (овоз чиқармай). Хуфия зикр кучли ва авло бўлгани боис биз уни қабул этдик”- деганларида ҳам ҳикмат бор. Айни шу кунларда ҳам нақшбандия тариқати муриди муҳиблари ушбу қоидага амал қилаётир, яъни зикр хуфиядир.

“Рашаҳот”да зикр турларига оид савол-жавоб бор. Бир кун шайх Рукниддин Алоиддин Симнони Хожа Али ар Ромитанийга дейдилар: “Сизнинг жаҳрия зикри ила машғул эканлигингизни эшитдик”. Хожа Али дейдилар:

“Оре, биз эса сизнинг хуфия зикр ила машғуллингизни эшитдик. Биз эшитдикми, демак у ҳам жаҳриядур!”.

Икки улуғ зотнинг бу ўзаро суҳбати замирида катта маъно ётибди. Биринчидан, зикр хоҳ жаҳрия, хоҳ хуфия бўлсин - фарқи йўқ, зеро қабул қилувчи Аллоҳ таолодир. Ҳар ким ўз табиати, кўнгил хоҳишига мувофиқ зикр услубини танлайди. Иккинчидан, валийларга зокир (зикр этувчи шахс) ҳоли аёндыр.

Шайх Ҳасан Булғорийнинг муридлари Шайх Бадриддин Ҳазрат Азизондан сўрадилар: “Я аюҳал лазина оманнузкуруллоҳа зикран касиро” “Эй, мўъминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинлар” (“Аҳзоб”, 41- оят) оятидаги зикрни тил ёҳуд дил билан амалга ошириш лозимми?” Ҳазрат Азизон дедилар: “Бошловчилар учун тил, мунтаҳий (охирга етганлар) учун дил зикри ҳисобланади. Мунтаҳийлар дил зикрига етганидан сўнг зикр дил орқали бутун аъзоларга тарқалади ва ҳар бир узв (банд), вужуднинг ҳар бир аъзоси зикрга ғарқ бўлади. Зикрнинг кўпайиши шундан бўлур. Бул мақомда зикр ўзгаларнинг бир ойлик зикрига баробардыр”.

Демак тил зикридан дил зикри фарқ қиларкан. Дил зикрининг даражаси баланд савоби улуғ экан. Дил зикрига етмоқ учун малака, ихлос жадал лозим.

“Ҳақ субҳонаҳу таоло бир кеча кундузда 360 марта раҳмат назари билан мўъмин банданинг қалбига қарайди, деган ҳикматнинг маъноси шуки, - дедилар Ҳазрат Азизон, - одамда 360 томир бор. Қалб зикрга машғул бўлиб, зикрдан мутаассир бўлади ва Аллоҳ назари қалбга тушади ва бу назарнинг асари дилдан барча томирларга жорий бўлади. Ҳар узв (аъзо) тоатга машғул бўлиб, бу тоат нуридан ҳар узв файз олиб, яна қалбга илоҳий файз келади”.

Бир кун Ҳазрат Хожа Алидан сўрадилар: “Иймон надур?” Ул зот дедилар: “Узмоқ ва уламоқдур!” Во ажаб? Нимани узмоқ ва нимаси қаерга уламоқ ҳақида гап кетяпти? Маълумки, тарикат пирлари доимо имо-ишоралар билан гапирганлар. Бу имо-ишоратларни донишманд, аҳли фаросатлар тушунган. Зеро нодонга калтак, донога ишорат, деган халқимиз. “Узмоқ ва уламоқ”дан мақсад шуки солиқ дунёдаги ўткинчи орзу ҳаваслардан, беҳуда хаёллардан кўнглини узсин ва кўнглини Ҳақ таолога боғласин. Шундан кейингигина ҳақиқий иймонга сазовор бўлади, иймон лаззатини татиб кўради. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ҳазрат Азизоннинг касблари туқувчилик бўлган. Тўқувчи ипни узиб, сўнг бир-бирига боғлаб қўйсагина мато ҳосил бўлур. Ҳазратнинг “узмоқ ва уламоқ” ҳикматлари ўз касблари асосида айтилган.

Ҳазрат Азизон: “тавба қилинг!” оятини қуйидагича шарҳлаганлар “Ушбу ояти каримада ҳам ишорат бор, ҳам башорат бордыр. Ишорат тавба этмоққа, башорат эса тавбанинг қабул бўлишигадыр.

Агар Аллоҳ тавбани қабул этмасайди, тавба қилмоққа ҳаргиз буюрмасди.

Ҳазрат Хожа Али дедилар: “икки ҳолатда: овқат тановул қилаётганда ва гапираётганда ўзингизни тута билинг!” Зеро гапираётган одам бемаъни ҳаракат қилса, тингловчиларга ёмон таассурот қолдиради. Унинг ношоиста ҳаракати гапини таъсирсиз қилади. Овқат истеъмол қилаётганда ҳам шошилмоқ оғизни чапиллатмоқ, ёки оғиз тўла овқат билан гапирмоқ кулмоқ одобсизлик ҳисобланади. Овқат емоқдан мурод - унинг қувватини тоат-ибодатга, ҳалол меҳнатга сарфламоқдыр. Шу боис огоҳлик билан овқат ейилиши шарт. Ғафлат билан овқат тановул қилинса унинг қуввати гуноҳ ишларга сарфланаркан.

Огоҳлик бу ризкни берувчи Аллоҳ эканини билмоқ ва унга шукрона этмоқ, инчунин таомни “Бисмилло” айтиб тановул этмоқ. Огоҳлик, бу дукмаи ҳалолни емоқ, шубҳали таомдан сақланмоқдир.

Хожа Али муридларни қай йўл билан тарбия этиш услубини ҳам кўрсатиб берганлар: “Кимки хонақоҳда туриб халқни Ҳаққа даъват этгай, ул киши кушчи (яъни парранда боқар)дай бўлсин. Кушчи ҳар бир парранданинг емиши, одатини билиб, муомала этгай. Муршид (пир) ҳам ҳар бир муриднинг қобилият, истъедодига қараб тарбия этсин. Шундан кейин унинг меҳнати ўз самарасини беради.

Аллоҳ таоло беҳисоб паррандаларни яратгандир. Уларниг яшаш тарзи, емиши, парвози, овози ҳар хил. Агар кабутарга қилинган муомала булбулга этилса, булбул бешак ҳалок бўлур. Чумчукдан бургут парвозини талаб қилиб бўлмас. Одамзот ҳам ҳар хил. Ҳар биринингиз феъли, истъедоди ва фаросати ҳар хил. Муршид шуларни инобатга олиши шарт.

Хожагон-нақшбандия тариқатидаги тарбия шу қадар мукамалки, солиқ адашмасдан даражама даража, мақомдан мақомга беҳавфу хатар ўтади. Солиқ рухий тараққий этиб, Ҳақ таолога яқин бўлади. Чунки “урватул вусқо”-мустаҳкам тутқич, яъни Қуръони Карим оятларига амал этган, пайғамбарона одоб-ахлоқ эгасига айланган киши Ҳаққа етгай. Шу боис Хожа Али: “Агар ер юзида Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг фарзандларидан бири бўлганида эди, Мансур ҳаргиз дор остига бормас эди” - деганлар. Яъни Мансури Ҳаллож вақтларида агар Абдулҳолиқ Гиждувонийнинг шогирдларидан бири бўлсайди, Мансурни тарбиялаб, ул хатарли мақомдан эсон-омон олиб ўтарди ва у дорга осилмас эди.

Хожа Али дедилар: “Йўл бошида турган солиқларга бисёр риёзат чекмоқ, машаққатларни бошдан кечирмоққа тўғри келур, токи мартаба ва мақомга етсунлар. Лекин энг яқин ва мақбул йўл бор, ул зуд мақсуд ва муродга етказур, Бу йўл шуки, ҳар бир солиқ соҳибдил (пири муршид) суҳбатига борсин ва ул ҳалқага кирсин (яъни пирга инобат этсин), пирнинг хизматини қилиб, соҳибдил қалбидан жой олсин. Солиқ билсинки, бу тоифа кишиларга Ҳақ Субҳонаҳу таоло назари тушгандир ва ул солиққа ҳам назардин насиба етгай”.

Ушбу сабоқдан кўриниб турибтики, тариқатда риёзат чекмоқ ва муршидга инобат этмоқ шарт экан.

Хожаи Азизон дедилар: “Туноҳ қилмаган тил билан дуо айтинг, шунда дуонгиз ижобат бўлур. Яъни Аллоҳнинг дўстлари (валийлар)га тавозе ва ниёзмандлик этинг, уларнинг хизматини қилиб, кўнглини топинг, токи улар сизнинг ҳаққингизга дуо қилсинлар!”

Нақл қилишларича, бир кун Ҳазрат Азизоннинг уйларига бир гуруҳ меҳмонлар узоқ мамлакатдан келибди. Ҳазратнинг уйларида егулик ҳеч вақо йўқ экан. Ул зот меҳмонларни очик чеҳра билан кутиб олибдилар ва улар билан ҳол-аҳвол сўрашгандан сўнг дарвозадан ташқарига чиқибдилар. Шунда муридларидан бири - Бобойи таомфуруш катта бир қозонда овқат, дастурхонда нон билан келибди: “Ҳазратим, менинг ушбу ҳадямни қабул айланг” - дебди. Дарҳод меҳмонлар ёнига дастурхон ёзилиб, овқат сузилибди. Меҳмонлар шод бўлиб пирнинг дуоларини олиб йўлга равона бўлишибди. Хожа Али ҳалиги муридларини чақириб: “Менга бул хизматинг манзур бўлди! Тила тилагингни!”-дедилар. Бобо зийрак ва донишманд эди, у: “Ягона бир тилагим

бор. У ҳам бўлса сизга ўхшамокдур!” - деди. Хожа Али дедилар: “Бу мушкул иш. Сен менинг зоҳиру ботинимни кўтара олмайсан. Бу сенга оғирлик қилади. Бошқа тилагингни айт!” Бобо деди: “Бошқа тилагам йўқдур!”

Хожа Али кўлларини дуога очиб: “Ё Аллоҳим, бу бандангни муродига етказ!” - дедилар. Андак муддатдан сўнг муридлар кулбага кириб кўрсалар, икки нафар Хожа Али Ромитаний ўтирган эканлар. Уларнинг сурат ва сийратлари бир хил. Лекин бир ҳафтадан сўнг Бобо бандаликни бажо келтирибди. Чунки бу сурату сийратни кўтара олмаган. Бобонинг қабрлари Ромитан Кўрғонининг устидадир.

“Мақомоти Шоҳи Нақшбанд” китобида ёзилишича, Рамазон ойида бир кун Хожа Азизонни ўн саккиз жойга ифторга таклиф қилибдилар. Хожа ҳаммасига бормоққа ваъда берибдилар ва бир вақтнинг ўзида ўн саккиз жойда бўлиб, ифтор этибдилар.

Ўша асру айёмда яшаган улуғдардан бири Ҳазрат Сайид Ато ҳисобланадилар. Саид Ато Ҳазрат Хожа Али ар Ромитанийга нисбатан одобсизлик этибдилар. Ўша куни ул зотнинг ўғилларини даштдаги босқинчилар ўғирлаб кетибди. Саид Ато этган хатоларини англаб, зудлик билан Хожа Алини муридлари билан бирга уйларига ташриф қилиб, ул зотга кўп ниёзмандлик эгиб, узрлар сўрабдилар. Хожа Али ар Ромитаний: “То Сайид Атонинг ўғли келмаса, биз дастурхондан туз татимагаймиз!” - дедилар. Бир неча дақиқадан сўнг Сайид Атонинг йўқолган ўғиллари кулбага кириб келади. Бул кароматдан даврадагилар ҳайратланиб, ул ўғилдан: “Сиз қаерда эдингиз, қандай келдингиз?” - деб сўрабдилар. У: “Мени босқинчилар олиб кетаётган эди, бирдан уларнинг ҳоли ўзгарди, ҳаммаси ўзи билан ўзи андармон бўлиб қолди. Менинг борлигимни эсидан чиқарди. Мен зудлик билан ортимга қайтдим” - деди.

Муҳаммад Хоразмий Арзангийниинг “Шарҳи Рисолаи Азизон” асарида нақл қилинишича, Хожа Али Ромитаний кечки пайт мато сотиладигайи бозорга бориб, ҳеч ким сотиб олмай қолиб кетган ипакларни сотиб оларканлар. Ўзлари тун бўйи уйнинг бир бурчагида тоат-ибодат билан машғул бўлар, олиб келган ипаклар эса ўз-ўзидан тўкилиб, мато ҳолига келар, бу ишни ғайб эранлари бажарар экан.

Хожа бу матоларни сотиб фойдасини ғариб, етим-есир, толиби илм, дарвешларга берарканлар. (А.Ғиждувоний, “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”, Т. “Янги аср авлоди”, 2003 йил, 44-саҳифа)

Нақл қилинишича, Ҳазрати Азизонга Хоразмга бормоқ ва у ердагиларни дину диёнатга даъват этмоқ ҳақида ишорат бўлди. Ҳазрат бир гуруҳ муридлари билан бирга Хоразмга равона бўлдилар. Хоразм шаҳри дарвозасига етганларида тўрт нафар муридларига дедилар: “Хоразмшоҳ ҳузурига бориб, Бухородан туқувчи бобомиз келганлар. У киши Хоразм шаҳрига кириб шу ерда истиқомат қилмоқчи. Рухсат борми ё йўқ? денглар. Агар шоҳ: “Рухсат!” - деса, дарҳол қоғозга рухсатномани ёздириб, муҳрлаб олинг.”

Дарвешлар шоҳ ҳузурига бориб, ушбу гапларни айтганида сарой аҳли уларнинг устидан роса кулибди: “Дарвешлар кўп содда одамларда, ахир шаҳар дарвозалари ланг очик, киравермайсизларми?”

Бу учун Хоразмшоҳнинг рухсати даркор эмас. Боболарингизга бориб айтинг, Хоразм у кишига пешкаш қилинди, истаган дарвозасидан кириб,

истаган жойларида истиқомат қилишлари мумкин, қанча мато тўқисалар ҳам ихтиёр ўзларида!” - дебтилар. Улар кулиб бўлганларидан сўнг дарвешлар дебти: “Подшоҳи олам, бизга ёзма рухсатнома керак, токи унда муҳрингиз ҳам босилган бўлсин. Пиримиз шундай топшириқ берган!” - дебтилар жиддийлик билан. Бу гапларни эшитиб шоҳу сарой аҳли яна дарвешлар устидан кула бошлабди. Хоразмшоҳ кула-кула: “Бу тўрт дарвешга тўртта бир мазмундаги рухсатнома ёзиб беринг. Мен муҳрми босаман. Токи улар бемалол Хоразмга кириб, то ўла-ўлгунча истиқомат қилсунлар!” - деб, тўртта рухсатномага муҳр босиб берибди. Ушбу рухсатномаларни олиб Ҳазрат Хожа Али Хоразмга кирибдилар ва бир ҳовлини ижарага олиб, тўқувчилик дастгоҳини ўрнатиб, муридлари билан ишлай бошлашибди. Матоларни бозорга сотгандан сўнг мардикор бозорига бориб, беш нафар мардикорни уйга олиб келибдилар. Мардикордар: “Тақсир, лой қорайликми, ғишт терайликми?” - деганларида, Ҳазрат Азизон уларга: “Ҳамма нарсанинг калити бор. Жаннатнинг калитини биласизларми?” - деб сўрабдилар. Улар: “Йўқ, тақсир!”- дейишибди, Хожа Али: “Жаннат дарвозалари калитини қўлларингизга тутқазсак, оласизларми?”- дебтилар. Улар чин дилдан: “Ҳа, тақсир!”- дейишади, Хожа Али дейдиларки: “Жаннатнинг калити намоздур! Лекин намознинг ҳам калити бор. Уни биласизларми? У таҳоратдур!” Улар: “Бизга ҳар иккала калит ҳам даркор экан” - дейдилар. Шундан сўнг Ҳазрат Азизон ул мардикорларга пешингача таҳорат қоидаларини ўргатадилар. Пешин намозини адо этгандан сўнг намознинг фарзу суннатлари, вожибларидан сабоқ берадилар. Намознинг шарофатидан амри маъруф этадилар. Хуллас, мардикорлар уч маҳал овқатни еб, келишилган пулни олиб, асрдан сўнг уйларига равона бўладилар. Ҳазрат уларга: “Эртага биродарларингиз билан бирга келинглар, яна хизмат бор!”- дейдилар. Эртаси улар ўн киши бўлиб келади. Қисқаси, аста-аста Хожа Али атрофларида бир неча минг киши йиғиладиган бўлди. Уларнинг қалбига илоҳий нур иниб, ҳаммалари Хожа Алига мурид бўлдилар, тоатли, тақводор бандаларга айландилар: Ҳам касбу ҳунар ўрганиб, ҳам шариат аҳкомларидан сабоқ олиб, кундан-кунга неъматлари зиёда бўла бошлади.

Сохта олим, шуҳратпараст шайхларнинг ҳасади келиб, Хожа Али ҳазратлари устларидан Хоразмшоҳга шикоят этадилар. Улар: “Олампаҳо, юрт нотинч бўлаяпти. Айрим кишиларнинг танобн тортилмаса, тожу тахт хатарда!”- дейишади. Шоҳ: “Хўш, ул бузғунчи ким?” - деб сўраганда, улар дейишади: “Хожа Али Ромитанийдурким, Бобойи Бухоройи номи бирлан машҳур. Ул Бобо юрт осойишталиги, салтанатга хатардир!” Ушбу гапдан шоҳ қаҳ-қаҳ отиб кулибди: “Ахир, у мункиллаб қолган чолнинг қўлидан не иш келарди. У тун-кун тўқувчилик этиб юрибди. Менинг хуфияларим ҳамма вақт Хожа Алининг хонақоҳида кўз-кулоқ бўлиб турибди. Хожа Алининг оғзидан салтанатга қарши бирор оғиз гап чиққани йўқ. Сизлар бисёр ваҳима бўлибсиз. Хожа Алида на кучу қувват, на қурол-аслаҳа, на тожу тахтга даъво бор!” Шоҳнинг бу гапдарига ҳасадгўйлар эътироз билдириб дейишади: “Олампаҳо, сизнинг аскарларингиз сонидан Хожа Али муридларининг сони ўн баробар бисёрдур. Хожа Али бир ишорат этса, муридлари қуролланиб, тожу тахтни эгаллаши ва истаган кишига уни бериши мумкин!”.

Хоразмшоҳга уларнинг бу далиллари таъсир этибди ва дебди “Хўш, тадбир не?” Улар: “Олампаҳо, Хожа Алига, энди Бухорога қайт, дейилса олам

гулистон. Амри подшоҳ вожибдур. У Бухорога муридлари билан бирга равона бўлгай. Қарабсизки, юрт хавфу хатардан қутулгай!” - деб маслаҳат берадилар. Бу тадбир шоҳга манзур бўлади-ю, Хожа Али ҳузурларига навкарлар юборади. Хожа Али ул навкарларга бундан бир неча йил муқаддам Хоразмшоҳ муҳр босиб берган рухсатномани бериб, дейдилар: “Ушбу рухсатномани Хоразмшоҳга кўрсатинг, агар муҳр у кишиники бўлса, бизни Хоразмдан ҳайдамоққа ҳеч кимнинг ҳуқуқи йўқ. Агар муҳр у кишиники бўлмаса, биз ҳозирок Хоразмни тарк қилурмиз!”. Хоразмшоҳ ўзи берган рухсатномани кўриб, Хожа Али ар Ромитанийнинг кароматларидан ҳайратланади ва дарҳол Хожа Али ҳузурларига яёв бориб, ул зоти шарифдан узр сўраб, Ҳазратга мурид бўлиб, рост йўлдаги солиқлар сафидан жой олади.

Хожа Али ар Ромитанийнинг “Рисолаи Азизон” номли асарлари бор. Бу китобни форс-тожик тилидан ўзбекчага нақшбандийшунос олима Гулчеҳра Наврўзова ва И.Қосимовлар таржима қилиб, 1994 йил Бухорода чоп этдилар. Сайид Нафисийнинг таъкидлашича, Хожа Алининг “Маҳбубул орифин” номли китоблари ҳам бўлган.

“Рашаҳот”да Хожа Али қаламларига мансуб шеърлар ва ул зоти шариф шарҳлаган айрим байтлар келтирилган: бир кун Ҳазрат ҳузурларида бир киши қуйидаги байтни ўқийди:

Ошиқон дар даме ду ийд кунанд,

Таржимаси:

Ошиқлар ҳар дамда икки ҳайит қилурлар (яъни икки ҳайитни нишонлайдилар).

Хожа Али дедилар:

Ошиқон дар даме се ийд кунанд.

Таржимаси:

Ошиқлар ҳар дамда уч бор ҳайит қилурлар.

Асҳоблар: “Ушбу мисрани бизга шарҳлаб беринг” - деб илтимос қиладилар, Ҳазрат айтадилар: “Банданинг бир ёдкарди, Аллоҳнинг икки ёдкарди орасидадур. Аллоҳ таоло аввал бандани ёдлаб, унга тавфиқ беради ва сўнг банда Аллоҳни ёд қилади, кейин банданинг ёдкарди Аллоҳнинг қабул шарафига мушарраф бўлгай. Биринчи ҳайит - Аллоҳнинг бандага тавфиқ ато этиб ёд этмоқидир. Иккинчи ҳайит - банда тавфиққа келиб, Аллоҳни ёдлаши, учинчи ҳайит - банданинг ёдкардини Аллоҳ қабул этмоғидир.

Буни кўрингки, бошқалар учун йилда иккита ҳайит бўлса, Аллоҳнинг ошиқлари учун ҳар дамда уч ҳайит бор экан. Хожа Алининг бу кашфлари XXI асрда ҳам ибратдир.

Қуйидаги ҳикматлар ва шеърлар Хожа Али ар Ромитаний қаламларига мансуб: - Биродаринг ҳақиға бегуноҳ тил билан дуо қил, шунда сенинг дуонг рад бўлмайди. Яъни сенинг тилинг унинг ҳақиға гуноҳ қилмаган, унинг тили

сенинг ҳақингга гуноҳ қилмаган бўлади. Биродарнинг биродар ҳақида қилган дуоси шу тарзда бўлиши керак.

- Дунё ва охират икки опа-сингилга ўхшайдур. Бир киши бир вақтда опа-сингил билан никоҳ қура олмайди. Дунё ва охират севгиси ҳам бир қалбда жой бўлолмайди. Ҳолбуки, иккови ҳам махлуқ. Шундай экан, Яратувчи билан яратилмишга бўлган севги бир жойда жамланмайди.

- Банда ҳеч қачон Аллоҳ бўла олмайди, лекин Аллоҳнинг сифатлари билан сифатланади, холос.

-Хожа Али ар Ромитанийнинг ўғиллари Хожа Иброҳим отасидан сўради: “Мансури Ҳаллож “Анал ҳақ” (Мен Ҳақман) деди, уни шу гапи учун қатл этдилар. Боязид Бастомий: “Хирқам ичида Аллоҳдан бошқа ҳеч кимса йўқ!”- деди, унга бу гапи учун ҳеч нарса айтмадилар. Бунинг ҳикмати не?” Хожа Али дедилар: “Мансури Ҳаллож “ман”ликни, Боязид Бастомий эса “йўқ”ликни илгари сурди. Шу боис Мансур мусибатга йўлиқди. Боязид омонликда қолди.”

**Бечора дилам, ки ошиқи рўйи ту буд,
То вақти субҳ дўш дар кўйи ту буд.
Чавғони сари зулфи ту аз ҳол то ҳол
Мебурдашу ҳамчунонеки гўйи ту буд.**

Таржимаси:

**Бечора дилим ошиқи рўйинг эрди,
То субҳгача муқими кўйинг эрди.
Чавғони зулфингга ҳоддйн ҳолга
Элтар дилим, дил мисоли гўйинг эрди.**

**Чун зикр ба дил расад, дилат дард кунад,
Он зикр буд, ки мардро фард кунад.
Ҳар чанд, ки хосияти оташ дорад,
Лекин ду жаҳон бар дили ту сард кунад.**

Таржимаси:

**Гар зикр дилга етса, дилинг дард қилгай,
Ул зикр эдики, мардни фард қилгай,
Ҳарчандки зикр хосияти оташдур,
Лекин икки жаҳонни дилингда сард қилгай.**

**Бо ҳар ки нишасгиву нашуд жамъ дилат,
Ваз ў нарамид захмати обу гилат,
Аз суҳбати вай агар табарро нақуни,
Ҳаргиз накунад руҳи Азизон биҳилат.**

Таржимаси:

Биров билан суҳбат этдинт, ҳар сафар-

**Қалбинг ғаш бўлди-ю, суҳбат бесамар.
Азизоннинг руҳи кечирмас сени
Ундайлар ёнидан қочмасанг агар.**

Ушбу қитъа ҳам Хожа Алиники ҳисобланади:

**Нафас мурғи муқайяд дарун аст,
Нигоҳдораш, кихуш мурғест дамсоз.
Зи пояш банд бигсил то бипаррад,
Ки натвони гирифтган баъди парвоз.**

Таржимаси:

**Жонинг вужуд ичра қамадган қушдир,
Ғанимат бил, уни асрагид ҳар он.
Оёгидан боғлаб қўймасанг агар
Учиб кетса, қайтиб келмагай, инон.**

Хожа Алининг “Рисолаи Азизон” китобларида қуйидаги рубоий келтирилган:

**Эзид чу бино кард ба ҳикмат тану жон,
Дар ҳар узве маслаҳате кард ниҳон.
Гар муфсидате надида буди зи забон,
Маҳбус намекард ба зиндоне даҳон.**

Таржимаси:

**Ул Аллоҳким тану жонни яратди,
Ҳар аъзони бир хизматга қаратди.
Тилда иллат кўрди-ю этди тутқун,
Оғиз - зиндон, тилни анда қаматди.**

Ҳазрат Азизоннинг шеърларида чуқур маъно бор. Шу охириги қитъа маъносига диққат этайлик. Ҳазрат деяптиларки, инсон икки нарсадан иборат: бири-вужул, бири-руҳ. Вужуд тупроқдан, руҳ эса илоҳий. Аллоҳ инсон вужудида ҳар бир аъзони яратиб, унга бир вазифани буюрди, яъни кўзга кўрмоқни, қулоққа эшитмоқни ва ҳоказо. Дарҳақиқат, кўзга эшит, қулоққа кўр, оёққа ол, десак, бу аъзолар юқоридаги буйруқларни бажаришга ожиз. Чунки Аллоҳ уларга насиб этган вазифаларнигина бажара олади. Хожа Али таъкидлаяптиларки, агар дунёдаги барча ёмонликлар, гуноҳлар тилдан содир этилмаганда эди, Аллоҳ тилни оғиз зиндонида қамаб қўярмиди?

Буни кўрингки, ўттиз икки соқчи - ўттиз икки тиш тилнинг посбони. Бу ибрат, ҳикмат. Зеро “Барча бало тилдандир” дейилади ҳадиси муборақда. Дарҳақиқат, бизни дорнинг остига олиб борувчи, балога гирифтор этувчи тилдир. Агар биз тилимизни эҳтиёт қилсак, икки дунёда саодатманд бўламиз.

Маълум бўлаяптики, Хожа Али тўрт мисра шеърда бир олам маънони жо қилгандир.

Манбаларда ёзилишича, Ҳазрат Хожа Али Ромитаний 130 йил умр кўрганлар. “Рашаҳот”да Хожа Али вафотларига бағишлаб ёзилган ушбу байтлар бор:

**Ҳафтсаду понздаҳ зи хижрат буд,
Бисту ҳафтум зи моҳи Зулқаъда.
Ки Жунайди замону Шиблий вақт
Зин саро рафт бар сари парда.**

Яъни замонанинг Жунайди, вақтнинг Шиблийси ҳисобланмиш Хожа Али хижрий 715 йил, Зулқаъда ойининг 28 куни вафот қиладилар. Бу сана мелодий 1310 йилга тўғри келади. “Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”да эса Хожа Али 1321 йил вафот қилганлар, деб ёзилган.

Барча манбаларда Хожа Али Ромитанийнинг табаррук қабрлари Хоразмда машҳурлиги ҳақида хабар берилади. 1998 йил биз бир гуруҳ , бухороликлар (Жонмуҳаммад Гулов, Нуриддин Бозоров ва камина) Хоразмга, шунингдек, Кўҳна Урганчдаги қадамжо, қабрлар, тарихий обидаларни зиёрат этишга бордик. Дарҳақиқат, Ҳазрат Хожа Али ар Ромитанийнинг қабрлари Кўҳна Урганчда экан. Маълумки, ҳозир Кўҳна Урганч Туркменистон республикасининг Тошҳовуз вилоятига қарайди. Қадимда Кўҳна Урганч ва Хоразм бир мамлакат бўлган. Кўҳна Урганчдаги бу табаррук зиёратгоҳ “Уч юз олтмиш пир” зиёратгоҳи деб аталаркан. Ушбу ердаги Ҳазрат Хожа Али ар Ромитаний (Азизжонбува) қабрлари устида улкан мақбара бўлган. Лекин йиллар ўтиши билан бу мақбара зах таъсирида вайрон бўлган. Айни шу кунларда Ҳазрат Хожа Азизон қабрлари устида гўзал мақбара бино қилинган. Ҳазратнинг қабрлари устида қават-қават гиламлар, матолар ташланган. Бу зиёратчиларнинг Ҳазратга эҳтироми. Чунки Хожа Али тўқувчиларнинг пири ҳисобланадилар.

Хожа Али ар Ромитанийнинг иккита ўғиллари бўлган: Хожа Муҳаммад (Хожа Хурд), Хожа Иброҳим.

Хожа Али ар Ромитанийнинг тўртта машҳур халифалари бўлиб. ҳаммаларининг исмлари Муҳаммад эди: Хожа Муҳаммад Кулоҳдўз, Хожа Муҳаммад Ҳаллож, Хожа Муҳаммад Бовардий, Хожа Муҳаммад Самосий.

Ромитанийнинг Қўрғон қишлоғида Хожа Алининг қадамжо зиёратгоҳлари бор. Ушбу зиёратгоҳда янги масжид, меҳмонхона, ҳовуз, дарвозахона бунёд этилди. Хожа Али ар Ромитаний зиёратгоҳлари Қўрғоннинг қибла томонидадир.

ХОЖА МУҲАММАД (ваф.1321)

Хожа Муҳаммад Ҳазрат Хожа Али ар Ромитанийнинг биринчи ўғиллари бўлиб, Хожа Хурд номи билан машҳур. Хожа Муҳаммад ўз замонасининг алломаси бўлган. Лекин Хожа Али бу ўғилларига эмас, балки иккинчи ўғилларига иршод хати берганлар. Кўпчилик бундан таажжубланган. Лекин Хожа Али вафот қилганларидан сўнг, андак фурсатдан кейин Хожа Муҳаммад

ҳам бу фоний оламни тарк қилганлар. Бу ҳолни Хожа Али ар Ромитаний каромат орқали билган экан.

ХОЖА ИБРОҲИМ (ваф. 1390)

Хожа Иброҳим ўз замонасининг улуг алломаси бўлиб, Ҳазрат Хожа Али ар Ромитанийнинг иккинчи ўғиллари ҳисобланадилар. Хожа Иброҳим тариқат сабоғини Хожа Али ар Ромитанийдан олганлар. Хожа Али Хожа Иброҳимга иршод хати бериб, муридлар тарбиясига ижозат этган.

ХОЖА МУҲАММАД КУЛОҲДЎЗ

Хожа Муҳаммад Кулоҳдўз Хожа Али ар Ромитанийнинг биринчи халифалари бўлиб, қабрлари Кўхна Урганчдадир.

ХОЖА МУҲАММАД БОВАРДИЙ

Хожа Муҳаммад Бовардий Хожа Али ар Ромитанийнинг иккинчи халифалари ҳисобланадилар. Бу зоти шарифнинг қабрлари Кўхна Урганчда.

ХОЖА МУҲАММАД ҲАЛЛОЖ

Хожа Муҳаммад Ҳаллож Хожа Али ар Ромитанийнинг учинчи халифаларидурлар. Хожа Муҳаммад Ҳалложнинг муборак қабрлари Балхдадир.

БОБОЙИ ТАОМФУРУШ ЗИЁРАТГОҲИ (XIII аср)

Ҳазрат Бобойи Таомфуруш зиёратгоҳлари Ромитан туманининг Қўрғони устидадир. Ҳазрат Бобойи таомфуруш Ҳазрат Хожа Али ар Ромитанийнинг муридлари бўлган. (У кишининг воқеаси Хожа Али ар Ромитаний бобида кел тирилган).

Маълумки, Бухоро вилоятига қарашли Ромитан туманида жойлашган Қўрғон қадимий шаҳар бўлган. Қўрғон тарихи ҳақида буюк тарихчи Муҳаммад Наршахий “Бухоро тарихи” китобларида маълумот берган: “Бу катта бир кўхандзга эга ва мустаҳкам қишлоқ бўлиб, Бухородан қадимийроқдир”. (Наршахий, “Бухоро тарихи”, 98-саҳифа). Қўрғонда қадимда подшоҳлар истиқомат қилган экан. Баъзи бир манбаларда қўрғонни “Бухоро” деб атаган эканлар.

Қўрғонни Афросиёб бино қилган. Афросиёб ўз куёви Эрон шоҳининг ўғли Сиёвушни ўлдиради. Шундан сўнг отасининг ўчини олмоқ учун Кайхусрав лашкар тўплаб Қўрғонга келади. Кайхусрав бобоси Афросиёбни енгади ва Афросиёб ўлдирилади. Наршахийнинг ёзишларича, Афросиёбнинг қабри Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир - Имоми Ҳожатбарор дафн қилинган тепалик ёнидаги тепаликда бўлган.

“Бухоро тарихи”да ёзилишича, биринчи оташкадани Кайхусрав Ромуш ҳисорида бино қилган экан. Бу оташпарастрларнинг Бухородаги энг қадимий ибодатхонаси бўлган.

Муҳаммад Наршахийнинг айтишларича, Афросиёбу Кайхусрат. воқеаларига уч минг йил бўлган. Демак Ромитан Қўрғонининг қурилган вақти тўрт минг йилдан ошади.

Ҳазрат Бобойи Таомфуруш эса XIII асрда яшаб ўтгандар. Аини шу кунларда Қўрғон вайроналари сақланган. Унинг устида битта қадимий жомеъ ва Ҳазрат Бобойи Таомфуруш зиёратгоҳлари бор. Зиёратгоҳда туғ кўтарилгандир.

ҲАЗРАТ ХОЖА МУҲАММАД БОБОЙИ САМОСИЙ (1259-1354)

Ҳазрат Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий соҳибкаромат валиюллоҳ, буюк аллома, Хожагон-нақшбандия тариқати “Силсилаи шариф”даги 14-халқанинг пири муршиди, атоқли тарбиячи эдидар.

Бу зоти шариф 1259 йил Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги Самос қишлоғида туғилиб, тариқат сабоғини Ҳазрат Хожа Али ар Ромитанийдан олганлар.

Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг касблари дехқончилик бўлган. Бобойи Самосий ҳақларида Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”, Мавлоно Шаҳобиддиннинг “Мақомоти Сайид Мир Кулол”, Жомийнинг “Нафоҳатул унс”, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин” ва бошқа манбаларда маълумотлар берилгандир.

Ҳазрат Бобойи Самосийнинг жуда кўп мурид, шогирд, издошлари бўлган. Лекин энг етуги кўйидагилардир: Хожа Муҳаммад Сўфий, Хожа Маҳмуд Самосий, (бу зот Ҳазрат Бобойи Самосийнинг ўғиллари ҳисобланади), Ҳазрат Мавлоно Али Донишманд, Ҳазрат Сайид Мир Кулол.

“Тухфат аз зоирин”да Хожа Муҳаммад Сўфийнинг қабр жойлари ҳақида ёзилган: “Сухор қишлоғидаги тепалиқда Қулбобо Кўкалдош (XVI аср) қурдирган масжиднинг ёнида Муҳаммад Сўфийнинг қабрлари жойлашгандир”. Ҳазрат Сайид Мир Кулолнинг ҳам қабрлари Сухорда, лекин Ҳазрат Мавлоно Али Донишманд ва Бобойи Самосийнинг ўғиллари Хожа Маҳмуд Самосийнинг қабрлари туғрисида маълумот берилмаган.

Ҳазрат Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий 1354 йил Самос қишлоғида вафот қилганлар. Истиклол шарофатидан зиёратгоҳ обод қилиниб, бу ерда ҳовуз, жомеъ масжид, мақбара, меҳмонхона, қудуқ қайта бунёд қилинди.

“Мақомоти Сайид Мир Кулол”да ёзилишича, Ҳазрат Мир Кулол Ромитанда кураш тушар, Ҳазрат Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий эса хаёлга ботган ҳолда девор соясида ўтириб, майдондагиларни томоша қилардилар. Шу пайт маҳрамлардан бири сўрайдики: “Эй, Маҳдум! Бу одамлар бидъат иш ила машғул, сиз эса ҳайратланиб томоша қиляпсиз. Ваҳоланки алардан нафратланмоғингиз лозим!” Бобойи Самосий: “Эй, фарзанд! Бу майдонда бир мард борки, ўзи сайидзода (яни пайғамбаримиз с.а.в. авлодлари) бўлиб, анинг суҳбатидан барча комил инсонлар баҳраманд бўлгусидир. Биз шу мардни кутиб ушбу ерда турибмиз, зеро унинг парвози ғоят баланд, мақоми ҳам олийдур” дейдилар.

Баногоҳ Сайид Мир Кулол назарлари Бобойи Самосийга тушиб, ошиқ ва ошуфта юрак Ҳазрат бобо тўрига сайд бўлади ва майдонни тарк этадилар. Бобойи Самосий Сайид Мир Кулолни фарзандликка қабул этиб, ул зотга

тариқат одобидан сабоқ бера бошлайдилар. Шу кундан эътиборан Сайид Мир Кулол қайта кураш майдонига чиқмадилар.

Нақл қилинишича, Самос қишлоғида икки гуруҳ орасида низо чиқибди ва охирида муштлашибдилар. Натижада бир кишининг тиши синибди. Жабрланган томон тишимиз хунбаҳосини ундириб оламиз, деб ҳокимга арз қилмоқчи бўлибди. Шунда орадан бир киши: “Бобойи Самосий ҳазратларига мурожат этайлик, ул зоти шариф не десалар шуни қилайлик. Зеро у кишидан маслаҳат олмай ҳокимга бориш гуноҳ бўлур!”- дебди. Унинг бу фикри ҳаммага маъқул келибди. Ҳазрат Бобойи Самосий синган тишни олиб Мир Кулолга берибдилар ва дебдилар: “Эй, фарзанд! Сиз шундай бир иш қилинганки, орадаги низо йўқолсин!”. Мир Кулол жабрдийда оғзига тишини ўрнатиб, Аллоҳ таолодан мадад тилаб, дуо қилибди. Тиш асли ҳолидай бўлиб қолибди. Бу ҳолни мушоҳада этиб, икки гуруҳ бир-бири билан дарров ярашибди ва тавба этиб, Ҳазратнинг муридлари бўлибди.

Ушбу икки нақлдан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: Ҳазрат Сайид Мир Кулол паҳлавон бўлганлар ва ёшлиқларида кураш тушарканлар. Зеро мўъмин киши ҳам жисман, ҳам руҳан бақувват бўлиши керак. Сайид Мир Кулол пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. авлодлари эдилар, шу боис Ҳазрат Бобойи Самосий ул зоти шарифни “сайд” қилиб, ўз тарбияларига олмоқчи бўлдилар. Ҳазрат Бобойи Самосий бир назар билан Сайид Мир Кулолнинг ботинларини ўзгартирадилар ва ўз тасарруфларига киритадилар. Бу Бобойи Самосийнинг кароматлари эди. Бобойи Самосий фаросат билан Сайид Мир Кулолнинг келажакда дину диёнат йулида этажак буюк хизматларини билдилар ва у кишидаги улуғ кучу-қувватни одамларни йиқитишга эмас, балки одамларнинг маънавий оламини, ботини, (ички оламини) тиклашга сарфлашга йўналтирдилар. Дарвоқе, паҳлавонларни йиқитмоқ, бу - мақтагулик ҳунар эмас балки йиқилганларни турғизмоқ, адашганларни туғри йўлга солмоқ, гумроҳларни огоҳ этмоқ, жарга қулаш арафасида турганларни, гуноҳ ботқоғига ботганларни қутқармоқ ҳунардир.

Иккинчи нақлдан олинадиган хулоса шуки барча тариқат пирлари доимо низо-жанжалларни бартараф этишга бор кучу-қувватларини сарфлаганлар. Зеро халқимизда бир нақл бор: “Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ йил файзу барақа учади.” Пирлар жамоалар орасидаги, давлатлар орасидаги низоларни қурол ишлатиш йўли билан эмас, панду-насихат, амру маъруф, наҳий мункар этиш йўли билан бартараф қилганларини эслатиб ўтишимиз жоиздир.

Зеро муштлашмоқ, қурол ўқталмоқ бу жоҳил, қалб кўзи кўр кишиларнинг тадбири. Тариқат пирлари қалб кўзи очик зотлар бўлиб, маърифат зиёсини тарқатганлар. Жумладан, Ҳазрат Бобойи Самосий ҳам маърифат йўли билан низо йўқотиб, икки душман томонни бир-бири билан дўст этдилар. Албатта бунда Ҳазрат Сайид Мир Кулол ва Бобойи Самосийнинг кароматлари ҳам намоён бўлди. Ушбу кароматнинг шарофатидан икки муҳолиф томон ярашди. Каромат - Аллоҳ таолонинг бирлиги ва борлигига авом, бесавод одамларни ишонтирмоқ воситасидир. Шу боис Аллоҳ таоло ўз дўстлари, яъни авлиёларга каромат берган.

Дарвоқе, ХХІ асрда медицина ривожланди, кўплаб дардларга даъво топилди. Лекин олинган тишни қайта жойига қўйиб асл холига қўймоққа ХХІ аср медицинаси ҳам ожиз. Тўғри олтин, кумуш, пластмасс ва бошқа

нарсалардан ҳар хил сунъий тишлар яратилган, аммо у тишлар таъм, мазани сезмайди, табиий тишдай була олмайди.

Синган тишни қайта жойига қўйиб, уни асл ҳолига келтирмоқ фақат Аллоҳ таолонинг қўлидан келади, банда бу ишни этмоққа ожиз! Аллоҳ дўстларининг шарофатидан синган тишни асл ҳолига келтирди.

“Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”да ҳам Ҳазрати Бобойи Самосий кароматларини кўрсатувчи яна бир неча воқеалар баён қилингандир: Алоиддин Аттор нақл қилурларки, Ҳазрати Хожамиз Баҳоуддин дер эканлар: “Бу фақирга Ҳақ Субҳонаҳу таолонинг иноятларидан бири - гўдаклигимда буюк шайх Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий иазарларига мушарраф бўлдим ва ул зот мени фарзандликка қабул қилдилар. Бобо бир кун Қасри Ҳиндувондан ўтаётганларида: Бу кишлокдан бир эр иси келадур, - деган эканлар. Тез орада шу мард барокатидан Қасри Ҳиндувон Қасри Орифон бўлгай”. Маълум вақт ўтгандан сўнг Бобойи Самосий ўз халифалари Сайид Мир Кулол билан Қасри Ҳиндувондан ўтаётганларида Хожа Бобойи Самосий дедилар: “Ул ҳидки бизнинг димоғимизга етишган эрди, зиёд бўлибдур, ҳамонки ул эр дунёга келибдур”. Дарҳақиқат ўшанда Ҳазрат Хожамиз таввалуд топганларига уч кун бўлган экан. Ҳазрат Хожамизнинг боболари Ҳазрат Самосийнинг муҳиблари эдилар. Ул зотнинг кўнгилларидан невараларини Ҳазрат Бобойи Самосий ҳузурларига элтиш нияти ўтди ва ниёзмандлик ила Ҳазрат Хожамизни Бобонинг ҳузурларига элтдилар. Бобойи Самосий: “Бу гўдакни биз фарзандликка қабул этдик. Биз хидини тўйган эр шудир. Умид улки, бу фарзандимиз рўзғор муқтадоларидан бўлгай!” - дедилар, сўнг Сайид Мир Кулолга хитоб қилиб айтдилар: “Фарзандим Баҳоуддиндан шафқат ва меҳрингни дариг тутмагайсан. Агар бу ишда тақсир этсанг, сени асло кечирмасмен”.

Шундан сўнг Ҳазрат Хожамиз ботинларида бир нур пайдо бўлди ва болаликдан ажойиб ва ғаройиб кароматлар содир бўла бошлади ва алҳамдулиллоҳ, шу замондан бошлаб Ҳазрат Хожамизда Бобойи Самосийнинг муборак нафаслари аломатлари кўрина бошлади.

Ҳазрат Баҳоуддин оналари хикоя қилдилар: Фарзандим Баҳоуддин тўрт яшарлигида деди: “Яқинда сигиримиз пешонаси кашқа бузоқча туғади”. Дарҳақиқат, бир неча кун ўтгандан кейин худди шундай бузоқ туғилди ва ҳамма иқроор бўлдики, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийнинг нафаслари фарзандимда зухур этибди”.

Ҳазрат Баҳоуддин дейдилар: “Ёшим ўн саккизга етгач, мен фақирни ўйлантirmoқчи бўлдилар ва бобом мени Самосга - Хожа Бобойи Самосий ҳузурларига юбордидар, Токи Ҳазрат Хожа Бобонинг муборак қадамлари бизнинг манзилга етсин ва бу маросим ул зот назари поклари остида ўтсин. Ҳазратнинг нуроний дийдорлари менга насиб этди. Биринчи каромат ўша кечаси ниёзмандлик ва тамом тазарруъ билан Ҳазрат пиримнинг суҳбати шарифларидан пайдо бўлган эди: ўрнимдан турдим ва ҳазрати пиримнинг масжидларига бордим, унда икки ракаат намоз ўқидим ва бошимни саждага қўйиб тамоми ниёзмандлик ила ўз-ўзимга дедимки: “Илоҳо, бало юкингни кўтармоққа менга қувват бер ва муҳаббатинг меҳнатини чекмоққа ўзинг таҳаммул ато айлагайсен!”.

Бомдод вақти Ҳазрати Бобо ҳужраларида ҳозир бўлганимда ул зот менинг кўнглимдан кечган дуойи каромат ила пайқаб, дедиларки: “Эй, фарзанд, дуони бундоқ қилмайдурлар, балки: Илоҳо сенинг ризоинг недур - анда мени тут! дерлар. Чунки Аллоҳ таоло ўз ҳикмати билан дустларидан бирига балое юбормоқчи бўлса, ўз инояти билан ул балони кутариш қувватини ҳам ато этгай ва бунинг ҳикматини унинг ўзига зоҳир айлагай. Ихтиёр ила бало сўрамоқ жоиз эрмас, бу густоҳликдур!”

Андин сўнг таом ҳозир қилинди. Ҳазрат тановулдан сўнг менинг қўлимга нон тутқазиб: “Буни эҳтиёт қилиб тут!” дедилар. Шунда менинг хаёлимда: Ҳозир-ку тўйиб овқатландик, бу нонга не зарурият бор эркан?” - деган фикр кечди. Ҳазрат Хожа Бобойи Самосийга кўнглимдан кечган фикр аён бўлди ва менга дедилар: “Бу нонни эҳтиёт қил. Беҳуда фикрларни кўнглингдан чиқариб ташла, хаёлингни паришон этма, уни жиловлаб тур!”- дедилар.

Шундан сўнг бир дарвеш кулбасига етдик. Ул дарвеш Ҳазрат Хожа Бобони бениҳоя хурсандлик ва ниёзмандлик ила кутиб олди. Кулбага киргач, дарвеш чехрасида изтироб пайдо бўлди. Ҳазрат дедиларки: “Рост айтгил, изтиробинг боиси недур?” Ул ниёзмандлик ва хижолат билан деди: Уйда сут бисёр, лекин нон йўқдур. Хожа Самосий менга ишорат қилиб дедилар: “Нонни дастурхонга қўйгилки, иш берди!” Алҳақ шул воқеалардан сўнг менинг Ҳазрати пиримга бўлган муҳаббатим чандон зиёда бўлди...

Ҳазрат Хожа Бобойи Самосий Қасри Орифонга келдилар ва ўзлари совчиликка бордилар. Қуда тараф Ҳазратнинг райъларини қайтармадилар ва мен уйландим”.

Ушбу нақллардан маълум бўлаяптики, Ҳазрат Бобойи Самосийнинг дуолари, назарларининг шарофатидан Ҳазрат Баҳоиддин ботинлари нурга тўлиб, болаликдаёқ турли кароматлар ул зоти шарифдан пайдо бўлган экан. Ҳазрат Баҳоиддинни уйлантиришда Ҳазрат Бобойи Самосийнинг бош-қош бўлишлари ҳам ибратлидир.

Ҳазрат Муҳаммад Самосийни элу улус улуғлаб Ҳазрати Бобо деганлар. Бунда ҳам катта ҳикмат бор. Зеро одамлар яхши кўрган кишиларини Ота, Бобо, Хожа, Мавлоно, Ҳазрат деб эъзозлаганлар.

ҲАЗРАТ САЙИД АТО (XIII-XIY аср)

Сайид Атонинг асл исмлари Ҳазрат Сайид Аҳмад. Лекин Сайид Ато номи билан машҳур. Бу зоти шариф Ҳазрат Занги Атонинг иккинчи халифалари ҳисобланадилар. Ҳазрат Занги Ато Ҳаким Атодан, бу зоти шариф эса Ҳазрат Аҳмад Яссавийдан сабоқ олганлар.

Нақл қилинишича, Ҳазрат Узун Ҳасан Ато, Бадр Ато, Садр Ато, Сайид Атолар Бухоро мадрасаларида таълим оларди. Ногоҳ уларнинг қалбида тариқатга кирмоқ, ҳақ йўлни топмоқ ишқи пайдо бўлди ва пири муршид излаб юртма-юрт кездилар. Улар саҳрода сигирларни боқиб юрган қора танли, дўрдоқ лабли Ҳазрат Занги Атога дуч келиб, мақсадларини баён қилганда, Занги Ато: “Бугун дунёнинг тўрт томонини тадбиқ этиб кўрдим, лекин ҳеч бир жойдан марди Худонинг ҳиди келмаётир. Демак менинг ўзим сизларни тарбиялаб, нуқсонлардан қутқариб, камолотга етказишим лозимдир. Ушбу ишда ўзимдан бошқа қобил инсон йўқ экан!”.

Бу сўзларни эшитган Сайид Ато ва Бадр Атолар кўнглида инкор пайдо бўлди. Сайид Ато ичларида дейдиларки, мен сайидзода, олим бўла туриб, шу молбоқар, дўрдоқ лабли ялангоёқдан таълим оламанми? Шу қора танли кишига мурид бўламанми?”

Лекин Узун Ҳасан Ато ва Садр Ато дарҳол Занги Атога сидкидилдан инобат қиладилар, натижада тез орада улуғ даража, мақомлар эгаси бўладилар.

Сайид Ато Занги Ато хизматларида бениҳоя кўп риёзатлар тортса ҳам қалб кўзи очилмади, ҳеч бир мақомга эришолмадилар. Чунки Занги Ато Сайид Атога иноят назари билан қарамаганлар.

Кундардан бир кун Сайид Ато Ҳазрат Занги Атонинг хотинлари Ҳазрат Анбар Анога йиғлаб мурожаат қилдилар. Анбар Анонинг Сайид Атога раҳмлари келиб дедилар: “Бу кеча ўзингизни қора кигизга ўраб, Занги Атонинг уйлари остонаси остида ухланг. Ул зоти шариф бомдодда таҳоратга чиққанларида, сизнинг ушбу ҳолингизни кўриб, шояд раҳмлари келса ва иноят назари билан қарасалар!” Шу кеча Анбар Ано Занги Атога Сайид Атонинг чекаётган изтироблари, этаётган хизматлари тўғрисида гапирдилар. Занги Ато дедилар: “У сайидлиги ва олимлиги боис кибрга берилган эди. Мандай сайидзода олим шу дўрдоқ лаб, молбоқар, ялангоёқдан таълим оламанми? Шу қора танли кишига мурид бўламанми?” деди. Шу боис иши юришмади. Энди сиз орага тушдингиз, унинг гунохларини кечаман”.

Эрталаб Занги Ато таҳорат учун уйдан чиққанда, оёқларини қора кигизга бурканиб ётган Сайид Атонинг кўкракларига кўядилар. Занги Ато ҳайратланиб: “Бу ким?” - деганда, Сайид Ато: “Мен Аҳмад!” деб йиғлайди. Занги Ато: “Ўрнингиздан туринг, мана шикасти нафсингиз боис ишингиз дуруст бўлмай!” дейдилар. Сайид Ато уринларидан турган захот, у зотга файзу фузух эшиклари очилди, улуғ даража муяссар бўлди.

Сайид Атонинг энг етук шогирдлари Ҳазрат Исмоил Атодир. “Мақомоти Мир Кулол”да қуйидаги нақл келтирилган: “Ўз замонасининг улуғларидан бўлган Сайид Ато билан Ҳазрат Мир Кулолнинг оталари дўст эдилар. Бир кун Мир Кулолнинг оталари Амир Ҳамзанинг уйига Сайид Ато меҳмон бўлдилар ва дедиларки “Яқинда Аллоҳ таоло сизларга ўғил ато этгай. Унинг исмини Амири Калон деб қўйинг. Бу ўғлон улуғ даража эгаси бўлмай, иншаоллоҳ.” Дарҳақиқат, анча муддат ўтгандан кейин Ҳазрат Сайид Ато каромат қилган ўғлон туғилди, унга Амири Калон деб исм қўйдилар.

Амири Калон кейинчалик кулолчилик билан машҳур бўлганлари боис Сайид Амир Кулол номи билан дунёга танилдилар.

Кунлардан бир кун Ҳазрат Сайид Ато яна Афсона кишлоғига келдилар, қадрдонлари билан учрашиб, ўша ўзлари каромат қилган ўғилни йўқладилар ва Амири Калонни бағирларига олиб, дуо қилдилар. Бошқа бир ривоятда айтилишича, Ҳазрат Сайид Ато кўчадан ўтиб кетаётганларида ўйнаб турган болаларнинг орасидан бир бола югуриб келиб, одоб билан салом беради. Бу Амир Калон эди. Сайид Ато Амири Калонни қўлларидан олиб, уйга киритадилар ва дуо қиладилар. Сўнг бошларидаги саллани тенг иккига бўлиб, бирини ўз бошларига, иккинчи бўлагини Ҳазрати Амир Калон бошларига ўраб, болани чиқариб юборадилар. Амири Калон кўчадаги болалар билан бир муддат ўйнаганларидан сўнг, яна болани чақириб келишни Сайид Ато буюрадилар. Амири Калон уйга киргач, ҳалиги тенг иккига бўлинган саллани бир-бирига

таққослаб, ўлчаб кўрсалар, боланинг бошидати салла уч бош ҳажмида узун бўлиб қолибди. Уч маротаба ўлчаганда ҳам шу ҳол такрорланибди. Шундан сўнг Ҳазрат Сайид Ато мушоҳада қилиб, хитоб қилиб дебдиларки: “Амири Калоннинг даражаси мендан ҳам улуг бўлгайдур, иншаоллоҳ!”. (“Дурдона”, Шарқ нашриёт-матбаа концернининг бош тахририяти, 1993 йил, 8-9 саҳифалар).

Ҳазрат Сайид Ато қадамжолари жуда кўп вилоятларда бор. Хоразим ва Бухородаги Сайид Ато зиёратгоҳлари машҳур.

Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Жўйрабод қишлоғида Ҳазрат Сайид Ато номли мазор, жомеъ масжид бор.

Собиқ Иттифоқ даврида Сайид Ато мақбаралари йиқитилган эди.

Ҳозир Сайид Ато зиёратгоҳида янги жомеъ масжид қурилаётир, мақбара барпо қилинаётир.

Ҳазрат Сайид Ато авлодлари Бухорода бор, булар Ориф хожи Хўжаев, Муҳиддин Шокировлардир.

ҲАЗРАТ ХОЖА ШАРАФИДДИН **(XIV аср)**

Қадимий Турону Эрон, Ҳинду Покистон, Хитой, Қошғар ва бошқа мамлакатларнинг мусулмонлари учун аср-асрлардан бери “Чаҳор китоб” асосий дарслик ҳисобланади. Зеро “Чаҳор китоб”да шариату тариқат, маърифату ҳақиқат қонун-қоидаси баён қилинган. “Чаҳор китоб”ни мутолаа қилиб, унга амал этган киши ислом дини илмини пухта эгаллаган, ханафий мазҳаби, мотуридия ақоидидан таълим олган ҳисобланади.

“Чаҳор китоб” - номидан кўриниб турибдики, тўрта китобни ўз ичига олади. Биринчи ва тўртинчи китоби назмда, иккинчи ва учинчи китоби эса насрда битилган. Биринчи ва тўртинчи китобнинг муаллифлари аён, иккинчи ва учинчи китоблар муаллифлари номаълумдир.

**Ин туро ёдгор аз Шараф аст,
Номи ў дар жаҳон ба ҳар тараф аст.
Аз Бухорост мавлуди насабаш.
В-аз Хуросон улуми мактасабаш.**

Мазмуни: Бу китоб сенга Шарафдан ёдгор, унинг исми бутун жаҳонга машҳур, у Бухорода туғилиб, Хуросондан таълим олгандир.

Маълум бўлаяптики, биринчи китобнинг муалифи Бухорода туғилган бўлиб, исми Шарафдир. Унинг номи ўша асру айёмдаёқ бутун ислом оламида машҳур бўлган экан.

Ҳазрат Хожа Шарафиддиннинг қабрлари Шофиркон туманидаги Хожа Гуломте қишлоғидадир. Шу қишлоқда Хожа Шарафиддин жомеъ масжиди, масжид кун чиқар томонида ҳовуз бор.

Собиқ Иттифоқ замонида масжид қаровсиз, ярим вайрона ҳолга келган эди, Ҳазрат Хожа Шарафиддин мақбаралари эса бузилган эди.

Дилмурод Нуров томонидан ушбу жомеъ масжид таъмирланиб, асл ҳолига қелтирилди. Дилмурод Нуров ва Жўрабой Нуровларнинг сайъ-ҳаракатлари билан Ҳазрат Хожа Шарафиддин қабрлари устига мақбара ўрнатилди.

Фатҳиддинбобо Носиров ва у кишининг ўғиллари томонидан зиёратгоҳда дарвозахона қурилди.

Қутбул ақтоб, шайх, валиюллоҳ Хожа Шарафиддин мелодий 1300 йилда ўз китобларини ёзган. Бу китоб ўзбек тилига инқилобгача, яни ҳижрий 1316 йил таржима бўлган. 1992 йил О.Бўриев томонидан “Чаҳор китоб” ўзбекчага яна қайтадан таржима қилиниб “Чўлпон” нашриётида нашр қилинди.

Юз етмиш ўн икки бобдир.

Дўстлар рўзғорига доир китобдир.

(О.Бўриев таржимаси)

Демак, Ҳазрат Хожа Шарафиддиннинг китоблари 170 байт ва 12 бобдан иборат.

Хожа Шарафиддиннинг қуйидаги шоҳ байтлари Каъбатуллоҳ тасвири туширилган миллионлаб нусхаларда тарқатилаётган плакатларда дарж қилинган:

Рўзи маҳшар, ки жон гудоз бувад,

Аввали пурсиш аз намоз бувад.

Мазмуни: қиёмат кунида Аллоҳ таолонинг бандадан сўрайдиган биринчи саволи намоздан бўлади.

“Чаҳор китоб”нинг тўртинчи китоби муаллифи Ҳазрат Фаридиддин Аттор бўладилар.

Ҳазрат Хожа Шарафиддиннинг туғилган ва марҳум бўлган йиллари ҳақида маълумотлар сақланмаган.

Айни шу кунларда Ҳазрат Хожа Шарафиддин зиёратгоҳлари ободдир.

ҲАЗРАТ САЙИД АМИР КУЛОЛ

(1287-1370)

Ҳазрат Сайид Мир Кулолнинг асл исмлари Сайид Амир Калон бўлиб, Бухоро яқинидаги Сухор қишлоғида хугилганлар, кулолчилик билан машҳур бўлганлиги боис сўнгроқ Амир Кулол номи билан Фарбу Шарққа танилдилар. Бу зоти шариф тахминан 1287 йилда дунёга келган. Сайид Мир Кулол ҳақларида неваралари Шаҳобиддин “Мақомоти Амир Кулол” китобини ёзган. “Мақомоти Амир Кулол”да ёзилишича, Ҳазрат Мир Кулолнинг оналари дер эканлар: Амир Кулол корнимда эканлигида шубҳали лукма ютиб қўйсам, кўкрагим остида шу қадар қаттиқ оғриқ пайдо бўлардики, ҳатто хушдан кетаёзардим. Кейин маълум бўлдики, бу ҳол покиза фарзандим барокатидан экан. Байт:

Нишоним шулки, ман покиза фарзанд,

Отам ҳам пок, онамдур афифа.

Дилим поку, йўлим пок, этагим пок,

Мазҳабимдур ~ Имом Абу Ҳанифа.

“Канзал ансаб” китобида Ҳазрат Сайид Кулолнинг насабномалари келтирилгандир: Сайид Амир Кулол ибн Сайид Ҳамза ибн Сайид Иброҳим ибн Сайид Муҳаммад Қусрий ибн Сайид Муҳаммад Ҳасан Макбул ибн Сайид Абдуллоҳ Шаҳид ибн Сайид Жаъфар ибн Сайид Хусайн ибн Сайид Али ибн Сайид Муҳаммад Аъло ибн Сайид Шариф Мусо ибн Сайид Иброҳим Муртазоий Соний ибн Ҳазрат Сайид Мусо ибн Жаъфар ас Содиқ ибн Муҳаммад ал Боқир ибн Али Зайнулобиддин ибн Хусайн ибн Али ибн Абу Толиб р.а.

Ҳазрат Сайид Мир Кулол нуроний, катта жуссали бўлиб, ёшликларида кураш тушар эканлар. Нақл этилишича, Сайид Мир Кулол одатдагидек майдонда кураш тушаётган пайтда, томошабинлардан бирининг кўнглида шайтон васваса қилибди, халиги киши: “Қаранг шундай обрўли сайидзода бидаът ишлари билан шуғулланмоқда. Ҳайфи сайидлик?” - дебди ичида. Бир замон шу кишини уйқу элтиб, туш кўра бошлабди. Тушида қиёмат қойим бўлган экан. У бўғзигача гуноҳ ботқоғига ботиб қолибди. Ҳарчанд уринса ҳам ботқоқдан чиқа олмас экан. Шунда ногоҳ Ҳазрат Сайид Мир Кулол пайдо бўлиб, унинг кўлидан тортиб чиқарибдилар ва у нажот топибди. Сайид Мир Кулол унга: “Биз бундай ишларни шунақа пайтда ёрдами тегар деган мақсадда қилурмиз!”- дебдилар. У тушдан уйғонганда Сайид Мир Кулолни рўпарасида кўрди, ул зоти шариф унга тушида айтган гапларини такрорладилар. Дарҳол халиги киши тавба қилди.

Ҳазрат Сайид Мир Кулолнинг тариқатдаги пирлари Ҳазрат Муҳаммад Бобойи Самосий ҳисобланадилар.

Манбаларда зикр қилинишича Сайид Мир Кулолнинг 114 Ҳаққа етган авлиёлик даражасига эришган шогирдлари бўлган, лекии энг етук шогирдлари қуйидагилардир: Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанд, Ҳазрат Хожа Ориф Деггароний, Ҳазрат Шайх Ёдгор Валий, Шайх Жамолиддин Деҳаи Осиёи, Шайх Шамсиддин Кулол, Хожа Дарзуний.

Сайид Мир Кулолнинг Сайид Амир Бурҳон, Сайид Амир Ҳамза, Сайид Амир Шоҳ, Сайид Амир Умар исмли ўғиллари бўлган.

Нақл этилишича, Ҳазрат Мир Кулол мужаррадлик даврларида Ромитан туманидаги боғларнинг бирида ўз тенгқурлари билан иттифоқ бўлиб чопонларини ювибдилар ва биродарларига айтибдирларки: “Эй, ёронлар, чопонларни паҳса девор устига ёймайлик, чунки у ердаги тиканларга озор берилур. Зинҳор дарахтлар шохларига осмайлик, улар эгилиб, жабрга қолур, заминга ҳам ташламайлик, ўт-ўланлар хароб бўлур”. Бу гапдан сўнг не қилишларини билмай биродарлар сўрабди: “Эй, Амир! Сиз ўз чопонингизни қандай қилиб қуритасиз?” Амир дедилар: “Мен чопонимни устимга олиб, офтобрўяда ўтираман ва шундай қилиб қуритаман”. Яна Ҳазрат Амир дебдилар: “Эй, ёронлар! Агар паҳса девордан бир парча узилиб, ерга қулса ё дарахт шохи синса ёки чорва моллари озикланадиган ўт-ўланларга шикаст етса Худованднинг бу боғига не узр билдирурмиз?”. Зинҳор шариятга зид ишларга, гарчи улар кичик бўлса ҳам йўл қўйманг. Чунки кичик гуноҳлар ҳам такрор-такрор содир бўлса, дўзахга олиб боради. Тавба қилиш билан катта гуноҳ ҳам кечирилади. Аммо муттасил такрорланаверса, кичик гуноҳлар ҳам катта гуноҳга айланади, деган эканлар пайғамбаримиз с.а.в. Ва яна Ҳазрат Амир

қуддиса сирруху буюрдиларки: “Токи тақвони ўз рўзгорингиз шиори этмасангиз Аллоҳ таоло сизга тўғри йўл эшигини очмайди”.

Ҳазрат Сайид Мир Кулол қуйидаги байтни тез-тез шогирдларига ўқиб берар эдилар ва унга амал этмоқликни талаб қилардилар:

**Маёзор мўр-у, маёзор кас,
Раҳи растакори ҳамин асту бас!**

Таржимаси:

**Агар нажот топай десанг, аё ёр!
Ҳатто чумолига бермагил озор!**

Зеро тариқатнинг мағзини беозорлик, камтарлик, саховат, бунёдкорлик, шукрона, сабр-қаноат ташкид этади.

Ҳазрат Амир Кулол дейдиларки: “Сиз бир сердарахт боққа кирдингиз, ҳар бир дарахтнинг беҳисоб шохлари, ҳар бир шохнинг беҳисоб барглари бор ва ҳар битта баргда биттадан қуш қўниб, сизни кўрганда янғроқ ва фасеҳ тил билан: “Ассаллому алайкум, эй, валиюллоҳ!” - дейишса, бу қанчалик ёқимли бўлмасин сиз бундан ғурурланманг, шу заҳотиёқ ҳам зоҳир, ҳам ботинингиздан Аллоҳ таолодан кўрқув жой олсин. Гоҳо банда Аллоҳ таолодан шу қадар кўрқсинки, дузах фақат мен учун бино қилинган, деган фикр унинг калбида бўлсин ва гоҳо Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлиб, шодлансин, зеро Худонинг наздида бутун олам гуноҳини мағфират қилиш душвор эмас”.

“Мақомоти Амир Кулол”да нақл этилишича, Ҳазрат Амир алайҳирраҳма асҳоблари билан Бухородаги жомеъ масжиди томон борардилар. Бир бойвачча йўл ёқасидаги даласида ғуломи билан бирга дехқончилик қиларди, шунда ғуломи ўз хожасидан сўради: “Бу ўтиб кетаётканлар кимлардур?” Хожа деди: “Булар текинхўрлар, нарзхўрлардур!”. Бу гапдан воқиф бўлган Амир Кулол муридларига шуни баён қилдилар: “Эй, ёронлар, бизнинг Хожамиз Абдулхолик Гиждувоний алайҳир раҳма айтган эдиларки, кимки дарвешларга ҳақорат назари билан қараса, то гаргин, яъни тузалмас касалликка чалинмаса, дунёдан ўтмас”. Асҳоблар бу гапдан ғоят мутаассир бўлдилар.

Ҳазрат Мир Кулол на асҳоблари намозни ўқиб, масжиддан қайтишаётган пайтда не кўз билан кўрсинларки, ул хожа худди ичига олов тушган каби беқарору беором бўлиб, жон талвасасида турибди. Шу вақт унинг кўзи Ҳазрат Амир Кулолга тушди ва англадики, ўзига теккан ўқ Амир Кулол камонларига тегишлидир. Ва деди: “Мени ул Ҳазратнинг оёқлари остига элтиб ташланг, шояд авф этсалар”. Ғуломи ўз хожасини кўтариб Ҳазрат Кулол ёнларига элтди ва нажот тилаб мурожаат қилди. Ҳазрат Амир афсусланиб дедилар: “Бу ўқнинг давоси йўқдур, тезроқ уни уйига элтинглар!” Дарҳақиқат, хожа ўз хонадонига етмай, йўлда жон таслим қилди...

“Мақомоти Амир Кулол” да ёзилишича, Амир Темур Ҳазрат Амир Кулолнинг дуолари шарофатидан улуғ зафарларга эришган. Манбаларда таъкидланишича, Ҳазрат Сайид Мир Кулолнинг васиятларига мувофиқ, Сайид Мир Кулол вафот этганда, Ҳазрат Баҳриддин ва Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггаронийлар ул зотни ювиб, кафанлаб, қабрга қўйганлар. Ҳазрат Сайид Мир Кулол 1370 йил вафот қилганлар, қабрлари Сухор қишлоғидадир.

Маълумки, Ҳазрат Мир Кулол “Силсилаи шариф”даги ўн бешинчи ҳалқанинг пири муршиди ҳисобланадилар. Лекин бу зоти шариф дафн қилинган зиёратгоҳ собиқ Иттифоқ замонида энг хароб, қаровсиз, шўристон эди. Ҳазрат номларидаги жомеъ масжиди бузилган эди.

Истиклол шарофатидан бу ерда янги улкан жомеъ масжид, гўзал мақбара, меҳмонхона, тошқудук, гўзал боғ барпо этилди. Ушбу зиёратгоҳ дарвозахонаси ҳам ғоят мутаносиб бўлиб, мажмуанинг кўркига кўрк қўшмоқда. Вилоят ҳокими бу хайрли ишга бош-қош бўлди. Ҳашар йўли билан, саховатли инсонларнинг кўмаги билан ушбу мажмуа барпо қилинган.

Х.Ҳасанов, Г.Наврўзованинг “Ҳазрат Сайид Амир Кулол” рисоалари тўрт марта қайта-қайта “Бухоро” нашриётида чоп этилди. “Мақомоти Амир Кулол” дан боблар “Дурдона” номи билан Тошкентда 1993 йилда нашр этилган.

ҲАЗРАТ НОСИР БУХОРИЙ (1300-1374)

Ҳазрат Носир Бухорий манбаларда “Шоҳ Носир”, “Дарвеш Носир” номлари билан машхур. Ҳазрат Носир тахминан 1300 йилда Бухорода туғилиб, шу ерда таълим олган. Ул зот ўз замонасининг алломаси, шоири эдилар.

Ҳазрат Носир Бухорий Хуросон ва Шероз, Макка ва Мадинада бўлганлар. Дарвешона ҳаёт кечирганлар. Ҳазрат тирикликларидаёқ бутун шарқ оламида машхур эдилар. Устод Жомий “Баҳористон”да ёзадилар: “Ва аз шуарои Мовароуннаҳр: Носири Бухорист ва ашъори вай чошние ҳаст аз тасаввуф”. Яъни Мовароуннаҳр шоирларидан Носир Бухорийнинг шеърларида тасаввуфна рўҳ бордир.

Носир Бухорий “Куллиёт”лари етти минг байтдан иборатдир. Ҳазратнинг “Ҳидоятнома” номли қасидалари машхур.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкиратуш шуаро” китобларида ёзилганки: “...фозил киши эрди ва унинг шеъри ўзининг замонасининг кайфиятидан холи эмас эрди. Унинг шеърларидан кўнгилга камтаринлик ислари етарди. Ҳамиша саёҳат қиларди ва дарвешона кийиниб юрарди. Наматдан узун уст кийим ва тақияси бўларди. Унинг китобдан бошқа ҳамроҳи йўқ эди...”

Ҳикоят қиладиларки, Носир Бухорий Маккага бораётиб Бағдод шаҳрига кирди. Ўша асру айёмнинг алломаси Салмон Соважий (1300 - 1376) иттифоққо Дажла дарёси лабида дўстлари билан суҳбат қилаётган бўлган. Салман Соважийга келиб Носир Бухорий салом берадилар. Салмон: “Сен кимсан?” - деб ҳол сўрайди. Носир: “Мен бир ғариб шоирман!” - дейдилар. Шунда Салмон пишқириб оқаётган Дажла дарёсига қараб қуйидаги мисрани бадеҳатан ўқийди:

Дажларо имрўз рафтори ажаб мастона буд,

Ҳазрат Носир Бухорий иккинчи мисрани бадеҳатан ўқийдилар:

Пой дар занжиру каф бар лаб, магар девона буд?

Таржимаси:

**Дажла дарёсининг рафтори бу кун ажаб мастона бўлибдур,
Оёғи занжирда лабида каф магар девона бўлибдур?**

(С.Раҳмон таржимаси).

Бу жавобни эшитиб Ҳазрат Салмон: “Сен Носир Бухорий эмасми?” - дейдилар ва Носирни бағирларига босиб, уйларига элтадилар, меҳмон қиладилар. Ҳазрат Носир Бухорий билан Ҳазрат Салмон Соважийнинг бир-бирларига ғойибона ҳурматлари бор эди. Бу тарихий учрашув икки буюк зотни бир-бирларига янада яқин этди.

Сомийнинг “Қомус ул аълом” китобларида ёзилишича, Носир Бухорий 1374 йилда марҳум бўлганлар.

1975 йил Душанбедаги “Ирфон” нашриётида чоп этилган “Гулшани адаб” антологияси иккинчи жилдида Носир Бухорийнинг ғазаллари киритилгандир:

**Дарвешро, ки кунжи қаноат мусаллам аст,
Дарвеш ном дораду султони олам аст.
Гар қурси гарми меҳр барорад танўри чарх.
Дар вақти чошт суфраи дарвешро кам аст.
Рўзе туро ба захри ҳаводис кунанд ҳалок
Гардуни ҳалқа карда, ки чун мори арқам аст.
Дарҳам шавад зи баҳри дирам холи одами,
Оре тамоми сурати дарҳам чу дирҳам аст.**

* * *

**Моро ҳаваси сурати жонпарвари ёр аст,
Варна ғараз аз бода, на масти на хумор аст.
Оташнафасон ҳиммати майхона шиносанд,
Афсурдадилонро ба харобот чи кор аст?
Дар Мадраса касро нарасад даъвии тавҳид,
Манзилгаҳи мардони муваҳҳад сари дор аст.
Тасбеҳ чи кор ояду, сажжода чи бошад?
Бар маркаби саҳифаоқати рўҳ ин хона бор аст.
Носир, агар аз хачр бинолад ажабе нест
Маҳжур зи ёр асту парешон зи диёр аст.**

Юқоридаги шеърларни Сулаймон Раҳмон таржима қилган:

**Бил қаноат - мулки дарвеш, бешак мусаллам эрур
Бўлса дарвеш номи ул султони олам эрур,
Мулку чарх танўрида қайноқ қуёшдан қулча нон,
Аммо дарвеш супрасида чошгоҳ маҳал ул кам эрур.
Ҳодисалар захри сени бир куни этгай ҳалок,
Чунки илон янглиғ фалак ҳалқаи арқам эрур.
Бўлди одамзод холи танг дирҳам туфайли ҳар нафас
Шубҳасиз, ҳолим чигал бўлса, сабаб-дирҳам эрур.**

**Ёр бирла суҳбат қурғали ажаб, бизда ҳавас бордир,
Сабаб на мастлигу на май, фақат дил васлиға зордир.**

**Оташнафасларга мудом майхонанинг қадри аён,
Бул хароб ичра тушкун кўнгулларга не ҳам бордир.
Тавҳидга бўлмас даъвогар ҳеч кимса ҳам мадрасада,
Чунки муваҳхид ҳар қачон тавҳидларга сардордир.
Бас нечун тасбеҳ лозим жойнамоз ҳам, бас, нечун?
Рух эрур оғир, улов жиндак агар бемадордир.
Ажаб эрмас агар Носир жудоликдан фиғон этса,
Паришон айлаган юрту жудо этган уни ёрдир.**

Ҳазрат Носир Бухорийнинг “Девон”лари Санкт Петербург, Тошкент, Душанбе шаҳарларидаги кутубхонада кўз қорачиғидек сақланмоқда.

ҲАЗРАТ САЙИД АМИР БУРҲОН

Бу зоти шариф Ҳазрат Сайид Мир Кулолнинг тўнғич ўғиллари ҳисобланадилар. “Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”, “Тухфат аз зоирин”, “Рашаҳот” ва бошқа манбаларда Амир Бурҳон ҳақларида маълумот бор.

Ҳазрат Амир Кулол: “Бу фарзанд менинг бурҳонимдур”, - дерканлар. Мир Кулол фарзандлари Амир Бурҳонни тарбия қилмоқни Баҳоиддин Нақшбандга топширганлар.

Ҳазрат Амир Бурҳон ўз замонасининг алломаси, орифи, авлиёси эдилар.

ҲАЗРАТ САЙИД АМИР ШОҲ

Сайид Амир Шоҳ Ҳазрат Амир Кулолнинг иккинчи ўғиллари булиб, бу зоти шарифга Шайх Ёдгори Валий сабоқ берганлар. Сайид Амир Шоҳнинг касблари шу эдики, ул зоти шариф туз конидан туз келтириб, уни сотиб ризқ-рўзиларини ўтказар эдилар. “Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, бу касбни “намакин” дер эканлар.

Ҳазрат Амир Шоҳ ҳам валлиюлоҳ, аллома тарбиячи эдилар.

ҲАЗРАТ САЙИД АМИР ҲАМЗА

(ваф. 1406)

Бу зоти шариф Сайид Амир Кулолнинг учинчи ўғиллари бўлиб, улуғ мақом, даражалар эгаси эдилар. Амир Ҳамзани Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний тарбия қилганлар.

Сайид Мир Кулол бу ўғилларининг исмини олиб чақирмас, чунки Амир Кулол оталарининг исмлари ҳам Ҳамза бўлган, шу боис ўғиллари Амир Ҳамзани “Ота” деб чақирар эканлар.

Амир Ҳамза сайёд (овчи)лик касби билан ризқ-рўзиларини топарканлар. Бу зоти шариф юзлаб муридларни тарбия қилганлар. “Рашаҳот”да ёзилишича, Амир Кулол вафотларидан сўнг, Амир Ҳамза муридлар тарбияси билан шуғулланган. Ҳазрат Сайид Амир Ҳамза ҳақларида “Мақомоти Сайид Мир Кулол”, “Рашаҳот”да ёзилган. Ҳазрат Амир Ҳамза 1406 йилда вафот қиладилар. Мавлоно Ҳусомиддин Шоший Бухорий, Мавлоно Камолиддин Майдоний, Амири Бузrug ва Амири Хурдлар Ҳазрат Амир Ҳамзанинг халифалари бўлган.

ҲАЗРАТ САЙИД АМИР УМАР

(ваф. 1400)

Бу киши Ҳазрат Амир Кулолнинг тўртинчи фарзандлари бўлиб, сабоқни Ҳазрат Мавлоно Жамолиддин Деҳаосиёдан олганлар. Бу зоти шариф доимо амри маъруф ва наҳйи мункарга риоя этар ва соҳибкаромат валиюллоҳ, ғайратли ва жасур эдилар. Саид Амир Умар ҳақларида “Рашаҳот”да, “Самария” китобида ва бошқа манбаларда хабар берилган.

Абу Тоҳирхожанинг “Самария” китобларида ёзилишича Амир Темур даҳмасининг гумбази ичида Сайид Амир Умар қабрлари жойлашган.

Ҳазрат Сайид Амир Умар 1400 йил вафот қилганлар. Саид Амир Умар Темур замонасида Самарқандда мухтасиблик мансабида бўлганлар.

“Мақомати Мир Кулол”да келтирилишича, Амир Темур Бухорога келиб, Ҳазрат Сайид Мир Кулолдан дуо олганларидан сўнг ишларида ривож бўлди. Амир Темур ҳазрати пирни ўз ҳузурларига чорлайди.

Лекин Ҳазрат Сайид Амир Кулол ўғиллари Амир Умарни Амир Темур ҳузурига жўнатадилар ва Амир Умарга қуйидаги насиҳатларни айтадилар: “Эй, фарзанд, Амир Темурга айтинг, агар Аллоҳ таоло даргоҳидан умидвор бўлсангиз тақво ва адлни рўзғорингиз шиори айлангиз. Огоҳ бўлинг, Эй, фарзанд, Амир Темур сизга кўп нарзи ниёз бермоқчи бўладилар. Зинҳор қабул этманг. Мабодо олсангиз, сўнг қайтиб ҳузуримга келманг! Нарзу ниёз олмоқ боболаримиз равишларига зиддур. Зеро дарвешлар мудом мўъминлар дуоси ила машғул бўлишлари керак. Агар молу давлатга майл кўрсатсалар, алар дуолари ҳижоб ичра қолур, ижобат бўлмас!”.

Дарҳақиқат, Амир Темур Сайид Амир Умарга дейдиларки “Ҳазрат Мир Кулолни хурсанд этмоқ учун биз Бухоро вилоятининг божу хирожини у зотга совға қилдик!” Лекин Сайид Амир Умар буни қабул қилмайдилар ва оталари этган насиҳатни Темурга етказадилар. Амир Темур дейдиларки: “Ҳазрат пирга не совға этсак, токи у кишига муносиб бўлсин ва бизни у зоти боборакотга яқин этсин?” Амир Умар дейдилар: “Падари бузругворим дедиларки, Амир Темур аҳлуллоҳ дилидан жой олмоқни истасалар, тақво ва адлни шиорларига айлантурсинлар. Мана шу йўл у кишини Аллоҳ таолога яқин этади!” (“Дурдона”, Т., “Шарк”, 1993 й.)

ҲАЗРАТ ХОТУНИ КАЛОН

Бу зоти шарифа Ҳазрат Сайид Мир Ҳамзанинг кизлари ҳисобланадилар. Амир Ҳамза: “Ҳамма ўғиллари билан фахр этса, мен шу қизим билан фахр этаман!” - дер эканлар.

Хотуни Калон дуоси ижобат, соҳибкаромат авлнё бўлганлар. У киши кўплаб хотин-қизларга сабоқ бериб, уларни тўғри йўлга бошлаганлар.

Хотуни Калоннинг чехраларидан нур таралар экан. Коронғу кечада чироқсиз чархрезлик қиларкан. Намоз вақти у киши ибодат билан машғул бўлганда, чархлари ўзи айланиб ишни давом эттирар экан. “Тухфат аз зоирин” да ёзилишича, Хожа Порсо иккинчи ҳаж сафарига бораётганларида Хотуни Калон ҳузурларига бориб, у кишидан дуо олибдилар. Хотуни Калон ул зотга фотиҳа бериб ўзингиз билан бир рўмол пахта ҳам элтинг, деб тайинлабдилар.

Хожа Муҳаммад Порсо ҳаж арконларини бажаргандан сўнг Мадинаи Мунавварада мархум бўлдилар. У кишининг жасадларини ювишда ҳалиги пахталар асқотади. Хотуни Калон каромат ила ушбу воқеани олдиндан билган.

Хотуни Калоннинг қабр жойлари ҳақида манбаларда гапирилмаган. Эҳтимол боболари Ҳазрат Сайид Кулол мазорларидадир. Валлоху аълам!

МАВЛОНО ШАҲОБИДДИН

Мавлоно Шаҳобиддин Ҳазрат Хотуни Калоннинг уғиллари, Сайид Ҳамзанинг неваралари ҳисобланади. Мавлоно Ҳисомиддин ҳазратлари Мавлоно Шаҳобиддинга тарбия берганлар. Мавлоно Шаҳобиддин устозлари Мавлоно Ҳисомиддиндан уч йил сабоқ оладилар. Сўнг Мавлоно Ҳисомиддин у кишига дейдилар: “Эй, фарзанд, агар бундан сўнг бизга сабоқ бермоқчи бўлсангиз ҳузуримизда қолинг. Зеро энди менда сизга сабоқ бермоққа қувват қолмади. Сиз илмда камолга етдингиз!”

Мавлоно Ҳисомиддин ишоратлари ила Мавлоно Шаҳобиддин катта боболари Сайид Амир Кулол манзилларига, яъни Сухор кишлоғига келиб, кишиларга насиҳат этиш ила машғул бўладилар. Валиюллоҳ, соҳибкаромат Мавлоно Ҳисомиддин умрлари поёнига етаётганида ғассолни чақириб, хизмат ҳаққини берадилар. Ўз жанозаларига дўсту ёронларини ўзлари хабар қилиб келадилар ва 1436 йил жонни Ҳаққа таслим этадилар.

Ҳазрат Мавлоно Шаҳобиддин боболари Ҳазрат Сайид Амир Кулолнинг таржимаи ҳоллари, кароматлари, ҳикматларини ўз ичига олувчи “Мақомоти Амир Кулол” китобининг муаллифидирлар.

ҲАЗРАТ БОБО ҲАСАН

Пешкў тумани Варахша ҚФЙ ҳудудида Ҳазрат Бобо Ҳасан зиёратгоҳлари жойлашгандир.

ҲАЗРАТ МАВЛОНО ОРИФ ДЕГГАРОНИЙ (1312-1375)

Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний буюк авлиё, улкан аллома, атоқли тарбиячи, Хожагон-нақшбандия тариқати ривожига муҳим ҳисса қўшган соҳибкаромат зот эдилар. Бу зоти шариф таҳминан 1312 йил ҳозирги Навоий вилояти, Ҳазора касабасидаги Деггарон кишлоғида туғилганлар. Деггароний ҳақларида “Рашаҳоту айнул ҳаёт”, “Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”, “Мақомоти Амир Кулол”, “Тухфат аз зоирин” каби китобларда маълумотлар бор.

Ҳазрат Мавлоно Ориф Ҳазрат Сайид Мир Кулолнинг иккинчи халифалари бўлиб, касблари деҳқончилик эди. «Рашаҳотда»да ёзилишича, Ҳазрат Амир Кулол деганлар: “Менинг асҳобларим орасида бу икки зот, яъни Баҳоиддин ва Ориф Деггаронийга тенг келадигани йўқ. Буларнинг иккови барча тенгдошларидан ўзиб, баланд даражага эришди”.

Ҳазрат Сайид Мир Кулол ўғиллари Амир Ҳамзани тарбият қилмоқ учун Ҳазрат Ориф Деггаронийга топширганлар. “Рашаҳот”да ёзилишича, Амир Ҳамза дейдилар: “Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний менга дедиларки, агар юкимни кўтарсин десанг, юкингни кўтаргувчи дўст топмоқ ниҳоятда душвордир. Ва агар юкини кўтаришни истасанг, бутун жаҳондагилар сенга дўст

бўлмай!” Хўш, Мавлоно Ориф “юк” деганда нимани назарда тутганлар? Бу қандай “юк”?

“Юк» кўтариш дегани, бу - бировнинг ғаму кулфатига шерик бўлиш, камбағал-қашшоқ, бева-бечора, мусибатли, дардманд кишиларга ҳамдардлик изҳор қилиш каби инсоний фазилатлардан тортиб, то элу юрт, дину халқ йўлида фидойи бўлмоқни англатади. Мавлоно демоқчиларки, сенга бировнинг дардига шерик бўлиш, ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш учун рағбат, холисанлиллох, саҳифаамаъ хизмат қилиш фазилати бўлса, бутун бани башар сенга дўстдир. Зеро, бу хизмат Аллоҳ наздида ҳам яхшидир, савобдир. Аслида бу йўл барча пайғамбарлар жумладан, саркари коинот ҳисобланмиш пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг равишлари ҳисобланади. Муҳаммад с.а.в. ҳеч қачон бировга юк бўлмаганлар, балки доимо ўзгалар юқини кўтарганлар. Толиби илмларга илм, қамбағалларга молу давлат, дардмандларга тасалли берганлар, адашганларга тўғри йўлни кўрсатганлар. Охиратни барбод қилувчи тамаъ, ҳасад, гина, адоват, жаҳолат, шуҳратпарастлик “юк”ларидан одамларни шу дунёнинг ўзидаёқ халос қилганлар. Шу боис ХХI асрга келиб ҳам бир ярим миллиардга яқин инсонлар Ҳазрат пайғамбаримиз с.а.в.га дўст, у кишига эргашмоқдадир. Жаннати бўлиш Расуллоҳ с.а.в. томонларидан башорат қилинган ўн саҳобадан бири Ҳазрат Талха разияллоху анхунинг гўзал хислатлари ва улуғвор хизматларидан биттасини эсга олайлик. Ухуд жангларида бир тўда душман бутун кучлари билан Пайғамбаримиз с.а.в. устларига ёпирилиб келган эди. Пайғамбаримиз с.а.в. ҳаётлари хавф остида қолди. Шу пайт Талха р.а. пайғамбаримизни мудофаа қила туриб саксонга жароҳат олдилар. Лекин Талха р.а. асло чекинмадилар. У киши Ҳазрат пайғамбаримиз с.а.в. учун ҳатто ширин жонларини қурбон қилишга тайёр эдилар. У киши Расули Акрам с.а.в. бошларига тушган энг оғир “юк” - ўқларни кўтардилар. Бу буюк мардлик, жавонмардлик белгисидир.

Тарикат пирлари, инчунин, Мавлоно Ориф Деггароний ҳам пайғамбаримиз Ҳазрат Муҳаммад с.а.в. шунингдек, саҳобаларнинг издошлари бўлган. Бу зоти шариф ҳам ўзгаларнинг юқини кутариб яшадилар. Одамларни тўғри йўлга бошладилар, тариқату шариат ривожига муҳим ҳисса қўшдилар. “Рашаҳот”да мана бу ибратли воқеа келтирилган: нақл қиладиларки, бир кун Деггарон қишлоғига сел келди. Кўҳак дарёсида тошқин содир бўлди. Уй-жойларни, | биноларни сел оқизиш хавфи туғилди. Ҳамма фиғону нола этиб кўчага чиққан асно Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний ўзларини селнинг энг катта оқимига, кучли тошқинига отдилар ва дедилар: “Агар қувватинг етса мени оқизгил!”. Шу дақиқадаёқ сел хомуш бўлди. Халқ балою офатдан қутулди. Кўриниб турибдики, Ҳазрат Ориф Деггароний эл бошига тушган оғир юқини кўтарган эканлар.

Бу дунёда банданинг бошига тушадиган юк хилма-хил бўлиб, жазм қилган жавонмард бошқа бировнинг юқини кўтаришга қодир экан. Дарҳақиқат, касалга ҳамдардлик билдириб, уни бу юқдан- азобдан қутқарса бўлади. Муҳтожга молу давлат берсанг, унинг юқи енгиллашади, муҳтожлик азобидан қутулади. Жон хатарда қолганда ҳам ҳақиқий мардлар ўзгалар учун жонини фидо қилиб, дўст ҳаётини сақлаб қоладилар. Лекин... Яна бир юк борки, уни банданинг бошидан кўтаришга ҳеч ким қодир эмас. Бу - гуноҳ юқи! Ушбу дунёда қилинган гуноҳлар қиёматгача банданинг елкасида туради. Қиёмат кунида киши ўз оға-

инисидан ҳам, онаси ва отасидан ҳам, хотини, бола-чақасидан ҳам қочади. Киши гуноҳи юкининг оғирлигидан қочади. Мабодо онам ёхуд отам, ё болам савобингдан бер демасин, деб қочади. Аммо қиёмат кунида бизнинг шафоатчимиз Ҳазрат Муҳаммад с.а.в. бўладилар. У зоти шариф бизнинг гуноҳларимиз юкини ўз елкаларига оладилар.

“Мақомоти Шоҳи Нақшбанд»да ёзилишича, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Ҳазрат Сайид Мир Кулолдан ижозат олгандан сўнг, етти йил Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний хизматларида бўладилар. Баҳоиддин дейдиларки: «Мана шу етти йил давомида мен ул зотдан юкорида туриб ҳеч таҳорат олмадим, ул киши қадамлари изига қадам босмадим”.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд дейдиларки, мен икки бор Ҳижоз сафарида бўлдим, кўп азизлар билан ҳамсухбат бўлдим, агар Мавлоно Орифдек зотни ўша ерларда топганда эдим, ҳаргиз қайтиб бу ерга келмасдим.

Қуйидаги ибратли воқеа ҳам “Рашаҳот”да келтирилгандир: Мавлоно Дарвеш исмли зот жаҳрия зикри билан машғул эди. Жаҳрия зикри, бу - баланд товуш билан Аллоҳ номини зикр этмоқ ҳисобланади. Мавлоно Ориф Мавлоно Дарвеш хузурларига бориб дедилар: “Жаҳрия зикр этмоқни бас қилинг!” Мавлоно Дарвеш бу гапларни қабул қилмадилар. Мавлоно Ориф у зотга: “Агар сўзимни қабул этмасангиз, шуни билингки, ишлаб турган хўкизларингиздан бири нобуд бўлади!” - дейдилар. Мавлоно Дарвеш бу гапларга ҳам эътибор бермай жаҳрия зикрни давом эттираверди. Натижада соппа-соғ ишлаб турган хўкизлардан бири ўлиб қолади. Иккинчи куни яна бир хўкизи ҳаром ўлади. Шундан сўнг Мавлоно Дарвеш тавба қилиб, Ҳазрат Мавлоно Деггароний хузурларига келади. Мавлоно Деггароний унга қуйидаги байтни ўқиб берадилар:

**Кори нодон кўтахандеш аст,
Ёд гирад касе ки дарвеш аст.**

Таржимаси:

**Нодон кутахандешдур
Ибрат олган дарвешдур.**

Уш бу воқеада ҳам бир неча ибратли ҳикматлар бор. Дарвоқе, нега Мавлоно Деггароний жаҳрия зикр этишни таъқиқлаяптилар? Ахир Ҳожагон-нақшбандия тариқатида жаҳрия зикри ҳам, хуфия зикр ҳам қабул қилинган. Ваҳоланки, Ҳазрат Деггаронийнинг устодлари Сайид Мир Кулол жаҳрия зикр ила машғул бўлган. Ҳар иккала зикр тартиби Ҳазрати пайғамбар с.а.в. дан меросдир. Зеро “Дилни тозаловчи бу қурол - зикр, одам учун Ҳақ Субҳонаҳу томон йўл фақат доимий зикр айтиш орқалидир” (Абдуллоҳ Ансорий).

Ҳазрат Деггаронийнинг жаҳрия зикрдан Мавлоно Дарвешни қайтарганларида бошқа ҳикмат бор. Бу ҳикмат шуки, “Ҳақиқий мўминнинг тили ва қўлидан ҳеч ким зарар кўрмаслиги керак” - (Ҳадис). Мавлоно Дарвеш одамлар тиғиз яшайдиган жойда ярим кечаси ўзларининг асҳоблари билан баланд, товушда зикр этган. Зикр - ибодат, зикр - савоб. Лекин атрофдаги бошқа мўмин-мусулмонларга озор берилган. Одамлар кун бўйи меҳнат қилиб,

кечаси истироҳат қиламиз деганда, Мавлоно Дарвеш уларни безовта қилган. Шу сабаб Ҳазрат Деггароний хуфия зикрни Мавлоно Дарвешга таклиф қилганлар, жаҳрия зикрни эса таъқиқлаганлар. Мавлоно Дарвеш эса калтафаҳмлиқ қилди. Ушбу таклифни аввал қабул этмади. Ҳазрат пайгамбаримиз дейдиларки: “Хуфиёна зикрнинг фазилати жаҳрия зикрникидан кўра етмиш марта ортиқроқдир. Қиёмат кунида ҳар бир банданинг савоби ўлчанганда хуфиёна зикр айтган кишининг савоби ҳаммадан кўпроқ бўлади. Малойикалар: “Ё Раббий, бу банданинг номаи аъмолида савоблари кам битилган эди-ку” - деб ажабланганда, Аллоҳ таоло томонидан шундай марҳамат қилинади: «Бу бандам мени қалбида зикр қилди. Бундан фақат мен огоҳ эдим”.

Кўриниб турибдики, хуфиёна зикрнинг фазилати улуғ экан. Дарвоқе машойихлар: “Фаросат - ярим каромат!” деганлар. Ҳазрат Деггароний фаросат илми ила Муҳаммад Дарвеш зикри халққа зарар бераётганини фаҳмлаб, уни бу йўлдан қайтарганлар. Нодон эса калта фаҳмдур. У ҳозирни кўради, ишнинг оқибатини кўра олмайди. Шу боис киши пири комиллар тавсиясига амал этиши даркор. Зеро авлиё, пирлар қўлларида руҳий-маънавий чироғи бор зотлардир. Улар йўл бошловчи. Оёқлар остидаги ўнқир-чўнқирлар уларга аён. Ундай зотларга эргашган киши асло адашмайди.

Бир суҳбатда Мавлоно Ориф шундай дедилар: “Таом истеъмол қилаётган пайтда ҳар бир аъзо иш билан банд бўлур. Хўш, дил бу пайтда не иш қилур?” Асҳоб дедилар: “Дил Ҳақ Субҳонаҳу таоло зикри билан банд бўлур”. Мавлоно Ориф дедилар: “Оре! Туғри айтдингизлар. Лекин бу вақтда дил “Аллоҳ”, ёки «Ло илоҳа иллаллоҳ» зикрини айтмас. Балки дастурхондаги неъматни берувчи Аллоҳ таолони мушоҳада этур. Дил сабабдан мусаббибга келур. Аллоҳни Раззоқлигини мушоҳада этур. Мана шу ҳолатзикр ҳисобланади”.

Мазкур гаплар бизга ҳам ҳикмат, ҳам танбеҳдир. Шундайлар борки, ўнг қўл билан таом ер, айни шу пайтда чап қўли билан тасбеҳ ўтиради. Бу иш ҳам манманлик, кибр, худпарстлик. Хусусан кўча-кўйда одамларга кўрсатиб тасбеҳ ўгириб юрадиган “шайх”лар бор. Бундай риёкорликдан Худо сақласин!

Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний тахминан 1375 йил вафот қилганлар. Васиятларига мувофиқ, Мавлонони Ҳазрат Баҳоиддин ювиб, кафанлаб, лаҳадга қўйганлар.

Мавлоно, Ориф Деггаронийнинг зийратгоҳлари Навоий вилояти, Кармана туманидаги Ҳазора қасабаси, Деггарон қишлоғидадир. Бу ерда XI асрда қурилган масжид бор. Ушбу мажмуада масжиддан ташқари, қабр, чиллахона, меҳмонхоналар ҳам мавжуддир.

Ҳазрат Мавлоно Деггароний мажмуаларини қайтадан бино этиш ишлари бошлаб юборилган.

“Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний” номли рисола нашр этилди. (С.С.Бухорий, С.Азимов, “Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний”-. “Бухоро” нашриёти-2004 йил.) Ушбу рисолада Ҳазрат Мавлоно Орифнинг таржимаи ҳоллари, кароматлари, тарих олдида этган улуғ хизматлари баён қилингандир.

МАВЛОНО АМИР АШРАФ БУХОРИЙ

Мавлоно Амир Ашраф Бухорий тариқат сабоғини Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггаронийдан ўрганганлар. “Рашаҳот”да ёзилишича Мавлоно Ашраф Мавлоно Деггаронийнинг биринчи халифалари бўлиб, Ҳазрат Деггароний вафотларидан

сўнг одамларни тўғри йўлга бошлаш хизмати билан банд бўлдилар. Бу зоти шарифнинг қабрлари ҳақида китобларда маълумот тополмадик.

АМИР ИХТИЁРИДДИН ДЕГГАРОНИЙ

Амир Ихтиёриддин Навоий вилояти, Ҳазора қасабасидаги Деггарон қишлоғида туғилганлар. Бу зоти шариф шариату тариқат сабоғини Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггаронийдан ўрганганлар.

“Рашаҳот”да таъкидланишича, Амир Ихтиёриддин Деггароний Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггаронийнинг иккинчи халифалари ҳисобланадилар.

“Тухфат аз зоирин” китобида ёзилишича, Амир Ихтиёриддин Деггаронийнинг қабрлари Бухоро шаҳридаги Косагарон кўчасидадир.

ШАЙХ ЁДГОР КОНСУРУНИЙ

Ҳазрат Шайх Ёдгор валий буюк валиюллоҳ Ҳазрат Сайид Мир Кулолнинг учинчи халифа - ўринбосарлари эдилар.

Бу зоти шариф Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги Консурун қишлоғида таввалуд топиб, шу ерда марҳум бўлганлар.

Шайх Ёдгор тариқату шариат илмини Ҳазрат Мир Кулолдан ўрганган. Хожагон-нақшанбандия тариқати йўлида улуғ хизматлар қилган. Ҳазрат Сайид Мир Кулол ўз ўғиллари Ҳазрат Амир Шохни Шайх Ёдгор тарбиясига топширганлар.

Шайх Ёдгор XIV асрда яшаб, фаолият кўрсатганлар, бу зоти шарифнинг муборак қабрлари Навоий вилояти, Қизилтепа тумани, Консурун қишлоғидадир.

Консурун қишлоғида истиқомат қилувчи Абдужабборбобо Азимовнинг айтишларича, “Консурун” сўзи “кони сулук” маъносини билдирар экан.

Бу қишлоқда жуда кўп шайхлар, тариқат пирлари ўтганлиги боис шу номни олган экан. Бу ерда Шайх Ёдгор Валий масжидлари қайта қурилди. Ушбу зиёратгоҳни обод этишда Абдужабборбобо Азимов на қишлоқ аҳлининг хизмати катта.

МАВЛОНО АЛОИДДИН КОНСУРУНИЙ

Мавлоно Алоиддин Консуруний ҳам Ҳазрат Сайид Мир Кулолнинг атоқли шогирдларидан эдилар.

Бу зоти шариф XIV асрда яшаганлар. Буюк тарбиячи, улкан авлиё Ҳазрат Алоиддин Консуруний Навоий вилояти, Қизилтепа тумани Консурун қишлоғида туғилиб, шу ерда вафот қилганлар. Ҳазратнинг қабрлари обод қилинаётир.

ҲАЗРАТ ҚУСАМ ШАЙХ

Ҳазрат Қусам буюк авлиё, Яссавия тариқати ривожига муҳим ҳисса қўшган соҳибқаромат зот ҳисобланадилар. Бу зоти шариф ҳақларида жуда кўп манбаларда, жумладан, “Нафоҳатул унс”, “Насоимул муҳаббат”, “Тухфат аз зоирин” каби китобларда маълумот берилган. Манбаларда ёзилишича, Ҳазрат Баҳоуддин Ҳазрат Сайид Мир Кулолдан ижозат олганларидан сўнг Қарши шаҳри яқинидаги Косоннинг Пудина қишлоғига келадилар ва Ҳазрат Қусам

Шайх уйларига кирадилар. “Мақомоти Шоҳи Нақшбанд” да ёзилишича, Ҳазрат Қусам Шайх қовун еб, пўчоғини Баҳоиддин томон отибдилар. Ҳазрат Баҳоуддин қовун қолдиғини пўчоғи билан бирга ихлос билан тановул қилган. Бу ҳол икки-уч маротаба такрорланибди. Бир вақт Шайхнинг ходимларидан бири кириб, уч туя ва тўртта отнинг йўқолганлигини билдирган. Шайх дарҳол: “Мана шу йигитни қаттиқ тутинглар” - деб ишорат қилибдилар. Муридлар Хожа Баҳоуддинни тутиб, анча қийнабдилар. Баҳоуддин дуолари барокатидан шом намозидан сўнг йўқолган туялар ва отлар топилибди.

“Тухфат аз зоирин”да айтиладики, Ҳазрат Баҳоиддин уч ой ихлос ила Қусам Шайхга хизмат этадилар, ул зотдан сабоқ оладилар. Қусам Шайх Ҳазрат Баҳоуддинга : “Менинг тўққиз ўғлим бор, сен эса ўнинчи ўғлим ҳисобланасан. Лекин ҳамма фарзандларимдан сен аълороқ!” - дедилар ва ижозат бердилар.

Накъл этилишича, бир куни Қусам Шайх ўғиллари ва муридлари билан бирга Бухоро шаҳрига келиб, тимлардан биридан керакли нарсаларни олдилар ва дўконча супасида ўтириб дедилар: “Бизнинг кетар вақтимиз яқинлашди!” Тавҳид калимасини улар билан бирга айтиб, жонни ҳаққа таслим этдилар.

Ҳазратнинг қабрлари Косондаги Пудина қишлоғидадир. У ерда обод зиёратгоҳ бор. Масжид намозхонлар ихтиёрларига берилган.

ҲАЗРАТ ХАЛИЛ ОТА

Ҳазрат Халил Ота турк шайхдаридан бўлиб, буюк авлиё ҳисобланадилар. Бу зоти шариф ҳақларида «Мақомоти Шоҳи Нақшбанд», “Нафоҳатул унс”, “Тухфат аз зоирин”, “Насоимул муҳаббат” китобларида маълумотлар берилган. Ҳазрат Баҳоиддин дейдиларки, бир кеча туш кўрдим. Тушимда улуғ шайх Ҳазрат Ҳаким Ота келиб мени бир дарвешнинг кўлига топширдилар. Уйғонгандан сўнг ҳалиги дарвешнинг сурати хотирамда қолди. Бу воқеани бувимга баён қилдим. У киши дедиларки, Эй, фарзанд сенга турк машойихларидан насиба бўлгусидир. Мен доимо ул дарвешни кутар эдим. Иттифоқо, бир куни бозорда ул дарвешни кўрдим ва уни танидим. Унинг отини сўрасам, Халил дедилар. Лекин ул бирлан суҳбатлашиш, гаплашиш учун имкон бўлмади. Оқшом пайти дарвешнинг ёнидан биров келиб, мени таклиф қилди. Куз неъматларидан, яъни мева-чевалардан олиб равона бўлдик. Халил Ота билан ҳамсуҳбат бўлдим. Хоҳладимки, тушимни баён қилай. Ул зот дедилар: “Ҳар не аёндур, баёнга ҳожат йўқдир!” Бу гапни эшитиб, ҳолим ўзгарди. Ул зотнинг суҳбатлари қалбимга таъсир қилар эди.

Андак вақтдан сўнг Халил Ота Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлдилар. Мен сидкидилдан ул зоти шарифга хизмат қилардим. Халил Ота дердилар: “Ҳар ким Ҳақ таоло ризолиги учун менга хизмат қилса, халқ орасида буюк бўлгай!” Олти йилдан сўнг ул зотнинг ҳукмдорлиги заволга етди. Менинг ҳам дунёвий ишлардан кўнглим совиб, Бухорога қайтдим.

Ҳазрат Халил Отанинг мазорлари ҳақида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган. Халил Ота мазорлари Нахшаб туманидаги Деҳаи Шуллиқон мавзеидадир.

МАВЛОНО БАҲОУДДИН ҚИШЛОҚИЙ

Ҳазрат Мавлоно Баҳоиддин Қишлоқий олими боамал, зоҳирӣ ва ботиний илмларда ўз замонасининг пешвоси бўлганлар. Бу зотнинг туғилган жойлари қаршидаги Хожа Муборак қишлоғидадир.

Мавлоно Баҳоиддин Қишлоқий ҳадис илмидан Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга сабоқ берганлар. “Рашаҳот”да қуйидаги ибратли воқеа келтирилган. Бир кун Ҳазрат Мавлоно Баҳоиддин Қишлоқий шогирдлари Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбандга дедилар: “Бизга хизмат қилаётган бир дарвеш бор, ошхонага бориб уни кўринг!” Баҳоиддин Нақшбанд ошхонага борсалар бир дарвеш эғнида кўйлаги йўқ, мана шу яланғоч елкасида куруқ тиканни кўтариб саҳродан келтирибди. Ҳазрат Баҳоиддин бу ҳолни кўриб, ўзларига танбеҳ берган эканлар. Хизматда мана шундай сидқу ихлос лозим, деган эканлар.

Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний ҳам Ҳазрат Сайид Мир Кулол ҳузурларига келишдан олдин Мавлоно Баҳоиддин Қишлоқийга мурид бўлган эканлар.

Мавлоно Баҳоиддин Қишлоқийнинг қабрлари Хожа Муборакдадир.

ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН НАҚШБАНД (1318 -1389)

Ҳазрат Сайид Муҳаммад Баҳоул ҳақ миллат вад дин Нақшбанд ибн Сайид Муҳаммад Жалолиддин Нақшбандия тариқатининг асосчиси, олими Раббоний, авлиёлар султони, “Силсилаи шариф”даги ўн олтинчи ҳалқанинг пири муршиди, буюк тарбиячи, аллома эдилар.

Ҳазрат Баҳоуддин Бухоро шаҳри яқинидаги Қасри Ҳиндувонда 1318 йилда туғилганлар, кейинчалик бу зоти шариф баракотидан бу жой Қасри Орифонга айланди.

Ҳазратнинг исми шарифлари Муҳаммад, оталарининг исми Муҳаммад Жалолиддин ҳисобланади. Лекин Ҳазрат Ғарбу Шарқда Ҳазрат Баҳоиддин, Ҳожаи Бузург (Буюк Хожа), Шоҳи Нақшбанд номлари билан машҳур.

“Тухфатул ансоб”да Баҳоуддин насаблари ҳақида шундай маълумот берилган: Ҳазрат Баҳоул ҳақ вад дин Сайид Муҳаммад ибн Сайид Муҳаммад Жалолиддин Бухорий ибн Сайид Бурҳониддин Холдор ибн Сайид Абдуллоҳ ибн Сайид Зайнулобиддин ибн Сайид Шаъбон ибн Сайид Бурҳон ибн Сайид Махмуд Румий ибн Сайид Исҳоқ ибн Сайид Тақи ибн Сайид Махмуд Жоме ибн Сайид Али Акбар ибн Ҳазрат Имом Али Тақи ибн Имом Муҳаммад Тақи ибн Имом Али Мусо ар Ризо ибн Зайнулобиддин ибн Ҳусайн ибн Али р.а.

Ҳазрат она томонидан сидиқийдурлар, яъни насаблари Абу Бакр Сиддиққа бориб тақалади.

Ҳазрат Баҳоиддин Бобойи Самосий, Сайид Мир Кулол, Қусам Шайх, Халил Ота, Ориф Деггароний, Баҳоуддин Қишлоқийлардан сабоқ олганлар. Тариқат одобини, илмини Ҳазрат Баҳоиддин Сайид Мир Кулолдан ўргандилар, лекин ҳақиқат юзасидан Ҳазрат Баҳоуддин увайсий бўлиб, Ҳожа Абдулҳолик Ғиждувоний руҳдаридан таълим олган.

Абулмуҳсин Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Шоҳи Нақшбанд” китобларида ёзилишича, айрим пирлар увайсийдир. Жумладан, Боязид Бастомий, Абулҳасан Харақоний, Баҳоуддин Нақшбанд увайсий

ҳисобланадилар. “Увайсий” сўзининг маъноси не? Алишер Навоий бу саволга қуйидагича жавоб берганлар:”«Ҳар кишики, бу тоифадан зоҳир юзидин пири маълум бўлмаса ва машойихдин бирининг руҳи они тарбият қилган бўлса, они увайсий дерлар.” Демак ўтган улуғлардан бирининг руҳи қай кишини тарбият қилган булса, ундай шахс увайсий бўлар экан.

Илк увайсий Шайх Султон Увайс Қараний ҳисобланадилар. Чунки Шайх Увайс Ҳазрат пайғамбар с.а.в. билан замондош бўлсалар-да, лекин у киши билан учрашолмаганлар. Ҳазрат Муҳаммад с.а.в.га муҳаббатлари бениҳоя баланд эди. Ҳазрат пайғамбар с.а.в.юнинг руҳлари у кишини тарбият қилган.

Демак муридни кўрмай, руҳан тарбия қилиш анъанаси ҳам пайғамбаримиз с.а.в.дан қолган экан.

“Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”да ёзилишича, бир кеча Баҳоиддин Бухоройи шарифдаги учта мазористонга зиёратга борибдилар. Ҳар мазорда биттадан чироғдон бўлиб, ичи тўла ёғ, лекин пилига ёғ ичига ботган, шу сабаб чироғлар хира милт-милт этиб ёнаётган экан. У пиликларга андак ҳаракат бериб, тузатилса, чироқ ёруғроқ нур сочиши муқаррар. Шундай манзарани кўриб Ҳазрат Баҳоуддин мушоҳада этадилар. Учинчи муборак мазористонга етишганларида, қибла томон ёрилиб, бир улуғ тахт пайдо бўлибди. Тахт олди парда билан тўсилган экан. Тахт устида бир улуғ зот ва у кишининг атрофида бир неча нуруний пирлар ўтирганини Баҳоуддин кўрибдидар. Уларнинг орасидан Бобойи Самосийнинг руҳларини танийдилар. Ба Ҳазрат Баҳоиддинга аён бўлибдики, бўлар ўтганларнинг арвоҳларидир. Даврадагилардан бири улуғ тахтда ўтирган пир Ҳазрат Абдулҳолиқ Гиждувоний эканликларини ва атрофдагилар эса Гиждувоний асҳобларидан Хожа Аҳмад Сиддиқ, Хожа Авлиёи Кабир, Хожа Ориф Ревгарий, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Ромитаний, Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийлигини билдирибди. Баҳоуддин: “Ул жамоатдин илтимос қилдимки, Ҳазрат Хожа Абдулҳолиқ Гиждувонийга салом берай ва муборак дийдорларига мушарраф бўлай. Яшил пардани шайхдан олдилар. “Пире кўрдим нуруний. Салом қилдим, жавоб бердилар ва сўзларки, сулук мабдаи (бошланиши) ва васати (ўртаси) ва охирида кераклидир, манга баён қилдилар ва дедиларки, ул кайфият бирла санга кўргуздилар, ишорат ва башоратдур санга бул йўл қобилияти ва истеъдодидин. Аммо истеъдод фатиласин (пилигин) ҳаракат келтирмоқ керак, то ёруғай ва асрор зухур қилгай” (А.Навоий, “Насоимул муҳаббат”, 261-262 саҳифалар).

Шундан сўнг Абдулҳолиқ Гиждувоний Баҳоиддинга насиҳат этиб, пайғамбар с.а.в. сунатларига амал этмоқ, ҳар қандай бидъатдан йироқ юрмоқ, Муҳаммад с.а.в. ҳадисларини дастурил амал деб билмоқ ва Сайид Амир Кулол хизматларига бориш кераклигини уқтирадилар.

Абдулҳолиқ Гиждувоний Баҳоиддинга зикри хуфияни ўргатганлар.

Ҳазрат Баҳоиддин Сайид Амир Кулолга сидқу ихлос билан хизмат қиладилар. Нақл қилинишича, бир кун Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд хумдонга ўтин қалаб турганда, ўтин тутаб қолади, шунда Ҳазрат эгниларидаги бор давлатлари ҳисобланмиш иўстинни ечиб оловга ташлабдилар. Бу ҳолни кўриб Мир Кулол: “Эй, фарзанд, хумдонга кириб пўстинингизни олинг, ҳали у сизга кўп даркор бўлгай” - дебдидар. Баҳоуддин эса эътироз билдириб, дебдиларки: «Агар у тош ё темир бўлганда ҳам аллақачон эриб кетарди. Менинг пўстинимдан ном-нишон қолмагандир”. Мир Кулол: “Эй, Баҳоуддин! Ҳақ

Субҳонаҳу таоло ишқи оташида неча йилдан бери куйиб келаяпсиз, лекин бу пўстинингизга ул оташ таъсир қилмади. Ваҳоланки, эгнингизда доимо шу пўстин бор эди. Хумдондаги олов зинҳор-зинҳор ул пўстинни куйдиrolмагай. Зеро машойихлар: Каси сўхтаро ду бора бирён накунад, яъни куйган одамни иккинчи марта ўтга бирён этмаслар, деганлар. Қўркмай хумдонга кириг!” - дебдилар. Баҳоуддин “бисмиллаҳ” деб лов-лов ёниб турган хумдон ичига кирсалар пўстинларининг ҳатто бир тукига ҳам олов таъсир қилмаган экан. Шунда Мир Кулол дедилар: “Эй, фарзанд! Дарвешлар зоҳирида бўлган нарсаларга дунё оташи таъсир этмас. Сиз дарвешлар қалбида жой олмоққа сайъ-ҳаракат айланг, шунда дўзах оташи сизни куйдиrolмас!”

Ҳазрат Баҳоуддиннинг касблари матога нақш солмоқ бўлган. Чунки тариқат пирлари маълум бир касбни ўрганиб, ҳаёт кечирганлар. Зеро пайғамбар с.а.в.нинг “Қуръонни ўқиб, унга амал қилинглр. Ундан узоқлашиб ҳам кетманглр, унинг маъносига чуқур етаман, деб хато ва муболағага берилиб кетманглр, уни тирикчилик воситаси қилиб олиб, мол-дунё орттиришга ҳам ўтманглр”, деган ҳадиси муборақларига тариқат пирлари амал этган. “Арқон олиб тоғдан ўтин териб, уни сотиб еб ва садақа қилган одам, тиланчилик билан кун кечиргандан яхшироқдир”, деган ҳадис текинхўрлик, таъмагирликка қаршидир. Жумладан, шайхул машойих Абу Саид Харроз маҳсидўз, шайхулислам Хожа Абдуллоҳ Ансорий этикдўз, шайх Муҳаммад Саккокий пичоқчи, шайх Абулфайз Ҳаддод темирчи, ўз замонасининг қутби ва ғавси (мададкори) ҳисобланган шайх Абулаббос Омилий ҳаммол, шайх Абулҳасан Нажжор дурадгорлик билан шуғулланган. Уларнинг таҳаллуслари ҳам касбу корини билдириб турибди: харроз - маҳсидўз, саккок -пичоқчи, ҳаддод - темирчи, нажжор - дурадгор демақдир.

Дарвоқе, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандни ҳам “нақшбанд” дейишларига сабаб касблари шу эди. Бу сўзнинг иккинчи маъноси шуки, “нақшбанд бар дил банд”, яъни Аллоҳнинг номини қалбингда нақш айла, ҳисобланади. “Дил ба ёру, даст ба кор” - қалбинг Аллоҳ зикри, қўлинг эса ҳалол меҳнат ила банд бўлсин шиорини Ҳазрат Баҳоуддин ҳаётга тадбиқ этганлар.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд дейдиларки: “Бизнинг тариқатимиз “Урватул вусқо” - мустаҳкам тутқич. Мустаҳкам тутқич, бу - Қуръони карим ҳисобланади. Мустаҳкам тутадиган нарсаси бўлмаса, одамнинг адашиши, депсиниши, йиқилиши, жарга - жаҳаннамга қулаши табиийдир. Нақшбандия таълимотининг моҳияти «Ҳақиқий мўминнинг тили ва қўлидан ҳеч ким зарар кўрмайди” ҳадисига мувофиқдир. Тил - Аллоҳ таоло инъом этган улуғ неъмат. Тилнинг вазифаси бор. У - шукр, зикр этмоққа буюрилган, агар тил шикоят, ғийбат, тухмат, ёлғон гапга банд бўлса, ҳаром бўлади. Ундай тил билан этилган дуо ижобат эмас. Тоат қабул бўлмас. Қўлнинг вазифаси бунёдкорлик, ҳалол меҳнат қилмоқ. Ҳалол меҳнат орқали лукма топилади. Ҳалол лукма барча хайрли, савоб амал, покликларнинг калитидир. Ҳалол лукма еган одам ибодат лаззатини, ҳаловатини ҳис қилади (А.Ғиждувоний). Тили ҳалол, қўли ҳалол, дили ҳалол одам Аллоҳнинг дўстига, яъни авлиёга айланади, Тили ҳалол одамнинг гапи таъсирли бўлади. Ҳазрат Баҳоуддинга 600 йилдан бери одамларни эргашиб келаётганига сабаб – мана шу тил, дил, қўлнинг ҳалоллиги ва айтган гапларига аввал ўзлари амал этганликларидир.

“Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”да ёзилишича, Ҳазрат Баҳоуддин деҳқончилик билан ҳам шуғулланганлар. Биро ривоятда Ҳазрат Баҳоуддин қўлларидан бир неча йил тупроқ ҳиди аримаганлиги ҳақида хабар берилган, негаки, бу зоти шариф кечалари кўча-кўйларни кафтлари билан сийпалаб, ўнқир-чўнқирларни текислаб, йўлда ётган хас-хашак, тиканларни териб юрар эканлар. Бундан мақсад, Ю йўлдан ўтаётиб бирон намозхон ё сўқир киши тўқиниб йиқилмасин, азият чекмасин экан. Зеро, Аллоҳ ризолиги йўлида қилинган хизматини ёлғиз Аллоҳ билмоғи керак.

Пайгамбар с.а.в.нинг: “Йўлда ётган тиканни олиб ташлаган одамнинг олдинги-кейинги гуноҳларини Тангри кечади” деган ҳадиси муборақларига мувофиқ Ҳазрат Баҳоуддин ушбу ишларни қилганлар.

“Мақомот”да нақл этилишича, бир дарвеш Ҳазрат Баҳоуддинни Саррофон Тимида йўлларини тўсиб сўрайди: “Аллоҳ ҳақи, рост сўзланг. Бу қадар қисқа муддатда бу қадар баланд, олий даражаларга қай хизматингиз туфайли эришдингиз?” Ҳазрат Баҳоуддин дедилар: “Бу- резачинлигимдандир!” Резачин дегани, бу - кўчадан нон ушоғи, қоғоз парчаси, тош парчаси, хуллас, исроф бўлмасин, деб шу нарсаларни терадиган кишига айтилади. Резачинликда бир неча ҳикмат бор: камтарлик, камсуқумлик, кибрни ўлдириш, нафсни тобеъ қилиш. Дарвоқе, Аллоҳ камтарин бандаларни, тежамкор бандаларни яхши кўради.

Нақл килинишича, Баҳоуддин Қасри Орифонда куриляётган масжидда хизмат қилиб, масжид томига тупроқни бошларининг устига қўйиб ташибдилар ва қуйидаги байтни ўқибдилар:

Ба жон мекунам кори ту, чаро накунам?

Ба сар мекашам бори ту, чаро накашам?

Мазмуни: Аллоҳим, сенинг хизматингни жоним билан адо киламан, нега уни адо этмасканман? Сенинг юкингни бошимда кутараман, нега кўтармас эканман?!

Ҳазрат Баҳоуддин пирларининг топшириғига мувофиқ бир неча саҳроларда яшаб, у ердаги ваҳший ҳайвонларга, итларга хизмат қилган. Аллоҳнинг махлуқлари ҳисобланмиш ҳайвонларнинг яраларига малҳам қўйганлар, уларнинг оёғига тикан санчилган бўлса, тиканни суғуриб олганлар. Шундан сўнг Баҳоиддин элу улус хизматини қилганлар. Шайх Саъдий дейдиларки:

Фақат жойнамоz-у тасбех-у хирқа

Ила ҳосил бўлмас экан тариқат.

Тариқат дегани, билсанг, аё дўст,

Бу - халққа хизматдур, хизматдур фақат!

Шу боис улуғ пирларимиз, инчунин, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд масжиду мадраса, кўпригу сардоба, ариқлар бунёд қилганлар. Камбағал, етим-есир, мусофирларга ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам берганлар.

Шундай нақл қиладиларки, Ҳазрат Баҳоуддин ёнларига бир шайх қушдай учиб келади. Бу кароматни кўрган муридларнинг айримлари ҳушдан кетади.

Бошқалар эса, ҳозир Баҳоуддин пиримиз зўр бир каромат кўрсатиб, бу шайхни мулзам қиладилар, деб Баҳоуддинга қарашади. Лекин Баҳоуддин ҳеч қандай каромат кўрсатмай, шайхга қараб дейдилар: “Сенинг бу кароматингни оддий пашша, чумчуқ ҳам қила олади.

**Мо баройи истиқомат омадем,
Не пайи кашфу каромат омадем.**

Яъни, биз кашфу каромат учун эмас. Балки истиқомат учун – шарияти исломияга риоя этиш учун яратилганмиз. Зуд тавба қил!

Кибр Шайтонни мардуд этди!”

Шайх дарҳол тавба қилди. Зеро шайх Баҳоуддин билан баҳс қилмоққа ва ул зотга ўзини кўрсатмоққа келган эди. Ниятидан қайтди.

Ҳазрат Баҳоуддин соҳибкаромат авлиё бўлганлар. Ул зотнинг юзлаб кароматлари бор. Бовужуд бир киши Ҳазрат Баҳоуддиндан каромат кўрсатишни сўраганда, ул зот деганлар: “Шунча гуноҳларни қилган ҳолда, ер юзида бемалол юраётганимизнинг ўзи каромат эмасми?”

Ҳазрат Баҳоуддиндан сўрадиларки: - Сизнинг тариқатангизда жаҳрия зикр, хилватнишинлик, самоъ борми? Ҳазрат дедилар: - Йўқ.

Яна сўрадиларки: - Сизнинг тариқингиз қандай (яъни йўлингиз қандай)? Дедиларки: - Анжуманда хилват, бунинг маъноси зоҳир юзидин халқ билан ва ботин юзидин Ҳақ субҳонаху таоло бирга бўлмоқ. Байт:

**Аз дарун шав ошнову в-аз берун бегонаваш,
Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.**

Яъни: ичингдан Аллоҳ таоло билан ошно бўл, ташингдан бегонадек кўрин, бундай гўзал равиш дунёда жуда кам кишиларгагина насиб этади.

Ҳазрат Баҳоуддин муридларга доимо такрорлардилар: - Бизнинг тариқимиз суҳбатдур ва хилватда шуҳратдур ва шуҳратда офат. Хайрият жамиятдадур ва жамият суҳбатда бу шарт билаки, бир - бирига нафий (фойда) бўлмай.

Нақл қилинишича, Баҳоуддин Нақшбанд йўлда кетаётаб, бир итни кўрдидар ва у ит ўтиб кетгандан кейин чўкка тушиб, ит оёқларининг изини ўпиб йиғлайдилар. Сўфий ана шу итдан сабоқ олиши керак, дейдилар. Ҳаққа етган мўътабар зот Ҳазрат Баҳоуддин Тангри таоло муҳаббатига ит каби содиқ бўлишни орзу қилганлар. Навоий “Лисонут тайр” асарларида ушбу ҳикояни келтириб, Ҳазрат Баҳоуддин тилларидан қуйидагича баён қилган:

Деди: “Мен ортуқ эканму ё бу из?”

Ёна ўзни деди: “К-Эй, инсофсиз.

Ул вафо аҳли аёғидин нишон,

Сен вафосизлик сари доманкашон»

Хатм қилди ул маънида сўзин,

Ер ўпиб, ул из уза қўйди кўзин.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанддан биров сўрадики, сизнинг “Силсилангиз” қай ерга етар? Улар дедиларки, “Силсила” билан киши ҳеч ерга етмас.

Ҳазрат Баҳоуддин дедидарки, бизнинг тариқимиз пайғамбар мутобаатига илик (кўл) урмоқдур (яъни пайғамбар с.а.в. суннатларига эргашиш) ва саҳобаи киром осорига иқтидо (эргашиш) қилмоқ ва бу тариқда оз амал билан кўп футухот (кушойиш)га етишдур. Аммо суннатга эргашмоқ кўп улуғ ишдурки, ҳар киши бу тариқимиздин юз ўгирса анинг динига ҳатардур.

Ҳазрат дедиларки, тавҳид сиррига етса бўлур, аммо маърифат сиррига етиш душвордур.

Нақл қилурларки, Ҳожа Баҳоиддин кўчада бир девонани кўрадиларки, кўйидаги байтни замзама этарди:

**Некувонро дўст дорад ҳар ки бошад дар жаҳон,
Гар бадонро дўст дори гўй бурди аз миён.**

Яъни, яхшиларни дунёда ҳамма ҳам дўст тутади, лекин агар сен ёмонларни дўст тутсанг, ҳақиқий ғолиб ҳисобланасан.

Баҳоуддин дедиларки, мен учун ушбу байт сабоқ бўлди ва барча дарвешларга мазкур байтни ёдламоқни буюрдим.

Нақл қилинишича, кунлардан бир кун Ҳазрат Баҳоуддин Ҳазрат Сайид Мир Кулол суҳбатларини қўмсаб Насаф томон йўлга тушибдилар. Ҳазратнинг отлари жиловидан тутиб бир дарвеш борарди. Ҳазрат Баҳоиддин дарвешга ўз сулуқлари хусусида сўзлаб, кўп машойих номини зикр этадилар. Ҳазрат Баҳоуддин дейдиларки, мен Султон Боязид Бастомий қуддиса сирруху мақомларига сайр қилдим ва Султон Боязид борган жойга етдим, Шайх Жўнайид, Шайх Шиблий, Шайх Мансур чикқан мақомларга ҳам кўтарилдим ва бир даргоҳга етдимки, ундан муаззамроқ, буюкроқ мақом йўқ эрди. Билдимки, бу Муҳаммад с.а.в. боргоҳларидир, густоҳлик (хурматсизлик) қилмадим ва Боязид не иш этган бўлса, мен ундай этмадим (яъни у даргоҳ хурматини сақладим).

Нақл қилурларки, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд дедилар: - Замона кутблари ва автодлари Шомда жамъ бўлиб, мени оқ кигиз узра олдилар ва атрофимни ўраб олган кўйи буюк бир тахтга ўтирғиздилар. Бундан кейин менда ҳеч бир ғам қолмади.

Мазкур нақлдан кўриниб турибдики, Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанд барча авлиёларнинг шоҳи бўлган эканлар.

Султонул Орифин Боязид Бастомий айтибдурларки, бу йўлга кирганлар ҳар қанча юрган билан аларнинг охирги қадами бизнинг биринчи қадамимизга етур. Баҳоуддин Нақшбанд дебдурларки, ғайрат юзасидан Ҳақ таоло суҳбати ҳаром бўлсин ул кишигаким, унинг биринчи қадами Боязиднинг охирги қадамига етмаса ва яна дедиларки, биз интиҳони ибтидода дарж айладик.

Баҳоуддин икки марта ҳаж сафарига борганлар. Ул зоти шариф Макка, Мадина, Нишопур, Ҳирот, Марв, Самарқанд, Насаф, Сарахс, Кеш, Тус, Кармана ва бошқа шаҳарларда бўлганлар. Ривоят қилишларича, Ҳирот шоҳи Ҳазрат Баҳоуддин шарафларига зиёфат уюштирибди. Лекин шоҳ зиёфатига қатнашган Баҳоуддин дастурхондан хатто нон ушоғини ҳам оғизларига солмабдилар. Бунинг сабабини шоҳ сўраганда, Ҳазрат: “Жанобларининг касблари не?” - дебдилар. Шоҳ ҳайрон бўлиб: “Ҳазратим, мен подшоҳмен, касбим шу!” - дебди. Баҳоуддин: “Шоҳлик касб эмас. Довуд алайҳиссалом пайғамбар эдилар, шу

билан бирга шоҳ эдилар, боз устига темирчилик касби билан ризқ - рўзиларини топардилар. Сизнинг ушбу дастурхонингиздаги нозу-неъматлар пешана тери билан топилганда эди, истемол қилсак бўларди!” - деб шоҳ зиёфатидан чиқиб кетибдилар. Дарвоқе, Ҳазрат Баҳоуддин ҳар бир муридга, шогирдга бир касбни ўрганишни тавсия этар эканлар.

Ҳазрат Баҳоуддин ғафлат билан, ёхуд ғазаб билан пиширилган таомни муридларга тановул қилишга қўймаганлар. Агар қозонга капкир ғазаб билан урилса, ёки ошпаз “Бисмиллаҳ” демасдан, шукрона қилмасдан, ғафлат билан овқат тайёрласа, ундай таомни тановул қилган кишига ғазаб, жаҳл, ғафлат пайдо бўларкан. Огоҳлик билан пиширилган таом, шукрона билан тайёрланган неъматни истемол қилган киши қалбида бунёдкорлик, тоат - ибодатга, эзгу ишларга рағбат пайдо бўлар экан.

“Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”да ёзилишича, Ҳазрат Баҳоуддин Сайид Мир Кулолдан, Мир Кулол Бобойи Самосийдан, бу зот Хожа Али Ромитанийдан, бу зот Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийдан, бу зот Хожа Ориф ар Ревгарийдан, бу зот Хожа Абдулҳолик Гиждувонийдан, бу зот Юсуф Ҳамадонийдан, бу зот Шайх Абу Али Формадийдан, бу зот Шайх Абулқосим Гургонийдан, бу зот Абулҳасан Ҳарақонийдан, бу зот Боязид Бастомийдан сабоқ олганлар. Боязид Бастомийнинг пирлари Имом Жаъфари Содикдир.

Имом Жаъфари Содик “Силсилаи шариф”да икки йўл билан боғланганлар. Бирида Имом Жаъфар Содик ўз падари бузругворлари Ҳазрат Имом Муҳаммаддан, Имом Муҳаммад оталари Имом Зайнулобидиндан, Зайнулобидин оталари Имом Ҳусайндан, Имом Ҳусайн оталари Ҳазрат Али р.а.дан, Ҳазрат Али р.а. эса Муҳаммад с.а.в.дан таълим олганлари қайд этилган. Мазкур занжир халқалари нафақат оилавий йўл билан, балки тариқат таълими билан ҳам пайғамбар с.а.в.га туташгандир.

Иккинчисида эса Имом Жаъфари Содик тариқат тарбиясини Ҳазрат Қосим Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддикдан олган. Ҳазрат Қосим Имом Жаъфарнинг она томонидан боболари ҳисобланадилар. Ҳазрат Қосим Солмони Форсийдан, Солмони Форсий Ҳазрат Абу Бакр Сиддикдан р.а., Ҳазрат Абу Бакр Сидик Сарвари коинот Ҳазрати пайғамбаримиз с.а.в.дан ўрганганлар ва қўл олганлар.

Ҳазрат Баҳоуддин “Ҳаётнома”, “Далелул ошиқин”, “Аврод” номли китоблар ёзган. Ҳазратнинг энг етук шогирдлари Хожа Алоиддин Аттор, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Алоиддин Гиждувоний, Шайх Сирожиддин Пирмасий ва бошқалар бўлган.

Ҳазрат Баҳоуддин иккиита фарзанд кўрганлар. Лекин ўғиллари ёшлигида вафот қилган, қизларини Хожа Алоиддин Атторга никоҳлаб берганлар.

Ҳазрат Баҳоуддиннинг биринчи халифалари Ҳазрат Аллоиддин Аттор дейдиларки, Ҳазрат Баҳоуддин жон бераётган пайтда “Ёсин! Сурасини ўқир эдик, суранинг ярмига келганимизда, Ҳазрат Баҳоуддиннинг юзларида нур пайдо бўла бошлади, калимаи тавҳидни айтиб жон бердилар. Бу воқеа 1389 йил бўлган эди. Қабрлари Қасри Орифондадир. Қасри Орифон Когон туманида жойлашган. Жуда кўп шоирлар Ҳазрат вафотларига атаб таърих битган, лекин энг машҳури будир:

**Рафт Шоҳи Нақшбанд хожаи дунёву дин,
Он ки буди шоҳи роҳи дину давлат миллаташ.**

Маскану маъвои ў чун шуд Қасри Орифон, “Қасри ирфон” з-ин сабаб омад ҳисоби рихлаташ.

Яъни, дунё ва диннинг Ҳожаси Шоҳи Нақшбанд вафот килди, У дину давлатнинг шоҳи эрди. Унинг маскану маъвоси Қасри Орифон бўлган, шу сабаб вафот тарихи “Қасри ирфон” дан чиқади.

“Қасри ирфон”дан абжад ҳисоби билан 791 йил ҳосил буларкан; бу эса мелодий 1389 йилга тўғри келади.

Ҳазрат Баҳоуддин қабрлари устидаги дахма ва ушбу зиёратгоҳдаги хонақоҳни Абдулазизхон ибн Убайдуллохон 1544 йилда курган. Абулфайзхоннинг онаси эса икки томони айвонли масжид (XVIII аср), Ҳаким Қушбеги Амир Насруллохон замонида (XIX аср) масжид бино килди. Бу мажмуадаги Минора 1720 йил, Саққоҳона XX асрда бунёд қилингандир.

Ҳазрат Баҳоуддин зиёратгоҳлари собиқ Иттифоқ замонасида ярим вайрона бўлиб, зиёрат қилиш таъқиқланган эди.

Мустақиллик шарофатидан 1993 йил Юртбошимиз ташаббуслари билан Ҳазрат Баҳоуддиннинг 675 йиллик юбилейлари жаҳон миқёсида нишонланди. Ушбу зиёратгоҳ таъмирланди, хонақоҳ, масжидлар намозхонлар ихтиёрига берилган. Айниқса, 2003 йил Ҳазрат Баҳоуддин зиёратгоҳларида улкан ободонгарчилик ишлари олиб борилди. Зиёратгоҳда меъморий муъжиза бунёд этилди. **“Улуғ бобомизнинг юксак обрў - эътиборига муносиб тарзда, ўз қўлимиз билан барпо этган бу меъморий муъжиза тимсолида биз аввало замонлар ва авлодлар ўртасидаги узвийликни, халқимиз даҳосининг боқийлигини кўрамиз десак, ҳеч қандай хато бўлмайди”** (И. А. Каримов).

Бухоро шаҳридан то ушбу зиёратгоҳгача борадиган йўл жаҳон андозасига мос қилиб бино этилгани таҳсинга лойиқ.

Ҳазрат Баҳоуддин зиёратгоҳларида улкан мажмуа қад ростлади. Бундай кенг кўламдаги ободонгарчилик ишлари бирор асру айёмда қилинган эмас. Қадимдаги дарвозалар - Хожа Диловар, Бобус Салом асл ҳолига келтирилди. Зиёратгоҳнинг жанубида улкан гумбазли дарвозахона қурилди. Ушбу дарвозахонанинг номи Бобул Ислондур. Ҳазратнинг қабрлари шарқи ва жанубида улкан ва гўзал айвон тикланди. Бу янги айвон қадимги айвонга ғоят мутаносибдир. Хонақоҳ, масжидлар, мадраса бинолари сидқидилдан таъмирланди.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳлари билан оналари - Орифабиби зиёратгоҳлари бир мажмуага айлантирилди. Орада улкан боғ, гулзор барпо бўлган.

Ҳазраг Баҳоуддин музейларидаги экспонатлар ҳам янгиланиб, бу ерга қирган киши тасаввуф, Етти Пир ҳақларида яхлит бир тушунчага эга бўлади. Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Қўқон ва бошқа вилоятлардан келган қўли гул устолар ихлос билан, эътиқод билан ушбу мажмуада хизмат қилдилар. Бир сўз билан айтганда, XVI аср обидаси қарама - қаршисида, унга уйғун ҳолда XXI аср обидаси қад ростлади. Машойихлар: “Минг эшитгандан бир кўрган афзал” деганлар. Ушбу мажмуани таъриф - тавсифлашга қалам ожиз. Келган одам кўради ва қойил бўлади. Ҳазрат Баҳоуддиннинг улуғ номларига, буюк мақомларига муносиб зиёратгоҳ барпо этилгандир.

Дарҳақиқат, “Ҳар қандай ободлик кўнгилдан бошланади” (И.А.Каримов) то кўнгил обод бўлмаса, бундай ҳашаматли, бундай кўркам, бундай салобатли, бундай файзли мажмуани бино қилиб бўлмайди.

Ҳазрат Баҳоуддин мажмуаларини зиёрат қилаётганингизда ўтган улуғларимизнинг қуйидаги қалб сўзлари қулоғингизга эшитилса, асло ажабланманг:

**Бизни ёдга олганни -Аллоҳ ёдга олгайдур,
Аларнинг юрагига Аллоҳ тавфиқ солгайдур.
Бизни эъзозлаганни Аллоҳ эъзозлар бешак,
Азизларнинг ёдида алар номи қолгайдур.
Бизни ёдга олганнинг замони обод бўлғай.
Макони обод бўлғай, жаҳони обод бўлғай.
Не экса ўриб олгай ўшани одам, бешак,
Бизни ёдга олганнинг хирмони обод бўлғай!**

ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН ОНАЛАРИ ЗИЁРАТГОҲИ

Ҳазрат Баҳоуддин оналарининг зиёратгоҳи ҳам Қасри Орифондадир. Ушбу зиёратгоҳда қабр, туғ, масжид, ҳовуз бор. Айни шу кунларда ушбу зиёратгоҳ билан Ҳазрат Баҳоуддин зиёратгоҳлари бир улкан мажмуага айлантирилган.

ҲАЗРАТ ХОЖА АЛОУДДИН АТТОР (ваф. 1400)

Ҳазрат Хожа Алоуддин Аттор Нақшбандия тариқатининг улуғ пири, авлиё, “Силсилаи шариф”даги ўн еттинчи ҳалқадаги муршид, аллома эдилар. Бу зоти шарифнинг исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад ал Бухорийдир. Асли хоразмлик бўлганлар. Хожа Алоуддин Аттор ҳақларида Хожа Муҳаммад Порсонинг “Хожа Алоиддин Аттор”, “Рисола” китобларида, шунингдек, Али Сафийнинг “Рашаҳот”, Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”, Салоҳ ибн Муборак ал Бухорийнинг “Анис ат толибин”, Муҳаммад Дорушуқунинг “Сафинат ул авлиё” ва бошқа манбаларда маълумотлар берилган.

“Тухфат аз зоирин”да Ҳазрат Алоиддин Атторнинг насабноналари берилгандир: “Тухфат ал ансоб”да келтирилганким: Сайид Муҳаммад (Алоиддин Аттор) ибн Сайид Амир Муҳаммад Бухорий ибн Сайид Абдуллоҳ Зарбахш ибн Сайид Аҳмад (Сайид Ато) ибн Сайид Абу Бакр ибн Сайид Қосим ибн Сайид Мусо ибн Сайид Абдуллоҳ ибн Сайид Муҳаммад Шаҳид ибн Сайид Абдулазиз ибн Сайид Жаъфар ибн Сайид Абдулҳақ ибн Сайид Мужтаҳид ибн Сайид Муҳаммад Кабир ибн Сайид Иброҳим Ризо ибн Ҳазрат Али Мусо ар Ризо ва бошқалар хуллас то Али р.а.гача боради. Хожа Алоуддинни Аттор дейишларига сабаб шуки ул зоти шарифдан доимо хуш бўйи анқиб турар экан, шунингдек, суҳбатлари ҳам ёқимли экан. Шу боис Ҳазратга Аттор унвони берилган.

Аз ҳарки ояд бўйи хуш қурбони он аттор шав.

Яъни кимдан хуш ҳид анқиса, ундайларнинг қурбони бўл.

Хожа Алоуддин оталарининг исми Муҳаммад бўлган. Муҳаммад вафотларидан сўнг у кишидан уч ўғил қолади. Хожа Шаҳобиддин, Хожа Муборак, Хожа Алоуддин. Ота вафотлариданг сўнг мерос олмоқ уч ўғилга буюрилди. Лекин Хожа Алоуддин мерос олмай Бухородаги мадрасага ўқишга кирдилар. Акалари бой-бадавлат бўлиб, дўкандорлик этарди. Хожа Алоуддин риёзатлар чекиб, очлик-муҳтожликка чидаб илм оларди. Кунлардан бир кун Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд Хожа Алоуддин хужраларига келиб дедилар: “Эй, фарзанд менинг қизим балоғатга етмиш, ўшани ннкоҳингизга олинг”. Ҳазрат Алоуддин дедилар: «Ҳазрат, менинг тўшагим кўриб турганнингиздек бўйра, ёстигим пишиқ ғишт, бор давлатим синган кўза бўлса, мен оилани қандок боқурмен? Сизнинг бу сўзларингиз мен учун олий бахтдур, лекин аҳволим ўзингизга аён, пирим!” Ҳазрат Баҳоуддин дедилар: “Ризқни берувчи Аллоҳдир. Сизга ҳам, қизимга ҳам Аллоҳ ризқ берур. Менинг бу томондан ташвишим йўқ.” Хожа Алоуддин Аттор Ҳазрат Баҳоуддин қизларини никоҳлаб олдилар.

“Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”да ёзилишича, Ҳазрат Баҳоиддин Хожа Алоиддин Атторни сулук бошида доимо ўзларига яқин жойда ўтиришни буюрардилар. Асҳоб бунинг сабабини сўраганда, Ҳазрат дедилар: “Уни бўри еб қўймасин деб шундай этаман. Зеро бўри, яъни нафс доимо пойлаб туради. Шу сабаб ҳар лаҳза Хожа Алоиддин ҳолидан бохабар бўлиб тураман, токи у бўрига ем бўлмасин”.

Нақл қиладиларки, Хожа Алоуддин Аттор Бухорода валийлик даввосини этувчи бир дарвеш билан учрашиб, у билан баҳсу мунозара қилдилар. Ушбу баҳсда Хожа Алоуддин ғолиб бўладилар. Бу хабар Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга етади ва Ҳазрат Баҳоуддин Хожа Алоуддинга дедилар: “Сиз авлиёмисиз?”. Хожа Алоуддин кўп тазаррулар айтиб, тавбалар қилиб, инкор этдилар. Шунда Ҳазрат Баҳоуддин: “Агар авлиё бўлмасангиз авлиёлик сифатидан кечинг!” - дедилар. Хожа Алоуддин сукут этиб турдилар, ҳеч бир жавоб бермадилар. Ҳазрат Баҳоуддин дедилар: “Агар менинг, суҳбатимни истасангиз, авлиёлик сифатидан кечишингиз шартдир!”

Хожа Алоуддин Аттор устоднинг гапларини қабул қилдилар. Кейинроқ Хожа Алоуддин Аттор дедилар: “Аллоҳ таоло лутфу марҳамат этиб, мени тўсиқлардан, хижоблардан қутқарди. Шундан сўнг бу ҳол ва камолдан ҳам азизроқ бўлган нарсаларни кўрдим ва мушоҳада этдим”.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд вафотларидан сўнг Хожа Алоуддин Аттор муридларни тўғри йўлга даъват этиб, муридлар тарбияси ила машғул бўлдилар.

Хожа Алоуддин Атторнинг энг етук муридлари қуйидагилардир: Ҳазрат Яқуби Чархий, Хожа Абдуллоҳ Имоми Исфаҳоний, Мавлоно Хусомиддин Порсо Балхий, Мавлоно Абу Саид, Шайх Умар Мотуридий, Сайид Шариф Журжоний, Мавлоно Низомиддин Хомуш ва бошқалар.

Хожа Алоуддин Атторнинг ўғиллари исми Ҳасан Аттордир. Бу зоти шариф Ҳазрат Баҳоуддиннинг неваралари ҳисобланадилар.

Хожа Алоуддин оилалари билан бирга Денавга (ҳозирги Сурхондарё вилоятидаги шаҳар) бориб, ўша ердаги хонақоҳда муридлар тарбияси ила машғул бўлдилар.

“Нақл қилинишича, Хожа Алоуддин Аттор вафотларидан етти йил олдин, яъни (1392-93) йил Денавдан Бухорога келиб Ҳазрат Баҳоуддин қабрларини зиёрат қилдилар. Дарвешлардан бири туш кўрадики, Хожай Бузург (яъни

Ҳазрат Баҳоуддин) ва Хожа Алоуддин Аттор шоҳона бир қаср ёнига борибдилар. Мазкур қаср Муҳаммад с.а.в.га тегишли экан. Хожаи Бузрук қасрга кириб, бир неча муддатдан сўнг ғоят севиниб чиқибдилар ва: “Аллоҳ таоло изни билан менга Муҳаммад с.а.в. шундай кароматни ато қилдилар: ҳар киши манинг қабримнинг ҳар тарафидан юз фарсахлик ерда бўлса, ман унга шафоат қилурман изни илоҳий бирла.

Ва Алоиддин Атторга қирқ фарсахлик ерга ва Хожа Порсога бир фарсахлик ерга шафоат берилди. (“Фахриддин Али Сафий”, “Рашаҳот”, Тошкент 2003 йил, 127-саҳифа).

Хожа Алоуддин Аттор 1400 йил вафот қиладилар. Муборак қабрлари Денавдадир.

ҲАЗРАТ ХОЖА ҲАСАН АТТОР

(ваф. 1423)

Ҳазрат Хожа Ҳасан Аттор Ҳазрат Хожа Алоуддин Атторнинг ўғиллари, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг неваралари ҳисобланадилар.

“Рашаҳот”да ёзилишича, Хожа Ҳасан Аттор ёшликларида бир уловга миниб юрардилар, ул зотнинг атрофларида жуда кўп болалар югирарди. Бу ҳолни кўриб Баҳоиддин Нақшбанд дедилар: “Яқинда бу неварамиз отининг рикобдори подшоҳлар бўлғай, иншаоллоҳ!”

Дарҳақиқат, Хожа Ҳасан улғайиб Хуросонга келадилар. Боғи Зоғонда Мирзо Шоҳруҳ Хожа Ҳасанга бир от инъом этади. Хожа отга минадилар. От саркашлик этади, подшоҳ жиловни тутиб, бир неча қадам ташдайди.

От ювош тортиб тўхтади. Шоҳруҳ ва барча аркони давлат отнинг бу саркашлигидан хижолат бўлдилар. Ҳазрат Хожа Ҳасан Аттор эса оддан тушиб, Бухоройи шарифга қарадилар-да, кўп ниёзмандликлар қилиб, сўнг Ҳазрат Баҳоуддиннинг кароматли гапларини эсладилар. Шундан сўнг бу воқеадан кўнгиллари хижил бўлганларга бу гап таскин бўлди.

Хожа Ҳасан Атторда жазба ғоят кучли эди. Ушбу жазба орқали истаган кишига таъсир қила олардилар.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Хожа Ҳасан Аттор 1423 йилда марҳум бўлганлар. Бу зоти шарифнинг қабрлари Денавда, оталарининг мазорлари ёнидадир.

ХОЖА ЮСУФ

(XV аср)

Хожа Юсуф ибн Хожа Ҳасан Аттор ибн Хожа Алоуддин Аттор ҳазратлари Ҳазрат Баҳоуддиннинг чеваралари ҳисобланадилар.

Бу зоти шариф ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган. Хожа Юсуф илми Хожа Ҳасан Аттор, яъни оталаридан ўртанган. Ўз замонасининг олими, авлиёси эдилар. “Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Ҳисор Хожагон шайхларининг насаби Хожа Юсуфдан бошланади.

Ҳазрат Хожа Юсуфнинг қабрлари Хожа Ҳасан Атторнинг ёнларидадир.

ҲАЗРАТ БАҲОУДДИН ҚИЗЛАРИ ЗИЁРАТГОҲИ

Маълумки, Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд уйланганлар ва ул зоти шарифнинг бир қизлари бўлган. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қизларини

Алоуддин Аттор ўз никоҳларига олган. Баҳоуддин авлодлари мана шу кишилар орқали ХХІ асрга етиб келди.

Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қизларининг қабрлари Хожа Алоуддин Аттор зиёратгоҳидадир.

ХОЖА МУҲАММАД ПОРСО АЛ БУХОРИЙ **(1348 -1420)**

Ҳазрат Хожа Порсо буюк пир, улуғ аллома, Ҳаққа етган ориф олими замона, қутбул авлиё, соҳибқаромат муршид бўлганлар. Бу зоти шарифнинг исмлари Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳофизиддин ал Бухорийдир. Хожа 1348 йил Бухорода туғилганлар. А.Жомий, А.Навоий, А.Сафий ва бошқа алломалар Ҳазрат Хожа Порсо ҳақларида ўз мўътабар асарларида ёзганлар.

“Рашаҳотда” келтирилишича, Хожа биринчи бор пирлар пири Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд хузурларига келиб, дарвозани тақиллатадилар. Уйдан бир канизак чиқиб, Хожа билан савол-жавоб қилади ва уйга кириб: “Ҳузурингизга киришни истаб бир порсо йигит келибди!” - дейди. Ҳазрат Баҳоуддин рухсат берадилар ва ул кишин кўрибоқ: “Исмингиз Порсо бўлади” - дейдилар. Биринчи учрашувда шу сўзнинг шарофатидан ул зоти бобаракот “Хожа Порсо” номи билан машҳур бўладилар. “Порсо”-форсча сўз бўлиб, “художўй”, “ўзини гуноҳлардан сақловчи”, “тақводор” деган луғавий маъноларини англатади. Хожанинг сурат ва сийратлари шу номга муносиб эди.

Хожа Порсо Бухоро мадрасаларида уқиб, илм олганлар. Ботин илмидан Хожа Порсога Ҳазрат Баҳоуддин таълим берган, Муҳаммад Боқирнинг “Мақомоти Шоҳи Нақшбанд” китобларида ёзилганки: “Қутбул авлиё Хожа Порсо нақл қилдиларки, Ҳазрат Хожамиз Баҳоуддин Нақшбанд қуддиса сирруҳу биринчи марта ҳаж сафаридан қайтиб келдилар ва мухлислар Ҳазратни бирма - бир зиёрат этдилар. Айни мажлис авжида мен даврага кирдим. Ҳазрат мен томонга юзларини ўгириб дедиларки: “Дўстларимиздан қай бириси бизнинг ёнимизга келса аввал ботинларини бизнииг ботинга рост айлаб, сўнг хузуримизга киради. Лекин хоҳ ғайба, хоҳ ёнимизда бўлсин - ботини менинг ботинимга доимо рост бўлган ягона дўстим сенсан!” Алҳамдулиллаҳи Раббил оламинки, шу кундан эътиборан бу фақирга Ҳазрат назарлари, меҳр - муҳаббатлари зиёда бўлди ва дедиларки бизда не булса, барчасини ўзинга сингдириб олдинг.” Ҳазрат доим лутф ва феъл борлигидан қатъий назар амал жазоси муқаррарлигидан амр қилардилар”. Зеро қавл, амал ва феъл бирлигини риёкорликдан сақламок, лозим. Ва Ҳазрат ҳаётларининг охирида мен фақир ҳақимда кўп лутф этиб айтдиларки: “Мен ҳаргиз сендан ранжимадим, бошқалар эса мени кўп ранжитди. Агар орамиздан бирор бир гап ўтган бўлса, бунга сен эмас, балки мен сабаб бўлганман. Ва шул боис бир неча вақт ботинимни сенинг ботинингдан айирган эдим.” Ва Ҳазрат яна дедиларки: «Энди менинг ботиним билан сенинг ботининг рост тушибдур. Ва мен Ҳижоз йўлида (Ҳаж сафари чоғида) сен ҳақингда билдирган фикрим қатъийдур, Ва агар ўшал аснода ўзинг ёнимда бўлганинда эрди, сенинг тўғрингда баҳойим айтилганидан ҳам ортиқроқ бўлур эрди”. Ва яна Ҳазрат дедилар: «Сен менга муридлик юзасидан бамисли дастгоҳсан, биз тарбиятингни такомилига етқаздик”.

Ва Ҳижоз йўлида бу бандаи фақирни мууроқабага амр этдилар ва мууроқаба тариқини ва ўзларининг ҳимоятларида хаёлот хазинасига банд бўлмоқ илму

амалларини ҳам ўргатдилар. Ва буюрдиларки: “Мавлоно Ориф Деггароний ҳақкинга не деган бўлса, мен ҳам уни тасдиқлайман”. Ва бошқа бир пайтда дедилар: “Сенинг тариқинг жазбае ва сенинг сифатинг жамол ва жалол орасидадур. Ва кайфиятни сенинг илмингга ҳавола айладук!”

Ва яна дедилар: “Хожа Порсо не тиласа Аллоҳ таоло бажо келтиради, биз дегаймизки, айтгил, ул тиламайдур!”

Ва Ҳижоз йўлида васият қилиб дедилар: “Хожагонлар тариқатида ҳар насибае ва амонатеки бизга етибдур ва неки бу йўлда касб қилибдурмиз, ул омонатни сенга топширдик. Чунончи, Мавлоно Ориф топширган эдилар, қабул айлагайсен ва уни халқуллоҳга етказгайсен. Шу маънода кўп муболағалар этдилар. Ва яна ҳаётларининг охирида ҳам Бухорода юқоридаги, васиятни такрорладилар”.

Маълум бўлаяптики, Ҳазрат Хожа Порсога нисбатан Ҳазрат Баҳоуддиннинг меҳрлари ғоят баланд бўлган экан.

Манбаларда Ҳазрат Хожа Порсонинг кароматлари ҳақида ҳам маълумотлар бор. “Рашаҳот”да нақл этилишича, Мирзо Улуғбек замонасида Самарқандга шайх Шамсиддин ибн Муҳаммад ал Жазарий келадилар. Бўл зот муҳаддислар пешвоси эдилар. Ўшал вақтга Хожа Порсога нисбатан ғаразгўйлик қилиб юрган кимсалар бўлган. Улар шайх Жазарийга дейдиларки: “Хожа Порсо” деган киши Бухорода ҳадис ривоят қилади, лекин унинг асноди (яъни кимлар орқали етиб келгани) тўғри ё нотўғрилигини ҳеч ким билмайдир. Хожа Порсонинг ўзининг бир имтиҳон қилсангиз. Агар айтгани тўғри бўлса, ишини давом эттирсин. Агар нотўғри бўлса, ҳадисгўйликни бас этсин. Ҳар икки ҳолда ҳам сизга савоб бўлур!” Ғаразгўйлар Мирзо Улуғбекни ҳам кўндирдилар. Шундан сўнг Хожа Порсога киши юбориб, ул зотни Самарқандга таклиф қилдилар. Самарқанд шайхулислом Хожа Исомиддин, шунингдек олиму фузалолар йиғилган катта бир мажлисда Хожа Порсога ҳадис айтишни буюрдилар. Ҳазрат Хожа Порсо бир неча ҳадисларни асноди билан баён қилдилар. - Ҳазрат шайх Шамсиддин дедилар: “Айтган ҳадисларининг шак-шубҳа йўқ, лекин аснодлари менинг назаримда аниқ эмас”.

Бу гапларни эшитиб ҳасапдгўйлар бир-бирига қараб кўз қисиб, ҳадисларнинг бошқа аснодларини айтдилар. Лекин Шайх ўша гапларини такрорлади.

Хожа Порсо билдиларки, ушбу даврада қанча ҳадис келтирсалар барибир унинг аснодларига эътироз билдирадилар. Шундан сўнг Ҳазрат Хожа Порсо муроқабат этдилар, андак фурсат ўтгандан сўнг дедилар: “Аҳли муҳаддис ҳисобланмиш Муслимининг аснодлари эътиборлими?” Шайх: “Оре! Ушбу китоб ғоят мўътабардур. Унга ҳеч ким шак - шубҳа билдирмагай. Агар сиз мисол келтирган ҳадислар асноди шул китобда бўлса, биз барчасини қабул қилурмиз.” – деди.

Ҳазрат Хожа Порсо шайхулислом Исомиддинга қараб дедилар: “Кутубхонангиздаги фалон токнинг устидаги фалон китобнинг тагида ушбу асар бор. Шу китобнинг фалон саҳифасида биз айтган ҳадисларнинг асноди келтирилган. Бир кишини юбориб ўшал китобни олиб келинг!” Бу гапларни эшитиб аҳли мажлис бағоят ҳайратланди. Хожа Исомиддин ҳам аниқ билмасдики, шул китоб ўшал жойдами, ё йўқ. Лекин ҳамма ҳозир бўлганлар аниқ, билардики. Хожа Порсо Хожа Исомиддин уйига, унинг кутубхонасига

умрларида ҳеч бўлмаганлар. Шу боис ҳамма таажжубланар ва ишнинг охири қандай тугабини сабрсизлик билан кутарди. Хожа Исомиддин даврадагилардан бирини кутубхонасига юборди. Ҳалиги одам Хожа Порсо айтган жойдан ўшал асарни топиб олиб келди. Шайх уни очиб қарасалар, дарҳақиқат, Хожа Порсо баён қилган аснодлар бор экан, Бугун мажлис аҳли таҳсину офаринлар деди. Хусусан, Хожа Исомиддин ҳаммадан ортиқроқ хурсанд бўлди. Ҳасадгўйлар эса ушбу кароматдан мулзам бўлган экан. Бу воқеа Мирзо Улуғбекка баён қилинганида, Мирзо Улуғбек Хожа Порсонини имтиҳон қилдириш учун чақиртирганидан пушаймон бўлиб, хижолат чеккан.

Манбаларда таъкидланишича Хуросон ҳукмдори Шоҳрух Мирзонинг Порсога эътиқоди баланд бўлган. Хожа Порсо мўъминларнинг турли-туман ишлари юзасидан Шоҳрухга мактуб йуллаб турганлар. Самарқанд ҳукмдори Халил Султоннинг эса бундан ғаши келиб, Хожа Порсога амр этади: “Сиз Бухорони тарк қилинг ва даштга боринг. Даштдагиларни ислом динига даъват қилинг!” Бу гапни эшитиб Хожа Порсо зудлик билан аввал Баҳоуддин Нақшбанд сўнг Сайид Мир Кулол зиёратгоҳларига борадилар, уларни зиёрат этиб, кейин отга қамчи уриб бир тепалик устига чиқадилар. Ҳазрат Хуросонга қараб дедилар:

**Ҳамаро зеру забар кун, на забар мон на зер,
То бидонанд, ки имрўз дар ин май дон кист!**

Мазмуни: Ҳаммани зеру забар эт, на зер қолсину на забар (яъни ҳаммани остин - устин қил), токи билсунларки, бугун бул майдонда ким турибди.

Шу куниёқ Шоҳрух Мирзо Халил Султонга қарши лашкар юборади ва жангда Халил Султон ўлдирилди. Ушбу воқеа Хожа Порсонинг кароматларидур.

Ҳазрат Навоий ёзадиларки, Ҳазрат Баҳоуддин дедилар: “Мақсуд бизнинг зухуримиздан анинг (яъни Хожа Порсонинг) вужудидур ва анга иккаласи тарийқ билаки, жазба ва сулук бўлғай, тарбият қилибмен. Агар машғуллук қилса, олам ундан мунаввар булур.”

Ҳазрат Хожа Порсо биринчи мартаба устодлари Ҳазрат Баҳоуддин билан Маккаи Мукаррамага ҳаж арконларини бажармоқ учун борганлар.

“Насоимул муҳаббат”да айтилишича, ҳижрий 822 йилнинг муҳаррам ойида Хожа Порсо Бухородан иккинчи бор Байтуллоҳ зиёрати учун йўлга чиқадилар. Насаф йўли билан бориб, Чағониён, Термиз, Балх, Ҳиротга етадилар. Қай ерга борсалар, албатта у жойдаги бузруғзодалар, валийлар қабрини зиёрат қилар ва ул мамлакатдаги саййидлар, шайхлар, уламолар эса Хожа Порсога пешвоз чиқиб, ул зотдан дуо оларди.

Ҳазрат Абдурахмон Жомийнинг айтишларича, “Хожа Порсо Жом шаҳридан ўтиб кетаётганларида отам ва ул кишининг барча асҳоблари, шунингдек, кўплаб мухлислар, муҳиблар Хожа Порсога пешвоз чиқдилар. Менинг ёшим бешга яқинлашаётган эди. Отамнинг ишоратлари билан мени Хожа Порсога рўбарў қилдилар. “Алар илтифот қилиб, бир бош кирмоний набот (навот) илигим (қўлим)га бердилар. Бу кун ул тарихдан олтмиш йилдирки, хануз хилъатлари (кийимлари)нинг сафоси менинг кўзимдадир ва муборак дийдорларининг лаззати менинг кўнглимдадир ва ҳамоноки ихлос ва

Эътиқод ва иродот ва муҳаббат робитаси бу фақиргаки хожалар хонадонига воқеъдур, ул назарнинг баракотидан эркин ва умидим улдирки, ушбу робита юмнидин аларнинг муҳиблари ва мухлислари зумрасида машхур бўлгаймен.” (“Насоимул муҳаббат”).

Кўриниб турибдики, Ҳазрат Хожа Порсонинг назарлари ва дуолари шарофатидан А.Жомий шундай улуғ даражага етдилар. Ҳам замонасининг энг буюк шоири, олими алломаси, ҳам нақшбандия тариқатининг пири муршиди, валиюллоҳ бўлдилар.

Шундай нақл қиладиларки, Хожа Порсо Ҳижоз сафарига кетаётганларида дедилар: “Рафтем ва рафтем” (Кетдик ва кетдик!). Бу жумла ул зоти шарифнинг ўшал жойда мархум бўлишларига ишорат эди. Хожа Порсо 72 йил умр кўрганлар. Ул зоти шариф Маккани тавоф қилгандан сўнг Мадинаи Мунавварага бордилар ва ўша ерда 1420 йидда вафот қиладилар. Қабрлари Мадинаи Мунавварадаги Жаннатул боқеъда, Ҳазрат Аббос р. а. нинг қабрлари ёнидадир. Шайх Зайниддин Ховафий йўнилган оқ мрамртош келтириб, Хожа Порсо қабрларига ёдгорлик ўрнатган эдилар. Лекин ваҳобийлар хуружида бу ёдгорлик йўқотилгандир. Шарафиддин Роқимнинг “Тарихи томм” китобларида Ҳазрат Хожа Порсо вафотларини билдирувчи тарих битилган:

**Муҳаммад ал Ҳофиз Имоми Фохира,
Кон ба самъи қавлул Ҳақ фиҳи.
Солат ли таърихи фавта манҳи,
Фа қоли фасли хитоби “ишораи фиҳи”.**

Мазмуни:

**Муҳаммад ал Ҳофиз Фохира (Бухоро) имоми,
Ул Ҳақ сўзини эшитган,
Вафот таърихи йилини сўрасанг,
Эшит хитоб ўрнидир “ишораи фиҳи”**

“Ишораи фиҳи”дан ҳижрий 822 йил ҳосил бўлар экан (Шарафиддин Роқим, “Тарихи томм”, Тошкент, “Маънавият”, 1998 йил, 30-саҳифа).

Ҳазрат Хожа Порсонинг 18 тадан зиёда асарлари бўлиб, энг машхурлар қуйидагилардир: “Рисолаи қудсия”, “Тафсири Куръон”, “Рисола дар одоби мурид”, “Рисолаи кашфия”, “Фаслул хитоб”, “Шарҳи фикҳи Кайдоний”, “Шарҳи ат Таарруф”, “Мақомоти Хожа Баҳоиддин Нақшбанд”, “Мақомоти Алоиддин Аттор”, “Ҳафтоду ду фирқа”.

Нақл қилурларки, қуйидаги байтларни Хожа Порсо гоҳ-гоҳ муридларга ўқирдилар:

**Сабури варз, хурсанди, накубин бошу неку зи,
Ки дар ин чор чиз бошад калиди шодмониҳо.**

Мазмуни: Сабрли бўл, хурсандчилик ила яша, некбин бўл, нек (яхши) яша, мана шу тўрт нарсада шодлик калитидир.

Намозро ба ҳақиқат қазо буд, лекин Замони суҳбати моро қазо нахоҳад шуд.

Мазмуни: Намознинг ҳақиқатдан ҳам баъзан қазо бўлиши бор, лекин бизнинг суҳбатимизнинг қазоси йўқ.

Бухоройи шарифда Хожа Порсо гузарлари бор. У ерда икки қаватли мадраса бўлиб, ушбу мадраса ҳам Хожа Порсо мадрасаси деб аталган. Хожа Порсо мадрасаларининг қибла томонида Хожа Порсо қабрлари - қадамжолари бор. У ерда туғ ҳам кўтарилгандир. Ушбу зиёратгоҳ собиқ Иттифоқ замонида қаровсиз, ярим вайрона эди. Мадрасада одамлар истиқомат қилган. Кейин улар микро районларга кўчиб, мадраса ҳам вайронага айлантирилган. Ушбу зиёратгоҳ обод этилади, деган умиддамиз.

Хожа Порсонинг кўплаб муридлари бўлган. Хожа Порсонинг ўғиллари Хожа Абу Наср Порсо ҳисобланадилар.

ХОЖА АБУ НАСР ПОРСО (ваф. 1461)

Хожа Абу Наср авлиёлар кутби, буюк тарбиячи, нақшбандия тариқати пири муршиди ҳисобланади. Бул зоти шариф шарияту тариқат илмини ўз оталари Ҳазрат Хожа Порсодан ўрганганлар.

Хожа Абу Наср ҳақларида “Насоимул муҳабат”да, “Тарихи томм”да, “Нафотул унс”да, “Тухфат аз зоирин”-да, “Рашаҳот”да ва бошқа ўнлаб китобларда маълумотлар берилгандир.

Навоийнинг ёзишларича, кимеки қай масала билан Хожа Абу Насрга мурожаат этса, ул зоти шариф: “Қани китобни кўрайлик-чи!” – деб, ўша масалага доир китобни очар эканлар. Ва кароматни кўрингки, албатта сўралган масала жавоби берилган саҳифа очилган бўларкан.

Хожа Абу Наср одобу ахлоқда ҳам барчага намуна бўлганлар. Нақл қилинишича, Ҳазрат Абу Насрнинг тоғалари бир кун хизматкорларидан ранжиб, уни хағорат бера бошлайдилар. Хожа Абу Наср тоғаларига, жаҳлингизни тарк айланг деб насиҳат берадилар, декин насиҳат қабул бўлмайди. Шунда Хожа Абу Наср: “Илтимос, тоғайжон, мен учун бир Қуръон тиловат қилинг!” -дейдилар.

Ноилож тоғалари дашном бермоқдан тўхтаб, тиловат қилибдилар ва шундан сўнг ғазабдан тушибдилар.

Ҳазрат Навоийнинг “Лисонут тайр” асарларида Хожа Порсо билан ўғиллари Абу Наср ораларида бўлиб ўтган ибратли воқеа баён қилинган: Ота-бола ҳажга борадилар Маккада дуо ижобат бўладиган жойда бутун ҳожилар жамоаси Ҳазрат Хожа Порсога дуо қилишни илтимос этадилар. Зеро ўша асру айёмнинг соҳибдуоси Ҳазрат Хожа Порсо эдилар. Лекин Хожа Порсо дуо қилмоқни ўғиллари Абу Насрга буюрадилар:

**Хожа Бў Наср этди минбарни макон,
Эл дуосин айлабон вирди забон.
Тенгри олдида муножот айлади,
Халқ учун изхори ҳожот айлади.
Хожа минбарнинг тубин айлаб мақом**

**Сидқ ила омин дер эрди бардавом.
Етгач охирга дуо бирла савол,
Деди сойил: “К-Эй, илоҳи зулжалол,
Кўрмасанг лойиқ дуо оинини,
Қилмагин зое онинг оинини!”**

(“Лисонут тайр”)

Буни кўрингки, Хожа Абу Наср олти юзминг киши жамъ бўлган Хонаи Каъбада дуо қила туриб дейдиларки: “Худойо Худовандо, дуо этувчининг дуосини лойиқ деб топмасанг ҳам , “Омин!” деб тургувчининг омини ҳаққи дуони қабул эт!” Минбардан туриб дуо қилаётган Абу Наср эдилар, минбарнинг пастида “Омин!” деб турган Хожа Порсо эдилар. Мана шу “Омин!” деб тургувчи ҳақи дуони қабул эт деганларида, олти юз минг ҳожи бу хулқу одобга қойил бўлиб йиғлаган экан.

Абу Насрнинг шогирдлари Хожа Бурҳониддин эди. Хожа Бурҳониддиннинг ёзишича, Абу Наср деганларки, падари бузругворим вафот қилганларида, мен ёнларида эмас эдим. Келиб муборак юзларидан пардани кўтардим. Кўрдимки, кўзларини очдилар ва менга қараб табассум қилдилар. Бу ҳолни кўрганда изтиробим ошди, оёқлари томонига ўтиб, юзимни оёқларига суртдим, шу заҳот оёқларини тортдилар.

“Тарихи томм”да Хожа Абу Наср вафотлари ҳақида маълумот берилган: “Зулқаъда ойида Ҳазрат Хожа бандалик юзасидан Ҳақ даъватига “Лаббайк!” ижобатини дедилар. Фозилларнинг баъзиси ул зот вафоти тарихини шундай ёзганлар. Тарих:

**Хожаи аъзам Абу Наср он, ки шуд
Такягоҳаш маснади дори бақо.
Сирри ў чун бо Худо пайваста шуд,
3-ин сабаб тарих шуд “сирри Худо”.**

Мазмуни: Хожаи аъзам Абу Насрнинг такягоҳи дори бақо маснади бўлди. Унинг сирри Худога пайваста бўлгач, шу сабабдан тарихи “сирри Худо”дан ҳижрий 865 йил ҳосил бўлади, бу мелодий 1461 йилга тўғри келади.

Ҳазрат Хожа Абу Насрнинг пурнур мазорлари Балх вилоятидадир.

ҲАЗРАТ ХОЖА АЛОУДДИН ҒИЖДУВОНИЙ (1336-1428)

Нақшбандия тариқатининг улуғ пири, авлиё, тарбиячи Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний тахминан 1336 йилда туғилганлар. Ўн олти ёшларида Ҳазрат Амири Калон Вошўйига мурид бўладилар. Ҳазрат Вошўйи Сайид Мир Кулолнинг муридлари ҳисобланади. Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний Ҳазрат Амири Калон Вошўйидан зикри хуфия таълимини олганлар. Ҳазрат Алоуддин йигитлик вақтларида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга мурид бўлиб, ул зоти шарифнинг назарига тушадилар. Ҳазрат Баҳоуддин вафотларидан сўнг Ҳазрат Хожа Муҳаммад Порсога муриду муҳиб бўладилар.

Алишер Навоийнинг “Насоимул муҳаббат” китобларида, ёзилишича, “ва азим истиғроқи бор эрмиш. Ба бағоят ширинтакаллум эрмиш” (274-саҳифа). Маълум бўлаяптики, Хожа Алоиддин Ғиждувонийда кучли истиғроқ бор экан. “Истиғроқ” - ғарқ бўлиш, бирор нарсани бошдан охиригача эгаллаш, ишғол қилиш ҳисобланади. Сўфийликда эса Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса билан алоқани узиб, важд ва ҳолга таслим бўлиш ҳисобланади. Демак, Хожа Алоиддин Аллоҳнинг ишқига ғарқ бўлган зот эканлар ва у кишининг суҳанлари ширин бўлиб, суҳбатдош қалбини тез забт эта олган.

Хожа Муҳаммад Порсо хаж сафарига бораётганларида қариликдан мункайиб қолган Ҳазрат Алоуддин Ғиждувонийни ҳам ўзларига ҳамроҳ қилмоқчи бўлади, Самарқанд ақобирлари (улуғлари) Хожа Порсога: “Ҳазрат Алоуддин қариб қолганлар, сизга хизмат қила олмайди, ул зотни ушбу сафарга олиб боришдан сизга не манфаат бор?” - деганда, Хожа Порсо дедилар: “Хожа Алоуддин юзларини кўрганда ўтган азизлар (яъни Баҳоуддин Нақшбанд, Амири Калон Вошўйи)ни кўргандек бўламиз. Бу ҳол бизга мадад ва кўнгилхушлик бағишлар” (Али Сафий, “Рашаҳот”, 100-саҳифа).

Хожа Алоуддин Ғиждувонийдан жуда кўп улуғ авлиёлар сабоқ олишган. “Рашаҳот”да келтирилишича, Хожа Аҳрор Валий (1404-1490) Самарқанддан Хожа Алоуддин Ғиждувоний хизматларини қилмоқ, ул зотдан сабоқ олмоқ учун Бухорога келганлар. Хожа Аҳрор Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний овозаларини эшитган, лекин у киши билан ҳеч мулоқот қилмаган эдилар. Хожа Аҳрор дейдиларки, Бухорога келиб, бир масжидга кирдим. Унда нуроний пирни кўрдим ва кўнглимда суҳбат қилиш иштиёқи туғилди. Уч кун суҳбат этдик. Суҳбат охирида ул зот менга дедилар: “Уч кундан бери мен билан суҳбат этаяпсиз, лекин мақсадингиз не? Агар биздан шайхлик ё каромат талаб қилсангиз, у нарсалар бизда йўқдур. Агар суҳбатимиз қалбингизга таъсир қилган бўлса, сизга муборак бўлсин!” Шу гапларни айтиб бўлганларидан сўнг менга Хожа Али ар Ромитанийнинг рубоийларини ўқиб бердилар:

**Бо ҳар ки нишастиву нашуд жамъ дилат,
В-аз ў нарамид захмати обу гилат.
Аз суҳбати вай агар таборро накуни
Ҳаргиз накунад руҳи Азизон биҳилат!**

Таржимаси:

**Биров билан суҳбат этдинг, ҳар сафар-
Қалбинг ғаш бўлди-ю, суҳбат бесамар.
Азизоннинг руҳи кечирмас сени
Ундайлар ёнидан қочмасанг агар.**

Уч кундан бери Ҳазрат Аҳрорни ўз суҳбати, сабоқлари билан мафтун этган зот Хожа Алоуддин Ғиждувоний эдилар. Бу тарихий воқеа 1426 йил содир бўлган эди. У пайтда Хожа Аҳрор 22 яшар йигит, Хожа Алоуддин Ғиждувоний эса 90 яшар мўйсафид эдилар,

Хожа Аҳрор дейдиларки, бидояи ҳолда, (яъни тариқатга дастлаб кирган вақтларда) қалбимизда кўп изтироб бор эди. Хожа Алоуддин Ғиждувоний

билан ҳамсухбат бўлганимдан сўнг бу изтироблар ўз-ўзидан йўқолди ва қалбим ором олди. (“Рашаҳот” 101-саҳифа)

Кўриниб турибдики, Хожа Алоуддин Ғиждувоний суҳбатлари, сабоқларининг шарофатидан Хожа Аҳрорнинг беқарор қалблари қарор топди, изтироблари йўқолди, қалблари ором олди. Тариқатдаги энг муҳим омил, бу - қалб оромига эришмоқ ҳисобланади. Қалбнинг ороми эса зикр билан ҳосил бўлур. (“Раъд” сураси, 28-оят)

Хожа Аҳрор дейдиларки, кўп азизлар суҳбатига бориб, улардан сабоқ олдим. Бундан қалбимга ҳузур зоҳир бўлур, лекин яна янги бир машғулотга буюрганларида, қалбимдаги ҳузур йўқолар ва қалбимда тафриқа (паришонлик) пайдо бўларди. Хожа Алоуддин Ғиждувоний суҳбатлари, сабоқлари шарофатидан қалбимдаги паришонлик йўқолди ва тариқ (йўл) равшан бўлди. (“Рашаҳот”, 102-саҳифа)

Ушбу жумлалардан маълум бўлаяптики, Хожа Аҳрор кўплаб устод пирлардан топа билмаган сабоқни Ҳазрат Алоуддин Ғиждувонийдан олган эканлар.

Хожа Аҳрор дейдиларки, мен ешлигимда шундай ақидада эдимки, агар кишига Ҳаққа етган бир авлиёнинг назари тушса, бир зумда мақсад ҳосил бўлур. Лекин Хожа Алоуддин Ғиждивоний дедиларки, мақсадга етмоқ учун сайъ-ҳаракат этмоқ, риёзат чекмоқ, меҳнат қилмоқ шарт. Қай нарса қўлга осонлик билан етса, осон қўлдан чиқар, яъни бебақодур.

Мана шу насиҳатдан сўнг Ҳазрат Хожа Аҳрор ўз ақидаларини ўзгартириб, тинмай ҳаракат этдилар, риёзат чекдилар, меҳнат қилдилар. Натижада ақл бовар қилмас юксак бир даража, мақомларга етдилар.

Хожа Аҳрор дейдиларки, бир кун Ҳазрат Баҳоуддин зиёратгоҳларига қараб равона бўлдим, ярим йўлда Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний рўпара келдилар. Ҳазрат Алоуддин менга дедилар: “Кеча бу ерга келасиз, деб гумон этган эдик!” Бирга мазорга қараб равона бўлдик. Зиёратдан сўнг хуфтан намозини ўқидик. Ҳазрат менга дедилар: “Бу кечани бедор ўтказинг.” Ҳазрат Алоуддин чўкка тушиб бомдод намозигача қилт этмасдан зикр этиб тунни ўтказдилар. Мен кун бўйи яёв юрганим боис ярим тундан сўнг ғоят чарчадим, ўтирмакка мажолим қолмади. Мен Ҳазратга қараб дедим: “Оёқларингизни уқалашга руҳсат беринг!” Ул зот дедилар: “Бу ишда чарчаб қоласиз, юк оғирлик қилур!” Мен дедим: “Ўтирмакка мажодим қолмади, шояд ҳаракат этиб чарчоғимни ёйсам”.

Тўксон яшар Хожа Алоуддиннинг бу ғайрат, бу сабру каноатларини кўриб 22 яшар Ҳазрат Хожа Аҳрор ҳайратланадилар.

Ҳазрат Алоуддин Хожа Аҳрорга ўз пирлари Ҳазрат Баҳруддиннинг қуйидаги ўғитларини айтгандар: “Эй, фарзанд, Ҳазрат Хожам Бузруг дер эдиларки, гурбай зинда беҳ аз шери мурда! (яъни улик шердан тирик мушук афзалдур) гарчи ўтган (яъни марҳум бўлган) азизлар улуғ бўлсалар-да, лекин тирик бўлган азизларнинг суҳбати ҳам ғаниматдур”.

Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний дейдидарки: «Мен ўзимни таниганимдан бери хатто чумчук, тумшуғини сувга ботирган микдорчалик (яъни бирор дақиқа ҳам) на кеча, на кундуз ғафлатга ботмадим!”

Ҳазрат Алоиддин Ғиждувонийнинг яна бир шогирдлари исми Мавлоно Бадриддин Саррофоний Бухорий бўлган экан. Мавлоно Бадриддин дейдидарки: “Ҳазрат Хожа Аҳрор қирқ кун Ҳазрат Алоиддин Ғиждувонийга хизмат

қилганларидан сўнг, Ҳазрат Алоуддин Хожа Аҳрорга ижозат хати бердилар. Мен ҳайратланиб: “Сиз Хожа Аҳрорга тез ижозат хати бердингиз, бунинг боиси не?” - деб сўраганимда, Ҳазрат дедилар: “Хожа Аҳрор ҳузуримизга етук ҳолда келиб, етук ҳолда кетди!” Хожа Аҳрор билан хайрлашаётган пайтда Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний Мавлоно Бадриддинга дейдилар: “Субҳоналлоҳ, бу Хожа Убайдуллоҳ эмас, балки Хожа Баҳоуддин Нақшбанд турурким, яна бир мартаба дунёга минг камол бирла зиёда бўлиб келиб турур!” (“Рашаҳот”, 103-саҳифа).

Ҳазрат Хожа Алоуддин Ғиждувоний тахминан 1428 йил марҳум бўладилар. Ҳазрат Хожа Муҳаммад Порсонинг ўғиллари Ҳазрат Абу Наср Порсо Хожа Алоуддиннинг жанозаларида дейдиларки: “Биз то шу вақтгача, Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний сояларида ва ҳимоялари баракотида эмин ва осуда эдик. Бу кун Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний Ҳақ Субҳонаху таолонинг жавори раҳматига кетдилар. Эмди ул маҳал турурким, кўрқаман!” (“Рашаҳот”, 102-саҳифа).

Ҳазрат Алоуддин Ғиждувонийни Бухородаги Намозгоҳ масжиди жанубида жойлашган машҳур Филмарза (Пиримарза) кишлоғидаги Тал (тепалик) устига дафн қиладилар.

Ушбу зиёратгоҳ Бухоро ғишт заводи жанубий деворига туташ тепаликдир. Зиёратгоҳ таъмирталаб ҳисобланади.

ХОЖА САЙИД АҲМАД КУЛОҲДЎЗ БУХОРИЙ

Хожа Сайид Аҳмад Кулоҳдўз Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг қариндошлари ва муридлари бўлганлар. Касблари кулоҳ (бош кийим) тикмоқ бўлган. Шу касб орқали ризқ-рўзиларини топган. Ҳазрат Кулоҳдўз устоднинг ишоратлари ила Қашқадарё вилоятининг Китоб шаҳрига борадилар ва у ерда нақшбандия тариқатини тарғиб қилиб, қўплаб кишиларни тарбия этганлар. Хожа Сайид Аҳмад Хожа Бухорий номи билан машҳур бўлганлар. Қабрлари Китоб шаҳридадир.

1922 йил Китоб шаҳрида ташкил этилган ислом ўрта-маҳсус билим юрти Ҳазрат Хожа Бухорий номларига қўйилгандир (“Ҳидоят” журнали, 10-сон, 2004 йил, 6-саҳифа).

Хожа Сайид Аҳмад Кулоҳдўз Бухорий XVI асрда яшаб, фаолият кўрсатганлар.

ШАЙХ СИРОЖИДДИН КУЛОЛ ПИРМАСИЙ

Шайх Сирожиддин Кулол Бухоро вилояти, Бобкент туманидаги Пирмас кишлоғида таваллуд топганлар. Касблари кулолчилик бўлган.

“Рашаҳот”да хабар берилишича, Шайх Сирожиддин аввал Сайид Мир Кўлолнинг ўғиллари Амир Ҳамзадан, кегин эса Ҳазрат Баҳоуддиндан сабоқ олганлар. Шайх Сирожиддин “бир мартаба ул аснода гайбате даст берубдурким, уч кеча-кундуз ўзидан беҳабар бўлиб ётибдур. Амир Ҳамзани ул ҳолдин воқиф этибдурлар. Айтдилар: “Боринглар ва кулоғига айтингларким, Амир Ҳамза демокдалар, ул жойғаки етушубсен, дарҳол орқага қайтгил!” Вақтеки шу сўзни унинг кулоҳига айтдилар, бир лаҳзадан сўнг унда ҳаракат пайдо бўлди. Ва шуурига келибдур” (“Рашаҳот”, 103-саҳифа),

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор йигирма икки яшарликларида Самарқанддан Бухорога келадилар ва Шайх Сирожиддин Пирмасий билан ҳамсуҳбат бўлиб,

ул зотдан таълим олганлар. Сирожиддин Пирмасий туни бўйн зикр этиб, кундузи яна кулолчилик билан машғул бўлардилар.

Ҳазрат Мавлоно Сирожиддин Ҳиравий ҳам Пирмасий билан хамсухбат бўлганликлари ҳақида “Рашаҳот”да ёзилган. Маълумки, Мавлоно Сирожиддин Ҳиравий ўз замонасининг алломаси бўлиб, Самарканддаги Улуғбек мадрасасида мударрис эдилар. Бу зот жуда куп авлиё, аллома, донишмандлар билан учрашган, суҳбат этган. Сирожиддин Ҳиравий дер эканларки: “Ҳазрат Сирожиддин Пирмасий гарчи Мадраса кўрмаган булсалар-да, лекин бу зоти шариф суҳбатларида ҳаловат, ҳузур бор эдики, бундай ҳаловат, ҳузур бошқа кўплаб донишмандлар суҳбатида йўқдир”.

Шайх Сирожиддин Пирмасийга Аллоҳ таоло каромат ато этган экан. Ул зоти тариф уйларига меҳмон келаётганини олдиндан билар экан.

Мавлоно Саъдиддин Қошгарий ҳам Ҳазрат Сирожиддин Пирмасий билан суҳбатлашганлар.

Ҳожаи Калон Жўйборий Шайх Сирожиддин Пирмасийнинг туғилган қишлоқлари Пирмасда улкан масжид курдирган эканлар. Айни шу кунларда бу жомеъ масжиди таъмирталабдир.

Шайх Сирожиддин Пирмасийнинг қабрлари Гиждувон тумани, Лаби Рўд қишлоғидадир. У ерда мазор бор. Мазорнинг қибла томонида тошмасжид таъмирланиб, намозхонлар ихтиёрига берилган.

ЧОР ТУҚ ЗИЁРАТГОҲИ

Гиждувон тумани, Чағдари қишлоғида Чор Туқ зиёратгоҳи жойлашган. Бу мазористонда Эшони Ҳаким Валийюллоҳ дафн қилинган. Бу зоти шариф насаблари Ҳазрат Али р.а.га бориб тақаларкан.

Қадимда ушбу зиёратгоҳда улкан масжид, дарвозахона, ҳовуз, мактаб, ҳаммом, минора бўлган экан. Лекин собиқ Иттифоқ замонасида бу мажмуалар йиқитилди, зиёратгоҳ хароб этилди. Зиёратгоҳда катта гужум дарахти бор. Унинг ичи ковак. Баъзан дарахтнинг коваги ичидан чашма суви чиқиб туради.

Айни шу кунларда бу зиёратгоҳни обод этиш учун ҳаракат бошланган. Чор Туқ жомеъсининг имом-хатиби Ҳожи Ғаффор Самадов сайъ-ҳаракати билан зиёратгоҳ, масжид обод қилинаётир.

БОБОШАЙХ МУБОРАК БУХОРИЙ

(XV аср)

Бобошайх Муборак Бухорий Ҳазрат Амир Ҳамзанинг муридлари ҳисобланадилар. “Рашаҳот”да ёзилишича, бир кун Ҳожа Порсонинг уйларига Бобошайх Муборак келадилар. Суҳбат охирида Ҳожа Порсо ўғиллари Абу Наср ҳақида дуо қилишни Бобо Шайхдан илтимос қиладилар. Бобошайх Муборак Бухорий дуо қилаётиб, бирдан уйдан ташқари чиқадилар ва дуони ташқарида тугатадилар. Омин дейилгандан сўнг, бу иш сабабини сўраганларида, Бобошайх Муборак дейдиларки: “Мен Абу Наср ҳақларида дуо қилаётганимда осмондан фаришталар келиб, уйни тўлдирдилар ва мен зарурат юзасидан уларга жой бўшатиб, ташқарига чиқдим”.

ШАЙХ МУҲАММАД ХАЛИФА

Ҳазрат Шайх Муҳаммад Халифа ҳақларида «Рашаҳот»да маълумот берилгандир. Шайх Муҳаммад Халифа тариқат сабоғини Ҳазрат Амир Кулолдан ўрганган. Ўз замонасининг алломаси эдилар.

“Рашаҳот”да ёзилишича, Ҳазрат Амир Кулол вафот қилганларидан сўнг, барча муриду муҳиблар Ҳазрат Шайх Муҳаммад Халифа уйларига кедадилар ва бизга раҳбар-муршид бўлинг. Бу мансабга сиз лойикроқ! - дедилар. Шунда Ҳазрат Шайх Муҳаммад Халифа барчаларини Ҳазрат Амир Ҳамзанинг ҳузурларига олиб бориб дейдилар: “Муршидликка Ҳазрат Амир Ҳамза лойикроқдурлар, биз ҳам шу Ҳазратнинг хизматларида турурмиз!” (“Рашаҳот”, 74-саҳифа).

ҲАЗРАТ ШАМСИДДИН КУЛОЛ (XV аср)

Ҳазрат Шамсиддин Кулол Кешда туғилганлар. Бу зоти шариф Ҳазрат Амир Кулолнинг шогирдлари ҳисобланади. Шамсиддин Кулол бир неча вақт Бухорода яшаб, Ҳазрат Амир Кулолдан тариқат сабоғини оладилар. Бу зоти шариф ҳақларида “Рашаҳот”да маълумот берилгандир.

Шамсиддин Кулол Амир Темурнинг пирларидан бири бўлганлар. Шамсиддин Кулолнинг қабрлари Кешдадир.

ХОЖА БОЗОР АВЛИЁ

Бухоро тумани, Галаосиё шаҳрида тепалик бор. Ушбу тепаликда Хожа Бозор авлиё зиёратгоҳи жойлашган. Айни шу кунларда ҳам бу муқаддас ерга дунёдан ўтганлар кўмилади. Зиёратгоҳнинг атрофи боғ, ободдир.

САЙИД ХЎЖАМ ПЎЛОТ АВЛИЁ

Ушбу зиёратгоҳ Пешкў тумани билан Ромитан тумани чегарасидадир. Афшолага қараб бораётганда йўлнинг ёқасида жойлашган. Сайид Хўжам Пулот зиёратгоҳларида қадимий мақбара, тепалик, масжид бор.

ПИТМОН ЗИЁРАТГОҲИ

Ромитан тумани, Питмон қишлоғида Питмон зиёратгоҳи жойлашган. Айронча ва Питмон қишлоқлари аҳолиси, шунингдек яқин қишлоқлардагилар ўз марҳумларини бу зиёратгоҳга дафн қилдилар.

ҚИЗБИБИ ЗИЁРАТГОҲИ

Ҳазрат Қизбиби зиёратгоҳи Бухоро вилояти, Жондор тумани, Варахша чўлида жойлашган. Чўлнинг ўртасида гўзал масжид, бир неча хужралар, мақбара, қудуқ, дарвозахона - хуллас ажойиб бир мажмуа қад кўтарган.

Собиқ Иттифоқ замонида ушбу мажмуа кумларнинг остида қолиб, ярим вайрона ҳолда эди. Истиқлол шарофатидан Қизбиби мажмуаси таъмирланиб, асл ҳолига келтирилган. Жомеъ масжид намозхонлар ихтиёрига берилгандир.

Навоий вилояти, Қизилтепа туманида ҳам Қизбиби зиёратгоҳи бор. Бу зиёратгоҳда жомеъ масжид қурилган. Зиёратгоҳ обод этилган.

ХОЖА МУСОФИР ХОРАЗМИЙ

Ҳазрат Хожа Мусофир Хоразмий аслида Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг муридлари эдилар. Ҳазрат Баҳоуддин вафотларидан сўнг Хожа Порсога хизмат қилганлар. Бу зоти шариф ҳақларида “Мақомоти Шоҳи Нақшбанд”, “Рашаҳот” ва бошқа манбаларда хабар берилгандир.

“Рашаҳот”да ёзилишича, Ҳазрат Хожа Аҳрор Валий Хожа Мусофир Хоразмий билан Ҳиротга бирга борганлар. Ўша пайтда Хожа Мусофир тўқсон ёшда эканлар. Хожа Мусофир Хоразмий куйидаги воқеаларни Хожа Аҳрорга гапириб берганлар: “Мен Ҳазрат Баҳоуддин пиримнинг хизматларини ихлос билан адо қилар эдим. Лекин самоъга кўп майлим бор эди. Бир кун асҳоблар билан келишиб кўшиқ куйловчи ҳофиз, дойрачи, най чолғувчини даврага таклиф қилдим. Улар бутун давра давомида куйладилар. Ҳазрат Баҳоуддин эса тинглаб ўтирдилар: “Мо ин кор намеку нем, инкор намекунем!” (Биз бу ишни қилмаймиз, лекин уни инкор ҳам этмаймиз)” - дедилар.

Хожа Мусофир нақл қиладиларки, бир кун Ҳазрат Баҳоуддин барча асҳоблари билан бирга иморат қиладилар. Ҳаво исиб кетгандан сўнг ҳаммани соя салқин жойларда дам олмоқликка буюрдилар. Барча муридлар кўл-оёқларини ювиб соя жойларда чўзилдилар ва ухладилар. Ҳазрат Баҳоуддин қарасалар бир Хожа Порсо лой оёқлари билан офтоб тиғида чўзилиб ухлабдилар. Ҳазрат Баҳоуддин келиб Хожа Порсо оёқларига юзларини суртадилар ва дейдилар: “Аллоҳим, мана шу оёқлар хурмати мента раҳмат айла!”

Дарвоқе, бу иморат масжид қурилиши эди.

ХОЖА МУҲАММАД ЗОҲИД АЛ БУХОРИЙ (ваф 1419)

Ҳазрат Хожа Муҳаммад Зоҳид ал Бухорий улуғ муфассир, муҳаддис, ҳофизиул Қуръон, аллома эдилар.

Бу зоти шариф Амир Темур саройида бир неча йил яшаб, Соҳибқироннинг хос олимлари қаторида бўлган.

Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид Қуръони Каримни шарҳлаганлар. Ушбу шарҳ юз жилддан иборатдир. (У.Увватов, “Донолардан сабоқлар”, Тошкент, 1994 йил, 53-саҳифа).

Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид ал Бухорий Маккаи Мукаррамага бориб, хаж арконларини бажариб, ўша жойда 1419 йил вафот қиладилар.

САЙИД БУРҲОНИДДИН ХОВАНДШОҲ

Сайид Бурҳониддин Ховандшоҳ ибн Камолиддин Маҳмуд таниқли фақиҳ, олими боамал бўлиб, Бухорода туғилганлар. Бу зоти шариф буюк фақиҳлар Маҳмуд ибн Аҳмад ал Маҳбубий, Убайдуллоҳ ибн Масъуд ал Маҳбубий (ваф. 1346) авдодлари ҳисобланадилар,

Сайид Бурҳониддин Ховандшоҳ Темурийлар ҳукмронлиги даврида Балхга Бухородан кўчиб борадилар ва ўша ерда вафот қиладилар.

Сайид Бурҳониддин Ховандшоҳнинг ўғиллари буюк тарихчи Мирхонд, (1433-1498) ҳисобланади.⁹⁶ Мирхонд 1433 йил Балхда туғилган. Маълумки,

⁹⁶ “Маънавият юлдузлари”. 245-251-саҳифалар.

Мирхонд Ҳазрат Навоийнинг ҳомийликлари ва кўрсатмаларига мувофиқ “Равзат ус сафо фи сийрат ул анбиё вал мулук вал хулафо” (“Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи”) номли асарларини ёзган. Бу асар дунёнинг яратилишидан то 1523 йилгача Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўз ичига қамраб олган. Китоб етти жилддан иборат: 1. Дунёнинг яратилишидан то Сосоний Яздигард 111 (632-651) даври воқеаларигача. 2. Муҳаммад салаллоху алайҳи васаллам ва хулафои рошидин замонидаги воқеалар. 3. Ўн икки Имом тарихи, шунингдек, Уммавийлар ва Аббосийлар даври воқеалари. 4. Аббосийлар билан замондош бўлган сулолалар (асосан Эрон, Марказий Осиё ва Ҳиндистон) даври воқеалари. 5. Мўғиллар, инчунин Чингизхон ва унинг авлоди; Эрон ва баъзи қўшни мамлакатларда мўғиллар ҳамда улардан кейин Темур давригача мавжуд бўлган сулолалар тарихи. 6. Амир Темур ва унинг ҳукмронлик давридан то Султон Абу Саъид ўлимигача (ваф. 1469) бўлган воқеалар тарихи. 7. Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзандлари тарихи (1523 йилгача) ёзилгандир. Ушбу асарнинг еттинчи жилди Хондамир қаламига мансуб. Улуг тарихчи Хондамир (ваф. 1534) Мирхонднинг неваралари ҳисобланадилар.

ҲАЗРАТ МАВЛОНО ЯЪҚУБИ ЧАРХИЙ (тах.1363-1447)

Ҳазрат Яъқуб Усмон ибн Муҳаммад Афғонистоннинг Ғазна шаҳри яқинидаги Чарх кишлоғида туғилганлар. Нақшбандия тариқати “Силсилаи шариф”идаги ўн саккизинчи ҳалканинг пири муршиди, буюк авлиё, Куръони Каримни тафсир этган аллома, адиб, фақиҳ, атоқли тарбиячи, Хожагон-нақшбандия тариқати ривожига катта ҳисса қўшган Ҳазрат Мавлоно Яъқуби Чархий ҳақларида Жомийнинг “Нафоҳатул унс”, Навоийнинг “Насоимул муҳаббат”, Али Сафийнинг “Рашаҳоту айнул ҳаёт”, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин”, шунингдек, “Ислом энциклопедияси”, “Маънавиятимиз юлдузлари” ва бошқа асарларда маълумотлар берилгандир.

Мавлоно Яъқуби Чархий Балх, Миср, Бухоройи шариф мадрасаларида таълим олган. Диний ва дунёвий илмларни эгаллаган зот эдилар. Мавлоно Яъқуб Мисрда Ҳазрат Шайх Зайниддин Хавофий билан ҳамсабоқ бўлган⁹⁷ Манбаларда ёзилишича, Мавлоно Яъқуби Чархий 1380 йилда Бухорога келганлар.

Ҳазрат Мавлоно Яъқубнинг тариқатдаги пири муршидлари Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ва Ҳазрат Алоуддин Аттор ҳисобланадилар. “Рашаҳот”да баён қилинишича, Мавлоно Яъқуб мурид бўлишни истаб Ҳазрат Баҳоуддин ҳузурларига келдилар. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд: “Нега устодликка бизни танладингиз?” - деган саволни берганларида, Мавлоно Чархий: “Чунки сиз бениҳоя буюк ва тариқингиз (йўлингиз) кўпчиликка манзурдир!” - деб жавоб берадилар ҳаяжонланиб. Баҳоиддин бу жавобга эътироз билдириб дейдилар: “Мабодо бу фикрни Шайтон васваса этиб кўнглингизга солган бўлса-чи?” Яъқуби Чархий дейди: “Саҳиҳ ҳадисда келибдурким, Аллоҳ севган бандасини ўзгаларга ҳам севдиргайдур.” Бу жавобдан Ҳазрат Баҳоуддин

⁹⁷ Али Сафий, “Рашаҳоту айнул ҳаёт”, Т., Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003 йил, 98-саҳифа.

қониқиб табассум қилдилар ва дедилар: “Биз Ҳазрат Азизон Али ар Ромитаний фарзандларимиз!” Бу гапларни эшитиб Яъқуби Чархийнинг ҳоллари ўзгарди, чунки бундан бир ой олдин у киши туш кўрганди. Тушларида. “Сен Ҳазрат Азизоннинг муриди бўл!” - деган овозни эшитгандилар. Бул кароматдан Яъқуби Чархийнинг эътиқодлари кучайиб, ўзларининг келажагини Хожагон-нақшбандия тариқатида кўрдилар.

Мавлоно Яъқуб Ҳазрат Баҳоуддинга илтимос қилиб дедиларки “Хотири шарифингизни биз томонга қаратинг!” Ҳазрат Баҳоуддин дедилар: “Бир киши Ҳазрат Азизонга шундай илтимос билан мурожаат этганда, ул зоти шариф деган эканларки: “Хотирамда Ҳақ таолодан бошқа киши жой олмай. Лекин сен бир нарсангни менга қолдир. Ўшани кўрганимда сени ёдга олиб, хотирамни сен томон йўналтиргайман.” Аммо сизда ҳеч вако йўқки, уни менга қолдирсангиз. Шу боис мана бу дўппимни олинг. Ҳар вақтеки ушбу дўппига кўзингиз тушса, бизни эслайсиз, бизни эслаганда, бизни топгайсиз.”

Ҳазрат ихлосу этиқод билан Ҳазрат Баҳоуддинга хизмат этдилар. Ҳазрат Баҳоуддин вафотларидан сўнг Ҳазрат Алоуддин Аттордан сабоқ олиб, ўз даврининг буюк валийси бўлдилар.

Ҳазрат Алоуддин Аттор вафотларидан олдин энг етук халифа (шогирд)лари ҳисобланмиш Яъқуб Чархийга яқиндагиларини суҳбат билан, узоқдагиларни эса китоб воситасида тарбиялаш лозимлигини васият этиб, иршод этиш вазифасини топширдилар.

Ҳазрат Яъқуб Чархий қуйидаги асарларнинг муаллифи сифатида дунёга машҳур: “Тафсири Чархий” (Қурони Карим тафсири), “Рисолаи унсия”, “Ар рисолатул абдолия”, “Рисола дар сийрати Муставафия ва тариқаи мустақимия” (Мустафонинг сийратлари ва тўғри йўллар ҳақида рисола), “Рисола дар илми фароиз”, “Рисола дар илми ақоид”, “Рисола фил ҳисоб вал фаройиз” (Ҳисоб ва мерос тақсими ҳақида рисола), “Мухтасар дар баёни силсилаи Нақшбандия” (Нақшбандия сулуки ҳақида қисқача рисола), “Шарҳи асмоуллох” (Аллох исмларининг шарҳи ҳақида рисола), “Шарҳи наваду нуҳ ном” (Аллохнинг тўқсон тўққиз исмининг шарҳи), “Фаройизи манзума”.⁹⁸

Яъқуб Чархийнинг “Найнома” асарлари ҳам машҳур бўлиб, у Ҳазрат Мавлоно Румийнинг “Маснавий”лари шарҳидир.⁹⁹

Ҳазрат Яъқубий Чархийнинг жуда кўп мурид-шогирдлари бўлган. Энг етук шогирдлари буюк авлиё Ҳазрат Хожа Аҳрори Валий ҳисобланадилар.

Хожа Аҳрори Валий дейдиларки, Ҳазрат Мавлоно Яъқуби Чархий менга қўлларини чўзиб дедилар: “Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд менинг қўлимни тутиб айтгандиларки: “Санинг қўлинг бизнинг қўлимиздур. Ҳар ким санинг қўлингни олди, демак, бизнинг қўлимизни олган ҳисобланур”. Эй, Хожа Аҳрор, агар бизнинг қўлимизни олсангиз, Ҳазрат Баҳоуддиннинг қўлларини олгандай бўласиз!” Мен дархол Ҳазрат Чархий қўлларини олиб, ул зотга байъат этдим.”

Ҳазрат Хожа Аҳрор дейдиларки, бир кун мендан пири муршидим Ҳазрат Яъқуби Чархий сўрадилар: “Муридлар тушларининг таъбирини Шайх Зайниддин Хавофийдан сўрармишлар. Сиз Хуросонда бўлганда, мазкур

⁹⁸ “Маънавиятимиз юлдузлари” Ю Т., Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1999 йил, 182-саҳифа.

⁹⁹ Чомий ва робитахон адабий (китоби аввал), Душанбе, нашриёти “Дониш”, 1989, с.24

воқеанинг гувоҳи бўлганмисиз?” Мен шундай воқеага гувоҳ бўлганимни айтганимдан сўнг, Ҳазрат Яъкуби Чархий қуйидаги байтни ўқидилар:

**Чу ғуломи офтобам ҳама зи офтоб гўям,
На шабам, на шабпарастам, ки ҳадиси хоб гўям.**

Мазмуни: мен қуёшнинг ғуломиман, доимо қуёшдан гапираман. Тун ҳам эмасман, тунни улуғловчи ҳам эмасманки, туш таъбиридан гапирсам.

Мавлоно Яъкуби Чархий дейдиларки, мусулмон бўлмоқ - одамлар дардига даво бўлмоқ.

“Рашаҳот”да ёзилишича, Мавлоно Яъкуби Чархий дедилар “Термизда бир шайхнинг суҳбатига бордим, жуда ҳам муболағалар қилиб айтардики: “Муриднинг муроди шайхсиз ҳеч ҳосил бўлмас” (Яъни Шайхсиз, пирсиз дину диёнатда комил бўлишнинг имкони йўқ).¹⁰⁰

Мен унга Қуръони каримдаги “Моида” сураси, учинчи оятини ўқидим: “Бугун сиз учун динингизни тугал (комил) қилдим ва сиз учун неъматимни тўлиқ (эҳсон) этдим”. Мана шу оятга мувофиқ киши Китоб (яъни Қуръони Карим) ва суннатга тўлиқ амал этса кифоядир. Ва лозим эрмасдурким, кишига зоҳир юзидин пиру муқтадо бўлса”. Бу сўзларимни эшитиб шайх хижолат бўлди. Кейин ушбу воқеани Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга баён қилдим, ул зоти шариф бу фикримни қўллаб-қувватладилар.¹⁰¹

Ҳазрат Мавлоно Яъкуби Чархий 1447 йил Душанбеда вафот қиладилар. Қабрлари обод зиёратгоҳдир.

Навоий вилоятининг Қизилтепа тумани, Вангози кишлоғида, шунингдек, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги Янгибозор кишлоғи ва Вобкент туманларида Ҳазрат Мавлоно Яъкуби Чархийнинг кадамжо-зиёратгоҳлари бор.

ҲАЗРАТ ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ (1404 -1490)

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ибн Хожа Маҳмуд Фарбу Шарқда Ҳазрат Хожа Аҳрор Валий номи билан танилган. Хожа Аҳрор Тошкент шаҳрида Абу Бакр Қафғол аш Шоший зиёратгоҳлари яқинидаги гузарда 1404 йил туғилиб, 1490 йил Самарқандда марҳум бўлганлар. Хожа Аҳрорнинг она томонидан катта боболари Шайх Умар Боғистоний бўлиб, бу зоти шарифнинг насаблари Умар ал Хаттоб разияоллоҳу анҳуга бориб тақалади.¹⁰² Шайх Умар Боғистонийнинг ўғиллари Шайх Хованд Тахур, бу зотнинг фарзандлари Хожа Довуд эдилар. Хожа Довуднинг қизлари Ҳазрат Хожа Аҳрорнинг оналаридир. Хожа Довуднинг хотинлари она томонидан саййид (яъни пайғамбар с.а.в. авлодлари) бўлган.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг неваралари Муҳаммад Қосимнинг айтишича, Хожа Аҳрор деган эканларки, Аллоҳ таоло зикри бир мартагина ёдимдан кўтарилди. Ўн яшарлигим вақтида мактабга бораётган эдим. Тошкент

¹⁰⁰ “Рашаҳотул айнул ҳаёт”, 327-бет

¹⁰¹ “Рашаҳотул айнул ҳаёт”, 353-бет

¹⁰² “Рашаҳоту айнул ҳаёт”. 280-саҳифа.

кучаларида лой бисёр бўлиб, балчикқа ботдим. Оёғимни лойдан чиқармоққа овора бўлиб, мени ғафлат босди ва шу онда Аллоҳ зикридан ғофил қолдим.

Хожа Аҳрор Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Ҳирот, Термиз, Балх, Шахрисабз, Урганж, Андижон шаҳарларида бўлиб, Хожа Муҳаммад Порсо, Мир Саййид Анвор Қосим, Шайх Баҳоиддин Умар, Мавлоно Муҳаммад Хомуш, Шайх Зайниддин Хавофий, Мавлоно Муҳаммад Асад, Мавлоно Саъиддин Қошғарий, Хожа Абу Наср каби улуг зотлардан таълим олганлари ҳақида манбаларда ёзилган.

Хожа Аҳрор бир кун тушларида Ҳазрат Исо алайҳиссаломни кўрадилар. Айримлар бу тушни табобат илмига таъбирласалар, Хожа Аҳрорнинг ўзлари бу тушларини ўлик қалблар (яъни Аллоҳнинг зикридан ғофиллар)ни тирилтириш маъносида таъвил этадилар.

Хожа Аҳрор йигирма икки яшарликларида Бухорога келиб, Ҳазрат Баҳоуддин Накшбанднинг муридлари Ҳазрат Алоуддин Ғиждувоний (1336-1428) ва Ҳазрат Сирожиддин Кулол Пирмасий билан учрашадилар. Қисқа муддатда Алоуддин Ғиждувоний Хожа Аҳрорга иршод хати (шайхлик, устодликка рухсатнома) берадилар. Бундан таажжубга тушган шогирдларига Ҳазрат Алоуддин дейдилар: “Хожа Аҳрор хузуримизга етук ҳолда келиб, етук ҳолда кетди... Субҳоналлоҳ, бу Хожа Убайдуллоҳ эмас, балки Хожа Баҳоуддин Накшбанд турурким, яна бир мартаба дунёга минг камол бирла зиёда бўлиб келиб туруп!”¹⁰³

Хожа Аҳрорга шайхлик хирқасини Ҳазрат Яъқуби Чархий кийдирганлар.

Ҳазрат Навоий “Насойимул муҳаббат”да ёзадиларки, Ҳазрат Жомий “Нафоҳатул унс” китобларини тузаётган пайтда Хожа Аҳрор тирик эдилар. Жомий Хожа Аҳрордан бошқа бирорта (ўша замонда ҳаёт бўлган) машойихни ўз табаррук китобларига киритмаганлар. (А.Навоий, Мукаммал асарлар тўплами, ўн еттинчи том, Т., “Фан” нашриёти, 279-с.).

Хожа Убайдуллоҳ кутби замон, буюк авлиё, атоқли тарбиячи, шоир, аллома бўлиб, Хожагон-накшбандия тариқатидаги “Силсилаи шариф”нинг ўн тўққизинчи ҳалқаси пири муршиди ҳисобланадилар.

Хожа Убайдуллоҳдан минглаб шогирдлар таълим олиб, етук инсонлар бўлиб етишганлар. Жумладан, Мавлоно Қосим, Мавлоно Хожа Али, Мавлоно Мир Ҳусайн, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид, Муҳаммад Қози, Мир Абдулаввал, Мавлоно Бурҳониддин, Мавлоно Лутфуллоҳ, Мавлоно Ҳусаин Турк, Фахриддин Али Сафий, Дарвиш Жомий ва бошқалар Хожа Аҳрордан иршод хати олиб, толибларни Ҳақ йўлига бошлаганлар.

Нақл қилинишича, Хожа Аҳрор ўз муридлари ҳисобланмиш Мавлоно Қосимни халқ эҳтиёжини чиқариш учун хизмат юзасидан шоҳлар, амирлар ёнига жўнатар экан. Шоҳлар ҳам у кишини эҳтиром билан кутиб олар ва эл ҳожатини чиқарар экан. Мавлоно Қосим шу қадар ширингуфтор ва мақбул киши бўлганларки, у кишини бир бор кўрган одам суҳбатларини қайта-қайта қўмсаб қоларкан. Ҳазрат Навоий Ҳазрат Мавлоно Қосим фазилатларини китобларида бир-бир санаб ўтиб, у киши билан ҳамсуҳбат бўлганларини фахр билан эслайдилар (Ўша китоб, 281-с.).

¹⁰³ “Рашаҳоту айнул ҳаёт”. 103-б.

Мавлоно Қосимнинг ўз пири муршидларига бўлган садоқатини қуйидаги воқеа исботлайди: Бир кун Хожа Аҳрорнинг сул биқинларига санчиқ пайдо бўлиб, барча табиблар унинг давосидан ожиз ва Ҳазрат ҳаётлари хавф остида қолибди. Мавлоно Қосим бу ҳолни кўриб, дард юкини Аллоҳ таолодан ўзларига тилаб олибдилар. Шу дақиқадаёқ Хожа Аҳрор соғайиб, Мавлоно Қосимнинг сўл биқинларига санчиқ ўтибди ва бир ҳафтадан сўнг Мавлоно Қосим шу касаллик билан вафот қилибди. Буни кўрингки, Мавлоно ўз устодларига жонларини фидо этиб ажиб мардлик намунасини кўрсатган.

Хожа Аҳрор катта мулк эгаси бўлиб, Тошкент вилоятидан то Амударё соҳилларигача бўлган ҳудудда 1300 дан ортиқ экинзорлари бор эди. Лекин бу киши топган даромадини камбағалларга, етимларга, инчунин, мухтож толиби илмларга тарқатган. Хожа Аҳрор доимо эл манфаатини кўзлаб, янги кўприк, ариқ, боғ, карвон сарой, масжид, мадрасалар бунёд этган. Манбаларда ёзилишича, Умаршайх Мирзо Тошкент аҳолисидан 250000 динор ҳажмида солиқ талаб қилганида Хожа Аҳрор бу маблағнинг ҳаммасини ўзлари тўлаб, яна 70000 динорни ҳам солиқ йиғувчиларга топширган.¹⁰⁴ Хожа Аҳрор мамлакатнинг сиёсий ишларига ҳам аралашиб, шаҳзодаларнинг бир-бирига қарши қонли тўқнашувлари олдини олганлар.

“Барча буюк ҳоконлар Хожа (Аҳрор)га қуллик, фармонбардорлик камарини белларига боғлагандилар. Хонлар бошларига подшоҳлик жиғаси ва белларида шоҳлик камари бўлган ҳолда, ул зоти шариф (яъни Хожа Аҳрор) узангиларида яёв югурар эканлар. Хожанинг эшикларидаги хизматчиларига қарши озгина одобсизлик кўрсатган киши давлат ва мамалакатдан, балки соғлиқ ва ҳаётдан ажралиб, ўз замонининг ибрати бўлар экан. Ул зоти шариф валоят (авлиё, Аллоҳга яқинлик)лари ғоят баланд бўлиб, халқни истаган томонга қараб бошқара оларди” (Абу Тохирхожа, “Самария”, Т., 1991 йил, 27-6.).

Хожа Аҳрор Валий ҳақларида Мир Абдулаввал Нишопурийнинг “Масмуъот”, Муҳаммад Қозининг «Силсилатул орифин», Фахриддин Али Сафийнинг “Рашаҳоту айнул ҳаёт”, Абдулхай ал Ҳусайнийнинг “Насабномаи Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор” асарларида, шунингдек, “Мақомоти Хожа Убайдуллоҳ” китобида маълумотлар берилгандир.

Хожа Аҳрорнинг қуйидаги китоблари жаҳонга машҳурдир: “Рисолаи ҳавроиййа”, “Рисолаи волидиййа”, “Рисолаи Анфоси Нафийса”, “Фикроти Аҳрориййа”. Мазкур асарларнинг ҳаммаси истиқлол шарофатидан Хожа Аҳрорнинг 600 йиллик юбилейлари арафасида юртимизда нашр этилди. “Рисолаи волидиййа”ни Мирзо Бобур форс-тожик тилидан ўзбек тилига ихлос-эътиқод билан таржима қилган.

Хожа Убайдуллоҳнинг ўғиллари Хожа Яҳё ҳам ўз замонасининг донишманди, алломаси бўлган. Абдурахмон Жомий Хожа Убайдуллоҳни “Қаъбам мақсуди”, Алишер Навоий “Тарикат қутби”, Мирзо Бобур эса “Ҳазрат Убайдуллоҳ пири” деганлар.

Маълумки, қизил империя замонида Мирзо Улуғбекнинг қотили, халқни эзувчи руҳоний деб Хожа Аҳрорга тухмат қилинди. Лекин тарихий далиллар бу гапларни пучга чиқарди. Хожа Аҳрор Мирзо Улуғбек билан умуман

¹⁰⁴ “Маънавиятимиз юлдузлари”. 188-б.

учрашмаган (Бўрибой Аҳмедов, “Улугбек”, Т., “Ёш гвардия” нашриёти, 1989 йил, 217-220 с.). Ваҳоланки, Хожа Аҳрор ўз катта боболари Умар Боғистонийнинг: “Мулла бўлма, шайх бўлма, сўфий бўлма, ул бўлма, бул бўлма, мусулмон бўлгил!” ўғитларига бир умр амал этиб, бор ақлларини, илмларини, молу давлатларини, умрларини халқни ҳам маънавий, ҳам моддий бойитишга сарфлаган зот эдилар. Мирзо Бобур деганларки:

**Хожалар Хожаси ул Хожа Убайд,
Ходиму чокари Шиблийу Жунайд.
Ҳолату мартабаси зохирдур,
Васфу таърифида тил қосирдур**

Хожа Аҳрор Валийнинг Самарқанддаги зиёратгоҳлари истиқлол йилларида обод этилди, у ердаги жомеъ намозхонлар ихтиёрига берилгандир.

ХАЗРАТ МУҲАММАД ЗОҲИД (ваф.1530)

Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид “Силсилаи шариф”нинг йигирманчи халқасининг пири муршидм бўлиб, буюк авлиё, улуғ тарбиячи, аллома эдилар.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Зоҳид Сурхондарё вилоятининг Вахшвор мавзеида тахминан 1460 йилда туғилганлар, шу жойда 1530 йил вафот қиладилар. Жасадлари Вахшворда дафн қилинган.¹⁰⁵

Бу зоти шариф ёшликларидан диний ва дунёвий илмларни эгаллаб, тариқатга майл кўрсатган. Муҳаммад Зоҳид Ҳазрат Яъқуби Чархий сингилларининг уғли бўлиб, болаликдаёқ тоғалари ҳисобланмиш Ҳазрат Яъқуби Чархий халифа (шогирд)ларининг бир нечалари билан ҳамсуҳбат бўлгандирлар. Зухду тақвода ўз асрида бу кишига етадиган киши бўлмаган. Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид бир неча йил узлатда бўлиб, ўз нафсларини катик риёзатлар билан жиловлаб олган эдилар.

Ниҳоят ғайбий ишорат билан Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид қутби замон Ҳазрат Хожа Аҳрор ҳузурларига отланадилар. Бу кишининг келаётганини каромат билан англаган Ҳазрат Хожа Аҳрор Валий ҳам отга миниб, Ҳазрат Муҳаммад Зоҳидга пешвоз чиқадиладар. Бир-бирлари билан юзма-юз келганда отларидан тушиб, бир дарахтнинг соясида ўтирадиладар ва шу ерда Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид улуғ пири муршид Хожа Аҳрорга мурид бўладиладар. Хожа Аҳрор Муҳаммад Зоҳидга тариқат илмидан сабоқ берадиладар. Хожа Аҳрор шарофатларидан Муҳаммад Зоҳид улуғ даража, мақомга эришган.

Мамбаларда таъкидланишича, Муҳаммад Зоҳид Ҳазрат Хожа Аҳрор билан фақат бир боргина учрашган. Муҳаммад Зоҳид Ҳазрат Хожа Аҳрордан иршод хати оладиладар ва сўфийлик хирқасини киядиладар.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, улар илк бор учрашган кун Хожа Аҳрор сукр ҳолатида (яъни Аллоҳнинг ишқидан маст) бўлиб, аср намози қазо бўла бошлади. У киши ўз ҳолларига келиб, қарасалар кўкдаги қуёш ботаётганди. Шунда Ҳазрат Хожа Аҳрор қуёшга: “Эй, қуёш, ботмай тур!”- дедиладар. Улар то

¹⁰⁵ “Тухфат аз зоирин”. 63-б.

аср намозини ўқиганларича қуёш осмонда порлаб турди. Намоздан сўнг қуёш зудлик билан ботиб, оламини қоронғулик чулғади.¹⁰⁶

Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид ўз пири муршидлари Хожа Аҳрорнинг қуйидаги ўғитларига бир умр амал этди: “Худойи таолонинг ҳаққини сақлагил, то Ҳақ таоло сани ўз ҳифзу ҳимоятида сақлагай. Ва осонлик ва хурсандлик вақтида ўзингни Аллоҳ таолога ошно қил, то қаттиғлик ва душворлик чоғида санга дастгирлик қилгай ва ҳар вақтеки, бир ҳожатинг тушса, Аллоҳ таоло даргоҳида йиғлагил ва ёримандлик (кўмак)ни андин ўзгадин тилама ва яқин билгилки, агар ҳама халқ хоҳласаларки, бир манфаатеким санга тақдир бўлмабдур, санга еткурамен, десалар, еткуролмаслар. Ва агар хоҳласаларким бир зарареки пешонангга битилмабдур, санга ёпуштирсалар, ёпуштира олмаслар.

Сўзларнинг яхшироғи зикрдур ва ишларнинг яхшироғи намоздур, Хислатларнинг яхшироғи ҳилм.

Солик (тариқат йўлига кирган киши)га тўрт нарса керакдур: илмдурки, риёзатга солур, то ани тўғри ва мулойим қилур. Иккинчи зикрдурки, анга мунис ва ҳамдам бўлур, то ёлғизликда даҳшат олмас (яъни ёлғизликда кўркмас). Учинчи парҳезкорликдурки, анинг тўхтотқувчисидур, то ҳар ношойистага қарамагай. Тўртинчи яқиндурки, анга маркаб ва суворадур, то ҳамроҳлардин кейин қолмагай.

Дунёнинг роҳати уч нарсадур: Ҳазрати Ҳақ таоло тоати ва Қуръон тиловати ва биродарлар зиёрати.

Дарвеш улдурки, биродарингнинг нарсасига тамаъ қилмасанг. Вақтеки санга бирор нарса келтурсалар йўқ деб манъ қилмасанг. Олганингни емай-ичмай жамъ қилмасанг (яъни бошқа эҳтиёжмандларга берсанг).

Хирадманд (донишманд) андоғ кишидурки, агар ҳама аҳли олам анинг хусуматиға турсалар (яъни унга душманчилик қилсалар), анинг ҳеч кимга хусумати (душманчилиги) бўлмагай”.

Ҳазрат Хожа Аҳрор вафот этганларидан сўнг, муридлар тарбияси Мавлоно Муҳаммад Зоҳид шуғунганлар.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ҳазрат Муҳаммад зиёратгоҳлари Сурхондарё вилоятининг Вахшвор қишлоғида бўлиб, ушбу табаррук маскан таъмирталабдир.

ҲАЗРАТ МУҲАММАД ДАРВЕШ **(тах. 1500 -1562)**

Мавлоно Муҳаммад Дарвеш буюк авлиё, атоқли тарбиячи, аллома, адиб бўлиб, “Силсилаи шариф”даги йигирма биринчи ҳалқанинг пири муршиди сифатида Ғарбу Шарққа машҳур. Бу зоти шариф тахминан 1500 йилда Қашқадарё вилояти, Китоб туманининг Хожа Исфароз қишлоғида туғилиб, 1562 йил шу ерда вафот қилган.

Мавлоно Муҳаммад Дарвеш ўрта бўйли, буғдойранг, оқ соқолли, ғоят нуруний бўлиб, насаблари Ҳазрат Умар р.а.га бориб тақалади.

Ҳазрат Муҳаммад Дарвеш зоҳирий ва ботиний илмларни пухта эгаллаганди. Ёшлиқдан бошлаб зуҳд ва риёзатни ҳаётлари шиорига айлантириб,

¹⁰⁶ “Тухфат аз зоирин”. 63-б.

ўн беш йил муттасил нафс тарбияси билан шуғулландилар. Касблари деҳқончилик эди.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Ҳазрат Муҳаммад Дарвеш тақводор, илмига амал этувчи, инсофу адлни ўзига касб этган, каромати зоҳир, ботин тасарруфига эга, шунингдек, гумномлик ила машҳур сатри ҳол (яъни ўз авлиёликларини ошкоро қилмас) эдилар.¹⁰⁷ Накл этадиларки, бир куни очликдан кўп риёзатлар чекиб осмонга қараб ёлвордилар. Шу онда Хизр алайҳиссалом келиб: “Сиз сабру қаноат илмини ўрганмоқ бўлсангиз Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Зоҳид ҳузурларига боринг. Ул зоти боборакот сизга таълим берурлар!”- дейдилар. Шу ишоратдан сўнг Муҳаммад Дарвеш ўз тоғалари Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид ҳузурларига бориб, ул зоти шарифнинг хизматларида камарбаста бўладилар, Қисқа муддатда тариқат илмини пухта ўрганиб, соҳибкаромат авлиё, пири муршид, улуғ тарбиячи бўлиб етишадилар.

Диний илмларни мукамал эгаллаган Муҳаммад Дарвеш толиби илмларга Қуръон ва ҳадис илмларидан дарс беради, шунингдек, бидъат ва хурофотга қарши курашиб улуғ хизматлар этган.

Кубравия тариқати шайхларидан Нуриддин Муҳаммад Хофий, Ҳусайн Хоразмийлар билан учрашганлари ҳақида манбаларда хабар берилган. Юқорида номлари зикр этилган пири муршидлар Мавлоно Муҳаммад Дарвеш илмлари, фаросатлари, истеъдодларига қойил булиб, маҳаллий аҳолига бу зоти шарифни ғанимат билиб, илмларидан баҳраманд бўлишни тавсия этган. Шундан сўнг Ҳазратнинг авлиёликлари ошкор бўлиб, обрў-эътиборлари ортади ва кўплаб толиби илмлар, шунингдек, шоҳ гадо бу кишига мурид бўлиб, файз ола бошлайди.

“Тухфат аз зоирин”да қуйидаги ибратли воқеа келтирилгандир: ўз замонининг муқтадоси (улуғ пешвоси, имоми, раҳбари) ҳисобланмиш Шайх Ҳусайн Хоразмий кунлардан бир кун Мавлоно Муҳаммад Дарвеш ҳузурларига қадам ранжида қилмоқ бўладилар, бироқ ниятларидан қайтади. Ул мулкдаги барча машойихлар шайх зиёратига боради. Мавлоно Муҳаммад Дарвеш буюрадиларки, биз ҳам Шайх Ҳусайнни кўришга боришимиз лозим, лекин юракларида Шайхга нисбатан салб (инкор) зоҳир бўлди. Шу заҳот Шайх Ҳусайн ўзларини барчадан холи топиб, музтар ва ғамгин бўладилар. Мавлоно Муҳаммад Дарвеш узоқдан кўринишлари билан Шайх Ҳусайн димоғларига ажиб бир хуш хид урилади. Шайх Ҳусайн дафъатан Мавлоно Муҳаммад Дарвешга пешвоз чиқадилар. Мавлонога яқинлашган сайин хушбўйлик ортар эди. Мисрдан Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом кўйлақларини олиб келаётганда, ул кўйлақдаги Ҳазрат Юсуф алайҳиссалом хидлари йироқдан Ҳазрат Яъқуб алайҳиссалом димоғларига урилиб, таъсир этгани каби Шайх машомига ҳам хушбўйлик таъсир қилди. Шайх билан Мавлоно учрашган жойда бу хид ўз-ўзидан йўқолди. Шайх Ҳусайн билдилаки, бу ҳол (яъни ўзларидаги салбий ўзгариш) бу мулк Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Дарвеш тасарруфида экан. Шайх Ҳусайн Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Дарвешдан кўп узрлар сўраб, қайта Хоразмга қараб равона бўладилар.¹⁰⁸

¹⁰⁷ “Тухфат аз зоирин”. 64-б.

¹⁰⁸ “Тухфат аз зоирин” 64-б.

Ҳазрат Муҳаммад Дарвеш куйидаги асарларни муаллифи ҳисобланадилар:
“Рисола дар сулук”, “Рисолаи хуш дар дам”¹⁰⁹

Ҳазрат Муҳаммад Дарвешнинг энг етук шогирдлари куйидагилардир: Хожа Муҳаммад Амкинагий (бу зоти шариф Муҳаммад дарвешнинг ўғилларидир), Хожа Мирак Гунбази Сабзий, Хожа Муҳаммад Ризо, Мавлоно Шер Муҳаммад, Шайх Салотий ва бошқалар.

Муҳаммад Дарвеш ҳикмати: “Сукут пайти сукут сақланг, суҳбат вақти фаол бўлинг, жаҳд кўрсатиш вақти жаҳд кўрсатинг, ҳаракат палласи бошланиб, кураш майдони очилганда, зимангизга тушган ишларни адо этинг!”

Нақл қиладиларки, Муҳаммад Дарвеш бир кеча Ҳазрат Муҳаммад салаллоҳу алайҳи ва салламни туш кўрадилар. Тушларида Ҳазрат Пайгамбар салаллоҳу алайҳи ва саллам Муҳаммад Дарвешнинг ўғиллари Муҳаммад Амкинагийни ўз бағриларига кучоқлаб олган экан. Ҳазрат ғоят хурсанд бўлиб, ўғиллари даража, мақомининг баланд бўлишига умид этган. Дарҳақиқат, Мавлоно Муҳаммад Дарвеш вафотларидан сўнг Мавлоно Муҳаммад Амкинагий қутби замон, муршиди комил бўлиб, шайхлик мақомида ўтирдилар ва халқни тўғри йўлга бошладилар.

Мавлоно Муҳаммад Дарвеш мазорлари Қашқадарё вилояти, Китоб тумани Хожа Исфароз қишлоғида. Ушбу зиёратгоҳ таъмирталабдир.

ҲАЗРАТ МУҲАММАД АМКИНАГИЙ (1510-1600)

Ҳазрат Мавлоно Хожа Калон номи билан жаҳонга машҳур бўлган Муҳаммад Амкинагий 1512 йил Қашқадарё вилояти, Китоб туманидаги Амкина қишлоғида туғилиб, 1600 йилда мазкур жойда вафот қиладилар.

Қутби замон, буюк авлиё, атоқли тарбиячи, аллома Ҳазрат Муҳаммад Амкинагий буғдойранг, нуроний, сийрак соқолли, ўрта бўйли, салобатли эдилар. Бу зоти шариф Ғарбу Шарққа машҳур бўлган “Силсилаи шариф”даги йигирма иккинчи халқанинг пири муршиди ҳисобланади. Ҳазрат Амкинагий туғма авлиё бўлиб, обид, зоҳид, ғоят тақводор эдилар.

“Туҳфат аз зоирин”да ёзилишича, бу зоти шарифнинг насаблари Ҳазрат Имом Ҳусайн разияллоҳуға бориб тақалади. У куйидагичадир: Ҳазрат Мавлоно Хожа Калон бин Хожа Маҳмуд бин Хожа Офоқи Калон бин Хожа Зиёддин бин Хожа Абдулваҳҳоб бин Хожа Насриддин бин Саййид Фаҳриддин бин Саййид Шамсиддин бин Саййид Зиёддин бин Саййид Зиёулмулк бин Саййид Насриддин бин Саййид Абулмаъоний бин Саййид Шамсиддин бин Саййид бин Саййид Абужаъфар бин Саййид Зиёддин Калон бин Саййид Имоиддин Шаҳид бин Саййид Шамсиддин Калон бин Саййид Зиёддин Калон бин Саййид Насриддин Кабир бин Саййид Абулмаъоний Бузрук бин Саййид Жаъфар бин Саййид Зиёулҳақ бин Саййид Имоиддин бин Саййид Абдуллоҳ Моҳрўй бин Саййид Абулҳасан бин Саййид бин Саййид Амир Абулқосим бин Саййид Абдуллоҳ бин Саййид Ҳусайн ал Амир бин Саййид бин Ҳасан ал Амир бин Саййид бин Имом Жаъфар бин Имом Абдуллоҳ бин Имом ал Ҳусайн Сагар бин Имом Зайнулобидин бин Ҳазрат Имом Ҳасайн разияллоҳу анҳу (64-с.).

¹⁰⁹ Хожа Абдуллоҳиқ Ғиждувоний. “Мақомоти Юсуф Ҳамадоний”.Т. “Янги аср авлоди”. 2003 йил, 73-б. Таржимон нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифлари Сайфиддин Сайфуллоҳ, Нодирхон Ҳасан.

Муҳаммад Амкинагий Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таълим олган. Тасаввуф илмини эса ўз оталари Ҳазрат Муҳаммад Дарвешдан ўрганди.

Муҳаммад Дарвеш вафот этганларидан сўнг асосан муридлар тарбияси билан машғул бўлиб, ўттиз йил шайхлик мақомида хизмат қилдилар. Бу кишининг кароматлари зоҳир эди. Замонанинг подшоҳлари Ҳазрат Амкинагийга мурид бўлди.

Шундай нақл қиладиларки, ўша даврнинг ҳукмдори Абдуллахон туш кўради. Абдуллахон Ҳазрат пайғамбар салаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига кирмоқ учун келиб, ташқарида кутаётганмиш. Шунда у кўрадики, бир нуроний зот Ҳазрат Расулуллоҳ ҳузурларига кириб-чикмоқда. Ташқарида ўтирганлар ҳожатини пайғамбар салаллоҳу алайҳи васалламга етказар ва у кишидан хабар келтираётир. Маълум бир муддатдан сўнг ҳалиги киши пайғамбар салаллоҳу алайҳи васаллам бериб юборган бир ажиб қилични олиб чиқади ва Абдуллахоннинг белига боғлайди. Подшоҳ уйғонгач, мазкур суратдаги кишини излаб топади. Бу зоти шариф Ҳазрат Муҳаммад Амкинагий эдилар. Шу кундан эътиборан Абдуллахон Ҳазрат Амкинагийнинг этакларидан маҳкам тутиб, муридлари бўлади ва ҳар бир этадиган ишларида у зоти шарифдан маслаҳат олади.

Бухоро ҳукмдори Абдуллахон (1567-1598) деярли қирқ йил ҳукмдорлик қилиб, кўплаб масжиду мадраса, ариқ, кўприк, сарай, сардоба, работлар бунёд қилиб, савоб ишларни амалга оширганки, бунда Ҳазрат Амкинагийнинг хизматлари бор.

“Равзаи ислом” китобида ёзилишича, ўз вақтининг султони ҳисобланмиш Пирмуҳаммад кўп лашкар билан Самарқандни босиб олмоқни ният қилиб келади. Самарқандда Султон Боқий ҳукмдорлик қилаётган эди. Султон Боқийнинг эса жанг қилмоққа на етарли лашкари ва на тобу тоқати бор эди. Султон Боқий Ҳазрат Амкинагий ҳузурларига келиб, тавба-тазаррулар этиб ёлворади. Ул зотдан маслаҳат сўради. Ҳазрат Амкинагий беҳуда қон тўкилиши олдини олмоқ мақсадида Пирмуҳаммад ҳузурига бориб, унга панду насиҳат этадилар. Лекин кибру манманликка берилган Пирмуҳаммад Ҳазрат Амкинагийнинг насиҳатларига амал этмайди. Ҳазрат Амкинагий Пирмуҳаммад ёнидан ноумид бўлиб келганларидан сўнг, Султон Боқийга дейдилар: “Сиз чин дилдан тавба қилинг! Ва бундан кейин халққа озор бермаслик ва адолату инсофни салтанатингиз шиорига айлантормоққа сўз беринг!” Султон Боқий кўзларига ёш олиб, чин дилдан тавба этади ва бундан кейин халққа асло жабр-ситам этмасликка ваъда беради. Ҳазрат Амкинагий қўлларини дуога очиб, Аллоҳ таолодан Султон Боқийга зафар беришини сўрайдилар ва унга дейдиларки: “Бориб Пирмуҳаммад билан жанг қил, ушбу жангда албатга сен ғолиб бўлажаксан!” Султон Боқий тўрт минг лашкари билан Пирмуҳаммаднинг эллик минглик лашкарини мағлуб этади. Бу зафар Ҳазрат Амкинагийнинг кароматлари, дуоларининг шарофатидан эди.

Хожа Амкинагийнинг ўғиллари Хожа Абулқосим (1574-1613) ўз даврининг етук алломаси, авлиёси бўлган.

Ҳазрат Хожа Амкинагийнинг жуда кўп шогирдлари Ҳаққа етган эди. Асли туркиялик бўлган Хожи Хайриддин Румий тушида Ҳазрат Амкинагийни кўриб, Туркиядан излаб келади ва Ҳазрат Амкинагийга содиқ мурид бўлиб, сабоқ олган. Ҳазратдан иршод хати (шайхликка рухсатнома) олгандаи сўнг Ватанига

бориб, халққа таълим-тарбия берган. Хожа Муҳаммад Боқий (Боқибиллох), Хожа Абулқосим, Муҳаммад Собир, Хожа Аҳмад, Муҳаммад Саъид, Ҳожи Абдулазиз, Ҳожи Хайриддин Румий, Мавлоно Сўфий Алиободий, Хожа Латиф Конибодомий, Муҳаммад Фозил Бадахший, Яъқуб Сарфий Кашмирий ва бошқа валийлар ҳазрат Амкинағийнинг шоғирдларидир.

Хожа Муҳаммад Боқий бир кеча тушиларида Ҳазрат Хожа Аҳрор Валийни кўради. Хожа Аҳрор у кишига: “Эй, азиз, сиз Хожа Амкинағий ҳузурларига бориб, ул зотдан сабоқ олинг!” - дейдилар. Мана шу даъватга мувофиқ Хожа Муҳаммад Боқий Қобулдан Ҳазрат Амкинағий ҳузурларига келдилар. Қисқа муддатда Муҳаммад Боқий улў даражаларни эгаллаб, ўз замонасининг буюк пири муршиди бўлдилар. Ҳазрат Амкинағий Хожа Боқий (Боқибиллох)га: “Сиз дарҳол Ҳиндистонга боринг ва у ердагиларни ҳақ йўлга бошланг. Иншоаллох, қутби замон, Имоми Раббоний сизнинг нафасингиз баракотидан оламини фэйзвор этгай!” - деб фотиҳа берадилар. Ҳазрат Боқибиллох “Силсилаи Шариф”даги йигирма учинчи халқанинг пири муршиди сифатида Ҳиндистонга бориб, фаолият кўрсатди ва Мужаддиди алфи соний унвонига сазовор бўлган Ҳазрат Аҳмад Форук Имоми Раббонийни тарбия қиладилар. Ҳазрат Боқибиллох мақбаралари Ҳиндистондадир.

“Нақшбандийя тариқатига оид қўлёмалар фихристи”да Мавлоно Хожа Амкинағийнинг “Интиҳоб аз китобин-насама” (“Насама” китобидан парча) асарлари Ўз.ФА Шарқшунослик институту Қўлёмалар фондида сақланаётгани ҳақида хабар бор.¹¹⁰ Ушбу китобда муаллифнинг оталари Дахбед хожаларидан ҳисобланмиш, нақшбандия тариқати шайхи Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Шаҳрисабзий Амкинағийнинг таржимаи ҳоллари ва ҳаёт тарзлари ёритилгандир.

Ҳазрат Амкинағийнинг зиёратгоҳлари Китоб туманидаги Амкина қишлоғида. Бу ерда қадимий мадраса, мақбара бор. Лекин зиёратгоҳ таъмирталабдир.

ҲАЗРАТ МУЛЛО МИР

Мулло Мирнинг исмлари Ҳазрат Охунд Мулло Мир Косагароний Бухорийдир. Ҳазратнинг оталари исми Сайид Ҳусайи бўлган. Мулло Мир асли Ҳисори Шодмон туманига қарашли Дехнав қишлоғидан бўлиб, Бухоро хони Абдуллахои ҳукмронлиги вақтида Бухорога келганлар. Ҳазрат Мулло Мирнинг устодлари аллома Мавлоно Асомиддин ҳисобланадилар. У киши Куръон ва шариат илмини пухта эгаллаган эди. “Тухфат аз зоирин”да келтирилишича, валиюллох Мулло Мир номи билан машҳур.

Манбаларда таъкидланишича, Абдуллахоннинг хос навкарларидан бири бўлган Дўстимбий Арғун Ҳазрат Мулло Мир қабрлари олдида улкан хонақоҳ бино қилган. Ушбу гўзал хонақоҳ айни шу кундарда намозхонлар ихтиёрига берилгандир. Хонақоҳ атрофида боғ барпо этилган.

Ҳазрат Мулло Мир қабрлари, Дўстимбий Арғун ва бошқа зотлар қабри шу ердадир. Хоки Мулло Мир номли бу зиёратгоҳ Ромитан тумани, Хоки Мулло Мир қишлоғидадир.

¹¹⁰ Нақшбандия тариқатига оид қўлёмалар фихриёти». Т. “Мавроуннаҳр” нашриёти. 1993 йил. 64-б.

ҲАЗРАТ ХОЖА ИСМАТУЛЛОҲ ВАЛИЙ (1365-1436)

Ҳазрат Хожа Фахриддин Исматуллоҳ бинни Масъуд Бухорий валиюллоҳ, буюк шоир, файласуф, улуғ тарбиячи, маърифатпарвар зот эдилар. Бу зоти шариф 1365 йилда Бухорода туғилиб, 1436 йил она шаҳарларида вафот қилган. Хожа Исматуллоҳнинг оталари Хожа Масъуд зиёли, донишманд, ориф, тақводор эдилар.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазқиратуш шуаро” китобида ёзилишича, Хожа Исматуллоҳ бузургзода, фозил ва билимдон киши эрмиш, насаби Жаъфар ибн Абу Толибга уланади. Хожа Исматуллоҳнинг ота-боболари Бухорода улуғ ва фозил кишилардан эканлар (Давлатшоҳ Самарқандий, “Шоирлар бўстони”, Т., Ғ.Ғулом, 1981 йил 146-саҳифа).

Хожа Исматуллоҳ Бухоро мадрасаларида таълим олиб, қисқа муддатда устод алломалар назарига тушади. Қуръон, тафсир, хадис, фикҳ ва бошқа илмларни мукамал урганиб, XIV аср алломаси бўладилар.

Хожа Исматуллоҳ “Исмат” ва “Носирий” таҳаллуслари билан ижод қилган. Хожа Исматуллоҳ ғазаллари нафақат. Бухоро, балки бутун Мовароуннаҳрда, қолаверса, бутун Шарқда машҳур.

Хожа Исматуллоҳнинг “Девон”лари ва “Қасидалар” китоблари бор. “Девон”ларига ғазал, рубоий, мухаммас, қасида, таркиббанд, қитъа, марсия, ҳажвия, муаммо, маснавийлари киритилгандир.

Атоқли шоир асарлари ишқу муҳаббат, одоб-ахлоққа бағишланган бўлиб, у табиат манзараларини инжа бир нозиклик билан тасвирлайди. Шоирда сўфиёна руҳ устивордир.

Хожа Исматуллоҳ араб, ўзбек ва тожик тилларида ижод қилганларини ҳам эслатиб ўтиш жоиз. Шоирнинг ўзбек тилида ижод қилган “Иброҳим Адҳам” номли дostonлари 1035 байтдан иборатдир.

Хожа Исматуллоҳ ҳақларида жуда кўп адиб, алломалар ўз асарларида маълумот берган. Абдурахмон Жомийнинг “Баҳористон”ларида атоқли адиблар қатори Носир Бухорий, Хожа Исматуллоҳ, Хаёлий Бухорийлар номлари тилга олиниб, ҳар бирларининг ижодига қисқа баҳо берилган. Хожа Исматуллоҳнинг кўпинча Хисрав Деҳлавийга татаббуъ этганларини А.Жомий эслатган (А.Жомий, “Баҳористон”, Душанбе, “Ирфон”, 1966, саҳ.109).

Алишер Навоийнинг “Мажолисун нафоис” китобларининг биринчи мажлиси (боби)да Хожа Исматуллоҳ номлари ва ул зоти тариф шогирдларининг номи эҳтиром ила зикр қилинган: “Хожа Исматуллоҳ - Мовароуннаҳр бузургзодаларидандур. Зоҳир илмин такмин қилгондур (яъни мукамал ўрганган). Ғоят хуштаъблиғидин ўзни шеърга мансуб қилиб девони машҳур бўлди. Ва Халил Султон отига қасидалари бор. Бу матлаъ Хожанингдурким:

**Дил кабобест к-аз ў шўр барангехтаанд,
В-аз намакдони Халилаш намаке рехтаанд.**

Мазмуни: Юрак кабобдур, ундан шўр (ғавғо) кўзғатганлар, чунки у юракка Халил (чин дўст) туздонидан туз сепганлар.

Ва Халил Султон ашъорининг девони таърифида рангин қасидаси бор. Матълаи будурким:

**Ин баҳри бегаронки, жаҳонест дар бараш,
Ғаввоси ақли кулл набарад пай ба гавҳараш.**

Мазмуни: бу бепоён денгиз жаҳонларни ўз ичига олгандир. Илоҳий ақл ғаввоси ундан гавҳарни пайқай олмайди.

Ва Ҳожанинг қабри Бухорода ўз хужрасидадур.” (А.Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, 13-том. Т. “Фан”, 1977 йил, 10-саҳифа).

“Гулшани адаб” китобида Хожа Исматуллоҳнинг яна бир етук шогирдлари Бисотии Самарқандий ҳақларида маълумот берилгандир (“Гулшани адаб”, 3-жилд, Душанбе, “Ирфон”, 1975, 69 саҳ.).

Демак Хожа Исматуллоҳнинг жуда кўп шогирдлари бўлиб энг етуқлари Халил Султон, Хаёлий Бухорий, Бисотий Самарқандийлар эди.

Хожа Исматуллоҳнинг шогирдлари ҳисобланмиш Халил Султон (1384-1411) Амир Темурнинг невараси, Мироншоҳнинг ўғлидир. Халил Султон 1404-1409 йиллар Самарқандда ҳукмдорлик қилган. Хожа Исматуллоҳ Халил Султонга нафақат шеърят сирларидан, балки одоб-ахлоқдан ҳам сабоқ берган.

А.Навоий “Мажолисун нафоис”да Халил Султон шахси, ул зотнинг истеъдодига баҳо бериб дейдиларки: “...зурафо ва шуаро мажлисида жамъ бўлурлар эрди. Машхурдирки, ўзи шеър айтур эрди. Андоқки, девони таърифида Хожа Исматуллоҳ қасида айтибдур, аммо тилаб топилмади, ушбу матлаъдин ўзгаким:

**Эй, турки пари пайкаримиз, тарки жафо қил,
Коми дилимиз, лаъли равонбахш раво қил.**

(165-166-саҳифалар).

Уш бу маълумотлардан кўриниб турибдики, Халил Султон саройида истеъдодли шоир, адиб, санъаткорларни йиққан ва уларга ҳомийлик қилган экан. Халил Султоннинг “Девон”и Хожа Исматуллоҳнинг мақтовларига сазовор бўлган.

Хожа Исматуллоҳ асарларининг шуҳрати ўзларининг тириклигидаёқ жаҳонга ёйилган. Давлатшоҳ Самарқандий “Тазкиратуш шуаро”да ёзганлар: “Хожа Исматуллоҳнинг ошиқона ғазаллари ва орифона суҳанларининг шуҳрати Шохруҳ султон замонасида шундай юксак бўлдики, кишилар ўтган шоирлар шеърини мутолаа этмоқни фаромуш айладилар. Фақат Хожа Исматуллоҳ ғазалларига мафтун бўлдилар” (“Шоирлар бўстони”, 147-саҳифа).

Халил Султон кўлидан давлат кетиб, тахтни Султон Улуғбек эгаллагандан сўнг ҳам бир неча муддат Хожа Исматуллоҳ Самарқандда яшаган. “...Аммо Хожа Исмаат олам подшоси Улуғбек кўрагон ҳукмронлиги даврида ҳокимларни мадҳ этмоқни тарк этди. Номи зикр этилган султон ундан шеър айтишни ёлвориб сўради.

Шунинг учун заруратдан ул ҳазрат мадҳида бир неча қасида ёзди. Охири шеър ёзмай қўйди...” (“Шоирлар бўстони”, 148-саҳифа).

Хожа Исматуллоҳ Улуғбек ҳукмронлиги даврида саройдаги фитна-фасод, тилёғламалик боис Самарқандни тарк этиб, Бухорога келадилар, то умрлари охиригача дарвешона ҳаёт кечирадилар.

“Китоби назми Муллозода”да ҳам Хожа Исматуллоҳнинг таржимаи ҳоллари, ул зотнинг зиёратгоҳлари тўғрисида маълумотлар берилгандир.

Хожа Исматуллоҳ поклик, ҳалоллик, эзгулик тимсолига айландилар. Ўз тахаллуслари “Исмат”га мос бўлдилар. “Исмат” - поклик, бегуноҳлик, маъсумлик демак.

Хожа Исматуллоҳ ислом дини йўлида хизмат этганлари боис Фахриддин, яъни диннинг фахри унвонига сазовор бўлганлар. Ул зоти шариф ташаббуслари билан Бухоройи шарифда жуда кўп савоб ишлар амалга ошган. Хожанинг кулбалари етим, бева-бечораларга бошпана бўлган. Хожа Исматуллоҳ ҳовлиларининг атрофида катта боғ барпо қилганлар. Ул боғдан тушган даромадни бева-бечора, етим, қамбағалларга берганлар.

Хожа Исматуллоҳ валиюллоҳ эдилар. Аллоҳ таоло у кишига каромат ато этганди. Тери касаллигига чалинганлар Хожа Исматуллоҳ ҳузурларига келиб, у ердаги чашма сувига ювинса, чашма лойидан олиб ярасига суртса ва Аллоҳ таолодан дардига шифо тиласа, бешак Аллоҳ таоло унинг дардига шифо ато этади.

Ҳазрат Хожа Исматуллоҳ фақирликда бу фоний дунёни тарк қиладилар. Шоирлар ул зоти шарифнинг вафот этган саналарини билдирувчи тарих битган:

**Тарихи вафоти Хожа Исмат,
Ҳар кас, ки шунид, гуфт: “Таммат!”**

“Таммат” сўзидан абжод ҳисобида ҳижрий 840 йил ҳосил бўлади, бу эса мелодий 1436 йилга тўғри келади.

Тазкираларда Хожа Исматуллоҳнинг номлари зуллисонан шoir сифатида тилга олинади. Шунингдек, шоирнинг муламма (ширу-шакар) санъатини ҳам мукамал эгаллаб, ширу-шакар ғазаллар ижод қилганини эслатиб ўтиш жоиз:

**Бир ғамзаи мастона қилиб боқ бу сори
То нолаи зор аз жигари хаста барори**

Ёхуд куйидаги байтлари ҳам ушбу фикримизга далилдир:

**Хуршид қизил пардага кирсун, сен агар субҳ
Аз хона бурун оиву рўе бинамои.
Куйдирса хижолат ўтида, мушки хитойи,
Гар силсилаи зулф зи ораз бикуюшои...**

Хожа Исматуллоҳ ғазалларининг жаҳоний шуҳратига боис шуки, шоирнинг тили содда, мисралари равон, ўхшатишлари гўзалдир.

Туркистонга, инчунин, жаҳонга тарқалган “Баёз”ларда Хожа Исматуллоҳ ғазаллари, мухаммаслари, рубоийлари киритилган. “Шашмақом” кўшиқлари орасида Хожа Исматуллоҳ қаламларига мансуб булган ғазаллар бор.

**Эй, дарди ту роҳати жигарҳо,
Рухсору ту қиблаи назарҳо.
Оҳиста хиром кун, то намонад
Зери суми маркаби ту сарҳо...
Ту шоҳиву оламе чу Исмат
Баста ба ғуломиат камарҳо.**

Мазмуни: Сенинг дардинг жигардар роҳатидур, сенинг рухсоринг қибламиз ҳисобланади. Оҳиста хиром айлагилки, уловинг оёқлари остида бошлар қолмасин. Сен Шоҳсан (Парвардигори олам) бутун олам Исмат каби қулдай хизматингда камарбастандур,

Жуда кўп шоирлар Хожа Исматуллоҳ ғазалларига мухаммаслар боғлашган. Бу анъана XX асргача давом этганини таъкиддаш жоиз.

Лекии шуни ҳам эслатиб ўтиш лозимки, собиқ Иттифоқ замонида Хожа Исматуллоҳ асарлари кўп тарғиб ва ташвиқ қилинмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири ул зотнинг саройда хизмат қилганлари ва ғазалларидаги сўфиёна руҳдир. Тўғри, Ҳазрат Исматуллоҳ саройда хизмат қилган ва шоҳларга атаб қасидалар битган. Лекин бу қасидалар мағзида панду насихат сингдирилгандир. Хожа Исматуллоҳ “Девонлари” шўролар замонида умуман нашр қилинмади.

“Намунаҳои адабиёти тоҷик” (Москва, 1926 йил) китобида, “Гулшани адаб” (Душанбе, 1976) анталогиясида, “Ҳақиқати Узбекистон” (Тошкент, 1968 йил) газетасида, “Шарқи сурх” (Душанбе, 1961 йил, 9-сон) журналида Хожа Исматуллоҳнинг айрим ғазаллари эълон қилинган эди. Садриддин Айний, В.В.Бартольд, Е.Э.Бертелс, П.Шамсиев, А.Мирзоев, А.Мирсафоев каби адабиётшунос олимлар Хожа Исматуллоҳ асарларини тадқиқ қилиб, ул зотнинг буюк санъаткорлигига юқори баҳо берган. Бухоролик олим ва адиблардан Неъмат Аминов, Т.Қораев, Р.Воҳидов, Ф.Қосимов, Н.Йўлдошевлар ҳам буюк аллома Хожа Исматуллоҳ ҳақларида илмий мақолалар эълон қилдирган. Истеъдодли шоир, моҳир таржимон Самандар Воҳидов Хожа Исматуллоҳнинг бир туркум ғазаллари, рубоийларини ўзбек тилига таржима қилиб “Бухорийлар бўстони” (Тошкент, “Ёзувчи”, 1988 йил) китобида эълон қилдирган.

Тадқиқодчиларнинг айтишича, Хожа Исматуллоҳнинг хаттотлар томонидан кўчирилган “Девон»лари Санкт Петербург, Тошкент, Душанбе, Филадельфия, Лондон, Калькутта, Бухоро шаҳарларидаги кутубхоналарда кўз қорачиғидек сақланмоқда.

Бухоро шаҳрининг Шайх Жалол дарвозасидан чиқиб, жануб томон юрилса, Ҳазрат Хожа Исматуллоҳ Валий зиёратгоҳлари кўринади. Ушбу зиёратгоҳ собиқ Иттифоқ замонасида қаровсиз эди. Масжид йиқитилган, чашма ва қудук кўмиб ташланган, зиёратгоҳга келиш таъқиқланган эди.

Ушбу мазористон қаровсиз, қабрлар чўккан, суяклар паришон, айрим худобехабарлар бу табаррук ерда мол боқарди. Во дариг!

2004 йилнинг февраль ойидан бошлаб улуғ аллома Хожа Исматуллоҳ Валий зиёратгоҳларида обдонгарчилик ишлари бошланди. Бу ерда баланд гумбазли мақбара, масжид, ҳазира (оёқ ости этилган, хор-зор бўлган суяклар иззат-икром билан мана шу ҳазирага қайта кўмилди) бино этилди. Ҳазратнинг, чашмалари атрофи девор билан ўраб олиниб, келажакда деворда ёзувлар: Хожа

Исматуллоҳ ғазалларидан намуналар, ҳикматли гаплари, шунингдек, ул зоти шариф шоғирд-устодлари ҳақидаги маълумотлар бу лавҳаларда битиб қўйилиши режалаштирилган. Ҳазрат Хожа Исматуллоҳ мажмуаларининг шимолида улкан боғ барпо қилинди. “Хожа Исматуллоҳ зиёратгоҳи” лойиҳасини вилоят бош архитектори М.Қ.Ахмедов яратган. Ушбу зиёратгоҳ ҳашар йўли билан бунёд бўлди.

Хожа Исматуллоҳнинг “Девон”ларидан намуналар узбек ва тожик тилида нашр қилинди. (Ҳазрат Хожа Исматуллоҳ Бухорий, “Мисли баҳор келдик яна”, “Бухоро” нашриёти - 2005 йил, тўпловчилар: С.С.Бухорий, С. Азимов).

Хожа Исматуллоҳ бир ғазалларида деган эканларки:

**Гуле ки аз сари мазори ман бишкуфт,
Ҳазор сол бибўянд, бўйи ёр ояд.**

Мазмуни: Мазорим устида унган гулни минг йил ҳидласалар ҳам ундан ёр ҳиди келгай.

Дарҳақиқаг, Ҳазратнинг мазорларидан гул ҳиди анқимоқда, муҳаббат ҳиди, ишқ ҳиди анқимоқда. Бу шоирнинг Аллоҳга, халқига, юртига бўлган маҳаббатидир.

Қуйида шоирнинг ижодидан намуналар берилаётир:

**Хуррам он рўзе, ки дар дил меҳри ёре доштам,
Дида бар роҳи саманди шахриёре доштам.
Гарчи умре зардрўйиҳо кашидам чун хазон,
Шод будам чун умеди навбахоре доштам.
Бе миёнаш гарчи дар дарёи ғам будам ғарик,
Ғам намехўрдам чу умеди каноре доштам.
Эй, рақиб, аз холи дур афтодагон шодӣ макун,
3-он ки ман ҳамчун ту рўзе эътиборе доштам
То ба ў будам наметарсидам аз бими рақиб,
Бо вужуди гул, кужо парвои хоре доштам.
Ёд меорам зи рўзи дурию хун мехўрам,
3-онки, вақти дар ҳарими васд ёре доштам.
Хок шуд Исмат зи ҳажру бори тан бурд аз дараш,
Дар дилаш н-омад, ки рўзе хоксоре доштам.**

* * *

**Дар ҳама одам диле осу да аз ғам ёфт нест,
К-он чи дил мехоҳад андар ҳар ду олам ёфт нест.
Бўйи шоди аз дили мачруҳи ғамгинон мачўй,
3-он ки ин сармоя дар таркиби одам ёфт нест,
Дил ба меҳри ҳамдамон кам нех, ки дар гулзори умр,
Бўй ёриву вафо дар ҳеч ҳамдам ёфт нест.
Роз бо дил гуфтаму бисёр хўрдам хун аз ў,
Кошки донистаме аввал, ки маҳрам ёфт нест.
Ҳамчу Исмат солҳо гаштем дар ҳар кишваре,
Як дили беғам талаб кардем, он ҳам ёфт нест.**

Таржимаси:

**Хуррам эрдим ул замон, кўнглимда ёре бор эди.
Йўлларида интизорим - шаҳриёре бор эди.
Гарчи юзлар сарғайиб, чекдим хазондай нолалар,
Шод эдим, чунки, умидда навбахоре бор эди.
Ул санамсиз гарчи ғам дарёси ичра ғарқ эдим,
Ғам емасдим - соҳилида ғамгусоре бор эди.
Эй, ракиб, хижронзада холига кулма, негаким,
Менга ҳам бир пайт сенингдек эътиборе бор эди.
Ёрга ҳамдам лаҳзаларда йўқдир ағёрдин хатар,
Гарчи гулга қайраган тиғ - қанча хоре бор эди.
Эсласам ёр ёди бул кун, воҳки қонлар ичкизар,
Ул ширин кунлар қаёнда, гулзоре бор эди.
Айланиб тупроққа Исмат, эшигидан ўтса ҳам
Келмагай кўнглигаким, бир хоксоре бор эди.**

* * *

**Бу оламда дили осудаю беғам топилмас,
Икки оламда кўнгил истаги бир дам топилмас.
Ғам аро мажруҳ юракдан излама шодлик хидин,
Не учунким, ғам чекиб завқ топган одам топилмас.
Ҳамдаминг меҳрига дил берма умр бўстонида,
Чунки ҳам ёр, ҳам вафодор бўлгулик ҳамдам топилмас.
Дилга роз айтдим у аммо, у ичирди менга қон,
Кошки аввал билсам эрди, менга маҳрам топилмас.
Мисли Исмат неча йил сарсон юрдик юртма-юрт,
Бир дили беғамни излаб, воҳки, ҳеч ҳам топилмас.**

(Форс-тожик тилидан С.Воҳидов таржималари).
(XV аср)

МАВЛОНО КАВСАРИЙ (XV аср)

Ҳазрат Мавлоно Кавсарий Бухорий ҳақларида Ҳазрат Алишер Навоий “Мажолисун нафоис” асарларининг “Иккинчи мажлиси”да хабар берганлар: “Мавлоно Кавсарий - Бухородиндур. Қобилиятлик, хуш суҳбат, ширингўй ва фасих забон ва донишманд киши эрди”. (А.Навоий, ўн еттинчи том, 56-саҳифа)

Мавлоно Кавсарий асрнинг донишманди, алломаси эди. Бу зоти шариф Бухорода туғилиб, она шаҳридаги мадрасаларда таълим олиб, сўнг Ҳиротга борган эканлар. Навоийнинг ёзишларича, қабрлари Ҳиротнинг Хиёбон бошида бўлган. Мавлоно Кавсарий қуйидаги матлаълари машҳурдир:

**Дар хаёли пистаи хандони он бодом чашм,
Чашмаи хунест чашми мо ки, дорад ном чашм.**

Мазмуни: Ул бодом кўзларининг хандон пистадек лаблари хаёлида чашм деб аталган кўзларим қон чашмаси (булоғи)га айланди.

ҲАЗРАТ САЙИД ИБРОҲИМ

Ҳазрат Сайид Иброҳим Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанднинг авлодлари бўлганлар. Бухорой шарифда таълим олиб, ўз замонасининг алломаси, донишманди бўлди. Бир муддат Қобулда садрлик лавозимида хизмат қилганлари ҳақида манбаларда хабар бор.

Ҳасанхожа Нисорий Ҳазрат Саид Иброҳимга атаб ғазал ёзганлар, ўша ғазалнинг матлаъси қуйдагичадир:

**Марост кун ту чун Каъба аз раҳи таъзим,
Мақоми туст дар онжо мақоми Иброҳим,**

Мазмуни: Кўчанг мен таъзим қиладиган Каъба мисол, у ерда сенинг мақоминг худди Иброҳим (пайғамбар) мақомидек. (“Музаққири аҳбоб”, 230-саҳифа). Ҳазрат Иброҳим ҳам ғазаллар ёзганлар:

**Новаки чашми ту то дар дили маҳзун жо кард,
Фориғам аз ғами имрўз ғами фардо кард.**

Мазмуни: Киприкларинг ҳазин юрагимдан жой олгач, бу кун ғамидан озод бўлиб, эртанинг ғами хаёлимга тушди.

МАВЛОНО ХАЁЛИЙ БУХОРИЙ (ваф. 1441)

Ҳазрат Мавлоно Хаёлий Бухорода таваллуд топганлар. Бу зоти шариф Бухородаги мадрасаларда таълим олганлар. Давлатшоҳ Самарқандий ёзадилар: “Хаёлий Бухорий Хожа Исмағулнинг шогирди бўлиб, шеърлари дарвешона ва равондур. “Девон”и Мовароуннаҳр, Бадахшон ва Туркистонда жуда ҳам машҳур ҳисобланади”.

Мавлоно Хаёлий бир неча муддат Ҳиротда ва Хўжандда ҳам яшаган. Шу боис айрим тазкираларда бу зоти шарифни “Хаёлий Ҳиротий”, “Хаёлий Хўжандий” деб ёзганлар.

Ҳазрат Навоий “Мажолисун нафоиси” китобларида дейдиларки: “Мавлоно Хаёлий - Бухородин ва Хожа Исмағулнинг шогирдидур. Бу матлаъ анингдурким:

**Эй, тийри ғаматро дили ушшоқ нишона,
Халқе ба ту машғул, ту ғойиб зи миёна.**

Иккинчи байта ҳам яхши воқеъ бўлубдурким:

**Гаҳ муътакифи дайраму, гаҳ сокини масжид,
Яъники, туро металабам хона ба хона.**

Ўзи хуш хулқ ва хуш тавр йитат эрмиш, ҳамоноки қабри Бухородадур.” (А.Навоий, Мукаммал асарлар тўплами, ўн еттинчи том, 17-саҳифа).

Мавлоно Хаёлий 1447 йил вафот қилганлар. “Гулшани адаб”да ёзилишича, Азизи Давлатободий Табризда 1947 йил Хаёлий Бухорийнинг “Девон”ларини чоп эттирган. Ушбу “Девон”да шоирнинг 2071 байти киритилган (“Гулшани адаб”, 77-сах).

Юқорида Навоий мисол келтирган ғазалнинг давоми қуйидагичадир:

**Ҳар кас ба забони ишқи ту гўяд,
Сўфий ба суруди наю, мутриб ба тарона.
Зоҳид ба роҳи Каъбаву, ман толиби дидор,
Ў хона ҳамежўяду, ман соҳиби хона.
Таксири Хаёлий ба умеди карами туст,
Яъне ки гунахро беҳ аз ин нест баҳона.**

Ҳазрат Навоий, Ҳазрат Давлатшоҳ Самарқандийлар эътироф этган адиб ҳақида бошқа мактов ортиқчадир.

ҲАЗРАТ ФАЗЛУЛЛОҲ ИБН РЎЗБЕҲОН АЛ ИСФАҲОНИЙ (1457-1521)

Ҳазрат Фазлуллоҳ ал Амин Рўзбеҳон ал Хунжий аш Шерозий ал Исфаҳоний 1457 йил Шероз яқинидаги Хунж туманида туғилган. Шероз, Исфаҳон, Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара, Миср шаҳарларидаги уламолардан сабоқ олганлар. Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон улуг маҳаддис, муфассир, муаррих, воиз, мутасаввиф олим, буюк тарбиячи эдилар. Бу зоти шариф ўзбек ва тожик тилларида шеърлар ижод қилган, зуллисонайн шоир.

Ҳазрат Хожа Қуръонни тафсир этган, Ҳадиси шарифни шарҳлаган ва қуйидаги китобларнинг муаллифи ҳисобланадилар: “Сулук ал мулук”, “Рисолаи ҳарисийа”, “Меҳмонномаи Бухоро”, “Тарихи оламорои Аминий”, “Шарҳи Қасидаи Бурда ал Бусийри”.

Ҳазрат Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон сунний мазҳабининг ёйилишида хизмат қилганлар. Ибн Рўзбеҳоннинг “Меҳмонномаи Бухоро” китоблари Муҳаммад Шайбонийхонга бағишлаб ёзилгандир. Унда шайбонийлар замонидаги воқеалар ўз аксини топган. Бу китоб 1976 йил Москвада “Наука” нашриётида нашр қилинган. Уни рус тилига таржима қилган олим Р.П.Жалилова ҳисобланади.

Ҳазрат Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон соҳибкаромат бўлганлар. Ҳазрат Ҳасанхожа Нисорий ёзадилар, менга онам ҳомиладор бўлганларида ногоҳтуш кўрадилар. Тушларида Ҳазрат Фазлуллоҳ онамга дейдилар: Яқинда Аллоҳ сизга ўғил фарзанд ато қилгай. Унга Хожаи Бузург (яъни Ҳазрат Баҳоуддин) исмларини кўйинг!” Анча муддатдан сўнг онам мени туғибдилар Ҳазрат ибн Рўзбеҳон муборақбод этмоқ учун келганларида, мени кўтариб Ҳазрат олдиларига келтирибдилар. Ҳазрат Ибн Рўзбеҳон : “Бу ўғлонга Баҳоуддин Ҳасан деб исм кўйгаймиз!” деб, дарҳол қоғоз, қалам олиб қуйидаги қитъани битибдилар:

**Хожа Ҳасан нақди дили Подшоҳ,
Хожа Баҳоуддин қунамаш ном ман,
Соний он хожаи аброр бод,
“Абнатуҳу Аллоҳ наботан ҳасан”.**

Мазмуни: Ҳасанхожа Пошшохожа қалбининг бир парчаси, унга Хожа Баҳоуддин деб от қўяман. Ул яхшилар Хожасининг иккинчиси бўлсин ва “Аллоҳ уни кўркам ўстирсин”.

Ҳазрат ибн Рўзбеҳонга Муҳаммад Шайбонийхон, Убайдуллохонлар муҳиб, дўст бўлгам. Бу зоти шарифниги маслаҳатларига амал қилганлар.

Ҳазрат Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон 1521 йил Бухорода вафот қиладилар. Бу кишининг қабрлари Хиёбон кўчасининг бошидадир. Шайх Пошшохожа ибн Абдулваҳҳобхожа Рўзбеҳон вафотларига атаб марсия ёзганлар:

**Ба дасти хок ажаб қиймат дурре уфтод,
Ки то ба рўзи қиёмат аз каф нахоҳад дод.**

Мазмуни: Тупроқ қўлига ажиб қимматбаҳо дур тушди, энди тупроқ уни қиёматгача қўлидан чиқармагай.

“Музаққир аҳбоб”да Ибн Рўзбеҳоннинг қуйдаги машҳур қитъалари ҳам келтирилган:

**Хушест суҳбати қутби замона Шайх Ҳусайин,
Агар ба ҳамраҳиям азми ижтимоъ кунад.
Равем важд кунон ҳар ду чи хуш бошад,
Мо ҳадис бихонем ва ў самоъ кунад.**

Мазмуни: Замонамизнинг улуг Шайхи Ҳусайин билан бўладиган суҳбат хушдур, агар биргаликда жам бўлсак. Иккаламиз важд қилиб борсак нақадар яхши бўлур, биз ҳадис айтсагу у киши самоъ айтса.

Ибн Рўзбеҳон ҳақларида Муҳаммад Қазвиний, Саид Нафисий, Муҳаммад Амин Хунжий, А.А.Семенов, М.А.Салъе, Р.П.Жалилова каби шарқшунослар илмий асарлар ёзишган

МАЛОНО САЙФИЙ БУХОРИЙ (ваф. 1503)

Улкан адабиётшунос, шоир, аллома, тарбиячи Мавлоно Сайфий Бухорий XV асрнинг иккинчи ярмида, Бухорода туғилиб, Бухоро мадрасаларида таълим олган. Манбаларда таъкидланишича, XV асрнинг 80 йилларида Мавлоно Сайфий Ҳиротга бориб, Ҳазрат Навоийнинг назарига тушадилар.

Ҳазрат Навоий Мавлоно Сайфийга таълим берганлар.

Сайфийнинг “Рисолаи Аруз”, “Рисолаи мусиқа”, “Саноеъул бадоеъ” каби асарлари машҳурдир. Шоирнинг “Саноеъуд бадоеъ” китобларида 100 дан ортиқ ғазаллари бўлиб, улар турли касбу кор эгаларига бағишлангандир.

Ҳазрат Навоий “Мажолисун нафоис” китобларида Сайфий ҳақларида ёзганлар: “Бухороликдур, андин Ҳирийга келди ... ва таҳсил асносида назмга машғул бўлди. Андоқки шеъри шуҳрат тутди ва масал тарийқийн бағоят яхши айтти. Бу матлаъ анингдурким:

**Дило, васфи миёни нозуки жонони ман гуфти,
Накў рафти ҳадисе аз миёни жони ман гуфти.**

Мазмуни: Эй, кўнгил, жононим нозик белини таъриф қилдинг. Бу билан жонимнинг нозик жойини тилга олиб, яхши қилдинг. (А.Навоий, Мукаммал асарлар тўплами, ўн учинчи том, Тошкент, “Фан” нашриёти, 1997 йил, 70-саҳ).

Навоий Мавлоно Сайфийнинг одамшавандаликлари ва ҳаёли, одоб-ахлоқли эканликларини таъкидлаганлар. Сайфиддин ҳазратлари 1487 йил Ҳиротдан Самарқандга келадилар ва ўша пайтдаги Самарқанднинг ҳокими бўлган ўн бир яшар Бойсунқурга мураббийлик қиладилар. 1498 йил Самарқанддан Бухорога келадилар ва 1503 йилда Бухорода вафот қиладилар.

Мавлоно Сайфий ғазалларидан бир қисми “Гулшани адаб”нинг учинчи жилдида эълон қилинган (“Гулшани адаб”, 3 жилд, Душанбе, “Ирфон” 1976 с. 301-316 саҳ).

ҲАЗРАТ МИР АРАБ (1461-1536)

Ҳазрат Мир Араб қ.с. нақшбандия тариқатининг улуғ пири муршиди, соҳибқаромат авлиё, улкан тарбиячи эдилар.

Мир Арабнинг асли исмлари Сайид Абдуллоҳдир. Ул зоти шариф Яманнинг Ҳазарул Мавт мавзесида тахминан 1461 йилда туғилганлар.

Сайид Абдуллоҳ Яманнинг амири бўлган, лекин 22 ёшга кирганда, ногоҳ жазба (яъни дилларига Аллоҳ таоло ишқи) пайдо бўлиб, тожу тахтнинг бахридан кечадилар ва Самарқанддаги Хожа Кафшир гузарида Хожа Аҳрори Валий суҳбатларига етишадилар ва қисқа муддатда Хожа Аҳрордан иршод хати олиб пир даражасига етишадилар. Абдуллоҳни Мир Араб Яманий дейишларига сабаб, у кишининг миллати, амирлиги ва туғилган жойларига ишорадир.

Восифий “Бадоеъ ул вақоеъ” асарида ёзишича, Убайдуллоҳоннинг пири Ҳазрат Мир Араб бўлган. Мир Араб Туркистоннинг, Саврон деган жойида коризлар қаздириб, сув чиқарганлар ва кўп жойларни обод қилганлар. Шофиркон, Вобкент, Ғиждувонда (Бухоро вилоятида) каналлар қаздириб, боғлар барпо этган. Шофиркондаги ушбу ариқни Султонхон ариғи деб номлаганлар. Зеро Мир Араб уни Убайдуллоҳон ибн Султонхон номига қўйган. Айти шу кунларда бу ариқ бор, яна Шофиркон туманида Мир Араб Қалъаси ҳам мавжуд. У зиёратгоҳ Мир Арабнинг қадамжоларидир.

Маълумки, 1512 йилда Эрон шоҳи Исмоил Сафавийнинг буйруғига мувофиқ саркарда Нажми Соний 80 минг қизилбошлар билан Мовароуннаҳрга ҳужум бошлайди. Нажми Соний дейдики: “Мен Самарқандни ер билан теп-текис қиламан, уни шудгорлаб, унда “қовун” ундираман, яъни каллаларни ерга қатор қилиб ташлайман”.

Нажми Соний лашкарлари шаҳарларни бирин-кетин ишғол қила бошлайди. Убайдуллоҳон ҳам, Жонибексултон ҳам кўрқиб қочадилар. Бу воқеани эшитиб Мир Араб зудлик билан Бухорога келадилар ва Убайдуллоҳонга далда бериб, уни жангга бошлайдилар. Убайдуллоҳон пирнинг дуоси, панду насихатларидан сўнг лашкарни жамлаб, жасорат билан Нажми Сонийга қарши ҳужум бошлайди. 1512 йил Ғиждувонда бўлган жангда Мир Араб дуолари шарофатидан Нажми Соний ўлдирилади, қизилбош босқинчилар мағлуб бўлади. (С.Айний, “Восифий ва хулосаи Бадоеъ ул вақоеъ”, Нашриёти Давлатии Тожикистон, 1959 с.)

Мир Араб 1530 йил Бухоро шаҳридаги Минораи Калон кун чиқар томонида мадраса курдиришни бошлайдилар. Куръони Каримда 114 сура бор, бу мадрасада ҳам 114 та хужра бино этилган. Мадраса қурилиши 1536 йил тугади. Шарафиддин Роқимий “Тарихи томм” китобида ёзадики, ушбу мадраса пештоқида “Мулло Мир Али Котиб Бухорий, ки хат санъатида олам қаламравидагалар ангуштнамоидур, олам саҳисфасида ва кечаю кундуз дафтарида ҳеч ким қалам кемасига китобатда хатни унингдек торта олмаган, унинг битишида тарих битди. Тарих:

**Мир Араб фаҳри Ажам он, ки сохт,
Мадрасаи олий бас булажаб,
Булажаб инаст, ки тарихи ўст.
Мадрасаи олии Мири Араб.**

Мазмуни: Мира Араб Ажам фахридурки, у ажиб бир олий мадраса курди. Ажиблиги шуки унинг тарихи “Мадрасаи олии Мири Араб” бўлди. “Мадрасаи олии Мири Араб”дан 942 ҳижрий йил ҳосил бўлади. (Шарафиддин Роқимий, “Тарихи томм”, Т. “Маънавият”, 1998 йил, 88-89-саҳифалар).

Бу ҳижрий 942, мелодий 1536 йилга тўғри келади. Дарвоқе, Сайид Абдуллоҳ Яманий, яъни Ҳазрат Мири Араб курдирган ушбу мадраса Мири Араб мадрасаси номи билан машҳур бўлди.

Мири Араб мадрасаси қурилиши битмай туриб, 1536 йилнинг бошида Ҳазрат Мири Араб вафот қиладилар. Ул зотни мазкур мадраса шимолидаги гумбаз остига кўмадилар. Мири Арабнинг куёвлари Шайх Закариё мадраса қурилишини охирига етказган.

“Тухфат аз зоирин”да нақл этилишича, ўша асру айём валийларидан бири Абдулҳақ Бухорий бир кун туш кўрадилар.

Тушларида пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. Минораи Калонга муборак елкаларини тираб турибдилар. Ҳаддан ташқари кўп одам Ҳазрат пайғамбар с.а.в. дийдорларини кўрмоқ умидида тўпланган. Муҳаммад с.а.в.: “Эй,, Абдулҳақ!” - деб чақирадилар. Мен ул жаноб с.а.в. ёнларига югуриб бориб: “Лаббай, ё Раслуллоҳ с.а.в.!” - дедим. Пайғамбар с. а. в. дейдилар: “Фарзандим Мир Араб ажаб нек Мадраса курдирибди!”. Мазкур ҳол ушбу мадрасанинг қабули назар бўлганига ишоратдир.

Домло Абдурахим, Домло Қосим, Домло Исмоил, Домло Хожи Мухторхон, Домло Садриддинлар (Аллоҳ уларни раҳмат этган бўлсин) мадрасада таълим берганлар.

Айни шу кунларда ҳам Мир Араб мадрасида толиби илмлар ислом динидан сабоқ олмоқда.

ҲАЗРАТ МУҲАММАД БОҚИР ЯМАНИЙ (ваф. 1566)

Ҳазрат Муҳаммад Боқир Яманий Мир Арабнинг ўғиллари бўлганлар. Бу зоти шариф ҳақларида. Ҳ. Нисорийнинг “Музаққир аҳбоб” китобларида маълумот берилган: “Муборак Ҳусайний Сайидларидан ва Мир Араб номи билан танилган Амир Абдуллоҳ Яманийнинг шариф ўғиллари Муҳаммад Боқирдирлар. Уларнинг асл Ватани Ҳазарулмавт ва у жой Яман ўлкасига

қарашли шаҳарлардан бири ҳисобланади. Ва Ҳазрат Худ пайғамбарнинг қабрлари ўша ердадир. Қуръони Каримда номи тилга олинган, яъни Од қавми қурган Машид қасри ўша ерда бўлган. Айтишларича, қадим замонда ўша ўлка ери остидан бир сопол идиш топилган бўлиб, унда бир ман оғирликдаги буғдой бор экан ва унинг ҳар бир донаси товуқ тухумидай келаркан. Ҳозир эса кишиларда инсоф йуклиги ва эл орасида ёмон қилиқ-одатлар кўпайгани учун орадан баракот кўтарилди, ризқимиз асоси буғдой ҳам шу (кичик) микдорга келиб қолган.” (Ҳ.Нисорий, “Музақкири аҳбоб”, Т., “А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 1993 йил, 225-227-саҳифалар. Форс-тожик тилидан Исмоил Бекжон таржимаси).

Бухоро ҳукмдори Ҳазрат Муҳаммад Боқирга кўп иззат-икром кўрсатгани манбаларда зикр этилган. Зеро Ҳазрат Муҳаммад Боқир ўз замонасининг алломаси эдилар. Ҳазрат Муҳаммад Боқир Мир Араб мадрасасида ёшларга сабоқ берган. Шунингдек, у зоти шариф ғазаллар ҳам ёзган ва таҳаллуслари Яманий бўлган. “Музақкири аҳбоб”да Ҳазрат Муҳаммад Боқирнинг қуйидаги ғазаллари келтирилгандир:

**Ёрро сўйи асирон назаре нест дигар,
Жониби бесару поён гузари нест дигар.
Он чунон дар ғами ту зи худ беҳабарам,
Ки дар ин даҳр чу ман беҳабаре нест дигар.
Чун ту хуршидваше бар фадаки зебой
Мохрў, зуҳражабин, сиймбаре нест дигар,
Гарчи хубон ҳама хубанд дар ин аҳд вале,
Аз ту, Эй, шоҳе бутон, хубтаре нест дигар.
Яманийсон ба хаёли қаддат, Эй, сарви равон,
Бар сари кўйи ту уфдодатаре нест дигар.**

Мазмуни: Ёр ўз асирлари томон умуман энди назар ташламас, унинг ишқи йўлида бошини йўқотганлар гузаридан асло ўтмас. Ишқинг йўлида ўзимдан томон беҳуд бўлдим, мен энди ҳамма нарсдан беҳабарман. Гўзаллик осмонда сен каби бир қуёш қайда? Эй, ои юзли, зуҳражабин, сийминбадан! Гарчи бу замондаги ҳамма тузаллар яхши, лекин сен каби гўзал қайда, сен ҳаммасидан яхшироқсан! Яманий каби қаддинг хаёлида, Эй, сарви равон, кўчангда йиқилиб қолганлар йўқдир. (“Музаққир аҳбоб”, 227-саҳифа).

Кўриниб турибдикм, Ҳазрат Мир Араб ва у кишининг ўғиллари Муҳаммад Боқир саидзода бўлиб, ўз замонасининг етуқ инсонлари эдилар.

Ҳазрат Муҳаммад Боқир 1566 йилда вафот қилганлар ва қабрлари оталари Мир Арабнинг ёнларида, Мир Араб мадрасаси гўрхонасидадир.

ҲАФТ БАРОДАРОН ЗИЁРАТГОҲИ

Бухоро шаҳридаги Пўстиндўзон гузарида Ҳафт бародарон зиёратгоҳи бор. Бу гузар Саррофон тоқининг жунубида жойлашган. О.Сухареванинг “Квартальная община позднефеодалного города Бухары” (Москва, “Наука”, 1976) китобида, шунингдек, С.Раҳматова, Ҳ.Қурбоновнинг “Бухоро гузарлари тарихидан лавҳалар” (“Бухоро” нашриёти, 1995 йил) китобларида бу кўча ҳақида маълумот берилган.

ҲАЗРАТ МУҲАММАД АМИН ЗОҲИД

Шайх, обид, зоҳид, буюк тарбиячи Муҳаммад Амин Зоҳид ҳаётлари кўпчиликка намуна бўлган. Бу зоти шариф ўз замонасининг алломаси эди. Кўп вақтини диний илмлар мутолаасига сарф қилиб, дунёнинг орзу ҳавасларига илтифот этмасдилар. Подшоҳлар, бойлар суҳбатига рағбат билдирмасдилар. Фақат Бухоро хони Убайдуллоҳонга эътиқодлари бор эди. Ҳасанхожа Нисорий ёзадилар: “Бир вақтлар мазкур хон (яъни Убайдуллоҳон) даврида саркорлар лашкар сарфу харажати учун халқдан молу жон билан ўлпон ола бошлаганлар, бу номақбул ишни тўхтатишга ҳеч ким журъат қила олмаган. Шунда Мавлоно Муҳаммад Амин Зоҳид хон ҳузурига бориб дейдилар: “Бу буйруғингизда тўртта номуносиб иш рўй берган, яъни амалдорларингиз олиниши керак кишидан олмаяптилар ва олиниши керак бўлмагандан эса олаяптилар, берилиши керагига бермаяптилар ва бермаслик лозим бўлганларга бераяптилар. Шу боис бу ўлпонни бекор қилинг”. Убайдуллоҳон шу заҳотиёқ мазкур ўлпонни бекор қилибди. (“Музаккири аҳбоб”, 150-саҳифа).

Ҳазрат Муҳаммад Амин шеърлар ҳам ижод қилганлар. Қуйидаги матлаъ Ҳазратнинг қаламларига мансуб:

**Ҳазор бор кунад жони худ нисор яке,
Накарда шукри ғами ёр аз ҳазор яке.**

Мазмуни: шундай кишилар борки, бир ёрига минг жонларини нисор этган, шундайлар ҳам борки ёрнинг ғамига шукур этмас.

Буюк шайх Муҳаммад Зоҳид қаноатда, сабрда, шукурда даврнинг яғонаси эди. Бу зоти шариф ХУ1 асарда яшаб ўтганлар. Ҳазратнинг қабрлари Баҳоиддин Нақшбанд мазорларидадир.

ХОЖА ЖАЛОЛИДДИН ҲОШИМИЙ АС СИДДИҚИЙ (1438-1528)

Ҳазрат Хожа Жалолиддин Ҳошимий 1438 йил Бухорода зиёли аллома оиласида туғилганлар. Бу зоти шарифнинг катта боболари ҳазрат Абу Ҳафс Кабир замоналарида Бухоронинг шайхулисломии бўлган экан. Ҳазрат Ҳошимий истеъдодли шоир, буюк тарбиячи, саховатли зот бўлган. Кўплаб истеъдод эгаларига ҳомийлик қилган, XV асрнинг буюк алломаси Зайниддин Восифий “Бадоеъ ул вақоеъ” номли машҳур асарида Ҳазрат Ҳошимийнинг фаолиятлари, этган савоб ишлар тўғрисида батафсил хабар берган. Жумладан, Восифий ёзади: “Хожа Ҳошимийнинг бир одати бор эдики, ҳар йили ўз туғилган кунини катта зиёфат бериб нишонларди: Ҳижрий 920 (милодий 1514) йил Раббеулаввал ойида Ҳошимий ушбу тантанани Сипадмуний қишлоғида ўтказди. Юз бош қўй, ўнта хўкиз, учта от худойи қилиниб, турли таомлар пиширилиб, шоирлар, олимлар, фақирлар ва турли табақадаги кишиларга берилди”. (С.Айний, “Восифий ва хулосаи “Бадоеъ, ул вақоеъ”. Нашриёти Давлати Тожикистон, 1956. 224 саҳифа).

Ҳазрат Ҳошимий қуйидаги матлаъли ғазалларини Жомий ҳазратларга юборганликлари “Музаккири аҳбоб”да ёзилган:

1. Чунон афсурдаам аз ғам ки гар домон бар афшо нам,

Таки хоки равад чун гард аз чоки гиребокам.

Мазмуни: Ғамдан вужудим афсурда бўлиб қолди, агар этак силкитсам тупрок (яъни вужудим) чангдек ёкам чокидан тўкилиб кетгай.

2. Маро ту дидаву аз дида ҳам азизтари, Чи дида, к и бар аҳволи ман наменигари.

Мазмуни: Сен менинг кўзимсан, балки кўзимдан ҳам азизроқсан, аммо қанақа кўзсанги, ҳеч менинг аҳволимга боқмайсан?

3. Бо ноз сурма мақаш чаши саҳифаараҳхумро Нишаста гир ба хоки сияҳ мардумро.

Мазмуни: Раҳм шафқатсиз ул кўзларга ноз ила сурма тортма, қора тупроққа ўтқизгил одамларни.

Ушбу ғазаллар Ҳазрат Жомийга манзур бўлиб, таҳсинлар айтганлар ва бутун Ҳирот бўйлаб Ҳазрат Ҳошимийнинг доврुकлари таралгандир.

Ҳазрат Ҳошимий 1528 йил 90 ёшга кириб вафот қиладилар. Қабрлари Хожа Буғро Бакр мазоридадир. Қабр тошларида ўзларининг қуйидаги байтлари ёзилган:

Қабрам макун тавоф ки беҳушӣ оварад, Лавҳи маро маҳон ки фаромуши оварад.

Мазмуни: Қабримни тавоф қилмаки, ул беҳушлик келтиради. Лавҳи тошимни ўқимаки, ул фаромушхотирлик келтиради.

ҲАЗРАТ МАХДУМИ АЪЗАМ ДАҲБЕДИЙ ҚАДАМЖОЛАРИ (1461-1542)

Бухоро шаҳрида Ҳазрат Махдуми Аъзам номли гузар ва зиёратгоҳ бор. Бу гузар ҳозирги Намозгоҳ кўчасидадир. Турки Жанди зиёратгоҳи кун чиқарида Махдуми Аъзам гузарлари жойлашган. Ушбу жойда Ҳазрат Махдуми Аъзам бир неча муддат яшаганлар.

Маълумки, Ҳазрат Махдуми Аъзам Даҳбедийнинг исмлари Сайид Аҳмад Жалолиддин Косоний бўлиб, бу зоти шариф 1461 йил Фарғона водийсининг Косон деган жойида туғилганлар. Ҳазрат Махдуми Аъзам ўз даврининг буюк пири муршиди бўлиб, тариқат сабоғини Хожа Аҳрори Валийнинг шогирдлари Хожа Муҳаммад Қозидан олганлар. Ҳазрат Махдуми Аъзам ўттизта китоб ёзганлар: “Асрорун никоҳ”, “Рисолаи самоъия”, “Рисолаи вужудия”, “Одобус соликин”, “Одобус сиддиқин”, “Ганжнома”, “Рисолаи буқоия”, “Насихатус соликин”, “Шарҳи саводил ваҷҳ”, “Нафоҳатус соликин”, “Рисолаи зикр”, “Рисолаи чаҳор калом”, “Силсилаи сиддиқин”, “Миръотус сафо”, “Меърожул ошиқин”, “Муршидул соликин”, “Рисолаи Бобурия”, “Танбеҳул уламо”, “Рисолаи фаноия”, “Рисолаи илмия” ва бошқалар. Ушбу нодир асарлар УзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида

сақланмоқда (“Нақшбандия тариқатига оид кўлёмалар фикристи”, Т.1993 й. 45-59 саҳифалар).

“Тухфат аз зоирин” китобида Ҳазрат Махдуми Аъзамнинг насабноналари ҳам берилгандир: Ҳазрат Сайид Аҳмад Махдуми Аъзам бин Сайид Жалолиддин бин Сайид Жамолиддин бин Сайид Бурҳониддин бин Сайид Амир Мажмун бин Сайид Бурҳониддин Қилич бин Сайид Камолиддин бин Сайид Жалолиддин бин Сайид Шоҳ Ҳусайн бин Сайид Ҳасан бин Сайид Муҳаммад бин Сайид Аҳмад бин Сайид Абдулло ал Афзал бин Сайид Абдулло ал Акмал бин Сайид Абу Толиб ҳужжатуллоҳ Сайид Муҳаммад Али бин Сайид Имом Али Мусо ар Ризо бин Сайид имом Мусо Козим бин Ҳазрат Сайид Жаъфари Содиқ бин Ҳазрат Сайид Имом Муҳаммад Боқир бин Ҳазрат Имом Зайнулобидин бин Ҳазрат Имом Ҳусайн бин Ҳазрат Амирал Мъминин Имом Али р.а.

Махдуми Аъзам ҳақларида одимларимиздан Ботирхон Валихўжаев, Комилхон Каттаевларнинг кўплаб илмий мақола ва рисоладари чоп этилган.

Ҳазрат Махдуми Аъзам ёзадилар: “Агар солиқ бу тўрт калимага амал этмаса, демак унинг бинои тариқати вайрондур: ҳуш дар дам, назар бар кадам, сафар дар ватат, хилват дар анжуман. Чунончи, Ҳазрати одийшон, мақбули Ҳазрати Раҳмон, муҳибб ва маҳбуби кулуби дарвешон Убайдуллоҳон айтурлар:

**Ҳар лаҳза Ватан ичра сафар қилғумдур,
Юрмакда кадам узра назар қилғумдур.
Хилват тутубон анжуман ичра мудом,
Хилватни қурбатга гузар қилғумдур.**

Ориф билан зоҳид орасидаги фарқ недур? Ориф бамисли қуёш, зоҳид бамисли ой. Ой тунни равшан қилгай, Қуёш эса кўп бузрук бўлиб, кунни равшан айлар. Орифеки Боязид Бастомийга ўхшар, ул қуёшдур. Қуёш нурининг ҳарорати баландлигининг ҳар ким ҳам кўра олмагай, яъни кўрмоқдан мурод танимоқдур.

Зоҳид Ҳақ таолонинг сўзига, ориф Ҳақ таолонинг ўзига машғул бўлгай. Зоҳид халқни илми зоҳир ила даъват этгай, ориф халқни илми ботин билан даъват этгай. Зоҳиднинг муриди таважжуҳ билан тарбият топгай, орифнинг муриди маърифат билан тарбият топгай. Зоҳид бир ерда муқим турмагай, ориф бир ерда муқим тургай. Зоҳиднинг кўзларида ғам йўқ, орифнинг кўзлари пургам бўлгай. Зоҳиднинг кўнгли қаттиқ бўлгай, орифнинг кўнгли юмшоқ бўлгай. Зоҳид пулга боққай, ориф Ҳаққа боққай. Зоҳид халқ орасида саломатлик бўлгай, ориф халқ орасида маломатлик бўлгай. Зоҳид муриднинг зоҳиридан хабардор бўлгай, ориф муриднинг ботинидан хабардор бўлгай. Зоҳид ҳар на келса халқдан кўргай, ориф ҳар на келса Ҳақдан кўргай. Зоҳиднинг талаби беҳишт, орифнинг талаби дийдор бўлгай. Зоҳид муриднинг қўлини олгай, ориф муриднинг кўнглини олгай. Зоҳид ўзини уриб, кўзидан ёш чиқаргай, орифнинг кўзида ёш, оғзида кулгуси бўлгай. Зоҳид халқни ўз атрофида йиғмоқни истар, ориф халқдан узилмоқни (узлатни) истар. Зоҳиднинг кўзи ҳушёр, кўнгил кўзи ғафлатда бўлгай, орифнинг кўнгил кўзи бедор, кўзи ғафлатда бўлгай. Зоҳиднинг тили зикрга машғул бўлгай, орифнинг дили зикрга машғул бўлгай. Зоҳид элнинг айбини очгай, ориф элнинг айбини ёпгай. (“Махдуми Аъзам Даҳбедий”, Т. 1993 й.)

Ҳазрат Махдуми Аъзам Даҳбедийга ўша замон султонлари мурид бўлганлар. Жумладан, Бухоро хукмдори Убайдуллоҳон, шунингдек, Мирзо Бобурлар Ҳазрати пирни ғоят ҳурмат этганлар.

Комилхон Каттаевнинг “Махдуми Аъзам ва Даҳбед” китобида ёзилганки: “Муҳаммад Содиқ Қашқарий ўзининг “Тазкираи Азизон” асарида Бобур Мирзонинг Махдуми Аъзамга нақадар катта ихлос қўйганлигини англатадиган мактуб ва шеърини содиқ аъёнларидан, қимматбаҳо совғалар билан қўшиб юборганлиги ҳақида ёзади. Шеър:

**Дарвешонро гарчи на аз хешонем,
Лек аз дилу жон мўътақиди эшонем.
Дур аст бигўй шохро аз дарвеш,
Шоҳем, вале бандаи дарвешонем.**

Мазмуни: Гарчи дарвешлар билан қариндош бўлмасак-да, лекин дилу жонимиз билан уларга эътиқодимиз бор. Шоҳ билан дарвеш орасида қанча фарқ бўлмасин, биз шоҳ бўлсак-да, лекин дарвешларга тобеъдурмиз. (К.Каттаев, “Махдуми Аъзам ва Даҳбед”, Самарқанд, “Суғдиёна” - 1994 й. 16-17 саҳифалар).

Бухородаги Махдуми Аъзам гузарлари ва зиёратгоҳлари ҳақида О.А.Сухареванинг “Квартальная община позднефеодалного города Бухары” (Москва, “Наука”, 1976. 94-сах) китобида, шунингдек, Н.Йўлдошев, Ҳ.Қурбоновнинг “Бухоро шаҳри ва унинг атрофидаги зиёратгоҳлар тарихи” китобларида маълумотлар берилган.

Ҳазрат Махдуми Аъзамнинг шогирдлари кўп бўлган. Энг етуқлари қуйидагилардир: Ҳазрат Хожа Ислоҳ Жўйборий, Мавлоно Поянда Шоҳахсавий, Мавлоно Лутфилло Чустий ва бошқалар. Ҳазратнинг кўп ўғиллари бўлган, лекин иршод хати олган ўғиллари қуйидагилардир: Муҳаммад Аминхожа (Хожаи Калон), Хожа Дўст, Хожа Исҳоқи Валий, Хожа Баҳоиддин, Хожа Абдулҳолиқ.

Шарафиддин Роқимийнинг “Тарихи томм” китобларида Махдуми Аъзамнинг вафотлари ҳақида маълумот келтирилган. Ҳазрат вафотлари тарихини билдирувчи байтлар ёзилган экан:

**Ориф, к-ў дар ҳақиқат муқтадои аср буд,
Рафт аз роҳи тариқат аҳли дилро раҳнамой.
Бисту як буд аз муҳаррам рўзи шанбе вақти чошт,
Мурғи руҳаш кард парвоз аз ин меҳнатсарой.
Бас, ки будам дар таассуф аз фироқи рўи ў,
Ёфтам гарихи фавташ: “Қутби олам рафт, вой!”.**

Мазмуни: Ул ориф зот дарҳақиқат асрнинг муқтадоси эди. У доимо тариқат йўлидан юрди ва у дил аҳлининг раҳнамоси эди. Муҳаррам ойининг 21-да, шанба куни, чошт вақти у марҳум бўлди. Афсусланиб қолдим унинг фироқидан. Унинг вафоти тарихи “Қутби олам рафт, вой!” (Қутби олам кетди, вой!)дан топдим.

“Кутби олам рафт, вой!” жумласидан абжад ҳисоби билан 949 йил чиқади, бу мелодий 1542 йилга тўғри келади.

Нурга тўлик, файзосор ул маржабул кибор мозори Даҳбед қарясидадир, ул ер Самарқанд вилоятидан қарийиб бир фарсах масофададир”, (Шарафиддин Роқимий, “Тарихи томм”, Т, “Маънавият” - 1998 й. 95-саҳифа).

Кўриниб турибтики, Ҳазрат Маҳдуми Аъзамнинг мозорлари Самарқанддаги Даҳбед мавзеида экан. Айни шу кунларда у ер обод зиёратгоҳ. Ҳазратнинг номларидаги улкан жомеъ намозхонлар ихтиёрига берилган. Бу жомеъ Амир Ялангтўш Баҳодир томонидан 1618 йилда қурилгандир. Даҳбеддаги мозорда авлиёлар қатори ҳукмдорлар, жумладан, Амир Ялангтўш Баҳодир, Амир Султонқули ва Малика Иқлимабону, шунингдек, Афғонистон подшоҳлари Шох Ҳидоят ибн Шох Қосим, Шох Саодатлар кўмилгандир.

К.Каттаевнинг “Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед” китобида келтирилганки, “Тухфатул хоний”да ёзилишича, Бухоро амирлари - манғитлари сулоласининг асосчиси Муҳаммад Раҳимхоннинг тахтга ўтириш маросимига энг аввало Маҳдуми Аъзам, Саид Ато, Хожа Ислому Жўйборий ва Хожа Аҳрорларнинг авлодлари тақлиф этилган. Ва Бухоро хонлигининг олий-диний лавозимлари қуйидагича тақсимланган: 1. “Ўрини шоҳнишини”, яъни олий диний лавозимга Маҳдуми Аъзам авлодларидан бўлган Исохожа тайинланган. 2. Шайхулислому лавозимига Хожа Ислому Жўйборий авлодларидан бўлган Насруллохожа тайинланган. 3. Нақиблик лавозимига Саид Ато авлодларидан Муҳаммадхожа. 4. Қозикалонлик лавозимига эса миракон уруғидан бўлган Низомиддинхожа тайинланган. 5. Самарқанд шаҳри ва вилояти Шайхулисломи лавозимига эса Хожа Аҳрор Валий авлодларидан бўлган Шаҳобиддинхожа тайинланган.

Ўша даврдаги одатлардан яна бири шу бўлганки, ҳукмдорлар фарзанд кўрса, чақалокни Маҳдуми Аъзам авлодлари ҳузурига юборар ва унга исм қўйишларини сўрарди. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” асарида ёзилишича, Бухоро хони Искандархон ўғли Абдуллахон (1583-1598 й. ҳукмронлик қилган) исмини Ҳазрат Маҳдуми Аъзам қўйган эканлар. Ном қўйиш вақтида: «Бу келажакда улуғ подшоҳ бўлади, анинг қобилияти буюқдур. Бул тахтга ўтирганда ҳокимияти кучаяди!» - деб каромат этган. Дарҳақиқат шайбонийлар ичида энг қобилиятлиси Абдуллахон бўлган. “Тарихи Муқимий” асарида келтирилишича, Бухоро подшоҳи Субҳонқулихон (1680-1702 йиллар ҳукмронлик қилган) ўғил кўрганида унга ном қўйиш учун Носириддинхожа ибн Абулғаффорхожа ибн Силоҳхожа ибн Хожа Калонхожа ибн Маҳдуми Аъзам қуддиса сирруху ҳузурига юборади, ул зот Қуръони Карим саҳифаларини очиб, ундан: “Рабби жаални муқим ас салота ва мин зуррияти” (Парвардигор, Мени ва зурриётимни намозхон қил!) оятига кўзлари тушиб, чақалокқа Муқимхон деб исм қўядилар. Кейинчалик Балхда ҳоким бўлган Муқимхон. (1697-1704) тарихда яхши из қолдирган. (“Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед”, 17-18-саҳифалар). Кўриниб турибтики, Маҳдуми Аъзам ва ул зотнинг фарзандлари, неваралари, шогирдлари ҳам буюқ кишилар бўлган.

ХОЖА ФАХРИДДИН МУҲАММАД ХОЖА ИСЛОМ ЖЎЙБОРИЙ (1493-1563)

Бу зоти шариф 1493 йил Бухорода туғилганлар. Хожа ислом Жўйборий Ҳазрат Абу Бакр Саъднинг авлодлари ҳисобланадилар.

Хожа Ислон Бухоронинг Жўйбор мавзеида туғилиб, яшаганлари боис Хожа Жўйборий номи билан машхур бўладилар.

Улуғ авлиё, нақшбандия тариқатининг пири муршиди, буюк тарбиячи, Хожа Муҳаммад Ислон ҳазратлари илк сабоқни боболаридан оладилар. Боболарининг исмлари Хожа Яҳёдир.

Нақл этилишича, Хожа Яҳёнинг уйларига Амир Ҳамзанинг муридларидан ҳисобланган Ҳазрат Яҳё келадилар. Ҳазрат Яҳё Хожа Яҳёнинг дўстлари эди. (Амир Ҳамза Ҳазрат Сайид Мир Кулолнинг уғиллари ҳисобланадилар). Ёшгина Хожа Ислон ихлос ва эҳтиром билан Ҳазрат Яҳёнинг ковушларини тозалайдилар. Латта билан, ёхуд муборак қўллари билан эмас, балки тиллари билан ковушни тозалайдилар. Сухбат асносида Ҳазрат Яҳё дейдиларки: “Азизлардан эшитибмизки, киши фалон дуони ўқиб Аллоҳ таолодан нимани тиласа, Аллоҳ зуд беради!” Бу гапни эшитиб Хожа Ислон дейдилар: “Ҳазрат, мен ҳайратдаман! Нега одамлар Аллоҳдан Аллоҳнинг ўзини тиламай, ундан нарса тилайдилар?” Бу савол Ҳазрат Яҳёни лол қолдирди. Ва шу дақиқадаёқ туғма валиюллоҳ ҳисобланмиш Хожа Ислонга зикр қоидалари, тариқат қоидаларини ўргатдилар ва дуо қилдилар. Хожа Ислон тариқат сабоғини Ҳазрат Хожа Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Косоний Маҳдуми Аъзам Даҳбедийдан олганлар. Маҳдуми Аъзам Муҳаммад қозидан, бул зот эса Хожа Аҳрордан таълим олганлар.

Нақл этилишича, бир кун Маҳдуми Аъзам қуриган бир таёқни ерга тикиб дейдилар: “Бу, иншаоллоҳ, кўкаргайдур!” Хожа Ислон таёқни ердан суғуриб олиб, унинг ўрнига ўзларини кўмадилар ва дейдиларки: “Шояд биз ҳам пиримизнинг шарофатларидан кўкарсак!” Бу ҳолни кўриб Маҳдуми Аъзам: “Эй, Хожа Ислон, сиз авлиёларнинг шоҳи бўлгайсиз. Иншаоллоҳ, дарахт каби кўкариб, вояга етиб, гуллаб, мўл-кўл мева бергайсиз. Мевангиз маърифату ҳақиқатдур!” - деб дуо қиладилар. Бул дуо ижобат бўлган. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, Хожа Ислонни Ҳазрат Али р.а. руҳлари ҳам тарбият этган, шу боис бу киши увайсий ҳисобланадилар.

Ҳусайн ас Сарахсийнинг “Маноқиби Саъдия” асарларида ёзилишича, бир тун Хожа Ислон Ҳазрат Абу Бакр Фазл қабрларини зиёрат қилдилар. Абу Бакр Фазлнинг қабрлари ёнида қуриган бир дарахт бор эди. Мана шу дарахтнинг остида бир нуроний зот тик турар эди. Хожа Ислон ул зотга ниёзмандик этиб салом бердилар. Ул зот Ҳазратни имлаб ёнларига чақирдилар ва “Ху” зикрини ўргатдилар ва дедилар: “Мени танидингизми? Мен Ҳазрат Али р.а. бўламан!” Ва шундан сўнг ғойиб бўлдилар. Ҳазрат Хожа Ислоннинг қалблари илоҳий нурга тўлди. Шундан сўнг Хожа Ислон кўнгилларига келдики: “Ҳазрат Али р.а. нинг руҳлари бу ерда ҳозир нозир бўлди, иншаоллоҳ, бу қуриган дарахт кўкарса керак ва бу ерлар обод бўлса керак”. Дарҳақиқат, у дарахт кўкарди ва бу зиёратгоҳда улкан масжид ва мадрасалар бино этилди (Ҳусайн ас Сарахсий, “Маноқиби Саъдия”, “Бухоро” нашриёти, 1977 йил 13-саҳифа. Форс-тожик тилидан Ҳалим Тўраев таржимаси).

Шайбонийлардан Искандархон (1561-1583) ва унинг ўғли Абдуллахон (1557-1598) Хожа Ислонни ўз пири муршидлари деб билган.

Чор Бакрдаги обидалар Хожа Ислоннинг сайъ-ҳаракатлари билан қурила бошланди. Шунингдек, Бухоро шаҳридаги Гавкушон катта мадрасаси, жомеъси, Ҳаммоми Кунжак, Саррафон ёнидаги карвонсарой, Зандани

қишлоқидаги жомеъ масжид, Шофиркон, Вобкент қишлоқларидаги жомеълар ва яна ўнлаб обидалар Хожа Ислон маблағлари билан қурилган.

Хожа Ислон дан жуда кўп кароматлар зоҳир бўлган. Жумладан, бир кун Ҳазрат кўрсаларки, бир бойвачча ўз хизматкорини ноҳақ калтакляпти. Хожа Ислон бойваччага танбеҳ берадилар. У танбеҳни қабул қилмайди ва зулмни давом эттирмақчи бўлади. Шу дақиқадаёқ бойвачанинг икки қўли шол бўлади. Тавба-тазарруълардан сўнг бойвачанинг қўллари асл ҳолига қайтади.

Қипчоқ ва бошқа жойларнинг амиру ҳокимлари Хожа Ислонга мурид эди.

Хожа Ислон ўз жанозаларига одамларни ўзлари хабар этган. 1563 йил Ҳазрат Хожа Ислон вафот этадилар. Қабрлари Чор Бакрда, катта боболари Абу Бакр Саъднинг ёнидадир.

НАСРИДДИН ХОЖА САЪД ХОЖАИ КАЛОН (1531-1589)

Насриддин Хожа Саъд 1531 йил Бухорода туғилганлар. Бу зоти шариф Хожа Ислон Жўйборийнинг ўғилларидир. Катта бобосининг издоши бўлсин деб Саъд исмини қўйганлар. Ҳазрат Махдуми Аъзам эса Хожа Саъдга “Хожаи Калон” унвонини берганлар. Шу боис бу киши Хожаи Калон номи билан жаҳонга машҳур. Хожа Калон ўз оталаридан шариату тариқат илмини ўрганди ва ўз даврининг етук пири муршиди бўлди. Хожа Ислон вафотларидан сўнг Хожаи Калон оталарининг ишини давом эттирди. Нақшбандия тариқати ривожига хизмат қилдилар. Бухоро, Чоржўй, Қарши, Туркистон ҳукмдорлари Ҳазрат Хожа Саъд маслаҳатларига амал этган. Абдуллахон ҳам Хожа Саъдни ўз пири муршиди деб билган.

1568 йил Хожа Саъд ташаббуслари билан Марв шаҳрида ариқ қазилди. Бухоро шаҳридаги Жўйбор мавзеида катта боғ барпо қилинди. Гавкушон мадрасаси, Жондор туманидаги Самончуқ қишлоғидаги жомеъ, Косон, Қарши, Марвдаги кўплаб обидадар Хожаи Калоннинг маблағ ва сайъ-ҳаракатлари билан қурилган.

Қутбул ақтоб (қутблар қутби) Хожаи Калон 57 ёшга кириб, 1589 йил марҳум бўлдилар. Қабрлари Чор Бакрдадир.

ХОЖА ТОЖИДДИН ҲАСАН (1574-1646)

Ҳазрат Хожа Тожиддин Ҳасан 1574 йил туғилган. Бу зоти шариф Хожа Саъднинг тўнғич ўғилларидир. Хожа Тожиддин тариқат сабоғини ўз оталаридан ўрганган.

Хожа Саъд умр паймоналари тўлганини сезганларидан сўнг барча муридларни чорлаб, дедилар: “Сизлар гувоҳсиз, биз вақф мутаваллилиги, хонақоҳ ходимлиги, мазорбоши шайхлиги ва сағирларга васийлик қилишни ўғлимиз Хожа Тожиддинга юкладик!”

Нақшбандия тариқатининг пири Хожа Тожиддин Ҳасан оталари васиятига амал этиб, ҳақу ҳақиқат йўлида хизмат қилдилар. Аштархоний Имомқулихон (1611-1642) Хожа Тожиддинга мурид эди. Амир Ҳазратга катта-катта инъомлар берган. Хожа Тожиддин Имомқулихоннинг синглисига уйланганлар.

Хожа Тожиддин Регистонда Доруш Шифо мадрасасини қурдирган. Бу бино ўз даврининг дорихонаси ҳам ҳисобланган. Унда ҳар йили 800 та катта

пиша гулоб, шунингдек, кўз ва бошқа касалликларга шифо бўладиган дори-дармон тайёрланган. Бу Мадраса кутубхонасида ўн мингдан зиёд китоблар бўлган. Хожа Тожиддин ўнлаб обидаларни ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлаганлар.

Манбаларда таъкидланишича, Хожа Тожиддин шарофатларидан Хожа Али ар Ромитаний авлодлари ҳисобланган Хожа Тоҳир ар Ромитаний амир жазосидан қутулган, шунингдек, Қоқлик мавзеидаги халқ Хожа Тожиддий илтимосларига биноан Имомкулихон қирғинидан омон қолган.

Соҳибқаромат авлиё Хожа Тожиддий Ҳасан Жўйборий 1646 йил вафот қиладилар. Қабрлари Ҳазрат Хожа Исломнинг ёнларидадир, Чор Бакр зиёратгоҳида ҳисобланади.

ҲАЗРАТ АБДУРАҲИМХОЖА (1575-1628)

Абдурахимхожа Ҳазрат Хожа Саъднинг иккинчи ўғиллари бўлиб, 1575 йилда туғилган. Халқ орасида катта обрўга эга бўлган бул зот билан Имомкулихон орасида ихтилоф (қарама-қаршилик) чиқади. Шу боис Ҳазрат Абдурахимхожа барча мол-мулкларидан кечиб ҳажга жўнайдилар. Ҳиндистонда Абдурахимхожани бобурий султонлар иззат - икром билан кутиб оладилар. Лекин Хонаи Каъбани тавоф этиш Ҳазратга насиб этмайди. Абдурахимхожа 1628 йил Ҳиндистонда вафот қиладилар. Жасадларини булғор терисига ўраб, тобутда Бухорога олиб келадилар ва оталари Хожаи Калон ёнига дафн қиладилар. Бу зоти шарифдан икки ўғил ва олти қиз қолган.

ҲАЗРАТ АБДИХОЖА (1580-1607)

Абдихожа Ҳазрат Хожа Саъднинг учинчи ўғиллари бўлиб 27 йил умр кўрганлар. Абдихожа аштархонийлар ҳукмдори Боқи Муҳаммадхоннинг эътиборини қозонган ва Боқи Муҳаммадхон синглисини Абдихожага никоҳлаб беради. Абдихожа обрўлари кундан - кунга ортади. Ул зотнинг шарофатидан кўплаб одамлар ҳон жазосидан қутилган.

Абдихожа Боқи Муҳаммадхон билан келишолмай барча молу-мулкларини ташлаб, Ҳиндистонга ҳижрат қилади. Бобурий ҳукмдорлар Абдихожага эҳтиром билан муомалада бўлади. Ҳазрат Абдихожа Ҳиндистонда 1607 йил вафот қилганлар. Жасадларини Бухорога олиб келтирадилар ва Чор Бакрда дафн қиладилар.

МУҲАММАД ЮСУФХОЖА (1593-1651)

Муҳаммад Юсуф Хожа Хожа Тожиддиннинг катта ўғиллари бўлиб, 1593 йил туғилган. Бул зот она томонидан карминалик Ҳазрат Қосим Шайх Азизоннинг неваралари ҳисобланадилар.

Ҳазрат Муҳаммад Юсуф олим, обид, шоир, хаттот, нақшбандия тариқати пири бўлганлар. “Ишратий” таҳаллуси билан шеърлар ижод қилганлар.

Ҳазрат 29 ёшга кирганларида Хожа Тожиддин бул зотни боболари Қосим Шайх хонақоҳларига халифа этиб тайинлайдилар.

Муҳаммад Юсуф нақшбандия ва жаҳрия тариқати пири бўлганлар, Бухоро ҳукмдорлари Нодир Муҳаммадхон, Абдулазизхонлар Муҳаммад Юсуфга мурид бўлиб, катта-катта инъомлар бериб туришган.

Муҳаммад Юсуфдан икки ўғил: Муҳаммад Зоҳидхожа ва Муҳаммад Ёқубхожа, шунингдек, бир қиз қолган. Муҳаммад Ёқубхожага Абдулазизхон ўз қизини никоҳлаб берган.

Ҳазрат Муҳаммад Юсуф Хожа 1651 йил вафот қиладилар. Қабрлари Чор Бакрдадир.

МУҲАММАД АББОСХОЖА (XVII аср)

Муҳаммад Аббосхожа Ҳазрат Тоҷиддиннинг тўртинчи ўғиллари бўлиб, 1607 йилда туғилган. Бул зот Жўйбор авлиёлари, яъни ўз ота-боболари маънавий меросини чуқур ўрганиб, “Матлаб ат толибин” номли асар ёзганлар.

“Матлаб ат толибин” Чор Бакрлик шайхлар, авлиёларнинг таржимаи ҳоли, каромати, уларнинг тариқат йўлида этган хизматлари ҳақида қимматли маълумотларни ўз ичига олган.

ҲАЗРАТ ИБОДУЛЛОХОЖА (1602-1662)

Ибодуллохожа Ҳазрат Абдихожанинг тўнғич ўғиллари бўлиб, 1602 йилда туғилганлар. Ибодуллохожага Ҳазрат Хожа Тоҷиддин сабоқ берганлар.

Ибодуллохожа улғайиб Балхга борадилар. Балх ҳукмдори Нодирмуҳаммадхон (1642-1645) хизматида бўладилар. Ҳукмдор Ибодуллохожа учун саройда махсус ўрин ажратиб ҳар йили минг танга берган. Ибодуллохожа бир неча йил Балхда яшаб, сўнг Бухорога келадилар.

Ибодуллохожа ҳам ақлу фаросатда, кароматда, илму донишда ягонаи даврон эдилар. Бу зоти шариф 1662 йил вафот қиладилар. Қабрлари Чор Бакрдадир.

Чор Бакр зиёратгоҳи собиқ Иттифоқ замонасида қаровсиз эди. Чор Бакрдаги масжидлар оёқ кийим сақлайдиган омборхонага айлантирилган, дахмалар вайрон қилинган, зиёрат таъқиқланган эди. Истиклол шарофатидан халқ ҳашари йўли билан бу табаррук жой обод қилинди, Чор Бакр пирлари ҳақида китоблар ҳам нашр этилди. (С.Ҳусенов, И.Ражабова, “Чор Бакр”, Т. “Шарк”-2001 йил. Садриддин Салим Бухорий, Ҳалим Тўраев, “Чор Бакр ёки Жўйбор авлиёлари”, “Бухоро” нашриёти - 2001 йил).

ҲАЗРАТ ШАЙХ ЖАЛОЛ (1479-1549)

Ҳазрат Шайх Жалол нақшбандия тариқатининг буюк пири муршиди, муҳаддис, олим, воиз, шоир, тарбиячи эдилар. Бу зоти шариф 1479 йил туғилган ва тариқат сабоғини Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Ружийдан (ваф. 1498) олган. Ҳазрат Ружий Мавлоно Саъдиддин Қошғарийдан (ваф. 1456), бу зот Низомиддин Хомуш ҳазратларидан (ваф. 1490), бу киши эса Ҳазрат Алоиддин Аттордан (ваф. 1400) бу зоти шариф Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанддан таълим олганлар.

Ҳазрат Шайх Жалол ҳақларида жуда кўп манбаларда маълумот бор. Бухородаги қадимий қалъанинг битта дарвозаси “Шайх дарвозаси” деб аталган. Чунки мазкур дарвоза яқинида, яъни даҳасида Ҳазрат Шайх Жалол дафн қилинган. Шайх Жалол номли гузар, Мадраса, масжид бўлган.

Ҳазрат Шайх Жалол Убайдуллохоннинг (ваф. 1540) пири муршиди эдилар. “Тарихи Мир Ҳайдар”да таъкидланишича, Абдулазизхон (1645-1680) Ҳазрат Шайх Жалолнинг мўътабар қабрлари устига мақбара тиклаган экан.

Ҳазрат Шайх Жалолга Аллоҳ каромат ато этган. Ул зот зиёратгоҳларига келиб, чин ихлос билан Аллоҳдан сўралса, Аллоҳ кўк йўтал дардига шифо берган.

Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) тазкирларида Шайх Жалол ҳақларида қуйидаги маълумотлар бор: “Ва Мавлоно Шайх Жалол хизматларики жуда ширин калом ва муаддаб (одобли) киши эди. Мажлис аҳлини ҳадис билан ром қиларди ва маънолар мағзини чақишда тенгсиз эди. Дейдиларки, одатдан ташқари ишларидан бири шу эдики, сўзни қанчалик такрор айтса ҳам малол чангини эшитувчилар дил оинасидан шунчалар кўпроқ кетказаркан. Мисра:

**Мушк қанча кўп сарфланмасин,
истеъмоли меъдага тегмайди!**

Тасаввуфда кучли эди. Ва ширин нутқ ва тотли калом билан ғамгин дилларни хушнуд қиларди. Яхши таъб эгаси бўлиб, гоҳида ғайбия фикрлар дурини назм ипига териб, дил саҳифасига тўкарди (яъни шеърлар ёзган). Ва бу манзум унинг дилига ўтирувчи шеърлари ва ёқимли сўзларидандур. Матлаъ:

**То ҳусни ёр аз руҳи хубон намудааст,
Моро хаёли дилбару шоҳид рабудааст.**

Мазмуни: Ёр ҳусни хублар юзида кўрингач, мендан дилбару талабгор ўғирлаб кетди.

Рубоий:

**Онҳо ки зи жоми ишқ сармаст шуданд,
Нодида рухаш тамом аз даст шуданд.
Дар роҳи талаб қадам ниҳоданд зи сар,
Чун хок ба роҳи аҳли дил паст шуданд.**

Мазмуни: Ишқ жомидан сармаст бўлганлар, юзини кўрмай туриб бутунлай ўздан кетдилар. Бошлари билан талаб йўлига қадам қўйдилар, тупроқдек аҳли дил йўлида ерга тўшалдилар.

Шайх Жалол шариф ёши етмишдан ошганда, фано уйидан бақо мулкига кўчиб ўтди. “Раҳбари дини Ҳақ зи дунё шуд”. (Ҳақ таоло динининг йўлбошчиси дунёдан кетди) сўзлари вафоти тарихи (ҳижрий 955 йил, мелодий 1549 йил) бўлди. Муборак қабри Бухоронинг Хиёбон мавзеига яқин ерда

жойлашган” (Ҳасанхожа Нисорий, “Музақкири Аҳбоб”, Тошкент, Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1993 йил. 42-43 саҳифалар).

Қатағон замонасида кўплаб зиёратгоҳ, обидалар қатори Ҳазрат Шайх Жалол мақбаралари, мадрасалари, масжидлари ва дарвозалари вайрон этилди. Айни шу кунларда уларнинг номи бор-у, ўзи йўқ. Албатта мазкур зиёратгоҳни тиклаш кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

АБДУЛҒОЗИ УБАЙДУЛЛО БАҲОДИРХОН БИН МАҲМУД СУЛТОН (1487-1540)

Абдулғози Убайдулло Баҳодирхон бин Маҳмуд Султон бин Шоҳ Будог ибн Абдулхайрхон нафақат ҳукмдор, балки шоир, олим, бастакор, хаттот, ҳофиз (Қуръони Каримни тўла ёдлаган), адиб бўлганлар. Бу зоти шариф Муҳаммад Шайбонийхоннинг жиянлари ҳисобланади.

Убайдуллохон Ҳазрат Мир Араб, Ҳазрат Маҳдуми Аъзам Косонийларнинг муридлари эдилар. Бухоро хони Убайдуллохон ҳадис илмини Мавлоно Исфаконий, яъни Ҳазрат Фазлуллох ибн Рўзбеҳондан, фикҳ илмини Мавлоно Маҳмуд Азизондан, қироат илмини Мавлоно Ёрмуҳаммад коридан ўрганган.

Убайдуллохон ҳазрат Маҳдуми Аъзам Даҳбедий учун Бухородаги қасрида махсус хона қурдирган. Хонинг илтимосига мувофиқ Ҳазрат Даҳбедий мана шу хонада маълум муддат яшаб, инсонларни тўғри йўлга даъват қилганлар, хонга панду - насиҳатлар берганлар.

Убайдуллохон 1512 йил босқинчи қизилбошлар аскарини тор-мор эттирган. У 1529 йил Ҳиротни ҳам қизилбошлардан тортиб олган.

“Музақкири аҳбоб”да ёзилишича, Убайдуллохон қуйидаги рубоийсини Ҳазрат Маҳдуми Аъзамга жўнатган:

**Аҳволи ним, Эй, дуст, яке-ду бинам,
Ҳар чиз, ки бинам, ҳама бо ў бинам.
Мустағриқи “ху” чунон шудам дар ҳама ҳол,
“Ху” гўяму “ху” бишнаваму “ху” бинам.**

Мазмуни: Ярим аҳволимни, Эй, дўст, бир-икки кўраман. Нимага кўзим тушса, ҳамма нарсада Уни кўраман. “Ху” (зикрига)га шунчалик ғарк бўлганманки, фақат “ху” дейман, “ху” ни эшитаман, “ху”нигина кўраман.

Ҳазрат Маҳдуми Аъзам шу рубоийни шарҳлаганлар (“Музақкири аҳбоб” 23-саҳифа). Ҳазрат Маҳдуми Аъзамнинг “Шарҳи дувоздах рубоии форсий”, “Шарҳи як газали Убайдуллохон” китоблари машҳур бўлиб, ушбу асарларида Ҳазрат Маҳдуми Косоний Убайдуллохон шеърларини сўфиёна руҳда шарҳлаганлар. Убайдуллохоннинг “Девони” машҳурдир. Шунини таъкидлашни истардикки, Убайдуллохон уч тилда, араб, форс - тожик, ўзбек тилларида ижод қилганлар. Убайдуллохоннинг рубоийларини тожик тилидан Эргаш Очилов ўзбекчага таржима қилган:

**Учратмадим Аллоҳ сирдан огоҳни,
То бошласа Ҳақ йўлга у мен - гумроҳни.
Аллоҳим, этиб лутф чақирсанг нетгай,**

Қошингга яқин билиб Убайдуллохни.

**Муҳтожга қайиш - асли каромат шулдир,
Бир ишки, йўқ ортида маломат - шулдир.
Ҳар икки жаҳонда, солико, иймонни
Қутқаргувчи чин роҳи саломат шулдир.**

**Сендан ризо кўзлаган Убайдуллоҳдир,
Лутфинг сўраб бўзлаган Убайдуллоҳдир.
Ҳар икки жаҳонда кўзу кўнгил бирлан
Сендан сени излаган Убайдуллоҳдир.**

**Эзгу ишимизга нафс монёъ бўлди,
Ўткинчи жаҳон айшига қонёъ бўлди,
Афсуски, бир иш қилмадик Аллоҳ йўлида,
Қимматли ҳаёт шу хилда зоеъ бўлди.**

**Ҳақдан ул азизларки, хабар топмишлар,
Юз бор валилардан-да назар топмишлар,
Мақсуду муродини улар-да доим
Тун ярмида ёинки саҳар топмишлар.**

**Ношукур киши подшодан нолигай,
Ҳар меҳнату ранжу ҳар балодан нолигай,
Ҳақ душмани у - ҳеч гина қилмас ўзидан,
Ҳам дўсти Худою, ҳам Худодан нолигай.**

**Етганда ажал бу кўзларинг кўр бўлгай,
Ул дамда мақому манзилинг гўр бўлгай.
Гўр ичра танинг бўлгаю пора - пора,
Ҳар пораи битта улуши мўр бўлгай.**

(“Ишқ дафтари”, Рубойлар, Т., “Маънавият” – 2000 йил, 84-95 саҳифалар).

Қуйидаги ғазал эса Убайдуллоҳоннинг ўзбек тилида ёзган асарларидан намунадир:

**Бир-бир айтинг дўстлар дардимни дилдор олдида.
Айтиб - айтиб йиғлангиз зинҳор - зинҳор олдида**

**Шархи бирла, дедим, аҳволимни бир - бир арз қил,
Эй, сабо, бир лаҳза хилват топсанг ул ёр олдида
Хаста кўнглум дардини айтур маҳалда Эй, сабо,
Воқиф ўлким бўлмасун зинҳор, ағёр олдида.
На манго ғамхораким, анга ҳолимни дегай,
Не ғамим ер, не сўзум айтур киши бор олдида.
Эй, Убайдий, билган эрмиш дард ила ҳолингни ёр,
Ҳожат эрмас қилғасен дардингни изҳор олдида.**

(“Муззакири аҳбоб”, 30-саҳифа).

Убайдуллоҳон 1487 йилда туғилганлар. Бу зоти шариф 1540 йилда вафот қилади. Убайдуллоҳоннинг қабрлари Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанддаги “Дахман шохон”дадир. Убайдуллоҳон ҳақида Восифий, Нисорий, Носириддин Тўра, Ибн Рўзбеҳон ва бошқа адиб, аллома, тарихчилар ёзганлар. Убайдуллоҳон ҳукмронлиги даврида Бухорода жуда кўп тарихий обидалар бино қилинган.

АБДУЛАЗИЗХОН БИН АБУЛҒОЗИ УБАЙДУЛЛОХОН (ваф. 1550)

Абдулазизхон отаси Убайдуллоҳон вафот этганларидан сўнг, яъни 1540 йил Бухоро ҳукмдори бўлди. Абдулазизхоннинг пири муршиди Ҳазрат Шайх Жалол бўлганлар. Абдулазизхон дарвешларга нисбатан саховатли эди. Бу зоти шариф икки тилда, яъни ўзбек ва форс-тожик тилларида ғазаллар ёзган. Настаълиқ хатининг устоди, хушхат ҳаттот эди.

Абдулазизхон Бухорода кўплаб иншоотлар барпо қилди, жумладан, Ҳазрат Баҳоиддин дахмалари ва хонақолари шу зоти шариф томонидан қурилгандир. Ҳ.Нисорий Баҳоиддин хонақоларм тарихига ушбу байтларни битган:

**Ҳусрави олийгуҳар Абдулазиз
Соҳт ин олий бино беайбу шак.
Хаст нух тоқи фалак дар жанби ў
Паст чун гўи замин зери фалак,
“Лафзо ва маъни” шавад торихи ў,
Соли хижрат нухсаду панжоҳу як.**

Мазмуни: Олий зотли подшоҳ Абдулазизнинг бу бинони қурганига далил керак эмас. Унинг олдида фалакнинг тўққиз табақаси худди ер осмон остидаги каби пастдир. “Лафзо ва маъни” бўлса унинг тарихи, бу хижратнинг 951 йилидир.

Хижрий 951 йил мелодий 1544 йилга тўғри келади. “Музаккири аҳбобда” ёзилганки: Ва хоннинг (яъни Абдулазизхоннинг) бир кутубхонаси бор эдиким, ўша пайтда ер юзида унга ўхшаш китобхона бўлганми, йўқми, билмадик”. (46-саҳифа).

Абдулазизхоннинг тахаллуси “Азизий” эди:

**Хушдур кишига бўлса агар ёр мусоҳиб,
Гар бўлмаса анинг била агёр мусоҳиб.
Булбул бошига келмас эди мунча балолар,
Гар бўлмаса эрди гул ила хор мусоҳиб.
Ё Раб, не балодур бу ки ҳижрон аламин
Бормен ғаму андух ила, Эй, ёр, мусоҳиб.
Кўйунг итидек ёри вафодор топилмас
Кўрдум мени дил сўхта бисёр мусоҳиб.
Бу телба кўнгил билан, Азизий, не қилурсен,
Гар бўлмаса ул шўхи дилозор мусоҳиб.**

Абдулазизхон қирқ бир ёшида 1550 йил вафот қилган. Қабри Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанд мазорларидадир.

МАВЛОНО ХУШ МУҲАММАД АЗИЗОН

Ҳазрат Мавлоно Хуш Муҳаммад Азизон Гиждувоннинг Гишти қишлоғида туғилганлар. Бу зоти шариф Шайх Худойдоднинг муридлари эди. Мавлоно Хуш Муҳаммад Азизон яссавия тариқати пири бўлдилар ва ул кишига туркий халқларнинг кўпи мурид эди. Шайх Хуш Муҳаммад шеърлар ҳам ёзган. У зоти шарифнинг қуйидаги матлаълари “Музақкири аҳбоб”да келтирилган:

**Ду абруи туро то кай сари даъво ба ҳам бошад.
Бифармо холро то дар миён ояд ҳакам бошад.**

Мазмуни: Икки қошинг қачонгача бир-бири билан жанжал қилишади, тортишиб-талашади? Холинга буюр, токи ўртага тушиб ҳакамлик қилсин. (“Музақкири аҳбоб”, 158-саҳифа).

Ҳазрат Мавлоно Хуш Муҳаммад Азизоннинг қабрлари Гишти қишлоғидаги хонақоҳларининг боғидадир.

ҲАЗРАТ МУҲАММАД МАЗИД (XVI аср)

Ҳазрат Муҳаммад Мазид қомусий билим эгаси бўлганлар. Шайх, мавлоно, охунд Муҳаммад Мазид ўткир табиб, буюк хаттот, шоир, тарихнавис, тарбиячи, ғоят тақводор инсон эдилар.

“Музақкири аҳбоб”нинг муаллифи Ҳасанхожа Нисорий ёзадилар: “Фақир (яъни Ҳасанхожа Нисорий) ҳам тибни Ҳазратнинг олдида ўқиганман ва бошқа илмлардан яна илми ҳақиқияни ҳам улар назари имтиҳонидан ўтказганман. Ул зотнинг китобат санъатига ҳам майли кучли эди Агар ёзганларини шариф умри ҳисоби билан солиштириб кўрилса, ақл ҳайрон қолар”. (“Музақкири аҳбоб”, 157-саҳифа).

Ҳасанхожа Ҳазрат Муҳаммад Мазиднинг қуйидат матлаъларини мисол тариқасида китобларида келтирган:

3-он рухи оби ҳаёту абрувони нилгун

Киштии умид дар гирдобии ғам дорам нигун.

Мазмуни: ул оби ҳаёт юз ва зангори қошлар сабаб, умид кемам ғам гирдобиида чўкиб қолган.

Муҳаммад Мазид XVI асрда яшаганлар. Тўқсон ёшга кириб вафот қиладилар, қабрлари Шайх Жалол мазоридадир.

МАҲМУД ҒИЖДУВОНИЙ (XVI аср)

Маҳмуд Ғиждувоний сайёҳ, тарихчи, диний ва дуйёвий илмларни эгаллаган зот ҳисобланадилар.

Ҳазратнинг тўлиқ исмлари Жони Маҳмуд ибн Шайх Али ибн Имомиддин ал Ғиждувонийдир. Бу зоти шариф XVI асрда яшаб, ижод қилиб ўтган. Маҳмуд Ғиждувонийнинг устодлари жуғрофия фани билимдони Шайх Камолиддин Ҳусайн Хоразмий, Шайх Ҳожи Муҳаммад ал Ҳабушонийлар эди. Маҳмуд Ғиждувоний ушбу устодлари билан кўплаб мамлакатларни кезиб, тадқиқ этган.

Ҳазрат Маҳмуд ўзлари мустақил равишда Ўрта Осиё, Эрон бўйлаб саёҳат этадилар ва сафар хотираларини 1543 йилда “Мифтоҳул толибин” (Толиби илмларга калит) номли китобларига киритадилар. Ушбу асарда Бухоро, Хоразм, Самарқанд, Машҳад, Марв, Ҳирот, Нисо ва бошқа шаҳарлар ҳақида қизиқарли маълумотлар бор. Шунингдек, ушбу жойларда истиқомат этаётганларнинг урф-одати, либослари баён қилинган. Ўша асру аёмда бўлиб ўтган воқеалар ҳам китобда ўз аксини топгандир. Шаҳарларнинг жуғрофий харитаси, табиати ва халқ хўжалигига доир қимматли маълумотлари ҳам Маҳмуд Ғиждувоний китобларида бор.

Маҳмуд Ғиждувонийнинг “Мифтоҳул толибин” китоблари форс-тожик тилида ёзилгандир. Бу нодир китобни XIX асрда Огаҳий ўзбек тилига таржима қилдилар. Ҳозир бу таржиманинг кўлёмаси Ўз.ФА кўлёмалар фондида сақланмоқда.

Маҳмуд Ғиждувоний ҳаётлари ҳақида Ўзбек Энциклопедиясининг еттинчи жилдида маълумотлар берилган. (Т. 1976 й. 94-95 саҳифа.).

Кўриниб турибтики, Бухорои шарифда нафақат диний, балки дунёвий илмлар ҳам ривож топган экан. Жуғрофияга доир китоблар ҳам яратилган экан.

Маҳмуд Ғиждувонийнинг қабрлари ҳақида ҳозирча маълумотимиз йўқ.

МАВЛОНО НАЖМИДДИН КАВКАБИЙ (1473-1533)

Мавлоно Нажмиддин Кавкабий буюк мусиқашунос, бастакор, шоир, мунажжим, аллома бўлиб, 1473 йилда туғилганлар. Бу зоти шариф ҳақларида Навоийнинг “Мажолисун нафоис”, Дарвеш Али Чангийнинг “Рисолаи мусиқа”, Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб” ва бошқа манбаларда маълумот берилган. Мавлононинг мусиқа ҳақидаги асарлари бутун оламда машҳурдир.

“Музақкири аҳбоб”да “мусиқа” сўзининг қуйидаги маълумот берилган; “Баъзиларнинг айтишича, Ҳазрат Мусо алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг) “Ҳассангни тоққа ур” амрига лўра асони тошга урганлар ва шунда ўн иккита чашмабулоқ оқа бошлабди ва ҳар бир булоқ суви бир куй ва оҳанг билан қуйилган. Шунда бир нидо эшитибди: “Мусиқи!” (яъни бу оҳангларни Мусо

асра!). Ва булар ўн икки мақом номи билан машҳур. Шу муносабат билан бу илмга “муסיқий” номи берилибди. (139-саҳифа).

Мавлоно Кавкабий муסיқа ҳақидаги асарларини Убайдуллохонга бағишлаб ёзган. Кавкабий ҳақларида Навоий ёзадилар: “Мавлоно Кавкабий мунажжим йигитдур ва ўз фанига муносиб тахаллус ихтиёр қилибдур. Фақир андоқ хаёл қилурменки, ани кўрмаймен. Баъзи ёронлар дерларки, кўрубсен, хотирға келмади. Бу матлаъ анингдурким:

**Бе рухаш ҳар катраи хун бар сари мужтон маро,
Машъале бошад фурузон дар шаби хижрон маро.**

Мазмуни: Унинг юзларисиз кипригим учидаги ҳар катра қон хижрон кечасининг ёниб турган машъали бўлиб қолди. (А.Навоий, Мукамал асарлар тўплами, 13-том. “Мажолисун нафоис”, Т. “Фан”- 1997 й. 108-саҳифа).

Мавлононинг қуйидаги ғазаллари ҳам ажойибдур:

**Аз роҳи “Рост” гар оҳанг мекуни ба “Ҳижоз”,
Зи “Исфаҳон” гузари жониби “Ироқ” андоз.
Ба Ноқа “Зангўла”, дар парда “Раҳовӣ” банд,
Зи “Бўсалик” “Ҳусайн” сифат барор овоз.
Машав “Бузург” ва зи роҳи ниёз “Кучак” бош,
Дар он мақом ба «Ушшоқи» бе “Наво” пардоз.
“Гушт”у “Моъ”у “Герду”чу бархони,
Навоз пардаи “Наврўзу” “Сулмак”у “Шаҳбоз”.
Бо гўши жон шунав аз Кавкабий ки кард адо,
Бо чор байт даҳу ду мақому шаш овоз.**

Мазмуни: Гар – “Тўғри” йўлдан “Ҳижоз” (Мақка жойлашган ўлка) томом бормоқчи бўлсанг, «Исфаҳон»дан ўтиб йўлингни “Ироқ” томон сол. Туяга “Қўнғироқ” боғла, пардага (бўйнингга) “Раҳовий” (тумор қўнғироқчани) осиб ол, “Бўсалик”дан (яъни муסיқа асбобидан) “Ҳусайний”дек нола овозини чиқар. “Катта” тутма ўзинг, ниёз йўлида “Кичик” бўл. Шу куйи “Наво”сиз “Ушшоқ”лар ҳолига қара. “Гўшт”у “Сув”у “Ёнғоқ”дек дастурхонда экансан, “Наврўз” “Оққуш”у “Лочин”ни чорла ўзинг томон.

Кавкабийдан жон қулоғинг билан эшит, ки у тўрт байтда ўн ва икки мақомни ҳамда олти овозни номма-ном жо қилди (Музаққир аҳбоб, 140-141-саҳифалар).

Манбаларда ёзилишича Мавлоно Кавкабий Ҳиротдан Бухорога келаётган вақтда Эрон ҳукмдори Шоҳ Таҳмосп буйруғига мувофиқ шаҳид этилган. Бу фожиавий воқеа 1533 йилда содир бўлгандир.

Мавлоно Кавкабийнинг қуйидаги мақтаълари ҳам Мавлоно Ҳасанхожа Нисорийнинг айтишларича, тенги йўқ, гўзалдир:

**Чун Кавкабий хайрон, шодам бо ғами хубон,
Ишқ аст маро пеша, ҳар кас ҳунаре дорад.**

Мазмуни: Ҳайрон Кавкабий ёр ғами билан шодман, пешам ишқдур, чун ҳар кимда бир хунар бор.

МУҲАММАД БИН САЪИД БУХОРИЙ

Абу Тоҳир Хожанинг ёзишича, Самарканд шаҳридаги Хожа Муҳаммад Санграсон мозорида кўплаб авлиёлар, жумладан, Муҳаммад бин Саъид Бухорий қабрлари бор. Муҳаммад Санграсон Ҳазрат ибн Аббос саҳобалари бўлганлар. (Абу Тоҳирхожа, “Самария”, Т. “Камалак”-1991 й. 32-с.).

МАВЛОНО МИР АЛИ КОТИБ

(1476-1546)

Мавлоно Мир Али Котиб 1476 йил Бухорода туғилганлар. Ҳ.Нисорийнинг “Музаққирӣ аҳбоб” китобларида ёзилишича, Мавлоно Мир Али сайидзода (яъни Ҳазрати пайғамбар с.а.в.нинг авлодлари) бўлиб, ўз замонасининг буюк хаттоти, шунингдек, шоир, аллома эдилар. Мир Али Котиб томонидан настаълик хатида кўчирилган китоблар жаҳондаги кутубхоналарда кўз қорачиғидек асралмоқда.

“Музаққирӣ аҳбоб”да ёзилишича, Убайдуллоҳон номига хутба ўқиганда (яъни шоҳлик тахтига ўтирганда) қуйидаги тарихни Мир Али битганлар:

**Шукруллоҳ, ки ба тавфиқи Худой,
Гашт имрӯз жаҳон рашки жинон.
Хусраве хони жаҳон шуд ки бо ўст,
Фаҳри шоҳон шарафи аҳли замон.
Ҳомии миллату дини набавӣ,
Мо ҳайӣи аҳли фасоду исён.
Соли тарих зи дил жустам, гуфт:
“Волии мулк Убайдуллоҳон”.**

Мазмуни: Тангрига шукурки, Худо инояти билан ер юзи бутун жаннат рашқини келтурувчи жойга айланди. Чунки шоҳлар фаҳри, замон аҳли шарафи бўлмиш бир подшоҳ жаҳонга хон бўлди. Набавий миллати ва диннинг ҳомийси, бузуқ ва динсизларни қайтаргувчи киши. Тарих йилини дилдан сўрасам, деди: “Мулк волийси Убайдуллоҳон”. “Волии мулк Убайдуллоҳон”дан ҳижрий 940 ҳосил бўлади. (“Музаққирӣ аҳбоб”, 162-163 с.).

Қуйидаги ибратли қитъа ҳам Мавлоно Мир али Котиб қаламларига мансубдир:

**Дило, бигрез аз он қавме, ки бошад
Ба зоҳир некӯ, дар ботин мунофиқ.
Мувофиқ шав ба жону, дил ба он кас
Ки ҳасташ зоҳиру ботин мувофиқ.**

(Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик, Душанбе-1989 с. 258-саҳ.)

Мазмуни: Эй, кўнгул, ташқи кўриниши яхши-ю, лекин ичи (қора) мунофиқлар қавмидан қоч. Лекин ичу ташқи томони мувофиқ (яъни бир хил) бўлганлар билан бирга бўл.

Мавлоно Мир Али вафотларига бағишланган қитъани ёзган Мирзобек айтадики, Мавлоно Мир Али вафот қилганларидан сўнг у кишини тушимда кўрдим ва сўрадим: “Вафотингиз тарихи қандоқ бўлур?” Мавлоно Мир Али менга дедилар: “Мир Али фавт намуда” мисрасидан тарихни топгайсиз. Уйқудан уйғониб қуйидаги қитъа тарихни битдим:

**Он баҳри фазоил, сари арбоби ҳунарро,
Дар воқеа дидам бо атвори сутуда,**

**Гуфтам ки тарихи вафоти ту чи гўям?
Гуфто, ки бигў: “Мир Али фавт намуда”.**

Мазмуни: У фазилатлар денгизи, санъат аҳлининг сарвари бўлган зотни тушимда кўрдим. Вафот этган йилинг таърихи не, деб сўрадим. Дедики: “Мир Али фавт этди” деб айтгил.

Абжад ҳисобида “Мир Али фавт намуда” мисрасидан 951 йил ҳосил бўлади. Бу сана мелодий 1546 йилга тўғри келар экан.

Мавлоно Мир Али Котибнинг муборак қабрлари Шайхул Олам ҳазратларининг ёнларидадир.

МИР МЎЪМИН КОТИБ БУХОРИЙ (1596-1680)

Мир Мўмин Котиб 1596 йилда туғилиб, 1680 йилда вафот қилганлар. Бу зоти шариф ҳам хаттот, ҳам шоир, ҳам адиб бўлган. Мир Мўмин Бухорий Арший таҳаллуси билан “Девон” тартиб берганлар.

Нақл этишларича, бир кун Мир Мўмин Шоҳ Шужоъ ҳузурига Мир Али услубида ёзган бир китобни келтириб беради. Шоҳ Шужоъ ва сарой аҳли ушбу хатни Мир Али қаламига мансуб деб Мир Мўминга икки минг танга инъом қиладилар. Мир Мўмин: “Бу хат санъати Мир Алиники эмас, балки каминаи камтаринникидир!” деб исбот қилади, Шоҳ Шужоъ таҳсин айтиб яна минг танга инъом этган экан.

Мир Мўмин Котиб кўчирган китоблар дунёдаги жуда куп кутубхоналарда бор.

ҚОЗИ БУРҲОНИДДИН (XVI аср)

Бурҳониддин ҳазратлари ўз даврининг алломаси эдидар, Мавлоно сифатида элнинг назарига тушган, адолатни ҳаётининг шиорига айлантиргандилар. Бурҳониддин ҳазратлари бир неча вақт Карманада қозилик қилиб, элу улус олқишига сазовор бўлган,

Қози Бурҳониддин турли илмлардан хабардор эди, инчунин, шеърят илмидан ҳам воқиф бўлганлар. Қуйидаги ғазаллари машҳур. Матлаб:

Муктадомен деб чиқардинг халқ ичинда яхши от,

Сен дегандек бўлмаса холиқ қошида на уёт.

Ҳазрат Бурҳониддиннинг қабрлари Карманададир.

МАВЛОНО ҒОЙИБИЙ

Мавлоно Ғойибий аслзода бўлиб, муршиди боамал Ҳожи Таваккалнинг авлодлари ҳисобланадилар. Хонаи Каъбани тавоф қилмоқ бахтига Мавлоно муяссар бўлган. Мавлоно Ғойибий Ҳазрат Шоҳ Шайхнинг муридларидир. Умрларининг охирида Бухорода сокин бўлиб, кўп улуғлар хизматини этиб, дуоларини олгандар. Мавлоно Ғойибий ғазаллар ҳам ижод қилгандар, қуйидаги матлаълари машҳурдир:

**Маро болиң дами марг остони ёр боисти,
Падоси мотамам он сояйи девор боисти.**

Мазмуни: Ўлаётганимда ёстиғим ёрнинг остонаси бўлсайди, мотамим палоси ёр девори сояси бўлсайди.

“Музаққир аҳбоб”да ёзилишича, Мавлоно Ғойибийнинг қабрлари Хожа Гултош мазоридадир. Бу зот XVI асрда яшаган.

ГУРГ АТО (ГУРГОН АТО) ЗИЁРАТГОҲИ

Навой вилояти, Қизилтепа туманидаги Қўлба қишлоғида Гург Ато зиёратгоҳи бор. Ушбу мазористонда туғ мавжуд, лекин мақбара йўқ. Бу ерда чашма бўлиб, суви шифобахш саналган. Тери касаллигига чалинганлар сидқидил билан Аллоҳдан шифо сўраб, чашма суви билан ювинсалар, Аллоҳ дардларига шифо берган. Айни пайтда чашма атрофидаги ерлар ўзлаштирилиши натижасида у ҳам кўмиб юборилган.

ҲАЗРАТ САЙИД ҲОДИ НАҚШБАНДИЙ

Сайид Ҳоди Нақшбандий Ҳазрат Хожа Маҳмуд Нақшбандийнинг ўғиллари ҳисобланадилар. Бу зоти шариф насаблари беш ҳалқа орқали Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбандга бориб тақалади. Сайид Ҳоди ҳақларида “Музаққир аҳбоб”да хабар берилган. Бу зоти шариф ўз замонасининг олими, донишманди, шайхи бўлган. Ҳалолликда, тақвода ҳаммага намуна эдилар. Қуйидаги ғазал Ҳазратнинг қаламларига мансуб:

**Аз тори пирохан озурда мешавад баданаш,
Агарче риштаи жонхост тори пироханаш.
Ба як сухан лаби ў боз дар камон андохт,
Маро ки як камоне набувад аз даҳанаш.
Маро хаёли сухан бувад аз лабаш, лекин,
Зи тангии даҳани ў берун нашуд суханаш.
Ба зери ҳар хама зулфаш бувад ҳазор шекан,
Ҳазор дил бувад аммо ба зери ҳар шеканаш.
Каломи дилкаши Ҳодийст қобили таҳсин,
Ки дар камоли сухан ҳаст ҳиммати ҳуснаш.**

Мазмуни: кўйлак ипидан оғринар эмиш бадани, гарчи кўйлаги ипи жонлар риштасидан бўлса ҳам. Бир сўз айтди-ю лаби яна юмилди қолди, оғзидан ҳеч бир сўз чиққанини кўрмай қолдим. Мен лабидан бир сўз орзу этаман, лекин оғзи торлигидан бир сўз ҳам ташқарига чиқа олмайди. Зулфининг ҳар қайрилган ерида минг печ бор, минг дил бўлур аммо ҳар бир печи остида. Ҳодийнинг дилкаш каломи таҳсинга арзир, ки етук сўзида ёр хуснининг ҳиммати бор. (“Музаққир аҳбоб”, 229-203-саҳифалар).

Ҳазрат Сайид Ҳодий Нақшбандийнинг таҳаллуслари “Ҳодий” бўлган. Бу зоти шариф XVI арда яшаб фаолият кўрсатиб ўтганлар.

ЁҚУБШАЙХ

Ҳазрат Ёқуб шайх зиёратгоҳлари Ромитан туманида жойлашган. Ушбу зиёратгоҳда масжид, чашма ҳам бор. Чашма суви тери касалликларига шифодир. (Т.Ҳалимов, И.Қобилов, «Ромитандаги табаррук зиёратгоҳлар», “Бухоро” нашриёти, 1995 й. 18-19 саҳифалар).

ШАЙХ ПОШОХОЖА БИН АБДУЛВАҲҲОБХОЖА (1480-1547)

Пошохожа бин Абдулваҳҳобхожа улуг шайх, шоир, шайхулислом, садр, аллома, тарбиячи эдилар.

Пошохожа илмни оталари Абдулваҳҳобхожадан, ул киши оталари Сулаймонхожадан, у киши оталари Яҳёхожадан, у киши оталари Ҳорунхожадан, у киши оталари Муҳаммадхожадан, у киши ўз оталари Шайх Садрхожадан, у киши оталари қутбул ақтоб Ҳазрат Занги Атодан ўрганганлар.

Пошохожа ўғиллари Ҳасанхожа Нисорийга (1516-1597) деганларки: «Кичик ёшимда Ҳазрат Муҳаммад са.в.ни тушимда кўрдим. У зоти шариф муборак қўлларини кўксимга қўйиб дедилар: “Машхур ва буюк бўлишни хоҳлайсанми?” Мана шу тушнинг шарофатидан Шайх Пошохожа улуг мартабалар эгаси бўлиб, бир неча муддат Балхда садр, сўнг шайхулислом вазифаларида хизмат қилдилар. Шу муносабат билан ушбу матлаъни ёзадилар:

**Гарчи аввал садр айлаб бизни бадном этдилар,
Лутф этиб охир Ҳирида шайхулислом этдилар.**

Уларнинг мансабдан мақсади халққа яхшилик этмоқ бўлган. (Ҳ.Нисорий “Музаққир аҳбоб”, Т.1993 й. 273-саҳифа).

Ҳазрат Махдуми Косоний ўз китобларида “Шаҳбози баланд парвоз” (Юксак парвозли лочин) деб Пошохожани мақтаб ёзганлар. Пошохожанинг ўзбек ва тожик тилида тузган “Девон”лари машхурдир. “Музаққир аҳбоб”да ёзилишича, Пошохожа ушбу ғазалларини Бобурга жўнатганда Бобур уни мактаган:

**Кундуз авқотим сенинг ҳажрингда нолон кечадур,
Кеча ҳам зулфунг каби холим паришон кечадур.
Анбарин зулфунг хаёлидин кўзумга, эй, пари!
Йилу ою соату кун бори яксон кечадур.
Улки жондин кечадур шоми висолингни кўруб,**

**Ваҳ на хуш вақту на хуш соат на осон кечадур.
Равшан ўлғай давлати васлида ҳижрон окшоми,
Гар гуноҳимда билиб ул моҳи тобон кечадур.
Хожа янглиғ нола қил зулфи ғамидин кечалар,
Ким маҳалли нолаву фарёду афгон кечадур.**

Ушбу орифона рубоийлари ҳам ажибдур:

**Ҳаргиз зи димоги банда бўйи ту нарафт
Ва зи дидаи ман хаёли рўйи ту нарафт.
Дар орзуи рўйи ту будам ҳама умр,
Умрам ҳама рафту орзуи ту нарафт.**

Мазмуни: менинг димиғимдан ҳаргиз сенинг бўйинг кетмади, кўз ўнгимда эса ҳамиша сенинг юзинг бўлди. Бир умр орзуим сенинг дийдорингни кўриш эди, лекин умрим поёнига етди-ю, орзуимга етмадим.

Шайх Пошохожа “Мифтоҳул адл”, “Гулзор”, “Мақсадул атвор” номли китоблар ёзган. “Мифтоҳул адл” асарларида ибратли воқеалар баён этилган: нақл этилишича, бир кун Султон Махмуд Ғазнавий ҳузурига жабрланган бир киши келиб, ярим тунда уйига босқин бўлганини билдирди. Султон унга: “Агар улар яна келса, менга хабар бер!” - деди. Иттифоқо золимлар яна ярим тунда келди. Жабрдийда дарҳол Султонга хабар берди. Султон Махмуд навкарлари билан машғал ёруғлигида келиб, бир зумда нобакорларни тутди ва ҳаммасини ўлдиришни буюрди. Лекин ҳукми ижро қилаётганда машғални ўчиришни буюрди. Ҳукм ижро этилгандан сўнг яна машғал ёқилди. Ўғриларни бир-бир кўриб бўлгандан кейин Султон уй эгасига деди: “Егулик бирор нарсанг бўлса келтир!” Уй эгаси бор нарсаси, яъни нон ва сирка келтирди. Султон иштаҳа билан тановул этди, сўнг шукрона қилиб намоз ўқиди ва кейин кўрпа-тўшаксиз шолнинг устида ухлади. Султон бомдод намозида турди. Уй эгаси унга: “Султоним, бир неча сирлар бўлди, ундан бизни воқиф айланг.

Нега сизнинг ҳукмингиз ижро қилинаётган маҳал ўчиришни буюрдингиз? Биздай ғарибнинг уйидаги қотган нон билан сиркани тановул қилдингиз, шукрона этиб, қаттиқ ухлагингиз?!” Султон деди: “Бунинг ҳикмати шуки, сен шикоят этгандан сўнг. “Ғазабимдан кўркмай бу ишга журъат этганлар ичида менинг ўғлим ҳам бормикан?” деган хаёл мени қийнади. Шу боис на ухлаб билдим, на туз тотиб билдим. Ўғриларни жазолаётган пайтда машғалларни ўчиришга буюрганим сабаби шуки, бузукбошлар ичида ўғлим бўлса, кўзим унга тушмасин эди. Машғаллар ёқилиб, улар орасида ўғлим йўқлигини кўриб, Худога шукрона қилдим. Очлигим туфайли қотган нонингни едим ва ухладим”.

Пошохожанинг “Гулзор” асарларида қуйидаги ибратли воқеа нақл қилинган: “Султон Санжар Марв шаҳрида олий бир бино қуришга киришди. Лекин устунга муносиб ёғоч тополмади. Қидириб-қидириб бир хотиннинг ҳовлисидан устунбоп дарахт борлигини аниқладилар. Султоннинг одамлари бориб: “Ёғочингни сотгин”, деб ялиниб-ёлвордилар, лекин аёл кўнмади. Султонинг амри билан хазинадан бир товоқ олтин ва кумуш танга ҳамда зар чопон олиб бордилар. Уларни хотинга берганларидан сўнг, хотин дарахтни кесишга руҳсат берди.

Дарахтни кесиб олиб устун ясадилар. Устун иморатга жуда ҳам ярашди. Султон мамнун бўлди ва деди: «Устунга олтин суви беринглар, айвонни ҳам зарнигор қилинглар.» Иморат битгандан кейин бутун шаҳар аҳли уни тамошо қилгани келдилар. Улар орасида зар чопон кийган ўша дарахтнинг эгаси ҳам бор эди. У секин-секин устун ёнига бориб деди: “Эй, тўғри ўсган дарахт! Тўғрилигинг туфайли ўзинг ҳам тиллопўш бўлдинг, мени ҳам зару олтинга ўрадинг!” (“Аждодлар ўгити”, Т. “Чўлпон”, 1991 й. 181-с).

Шайх Пошохожа ибн Абдулваҳҳобхожа тарихий манбаларда ёзилишича, 1480 йил Нисо шаҳрида туғилганлар. Бу зоти шариф 1547 йил Бухорода вафот қиладилар. Ҳазрат Пошохожанинг табаррук қабрлари Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанднинг қабрлари ёнидадир.

БОБОХОЖА БИН ПОШОХОЖА

Ҳазрат Бобохожа бин Пошохожа ўз даврининг улуғларидан бўлиб, Ҳазрат Пошохожанинг ўғилларидирлар. Бу зоти шариф кичик ёшларида Махдуми Аъзам Косонийнинг қўлларидан сабоқ олган. Тарикатда пешқадам бўлганлар. “Музаққир аҳбоб”да Бобохожанинг қуйидаги байтлари келтирилган:

**Эшикинга Хисраво келдик иродат била,
Келмак иродат била, кетмак ижозат била.**

Ушбу байт рухсат талабида айтилгандир. Ҳазрат XVI асрда яшаб ўтган. Қабрлари Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳларидадир.

ҲАЗРАТ ҚОСИМ ШАЙХ АЗИЗОН (тах.1500-1578)

Қутбул авлиё, яссавия тариқатининг улуғ шайхи, буюк тарбиячи Ҳазрат Қосим Шайх Азизон тахминан 1500 йил Карманада туғилганлар. Бу зоти шариф сабоқни шайх Худойдоддан олган, Шайх Худойдод Шайх Жамолиддиннинг муридлари ҳисобланадилар. Бу зоти шариф Шайх Ходимдан, бу киши Шайх Мавдуддан, бу зот эса Шайх Алишайхдан, бу киши Шайх Эломон Атодан, бу киши Шайх Садр Атодан, бу зот Шайх Занги Атодан, бу киши Шайх Ҳаким Атодан, бу зоти шариф Шайх Аҳмад Яссавийдан, бу зоти шариф Шайх Юсуф Ҳамадонийдан таълим олганлар.

Ҳазрат Қосим Шайх соҳибкаромат авлиё бўлиб, ўша даврнинг султонлари бу зоти шарифга мурид эди, у кишининг маслаҳатларига амал этар эди.

Ҳазрат Қосим Шайх Карманада улкан хонақоҳ бино қилгандилар. Ҳасанхожа Нисорий ушбу хонақоҳ тарихига атаб қуйидаги байтларни ёзганлар:

**Соҳт қутби замона хонақоё
К-аз шараф Каъба шуд бар аҳли жаҳон.
Килки сунъ аз барои таърихаш
Зад рақам: “хонақоҳи қутби замон”.**

“Хонақоҳи қутби замон” жумлаларидан абжал ҳисоби билан хижрий 966 йил ҳосил бўлади, бу мелодий 1560 йилга тўғри келар экан.

Бухоро хони Абдуллахоннинг ҳам Қосим Шайхга эътиқоди баланд бўлган. Ғуйидаги воқеа бу фикримизга далилдир. 1568 йил Самарқанд, Тошкент, Ҳисор султонлари Шаҳрисабзни оладилар.

Абдуллахон Шаҳрисабз қўлдан кетганидан воқиф бўлади, ёвлар лашкари кўп эди, шу боис Абдуллахон тожу тахтдан воз кечиб, ҳажга бормоқни ният қилади. Чунки мамлакат таҳлика остида қолган эди. Абдуллахон бош яланг, оёқ яланг Бухородан Ҳазрат Қосим Шайх Азизон ҳузурлари томон йўл олади. Унинг бўйнига арқон боғланган, арқоннинг бир учи Отабеги қўлида эди. Ҳазрат Қосим Шайх каромат билан ушбу ҳолни билиб, Работи Маликка чиқадилар ва Абдуллахонга далда берадилар. “Сизга шоду ҳуррамлик етгай!” - деб Абдуллахон ҳақиқа дуо қиладилар. Ушбу дуонинг шарофатидан Абдуллахоннинг ишлари хайрли бўлиб, зафар ёр бўлган экан.

Ҳазрат Қосим Шайхнинг шарофатларидан султонлар орасидаги кўплаб низолар бартараф этилган. У зоти шариф кўплаб кишиларни тўғри йўлга бошлай олганлар.

Манбаларда ёзилишича, 1578 йилда вабо касали тарқала бошлайди. Шунда Ҳазрат Қосим Шайх дейдилар: “Биз Аллоҳ ризолигига мушарраф бўлиш умидида ўзимизни бу мамлакат аҳли саломатлиги йўлида қурбон айладик. Зинҳор бу ўлкага келмангиз. Зеро Ҳазрат Расули Акрам с.а.в. ҳадиси муборақларида дегандарки: “Вабо тарқалган юртга ҳеч ким кирмасин ва ул юрт аҳли ҳеч ёққа бормасин!” Дарҳақиқат буюк муршид ва у кишининг атрофларидаги шогирдлари вабо касали билан вафот қиладилар, лекин аҳоли саломат қолади. Бу воқеа 1578 йилда содир бўлган.

Ҳазрат Қосим Шайхдан бир ўғил ва икки қиз қолган. Ўғиллари Ҳазрат Хожаи Хурд падари бузругворнинг ишларини давом эттирганлар.

Бухоро Давлат университети доценти, тарих фанлари доктори Ҳалим Тўраевнинг “Қосим Шайх Азизон» номли китоби “Мерос” нашриёти томонидан 2000 йилда нашр этилди.

Карманадаги Қосим Шайх Азизон мажмуалари мустақиллик йиллари таъмирланиб, обод зиёратгоҳга айлантирилган. Хонақоҳ намозхонлар ихтиёрига берилган.

Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музақкири аҳбоб” китобларида таъкидланишича, Ҳасанхожанинг ўзлари Қосим Шайх Азизондан сабоқ олганлар ва ул зотдан кўп файзлар топганларини иншо этганлар. (“Музақкири аҳбоб”, 35-с).

ХОЖА АЛОУДДИН ГАВСАВОР

Бухоро шаҳрида Хожа Алоиддин Гавсавор зиёратгоҳлари бор. Бу қабр Заргарон Тоқининг шимолидадир.

ҲАСАНХОЖА НИСОРИЙ (1516-1597)

Ҳазрат Ҳасанхожа Нисорий - шоир, олим, тазкиранавис, аллома бўлиб, 1516 йил Бухорода туғилдилар ва 1597 йил вафот қиладилар.

Қабрлари Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанд зиёратгоҳларидадир.

Ҳасанхожа ёру дўстларга ҳамма нарсам нисордур, декан маънода “Нисорий” тахаллусини ўзларига танланган.

Нисорий илмни аввал ўз оталари Пошохожа бин Абдувахҳобхожадан ўрганеди.

Нисорий Бухоро мадрасаларида таълим олганлар. У зоти шариф диний билимлар билан бирга риёзиёт, табобат, ҳандаса, мусиқа илмларини ҳам пухта эгаллайдилар.

Нисорий Бухорда Абдулазизхон ҳукмдорлиги даврида садрлик лавозимида хизмат этганлар. Абдуллахон II замонида эса маликушшуаро бўлдилар. Нисорийдан Мутрибий, Фитратий, Давоий, Шўхий, Шоҳид каби шогирдлар таълим олиб, етук шоир бўлганлар.

Ҳасанхожа Нисорий ижодининг тадқиқотчиси Исмоил Бекжоннинг ёзишича, Ҳ.Нисорийнинг ўзбек ва тожик тилида битган “Девон”лари бўлиб, лекин айни шу кунларда у асарлар йўқолган.

Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) тазкираларини И.Бекжон форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, 1993 йил Тошкентдаги А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриётида чоп эттирди. Ушбу тазкирада нафақат Мовароуннахр, балки Эрон ва Ҳиндистонда яшаб ижод қилган шоир, адиб, аллома, авлиё, подшоҳлар ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Ҳасан Нисорийнинг асарларидан намуналар кўплаб тазкира, баёз, тарихий китобларда бор. Қуйидаги ғазал Ҳасанхожа Нисорий қаламларига мансуб:

**Хуршид ламъае зи жамоли Муҳаммад аст,
Гул партаве зи орази оли Муҳаммад аст.
Аз кидки сунъ сурати Юсуфки рух намуд
Гўй намунае зи жамоли Муҳаммад аст.**

**Нуксон камоду айб ҳунар гар шавад зи айб
Онро ки узрхоҳ камоли Муҳаммад аст.
Дар ҳар кучо ки ҳаст алафи тоза, синаро
Дар орзуи тоза ниҳоли Муҳаммад аст.
Ба қомати хамида Нисорий, чу моҳи нав,
Мойил ба абрўе чу ҳилоли Муҳаммад аст.**

Мазмуни: Куёш Муҳаммад с.а.в. жамолларидан бир шуъладир, ул Муҳаммаднинг ол юздаридан бир ёғдуди учкундир. Яратувчининг қалами туфайли юз очган Юсуф а.с. суратлари, гўё Муҳаммад с.а.в. жамолларидан бир намунадир. Камчиликлар бекаму кўстликка айланса, айбимиз санъат даражасига кутарилса, бунинг нима ажабланадиган жойи бор, чунки унинг кечирувчиси Муҳаммад с.а.в.нинг етук воситаларидир. Қаерда янги майса униб чиқса, қалба яна Муҳаммад с.а.в.нинг тоза навниҳол орзулари булади. Янги чиққан ойга ўхшаб эгик қадди билан Нисорийнинг, Муҳаммад. с.а.в.нинг ҳилол каби қошларига мойиллиги бор. (Ҳасанхожа Нисорий, “Музаккири аҳбоб”, 19-саҳифа).

ҚОЗИ ФАТҲУЛЛОХОЖА

Фатҳуллохожа Ғиждувонда туғилиб, Бухоро мадрасаларида таълим олганлар. Бу зоти шариф такводор, камтар киши бўлиб, хилватда чилла

турганларида бу фоний оламдан ўтиш кунларини олдиндан айтганлар (Ҳ.Нисорий, “Музаккири аҳбоб”, 188-саҳифа).

Фатхуллохожанинг шеърлари ҳам машҳурдир:

Эй, ашки лолагун домдани ман дар боғ пургул шуд
Маро ба домани гул диду булбул саҳифааҳаммул шуд.

Мазмуни: Лоларанг кўз ёшимдан этагим боғ аро гулга тўлди, мени гул ёнида кўриб булбул юраги эса сабрсизлик ила тўлди.

Қози Фатхуллохожанинг қабрлари Гиждувондадир.

АБДУРАҲМОН МУШФИҚИЙ (тах. 1525-1588)

Абдурахмон Мушфиқий тахминан 1525 йил Бухоро шаҳрида таваллуд топганлар. Бу зоти шариф буюк шоир, ҳозиржавоб ҳажвнавис, истеъдодли мунажжим, шакаргуфтор латифагўй эдилар. Асарлари форс-тожик тилида ёзилган.

Ҳ.Нисорийнинг “Музаккири аҳбоб”, Мир Севинчининг “Тухфат ус саид”, Мутрибнинг “Тазкиратуш шуаро”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома” ва бошқа асарларда Мушфиқий шахси, ижодлари ҳақида ёзилган.

Мушфиқий шайбонийлар ҳукмронлиги даврида ижод қилган. У киши Абдуллохон замонасида Мовароуннаҳр шоирларининг маликушшуароси эди. Ул зот қасидагўйликка ҳам ўз даврининг яғонаси бўлган.

Мушфиқий Жўйбор шайхлари Хожа Ислон, Хожа Саъд шунингдек, Абдуллохонга бағишлаб қасидалар ёзган. Мушфиқийнинг “Соқийнома”, “Гулзори Эрам”, “Жаҳоннома” қасидалари, ичакузди ҳажвиялари, дилбар ғазаллари бизгача етиб келган. Шоирнинг иккита ғазаллар “Девон”и, бир қасидалар ва бир ҳазил-мутойибалар “Девон”и машҳурдир. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, ул зоти шариф сўфиёна руҳда ғазаллар ҳам ёзган.

Бухоро ва Мовароуннаҳрдаги кўплаб бинолар пештоқида Мушфиқий байтлари - тарих битилгандир.

Улуғ Хожа Насриддин, Алдар Кўса, Умирбек Лаққи каби Мушфиқийнинг латифалари машҳур.

Манбаларда таъкидланишича, Мушфиқийнинг қабри Ҳазрат Шайх Жалол мазорларида бўлган. Бу зоти шариф 1588 йил марҳум бўлади.

Собиқ Иттифоқ замонасида Шайх Жалол дарвозалари, мазорлари, хонақолари вайрон этилди. Мушфиқийнинг ҳам мазорлари бузилгандир.

Мушфиқийнинг қабртошларида қуйидаги битик бўлган:

**Ба хоки Мушфиқий он дам, хи дўстон гузаранд,
Расад ба хотири эшон, ки хоксоре буд.**

ҲАЗРАТ МУҲАММАД ТОҲИР АЛ БУХОРИЙ (XVI аср)

Ҳазрат Муҳаммад Тоҳир Ҳиравий ал Ҳабушоний ал Бухорий мударрис, муҳаддис, фақиҳ бўлиб, қизилбошлар босқини замонида (1512 йил) Хуросондан

Бухорога келганлар. Бу зоти шариф Бухоро мадрасаларида таълим олиб, тез орада шариат илмини пухта ўрганган.

Ҳазрат Хожа Калон Жўйборий (1531-1589) қурдирган Гавкушон (1570 йил) мадрасасида Ҳазрат Муҳаммад Тоҳир мударрислик этганлар. Нақл этилишича, Ҳазрат Муҳаммад Тоҳир дарс ҳалқаларида 500 тагача талаба бир кунда бўларкан.

Ҳазрат Муҳаммад Тоҳир ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилгандир.

Бу зоти шарифнинг мазорлари Фатҳободда бўлиб, Ҳазрат Шайхул Олам мақбараларининг шимолидадир.

ХОЖА МУҲАММАД ОБИД АЛ БУХОРИЙ

Хожа Муҳаммад Обид Ҳазрат Муҳаммад Тоҳирнинг ўғиллари эдилар. Бу зоти шариф илмни ўз оталаридан ўрганган. Оталари марҳум бўлгандан сўнг, Гавкушон мадрасасида мударрислик этганлар. Хожа Муҳаммад Обид тақво, қаноатда ўз замонасининг яқтоси бўлган.

Хожа Муҳаммад Обид қабрлари Фатҳободда, оталари мазори ёнида.

ҚОЗИ ХОЖА МУҲАММАД ЗОҲИД АЛ БУХОРИЙ

Хожа Муҳаммад Зоҳид ал Бухорий Ҳазрат Муҳаммад Тоҳирнинг кичик ўғиллари эдилар, Бу зоти шариф шариат ва тариқат илмлари билимдони бўлган. Хожа Муҳаммад Зоҳид қози, зоҳид, обид эдилар. Илмига амал этувчи бу алломанинг қабрлари Ғозиён ҳовузи ёнида.

ҲАЗРАТ ХОЖА ЧОРШАНБЕ

Ҳазрат Хожа Чоршанбе зиёратгоҳи Бухоро шаҳридаги Усто Ширин Муродов кўчасидадир.

МУЛЛО НАЗАР

Мулло Назар зиёратгоҳи Вобкент туманида, Эшонлар қишлоғида жойлашган. Ушбу зиёратгоҳ атрофи мазор бўлиб, айна шу кунларда ҳам одам кўмилади.

ХОЖА ЮҚСУН ЗИЁРАТГОҲИ

Хожа Юқсун зиёратгоҳи Шофиркон тумани, Юқсун қишлоғида жойлашгандир.

БИБИ КАБУДПЎШ ЗИЁРАТГОҲИ

Шофиркон тумани, Тали Сафед қишлоғига яқин ерда Биби Кабудпўш зиёратгоҳи жойлашган. Биби Кабудпўш кароматлари шу бўлганки, кўк йўтал касаллигига чалинганлар бу зиёратгоҳга келиб, Аллоҳ таолодан шифо сўраса, Аллоҳ дардига шифо берган. Кўк рангли тошга сув қуйиб, бемор уни ялаган. Айна шу кунларда бу зиёратгоҳ ободдир.

ҲАЗОР НУР ЗИЁРАТГОҲИ

Шофиркон тумани чўлида бу улкан зиёратгоҳ жойлашган. Ҳазор Нур дейилишига сабаб, бу ерда дину диёнат йўлида минг нафар киши шаҳид бўлган

экан. Бу ерда Молики Аждар ҳазратларининг кадамжо-қабрлари ҳам бор. Ушбу зиёратгоҳда масжид бино этилган. Зиёратгоҳ чўлнинг ўртасида, баланд тепалик устида жойлашган.

ХОЖА АБДУЛЛОЙИ ГУЛРЕЗ

Ҳазрат Хожа Абдуллои Гулрез зиёратгоҳи Бухоро шаҳри Имом Ғаззолий кўчасида бўлган (О.Сухарева, “Квартальная община позднефеодалного города Бухары», стр.189).

Бу зоти шарифга Аллоҳ таоло каромат қилган эди. Тери касаллиги чалинганлар, ушбу зиёратгоҳга келиб дуойи фотиҳадан сўнг Аллоҳ таолодан дардига шифо тиласа, Аллоҳ шифо берган.

АВЛИЁИ СОЛЕҲ ТАКЯДОР

Авлиёи Солеҳ Такядор зиёратгоҳи Ғозиён мадрасасининг шимолидадир, Бу жой Бухоро шаҳрининг ичида бўлиб, ҳовлининг ташқи девори остида жойлашган. Айни шу кунларда бу зиёратгоҳда туғ ва ёзув бордир.

ХОЖА АБДУРАҲМОН АВФ ЗИЁРАТГОҲИ

Бухоро вилояти, Пешкў туманидаги Шавгон қишлоғида Хожа Абдурахмон Авф зиёратгоҳи, жомеъ масжиди бор. Бу зиёратгоҳни Бобо Араб зиёратгоҳи деб ҳам айтадилар.

БУРҲОНИДДИН БУХОРИЙ

Ҳазрат Маҳмуд ибн Садрус Саид Тождин Аҳмад ибн Садрулкабир Бурҳониддин Абдулазиз ибн Умар ибн Моза буюк фақиҳ, аллома, атоқли тарбиячи, адиб эдилар. Бу зоти шариф ҳақларида жуда кўп манбаларда, жумладан, Абдулҳай Лакнавийнинг “Ҳанафия мазҳаби олимлари” китобларида, “Мелом энциклопедиясида” ва бошқа асарларда маълумот берилгандир.

Бу зоти шарифнинг ота-боболари “судурул уламо” (олимлар пешқадами) бўлганлар. Ҳазрат Бурҳониддин илмни оталаридан ўрганган. Ҳазрат Бурҳониддин 62 та мустақил китобни ўзида жамлаган “Муҳитул Бурҳоний” асарини яратган. Бундан ташқари “Заҳира”, “Тажрид”, “Татимматулфатаво”, “Тариқатул Бурҳония” каби китоблар ёзган, кўплаб асарларга шарҳлар битганлар. (“Ислом энциклопедияси”, 55-56-саҳифалар).

ШАЙХ АБУ БАҚР БУХОРИЙ

Абу Тоҳирхожанинг ёзишича, Шайх Абу Бақр Бухорийнинг қабрлари Самарқанддаги машҳур Чокардиза мазористонидадир (“Самария”, 38-саҳифа).

ИМОМ ШАМСИДДИН ЗИЁРАТГОҲИ

Бухородан Газли йўли билан Шайхонча қишлоғидан ўтиб, Жўйзар ариқига борганда, ариқидан ўтмай, ўнг томонга қаралса, Имом Шамсиддин зиёратгоҳи кўринади. Зиёратгоҳ атрофида боғ барпо қилинган.

ҲОФИЗ ТАНИШ БУХОРИЙ (1547-1590)

Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад ал Бухорий 1547 йил Бухорода туғилганлар. Бу зоти шарифнинг оталари Мир Муҳаммад Убайдуллоҳон саройида хизмат қилганлари тўғрисида тарихий манбаларда маълумотлар бор.

Ҳофиз Таниш Бухорий шоир, тарихчи, олим ҳисобланадилар. Ҳофиз Таниш Бухорий ҳақларида жуда кўп тарихчилар, инчунин, атоқли тарихчи Бўрибой Аҳмедов ёзганлар (Б.Аҳмедов, “Тарихдан сабоқлар”, Тошкент, “Ўқитувчи», 1994 йил, 389-396-саҳифалар).

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий” (“Абдуллонома”) асарлари жаҳонга машҳур. Бу китоб Абдуллоҳон II топшириғига мувофиқ 1584-1590 йиллар орасида ёзилгандир. “Шарафномаи шоҳий”нинг қўлёзма нусхалари Санкт Петербург, Тошкент, Боку, Қозон, Душанбе, Англиядаги кутубхоналарда сақланмоқда.

“Шарафномаи шоҳий”да подшоҳлар, саркардалар, авлиёлар ҳақида маълумотлар келтирилгандир.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг бу асарида Мовароуннаҳр ва унинг худудларида, шунингдек Жанубий Туркистонда XVI асрда истиқомат қилган турк-мўғул қабилалари: жалоир, найман, қорлиқ, қипчоқ, қатағон, ўтарчи, беш юз, шағогу, қулон оёни, кeroит, олчин, минг, баҳрин, уйғур, қанғли, қўнғирот, дўрмон, қўшчи, можор, уйшун, чашму абру, булачи, арғин, ёбу, кенагас, манғит, тубайи, нукуз, қиёт, бошқирд қабилар ҳақида ҳам фавқулодда муҳим маълумотлар келтирилган. Бу маълумотлар нафақат ўша қавм тарихини, балки ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишда ҳам муҳимдир. “Шарафномаи шоҳий” тарихий асар бўлиши билан бирга, XV-XVI асрга хос бадиий асар ҳамдир. (Б.Аҳмедов, “Тарихдан сабоқлар”, 396- саҳифа).

Ҳофиз Таниш Бухорий 1590 йилда вафот қилганлар.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий” китоблари “Абдуллонома” номи билан ўзбек тилига Содик Мирзаев томонидан таржима қилинган. У бир неча маротаба Ўзбекистонда чоп этилди (Ҳофиз Таниш Бухорий, “Абдуллонома”, Тошкент, “Шарқ” -1999 йил).

ҚУЛБОБО КЎКАЛДОШ (ваф. 1598)

Қулбобо Кўкалдош Абдуллоҳоннинг (1557-1598) энг яқин амалдори бўлган. Қулбобо Абдуллоҳон билан эмиқдош бўлгани боис “Кўкалдош” номи билан машҳурдир. Бу зоти шариф моҳир саркарда, шоир, оқил зот, Абдуллоҳоннинг маслаҳатчиси эди.

Қулбобо Кўкалдош 1587-1588 йилдарда Ҳирот ҳокими бўлган. Қулбобо “Муҳибий” тахаллуси билан ғазаллар ёзган.

Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий”, шунингдек, Мирзо Салимбекнинг “Кашқўли Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттаахириин” китобида Қулбобо Кўкалдош ҳақида маълумот берилган. Қулбобо Кўкалдош 1578 йил Бухоро шаҳрида Кўкалдош мадрасасини бунёд қилган. Ушбу мадрасада катта гумбазли дарсхона ва масжид бор. Мадраса икки қаватли бўлиб, 164 хужрадан иборатдир.

Қулбобо Ҳазрат Сайид Мир Кулол мақбараларининг қарама қаршисидаги баланд тепалик устида масжид ҳам бунёд қилган экан Лекин бу масжид собиқ Иттифоқ замонида бузилган.

Кашмирийнинг 1583 йилда Абдуллахоннинг тахтга ўтириш маросимида оид ҳикоятида ёзилган: “Искандархонга (яъни Абдуллахоннинг отасига) тутилган мотам кунлари тугагандан сўнг ислом жамоасининг қутби Хожа Саъд қудратли султонлар ва нуфузли амирлар билан биргаликда қувонч билан Искандар мисол, икки саодатли сайёра соҳиби, Доро нишони билан тақдирланган олий ҳазрат ҳоқон Абдуллахонни оқ кигизга ўтказдилар; кигизнинг бир учини салтанат устун амир Қулбобо Кўкалдош, иккинчисини – давлатнинг суюқлиси Турдиакхон, учинчисини - Саид Ҳасанхожа Нақиб, тўртинчи учини эса қутблар қутби, саидлар паноҳи Хожа Калонхожа (яъни Хожа Саъд) ўзининг марҳаматли қўллари тутдилар...” (Б.Аҳмедов, “Тарихдан сабоқлар”, Т. “Ўқитувчи”, 1994 й. 37-с.)

Келтирилган парчадан Қулбобонинг Абдуллахонга қанчалик яқин эканликларини билса бўлади. Абдуллахон 1598 йил вафот этганидан сўнг, унинг ўғли Абдулмўъмин буйруғига мувофиқ Қулбобо Кўкалдош 1598 йилда қатл этилади.

ХОЖА АБДУССАЛОМ

“Музаққир аҳбоб»да ёзилишича, Ҳазрат Хожа Абдуссалом вазирлик мансабида бўлганлари билан бирга, ўз замонасидаги илмларнинг кўпини эгаллаган эдилар. Хожа Абдуссалом “Саломий” тахаллуси билан ҳам форс-тожиқ, ҳам ўзбек тилида ғазаллар ёзганлар.

Қуйидаги матлаъ Хожа Абдуссалом қаламига мансуб:

**Бошингга кокул қўйуб ишқ аҳлига дом айладинг,
Йўкса, ҳусн асбоби деб они саранжом айладинг?**

Хожа Абдуссалом XVI асрда яшаб фаолият кўрсатганлар.

МАВЛОНО ЯҚИНИЙ

Ҳазрат Мавлоно Яқиний Хожа Мироншоҳ Жўйборийнинг ўғиллари ҳисобланадилар. Бу зоти шариф дарвешликда умрларини ўтказган, “Яқиний” тахаллуси билан газаллар битган. “Музаққир аҳбоб»да ёзилишича, “машҳур салосили арбаъ” (тўрт силсила)ни назм либосига бурқаб, ушбу қитъани ҳам унда имло қилган. Қитъа:

**Баъд аз он чор мазҳаби барҳақ,
Ки бошад дар шариасти ғарро.
Ҳаст дар жаҳон чор тариқ,
Беҳтарини тариқи раҳи Худо.
Нақшбандию Жаҳрияву Зайний,
Ҳаст чорум тариқайи Кубро.**

Мазмуни: шариатдаги тўртта барҳақ бўлган мазҳабдан сўнг яна тўртта тўғри тариқат бор. Булар: накшбандия, жаҳрия, зайния ва кубравия ҳисобланади.

Мавлоно Яқинийнинг ушбу рубоийлари ҳам ажиб воқе бўлгандир:

**Аз боди сабо бўйи ту меёбад дил,
Дар гуд асари рўйи ту меёбад дил.
Буи ки на хади мушку анбар бошад,
Аз хоки сари кўйи ту меёбад дил.**

Мазмуни: Тонгги сабодан сенинг ҳидинги кўнгул топар, гулда сенинг юзингни кўнгул кўрар. Шундай ҳидга тенглашмоққа на мушку анбар хади сикқай, уни фақат кўчанг тупроғидан топар дил (239-с).

Ҳазрат Мавлоно Яқиний XVI асрда яшаб фаолият кўрсатган эдилар. Юқорида номлари зикр этилган Тўртта тариқатдан ҳам баҳраманд бўлган эдилар.

ҚАЛЪАИ МИРИ АРАБ ЗИЁРАТГОҲИ

Қалъаи Мири Араб зиёратгоҳи Бухоро вилояти, Шофиркон тумани, Қалъаи Мири Араб қишлоғида жойлашган. Қалъаи Мири Араб тепаликда бўлиб, унда масжид, қабр, туғ бор. Ушбу зиёратгоҳ Ҳазрат Мири Арабнинг қадамжолари ҳисобланади. Қалъаи Мири Араб зиёратгоҳи таъмирталабдир.

ШАЙХ ЗАКАРИЁ ҚАБРЛАРИ

Шайх Закариё ҳазратлари ҳақида “Тухфат аз зоирин” китобида маълумот берилгандир. Бу зоти шариф Ҳазрат Мири Арабнинг куёвлари бўлиб, Мири Араб мадрасасини бино этишда хизмат этган. Шайх Закариёнинг қабрлари “Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Мири Араб мадрасаси гўрхонасида, Ҳазрат Мири Арабнинг қабрлари ёнидадир.

ЖАВОНМАРДИ ҚАССОБ ЗИЁРАТГОҲИ

Жавонмарди Қассоб зиёратгоҳи Бухоро шаҳри Тўпхона гузарида жойлашган. Бу зоти шариф қассобларнинг пири ҳисобландилар.

ҲАЗРАТ МОҲИ НУР

Ҳазрат Моҳи Нур қабрлари Бухоро шаҳри ичида бўлиб Равғангарон гузари ёнидаги кўчада жойлашган.

Ушбу зиёратгоҳни Ҳожи Улуғбек Абдуллаев топиб, обод этди.

ҲАЗРАТ ЧАҲОРШАНБЕ ШАЙХОН ЗИЁРАТГОҲИ

Бухоро вилояти, Пешкў тумани, Денав қишлоғида Ҳазрат Чаҳоршанбе Шайхон мазористони жойлашган.

КАМОЛИДДИН ИБРОҲИМ ШИРВОНИЙ АЛ БУХОРИЙ

Сайфул уламо Ҳазрат Камолиддин Иброҳим Ширвоний олиму фозилларнинг устоди эдилар. Бу зоти шариф бир неча вақт Самарқандда, сўнг

Бухорода толиби илмларга сабоқ бердилар. Ҳазрат Камолиддиннинг кўп шогирдлари мавлонолик мақомига етган.

Ҳазрат Камолиддин Иброҳим кексалик пайтида Қуръони Каримни ёдладилар. Улуғ устоз Камолиддин ғазаллар ҳам ижод қилганлар, ул зотнинг ғазаллари ҳам ғоят пурмаъно бўлган. “Музақкири аҳбоб”да Ҳазратнинг ушбу матлаълари келтирилган.

**Меҳру муҳаббати ту ки муҳри жабини мост,
Сармояи саодату дунёву дини мост.**

Мазмуни: Пешонамизга битилган муҳр меҳру муҳаббатин, ҳар икки дунёда ҳам бахтимиз сабабчисидир.

Ҳазрат Камолиддин Иброҳим Ширвоний XVI асрда фаолият кўрсатганлар. Бухорода вафот қиладилар. Қабрлари Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанд зиёратгоҳларидадир.

ДЕВОНА ҲУСОМИЙ

Девона Ҳусомийнинг туғилган ерлари Хева (Хоразмдир). Дарвеш, қаландар эдилар. “Музақкири аҳбоб”да ёзилганки, Девона Ҳусомий ҳаж сафарига бораётганда бир вилоятнинг ҳукмдори: “Эй, Девона Ҳусомий, не ҳоҳишингиз бўлса, мендан тиланг!” - деб илтимос қилибди. Девона унга: “Менинг бир илтимосим бор, пашшаларга буюринг, менга озор бермасинлар!”. Ҳукмдор дейди: “Пашшаларга менинг ҳукмим ўтмайди!” Девона дейди: “Арзимас пашшага ҳукми ўтмайдиган одамдан мен нени тилашим мумкин?”. Ҳоким бу жавобдан мулзам бўлган экан, Девона эса ҳеч нарса сўрамай кетган эканлар.

Девона Ҳусомий Бухоройи шарифда ҳам яшаганлар, у зоти шариф ғазаллар ҳам ижод қилган:

**Чашми пурхуни Ҳусомий манқали пур оташ аст,
Ҳар тараф мужгон, бар ў сихи кабоб аз жигар аст.**

Мазмуни: Ҳусомийнинг қонли кўзи чўғ тўла манқалдир, атрофидаги киприклари жигардан кабоб ўтказилган сихдир.

(“Музақкири аҳбоб”, 84-6).

Дарвешали Чангийнинг “Тухфатус сурур” номли мусиқага доир асари бор. У бу асарини Бухоро подшоҳи Имомқулихонга атаб 1611 йилда ёзган. Санъатшунослик фанлари номзоди Дилбар Рашидий “Тухфатус сурур” дан бир неча парчаларни газетада эълон қилди.

Мазкур парчаларда Девона Ҳусомий билан Ҳазрат Хожа Аҳрор Валий ораларида бўлиб ўтган воқеалар баён қилинган. Девона Ҳусомий Ҳазрат Аҳрорга мурид бўлган экан (“Хожа Аҳрор – ҳомии мусиқанавозон”, Дилбар Рашиди. “Овози тоҷик”, 15 декабри соли 2004).

Мазкур асарда нақл этилишича, Девона Ҳусомий Қоракўлдан Самарқандга борди. Иттифоқо Рамазон оғи бўлган экан. Девона эса Хожа Муҳаммад Даштий Қатағон раҳматуллоҳи алайҳ мазорларида пешин пайти нон тановул қила бошлайди. Оломон унинг устига ёпирилиб келади ва нарса

емоқликни манъ этади. У эса танбеҳ берувчилар гапига парво қилмай, еяверади. Бу гап Ҳазрат Хожа Аҳрор Валийга бориб етганда, Ҳазрат оёқ яланг уловга миниб Девонанинг ёнига келадилар ва унга: “Эй, девона, сен мусулмонми?” - дейдилар. У “Алҳамдулиллаҳ!” - дейди. Ҳазрат: “Мусулмонлик биноти нечтадир?” - дейдилар. У айтадики: “Битта!” Ҳазрат Хожа Аҳрор бу жавобдан табассум қилиб дейдилар. “Қандай?” У дейди: “Чунки қолган иккитаси, яъни закату ҳажини сиз егансиз қолган иккитаси, яъни намозу рўзасини мен еганман. Шу боис биттаси, яъни ло илоҳа иллоллоҳ қолган”. Ушбу жавоб Ҳазрат Хожа Аҳрор Валийга бағоят хуш келди ва Девонани ўзлари билан бирга олиб бордилар.

Кунлардан бир кун Ҳазрат Аҳрор Девонанинг ёнига нон қўйдилар. У замонлар Самарқанднинг нони жуда ҳам кичик бўлган экан. Девона дастурхондаги нонга ва Хожа Аҳрорнинг бош кийимларига қарайди-ю лекин нондан истеъмол қилмайди. Хожа: “Эй, Девона, нега нон емаяпсан?” деб сўраганларида, девона: “Эй, Хожа, то бош кийимни катта қилгунча, нонни катта қилсангиз бўлмаймиди?” - дейди. Шу захот Ҳазрат Хожа Аҳрор ёпилаётган нонларнинг ҳажмини каттароқ этиш ҳақида буйруқ берибдилар ва ҳозиргача Самарқанд нони шу ҳажмда ёпилмоқдадир. Девона Хусомийнинг ўзбек тилида алоҳида ва форс-тожик тилида алоҳида ғазаллар “Девони” бор, бундан ташқари у мусиқа ҳақида китоб ёзгандир. Хусомийнинг қуйидаги байтлари ҳам ажибдур:

**Дило мабош чу дунон асири лаззати тан,
Ба теги чўб бизан деви нафсро гардан.
Ба кори бори жаҳон илтифот камтар кун,
Зи ҳар чи монё роҳати дил аз ў баркан.
Либоси зухд мапўшу палоси майкада пўш,
Ба ғайри майкада жои дигар масоз ватан.
Халили оташи Намруд нест азизи ту
Бутиғурур зи вужуди худ бишикан.
Қадам манех чу Хусомий ба матбахи дунё,
Чароки матбахиёнанд коса парвизан.
Ҳамеша токи бувад эътибори аҳли Аллоҳ,
Ҳамеша токи бувад гуфтугўй аз ҳар фан.
Чароғи давлати арбоби фақр равшан бод.
Ба ҳаққи Хожаи Тороб пири Ромитан.**

Мазмуни: Эй, кўнгил, сен паст одамлар каби танпарвар бўлма, доимо ўз нафсингни калтаклаб тур. Дунёнинг ишларига илтифот кўрсатма не ишга кўнгил қўйган бўлсанг, ундан кўнглингни уз. Зухд либосини кийма, майхона палосини кий, ватанинг фақат майхона ичра бўлсун. Ғурур (манманлик) бути ичингдадир, Ани синдир, сенга Намруд оташи ичидаги Халил (яъни Иброҳим а.с.) азиз эрмас. Хусомий каби дунё ошхонасига қадам қўйма, чунки қоринни севгувчилардир у ердагилар. Ҳамиша ҳар соҳада гуфтугўй бўлар, ҳамиша аҳлуллоҳнинг эътибори бўлар. Фақр арбобининг давлати чироғи равшанроқ бўлсун, Хожа Тороб пири Ромитанийнинг ҳаққи хурматидан!

Ҳасанхожа Нисорий ёзадиларки, бир кун тушимда Девона Хусомийни кўрдим, у киши мендан: Тазкирангизга қайси ғазалимни киритдингиз?” - деб сўради, мён у кишига дедим: “Чашмаи пурхуни Хусомий! – киритдим”, у зот хурсанд бўлди.

Девона Хусомий XV асрнинг охири XVI асрнинг бошида яшаб ўтган. У кишининг қабри Қоракўлдадир.

ҲУСАЙН АЛОУДДИН

Ҳусайн Алоиддиннинг касблари савдогарлик бўлган. Аллоҳ таоло бу кишига беҳисоб молу давлат берган эди. Бу зоти шариф подшоҳлар билан ҳам олди-берди қиларканлар.

“Музаккири аҳбоб” да ёзилишича, бир гал Убайдуллоҳон билан олди-берди қилганда минг танга хон томонга қолиб кетади. Ҳусайн Алоуддин фурсат топиб, қуйидаги рубоийни ёзадилар ва Убайдуллоҳонга етказадилар:

**Дорам сухане ки мекунам пеши ту арз,
Чун ҳаст адои ин сухан бар ман фарз.
Дар сурати қарзу фарз андоз назар
К-аз фарз ба як нуқта зиёд омада қарз.**

Мазмуни: сенга арз этмоқ учун бир сўз бор, зеро бу сўзни айтмоқ мен учун фарз. Қарзу фарз сўзларига (араб ёзувида “қоф” ва “фе” шаклан ўхшаш бўлиб, устидаги нуқталарида фарқи бор) назар сол, “фарз”дан бир нуқта ортиқ келади “қарз” сўзи.

Убайдуллоҳонга бу шеър ғоят манзур бўлибди ва минг танга устига яна минг танга, жами икки минг танга Ҳусайн Алоуддинга берибди.

Ҳусайн Алоуддин XVI асрдаги тужжорлар ичида энг маърифатли, дину диёнатлиси бўлган. Саховатда ҳам бу зот бошқаларга намуна эдилар.

Ҳусайн Алоуддиннинг қабрлари Бухородадир.

МАВЛОНО МОИЛИЙ СИРРОЖ

Мавлоно Моилий Сиррож ўз замонасининг атоқли устаси эди. Бу зоти шариф ясаган эгар жабдуқларни Хитой ва Булғория мамлакатларига намуна сифатида олиб борар эканлар. Мавлоно кўли гул уста бўлиб, жуда кўп шогирдлар етиштириб чиқарганлар. Мавлоно “Моилий” тахаллуси билан ғазаллар ҳам ижод қилган эканлар. “Музаккири аҳбоб”да Мавлоно Моилийнинг қуйидаги ғазаллари келтирилган:

**Ман зи Мажнун дар тариқи ошиқи кам нестам,
Ғояташ девонаву расвойи олам нестам.**

Мазмуни: Ошиқлик йўлида Мажнундан кам эмасман, унчалик девонаву расвойи олам ҳам эмасман.

Кекса ёшга етиб Бухорода вафот қилганлар.

МАВЛОНО ХОЖА МУҲАММАД САДР

Мавлоно Муҳаммад ўз даврининг диний ва дунёвий илмларини пухта эгаллаган зот эдилар. Мавлоно Муҳаммад Убайдуллохоннинг устози бўлган. Убайдуллохон замонасида садрлик лавозимида хизмат қилган. Бу зоти шариф ҳайъат илмидан ҳам воқиф эдилар. Мавлоно Муҳаммад Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ авлодларидан бўлиб, “Афзалий” тахаллуси билан ғазаллар ҳам ёзганлар:

**Бидех соқи, ба даври гул шароби аргувори,
Ғанимат дон баҳори умру айёми жавониро.**

Мазмуни: Гул фаслида қизил шаробдан бер, соқий, умр баҳорини ва ёшлик айёмини ғанимат бил! (“Музаққир аҳбоб”, 75-с).

Мавлоко Хожа Муҳаммад Садрнинг қабрлари Фатҳободдадир.

БИБИ МАЪСУМАИ ПОК ЗИЁРАТГОҲИ

Ҳазрат Биби Маъсумаипок зиёратгоҳлари Бухоро вилояти, Жондор тумани, Самончуқ қишлоғида жойлашган. Ушбу қишлоқда тал, яъни тепалик бор. Мана шу тепаликдан ушбу зиёратгоҳ жой олган.

ҲАЗРАТ ПОЯНДА МУҲАММАД ШОҲ АХСАВИЙ АН НАМАНГОНИЙ АЛ БУХОРИЙ ҚУДДИСА СИРРУҲУ (ваф. 1601)

Ҳазрат Поянда Муҳаммад Шоҳ Ахсавий (Ахсикати) Намангоний нақшбандия тариқатининг ривожига муҳим ҳисса қўшган шайх, ўз замонасининг муршиди, соҳибкаромат авлиё, улуғ тарбиячи, шоир бўлганлар.

Бу зоти шариф Ахсикат шаҳрида туғилган. Ахсикат XV асргача Фарғона вилоятининг маркази бўлиб, бу шаҳарда илму ирфон, санъату маънавият ривож топган. Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган бу шаҳар кейин харобага айланди. Айни шу кунларда қадимий Ахсикат Намангон вилояти, Тўрақўрғон тумани ҳудудидадир.

Ҳазрат Поянда Охунд Ахсикати Тошкент, Самарқанд, Бухоро мадрасаларида таълим оладилар.

Муҳаммад Мутрибий “Тазкиратуш шуаро” китобларида Ҳазрат Ахсикатидан шеърий мерос қолганини баён қилган.

Олим Комилхон Каттаевнинг ёзишича, Ҳазрат Поянда Муҳаммад Шоҳ Ахси тариқат сабоғини Махдуми Аъзам номи билан машҳур бўлган Ҳазрат Сайид Аҳмад Жалолиддин Косонийдан олганлар.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг пири муршидлари Ҳазрат Мавлоно Хурди Азизон бўлганлар¹¹¹. Маълумки Ҳазрат Мавлоно Хурди Азизон (ваф.ҳиж.980) Ҳазрати Махдуми Аъзам Даҳбедийнинг муридлари эдилар. Бу зоти шарифнинг қабрлари Балхда машҳурдир.

Нақл этилишича, Ҳазрат Поянда Муҳаммад йигирма йил узлуксиз ҳар чаҳоршанба хуфтон намозидан сўнг Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд қабрлари ёнида муроқабда бўлиб, ярим тундан сўнг таҳажжуд намозини ўқирдилар. Бир

¹¹¹ “Тухфат аз зоирин”. 116-саҳифа

кун Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд овозларини ғайбдан келди: “Мулло Поянда, сиз бизнинг мақбулимиз ва дўстларингиз ҳам мақбулимиз ва Ҳақнинг мақбулидирлар!”¹¹² Ушбу нақлдан маълум бўлаяптики, Ҳазрат Муҳаммад Поянда увайсий ҳисобланадилар. Қай кишини ўтганларнинг руҳи тарбият этса, уни увайсий дейдилар.

Поянда Муҳаммаднинг тўлиқ исмлари Муҳаммад бин Мир Дарвеш Муҳаммад бин Мир Обид ал Ҳусайн ал Ахсикатий ал Аббосийдир. (К.Каттаев, “Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед”, Самарқанд, “Сўғдиёна” нашриёти, 1994 йил 30-с.¹¹³).

Ҳазрат Поянда Муҳаммад саидлардан бўлиб, насаблари Ҳазрат Имом Ҳусайн разияллоҳу анҳуга бориб тақалади.

Мавлоно Поянда Муҳаммад Шоҳ Аҳси Ҳазрат Маҳдуми Аъзамнинг кўрсатмаларига мувофиқ Бухорога келадилар ва шу ерда Нақшбандия тариқатидан сабоқ бериб турғун бўладилар.

Бухоро амирлари, уламою косиблари Ҳазрат Шоҳ Аҳсининг муридлари бўлиб, бу зоти шариф маслаҳатларига амал этган.

“Нақшбандия тариқатиға оид кўлёмалар фикристи”да қуйидаги муҳим маълумот бор: “Боқий Муҳаммад Шикорий Фаноий ал Бухорий ҳазратлари Поянда Муҳаммад шогирдлари бўлиб, бир неча асарлар ижод қилган. Боқий Муҳаммад Шикорий “Мақоматул орифин” (“Маърифат эгаларининг мақомати”) номли асарнинг муаллифи ҳисобланади”. Асарда муаллифнинг устози ва пири Шайх Поянда Муҳаммад ибн Мир Дарвеш Муҳаммад ибн Мири Обид ал Ҳусайн ал Ахсикатий ал Аббосийнинг таржимаи ҳоли ёритилган. Бундан ташқари, унда форс-тожик адабиётида учрайдиган тасаввуфга оид мажозий иборалар лўғати ва изоҳи берилган. Асар 1607 йилда ёзилган.¹¹⁴

Ушбу сатрлардан маълум бўлаяптики, Ҳазрат Поянда Муҳаммаднинг таржимаи ҳоллари, кароматлари, ул зотнинг айтган ҳикматлари “Мақоматул орифин”да дарж қилинган экан.

Боқи Муҳаммад Шикорий ал Бухорийнинг “Жазоботул ошиқин” номли китоблари ҳам бор.

Ҳазрат Поянда Муҳаммад Шоҳ Аҳси Бухоронинг Файзобод мавзесида улкан хонақоҳ курдирганлар. Хонақоҳ мелодий 1596 йил қад кўтарган. Шунингдек, Бухоро шаҳри Самарқанд кўчасида Ҳазрат Поянда Муҳаммад катта жомеъ масжиди, икки қаватли мактаб, гумбазли таҳоратхона ҳам курдирган эдилар. Бу обиданинг номи Шоҳ Аҳси жомеъсидир.

Ҳазрат Мавлоно Поянда суфиёна руҳда ғазаллар ҳам ижод қилган:

**Эй, зи ишқат ин дили бечора ҳар дам ғарқи хун,
Б-эй, зи дардад гашта аз чашми тарам ҳар дам бурун,¹¹⁵**

Шарафиддин Роқимийнинг “Тарихи томм” китобида ёзилганки, Маҳдуми Аъзамнинг ўғиллари, пири муршид Хожа Абдулҳолиқ ва Мавлоно Поянда

¹¹² “Тухфат аз зоирин”. 116-саҳифа

¹¹³ К.Каттаев, «Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед». Самарқанд, “Сўғдиёна нашриёти”, 1994 йил, 30-б.

¹¹⁴ «Нақшбандия тариқатиға оид кўлёмала фикристи”. “Мовароуннаҳр” нашриёти. Т. 1993 й. 65-б.

¹¹⁵ «Энциклопедия адабиёт ва санъати точик”, Душанбе – 1988, 203-саҳифа.

Муҳаммад Шох Аҳси бир йилда вафот қиладилар. Боқи Дарзи Бухорий уларнинг ҳар иккаласи вафоти тарихини билдирувчи қитъани ёзган:

**Ду муршид аз жаҳон рафтанд, бурданд
Қарору сабр аз дилҳо саросар.
Бар вай синаҳо аз баҳри тарих
Рақам карданд: “Оҳ, дили муқаррар”.**

Мазмуни: Жаҳондан икки муршид ўтдилар-у сабру қарор дилдан кетди. Уларнинг вафот таърихи: “Оҳ, дили муқаррар” бўлди.

“Оҳ дили муқаррар” дан ҳижрий 1010 йил ҳосил бўлади.¹¹⁶

“Китоби назми Муллозода”да Ҳазрат Шох Аҳсининг вафот этган йилларини билдирувчи бошқа байт ҳам бор:

**Аз жаҳон рафт дар ҳазору даҳ
Сўйи дорул қарор он огаҳ.**

Мазмуни: Бу жаҳондан ул огоҳ зот кетди бир мингу ўнинчи йилда.

Ҳижрий 1010 йил мелодий 1601 йилга тўғри келади. Демак Поянда Муҳаммад 1601 йилда вафот қилганлар. Худди шу китобда Ҳазратнинг қабр жойлари ҳақида ҳам маълумот келтирилгандир:

**Дар Бухоро аст он рофеъ мақом,
Хоки ў маржаи хосу ом.
Ҳар баҳористон макон обод,
Он заминро ҳаст ном Файзобод.**

Мазмуни: Бу олий мақом жой Бухородадир. У ер хосу авомнинг зиёратгоҳи ҳисобланади. Жуда ҳам обод бўлган бу жойнинг номи Файзободдир.

“Тухфат аз зоирин” китобида ёзилганки, Ҳазрат Поянда Муҳаммад Шох Аҳсининг қабрлари Файзобод мавзесидадир.

Бухоро шаҳри ичидаги Шох Аҳси масжиди атрофидаги гузарнинг номи ҳам Шох Аҳси деб аталади.

Файзобод мавзесидаги Ҳазрат қурдирган хонақоҳ Шох Аҳси хонақоҳи дейилган, лекин ҳозир Файзобод жомеъ масжиди деб аталмоқда, Мазкур хонақонинг кунчиқар томонида мазористон бор. Ушбу мазорда Ҳазрат Поянда Муҳаммад Шох Аҳси дафн қилинганлар.

“Тухфат аз зоирин”да Ҳазрат Шох Аҳсининг мурид, шогирд, асҳоблари ҳақида ҳам маълумот бор. Улар қуйидаги авлиё, алломалардир: Ҳазрат Мавлоно Масти, Мавлоно Охунд Камолиддин Ваганзавий (ваф. 1652), Мавлоно Муҳаммад Қосим ал Бухорий Дарвозаи Оби (ваф. 1660), Мавлоно Шох Муҳаммад Сарроф ва бошқалар,

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, собиқ Иттифоқ замонида Аҳси жомеъсида (бу шаҳардаги Самарқанд кўчасидадир) пойафзал омбори, хонақоҳда эса жамоа

¹¹⁶ Шарафиддин Роқимий. «Тарихи томм». Т. «Маънавият». 1998 й. 144-б.

хўжалиги омбори жойлашган эди. Айни шу кунларда жомеъ ҳам, хонақоҳ ҳам , намозхонлар ихтиёрига берилгандир. Файзободдаги Ҳазрат Шоҳ Аҳси зиёратгоҳлари обод этилган.

Файзобод жомеъсининг имом-хатиби Ҳожи Отабек, хонақоҳни обод этмоқ, унинг атрофидаги боғни яна-да кўркам қилмоқ, зиёратгоҳни файзли этмоқ учун сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Шоҳ Аҳсавий жомеъсининг имом-хатиби Ҳожи Ҳайит сайъ-ҳаракати билан Шоҳ Аҳсавий зиёратгоҳида янги дарвозахона қурилиб, масжид тўла таъмирланди.

АМИР АВАЗҚХ.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Амир Аваз Ҳазрат Шоҳ Аҳсавийнинг муридлари эдилар. Амир Авазнинг кўдаклик пайти кўриб, Шоҳ Аҳсавий деган эканлар: “Ин мургаки мо рўзе хоҳад кибонг занад!” (Яъни бу жўжамиз бир кунмас бир кун хўроз бўлиб баланд қичқирадур!). Шоҳ Аҳсавий вафотларидан сўнг бир неча йил Амир Аваз шайхлик мақомида бўлдилар.

МАВЛОНО МИР РАҲМАТУЛЛОҲ Қ.С.

Мавлоно Мир Раҳматуллоҳ ҳам Ҳазрат Поянда Муҳаммад Шоҳ Аҳсавийнинг муридлари эдилар. Бу зоти шариф олий насаб бўлиб, насаблари Муҳаммад с.а.в.га бориб тақалади. Мавлоно Мир Раҳматуллоҳ ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот бор (117-саҳифа).

ХОЖА МУҲАММАД ЮСУФ Қ.С.

Хожа Муҳаммад Юсуф зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаган ўз замонасининг олими эдилар. “Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Хожа Муҳаммад Юсуф дейдиларки, бидоят ҳол (яъни бошланиш, ибтидо)да мен бемор бўлдим. Табиблар дардимга даво топишда ожиз қолдилар ва менга умуман сув ичмоқликни манъ қилдилар. Бир кеча туш кўрдим. Тушимда бир одам: “Сенинг дардинга даво Ҳазрат Шоҳ Аҳсавий хизматларидан ҳосил бўлар!” - деди. Иттифоқо, Ҳазрат Шоҳ Аҳсавийнинг ўзлари ҳолимни сўраб уйимизга келдилар ва бир косада сув олиб, андак ичдилар-да, қолганини менга ичмоқликка буюрдилар. Сувни ихлос билан ичдим ва дарҳол шифо топдим. Шу кундан эътиборан Ҳазрат Шоҳ Аҳсавийнинг муридлари бўлдим.” (17-саҳ.).

ҲАЗРАТ МАВЛОНО МАСТИ Қ.Х.

Ҳазрат Мавлоно Мاستи - Ҳазрат Поянда Муҳаммаднинг биринчи халифа (ўринбосар)лари эдилар. Бу зоти шариф ботиний ва зоҳирий илмларни мукаммал эгаллаб, иршод мақомига етганди.

Ҳазрат Поянда Муҳаммад Шоҳ Аҳси вафотларидан сўнг, яъни 1601 йилдан Ҳазрат Мавлоно Масти Нақшбандия тариқати муршиди сифатида муридларга сабоқ бера бошлайдилар.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Мавлоно Мастининг қабрлари Бухоро шаҳрининг ичида Камолиддин Охунд хонақоҳларининг шарқидадар.

**ҲАЗРАТ МАВЛОНО ОХУНД КАМОЛИДДИН
ВАҒАНЗАВИЙ қ.с.
(ваф. 1652)**

Ҳазрат Мавлоно Охунд Камолиддин Вағанзавий Ҳазрат Шоҳ Ахсининг етук ва машҳур муридлари ҳисобланади.

Ҳазрат Мавлоно Камолиддин ёздиларки: “Мен биринчи маротаба Ҳазрат Поянда Муҳаммад Шоҳ Ахси ҳузурларига келганимда, хонақоҳда жуда кўп киши тўпланган эди. Мен кўзга қуриқмайдиған жойга ўтириб ўз ичимда дедим: “Ҳазрат Шоҳ Ахси ўзларига мурид бўлишни ният қилиб келган кишини танишлари керак”. Шу онда Ҳазрат Шоҳ Ахси муруқабадан бошларини кўтариб, менга қарадилар-да дедилар: “Эй, мулло! Сизни бу хонақоҳга етаклаб келтирган одам, албатта сизни танийдур!” Бу жумлаларни эшитиб, Ҳазратнинг кароматларини кўриб, дарҳол ул зотга мурид бўлдим”.

Қисқа муддатда Ҳазрат Камолиддин Охунд юксак даража, мақом эгаси бўлдилар.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, бу зоти шариф сайъ-ҳаракатлари ва маблағлари билан Бухоро шаҳридаги Масжиди Калон қайта таръмирланиб, деворларига иақшлар солинган. Шунингдек, Хожаи Жаҳон зиёратгоҳида таҳоратхона қурилишига ҳам Ҳазрат Камолиддин Охунднинг ҳиссалари бор.

“Тухфат аз зоирин”да келтирилишича, Имомқулихон (1611-1642) саройида Ҳазратнинг муридларидан бири хизмат қиларди. Кунлардан бир кун шоҳ ҳалиги кишини жазолашга буюрди. Ул мурид қочиб Ҳазрат Камолиддин хонақоҳларига келди. Ўша пайтда Ҳазрат Масти ва Ҳазрат Камолиддин Охундлар муруқоба ҳолатида эдилар. Қочоққа етиб келган навкарлар уни ушлаб саройга элтмоқчи бўлдилар. Шунда Ҳазрат Камолиддин муруқабадан бош кўтариб, хонақоҳ бурчагида турган сув тўла кўзага қарадилар. Улкан кўза чил-чил синди. Ҳазрат Мавлоно Камолиддин навкарларга дедилар: “Бориб хонга айтинлар, ул кишининг вужуди мана шу сопол кўза каби чилпарчин бўлиб кетишини истамаса, дарвешларни ҳурмат этсин!”

Навкарлар амирга бу ҳолни баён қилганларида, Имомқулихон ҳукмини зудлик билан ўзгартириб, тавба қилди.

Ҳазрат Камолиддин Охунд 1652 йилда вафот қиладилар. Қабрлари Мавлоно Мастийнинг мозори ёнидадир.

ҚОЗИ МАҲМУД қ.с.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Ҳазрат Маҳмуд ҳам бир неча Бухорода қозилик мансабида бўлганлар. Бу зоти шариф Қози Нуриддиннинг ўғиллари ҳисобланади. Қози Нуриддиннинг насаблари Ҳазрат Мавлоно Валий Кўҳинурийга бориб тақалади (117-саҳифа).

Қози Маҳмуд ҳам Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг муриду мухлислари эди.

ХОЖА МУҲАММАД ШИРИН қ.с.

Хожа Муҳаммад Ширин Ҳазрат Поянда Муҳаммаднинг машҳур муридларидан бўлиб, бу зот Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг авлодлари ҳисобланадилар (“Тухфат аз зоирин”, 117 – саҳ.). Хожа Муҳаммад Ширин бир неча йил Ҳазрат Шоҳ Ахсавийга хизматлар қилдилар ва у

кишининг вафотларидан сўнг солиқларнинг раҳбари бўлдилар. Хожа Муҳаммад Шириннинг қабрлари Қоракўл туманидадир.

МИРЗО БАРГИЙ қ.с.

Мирзо Баргий Хожа Муҳаммад Шириннинг авлодларидан бўлиб, Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг муридлари эдилар. “Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Мирзо Баргийга Байтулло зиёрати ҳам насиб этган. Ҳажга бораётганда кемага минишга тўғри келган, бирдан осмонни қалин булут қоплаб, чакмоқ чақа бошлабди. Чакмоқ учқунлари келиб, бошқа кемадагиларга урилар, улар куйиб ҳалок бўларди. Мирзо Баргий Худога илтижо қиладилар, шу пайт бир отлик сувнинг устида пайдо бўладилар. Бу киши Ҳазрат Шоҳ Ахсавий эдилар. У киши Хожа Баргийга қараб: “Ғам еманглар, ишнинг охири хайрли бўладур!”-деб, ғойиб бўладилар. Дарҳақиқат тезда осмондаги булутлар тарқаб, чакмоқ оташлари ҳам йўқолади (118-саҳ).

ҲАЗРАТ МАВЛОНО МУҲАММАД ҚОСИМ АЛ БУХОРИЙ ДАРВОЗАЙОБИЙ қ.с.

Бу зоти шариф Ҳазрат Шоҳ Ахсавийдан, сўнг Мавлоно Камолиддиндан таълим олган. Ўз замонасининг олими. эдилар. “Тухфа аз зоирин”да ёзилишича, Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Қосим 1660 йил вафот қиладилар (120 – саҳифа). Қабрлари Ҳазрат Абу Бакр Гулободий қабрларининг ёнида эди. Шўролар замонида бу мазористон йўқотилган. Истиклол шарофатидан бунёд қилинган Дахмаи Беҳиштиёнда Ҳазрат Мавлоно Қосимнинг қисқача таржимаи ҳоллари ёзиб қўйилган лавҳа бор.

МАВЛОНО ШОҲ МУҲАММАД САРРОФ қ.с.

Мавлоно Шоҳ Муҳаммад Сарроф ҳам ўз замонасининг уламоларидан бўлиб, Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг муридлари бўлган. Шоҳ Ахсавий бу зоти шарифга шайхлик хирқасини кийгизганлар. Шоҳ Ахсавий ан Намангоний вафотларидан сўнг бир неча йил Бухоройи шарифдаги Кўйи Дарвозаи Оби масжидида шайхлик қилиб, тариқат аҳлини тўғри йўлга бошладилар (123-саҳифа).

МАВЛОНО СОЛИҲ қ.с.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилганки: “Аз озим ва асхоби хулафои дуввуми Ҳазрати Шоҳ Ахсавианд, аз хулафои арбаъаи эшон. Дарвиш, олим ка омил ва ориф ва комил ва мукаммал буданд” (123-саҳифа). Яъни Мавлоно Солиҳ Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг тўрт халифа (уринбосар)лари орасидан иккинчи халифалари эдилар. Ҳам дарвиш, ҳам илмига амал этувчи олим, ориф, комил ва мукаммал зот бўлганлар. Бу киши Мавлоно Солиҳ Таркибий номи билан машҳур эди. Мавлоно Солиҳ Бухоро шаҳри Ҳавзи Лесак ёнидаги марҳум Дўстбий Арғун масжидида шайхлик этиб, толибларни тўғри йўлга бошлаган.

МАВЛОНО ДАРВЕШ МУҲАММАД МИРОБОДИЙ қ.с

Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Мирободий Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг акобир (энг катта) муридлари ҳисобланадилар. “Тухфат аз зоирин”даги маълумотга кўра, бу зоти шариф Мирободда яшаб юрганларида ногоҳ қалбларида бир

жазба (илохий ишқ) пайдо бўлади. Гоҳ икки-уч кун ўзларидан кетар, беҳуд бўларди. “... Жазба ҳолатида бир кун Ҳазрати Хожаи Бузург (Ҳазрати Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний)ни кўрдим. Мени муридликка қабул қилдилар ва менга: “СеН Бухоро шаҳрига бор, Самарқанд Дарвозаси кўчасида истиқомат қилаётган азиз зот тарбиятинг билан машғул бўлгусидир” - дедилар-да ғойиб бўлдилар. Мен Бухоройи шарифга келиб, Ҳазрат Шоҳ Аҳсавийнинг Самарқанд Дарвозаси кўчасидаги хонақоҳларига кирдим. Салом-алекдан сўнг, хали мен гап бошламай, Ҳазрат Шоҳ Аҳсавий табассум қилиб, Хожаи Бузургнинг менга айтган сўзларини баён қилдилар ва мени муридликка қабул этдилар”. (125-сах).

Ҳазрат Шоҳ Аҳсавий Мавлоно Муҳаммад Дарвешга жойнамоз ва асоларини берган. Мавлоно Муҳаммад Дарвеш Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувоний зиёратгоҳларини обод этишда ўз ҳиссаларини қўшган. У ердаги ёғоч панжара, нарвон ва Ҳазрат қабрлари устидаги мрамртош Мавлоно Муҳаммад Дарвиш хизматларидир. Мавлоно Муҳаммад Дарвиш 1655 йил вафот қилган. Мавлоно Муҳаммад Дарвишнинг қабрлари Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувоний равзаларининг ёнидаги боғдадир.

СЎФИ МИРЗОХОЖА қ.с.

Бу зоти шариф Мавлоно Муҳаммаднинг ўғиллари бўлиб, Мавлоно Дарвиш Муҳаммадга мурид ва Ҳазрат Шоҳ Аҳсавийнинг улуг асҳоблари эдилар. Бу зоти шариф ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган. Мақомотлари олий бўлиб, кўп риёзатлар чекканлар. Бу зоти шарифнинг ҳовлилари Бухоро шаҳридаги Авлиёи Ғариб ёнида бўлиб, Ҳазрат Шоҳ Аҳсавийнинг хонақоҳлари (ҳозирги Самарқанд кўчаси)га яқин эди. Болалиқдан то вояга етгунча Ҳазрат Шоҳ Аҳсавийнинг хизматларини қилганлар. Ҳазрат Шоҳ Аҳсавийнинг вафотларидан сўнг йигирма йил мазкур хонақоҳда сокин бўлиб, кечалари ибодат билан бедор, кундузи рўзадор эдилар. Кейин Бухоро шаҳридага Гавкушон мадрасасида ўттиз йил давомида ибодат ва риёзат билан умр ўтказдилар. Сўфи Мирзохожанинг қабрлари Файзободда Ҳазрат Шоҳ Аҳсавийнинг мазорлари жануб тарафидадир (125 -сах).

ХОЖА МУҚИМ қ.с.

Хожа Муқим ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да ёзилганки: “Аз ақдамони асҳоби Ҳазрати Шоҳ Аҳсавианд. Дар “Мақомот” мазкур аст ки Хожа Муқим аз мақбулони Ҳазрати Шоҳ будаанд, ки аз камоли қабулият имоми пешнамози худ сохта будаанд ва муддати чандин сол дар намози он Ҳазрат бо эшон пайвастанд” (126-сах). Яъни Хожа Муқим Ҳазрат Шоҳ Аҳсавийнинг энг муқаддам асҳобларидан ҳисобланиб, Шоҳ Аҳсавий намозни адо қилаётганда, доимо Хожа Муқим имоматлик қилиш шарафига муяссар эдилар. Шоҳ Аҳсавийнинг мақбулларидан бўлган Хожа Муқим ҳам зоҳирий, ҳам ботиний илмларни эгаллаган аллома эдилар.

Хожа Муқимнинг жасадлари Имом Абу Бакр Ҳомид мазорларида кўмилгандир. Бу мазористон шўролар замонида йўқотилган. Истиқлол шарофатидан бунёд этилган Дахмай Беҳиштиёнда Хожа Муқимнинг ҳам қисқача таржимаи ҳоллари ёзиб қўйилган лавҳа мавжуд.

ШАЙХ МУЗАФФАР қ.с.

Шайх Музаффар ҳақларида “Тухфат аз зоирин” китобида маълумот берилган. Бу зоти шариф Ҳазрат Аҳмад Яссавийнинг авлодларидан бўлиб, Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг муридлари эдилар (126-саҳ).

Шайх Музаффар дейдиларки, бир кеча тушимда жуда ҳам баланд бир жойни кўрдим. Лекин ундай олий мақом жойгача бормоқ ҳар кимга ҳам насиб этмасди. Мен у олий жойга кўтарилдим. Эртаси куни Ҳазрат Шоҳ Ахсавий мухлисларининг бири уйига ташриф буюрдилар, мен тушимда кўрган воқеани у кишига баён қилмоқчи бўлдим. Лекин суҳбат тобора қизиқ борар эди, шунда суҳбат асносида Ҳазрат Шоҳ Ахсавий менга қараб дедилар: “Кеча тушингизда кўрган баланд жой, бу - мана шу суҳбатимиз ҳисобланади. Чунки бизнинг ёронларимизнинг ҳаммалари соҳибвақт, соҳибҳол, баланд ҳимматлидирлар!”

Шайх Музаффарга Ҳазрат Шоҳ Ахсавий иршод хати берганлар (яъни муридлар тарбияси билан шуғулланмоқ учун рухсатнома, шайхлик рухсатномаси).

Шайх Музаффарнинг қабрлари Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанд зиёратгоҳларига олиб борувчи йўл ёқасидадир.

АМИР ЗАРИФ МАСНАВИЙ қ.с.

Амир Зариф ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган. Бу зоти шариф Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг ҳурматли суҳбатдошлари, муридлари эди. Амир Зариф сайид (яъни пайгамбар с.а.в.) авлодларидан бўлиб, Бухорои шарифда туғилганлар. Амир Зариф Ҳазрат Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Маснавий”ларини шарҳлашда, унинг сирларини очишда янги-янги кашфлар этган замонасининг яғонаси эди.

Амир Зарифнинг қабрлари Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир қабрлари живори (яқини)дадир (126-саҳ).

ҲАЗРАТ ШАЙХ СИРОЖ қ.с.

Ҳазрат Шайх Сирож Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг машҳур асҳоблари, муридлари ҳисобланади. Бу зоти шариф Юсуф Ҳамадонийнинг авлодларидир. Шайх Сирож парҳезкор ва тақводор зот бўлганлар. Вояга етган вақтларидан бошлаб доимо жамоат билан намозни адо қилар, асло тарки жамоат этмасди. Иттифоқо, бир кун жамоат билан намоз ўқий олмадилар. Бундан кўнгиллари бениҳоя хижил бўлиб, Файзободдаги хонақоҳга келадилар ва хонақоҳга киришга ботинмай, ташқарида ўтирадилар. Ҳазрат Шоҳ Ахсавий суҳбат асносида дейдиларки, бир воиз бор эди. Унинг сўзлари таъсирли, дуоси ижобат бўларди. У ҳаж зиёратига бориб-келди. Лекин унинг нафасидаги ўткирлик, сўзидаги таъсир, дуодаги ижобат йўқолган эди. Бунинг сабабини воиздан сўраганларида, воиз деди: “Икки маротиба жамоат намозини тарк қилдим, мана шунинг оқибатида сўзларим саҳифа-аъсир, дуойим ижобат бўлмайди!” Ушбу гапларни айтдилар-да, сўнг мени чақирдилар: “Ташқарида уялиб ўтирган Шайх Сирож ичкарига киринг ва жамоат намозини тарк қилманг!” - дедилар (127-саҳ).

Ҳазрат Шайх Сирожнинг қабрлари Навоий вилояти, Қизилтепа тумани Ванғози қишлоғи яқинидадир.

ҲАЗРАТ ШАЙХ БОҚИ МУҲАММАД ШИКОРИЙ қ.с.

“Тухфат аз зоирин” китобида ёзилганки: “Ҳазрат Шайх Боқи Муҳаммад Шикорий қ.с. аз акмал асҳоби Ҳазрати Шоҳ Ахсавийанд ва мусаннифи китоби маноқиби Ҳазрати Эшон (яъни Шоҳ Ахсавий) “Мақомотул орифин” ва эшон фарзанди Мавлоно Муҳаммад ал машҳур ба Шайх Фаноий қ.с.анд.” (127-саҳ). Яъни Шайх Боқи Муҳаммад Шикорий Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг энг етук асҳобларидан бўлиб, Шоҳ Ахсавий ҳақларида “Мақомотул орифин” китобини ёзганлар ва бу зоти шариф Шайх Фаноий номи билан машҳур бўлган Мавлоно Муҳаммаднинг фарзанди аржумандларидир.

“Мақомотул орифин”да Ҳазрат Шайх Боқи Муҳаммад ёзадиларки, бир куни Ҳазрат Шоҳ Ахсавий билан бирга Ҳазрат Бобойи Самосий мазорларининг зиёратига бордик. Кечаси Мавлоно Муҳаммад Калон, Мавлоно Ҳожи Муҳаммад ва мен Ҳазрат Бобойи Самосий мазорларида мувоқабат этдик. Бир соатдан сўнг Мавлоно Муҳаммад қўлларида бир гул пайдо бўлди. Мавлоно Муҳаммад дедиларки: “Ҳазрат Бобойи Самосий бир даста қизил гулни қабрлари ичидан чиқариб менга бердилар.” Мен кўрдимки, Ҳазрати Бобойи Самосийнинг қабрлари очилиб, ул жойдан Ҳазрати Эшон (яъни Ҳазрат Шоҳ Ахсавий) чиқиб келдилар”...

ҲАЗРАТ МИРЗОЖОН ҚОРИ қ.с.

Ҳазрат Мирзожон ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган. Бу зоти шариф Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг муридлари бўлиб, зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаган, олими боамал эдилар, хусусан, Қуръони карим қироатида беназир бўлганлар. Ҳазрат Мирзожон Қори бир неча йил солиқларга муршид (устод)лик қилдилар.

Бу зоти шарифнинг қабрлари жойи ҳақида маълумот берилмаган.

ХОЖА ҲАМДИЙ РОМИТАНИЙ қ.с.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, бу киши Ҳазрат Хожа Авлиёи Ғарибнинг авлодлари ҳисобланадилар. Маълумки, Авлиёи Ғариб Ҳазрат Авлиёи Кабирнинг (ваф.1227) фарзандларидир. Авлиёи Кабир Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг шогирдлари бўладилар. Хожа Ҳамдий Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг муридлари бўлиб, ҳаж зиёратини адо қилганлар. Бир неча йил Самарқандда яшаб, толибларга тариқат сабоғини берганлар. Қабрлари Балх вилоятининг ташқарисидадир.

МАВЛОНО МУҲАММАД КАЛОН НОВДАКИЙ ТОШКАНДИЙ қ.с.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Мавлоно Муҳаммад Калон Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг етук шогирдлари эдилар (128-саҳ). Ҳазрат Шоҳ Ахсавий дердиларки: “Мавлоно Муҳаммад Калон Тошкандидан бизга Ҳазрат Хожа Аҳрори Валийнинг ҳидлари келадур.”

МАВЛОНО ИБРОҲИМ КАЛОН қ.с.

Бу зоти шариф Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг эски асҳобларидан бўлиб, қирк йил Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг хизматларида бўлганлар. Ҳазрат Мавлоно

Иброҳим жалол ва жамол сифатлари билан безангандилар. (“Тухфат аз зоирин”, 128-саҳ).

МАВЛОНО НАЗАР ТОШКАНДИЙ қ.с.

Мавлоно Назар ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган. Бу зоти шариф Тошкентда туғилиб, тариқат сабоғини Ҳазрат Шоҳ Ахсавийдан ўрганган. Мавлоно Назар Тошкандий кўпинча подшоҳлар ва ақобирлар билан бўладиган масалалар, ишларни ҳал этардилар.

МАВЛОНО МИРАК СЕПУЛОНИЙ қ.с.

Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг шогирдлари Мавлоно Мирак Бухоро туманининг Сепулон қишлоғида туғилганлар, қабрлари ҳам шу қишлоқдадир. Айни шу кунларда Бухоро енгил саноати ва озиқ-овқат технологияси институти ҳудудида ушбу зиёратгоҳ бор.

Мавлоно Мирак насаблари Ҳазрат Сайид Бандикушога (ваф.1004) бориб тақалади (128-саҳ).

ҲАЗРАТ ХОЖА БУРҲОНИДДИН ЗАНДАНАВИЙ қ.с.

Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг энг етук шогирдлари бўлиб, бу зоти шарифга муридлар билан суҳбат этмоқ, уларни тарбияламоқ вазифаларини топширгандилар. Ҳазрат Хожа Бурҳониддин Хайрохайре қишлоғидаги хонақоҳда муридлар тарбияси билан машғул бўлганлар (“Тухфатаз зоирин”, 128-саҳ).

МАВЛОНО МУҲАММАД МАКСОНИЙ қ.с.

Мавлоно Муҳаммад Мулло Хожа Ғиждувоний номи билан машҳур бўлиб, аввал Ҳазрат Мавлоно Хурд Азизондан, сўнг эса Ҳазрат Шоҳ Ахсавийдан тариқат сабоғини олган. Бу зоти шариф ҳам иршод хати олиб, толибларни тўғри йўлга бошлаган.

МАВЛОНО АБДУРАҲИМ ҚОРИ қ.с.

Мавлоно Абдураҳим Куръони Каримни тўла ёдлаган ва ўз замонасининг катта уламси бўлиб, Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг шогирдлари эдилар. Шайх Боқий Шикорий Мавлоно Абдураҳим хизматларини этиб, илм ўрганган эдилар (129-саҳ).

МАВЛОНО АВАЗ НАСАФИЙ қ.с.

Мавлоно Аваз Насафдан бўлиб, Ҳазрат Шоҳ Ахсавийдан тариқат сабоғини олганлар. Ҳазрат Шоҳ Ахсавий Мавлоно Авазга ўз ҳассалари ва мисвоқларини берганлар (129-саҳ).

МИР ҲОШИМ МАНОРИЙ қ.с.

Мир Ҳошим Манорий ҳам Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг муридлари бўлиб, Мир Ҳошим Ҳиндий номи билан машҳур эдилар. Бу зоти шарифнинг қабрлари жойи ҳақида маълумот топилмади.

АМИР САЙИД ЖОРУЛЛОҲ КАРМИНИЙ қ.с.

Амир Сайид Жоруллоҳ Карминий Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг шогирдлари бўлиб, зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаган замонанинг олими эдилар (129-сах).

МАВЛОНО ШОҲ МУҲАММАД КОТИБ қ.с.

“Тухфат аз зоирин” китобида ёзилганки: “Мавлоно Шоҳ Муҳаммад Котиб аз ачиллаи асҳоби Ҳазрати Шоҳ Ахсавианд ва аз мақбулон ва маҳбубони даргаҳ буданд” (129-сах). Яъни Мавлоно Шоҳ Муҳаммад Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг улуғ, ҳурматли асҳобларидан эдилар. Ушбу даргоҳнинг мақбули ва маҳбуби бўлганлар.

ХАЛИФА БОҶИ МУҲАММАД қ.с.

Халифа Боқи Муҳаммад Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг шогирдлари эдилар. Халифа Боқи Муҳаммад тариқат одобини ўргангандан сўнг, ҳаж зиёратини ҳам адо қилиб келган (129-сах).

АМИР ҲОШИМ ДЕВОНА қ.с.

Амир Ҳошим Девона ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган. Бу киши ҳам Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг шогирдлари эдилар.

АМИР ҲОШИМ ТАБИБ қ.с.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилганки: “Амир Ҳошим аз кибор асҳоби Ҳазрати Шоҳ Ахсавианд” (129-сах). Яъни Амир Ҳошим Табиб Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг улуғ асҳоблари эдилар. Бу зоти шарифнинг қабрлари ҳақида маълумот йўқ.

МАВЛОНО ҲОЖИ МУҲАММАД қ.с.

Мавлоно Ҳожи Муҳаммад ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган. Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг шогирдлари эдилар. Бу зоти шариф тариқат сабоғини ўз устодларидан пухта ўрганганди.

МАВЛОНО БОЛТАВИЙ МИЁНКОЛИЙ қ.с.

Мавлоно Болтавий Миёнколий зоҳирий ва ботиний илмларни эгаллаган олим бўлиб, тариқат сабоғини Ҳазрат Шоҳ Ахсавийдан ўрганган. Бу зоти шариф ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган (129-саҳифа).

МАВЛОНО СОЛИҲ ХАРАҚОНИЙ қ.с.

Мавлоно Солиҳ Миёнколнинг Харақон қасабасида туғилган бўлиб, тариқат сабоғини Ҳазрат Шоҳ Ахсавийдан ўрганган “Тухфат аз зоирин”, 129-сах). Бу зоти шариф уз замонасининг олими эди.

МАВЛОНО ШОҲБОБО қ.с.

Мавлоно Шоҳбобо Ҳазрат Хожа Абдулаввал Туркистонийнинг ўғиллари бўлиб, Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг шогирдлари бўлганлар. “Тухфат аз зоирин”да

ёзилишича, бу зоти шариф зоҳирӣ ва ботиний илмларни эгаллаган эди. (130-сах)

ҲАЗРАТ ҲОФИЗ қ.с.

Ҳазрат Ҳофиз ўз замонасининг мударриси бўлиб, насаблари Ҳазрат Абу Исҳоқ Гулободийга бориб тақалади. Бу киши Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг шогирдлари эди. (“Тухфат аз зоирин”, 130-сах).

ҲОФИЗ БОҶИЙ МАСНАВИЙХОН қ.с.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича: “Ҳофиз Боқий Маснавийхон аз мақбулони Ҳазрати Шоҳ Ахсавианд” (130-сах). Яъни бу зоти шариф Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг мақбулларида бўлган. Тарикат сабоғини Ҳазрат Шоҳ Ахсавийдан ўрганган.

МУЛЛО ДАРВЕШ МУҲАММАД ЧАРОҒ ЗАНДАНАВИЙ қ.с.

Мулло Дарвеш Пешқў туманидаги Зандани қишлоғида туғилганлар. Бу киши бир неча йил Ҳазрат Шоҳ Ахсавий суҳбатларида иштирок қилиб, чирокдорлик вазифасини адо этган ва Ҳазратнинг мақбуллари сафидан жой олган (130-сах).

МАВЛОНО ИБРОҲИМ КАЛОН қ.с.

Мавлоно Иброҳим Калон ҳақларида “Тухфат аз зоирин” китобида маълумот берилган. Бу зоти шариф ҳам Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг шогирдлари эди (130-сах).

МАВЛОНО МИР АЛИ қ.с.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича: “Мавлоно Мир Али аз қадимаи асҳоб ва ёрони коркардаи Ҳазрат Шоҳ Ахсавианд ва насаби эшон ба Мавлоно Пўстиндўз мерасад, ки мазори вай машҳур ба вилояти Андижон аст» (130-сах). Яъни Мавлоно Мир Али Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг эски асҳоблари ва хизмат кўрсатган дўстларидан бўлиб, насаблари Мавлоно Пўстиндўзга бориб тақалади. Мавлоно Пўстиндўзнинг қабрлари Андижон вилоятида машҳурдир.

МУЛЛО ШЕРМУҲАММАД ЗАВРАҚИЙ қ.с.

Мулло Шермуҳаммад ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот келтирилган. Бу киши ҳам тарикат сабоғини Ҳазрат Шоҳ Ахсавийдан ўрганган.

ШАЙХ ХУДОЙҚУЛ қ.с.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилганки: “Шайх Худойқул аз мақбулони мажзуби Ҳазрати Шоҳ Ахсавианд” (130-сах). Яъни Шайх Худойқул Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг мақбуллари ва мужзубларидандир (мажзуб - Аллоҳ йўлида девонаваш бўлган).

МУЛЛО АБУСАЛИМ қ.с.

Мулло Абусалим Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг шогирдларидан бўлиб, подшоҳлар ва зодагонлар ва бойлар хузурига зарурат тушганда борар эдилар.

Бу зоти шарифнинг муборак нафаслари баракотидан ишларнинг тугуни ечилар, мушкуллар ҳал бўларди. “Тухфат аз зоирин” китобида бу зоти шариф ҳақларида маълумот берилган.

ҲОФИЗ МУҲАММАД ҲУСАЙН МУНАВВАРИЙ қ.с.

Ҳофиз Муҳаммад Ҳусайн Мунавварий ҳақларида “Тухфат аз зоирин” китобида маълумот берилган (130-саҳ). Бу зоти шариф ҳам Ҳазрат Шох Ахсавийдан сабоқ олган эдилар.

ДАРВИШ ПОЯНДА МУҲАММАД МЎЛТОНИЙ қ.с.

Дарвиш Поянда Муҳаммад ҳам Ҳазрат Шох Ахсавийнинг муридларидан бўлиб, “Тухфат аз зоирин” китобида бу киши ҳақида маълумот бор. Дарвиш Поянда Муҳаммаднинг қабр жойлари ҳақида маълумот йўқ.

МАВЛОНО ҲОЖИ МУҲАММАД АМИН қ.с.

Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Амин Бухоро шаҳридаги Улуғбек мадрасасида Ҳазрат Шох Ахсавийни туш кўради ва мана шу тушнинг шарофатидан Ҳазрат Шох Ахсавийга мурид бўлади (130-саҳ). Бу зоти шариф Ҳазрат Шох Ахсавийнинг мақбул ва манзур шогирдлари эди.

МАВЛОНО КАВКАБИЙ қ.с.

Мавлоно Кавкабий ҳам Ҳазрат Шох Ахсавийнинг улуғ суҳбатдошларидан эди.

МАВЛОНО АБДУЛОЛИЙ қ.с.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилганки: “Мавлоно Абдулолий аз асҳоби жаҳондида ва Маҳодим дида ва ранжи сафар кишидаи эшонанд” (130- саҳ). Яъни Мавлоно Ҳазрат Шох Ахсавийнинг жаҳонни кўрган, сафар ранжу риёзатларини чеккан, хизмат кўрсатган асҳобларидан эдилар.

МУЛЛО САЙИД АЛИ ЗАНДАНАВИЙ қ.с.

Мулло Сайид Али Занданавий Ҳазрат Шох Ахсавийнинг нек эътиқод ва соҳиб эътимод (ишончли) асҳобларидан бўлганлар (130- саҳ).

ДАРВЕШ ДЎСТ МУҲАММАД МАСТУР қ.с.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Дарвиш Дўст Муҳаммад Ҳазрат Шох Ахсавийни тушларида кўриб, ишорат бўлгандан сўнг сулукка кирадилар. Ҳазрат Шох Ахсавийнинг етук шогирдлари бўладилар.

МАВЛОНО ОДИНА қ.с.

Мавлоно Одина ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот берилган (131-саҳ). Бу зоти шариф Ҳазрат шох Ахсавийнинг мақбул шогирдларидан бўлиб, мажзуб эдилар.

МАВЛОНО ОРТИҚ НАСАФИЙ қ.с.

Бу зоти шариф ҳақларида ҳам “Тухфат аз зоирин”да хабар, берилган. Мавлоно Ортиқ асли Насафдан бўлиб, Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг муридлари эдилар.

МУЛЛО АБДУЛЛО СИРОЖ қ.с.

Мулло Абдулло Сирож ҳам Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг муридлари эдилар. Бу зоти шариф Ҳазратга инобат этганларидан кейин, бир куни Шайтон васвасасига берилиб, бир гуноҳ ишга қўл ураётганларида ғайбдан бир қўл келиб, бир тарсаки уради. Мулло Абдулло Сирож дарҳол тавба қилиб, бу гуноҳдан қайтадилар. Кейин эса тўғри йўлга кириб, асло гуноҳ ишларга яқинлашмайдилар (130-саҳ).

МАВЛОНО АВАЗ САҚО қ.х.

Мавлоно Аваз Сақо ҳам Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг шогирдлари эдилар.

МАВЛОНО МУҲАММАД ҲОЖИ САЛЛОХ қ.с.

“Тухфат аз зоирин”да берилган маълумотга кўра Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг етук шогирдларидан бири Мавлоно Муҳаммад Ҳожи бўлган (130-саҳ).

МАВЛОНО ҲОЖИ МУҲАММАД СОЛИҲ МИЁНКОЛИЙ қ.с.

Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Солиҳ Миёнколий ҳам Ҳазрат Шоҳ Ахсавийнинг асҳоблари эдилар.

МАВЛОНО САЪИД ЗАНДАНАВИЙ қ.с.

Мавлоно Саъид Занданавий ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да маълумот бор (130-саҳ). Бу зоти шариф ҳам тариқат сабоғини Ҳазрат Шоҳ Ахсавийдан ўрганган.

МАВЛОНО ШОҲ МУҲАММАД ЗАНДАНАВИЙ қ.с.

Мавлоно Шоҳ Муҳаммад Пешкў туманининг Зандани қишлоғида туғилганлар. Бу зоти шариф ҳам Шоҳ Ахсавийдан сабоқ олган эдилар (130-саҳ).

ҲАЗРАТ БИБИ ОЙБИНОҚ ЗИЁРАТГОҲИ

Бухоро шаҳридаги машҳур Лаби Ҳовузнинг шарқий томонида Ойбиноқ жомеъа бор. Ушбу гўзал обидани Ҳазрат Биби Ойбиноқ ўз маблағларидан бино этганлар. Шўролар замонида Ойбиноқ масжиди отхона. нонвойхонага айлантирилган эди.

Истиклол шарофатидан Ойбиноқ жомеъси намозхонлар ихтиёрига берилди. Саховатли юртдошларимиз шарофатидан бу ерда янги хужралар, шунингдек, таҳоратхона қурилган.

Мазкур обиданинг шимолидаги ҳовли ичида Ҳазрат Биби Ойбиноқ қабрлари бор. Бу зиёратгоҳ Хожа Порсо кўчаси, 6 уйдадир.

ХОЖА МУҲАММАДИ ПАРРОН

Ҳазрат Хожа Муҳаммади Паррон қабрлари Тоқи Телпақфурушон остидадир. Бу зоти шариф миршабларнинг пири бўлганлар.

ХОЖА ТИРГАР

Ҳазрат Хожа Тиргар зиёратгоҳлари Бухоро тумани, Юкори Фошун ва Бегжуйи қишлоқлари орасидадир.

Ҳазрат Хожа Тирзан қабрлари Хожа Тиргарнинг ёнларида ҳисобланади. Ушбу мазорларни мазкур қишлоқ фуқаролари томонидан обод қилинаётир. Ушбу зиёратгоҳга Лоша йўли билан борилади.

ХОЖА ТАББАНД

Ҳазрат Хожа Таббанд зиёратгоҳлари Бухоро шаҳри, Хожа Таббанд кўчасида жойлашган. Бу ерда Хожа Таббанд номли жомеъ масжид. Хожа Таббанд қабрлари бор. Ҳазрат Хожа Таббанд улуг авлиё бўлиб, кароматли эдилар. Кимки иситма касалига чалинган бўлса, Ҳазрат Хожа Таббанд зиёратларига келиб, дуойи фотиҳа қилиб, Аллоҳ таолодан дардига шифо тиласа, албатта Аллоҳ дардига шифо беради.

Ҳазрат Хожа Таббанд мажмуалари обод қилинган.

ҲАЗРАТ МАВЛОНО ПОЯНДА СОКТАРЕГИ

(САДПИРАГИ)

Манбаларда ёзилишича, Ҳазрат Мавлоно Поянда Соктарегининг исмлари Абу Абдуллоҳ бўлиб, Мавлоно Поянда номи билан машҳур эдилар.

Бу зоти шариф Шайх Ҳусайн Хоразмийнинг шогирдлари ҳисобланади. Мавлоно Поянда Ҳазрат Шайх Ҳусайн Хоразмийдан тариқат сабоғини олган. Мавлоно ўз замонасининг олими, авлиёси, тарбиячиси эдилар.

Ҳазрат Мавлоно Поянданинг қабрлари Ғиждувон тумани, Соктаре қишлоғи тали (тепалик)нинг устидадир.

Қадимда Ҳазратнинг ва у кишининг шогирд фарзандларининг қабрлари устида улқан мақбара бўлган. Айни шу кунларда мақбаранинг вайроналари сақланган. Қабрлар устидаги мрамртошлардаги ёзувлар бор. Шу қишлоқнинг фуқароси Камолбобонинг айтишича, Шўролар замонасида мақбара ғиштларини олиб колхозда ишлатганлар.

Умид қиламизки, улуг пир, авлиё ҳазрат Мавлоно Поянданинг зиёратгоҳлари обод қилинади.

“Садпира” сўзининг маъноси шуки, ҳазрат Мавлоно (ёхуд у кишидан олдин ўтган авлиё) юзта пирдан таълим олган экан. Яъни юз нафар пири бор бўлган зот.

ҲАЗРАТ ХОЖА ҲОШИМ

(ваф. 1635)

Ҳазрат Хожа Ҳошим нақшбандия тариқати буюк пири муршиди, улуг валиюллоҳ, соҳибкаромат зот, атоқли тарбиячи, аллома эдилар.

Муҳаммад Доро Ҳанафий Қодирийнинг “Сафинатул авлиё”, Носириддин Тўранинг “Равойихул қудс”, Мирзо Салимбекнинг “Кашкўли Салимий”, К.Каттаевнинг “Махдуми Аъзам ва Даҳбед”, Н.Иўлдошевнинг “Бухоро

авлиёлари тарихи” китобларида ва бошқа манбаларда Хожа Ҳошим ҳақида хабар берилган.

Маълумки, кутби замон, буюк валиюллоҳ Ҳазрат Маҳдуми Аъзам Даҳбедийнинг ўғиллари Муҳаммад Аминхожа (Хожа Калонхожа) эдилар. Хожа Калонхожанинг (1517-1596) ўғиллари ҳазрат Хожа Ҳошим ҳисобландилар.

Носириддин Тўранинг ёзишича, Аллоҳ таоло Хожа Ҳошимга улуғ мақом, буюк даражалар ато этган: “Вайро мартабаи Ғавсул Аъзам (Шайх Абдулқодир Гелоний) ва мақоми Ҳазрат Хожаи Бузург (Баҳоуддин Нақшбанд) будааст. Ва дар машойихи муттаахирин ва дар табақаи Даҳбедия ҳеч яке аз машойихро мисли ин мартаба набудааст. Дар замони вай бинои хонақои файзгоҳи Даҳбедро Ялангтўш Баҳодурхон бино карда аст”.

Ушбу келтирилган иқтибосдан маълум бўлаяптики, Аллоҳ таоло Хожа Ҳошимга Ҳазрат Ғавсул Аъзам мартабалари ва Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мақомларини ато этган. Кейинги шайхлар ҳамда даҳбедлик машойихлардан бирор нафари ҳам бундай улуғ мартабага кўтарилган эмас экан. Даҳбеддаги файзли хонақоҳ Ялангтўш Баҳодирхон (ваф. 1656) томонидан қурилгандир.

Ҳазрат Хожа Ҳошим туғма валиюллоҳ бўлиб, ёшликларидаёқ ул кишининг каромати зоҳир бўлган. Ул зот болаликларида хонақоҳга келган кишиларнинг оёқ кийимига қараб: “Бу жаннатий, бу эса дўзахий!” деганлар. Табиийки, бундан айримлар норизо бўлади. Шу сабаб Ҳазрат Хожа Калон дейдиларки: “Бозордан нон олиб келиб, у кишига едиринглар!” Шубҳали таомни тановул қилганларидан сўнг Ҳазрат Ҳошимдаги бу қобилият йўқолган.

“Кашкўли Салимий”, “Тарихи Муқимхоний” китобларида ёзилишича, аштархоний Вали Муҳаммад Бухоро тахтидан ағдарилгандан сўнг Эрон ҳукмдори Шоҳ Аббос ҳузурига бориб, ундан ёрдам сўрайди. Вали Муҳаммад 80 минг эронлик қизилбош билан Бухоро устига бостириб келади. Бухоро амири Имомқулихон ночор қолиб, Ҳазрат Хожа Ҳошимга мурожаат қилади. Ҳазрат Хожа Ҳошим Имомқулихонга далда бериб, унинг ҳақиға дуо қиладилар. Мана шу дуонинг баракотидан Имомқулихон ушбу жангда енгади. Натижада Вали Муҳаммад асир тушиб, қатл этилади, қизилбошлар мағлуб бўлиб, кўплари қирилади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Ҳазрат Хожа Ҳошимга Бухоро амири Имомқулихон, Самарқанд ҳукмдори Ялангтўш Баҳодирхон ва бошқа подшоҳлар мурид муҳиб бўлган. Ҳазратнинг маслаҳатларига мувофиқ иш тутган. Ялангтўш Баҳодирхон Самарқанд марказида Хожа Ҳошим шарафларига Шердор мадрасасини қурдирган.

Хожа Ҳошим саховатда тенгсиз эдилар. Хожа Ҳошим мансуб бўлган “Силсилаи шариф” куйидагичадир: Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад (са.в.)дан бошланиб, Абу Бакр Сиддиқ (р.а.), Салмони Форсий (қ.с.), Қосим ибн Муҳаммад (қ.с.), Жаъфари Содик (қ.с.), Боязид Бастомий (қ.с.), Абул Ҳасан Ҳарақоний (қ.с.), Абул Қосим Гургоний (қ.с.), Абу Али Формадий (қ.с.), Абу Юсуф Ҳамадоний (қ.с.), Абдулхолиқ Ғиждувоний (қ.с.), Хожа Ориф Ревгарий (қ.с.), Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий (қ.с.), Хожа Али Ромитаний (қ.с.), Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий (қ.с.), Сайид Амир Кулол (қ.с.), Ҳазрат Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбанд (қ.с.), Алоуддин Аттор (қ.с.), Мавлоно Яъқуб Чархий (қ.с.), Хожа Аҳрор Валий (қ.с.), Мавлоно Муҳаммад Қози (қ.с.), Маҳдуми

Аъзам Даҳбедий (қ.с.), Хожа Ислоҳ Жўйборий (қ.с.), Хожа Калони Даҳбедий (қ.с.), Хожа Ҳошим Даҳбедий (қ.с.).

(К.Каттаев, “Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед”, Самарқанд “Суғдиёна”-1994 й. 87-88 саҳифалар).

Бухоро шаҳридаги Талипоч дарвозаси ташқарисида Чортуқ мазористони бор. Чортуқда Ҳазрат Хожа Ҳошим қадамжолари мавжуд. Бу зиёратгоҳ қадим замонлардан бери дуо ижобат бўладиган жой ҳисобланади. Зеро қутби замон, авлиёлар пири Ҳазрат Хожа Ҳошим ва ул зотнинг кўплаб Ҳаққа етган шогирдлари бу мавзеда анча муддат яшаганлар.

Манбаларда ёзилишича, Ҳазрат Хожа Ҳошим 1635 йилда вафот қиладилар. Қабрлари Самарқанддаги Даҳбедда, боболари ва оталарининг ёнидадир.

Ҳазрат Хожа Ҳошим қабрларининг оёқ томонида Афғонистон подшоҳлари Шоҳ Ҳидоят ибн Шоҳ Қосим, Шоҳ Саодат, шунингдек, Самарқанд ҳукмдорлари Ялангтўш Баҳодирхон, Амир Султонқули ва малика Иқлимабонулар кўмилган.

Ҳазрат Хожа Ҳошимнинг Хожа Абдулмўмин, Хожа Муҳаммад, Қосимхожа, Хожа Мажнун исмли фарзандлари бўлган.

ҲАЗРАТ ОХУНИ КАЛОН (ЮСУФ ҚАРАБОҒИЙ) (ваф. 1645)

Ҳазрати Охуни Калон номи билан машҳур бўлган зотнинг асли исми шарифлари Муҳаммадҷон Юсуф ал Қарабоғий ал Муҳаммад Шоҳийдир.

Улуг авлиё, тарбиячи, ҳикмат ва калом илмлари устоди, факих, тилшунос, тасаввуфшунос аллома, шоир Мавлоно Муҳаммадҷон Юсуф ал Қарабоғий ал Муҳаммад Шоҳий Озарбайжоннинг Қарабоғ шаҳрида туғилган.

Мавлоно Юсуф Ҳазрат Мирзоҷон Шерозийдан таълим олиб, ҳикмат(фалсафа), калом илмини ўрганди.

Ҳазрат Мавлоно Юсуф Қарабоғий Самарқандга келиб, кубравия тариқатининг пири муршиди Ҳазрат Халилуллоҳ Бадахшийга мурид бўладилар. Бадахшийдан ижозат олгандан сўнг Бухоройи шарифга келиб, толиби илмларга шариату тариқат илмидан сабоқ берган.

Юсуф Қарабоғий ҳақларида “Самаратул машойих”, “Тухфат аз зоирин”, “Маънавиятимиз юлдузлари” ва бошқа манбаларда хабар берилган. Бу зоти шариф мантиқ, араб тили, риёзиёт, луғатшуносликка доир йигирма тўртта асар ёзганлар. Ҳазаллар “Девони” ҳам бўлган.

Алломанинг “Рисолаи ботиния” (бу “Етти жаннат” деб ҳам аталади), “Рисолаи хилватия”, “Фи таърифил илм”, “Рисолаи фи баёнил жуз лайатажазза”, “Мафотих” каби асарлари Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда (“Маънавиятимиз юлдузлари”, Тошкент, А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999 йил, 274-саҳифа).

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Имомқулихон ҳукмронлиги даврида (1611 - 1642) Ҳазрат Мавлоно Юсуф билан ўша асрнинг алломаси Ҳазрат Шайх Ҳусайн ибн Мавлоно Поянда Соктарегий ораларида кўп баҳсу мунозаралар бўлиб ўтган экан ва охирида бу икки фозил зот бир-бири билан дўст бўлган.

Мавлоно Юсуф Қарабоғий Бухоро тумани, Сепулон қишлоғида яшаганлар ва шу ерда 1645 йил вафот қиладилар. Мавлононинг қабрлари айна шу

кунларда Бухоро тумани, Лоша кишлоғи йўлида бўлиб, бу олтинчи кичик ноҳия худудидадир.

Ҳазрат Мавлоно Юсуфнинг ўғиллари Шайх Яъқуб бўлиб, бу зоти шариф ҳам ўз замонасининг етук олими эди. Шайх Яъқубнинг қабрлари оталари кўмилган мазористондадир.

Айни шу кунларда Мавлоно Юсуф зиёратгоҳи бор, бу зиёратгоҳ Охуни Калон зиёратгоҳи номи билан машҳур. Қабрлар устидаги мрамартошда юкорида номи зикр этилган алломалар номи ёзилган. Айни шу кунларда ушбу зиёратгоҳда жомеъ масжид қурилмоқда, бу ер обод этилаяпти.

ТАВБАТУН НАСУҲО ҚАБРЛАРИ

Бухоро шаҳридаги Кемухтгарон гузарида Ҳазрат Тавбатун Насуҳо қабрлари бор. Бу зиёратгоҳ Мағоқи Атторон обидасининг шимолида жойлашган бўлиб, Туркман мадрасаси қарама-қаршисидадир.

ФИРИШКАН ЗИЁРАТГОҲИ

Ғиждувон туманида Фаришкан зиёратгоҳи бор. Бу ерда жомеъ масжид ва улкан мазор мавжуд.

Фаришкан сўзи “Фаришта канд”дан олинган экан. Бу ердаги ҳовузни фаришталар қазган деган нақллар бор. “Фаришта канд” – “фаришта қазди” маъносини билдиради. Фаришта канд бора-бора Фаришканга айланган, деб кексалар айтади. Ушбу зиёратгоҳда Хожа Шаҳид дафн қилинганлар, деган нақллар бор. Валлоҳу аълам.

ХОЖА ТУРОБ

Ҳазрат Хожа Туроб қабрлари Хожа Нуробод шоҳ кўчасининг жанубида Корхона гузарининг рўпарасида жойлашгандир.

ҲАЗРАТ МАВЛОНО ШАРИФ (1617-1690)

Ҳазрат Мавлоно Шариф буюк олим, улуғ тарбиячи, нақшбандия тариқатининг пири муршиди, валиюллоҳ, файласуф, фақиҳ ҳисобланадилар. Бу зоти шариф 1617 йил Бухоро шаҳрида туғилиб, 1690 йил вафот қиладилар.

Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Шариф фалсафа, тарих, шеърят, ҳуқуқшунослик, тилшунослик ва бошқа соҳаларга доир йигирмадан ортиқ асар ёзган ва бу китоблар бизгача етиб келган. Жумладан, Ҳазратнинг “Шарҳи Мулло” (А.Жомийнинг араб грамматикасига доир китобларининг шарҳи), “Шарҳи ақоид”, “Хужжат аз зоқирин”. “Тухфат ас солиқин”, “Дар баёни сулуки жаҳрия”, “Дар баёни сулуки хуфияи нақшбандия”, “Фавоиди ҳоқония” китоблари машҳур.

Мавлоно Шарифнинг “Шарҳи Мулло” китоблари ҳозирги кунгача мадрасаларда дарслик ҳисобланади. Ҳазрат Мавлоно Шариф Кўкалдош мадрасасининг охунди эдилар.

Мавлонодан минглаб кишилар сабоқ олган. Шоҳ Машраб Бухорога келиб Мавлоно Шарифдан таълим олганлари манбаларда ёзилган.

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Мавлоно Шарифнинг насаблари ота - томонидан Ҳазрат Имом Муҳаммад Ҳанифага, она томонидан эса Амир Сайид Оқил Кирмонийга бориб тақалади.

Тарикатдаги насаблари Ҳазрати Азизон номи билан машҳур Ҳазрат Олим Шайхга бориб уланади. Олим Шайхдан сўнг силсила куйидагича: Ҳазрат Фатхуллох, Ҳазрат Хожа Исмоил, Ҳазрат Камолиддин.

Зохирий илмларни Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Шариф Бухорий Ҳазрат Мавлавий Қосим ва Ҳазрат Мавлоно Юсуфдан олганлар.

Бухоро ҳукмдори Амир Абдулазизхон ибн Нодирмуҳаммад Ҳазрат Мавдоно Шарифнинг муридлари бўлган. Бу амир Бухорода 1645-1680 йилларда ҳукмдорлик қилган эди.

Абдулазизхон Ҳазрат Мавлоно маслаҳатлари, ўғитларига доимо амал этган. Ҳазратнинг дуоларини олган.

Тарихдан маълумки, Хива хони Ануша (1663-1687) Бухорога бир неча бор ҳужум қилиб, халқни талади, қишлоқларни вайрон қилди.

Мана шундай ҳужумларидан бирида Ануша Жўйбор мавзеигача босиб келади, халққа зулм этади. У пайтда Бухоро амири Абдулазизхон Карманда бўлган. Абдулазизхон лашкар билан Бухорога келганда, дарвозалар хиваликлар томонидан ишғол қилинган, шаҳарга киришга имкон йўқ эди. Шунда Ҳазрат Мавлоно Шариф бутун Бухоро аҳолисини ёвга қарши жангга бошлайдилар. Натижада душман чекинади ва Абдулазизхон уларни тор-мор этади.

Мавлоно Шарифнинг “Фавойиди ҳокония” китоблари Маҳмудхўжа Нуриддинов ва Маҳмуд Ҳасаний томонидан форс-тожик тилидан ўзбекчага таржима қилинди. У 1995 йил Тошкентдаги “Адолат” нашриёти томонидан чоп этилган.

“Фавойиди ҳокония” китоби 1643 йилда Бухорода ёзилган. Бу асар шаръий қонун-қоидалар, одоб-ахлоқ масалалари, энг муҳими, юрт раҳбарига берилган панду насихатларни ўз ичига олади. Шу боис бу китоб амирлар, амирзодалар, шунингдек, толиби илмларга қўлланма ҳисобланади. Олим ўта мураккаб, чигил, баҳсли масалаларни ҳам синчковлик билан таҳлил этади. У ояту ҳадис, шунингдек, мужтаҳид олимлар фикрига таянган ҳолда ўз ҳукмини чиқаради.

Мазкур китобда Язид масаласига олимнинг билдирган фикрлари нақадар холис эканлигига гувоҳ бўламиз: “Фақиҳ (олим)лар Язидга лаънат ўқишда ихтилоф қилганлар. Баъзилар айтадиларки, лаънат жоиз эмас, чунки у қибла аҳлидандур, икки йил мусулмонларнинг имоми (халифаси) бўлди.

Баъзиларнинг айтишича, лаънат жоиздир, чунки у Имом Ҳусайн р.а.ни (яъни Ҳазрат Муҳаммад с.а.в. невараларини) қатл этишни буюрди, шу сабабли у кофир бўлди.

Баъзилар айтадиларки, Язид Имом Ҳусайн р.а.ни қатл этишга буюргани йўқ, у жамоани Имом Ҳусайнга байъат (тобеъ бўлиш) қилиш учун юборди. Баъзилар дейдиларки, Язид Имом Ҳусайнни ўз хузурига олиб келиш учун одамларни жўнатган, лекин у жамоа Язиднинг фармонисиз Имом Ҳусайнни шаҳид қилди.

Бироқ тўғриси шуки, агар Язид Имом Ҳусайннинг қатлига амр қилган бўлса, ёки шунга розилик берган бўлса, демак, унга лаънат ўқиш жоиз. Агар аксинча, бўлса унга лаънат айтиш жоиз эмас”

(“Фавойиди ҳокония, 11-саҳ”).

Ҳазрат Мавлоно Шарифнинг кароматлари ҳам зоҳир бўлган. Нақл этилишича, Амир Абдулазизхоннинг иккала оёғи ҳам анча муддат шол бўлади. Муолажадан ҳеч бир фойда тополмаган Амир кунлардан бир кун хизматкорларига ўзини отга миндиришни буюрибти ва кўнглида: “Отни ўз ихтиёрига қўяман, қани у мени қайси пирнинг ҳузурига элтади. Пирдан дуо олай, шояд Аллоҳ оёғимни асл ҳолига келтирса” - деб ният қилибди. От Амирни Халфа Худойберди уйларига эмас, балки Ҳазрат Мавлоно Шариф дарвозалари ёнига олиб келибди. Хизматкорлар подшоҳ келганидан Мавлонога хабар берганда, уйдан туриб Мавлоно Шариф баланд товуш билан: “Амирнинг ўзлари отдан тушиб, тўғри ҳузуримизга юриб келсинлар!” - деб фармон берибдилар.

Амир беихтиёр отдан тушиб, Ҳазрат ҳузурларига юриб кирибди.

Унинг оёқлари асл ҳолига келган экан. Бу кароматни кўриб барча муридлар беҳуш бўлган экан.

Бухоро шаҳрида Мавлоно Шариф масжидлари, ҳужралари, мақбаралари бор. Мавлоно Шариф зиёратгоҳлари Абдулазизхон мадрасасининг орқасида, ҳозирги Хоразм кўчасида жойлашган.

Қадимда бу ерда Мавлоно Шариф номли гузар бўлган. Ушбу гузарда Мавлоно Шариф авлодлари яшаган. Ҳозир ҳам у кишининг авлодлари бор. Мавлоно Шарифнинг табаррук ҳассаларини кўз қорачигидек асраб келаётган Ибодатбиби Аҳророва ҳазратнинг авлодларидир.

Ихтиёрбобо Азизов (бу киши 1993 йил вафот қилдилар) ҳовлилари ҳам Мавлоно Шариф масжиди ёнида бўлиб, бу кишининг насаблари ҳам Мавлоно Шарифга бориб тақалади. Улар қатағон замонасида мажбуран ўз ҳовлиларини сотиб, Пўстиндўзон гузарига кўчганлар. Ихтиёрбобонинг фарзандлари Аброр, Асрор, Саттор, Раънолардир. Улар Мавлоно Шариф авлодлари эканлиги билан фахрланади.

СЎФИДЕҲҚОН ВОБКАНДИЙ

(тах. 1648 -1718)

Ушбу зиёратгоҳ Вобкент тумани Сўфидеҳқон номли қишлоқдадир. Сўфидеҳқон зиёратгоҳида қабр, қабр устида одми мақбара, тошқудук, хонақоҳ бор. Хонақоҳ гумбазининг баландлиги 15 метр.

Сўфидеҳқон соҳибкаромат авлиё бўлганлар. Ул зотнинг насаблари Ҳазрат Али карамоллоху важҳаҳуга бориб тақалар экан:

1. Ҳазрат кутбул ақтоб Эшон Сўфидеҳқон алайҳираҳма ризвонаҳу
2. Ҳазрат кутбул ақтоб Ҳазрат Мирсаид Ашурхожа а.р.
3. Эшон Ҳазрат Мирсаид Алихожа а.р.
4. Эшон Ҳазрат Мирсаид Бурҳонхожа а.р.
5. Эшон Ҳазрат Мирсаид Усмонхожа а.р.
6. Эшон Ҳазрат Мирсаид Мусохожа а.р.
7. Эшон Ҳазрат Мирсаид Исохожа а.р.
8. Эшон Ҳазрат Мирсаид Абдурахмонхожа а.р.
9. Эшон Ҳазрат Мирсаид Қурбонхожа а.р.
10. Эшон Ҳазрат Мирсаид Ҳомидхожа а.р.
11. Эшон Ҳазрат Мирсаид Қулхожа а.р.

12. Эшон Ҳазрат Мирсаид Ризохожа а.р.
13. Эшон Ҳазрат Мирсаид Абдуллохожа а.р.
14. Эшон Ҳазрат Мирсаид Обидхожа а.р.
15. Эшон Ҳазрат Мирсаид Зоҳидхожа а.р.
16. Эшон Ҳазрат Мирсаид Орифхожа а.р.
17. Эшон Ҳазрат Мирсаид Аълохожа а.р.
18. Эшон Ҳазрат Мирсаид Шаъбонхожа а.р.
19. Эшон Ҳазрат Мирсаид Бурҳонхожа а.р.
20. Эшон Ҳазрат Мирсаид Аълохожа а.р.
21. Эшон Ҳазрат Мирсаид Фалаҳхожа а.р.
22. Эшон Ҳазрат Мирсаид Баландхожа а.р.
23. Эшон Ҳазрат Мирсаид Нақибхожа а.р.
24. Эшон Ҳазрат Мирсаид Ҳимматхожа а.р.
25. Эшон Ҳазрат Мирсаид Фаҳриддинхожа а.р.
26. Эшон Ҳазрат Мирсаид Муҳаммадхожа а.р.
27. Эшон Ҳазрат Мирсаид Ҳасанхожа а.р.
28. Ҳазрат Имом Муҳаммад ноқа разияллоҳу таоло анҳу.
29. Ҳазрат Имом Абу Али Мусо р.т.а.
30. Ҳазрат Имом Жаъфари Содик р.т.а.
31. Ҳазрат Имом Муҳаммад Боқир р.т.а.
32. Ҳазрат Имом Зайнулобидин р.т.а.
33. Ҳазрат Имом Ҳусайн р.т.а.
34. Ҳазрат Амралмўмини Али ибн Абутолиб карамаллоҳу
важҳаҳу.¹¹⁷

Нақл этилишича, подшоҳ аркони давлатдаги аллома, авлиё, олимларнинг фаросати, илмини синамоқ бўлибди ва ҳаммаларини саройга йигиб дебди: “Ўртадаги дастурхон ичида нима бор? Кимеки топса, барча тилаги бажо келтирилади!” Ҳар ким ўз тахминини айтибти, лекин уларнинг башорати ҳақиқатга тўғри келмаскан. Подшоҳ: “Наҳот Бухородай мамлакатда битта бўлса-да фаросатли зот бўлмаса?” - деганда, доно вазир: “Олампаноҳ, узлатга чекинган деҳқончилик билан умргузаронлик этаётган бир улуғ обид борлар.

Исмлари Сўфидеҳқондур. Шу кишини ҳам саройга таклиф қилсак!” - дебди. Сўфидеҳқон саройга келибдилар ва у кишига ҳам юқоридаги саволни берибдилар. Ҳазрат Сўфидеҳқон андак мушоҳада этгандан сўнг, дебдилар: “Эй, олампаноҳ, атроф-жавонибни қидирдим, лекин дарёмиздаги бир балиқ “Во, болам!” деб турганини кўрдим. Дастурхонда мана шу балиқнинг боласи бўлса ажабмас!” Дастурхонни очиб кўрсалар, дарҳақиқат идиш ичида тирик балиқча турган экан. Подшоҳ Сўфидеҳқоннинг кароматларига тан бериб: “Тилагингиз не?” - дебди. Ҳазрат Сўфидеҳқон: “Олампаноҳ, менга жой ажратсангиз, битта хонақоҳ курсам савоби сизга ҳам, бизга ҳам қиёматгача тегарди!” - дебдилар. Жой ажратилиб, мазкур хонақоҳ қурилган экан. Сўфидеҳқон хонақоҳи 1690 йилда қурилгандир.¹¹⁸ Айни шу кунларда Сўфидеҳқон хонақоҳи намозхонлар ихтиёрига берилгандир. Тошқудук ҳамон халққа беминнат хизмат қилаётир. Хонақоҳ атрофида кўркам боғ қилинган.

¹¹⁷ Ҳ.Ризаев Хотира ва қадр. “Бухоро” нашриёти. 2009.

¹¹⁸ Ҳ.Ризаев «Ўтмишга бир назар» “Бухоро” нашриёти. 1998. 13-16-саҳифалар.

НАЗАР ЭШОН

Бухоро тумани, Кўл Юрин қишлоғида Назар Эшон қабрлари, масжид ва мазорлари жойлашган.

ХОЖА НИГОРИДДИН

Бухоро вилояти, Ромитан тумани, Ғазбирон қишлоғида Хожа Нигориддин зиёратгоҳи, мазори жойлашган.

Шу қишлоқнинг фуқароси Ибодбобо ўз фарзандлари билан Хожа Нигориддин масжидини янгидан бино қилдилар.

ХОЖА МУҲАММАД ПАЙРАВИЙ

Бухоро шаҳридаги Муҳаммад Пайравий гузарида Хожа Муҳаммад Пайравий зиёратгоҳи ва шу номли масжид бор.

Хожа Муҳаммад Пайравий Ҳазрат Баҳриддин Нақшбанднинг шогирдлари, пайравлари бўлган эканлар.

БИБИ ЗУДМУРОД ЗИЁРАТГОҲИ

Ҳазрати Биби Зудмурод зиёратгоҳи Ҳазрат Имом Абу Ҳафс Кабир мақбараларининг жанубидадир.

ҲАЗРАТ ШАЙХ ҲАБИБУЛЛОҲ ЖЎЙБОРИЙ

(ваф. 1718)

Ҳазрат Шайх Ҳабибуллоҳ Жўйборий буюк авлиё, тарбиячи, аллома эдилар. Бу зоти шариф Нақшбандия тариқати ривожига муҳим ҳисса кўшганлар, Шайх Ҳабибуллоҳ ҳақларида жуда кўп манбаларда, инчунин, “Рисолаи Азиза” – “Саботул ожизин” шарҳи китобида маълумот бор.

Нақл этилишича, Бухоро уламолари Ҳазрат Ҳабибуллоҳни подшоҳга ёмонлаб: “Бу жоҳил, нодон, лекин шайхлик даъво этиб, ўнлаб одамларни йўлдан оздирмоқда!” - дейдилар. Подшоҳ катта зиёфат ташкил этиб, барча уламоларни Арқда йиққан. Овқатдан фақат Шайх Ҳабибуллоҳ тановул қилмайдилар. Подшоҳ сабабини сўраганда, Ҳазрат: “Овқат ҳаромдур, шу боис уни емадим!” - дейдилар. Подшоҳ: “Ҳамма уламолар емоқда-ку!” - деганда, Ҳазрат Ҳабибуллоҳ: “Бу олимлар туну кун ҳаром нарса еган, шу сабаб уларнинг қалбидан нури ҳикмат кетган! Улар фаросати ўлгандур. Подшоҳим, уч кун бўлганки, бир канизагингиз ҳаром ўлган товукни қудуққа ташлаган. Тафтиш айланг. Ушбу қудуқ сувидан келтириб менинг эшагимга беринг. Ул асло ичмас” - дедилар. Дарҳол қудуқ сувидан келтириб Ҳабибуллоҳнинг эшакларига бердилар, эшак ичмади. Бошқа қудуқдан келтириб берилган сувни қониб ичди. Подшоҳ тафтиш этса, дарҳақиқат, қудуқдан ўлик товук чиқди. Мана шу ҳаром сувдан овқат пиширилган экан. Шайх Ҳабибуллоҳнинг бу кароматларини кўриб, подшоҳ ва барча арқони давлат у кишига мурид бўлди, фитначилар шарманда бўлди. (“Рисолаи Азиза” – “Саботул ожизин” шарҳи, Тошкент, А.Қодирий номли халқ мероси нашри, 2000 й. 8-9 с.).

Абдулазиз Хожа Амир Кулолийниинг “Тазкираи машойихи мутааххирини Бухоро” номли китобида кўплаб авлиёлар қаторида Ҳазрат Шайх Ҳабибуллоҳ ҳақларида ҳам маълумотлар берилган. (“Нақшбандия тариқатига оид қўлёзмалар фихристи”, “Мовароуннаҳр” нашриёти, Тошкент, 1993 й. 88-с.).

Ҳазрат Шайх Ҳабибуллоҳнинг Сўфи Оллоёр, Хожа Давлат, Хожа Ниҳол каби етук шогирдлари бўлган.

Шайх Ҳабибуллоҳ 1718 йил Бухорода вафот қиладилар. Бу зоти шарифнинг қабрлари Шайхул Олам мазоридадир.

ХОЖА ДАВЛАТ (ваф. 1711)

Ҳазрат Хожа Давлат тариқат сабоғини Шайх Ҳабибуллоҳдан ўрганганлар. Бу зоти шариф аштархоний Убайдуллоҳон ҳукмронлик йилларида (1702-1711) саройда катта мавқега эга бўлган. Жавшан Қалмоқнинг Убайдуллоҳонга нисбатан суиқасдини Хожа Давлат каромат орқали олдиндан айтганлар. Лекин Убайдуллоҳон Ҳазратнинг бу гапларига ишонмаган. Ғафлатда қолган Убайдуллоҳон 1711 йил фитначи Жавшан Қалмоқ томонидан ўлдирилди. Шундан сўнг Хожа Давлат моллари торож этилди. Хожа Давлат ҳажга кетаётганларида Қоракўлда Араб Ясавул томонидан ўлдирилган. Ўлимларидан олдин Хожа Давлат Араб Ясавулга: “Уйинг куйсин!” - деган эканлар. Ўша кеча Араб Ясавулнинг ҳовлиси бутунлайин куйган экан. Лекин кўшнилари уйига бу олов дахл этмаган.

Хожа Давлат ҳақларида Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” асарларида маълумот берилган.

Хожа Давлат 1711 йилда ўлдирилган бўлиб, бу зоти шарифнинг қабрлари Ҳазрат Абу Ҳафс мазорларидаги Биби Зудмурод зиёратгоҳи ёнидадир.

ХОЖА НИҲОЛ (ваф. 1711)

Ҳазрат Хожа Ниҳол тариқат сабоғини Ҳазрат Шайх Ҳабибуллоҳдан ўрганганликлари ҳақида тарихий манбаларда ёзилгандир. Бу зоти шариф Бухородаги мурдашўён гузарида мадраса, мактаб қурдирганлар. Бу кўча “Сомонийлар боғи”нинг кунчиқар томонидадир. “Убайдуллонома”да Хожа Ниҳол мақомотлари ҳақида маълумотлар бор.

Хожа Ниҳолнинг тақдирлари худди Хожа Давлат каби фожиавий тугайди. Бу зоти шарифни ҳажга Хожа Давлат билан бирга бораётганларида Қоракўлда шаҳид қиладилар.

Хожа Ниҳол қабрлари Хожа Давлат мазорлари ёнидадир. Яъни бу киши ҳам Ҳазрат Абу Ҳафс зиёратгоҳларида дафн қилинганлар.

НИЁЗМАМАТ ВАЛИЙ

Олог тумани, Кўккўз (Хидир эли) кишлоғида Ниёзмамат Валий ота мазорлари бор.

ХОНХЎЖАБОБО АВЛИЁСИ

Жондор туманида Хонхўжабобо авлиёси зиёратгоҳи ва мазори жойлашгандир.

ҲАЗРАТ ОХУНД МУЛЛО МУҲАММАД

Ҳазрат Охунд Мулло Муҳаммад буюк авлиё, ўз даврининг улкан алломаси, истеъдодли тарбиячи, забардасг шоир эдилар. Бу зоти шарифнинг тухаллуслари

Имлодир. “Имло” сўзи қуйидаги маъноларни билдириб келаркан: 1. Тўлдириш, тўла ифодалаш. 2. Белги, ишора. 3.Тўғри ёзиш(“Навий асарлари луғати”, Т. 1972 й. 273-с.).

Эшони Имло Бухорода 1686 йил туғилиб, шу ердаги мадрасаларда таълим олганлар. Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин” китобида ёзилишича, Ҳазрат Имло тўртта тариқатнинг пири муршиди бўлганлар. Булар кубравия, нақшбандия, ишқия, жаҳрия тариқатларидир. Шу боис бу зоти шарифни жомеус сулук (сулуклар мажмуаси) деб атаганлар.

Эшони Имлонинг кубравия сулукидаги пирлари Мирзо Баходур Ширбудуний, нақшбандия сулукидаги пирлари Хожа Подшоҳ Салим Балхий, ишқия сулукидаги пирлари Мавлоно Шайх Усмон Азизон қуддиса сиррухулар бўлган.

Эшони Имло ҳижрий 1162 йил, Раббиал аввал ойининг 18-куни, мелодий 1749 йил, 8 мартда вафот қиладилар. Ҳазрат Имло 63 йил умр кўрганлар.

Эшони Имлодан “Девон” қолган. Бухородаги кўплаб зиёлилар хонадонидан ушбу “Девон” бор. Эшони Имло ашъорлари сўфиёна руҳда бўлиб, ул зотнинг улкан истеъдод соҳиби эканликларидан дарак беради. Имло ғазаллари оммафаҳм, содда, равон ёзилган. Имло ғазалларининг маъзига ояту ҳадислар сингдирилган:

Имло, бизан худро бар суҳбати фақирон, Ки аз суҳбаги фақирон бўйи Муҳаммад ояд.

Яъни, Имло, сен доимо фақирлар билан ҳамсуҳбат бўл, зеро фақирлар суҳбатидан Муҳаммад с.а.в.нинг ҳидлари келади.

Душанбедаги “Ирфон” нашриётида 1977 йил нашр этилган “Гулшани адаб” китобининг 4-жилдида Имло ғазаллари ва рубоийларидан намуналар берилган. “Гулшани адаб”да ёзилишича, Эшони Имло ўз “Девон”ларини 1749 йил, яъни умрлари поёнига етишидан андак олдин тузганар ва ушбу “Девон”ни шогирдлари мулло Абдурахим Афғонга бағишлаганлар.

Эшони Имло ашъорлари форс-тожик тилида ёзилган. Имло ғазаллари, рубоийларидан намуналарни бухоролик шоир, моҳир таржимон Самандар Воҳидов ўзбекчага таржима қилиб “Бухорийлар бўстони” (Т. “Ёзувчи”, 1998 й.) мажмуасида эълон этди.

Эшони Имло ҳақларида рисола чоп қилингандир (Садриддин Салим Бухорий, “Эшони Имло, Халфа Худойдод” тарихий рисола, “Бухоро” нашриёти, 2002 й. “Имло Бухорийнинг назмий гулдастаси», Т. “Фан” - 2005 й., Ғазаллар ва рубоийларни нашрга тайёрловчи Дилором Каримова).

Эшони Имлонинг нақшбандия тариқатидаги силсилалари қуйидагичадир: Расули Ақрам Муҳаммад с.а.в.дан тўртта хулафои рошидинга, улардан Салмони Форсийга, ул зотдан Қосим ибн Абу Бакрга, ул зотдан Имом Жаъфар Содиққа, ул зотдан Боязид Бастомийга, ул зотдан Абулҳасан Харақонийга, ул зотдан Формадийга, ул зотдан Юсуф Ҳамадонийга, ул зотдан Абдуҳолик Гиждувонийга, ул зотдан Хожа Ориф ар Ревгарийга, ул зотдан Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийга, ул зотдан Хожа Али ар Ромитанийга, ул зотдан Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийга, ул зотдан Сайид Мир Кулолга, ул зотдан Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандга, ул зотдан Хожа Алоиддин Атторга, ул зотдан Хожа

Муҳаммад Порсога, ул зотдан Мавлоно Яъкуби Чархийга, ул зотдан Хожа Носириддин Убайдуллоҳ Аҳрорга, ул зотдан Хожа Муҳаммад Қозига, ул зотдан Ҳазрат Махдуми Аъзамга, ул зотдан Хожа Муҳаммад Ислои Жўйборийга, ул зотдан Хожаи Калонга, ул зотдан Муҳаммад Амин Даҳбедий (Махдуми Аъзам ўғиллари)га, ул зотдан Ҳошим Ҳазратларига, ул зотдан Хожа Авлий Ҳазратларига, ул зотдан Подшоҳ Салим Балхий ҳазратларига ва ул зотдан жомеус сулук ва тариқат Мавлоно Муҳаммад Эшони Имло ҳазратларига илоҳий файз етди.

Эшони Имлонинг бешта халифа (ўринбосар)лари бўлган. Улар қуйидагилардир: Шайх Домло Ниёз Чақмоқий, Шайх Халифа Болтабой Бухорий, Шайх Охунд Мулло Ниёз Сўфий, Шайх Домло Неъматуллоҳ Ошиқ.

Эшони Имлонинг ота томонидан насаблари Ҳазрати Али р.а.га бориб тақалади. “Тухфат аз зоирин”да ушбу шажара ҳам келтирилгандир: Мулло Муҳаммад Имло ал Бухорий ибн Алоиддин Азизон Шайх Сайфиддинхожа ибн Ходихожа ибн Увайс Шайх Ибн Аҳмад Шайх ибн Бобоюсуфхожа ибн Али Маҳмуд Шайх ибн Толиб Шайх^И 11 гцдйх ибн Бобогосуфхожа ибн Али Муртазохожа ибн Юнус Шайх ибн Аҳмад Шайх ибн Маҳмуд Шайх ибн Толиб Шайх ибн Абдулжалил Шайх ибн Сулаймон Шайх ибн Мусо Шайх ибн Ҳорун Шайх ибн Абдулқаҳҳор Шайх ибн Абдулфаттоҳ ибн Имом Муҳаммад Ҳанифа ибн Амрал Мўьмин Али ал Муртазо р.а.

Эшони Имлонинг она томонидан насаблари Ҳазрат Али р.а. ва Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ р.а.ларга бориб тақаларкан. Ушбу шажара ҳам “Тухфат аз зоирин”да бор: Эшони Имлонинг оналари Бибихоним Подшоҳ бинти Саид Паҳлавонхожа ибн Сайид Мустафохожа ибн Сайид Абдурахимхожа ибн Мири Хурд ибн Мир Абдулаввал ибн Сайид Муртазо ибн Сайид Ҳидоятуллоҳ ибн Сайид Жаъфар ибн Сайид Маҳди ибн Сайид Маҳмуд Румий ибн Сайид Али Акбар ибн Ҳазрат Имом Ҳасан Аскарый ибн Имом Али Тақи ибн Имом I Муҳаммад Нақи ибн Имом Али Мусо ар Ризо ибн Мусо Козим ибн Имом Жаъфари Содик ибн Имон Муҳаммад Боқир ибн Имом Али Асғар (яъни Имон Зайнулобидин) ибн Сайид аш шуҳадо ал Ҳусайн ибн Сайидат ат нисо Фотима бинти Муҳаммад с.а.в.

Ҳазрат Охунд Мулло Муҳаммад Эшони Имлонинг муборак қабрлари “Эшони Имло” қабристониди бўлган. Ушбу мазористонда куплаб авлиё, шунингдек, Бухоро амирлари дафн қилинган. Лекин собиқ Иттифоқ даврида бу мазористон ҳам вайрон этилди, бу зиёратгоҳ йўқотилди. Эшони Имло мазористони устида Ибн Сино мактаби қурилди. Эшони Имло зиёратгоҳида тарихий сардоба ҳам бор, бу Эшони Имло сардобалари ҳисобланади. У ҳам ярим вайрона ҳолга тушган эди. Саховатпеша инсон Ҳожи Улуғбек Абдуллаев сайъ-ҳаракати, у киши раҳбарлик этаётган “Бухорийлар авлоди” фирмаси маблағи билан ушбу Эшони Имло сардобалари таъмирланиб, асл ҳолига келтирилди. Сардоба ёнидаги гузар Эшони Имло гузари деб аталган. Ҳазрати Эшони Имло қадамжолари Ромитан туманида, Бухоро шаҳрида ҳам бор.

Биз қуйида Ҳазрат Эшони Имлонинг битта ғазалларини асл нусхада ва унинг таржимасини (таржимон Самандар Воҳид) ўзбек тилида бераяпмиз:

**Дар вақти субҳгоҳон бўйи Муҳаммад ояд,
Андар сабоҳи мардон бўйи Муҳаммад ояд.**

**Рафтам ба сўйи бўстон, гулҳо шукуфта дидам,
Аз чониби гулистон бўйи Муҳаммад ояд.
Дар мавсуми гулу мул, хушхонд дўш булбул,
Аз булбули хушилхон бўйи Муҳаммад ояд.
Аввал бикун таҳорат, в-онгаҳ бикун ибодат,
Аз дили субҳхезон бўйи Муҳаммад ояд.
“Тоҳо” бихону “Ёсин”, в-онгаҳ бигў “Омин!”
Аз сураҳон Қуръон бўйи Муҳаммад ояд.
“Вашшамс” васфи рўяш, “Валдайл” васфи мўяш,
Аз зоти поки субҳон бўйи Муҳаммад ояд.
Имло, бизан худро бар сўхбати ғарибон,
Аз сўхбати ғарибон бўйи Муҳаммад ояд.**

Таржимаси:

**Ҳар субҳидам азондан Муҳаммад хиди келгай,
Ҳам замин ҳам осмондан Муҳаммад хиди келгай.
Айладим сайри бўстон, гуллар хушбўй хандон,
Гўё боғи ризвондан Муҳаммад хиди келгай.
Фасли гулу фасли май, будбуллар бунча хушхон,
Булбули ғазалхондан Муҳаммад хиди келгай.
Айла аввал таҳорат, кейин айла ибодат,
Сахархез ҳар инсондан Муҳаммад хиди келгай.
Уки “Тоҳо”ю “Ёсин”, сидқ ила айла “Омин!”
Ҳар сураи Қуръондан Муҳаммад хиди келгай.
Юзининг васфи “Вашшамс”,
сочининг васфи “Валлайл”,
Зоти поки субҳондан Муҳаммад хиди келгай.
Имло, ўзингни ургил ғариблар сўхбатига,
Бу сўхбати жонондан Муҳаммад хиди келгай.**

ШАЙХ НИЁЗ ЧАҚМОҚИЙ

Ҳазрат Шайх Ниёз Чақмоқий зиёратгоҳи Бухоро туманидаги Лоша мавзеида жойлашган. Бу киши Хожа Чақмоқ қишлоғида туғилганлар.

Ҳазрат Шайх Ниёз Ҳазрат Эшони Имлонинг етук шоғирдлари бўлган. Бухоро шаҳрида Шайх Ниёз Чақмоқий хонақоҳи ҳам машхур

Бўлиб, унда жаҳрия зикрига амал этилган экан. Ҳазрат Шайх Ниёз Чақмоқий тухматнинг қурбони бўлиб, шаҳид қилинганлар.

Ҳазрат Шайх Ниёз Чақмоқийнинг қабрлари туғилган қишлоқлари, яъни Хожа Чақмоқ қишлоғидадир.

Айни шу кунларда Ҳазрат Ниёз Чақмоқий қабрлари, умуман, мазористон Темур ака Ғаниев ташаббуслари билан Аҳмад ва Анваржон Кароматовлар томонидан обод қилинган. Бу масканнинг қадимий номи Лошадир.

ХОЖА АҲМАД ВАЛИЙ БУХОРИЙ (XVII-XVIII)

Фарғона тумани маркази - Водил қишлоғида ёши минг йилга тенг деб тахмин қилинаётган азим Чинор дарахти бор. Чинорнинг пастки қисмида 7-8 киши сифадиган ковак мавжуд. Кексаларнинг айтишича, чинорга яқин жойда катта жомеъ масжид, мадраса бўлган ва улар атрофида мазор жойлашган.

XVII аср охири ва XVIII аср бошида мазкур чинор яқинида Бухорода таваллуд топган ва ҳаётининг сўнгги йилларида Водилда яшаган улуғ тарбиячи, мударрис Хожа Аҳмад Валий мақбараси қурилган.

ХОЖА ҚАЛАНДАР

Ғиждувон тумани, Ташгарон қишлоғида Хожа Қаландар зиёратгоҳлари бордир.

ХАЛИФА ХУДОЙДОД (ваф. 1800)

Ҳазрат Халифа Худойдод тариқатнинг улуғ пири, буюк тарбиячи, аллома, авлиё бўлганлар. Бу зоти шариф кишиларни тўғри йўлга, ҳалолликка даъват этиб, Қуръони Карим оятлари, пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. суннатларини халққа тушунтириш, уларни эл орасида ёйиш учун хизмат этганлар.

Ҳазрат Халифа Худойдод ҳақларида Ҳумулийнинг “Тарихи Ҳумулий”, Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин” китобларида, шунингдек, немис тасаввуфшуноси Анке фой Кюгелькен, ўзбек тасаввуфшуноси Бахтиёр Бобожонов, тадқиқотчи Масъудхон Исмоилов китоб ва илмий мақолаларида маълумотлар берилган.

Ҳазратнинг тўлиқ исмлари Шайх Худойдод ибн Тошмуҳаммад Азизон ал Бухорий ҳисобланади.

Ҳумулий ва Носириддин Тўранинг ёзишларича, Мавлавий Худойдод асли хоразмлик бўлиб, яссавия тариқатининг улуғ пири эдилар ва зикри жаҳрия (яъни баланд товушда зикр этмоқ)ни ёйишда хизмат қилдилар.

Ҳазрат Халифа Худойдод Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасида таълим олган. Бу зоти шариф зоҳирий илмларни пухта ўргангандан сўнг, тариқат сабоғини яссавия тариқатининг пири муршиди Ҳазрат Азизон Лутфуллоҳ Шайхдан оладилар. Ҳазрат Лутфуллоҳ Халифа Худойдодга иршод хати (яъни ижозат хати)ни берган. Маълумки, Халифа Худойдод яшаб фаолият кўрсатаётган даврда Бухорода нафақат накшбандия, балки қодирия, кубравия, яссавия тариқатларининг муриду муршидлари, ихлосмандлари бисёр эди.

Халифа Худойдод Ҳазрат Азизон Лутфуллоҳ Шайхнинг ишоратлари билан Пирмастда (Вобкент туманида)ги Кўли Одина мавзеида жойлашган Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавийнинг табаррук мазорлари яқинига бориб, истиқомат қиладилар. Ҳазрат Халифа Худойдод бу ерда хонақоҳ қурадилар ва икки юз таноб ерни хонақоҳ учун вақф қиладилар.

“Тухфат аз зоирин”да таъкидланишича, 1785 йилда манғитлар сулоласига мансуб амир Шохмурод Бухоро ҳукмдори бўлди. Шу даврда Ҳазрат Халифа Худойдод Пирмастан Бухоро шаҳрига, келадилар. Амир Шохмурод олим, Шайхларни ҳурмат қилгани боис, Халифа Худойдодни ҳам шаҳарга таклиф этган.

Халифа Худойдод ҳазратлари Бухоро шаҳридан ўн икки таноб ер сотиб олиб, у ерда тошдан хонақоҳ, хонақоҳ ёнида қирқта хужрали мадраса, сардоба ва таҳоратхона қурадилар. Ушбу мажмуа ҳижрий 1211 (мелодий 1786) йилда қурилган бўлиб, Халифа Худойдод обидаси номи билан машҳурдир. Халифа Худойдод ҳар бир бино учун алоҳида вақф таъсис этганлар.

Ҳазрат Халифа Худойдод Яссавия тариқатининг пири бўлганлари боис, ушбу тариқатдаги зикр одоби, яссавия тариқати ғоялари ва мақсадларини баён қилувчи бир неча китоблар ёзган. Жумладан, бу зоти шарифнинг “Баҳрал улум” (“Илмлар денгизи”), “Жомеъал Баҳрайн» (“Икки денгизни бирлаштирувчи”), “Фирдавс ал уламо” (“Олимлар гулшани”), “Танбеҳ аз золлин” (“Адашганларга танбеҳ”), “Бўстон ал муҳибин” (“Дўстлар боғи”), “Тариқаи вусул илаллоҳ” (“Аллоҳга етишиш йўли”) китоблари борлиги манбаларда ёзилган.

Лекин бизгача фақат “Баҳрал улум”, “Фирдавс ал уламо”, “Писанди зикри жаҳрия” номли китоблари етиб келган.¹¹⁹ Ҳазратнинг “Баҳрал улум” китоблари минг саҳифадан иборат бўлиб, у 1782 йилда ёзилган. Унда Яссавия тариқати мақомлари, шартлари, йўллари баён қилингандир.

Ҳазрат Халифа Худойдоднинг “Фирдавс ал уламо” китоблари “Қаноат”, “Сабр”, “Тақво”, “Зухд” ва бошқа боблардан иборат бўлиб, унда буюк сўфийлар ҳикмати, уларнинг ҳаётларидан олинган ибратли воқеалар орқали муаллиф ўз ғоясини баён қилган. Ушбу асарнинг “Қаноат” бобида Халифа Худойдод ёзадилар: “Қаноат - қўлда бор нарсага рози бўлиб, мавжуд бўлмаган нарсани талаб қилмаслик. Қаноат - бор нарса қўлдан кетганда ҳам хотиржам бўлишдир.” Зуннун Мисрий раҳматуллоҳи алайҳ дейдиларки: “Кимеки қаноатли бўлса, у замондошларидан роҳат кўради (яъни замондошлар эҳтиромига сазовор бўлади) ва унинг қўли ҳаммадан узун бўлади”. Имом Ғаззолийнинг “Тафсири”да ёзилганки, баъзи ҳақимлар деганлар: “Мол тўплаш нодонлик белгиси, молу дунёни севиш мунофиқлик белгиси, молу мулкка бахиллик қилиш эса кофирлик белгисидир!” Маърифат аҳли деганларки: “Қаноат озга рози бўлиш ва етган нарсага кифояланиш”. Бир олим шундай деган: “Қаноат одамлар қўлидаги нарсаларни тарк этиб, қўлингдаги нарсаларни ундан яхши деб билмоғингдир.” Айтадиларки, қаноат қалбнинг руҳи ва жасаднинг роҳатидир. Ҳақимларнинг баъзилари, қаноат ҳеч кимдан бирор нарса олмаслиқдир, деганлар. Фузайл ибн Иёз р.а. деганларки: “Одамларга энг севикли инсон - уларга беҳожат бўлиб, бирор нарса сўрамаган кишидир. Одамларга энг ёқимсиз киши - уларга муҳтож бўлиб, бирор нарсани сўраган касдир. Аллоҳ таолога энг сеvimли киши – Аллоҳ таолога муҳтож бўлиб, Ундан бирор нарса сўраган кишидир. Аллоҳ талога энг ёқимсиз киши - Аллоҳдан беҳожат бўлиб, Ундан бирор нарса сўрамаган одамдир.¹²⁰

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, Халифа Худойдоднинг вафотлари амири кабир, яъни амир Шохмуроднинг марҳум бўлганидан олти ой ўтгандан сўнг ҳижрий 1215 (мелодий 1800) йилда воқе бўлган. Жанозаларига Амир Ҳайдар келадилар. Муборак қабрлари ўз мадрасалари яқинидадир.

Маълум бўлаяптики, улуғ пир Халифа Худойдодга нафақат Амир Шохмурод, балки амир Ҳайдарнинг ҳам ихлоси баланд бўлган экан.

¹¹⁹ Масъудхон Исмоилов. «Шайх Худойдод қаламига мансуб янги манбаа». “Имом ал Бухорий сабоқлари” журнали. 3-сон. 2004 йил. 222-саҳифа.

¹²⁰ М.Исмоилов. “Шайх Худойдод қаламига мансуб янги манба”

Халифа Худойдод қабрлари яқинида Сўфи Хожа, Домло Омонулло Хожа Охунд қабрлари ҳам бўлган.

Собик Иттифоқ даврида Халифа Худойдод хонақоҳлари, сардобалари, ҳужралари қаровсизликдан вайронага айлантирилган эди. Бухоро шахрининг Жўйбор мавзесида жойлашган бу мажмуага зиёрат қилиш таъқиқланганди.

Истиклол шарофатидан хонақоҳ ҳукуматимиз томонидан асл ҳолига келтирилди. Сардоба, ҳужралар таъмирланди. Ушбу мажмуа зиёратчилар учун ҳамиша очиқ. Хонақоҳ намозхонлар ихтиёрига берилган.

Ушбу зиёратгоҳда У.Абдуллаев томонидан янги таҳоратхона қурилди, мажмуанинг супалари таъмирланди, зиёратгоҳнинг шимол томонидаги қабрлар устида янги сагана бунёд қилинди.

Халифа Худойдод зиёратгоҳи Бухоро шаҳридаги Халифа Худойдод кўчасида жойлашган.

ШАЙХ ҲАЛЛОЖ

Шайх Ҳаллож зиёратгоҳи Бухоро шаҳар Тағбандбофон масжидининг қибла томонида жойлашгандир. Бу ерда қабр ва туғ бор.

ИСҲОҚБОБО (ИСҲОҚ ОТА) ЗИЁРАТГОҲИ

Ҳазрат Исҳоқбобо зиёратгоҳлари, Қашқадарё вилояти, Навбахор туманидаги чўлда жойлашгандир, Ушбу зиёратгоҳ Бухоро вилояти ва Қашқадарё вилоятлари чегарасидадир. Гарчи чўл ўртасида бўлса-да, зиёратгоҳда масжид, кудуқ, мақбара бино этилгандир.

ХОЖА ЯКШАБА

Ҳазрат Хожа Якшаба зиёратгоҳи Когон туманида жойлашган. Когон шаҳридан Қизил Тепага борадиган йўлнинг ёқасида қабр, туғ бор. Ушбу зиёратгоҳ обод этилган. Нақл этилишича, бу зоти шариф бир кечада Ҳаққа етиб, авлиё бўлганлар, шу боис Хожа якшаба (яъни бир кечада Хожа бўлган) номини олганлар.

ХОЖА МУҲАММАД КИБРИЁ ЗИЁРАТГОҲИ

Когон туманидаги Бедароз қишлоғида Ҳазрат Хожа Муҳаммад Кибриё зиёратгоҳи бор.

ХОЖА КЎЧБАРДОР АВЛИЁ

Когон туманидаги Куржан қишлоғида Хожа Кўчбардор авлиё зиёратгоҳи жойлашган.

ҲАЗРАТ МУХТОР АТО

Когон тумани Катта Арғун қишлоғида яссавия тариқатининг пири муршиди, авлиё Ҳазрат Мухтор ато зиёратгоҳи бор.

ХОЖА ПЎШИДА ЗИЁРАТГОҲИ

Когон туманидаги Ўзбекон қишлоғида Ҳазрат Хожа Пўшида зиёратгоҳлари мавжуд. Ҳозирча манбалардан бу зоти шариф таржимаи ҳоллари ҳақида маълумотлар топилмади.

ҲАЗРАТ ҚИЛИЧБОБО ЗИЁРАТГОҲИ

Когон туманидаги Метработ қишлоғида Ҳазрат Қиличбобо зиёратгоҳлари бор.

ҲАЗРАТ ДЎСТМАТ ХАЛИФА

Когон туманидаги, Қулончи қишлоғида Ҳазрат Дўстмат Халифа зиёратгоҳлари жойлашган.

ҲАЗРАТ АБУЛҲАСАН АС СИЁЗИЙ

Ҳазрат Абулҳасан Али ибн Ҳусайн муҳаддис бўлиб, Когон туманидаги Сиёзпён қишлоғида туғилганлар. Бу зоти шариф ҳадис илмини Мусаййиб ибн Исҳоқ ал Аслам ибн ас Санадийдан ўрганган.

Абулҳасаннинг шогирдлари қуйидагилардир: Аҳмад ибн Абдулвоҳид ал Бухорий, Абу Аҳмад Ҳумайд ибн Мусо ал Бухорий ас Сиёзий, Ҳабиб Кўфий ва бошқалар.

Ҳазрат Абдулҳасан ас Сиёзий ҳақларида ас Самъонийнинг “Насабнома” китобида маълумот берилгандир.

ХОЖА КОРДОН

Когон туманида Ҳазрат Хожа Кордон зиёратгоҳлари жойлашган.

ҲАЗРАТ ШЕРГИР (ШЕРГИРОН) ЗИЁРАТГОҲИ

Ҳазрат Шергир мазористони Бухоро туманидадир. Бухоро шаҳридан Жондорга бораётганда чап томондаги биринчи қишлоқ Шергирон қишлоғи ҳисобланади. Шергир зиёратгоҳи мана шу қишлоқда жойлашган. Айни шу кунларда ҳам бу мазористонда марҳумлар дафн қилинади.

ХОЖА АЛАМДОР АВЛИЁ

Бухоро тумани, Бегларжойи қишлоғида Хожа Аламдор авлиё зиёратгоҳи жойлашган. Ушбу мазористонда авлиёнинг қабрлари ёнида туғ ҳам бор.

Мазкур қишлоқнинг фуқароси Ботир Содиқов сайъ-ҳаракати билан қишлоқдаги саховатли кишилар томонидан ушбу зиёратгоҳ обод қилинаётир. Зиёратгоҳда саховатпеша фермер Мустафо Файзуллаев ҳомийлигида янги жомеъ масжид бунёд қилинди.

ХАЛИФА НИЁЗҚУЛИ

(ваф. 1824)

Ҳазрат Халифа Ниёзқули ҳақларида Носириддин Тўранинг “Тухфат аз зоирин” китобларида маълумот берилган. Ҳазрат Ниёзқули Хоразмдан Бухорога Амир Шохмурод ҳукмронлик йилларида (1785-1800) келганлар ва шариат, тариқат илмларини пухга эгаллаб, улуг даражаларга етган. Ҳазрат Ниёзқули тариқат илмини Ҳазрат Муъинхон Даҳбедийдан ўрганганлар.

Амир Ҳайдарнинг ҳукмронлик даврида (1800-1826) Ҳазрат Ниёзқули хонақоҳ қуриб, кўплаб муридларга сабоқ берадилар. Накшбандия тариқатининг пири муршиди Ҳазрат Халифа Ниёзқули 1807 йил Чор Минор мадрасасини бино этганлар. Ҳазрат Эшон Халифа Ниёзқули “Нафоисул калим мин мавоҳибил илм” (Илм неъматларидан тuzилган нафис сўзлар) китобининг

муллифи ҳисобланадилар (“Нақшбандия тариқатига оид кўлёмалар фикристи”, 85-саҳ).

“Тухфат аз зоиринда” ёзилишича, Халифа Ниёзқулининг қабрлари Хожа Исҳоқ мазори яқинидадир. Бу жой ҳозир Бухоро ёғ заводи ўрнида бўлган. Айни шу кунларда Халифа Ниёзқули қабрлари йўқ. Лекин Чор Минор мадрасасининг кириш қисми, яъни тўртта минорали дарвозахонаси сақланган. Ушбу мажмуа қайта тикланади деган умиддамиз.

ҲАЗРАТ МУҲАММАД ШАРИФ ХОЖА БУХОРИЙ (ваф. 1845)

Ҳазрат Муҳаммад Шариф Хожа Бухорий ҳақларида “Тухфат аз зоирин”да ёзилган: “Бу зоти шариф ўн етти яшарликларида зоҳирий илмларни эгаллади. Муҳаммад Шариф Хожанинг илк устодлари оталари бўлган. Ҳазрат Муҳаммад Амин Даҳбедидан нақшбандия тариқати сабоқини олганлар. Пирларининг изни ила чиллани Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний мазорларида ўтказди”.

Маълумки, Ҳазрат Муҳаммад Амин Даҳбедий Мусохонхожанинг (1708-1776) шогирдлари бўлган. Абу Тоҳирхожанинг “Самария” китобларида ёзилганки, Ҳазрат Муҳаммад Амин Даҳбедийга Бухоро амирлари мурид эди. Абу Тоҳирхожанинг ўзлари ҳам Муҳаммад Аминнинг муридларидир (Абу Тоҳирхожа, “Самария”, Тошкент “Камалак”, 1991 й. 57-с).

Ҳазрат Муҳаммад Амин “Эшони Пир” унвони билан машҳур эдилар. Амир Насруллоҳон ҳукмронлик йиллари (1826-1860) Муҳаммад шариф Хожа ҳазратларига мурид бўлиб, бу зоти шарифдан ақоид ва навҳ илмларида ҳам сабоқ олган. Муҳаммад Шариф Хожа Бухоро қози калони бўлганлар.

Ҳазрат Муҳаммад Шариф Хожа 1845 йил вафот қилганлар. Қабрлари Бухоро шаҳридаги Хожа Жаъфар Нақиб гузарида, ўз оталари мазори ёнидадир.

МУҲАММАД АЛ ҲУСАЙН АЛ АЛАВИЙ (1785-1870)

Ҳазрат Муҳаммад ал Ҳусайн 1785 йил Бухоро вилояти, Ромитан туманидаги Қасри Камол қишлоғида туғилганлар. “Тухфат аз зоирин”да бу зоти шарифнинг шажаралари берилган: Ҳазрат Муҳаммад ал Ҳусайн бин Ҳазрат Сайид Жалолиддин бин Сайид Мир Олим бин Сайид Амир Закариё бин Амир Неъматуллоҳ бин Сайид Амир Раҳматуллоҳ бин Сайид Амир Ниҳод бин Сайид Амир Али Сайид Амир Андалбори бин Сайид Амир Шоди бин Сайид Амир Хожи бин Сайид Амир Юсуф бин Сайид Амир Барака бин Сайид Амир Аҳмад бин Сайид Амир Али Ҳамадоний қуддиса сирраҳу.

Кўриниб турибдики, бу зоти шариф буюк мутафаккир, улуг шайх Ҳазрат Сайид Амир Али Ҳамадонийга авлод бўлганлар.

Бухоро амири Насруллоҳон таклифига мувофиқ Ҳазрат Муҳаммад ал Ҳусайн Ромитандан Бухоро шаҳрига келганлар ва Шайх Ҳабибуллоҳ хонақоҳида яшаб, муридлар тарбияси билан шуғулланганлар.

Муҳаммад ал Ҳусайн тариқат сабоғини Ҳазрат Халифа Ашур Муҳаммаддан олганлар.

Ҳазрат Муҳаммад ал Ҳусайн 1870 йил вафот қиладилар. “Тухфат аз зоирин” китобида ёзилишича, бу зоти шарифнинг қабрлари Ҳазрат Имом Абу Ҳафс қабрларининг рўпарасида бўлган.

ЧИБИРДОН ОТА

Ҳазрат Чибирдон Ота зиёратгоҳлари Қорақўл туманидадир. У ерда катта мақбара бор.

ҲАЗРАТ ИМОМ ОТА

Ҳазрат Имом Ота зиёратгоҳлари Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд йўлларида, Чор Чинор кишлоғидадир. Йўлнинг ўнг томонида катта тепалик бор. Тепаликда туғ кўтарилган.

ҲАЗРАТ МАХТУМҚУЛИ ФИРОҒИЙ (1733-1797)

Ҳазрат Махтумқули Фироғий 1733 йил Туркманистоннинг жануби-ғарбидаги Атрек дарёси соҳилида туғилиб, 1797 йилда шу жойда вафот қилганлар.

Бу зоти шарифнинг оталари Давлатманд Озодий ориф, обид, шоир, бўлган. Давлатманд Озодийнинг “Ваъзи Озодий” китоблари машҳурдир.

Махтумқули бошланғич таълимни ўз оталаридан олган. Сўнг Хевадаш Шерғози, Чоржўйдаги Идрис Бобо, Бухоройи шарифдаги Кўкалдош мадрасаларида ўқиганлар. Ҳазрат Махтумқули шариат илмини пухта ўзлаштирганларидан кейин тариқат илмидан ҳам сабоқ олган. Ўша асру айёмда Бухоройи шарифда Халифа Худойдод, Халифа Ниёзқули каби шайхлар, тариқат пирлари яшаганлар.

Ҳазрат Махтумқули увайсий авлиёлардан ҳисобланадилар. У кишини Ҳазрат Баҳоиддин руҳлари тарбия қилгандир:

**Бир кеча ётардим, шоҳи Нақшбанд,
Карами жўш айлаб, бир нон келтирди.
Ўнг қўлида бода - гулгун шароби,
Чап қўлида тоза бирён келтирди.
Уйғондим уйқудан, қолдим тушимдан,
Ҳайрон қолдим девонанинг ишиндан,
Бодасин нўш айлаб кетдим ҳушимдан,
Ғам дийдадан ашки гирён келтирди.
Жон хуружга келиб қайнаб жўшмоқда,
Юрагим мавж урди тўлиб-тошмоқда,
Бир ишорат бўлди унга тушмоқдан,
Фаҳм этмадим, жонга армон келтирди.
Англамадим, ишққа бўлдим харидор,
Билмадим, истадим дилбардан дийдор,
Ишқ дардига тушдим, қолдим гирифтор,
Ким ҳам бу дард у чун дармон келтирди.
Махтумқули, турдим тавоф этмоққа,
Тил фармон бермади жавоб этмоққа.
Ишқ аҳлининг ҳолин хароб этмоққа,
Ақлим олиб, масту ҳайрон келтирди.**

(Мирзо Кенжабек таржимаси, Махтумкули, “Сайланма”, Т. “Фан”- 2004 й. 228-с.).

Ҳазрат Махтумкули шеърлари - панднома бўлиб, унда тариқат сабоқлари сингдирилган. Шоир шеърлари шу боис шоҳу гадога манзурдир.

**Гар топса холимдан хабар, қуруқ оғочдан қон чиқар,
Инсон шароримдан асар топса, танидан жон чиқар.
Қорун қилиб молин адо, сад жон истар - бўлса фидо,
Кун шамъидин бўлиб жудо нурин қўйиб, пинҳон чиқар.
Бир кўчада бўлсам муқим, дилга келтирсам қадри сим.
Ҳар кўчаи вайронадан сад ганжи бепоён чиқар.
Кўнглумга келган нақшлар кўзларга пайдо бўлса гар,
Қўшулса кўп нодонлар, комил бўлиб, мардон чиқар.
Ҳеч англамай зеру забар, гар топса жазбамдан асар,
“Алиф”дан, “бе”дан беҳабар, ҳар дамда бир Қуръон чиқар.
Жабр этди Жамшид жонига, ким кирди маъдан конига,
Юз йил кириб поёнига, на Золу, на Лукмон чиқар.
Мен ҳам, Фироғий, ул қадар ақлимни қилдим дарбадар,
Бир беҳунар топса хабар, пар боғлабон осмон чиқар.
Махтумкули, оз айла сўз, барча қолар тоғу денгиз,
Тупроққа тўлса ушбу кўз, ҳақдан яна фармон чиқар.**

(Шу китоб, 19-с.)

ҲАЗРАТ ШАЙХ СЎФИ ДЕҲҚОН ШЎРЧАГИ (XVII-XVIII)

Ҳазрат Шайх Сўфи Деҳқон Шўрчаги асли бухороӣ шарифлик бўлиб, ўз замонасининг буюк пири муршиди, соҳибқаромат авлиё, улкан тарбиячи, аллома эдилар.

“Тўхфат аз зоирин”да ёзилишича, Ҳазрат Сўфи Деҳқон Ҳазрат Шайх Ниёзийдан Сабоқ олганлар.

“Убайдуллонома” асарида таъкидланишича, Ҳазрат Сўфи Деҳқоннинг жуда кўп муридлари бўлган. Фарзандлари ҳам бисёр эди. Ҳазратга қарашли ерлар ҳам кўп бўлиб, ул зоти шариф муридлари билан бирга деҳқончилик қилиб, даромадларини бева—бечора, етим-есир, мусофир, шунингдек, камбағал толиби илмларга беминнат тарқатган. Хонақоҳ, кўприк, боғлар барпо қилган.

Ҳазрат Сўфи Деҳқон Шўрчагининг қабрлари Ғиждувон туманидаги Шўрча қишлоғидадир. Бу ерда гўзал хонақоҳ, мақбара, ҳовуз, қудук, боғ ва бошқа иншоотлар бўлган. Лекин собиқ иттифоқ замонида хонақоҳ вайрон этилди, зиёратга келиш таъқиқланди.

Истиклол шарофатидан Ҳазрат сўфи Деҳқон қабрлари устида улкан мақбара бино қилинди. Айни шу Кунларда бу зиёратгоҳда ободонгарчилик ишлари олиб борилмоқда.

ХОЖА РЎШНОЙИ

Бухоро шаҳридаги Саррофон Тоқининг жанубида Хожа Рўшнойи кўчаси бор. Ушбу кўчада Ҳазрат Хожа Рўшнойининг қабрлари жойлашган.

ЭШОНИ ПИР

(XIX аср)

Лаби Ҳовузи Нодир Девонбегининг жанубида Эшони Пир гузари бор. Ушбу гузарда Эшони Пир номли масжид, мадраса, зиёратгоҳ мавжуд. Ҳазрат Муҳаммад Амин Даҳбедий, “Эшони Пир” номи билан машҳур бўлганлар.

АВЛИЁИ МУРОДБАХШ

Бухоро шаҳридаги Гавкушон мажмуасининг шимолида Авлиёи Муродбахш қабрлари жойлашган.

ХОЖА САБРИ ВАЛИЙ

Бухоро шаҳридаги Сабри Валий кўчасида Хожа Сабри Валий зиёратгоҳи бор. Бу зиёратгоҳ Гавкушон мажмуасининг қибла томонидадир.

АВЛИЁИ ХОЖА КАБЎДПУШ

Хожа Сабри Валий қабрлари жойлашган кўчанинг ғарбидаги гузарда Авлиёи Хожа Кабўдпуш қабрлари бор. Бу зиёратгоҳ Дўстлик кўчасидадир.

САЙИД ОЛИМ ХОЖА ОХУН

(XIX аср)

Ҳазрат Сайид Олим Хожа Охун асли ўратеппалик бўлиб, Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида (1800-1826) Бухоройи шарифга келиб, мадрасаларда таълим олган. Сайид Олим қисқа муддатда Қуръони каримни тўлиқ ёдлаб, ўз даврининг етук фақиҳи бўлади. Бу зоти шарифнинг фикҳга доир шарҳ китоблари машҳур. Олим Хожа Охун ғазаллар ҳам ижод қилиб, Ҳотифий тахаллусини танлаган. Бу зоти шариф 105 ёшга кириб вафот қилганлар. Қабрлари Сайид Побандикушо мазорларидадир. Айни шу кунларда Ҳазрат Сайид Олим Хожа Охун зиёратгоҳлари бор. Бу зиёратгоҳ обод қилинган. Маълумки, Ҳазрат Сайид Побандикушо зиёратгоҳлари Бухоро шаҳридаги Дегрези кўчасидадир. Бу зиёратгоҳга Хожа Нуробод шоҳ кўчаси олиб боради. Ҳазрат Сайид Олим ҳақларида “Тухфат аз зоирин” китобида маълумотлар бор.

ҲАЗРАТ ХОЖА АСПГАРДОН

Ҳазрат Хожа Аспгардон мазорлари Бухоро шаҳрининг ичида бўлиб, Равғангарон кўчаси ёнида Хожа Аспгардон гузаридадир.

Ҳазратнинг қадамжолари 5-кичик ноҳияда жойлашган. Бу ерда масжид бино қилинаётир. Ҳазрат Хожа Аспгардонга Аллоҳ каромат ато қилган эди. Отлар қабзият касалига чалинганда, ҳазратнинг қабрлари атрофидан айлантирилса, касалига Аллоҳ шифо берган.

АМИРИ ЖАННАТМАКОН

(ваф. 1800)

Манғитлар сулоласидан бўлган Амир Шохмурод Маъсум бин Дониёл “Жаннатмакон” номи билан машҳур бўлиб, бу зоти шариф ҳақида “Тухфат аз зоирин” китобида, шунингдек, Салимбек Салимийнинг “Кашкўли Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттаахирин” асарида, Сайид Мансур Олимийнинг

“Бухоро-Туркистон бешиги” китоби ва бошқа манбаларда маълумотлар берилгандир.

Амир Шоҳмурод 61 йил умр кўрган, ўн олти йил подшоҳлик этган, 1800 йил Бухорода вафот қилди. Қабри Бухоро шаҳри Жўйбор маввзеидаги Хожа Ҳабибуллоҳ ва Эшони Имло мазоридадир. Ушбу зиёратгоҳ собиқ Иттифок замонида бузилган, қабрлар йўқотилган.

Унинг ўрнида мактаб ва болалар боғчаси қурилган.

Салимбек Салимийнинг ёзишича, Амири Маъсум (яъни Шоҳмурод) шундай киши эдики, фақирона либос кияр, унинг салласи олти газ карбосдан, либоси маллаги (сарик қалами матодан), кавш ва маҳсиси булғори чармдан ва пўстини қўй терисидан бўлиб, ўша бир пўстинни подшолигининг аввалидан то охиригача, яъни умрининг охиригача кийди. Унинг таоми хазинадан бўлмасди, яҳудийлардан олинган жизья ҳисобидан бўларди. Арпа унидан пиширилган нон истеъмол қилар, шунингдек, мошова, ўмоч, атала ер, ҳар ҳафтада чораяк гўшт истеъмол этарди. Ҳаргиз бузруғлар (акобирлар) тўйига бормас, ҳеч кимнинг ҳадья ва пешкашини қабул қилмас эди. Ҳоқим, амалдорларни раиятга зулм этмоққа қўймас эди. Ҳикоя қиладиларки, зўр уламолардан икки кишига буюрдик, Бухорода қаердаки бидъат ва хурофотни кўрсанглар, ани йўқотинглар. Сизларга мазкур фармонни бажаришга ваколат берилди. Бухоройи шариф хурофот ва бидъатлардан тоза бўлсин! Ҳалигилар жону дил билан ҳаракат қилиб, амирнинг фармонини ҳаётга жорий қила бошлади. Анча фурсат ўтгандан сўнг амир улардан сўради: “Хўш, ҳукм тўлиқ ижро қилиндими?” Улар деди: “Ҳамма бидъату хурофотни йўқотдик илло иккитаси қолди, ани йўқотмоққа ожизмиз!” Амир сўради: “Ул иккитасини айтинг!” Улар дедилар: “Бири мазорлар бошидаги туғлардур, иккинчиси шайхларнинг қўлидаги тасбеҳлардур”. Амир ажабланиб сўради: “Ажабо! Нега бу икки нарсага барҳам бера олмадингиз! Ахир сизда ваколат бор эди-ку!” Улар деди: “Биз қариб қолдик. Умримиз ҳам охирлаб қолди. Агар биз улуғлар қабри устидаги туғни ва айрим риёкор шайхлар қўлида олиб юрадиган тасбеҳларни ҳам йўқотсак, шундан сўнг бироз вақт ўтиб ўлсак, мутаассиблар дейдиларки: “Фалончиларни улуғларнинг туғи урди, ёхуд шайхларнинг дуойи бади урди-ю, улар ўлдилар! Мана шу маломот сўзидан истиҳола қилиб, икки нарсага тегмадик”. Амир Шоҳмурод уларнинг гапига эътироз билдирмабди. (“Кашкўли. Салимбек”, Бухоро-2003 й. 292-с.).

Амир Шоҳмуроднинг хотини Сайид Абулфайзхоннинг қизи бўлган. Мана шу хотинидан Сайид Ҳайдар туғилган. Демак, Сайид Амир Ҳайдарнинг насаби она томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.га бориб туташади.

“Бухоро - Туркистон бешиги” китобида ударнинг шажараси берилган. Амир Сайид Ҳайдар онасининг исми Шамсиябону бўлган экан (Сайид Мансур Олимий, “Бўхоро - Туркистон бешиги”, “Бухоро” нашриёти, 2004 й, 41-с, Форс тилидан таржима, таржимон номидан сўзбоши, айрим изоҳлар муаллифи Ҳалим Тўраев).

Амир Сайид Ҳайдар отасидан сўнг 27 йил Бухорода ҳукмронлик қилган, 48 ёшга кириб, 1826 йил вафот этди. Унинг ҳам қабри Эшони Имло мазоридадир.

Амир Ҳайдар рабиятпарвар, олим, тақводор ва саховатпеша ҳукмдор бўлган. Амир тўрт юзта толиби илмга сабоқ берган. Асло таҳажжуд (яъни ярим

кечада ўқиладиган нафл намоз) ва ишроқ намозларини тарк этмаган. Ғариб мискинларга меҳрибонлик кўрсатган. Уламо ва машойихлар эҳтиромига сазовор бўлган экан.

Яқинда Халифа Худойдод масжиднинг шимол томонидаги девори саховатпеша инсонлар томонидан таъмирланганда, хужраларнинг орқаси (ҳозирги Болалар боғчаси)да хужралар девори билан туташ бўлган, ер остида қолиб кетган қабрлар-сағаналар топилди. Ушбу сағаналар таъмирланди. Эҳтимол, бу қабрлар амирларники ё авлиёларникидир. Валлоху аълам!

ХАЛИФА МУҲАММАД ҲУСАЙН

“Тухфат аз зоирин”да ёзилишича, бу зоти шариф нақшбандия тариқати пири муршиди ҳисобланадилар. Ҳазрат Муҳаммад Ҳусайннинг пири муршидлари Ҳазрат Мусохожа Даҳбедий эдилар.

Халифа Муҳаммад Ҳусайн Самарқандда мадраса ва хонақоҳ бино қилган. Амир Ҳайдар (ваф.1826) замонида Самарқанддан Бухорога келиб, жуда кўп кишиларни Ҳақ йўлига бошлай олган, нақшбандия тариқатини ёйганлар. Қабрлари Мозори Беҳиштиёнда бўлган.

“Тухфат аз зоирин”да китобидаги маълумотга кўра Мавлоно Фаҳриддин аш Шористоний, Мавлоно Рукниддин аш Шористоний, Мавлоно Бобойи Модар аш Шористоний, Мавлоно Жамолиддин аш Шористоний, Мавлоно Жамолиддин Халаф Бухорий каби алломаларнинг ҳам қабрлари Мозори Беҳиштиёнда бўлган.¹²¹

АҲМАД ДОНИШ (1826-1897)

Атоқли аллома, буюк файласуф, педагог, муаррих, шоир, астроном, математик, меъмор, бир сўз билан айтганда, қомусий билим эгаси Аҳмад ибн Мир Носир ибн Юсуф ал Ҳанафий ас Сиддиқий ал Бухорий ҳазратлари Ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ авдодлари бўлган. Аҳмад Дониш, шунингдек, Аҳмад Калла номи билан машҳур бўлган зоти шариф 1826 йил Бухорода туғилганлар. Аҳмад Дониш Бухоро шаҳридаги Жаъфархўжа кўчасида яшаган.

Аҳмад Дониш Бухоро мадрасаларида ўқиб, диний ва дунёвий илмларни ўрганган. Аҳмад Дониш Насруллоҳон, Музаффархон ҳукмронлиги даврида саройда хизмат қилган. Ул зоти шариф амир элчилари қаторида уч бор Петербургда бўлган. 1873 йил Петербург сафаридан келганидан сўнг, давлатни бошқариш тартиби, амирлик ҳукуматида ислоҳот тўғрисида рисола ёзиб, амирга тортиқ қиладилар, бироқ амир алломанинг фикрларини рад этди. Шундан кейин Аҳмад Дониш саройдаги хизматни тарк этиб, ижодий ишга киришдилар.

“Маънавият юлдузлари” китобида ёзилишича, Ўзбекистон Республикаси Ф.А. Беруний номли Шарқшунослик институтининг қўлёзма фондида Аҳмад Донишнинг 16 та рисоласи ва яна бир қанча шеърлари киритилган тазкиралар, Ғаззолий, Жомий асарларидан кўчирган қўлёзма нусхалари сақланади,

¹²¹ С.С.Бухорий. Даҳман Беҳиштиён. “Бухоро” нашриёти. 2007.

уларнинг кўпи асд нусха бўлиб, муаллифнинг ўзи томонидан битилгандир (“Маънавият юлдузлари”, Тошкент-1999 й. 323-с.)

Аҳмад Донишнинг “Наводирул вақоеъ”, “Дафтари тақвим”, “Рисолаи ислоҳи миёни шиа ва сунний”, “Мунозир ал Кавокиб”, “Рисола дар илми курра”, “Истиғрожи бул ва арзи балат”, “Рисолаи мухтасаре аз тарихи салтанати хонадони манғития” ва бошқа китоблари машҳур.

Аҳмад Дониш тақвода, саховатда ўз даврининг яғонаси эдилар. Аҳмад Донишнинг маърифатпарварлик ғоялари таъсирида С.Айний, А.Фитрат ва бошқа адиблар ижод қилган.

Ҳазрат Дониш моҳир хаттот ҳам бўлганлар. У киши китобат санъатини мукаммал эгаллаб, шундан келган даромаддан ризқ-рўзиларини топган.

“Наводирул вақоеъ” асари Аҳмад Донишнинг шоҳ асарлари ҳисобланади.

Аҳмад Дониш Бухоро амирлигида илм ўрнини жаҳолат, адолат ўрнини зулм, саховат ўрнини бахиллик, ислом маърифати ўрнини мутаассиблик эгаллаганини кўриб, бу табаррук заминда илму адолатни, исломий маърифатни, саховатни қайта барпо қилиш учун қаттиқ курашади. Жамиятни, давлатни таназзулиятдан асрамоқчи бўлади. Лекин Аҳмад Донишнинг овози тошга айланган қалбларга таъсир этмади. Дарвоқе, ҳақиқий табибнинг гапига ишонмаган бемор ҳалокатга маҳкумдир. Бухоро амирлиги ҳалокатга учради.

Шариату тариқат билимдони, олими боамал, кароматли зот Аҳмад Дониш 1897 йил вафот қилдилар. Ҳазрат Донишни ўз гузарлари яқинидаги машҳур мазорга кўмганлар. Лекин собиқ Иттифоқ замонида Аҳмад Дониш кўмилган бу мазористон йўқотилиб, у ерда мактаб, Кооператив техникуми, ёғ заводи қурилди. Айни шу кунларда Аҳмад Дониш зиёратгоҳлари йўқдир.

**Тортди халқим донишсизлар жабрини,
Донишсизлар ютди инсон қадрини.
Зиёратга борай десам, қабри йўқ!
Донишсизлар ютган Дониш қабрини!**

Аҳмад Дониш ҳақларида С.Айний, А.Фитрат, И.Мўминов, Е.Э.Бертельс, С.Улуғзода, З.Ражабов, Р.Ҳодизода, О.М.Баҳовиддинов, И.А.Нажифова, Ҳ.Воҳидов, М.Хайруллаев ва бошқа олимлар, адиблар асар, рисола, илмий мақолалар чоп эттирган.

Аҳмад Донишнинг “Наводирул вақоеъ” асарлари 1964 йил академик Иброҳим Мўминов таҳрири остида Тошкентдаги “Фан” нашриётида чоп этилган. Уни ўзбек тилига А.Ҳамроев ва Шокировлар таржима қилган.

Бухоро шаҳрида Аҳмад Дониш номли кўча, кутубхона, кино-театр бор.

Аҳмад Дониш ҳикматлари:

- Одам яратилгандан сўнг унинг тугамас бахти илм ва маърифатда бўлади;
- Шунини билиш керакки, одам ўз виждони билан ўзини текшириб кўрса, у тўғри йўл топганми ёки адашганми, бадбахтми ёки бахтлими эканини била олади. Агар унинг яхшилиги ғолиб келса, у одам бахтлидир; агар унинг ёмонлиги ортиб кетса, ундай одам бахтсиздир.

-Мол-дунё уни танимаганлар учун ширин, таниганлар учун эса аччикдир.

- Кишини ақилли ёки ақлсизлигининг аломати етарлидан ортиқча дунёга кўнгил кўйиш ёки кўймаслигидадир. Дунёга дўст бўлган дарвешни фақир демайдилар. Айни замонда Сулаймон пайгамбар шунча давлат ва салтанат билан фақир бўлган. Агар кишининг ақли Афлотун ақлига етган бўлса ҳам, агар дунёга берилган бўлса, ўзини охират азобидан қутқараолмас. Ақл ундай кишининг оёғида кишан бўлади.

- Афлотундан ўлар чоғи, дунёни қандай деб билдинг, деб сўраганларида, у деди: “Дунёга ихтиёрсиз келдим ва яна ихтиёрсиз кетаётирман. Дунёдан шуни билдимки, ҳеч нарсани билмаган эканман!...”

- Ошиқ ва маъшукнинг ҳар икковига ҳам риоя қилиш лозим бўлган одобларнинг бири шулдирки, ҳар қайсиси ўз дўстига қаноат қилиб, ҳар гулнинг булбули бўлавермасин. Маҳбубнинг биттадан ортиғи ошиқнинг дини ва дунёсига халал етказди.

- Эй, фарзанд! Агар касб ва ҳунарни шаръий йўл билан олиб бормасанглар, сизларни инсоният доирасидан чиқариб, хайвонот доирасига яқинлаштиради.

- Сўфи Оллоёрнинг:

Гарчи аҳволашон паришон аст, Илмашон дастгири эшон аст.

Яъни олимларнинг аҳволлари паришон бўлса ҳам, уларнинг илмлари охири уларни қўллайди. Бу сўзнинг маъноси олимлар ҳар йўлга юрсалар ҳам, ҳар қандай ишларни қилсалар ҳам, уларнинг илмлари у дунёда дўзахдан қутқаради, деган сўз эмас; бундай деб тушуниш янглишдир. Аслида бу байтнинг маъноси ҳақиқий олимлар юзаки кўринишларига эътибор қилмай, ботин учун ишлайдилар; улар фақирлик, тажридлиқни ихтиёр қилганликларидан, уларнинг кўриниш аҳволлари паришондир. Охиратда уларни илмлари қўллайди, ҳисоб-китоб азобидан қутқазиб энг олий даражага етказди; ёки уларни шайтон васваса қилиб, кўнгилларини топмоқчи бўлганда, илмлари уларга йўлбошчилик қилиб, ҳақ йўлини топадилар, деганидир.

Э Бир куни бир чумоли ўргимчакнинг тўрига тушиб қолибди; уни зерикмай ўлтириб усталик билан ўзига захм етказмай, қўл-оёқларини бўшатиб, қутқазиб қўйдим. Шу куни ўзим бир кишининг воситаси билан ҳалокатли ишдан қутулдим. Бир куни сувга ғарқ бўлиб, оқиб кетаётган бир арини қутқардим. Шу куни унинг натижасини кўрдим.

Э Мен доимо бир нарса устида фикр юритар эдим: агар банданинг нажот топишига шариатнинг зоҳирига амал қилишнинг ўзиёқ етарли бўлса, нега илгариги уламолар ортиқча нафл намоз, нафл рўзага киришиб, одамларни ҳам унга ташвиқ қилиб, кўп китоблар ёзганлар? Агар диннинг ҳақиқати шуларнинг айтганича бўлса, нега бизнинг уламо ва машойихларимиз унга амал қилмайди? Демак бу гаплар куруқ сўзлар, деб ўйлар эдим. “Сатафтариқу” ҳадисини сабоқ қилиб ўқиганимдан сўнг бу масаланинг ҳақиқати менга маълум бўлди. Кўрсам, бутун умматлар орасида нажот топувчилар сўфийлар экан. Расуллоҳ с.а.в. ва у кишининг саҳобалари таржимаи ҳолларини тадқиқ қилиб кўрсам, сўфийлик сулуқлари уларга мувофиқ бўлиб чиқди. Шуни билдимки, замонамизнинг уламо ва машойихлари тўғри йўлда эмас экан. Чунки мен уларнинг қилган

ишларига қарар эдим. Шунда шайхларни алдамчи, уламоларни порахўр эканликларини кўрар эдим.

8 Ҳолва ва майизни илм сотиб эмас, бошқачароқ касб билан ҳам тўплаш мумкин.

8 Ҳар бир ҳунарманд ўз ҳунарини қилса-ю, лекин бундан мақсади халққа фойда етказиш бўлмаса, ундай ҳунардан барака топа олмайди. (Аҳмад Дониш, “Наводирул вақоеъ”, Тошкент, “Фан” - 1964 й.)

ҲАЗРАТ ЖАЪФАРХОЖА ЗИЁРАТГОҲИ

Ҳазрат Жаъфархожанинг қабрлари Бухоро шаҳридаги Аҳмад Дониш кўчасидадир. Қабр ёнида туғ ҳам бор. Ҳазрат Жаъфархожа масжиди эса Хожа Нуробод кўчасида. Бу масжид шўролар замонида кондитер маҳсулотлари тайёрланадиган корхонага айлантирилган эди.

ҲАЗРАТ ШАҲОБИДДИН АЛ МАРЖОНИЙ (1818-1889)

Буюк маърифатпарвар, атокли факих, файласуф, калом илми олими, тарихчи, этнограф, шарқшунос, татар халқи илмий тарихининг асосчиси, улуғ педагог - комусий аллома Ҳазрат Шаҳобиддин бин Баҳоуддин бин Субҳон бин Абдулкарим ал Маржоний мелодий 1818 йил Козон шаҳри яқинидаги Япончи қишлоғида зиёли уламо оиласида туғилиб, 1889 йил Козонда вафот қилган.

Ал Маржонийнинг отаси Баҳоиддин Бухоройи шариф мадрасасида таҳсил олган етук уламо эди. У Бухоро хукмдори Амир Ҳайдар эътиборини қозониб, унинг суҳбатларида иштирок этган.

Ал Маржоний Куръон ва ҳадис илмларини отаси Баҳоиддиндан ва бобоси Субҳондан ўрганди.

Ҳазрат Шаҳобиддин аввал ўз юртидаги мадрасада, сўнгра 1838-43, 1845-49 йилларда Бухоройи шарифдаги Кўкалдош ва Мири Араб мадрасаларида таълим олди. У шу йиллар орасида икки йил Самарқанддаги Шердор мадрасасида ҳам таълим олиб, ҳам толиби илмларга сабоқ берган (“Ислом энциклопедияси”, Тошкент, “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004 йил, 151-152-саҳифалар).

Садриддин Айнийнинг ёзишича, ал Маржоний Амир Насруллоҳон таъкибидан сўнг Самарқандда қисқа муддатда яшади. У Бухоро ва Самарқандда араб, форс-тожик тилларини, шунингдек, Шарқ фалсафаси, тарихини пухта ўрганди. Шу билан бирга математика, астрономия, калом илмларини ўзлаштирди.

Ал Маржоний Бухородаги Кўкалдош ва Мири Араб мадрасасининг бой кутубхонасида сакланаётган нодир асарларни мутола этиб, Бухорода олим сифатида шаклланди. У Абу Наср Курсавий (1776-1812) илмий мероси билан танишиб, исломдаги ислохотчилик фаолиятини бошлади.

Имом ал Маржоний Бухоройи шарифда бўлган даврда атокли аллома, буюк файласуф, шоир, тасаввуфшунос, астрономия, математика, хаттотлик, наққошлик илмларининг устози - комусий билим эгаси Аҳмад Дониш (1826-1897), шунингдек, Фитрат Вардонзеҳи (ваф. 1888), Қори Раҳматуллоҳ Возеҳ (1818-1893), Исо Махдум (1827- 1888), Савдо (1824-1873) каби аллома, шоир, тарихчи, мударрислар фаолият кўрсатган.

Ал Маржоний Бухоро мадрасаларидаги ўрта асрларга хос ўқув тизимини таҳлил этиб, уларни ислоҳ этиш ғоясини ўртага кўйди. У буюк мутафаккир Аҳмад Дониш билан ҳамкорликда маърифатпарварлик ғояларини тарқатишда жонбозлик килди.

Самарканддаги Шердор мадрасасида таҳсил олаётган вақтида ал Маржоний аллома қози Абу Саид ас Самарқандийдан (ваф. 1848) сабоқ олди. Ҳазрат Абу Саид тавсияси билан ал Маржоний Шарқ маданияти, санъати тарихи, ислом тарихи, Шарқдан чиққан алломалар тарихини жиддий тадқиқ қила бошлади.

Тадқиқотчиларнинг айтишича, ал Маржоний Бухорои шарифда диний уламо сифатида вояга етган бўлса, Самаркандда тарихчи сифатида шаклланди. Унинг биринчи асари Ўрта Осиёлик туркий халқлар тарихи ҳақидадир.

Ал Маржоний Бухорода “Мовароуннахрнинг машҳур уламолари ва уларнинг фаолияти” асарини ёзган. Абу Наср Курсавий ҳақидаги китоби ҳам Бухорода ижод қилингандир.

Алломанинг Туркистон тарихи ва географиясига оид кўплаб асарлари бор. Унинг X-XII асрларда Мовароуннахр хонақоҳлари ва Мовароуннахрда тасаввуф илми ҳақидаги қимматли тадқиқотлари хануз ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Ал Маржоний ўтгиздан зиёд асарлар муаллифи ҳисобланади. Унинг етти жилдан иборат “Вафий йат ал аслаф ва таҳийат ал ахлаф” китобида олти минг эллик еттита олим, файласуф, фақих, таниқли уламолар таржимаи ҳоли ҳақида маълумотлар тўплангандир. Икки жилдлик “Мустафод ал ахбор фи ахвали Қазон ва Булғор”, шунингдек, “Ҳаққул маорифа ва ҳуснул идроқ”, “Китобул ҳикма ал балиға ал жайнийя фи шарҳил ақоид ал ханафия”, “Рисалатун фи масаилин наҳв” каби китоблари бугунги кунда ҳам дарслик сифатида хизмат қилмоқда. Унинг “Назаратул ҳаққий фи фардиятил иша ма лям яғиб аш шафақ” асари нафақат Поволжье, балки Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида машҳур бўлди.

Ал Маржоний 1850 йилда Қозон шаҳридаги улкан Жомеъ масжидида имом-хатиб этиб тайинланди, сўнгра у мухтасиблик вазифасида хизмат этиб, дину диёнатни эл орасида ёйди.

Ал Маржоний Қозон университети ҳузуридаги Археология, тарих, этнография жамияти аъзоси бўлган дастлабки мусулмон олимларидандир.

Ал Маржоний 1780 йил ҳаж ибодатини адо этиб келган. У Россия ҳудудидаги туркий қавм орасида илму маърифат зиёсини таратишда фидойилик қилган алломадир. Ал Маржоний ташаббуси билан кўплаб хайрия тадбирлари ўтказилганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар бор. Ўзбекистонлик авлиё, алломалар сабоғи, инчунин, тасаввуф, Хожагон-нақшбандия тариқати сарчашмаларидан баҳраманд бўлган аллома, ўз маънавий устозлари каби жавонмардлик, саховат, маърифатпарварлик ғояларини амалда тадбиқ этиб, мана шу пирлари сафидан жой олди.

Ал Маржоний Бухорои шарифдаги Мири Араб мадрасасида таълим олганида, мазкур мадрасанинг иккинчи қаватидаги кўркам, нақшу нигорли, ойдин, файзли хужрада бир неча йил истиқомат қилган эди. Ал Маржоний таълим олган мадраса, шунингдек, Ал Маржоний истиқомат қилган хужра истиклол шарофатидан таъмирланиб, асл ҳолига келтирилди. Айни шу

кунларда ушбу табаррук масканда ёшлар диний ва дунёвий илмлардан сабоқ олмоқда.

ҲАЗРАТ УМАРХОЖА ҲОЖИ **(ваф. 1877)**

Ҳазрат Умархожанинг насаблари қуйидагича: Ҳазрат Умархожа Ҳожи ибн Сайидхожа ибн Сайид Авлиёхожа ибн Сайид Эшонхожа (Хонхожа) ибн Ҳазрат Сайид Мусохонхожа ибн Муҳаммад Исохожаи Даҳбедий ибн Муҳаммад Бобохожа ибн Муҳаммад Розикхожа ибн Абдулмўъминхожа ибн Хожа Ҳошим ибн Муҳаммад Амин (Хожаи Калон) ибн Ҳазрат Маҳдуми Аъзам қуддиса асрораҳум. (К.Каттаев, “Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед”, Самарқанд, “Суғдиёна” - 1994 йил).

Ҳазрат Умархожа нақшбандия тариқатининг улуғ пири, соҳибкаромат авлиё бўлганлар. Бу зоти шариф 1868 йил Россия Самарқандни босиб олганидан сўнг босқинчиларга қарши халқни курашга бошлаганлар. Лекин бу ватанпарвар курашчиларга Бухоро Амири Музаффархон (1860-1885 йиллар ҳукмронлик қилган) ёрдам бермайди, шу боис улар енгилдилар.

Ҳазрат Умархожа Самарқанднинг Даҳбедидан Қаршига ҳижрат қиладилар. Амир Музаффархон аробаи хоссалар (файтун) юбориб, ул зотни Бухоройи шарифга олиб келади ва вақфияи Шох Ахсига (яъни Бухородаги Файзобод хонақоҳида) шайх қилиб, бошларига тож янглиғ ёрликни қўйиб, мазкур хонақоҳга сукунат қилганларидан сўнг, жамии умаро ва уламою фузало иродатга юз келтирганлар (яъни Ҳазрат Умархожага муриду муҳиб бўлганлар) ва ул зот Бухорода уч сифат бирла машхур бўлганлар, чунончи, “эшони хожи”, “эшони ғозий”, “эшони шайх” деб айтур эрдилар.¹²² Ҳазрат Умархожа Даҳбедий 1877 йил вафот қиладилар. У кишини Ҳазрат Поянда Муҳаммад Шох Ахси мазорларида, яъни Файзобод хонақоҳининг кун чиқар томонига дафн қиладилар.

Айни шу кунларда ушбу зиёратгоҳ обод этилгандир.

МИРЗО САЛИМБЕК САЛИМИЙ **(1850-1930)**

Мирзо Салимбек ибн Муҳаммад Раҳим 1850 йил Бухоро шаҳридаги Жўйбор мавзеида амалдор оиласида туғилганлар. Ул зоти шариф Бухоро мадрасаларида таълим олиб, ўз замонасининг алломаси бўлди.

Мирзо Салимбек тарихчи олим, адиб, шоир, таржимон, ватанпарвар зот эдилар.

Мирзо Салимбек Бухоро амирлигида бир неча йил Нурота, Шеробод, Бойсун, Шаҳрисабз, Чоржўйда ҳокимлик қилган.

1920 йил Фрунзе босқини вақтида Мирзо Салимбек амирликнинг бош закотчиси бўлган.

Инқилобчилар Салимбек Салимийнинг мол-мулкларини мусодара қилиб, ўзларини қаматади. Бир йилдан сўнг қамокдан озод этилиб, Бухоро Давлат кутубхонаси Шарқ кўлёзмалар бўлимида ишлайдилар.

¹²² К.Каттаев. «Маҳдуми Аъзам ва Даҳбед». 66-67-б.

Салимбек ҳақларида Наим Норқулов, Воҳид Абдуллаев, Расул Ҳодизода, Р.Орзибеков, О.Валихонов, А.П.Епифанова, Б.Йўлдошев, Н.Йўлдошев каби олимлар илмий мақола, рисолалар ёзган.

Салимбекнинг куйидаги асарлари машҳурдир: “Кашқўли Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттаахириин”, “Тарихи Салимий”, шунингдек, бу зоти шариф ғазаллар, қасидалар, рубоийлар ҳам ижод қилган.

Мирзо Салимбек араб, форс-тожик, ўзбек тилларида асарлар ёзган. Саид Жалололдин Суютийнинг “Анисул жалис” асарини араб тилидан аввал форс-тожик тилига, кейин ўзбек тилига таржима қилган. Шунингдек, “Дурратул воизин”, “Мухбирул ҳикоят”, “Гулшани роз”, “Аҳодисул аъмол” каби китобларни Салимбек таржима қилиб, китобхонлар олқишига сазовор бўлган.

Мирзо Салимбекнинг “Кашқўли Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттаахириин” китоблари олим Нарзулла Йўлдошев томонидан таржима қилиниб, 2003 йил “Бухоро” нашриётида чоп этилди.

Салимбек Салимий 1930 йилда вафот қиладилар. Бу зоти шарифнинг қабрлари Ҳазрат Имом Ҳожатбарор мазоридадир. Имом Ҳожатбарор хонақоҳларининг қибла томонида Салимбек Салимийнинг қабрлари жойлашган. Айти шу кунларда у қабр бор.

Ёзувлари ҳам маълум.

“Кашқўли Салимий” китобида куйидаги ибратли воқеа баён қилинган: Салимбек дейдиларки, йигирма икки ёшда эдим. Бухоройи шарифдан танҳо чиқиб, Дабусия қалъаси томон борар эдим. Йўл устидаги Малик чўлдаги Карвон саройда тунни ўтказдим. Кошки бирорта ҳамроҳ менга дуч келсайди, деб Аллоҳдан сўрар эдим. Чунки мен йўлни билмас эдим. Ногоҳ бир нуроний мўйсафид келди, у киши билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашдим. Ул зот мени қаерга бораётганимни сўрадилар. Мен Дабусия ҳокимининг ҳузурига хизмат қилмоқ учун бораётганимни билдирдим. Ва йўлни билмаслигимни ҳам айтдим. У киши дедилар: “Мен сенинг йўлбошловчи Хизринг бўламан. Сен адашмасдан манзилингни топасан, иншаоллоҳ! Сен бу сафардан кўп манфаатлар топасан! Лекин доимо ҳар ишда Аллоҳ розилиги ва Расулulloҳ суннатларига амал айла. Ҳамиша тўғри бўл, ҳеч қачон шариатга зид иш қилма. Сен ҳузурига бораётган зот ҳам улуғ мансаблар эгаси бўлажак”. Шунда йўлда аравалар намоён бўлди. Улар Миёнкол тарафидан ун, гуруж юклаб келар эдилар. Оқсоқол деди: “Икки иш юзасидан шаҳар ва саҳрода хайру барака кам бўлди. Илгари бу юкларни туяларда таширдилар. Барака туянинг оёғида эди. Энди эса туяда эмас, аравада ташимоқдалар. Илгарилари боғлар, полиззорларни ҳар хил нарсалар билан ихота қилмасдилар, шу боис барака бор эди. Энди ихота қилаяптилар хайру барака камаймоқда”. Биз бир манзилга етиб, отларни суғордик. Ҳалиги нуроний зот менга Дабусияга олиб борувчи йўлни кўрсатиб деди: “Бу катта йўл Дабусияга олиб боради, чап томондагиси эса Карманага олиб боради. Мен Карманага боришим керак”. Мен у кўрсатган йўлга қарадим-у сўнг хайрлашмоқ учун оқсоқолга қўл чўздим. Не кўз билан кўрайки, бийдай чўлда ҳеч ким йўқ эди. Мен қаттиқ ҳаяжонланиб, доду фарёд қилиб у одамни қидирар эдим. Лекин Хизр ғойиб бўлган эди. (Мирзо Салимбек, “Кашқўли Салимий. Таворихи муттақадимин ва муттаахириин” 199-200 саҳифалар).

Айти шу кунларда Мирзо Салимбекнинг неваралари, қариндошлари Бухоро шаҳрида истиқомат қиладилар.

МУЛЛО МАНСУР ХОЖА НАҚШБАНДИЙ

Мулло Мансур Хожа Нақшбандий ҳақларида Қори Раҳматуллоҳ Возех Бухорийнинг (1817-1897) “Тухфатул аҳбоб фи тазкиратул асҳоб” китобларида маълумот берилгандир: “Бу киши бухоролик бўлиб, шайхлардандир. Номлари Мулло Мансур Хожа Нақшбандий бўлиб, таҳаллуслари Ансоб. Бу зоти шариф Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанд авлодлари ҳисобланади. Ҳазрат Мулло Мансур Қасри Орифонда туғилганлар. Йигитликда вафот қилган. Бу зоти шариф “Ансоб” таҳаллуси билан ғазаллар ёзган. Ғазаллари фасоҳатли бўлиб, истеъдод эгаси эдилар. Қуйидаги байт Ансоб қаламларига мансубдир:

**На маро Жаму мулки Скандар даркор,
Шоҳиди маънийи шеъри хуш дилбар даркор.**

**Ансоб аз баҳри тамошои арӯси маъни
Дили покиза чу миръоти Скандар даркор.**

(“Тухфатул аҳбоб фи тазкиратул асҳоб”, “Бухоро” нашриёти, 2001 й. 9-саҳ)

ЭШОН МУҲАММАД АМИНХОЖА

Эшон Муҳаммад Аминхожа Ҳазратлари Шайхулислом Жўйборий номи билан машҳур эдилар. Бу зоти шариф оталарининг насаблари Ҳазрат Абу Бакр Саъдга бориб тақалади. “Тухфатул аҳбоб фи тазкиратул асҳоб”да ёзилишича, Эшон Муҳаммад Аминхожа она томонидан насаблари Хожа Муҳаммад Косоний Даҳбедийга, ота томонидан эса Хожа Аҳрор Валийга бориб уланади.

Эшон Муҳаммад Аминхожа жуда саховатли, очиқ юзли, кўп китоб мутолаа этувчи, меҳмондўст, тарихи авлиё ва анбиёдан хабардор, донишманд бўлганлар. “Тухфатул аҳбоб”да Эшон Муҳаммад Аминхожанинг қуйидаги шеърлари келтирилган:

**Ба жо мондан дар ин айём бежост,
Чу сахро сабза гардад хона саҳрост.
Биё то дар чаман гирам манзил,
Ки танги мефишорад хона бар дил.**

МАВЛОНО ҚУРБАТ (1868-1948)

Мавлоно Мир Муҳаммад Амин Қурбат 1868 йил Бухоро шаҳридаги Хожа Зомуча гузарида уламо оиласида туғилган. Хожа Зомуча гузари Кўкалдош мадрасаси орқасида жойлашган. Унинг отаси садрал уламо (уламолар раиси) Мавлоно Ғиёсиддин бўлиб, бу зот Бухоронинг аълами Эдилар. Мавлоно Ғиёсиддин “Соқиб” таҳаллуси билан шеърлар ижод қилган. “Соқиб” сўзи “равшан”, “ёрқин”, “дурахшон” каби маъноларни билдиради.

Мавлоно Мир Муҳаммад Аминнинг онаси ўз даврининг олими Мир Саид Шамсиддиннинг қизи эди. Маълумки, Мир Саид Шамсиддин Мир Шариф Журжонийнинг авлоди ҳисобланади. Мир Шариф Журжоний “Шарҳи мавоқиф” асарининг муаллифидир.

Мавлоно Мир Муҳаммад Амин беш яшар бўлганда отаси Мавлоно Ғиесиддин вафот қилади. Мир Муҳаммад беш яшарликдан мактабга қатнаб Қори Ҳабибуллоҳдан сабоқ олади. У киши тўққиз яшарликларида саводхон бўлади.

Мир Муҳаммад араб тили, шунингдек, диний илмларни Домло Абдушукурдан ўртанди. У зоти шариф 18 яшарликларида Мир Араб мадрасасида тахсил ола бошлаган.

1890 йил Мир Муҳаммад Амин боболари юрти Андхўйга борадилар. Ўша пайтда Бухородан аллома Низомиддин ҳам Андхўйга борган эдилар. Мавлоно Мир Муҳаммад устод Низомиддиндан сабоқ оладилар. Фикҳ усули, ҳадис, ақоид, калом, ҳикмат, тасаввуф илмларини чуқур ўзлаштирган Мавлоно Мир Муҳаммад ўз замонасининг алломаси бўлдилар. Тез орада Андхўй мадрасасида мударрислик қилдилар.

Мир Муҳаммад Амин “Қурбат” тахаллуси билан шеърлар ижод қилганлар. “Қурбат” сўзининг маъноси “яқинлик”, “самимийлик”, “маҳрам”дир.

Устод Қурбатдан “Девон” мерос бўлиб қолган. Қурбат забардаст шоир, олим сифатида муҳожир ўзбек ва тожиклар орасида ғоят машҳур. Устод Қурбат “Девон”ларида фалсафий-ахлоқий мазмундаги ғазал, мухаммас, таржеъбанд, қитъа, рубоийлар бор. Қурбат зуллисонайн шоир бўлиб, ўзбек ва тожик тилларида ёзганлар.

Устод Қурбат А.Навоий, Фузулий, Мирзо Бедил, Заҳири Фарёбийларга пайравлик қилган, эргашган.

Шайх Абдулқодир Саббоқнинг “Армуғони Саббоқ” китобларида Қурбат таржимаи ҳоллари ва шеърларидан намуналар бор. Саббоқ ёзадилар: “Устода бузругвор Қурбат - ин суҳанваре тавоноий аҳди мо, ки ҳамвора суҳбатҳои илмий ва адабияш муяссар аст, аз он суҳансаройон мебошадки, каломаш бо каломи муттақадимин паҳлу мезанад”. Яъни замонамизнинг забардаст адиби, буюк устод Қурбатнинг илмий ва адабий суҳбатлари муҳибларга муяссар бўлаётир. Қурбатнинг каломи муттақадимин (олдин ўтган буюклар) каломига ҳамоҳанг келадур.

Шанх Саббоқнинг бу баҳоларида ҳеч бир муболага йўқ. Ҳазрат Мавлоно Қурбат доимо Бухоройи шарифни, она - Ўзбекистонни соғиниб яшади:

**Ажаб эрмас қоронгу бўлса олам дуди оҳимдан,
Кима бор эрди ёдингга кетур, Эй, чарх, жохимдан.
Бухоро маърифатнинг қони эрди, андин айрилдим,
Жаҳон тор ўлғуси зарра дим бахти сиёҳимдан...
Муродим Ўзбекистон, гар Бухоро ёдини этсам,
Узоқ қилди фалак устод дониш дастгоҳимдан.
Адойи неъматинг қайси забон бирлан қилай изҳор,
Ғалат қилсам шуморига чиқорғил иштибоҳимдан.
Зи бас мушфиқ киши ким бўлди узлат ихтиёр этдим,
Ки аксар дўстлар воқиф эмасдур солу моҳимдан...**

Устод Мавлоно Қурбатнинг ҳар байти ҳикмат даражасидаги ғазаллари бор:

Зинҳор рози олам аз беҳабар мажъед,

**Аз нахли хушк бар худ харгиз самар мажӯед.
Имруз фахри мардум аксар ба молу мулк аст,
Расми вафою ёри аз беҳунар мажӯед.
Аз бас ба таъби баъзе ҳайвоният зиёд аст,
Мафҳуми одамият аз гову хар мажӯед.
Моро ба зиндағони мафҳуми комрони
Қисмат нашуд замоне з-ин раҳгузар мажӯед.
Ҳар каски раҳнамо шуд, дар панжаи бало шуд,
Гӯянд аз қазо шуд сирри қадар мажӯед...**

Мазмуни: Зинҳор беҳабар кимсалардан олам розини сӯраманг, курук шохадан мева кутманг. Бугун аксар одамлар молу мулк ила фахр қилаётир, вафодорлик, ёрлик расмини беҳунарлардан сӯраманг. Баъзи бир кишиларда ҳайвонлик хислатлари зиёд бўлгани учун ҳўкизу эшакдан одамийлик фаҳму фаросатини сӯраманг. Яшамокдан маъни комронликдир. Қисматимиз шундай бўлса, хар раҳгузардан сӯраманг. Кимеки раҳбар бўлди, у балонинг панжаси ичра қолгай, бу ҳол қазодан бўлди дерлар, зинҳор қадар сирини сӯраманг...

Устод Қурбатнинг қуйидаги рубоийлари ҳам ибратлидир:

**Эй, Шарқ! Ту Жомию Санойи дори,
Ҳам Бедилу Саъдиву Навоий дори,
Чашм бикуюшой зи хоби ғафлат барҳез,
Рафт аз кафи ту хар чи расойи дори.**

Мазмуни: Эй Шарқ! Сенинг Жомию Санойинг бор, ҳам Бедилу Саъдиву Навоийнги бор. Кўзни ғафлат уйқусидан оч, зеро кафтингдаги боринг кетди.

Устод Қурбат 1948 йил ҳижратда вафот қилдилар.

НАҚШБАНДХОН ИБН СУЛТОНХОН (ваф. 1958)

Нақшбандхон ибн Султонхон Ҳазрат Хожа Али ар Ромитанийнинг авлодлари бўлганлар. Бул зоти шариф валиюллоҳ бўлиб, шўролар замонасида ҳам нақшбандия тариқати пири муршиди сифатида фаолият кўрсатган. Зикрда, шукрда, сабру каноатда уламолар пешвоси эдилар. Ҳазрат Нақшбандхон шариат илмини пухта эгаллаган, Мири Араб мадрасасини хатм этгандилар.

Шўролар замонасида Ҳазратни қамайдилар. Камоқдан чиққан вақтларида ўғиллари ва хотинлари марҳум бўлган эди. Ҳазрат қайта ўйланмайдилар. То нафақага чиққунча Бухородаги Ибн Сино кутубхонаси Шарқ бўлимида хизмат қилганлар. Шу зоти шарифнинг шарофатларидан дурдона асарлар XXI асргача соғ-саломат етиб келди.

Нақшбандхоннинг кароматларига уста Аминбобо, Маҳсумбобо (Омонуллохон), Уста Ҳидоятлар гувоҳ бўлишган.

Болалигимда отам Мулло Наби мени Нақшбандхон хузурларига олиб боргандилар, ул зот ҳақимга дуо қилгандилар.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Неймат Аминов “Бир аср ҳикояти” китобларида Ҳазрат Нақшбандхон ибн Султонхон ҳақларидаги хотираларини

ёзганлар: “Уста Аминбобо (Неъмат Аминовнинг оталари) - дедилар: “Рахматли Нақшбандхон зап олижаноб зот эдилар-да. Парвардигорнинг ўзи кечирсин-у, янглишмасам, тирик чилтанлардан биттаси эдилар. Хотин бола-чақа йўқ, таркидунё қилиб ўтдилар. Гузар вакил Мирзо Дўлобнинг янги ҳовлисига қўшни эдилар. Кичкинагина ҳужрада яшардилар. Бор бисотлари битта пўстак, битта офтоба эди, на кўрпа-тўшак, на козон-товоқ, хатто чойнак-пиёлалари ҳам йўқ эди. Бу ҳужрани бир мартагина кўрганман. Ҳалиям кўз олдимда турибди: Ҳазрат жойнамоз усгида чўкка тушиб рукуга кетганлар, ингичка бўйинлари ўнг елкалари томон сал қийшаган... Мирзо Дўлобнинг айтишича, бирор киши Ҳазрат Нақшбандхоннинг ухлаганларини ёки ёстикқа бош қўйганларини кўрмаган экан...”

“Шаҳарга янги кўчиб келган йилларимиз эди. Чўпбоз гузарида ўтган бир маросимда олифта бир кимса Чори бобо деган жондорлик кишига “Ўв, саҳройи!” деб таъна қилувди, унинг бу гапи қишлоқдан янги кўчиб келганим учун менга ҳам тегиб кетди. Ранг – рўйимда ўзгариш зоҳир бўлди шекилли, Нақшбандхон секин: “Хафа бўлдингиз-а устожон?” - дедилар. Парво қилманг, ҳар қанақа одам бор-да, аслида бизам ромитанликмиз. Ота-боболаримиз Мирмуллодан макон топганлар. Энди шаҳару саҳро масаласига келсак. Аллоҳ таолонинг яратгани ўн саккиз минг олам бўлган, шаҳар билан қишлоқни эса бандаларнинг ўзи қурган, шунинг учун ҳам биров – бировидан қизганиб яшайди. Айтайлик, ҳозир мен саҳрога борсам-ў, ўт ўришга қўлим келмаса, ўша ердаги оддий бир бола ҳам “Ҳи, шаҳри” деб кулади.

- Анави киши бола эмас-ку, ҳар қалай, - дедим қизариб.

Нақшбандхон мийиқларида кулдилар.

- Тўғри, бола эмас, лекин болалиқларича қолиб кетганлар. Кенг бўлинг устожон, гуноҳи ҳам шу соқолли боланинг ўзига...

Ҳазрат Нақшбандхон тўй, хатми Қуръон ёки ифторликда кўп овқат емасдилар. Бирор марта у кишини овқат чайнаганларини кўрмаганман. Чим-чим татиниб кўярдилар. Маросим тугаб, дарвозадан чиқиш олдидан эса у кишининг одатларини билган хонадон эгалари бир қийиққа иккита нон, бўғирсоқ, қанд-курс тугиб берарди. Ҳазрат тўйхонадан чиқиб, маҳаллага яқинлашганда болалар чувиллашиб ўраб оларди. - мангаям беринг, бобожон... – Манбаям тет... - Мене тоже...

Нақшбандхон болаларга биттадан қанд тарқатардилар, етмаганига бир тишламдан нон улашиб чиқардилар. Ҳар куни неча жойга айтилсалар, албатта, шунча марта болаларга қанд-курс, бўғирсоқ ва нон тарқатардилар. Болалар ҳазратнинг бу ишига кўникиб қолган, чунки ота-оналари уларга Нақшбандхоннинг қўлларидан нарса олиб ейиш савоб, деб ўргатган эдилар.” (Неъмат Аминов. “Бир аср ҳикояти”, Тошкент, “Ўзбекистон” - 1995 йил, 48-51-саҳифалар).

Ҳазрат Нақшбандхон ибн Султонхон 1958 йил вафот қилдилар. Ул зоти шарифнинг қабрлари Ҳазрат Имом Ҳожатбарор хонақоларининг Қибла томонидадир.

ЭШОНИ МУҲИДДИНХОЖА САЙИД НУҲХОЖА ЎҒЛИ (1908-1982)

Бу зоти шариф Бухоро тумани, Лоша қишлоғида яшаб ўтганлар. Бухоро мадрасаларида таълим олган эдилар. 536 та китобни ёддан билардилар. Фикҳ, ҳадис, шеърят, фалсафага доир асарларни саҳифама-саҳифа биларди. Кўп азизлар хизматини қилиб, суҳбатларида бўлиб, дуоларини олганди. Даврада ўтирсалар шоҳу гадони суҳбат билан ром қила оларди. Ҳозиржавоб, ширинсўз, жасур, меҳнатсевар киши эдилар. Қатағон замонида қамалиб чиққандилар.

Бир кун уйимизга Эшони Муҳиддинхожа келдилар. Уйда аҳли шуаро жамъ эди. Ҳазрат Муҳиддинхожа қуйидаги байтларни ўқиб, бу қанақа санъат, дедилар:

**Ягонаеки, ду кавну се руху чор табоеъ
Чу панж ҳису шаш аркон мутобеъанд мар ўро.
Агар зи ҳафт замин сўи ҳашт хулд гирояд
Зи нўх сипеҳр ба даҳ навъ мерасад хабар ўро.**

Аҳли шуаро оғзи очилиб, бу байтларни тингладилар, лекин, саволга жавоб беришолмади. Шунда Ҳазрат яна қуйидаги байтларни ўқиди:

**Эй, дида, рухи нигор дидан хатар аст,
Эй, дил, сари ин ришта кашидан хатар аст.
Хон, то начашй зи соғари ишқ дигар,
Зинҳор, дило, захр чашидан хатар аст.**

“Бу қанақа санъат?” деб сўрадилар. Сўнг аҳли шуарога бу санъатларни бир-бир тушунтирдилар. Биринчи шеър “Сиёқат-ул- аъдод” санъатига мансуб, яъни шоир ададларга риоя қилган ҳолда ўз фикрини баён қилган. Иккинчи шеър “Тафсил” санъатига мансуб бўлиб, бунда лабланмайдиган ҳарфлар орқали фикр баён қилинган. Бундай санъатлар Мавлоно Фаҳриддин Ан Сафийнинг “Латоиф ут тавоиф” китоблари фалон саҳифасида бор...”

Муҳиддинхожанинг ўғиллари Зукойиддинхожа бўладилар. Зукойиддинхожанинг айтишларича, Муҳиддинхожа Бухоройи шарифдаги мажзублар (яъни Аллоҳ ишқида девонаваш бўлганлар) ҳолидан хабардор бўлган. Уларга қараб турганлар.

Бир умр деҳқончилик билан ҳалол рақни топганлар. Бева-бечораларга қарашганлар. Бу зоти шариф марҳум бўлишлари кунларини олдиндан айтиб бу фоний оламни тарк қилган. Қабрлари Лошададир.

ШАЙХ САББОҚ БУХОРИЙ (1909-1999)

Шайх Абдулқодир Кароматуллоҳ 1909 йил Бухоро шаҳридаги Ҳаммоми Кунжак (Амирий) гузарида туғилган. Ул зоти шариф Мир Араб мадрасасида ўқиганлар. Ёшлиқдан ўзбек, гожиқ ва араб тилларида шеърлар ёзган. Шайх Абдулқодирнинг таҳаллуслари Саббоқдир.

1930 йилда Абдулқодир кўплаб зиёли, фузалолар, тадбиркорлар қаторида Афғонистонга ҳижрат этдилар. 1931 йил ҳажга бориб, ҳаж арконларини

бажариб бўлгандан сўнг, Маккадаги Савлатия мадрасасида ўқишга кирдилар. Мазкур мадрасани 1939 йил тугатиб, араб тилини мукаммал ўргандилар, дин ва шариат илми устоди бўлдилар. Шайх Абдулқодир Савлатия мадрасасида бир неча йил ёшларга сабоқ берган. Шу билан бирга Жидда радиосида хизмат қилдилар.

Шайх Абдулқодир Саббоқ Бухоройи шарифга қайтиб келиб яшамокни, она-юрт ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олмокни орзу қиларди. Юртнинг мустабид тузумдан озод бўлишини Аллоҳ таолодан доимо дуо қилиб сўрарди. Шайхнинг дуолари ижобат бўлди. Саббоқ ўғиллари билан бирга Бухоройи шарифга келдилар, ўз қариндошларини топдилар. Шайх Саббоқнинг укалари Ҳожи Абдулваҳҳоб (ваф. 1999) Ғурбун қишлоғида истиқомат қиларди. Шайх укалари Абдулваҳҳоб, шунингдек, жиянлари Мубина ва Мавлудалар уйларига меҳмон бўлдилар. Шайх Бухоройи шарифдаги ўзгаришларни, зиёратгоҳларнинг обод этилаётганини кўриб бениҳоят хурсанд бўлдилар ва дуолар қилдилар.

Шайх Саббоқнинг кутубхоналарида жуда кўп нодир китоблар сақланади. Ул зоти шариф Мири Араб мадрасаси кутубхонаси учун бир қисм китобларини ҳадия қилиб, Ҳожи Абдуғафур номига юбордилар.

Шайх Саббоқдан Макка ва Мадинадаги жуда кўп алломалар таълим олган. Шайх то умрларининг охиригача Макка яқинидаги Робиг шаҳрида яшаган. 1999 йил Шайх Саббоқ Робигда вафот қилдилар.

Шайх Саббоқнинг “Ғазаллар” китоблари Туркияда, “Армуғони Саббоқ” номли тазкирлари Мадинада нашр қилинган. Шайх Саббоқ улуг олим, тарбиячи, шоир, тақводор, дуоли ижобат бўладиган зот эдилар.

Шайх Саббоқнинг Туркияда чоп этилган китобларида араб, ўзбек, тожик тилида ижод қилган шеърлари киритилган.

Шайх Саббоқ ижодларини ўрганиб, уни тарғиб ва ташвиқ қилишда Бухоро давлат университети доценти Самад Азимов таҳсинга лойиқ хизмат этди. Шайхнинг шеърларидан намуналар С.Азимов сўзбошиси билан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Бухоронома”, “Сусамбил” газеталарида чоп этилди. Шайхнинг китоблари ва тазкиралари нашрга тайёрланмоқда.

Қуйида Шайх Саббоқ ижодларидан намуналар берилаётир:

**Қадим хамида хаёли қади асойимдур,
Гулум кўланкаси давлати қуши хумойимдур.
Муҳаббат ўгина куйдум анину нола баним,
Тилим таронаси оҳу фиғону навойимдур.
Жаҳон саодатини банго ким насиб этгай,
Еторса лутф ила ул шўхи хушлиқоимдур.
Вафо элина баним бир кара муқояса эт,
Вафо элина баланд ошиёна жойимдур.
Элим фақирлигимни эътибора тарк этса,
Элимни лутф ила олгон баним Худойимдур.
Сесинг тутилди бу янглиғ нечукла, Эй, Саббоқ,
Тутилмиша сабаб ул чашми сурмасоимдур.**

Кел, Эй, қосид, саломим нозанин дилдора еткургил,
Юзи гул, лаблари мул, кўзлари хуммора еткургил.
Билиб ҳолим тағофул этгувчи хунхора еткургил,
Ўзи гар билса билсун, кел, яна бир бора еткургил.
Сабо, арзим эшит, пайғомими гулёра еткургил,
Фигону оху зорим шўхи гулрухсора еткургил.

Фигон, Эй, дўстлар, ҳижрон ўти куйдирди жонимни,
Эшитмас ул ситамтар бир йўла оху фигонимни,
Ўлурман бошима бир келтурунглар ёри жонимни,
Шаҳиди ишқ қабри деб ёзинг қабримга номимни,
Сабо, арзим эшит, пайғомими гулёра еткургил,
Фигону охузорим шўхи гулрухсора еткургил,

Букулди оқибат фурқат юкидин қоматим нундек,
Қуриб кетти вужудим тору пуди сими тидфундек,
Дариғо, ёрни аҳволини кўрсам дигаргундек,
Равому мунча ҳам жавру жафолар қилса ғардундек,
Сабо, арзим эшит, пайғомими гулёра еткургил,
Фигону оху зорим шўхи гулрухсора еткургил.
Табибо, ранж чекма, ёр дарди манга дармондур,
Шаҳиди ишқ ўлғон тонгла билгил шоду хандондур,
Вужудин ёр қурбига ҳижоб ўлғон шу армондур,
Агар ишқа фано ўлсам муборак васли жонондур,
Сабо, арзим эшит, пайғомими гулёра еткургил,
Фигону оху зорим шўхи гулрухсора еткургил.

Кел, Эй, кўнгил, муҳаббатда вафо аҳлига лоҳиқ¹²³ бўл,
Агар васл истасанг доим талаб йўлингда содиқ бўл.
Ҳавойи нафсдин ўтгил, кўнгилларга мувофиқ бўл.
Талаш этма, умура ёрни васлига лойиқ бўл,
Сабо, арзим эшит, пайғомими гулёра еткургил,
Фигону оху зорим шўхи гулрухсора еткургил.

Қадам қўйдинг фано йўлига Саббоқ эмди хуррам ўл,
Тутиб бир марди Ҳақни илкини онларга ҳамдам ўл,
Алар анфосидин ботинни соф эт, сирра маҳрам ўл,
Тааллуқ риштасини қать эт, иксири аъзам ўл,
Сабо, арзим эшит, пайғомими гулёра еткургил,
Фигону оху зорим шўхи гулрухсора еткургил.

ҲАЗРАТ АБДУРАҲИМ ҚУРРО ТОРОБИЙ (ваф. 1906)

Ҳужжатул орифин, қудватус соликин номлари билан машҳур бўлган
Ҳазрат Абдураҳим Торобий илмни Ҳазрат Мир Жалололдиндан ўрганган. Бу

¹²³ Лоҳиқ – кейин қўшган

зоти шариф Бухоро шаҳридаги Кўкалдош мадрасасида Қуръон кироати ва ҳадиси шариф илмларидан ёшларга сабоқ берганлар. Ҳазрат Абдурахим “Ҳужжатул воқифин”, “Тухфаи хоний” ва бошқа китобларнинг муаллифи ҳисобланади. Бу зоти шариф хушхат хаттот бўлиб, Қуръони карим, Далоилул хайрот ва бошқа китобларни кўпайтиришга муносиб хизматлар қилган. Ҳазрат Абдурахим 70 ёшга кириб, 1906 йил вафот этганлар.

ҲОЖИ ТЕШАБОБО НАҚШБАНДИЙ (1923-1997)

Ҳожи Тешабобо Нақшбандий номи билан машҳур Қобил ибн Мустафо ал Бухорий 1923 йил Бухоро шаҳрида тугилган. Йирик гавдали, оппоқ соқолли, нуроний юзли, нуроний кўзли Ҳазрат Тешабобо кўчада юрганда оёқ остидан қогоз парчасими, тошми, тиканми, албатта эгилиб олиб, уни четга кўярдилар. Бу зоти шарифни кўрганлар Хизрни кўргандек хурсанд бўларди.

Ҳожи Тешабобо Бухоро вилояти, Бухоро тумани Галаосиё шаҳрига яқин Қушхона қишлоғида истиқомат қиларди: «Мен эллик олти йил пирлар хизматида ҳозир-нозир бўлган эдим, - деб майин товуш билан бизга ўз таржимаи ҳолларини баён қилган эдилар Ҳожи Тешабобо, - Ҳазрат Сулаймонхожа, Динмуҳаммад Эшон, Домло Муҳаммад Шариф менинг пирларимдир. Эшони Сулаймонхожа Хожа Ориф ар Ревгарийнинг авлодлари ҳисобланадилар. Динмуҳаммад Ҳазрат эса Абу Бакр Сиддиқ авлодлари эдилар.

Мен тўрт йил Иккинчи жаҳон урушида ҳам иштирок қилдим, 27 йил жамоа хўжалигида меҳнат қилдим. Ҳозир нафақадан, алҳамдулиллаҳ! Ҳазрат Тешабобо мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ошқора муридлар тарбияси билан шуғулландилар. Бу зоти шариф атрофларида юзлаб муҳиблар йиғилар, зикр мажлислари, суҳбат бўларди.

1997 йил Ҳожи Тешабобо бу фаний оламни тарк қилдилар. Қабрлари Қушхона қишлоғи мазористонидадир.

Ҳожи Тешабобо ҳикматлари:

- Сиз қўлимдан ҳамма иш келади, деяпсизми? Наҳотки ҳамма ишни қила билсангиз? Қила оласиз! Хўш, ундай бўлса, мана шу охурдаги сомонни бир челақ сутга айлантириб беринг! Қўлингиздан келмайди? Ахир бу оддий сигир эта биладиган иш-ку!

Мана бу тут баргларини енг-у ипакка айлантириб беринг. Бу ҳам қўлингиздан келмаскан. Ахир оддий қуртнинг қуввати, салоҳияти, илми сизда йўқ экан, яна манманлик қилиб, қўлимдан ҳамма иш келади, дейсиз!

* Эй, фарзанд! Ҳамма иш фақат Аллоҳ таолонинг қўлидагина келади. Биз гумроҳ бандаларга Аллоҳ тақсимлаб берган вазифалар бор, ўшаларни этишимиз мумкин.

* 1990 йилда бу воқеа бўлиб ўтган эди. Катта даврада бир одам Ҳожи Тешабобого қараб деди: “Ҳазрат, қовунларда ҳам мазза қолмабди. Бу дастурхондаги қовун мунча бемаза. Бунинг боиси не?” Тешабобо унга табассум билан қарадилар-да, дедилар: “Тақсир, ўзимиз ҳам бемаза-да! Намоз ўқимасак, рўза олмасак, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормасак. Аллоҳ таоло қандай қилиб бизга ширин қовунни насиб этсин?”.

Бу вақадан беш йил ўтгандан сўнг худди шу хонадонда яна хатми Қуръон этилди. Худди ўша одамлар йиғилди. Таом тановул этилгандан кейин яна қовун

кўйилди. Бу қовун жуда ҳам ширин эди. Ҳожи Тешабобо бундан беш йил бурун қовун ҳақида савол берган одамга қараб дедилар: “Тақсир, ана энди ширин бўлдиқ.

Алҳамдулиллаҳ, қовунлар ҳам ширин бўлди. Мустақиллик шарофатидан масжидлар қурилмоқда, намозхонлар кўпайди, рўза оладиган кўпайди. Шу боис Аллоҳ мана шундай ширин таомлар, ширин қовунлар билан бизни меҳмон қилмоқда.”

Ҳожи Тешабобо бир кун дедилар: “Баъзан тишим тилимни тишлаб қолади. Агар тилим гуноҳ қилмаганда эди, уни тишим тишлаб олармиди?”.

БУХОРОДА АВЛИЁ БОР - ТИРИК АВЛИЁ (Темур ака Ғаниевга)

*Бухорода авлиё бор – тирик авлиё,
Бухорода авлиё бор - йирик авлиё,
Кўзикўрлар кўролмайдилар ул зотни, дариг!
Бухорода авлиё бор - суюқ авлиё!*

*Ўз нафсини тия олган марди майдон у,
Биз ер билан андармонмиз, тубсиз осмон у!
Замон бузуқ, вайрон дема, ҳақбин замон у!
Бухорода авлиё бор - тирик авлиё!*

*Дарди борлар келса агар дармон бўлолгай,
Бедардларнинг юрагига армон бўлолгай,-
Адолатга, ҳақиқатга посбон бўлолгай,
Бухорода авлиё бор - тирик авлиё!*

*Дарду ғамлар чекса ҳамки шикоят этмас,
Кулфатларга сабр этар, ҳикоят этмас,
Бировларнинг айбин кўриб, маломат этмас,
Бухорода авлиё бор - тирик авлиё!*

*Жаҳонларни оёқсиз ул сайр эта олгай,
Малакларнинг қўлларидан ул тута олгай,
Ҳар кун мақсуд Каъбасига ул ета олгай,
Бухорода авлиё бор - тирик авлиё!*

*Нокасларга кўзи тушса - нокас кас бўлгай,
Худпарастга боқса, ул ҳам Ҳақпараст бўлгай,
Бедардлар ҳам ишқ шаробин ичиб маст бўлгай,
Бухорода авлиё бор - тирик авлиё!*

*Садриддин ҳам дардманд кезди бир даво истаб,
Чароғ истаб, юрагига бир зиё истаб!
Жаҳон кезмоқ бекор экан авлиё истаб,
Бухорода авлиё бор - тирик авлиё!*

МУНДАРИЖА

“Ишинг тирик бўлса...”.....	5
Шарафли юртдан таралган зиё.....	8
Ҳазрат Аюб алайҳиссалом.....	11
Ҳазрат Довуд алайҳиссалом.....	13
Ҳазрат Хизр алайҳиссалом.....	14
Ҳазрат Каъбул Аҳбор.....	14
Ҳазрат Қусам ибн Аббос р.а.	16
Ҳазрат Бурайда ибн ал Хусайб р.а.	19
Ал Ҳакам ибн Амр ал Ғиффорий р.а.	19
Ҳазрат Хожа Уббон.....	20
Ҳазрат Бурки Сармаст.....	21
Ҳазрат Суфёни Саврий қадамжолари.....	22
Ҳазрат Абдуллоҳ ибн ал Муборак.....	23
Абу Ҳафс Кабир ал Бухорий (Имом Хожатбарор).....	26
Абу Ҳафс Сағир ал Бухорий.....	31
Абу Ҳафс Сағир Сафкардагий.....	32
Муҳаммад ибн Салом Пайкандий.....	32
Абу Муҳаммад Исо ибн Мусо ал Ғунжорий.....	33
Ҳазрат Орифабиби зиёратгоҳи.....	33
Хоки Пойи Бухоро (Биби Кабудпўш).....	34
Абу Саъид Аббод ибн ал Бухорий.....	34
Ҳазрат Боязид Бастомий.....	34
Ҳазрат Абу Исҳоқ ас Сурморий.....	37
Муҳаммад ибн Юсуф Абу Аҳмад ал Бухорий.....	37
Имом ал Бухорий.....	37
Ҳошид ибн Исмоил ал Ғаззол.....	40
Ҳазрат Хожа Торобий.....	40
Ҳабдахёрон зиёратгоҳи.....	41
Муталлиб ҳожи зиёратгоҳи.....	41
Хожа Нуробод ҳазратлари.....	41
Ҳазрат Хожа Пешкў.....	41
Мозори Беҳиштиён.....	41
Даҳмаи Беҳиштиён.....	41
Хожа Калобод зиёратгоҳи.....	42
Тали Хожа Ғарибон.....	42
Абулаҳзар Зоҳир ибн Холид ибн Амр ал Бухорий.....	42
Абу Усмон Саъид ибн Муҳаммад ал Бухорий.....	43
Абдуллоҳ ибн Абдуя ибн ан Назр ибн Хуштёр.....	43
Абу Хорун Саҳл ибн Шозуя ал Бухорий.....	44
Муҳаммад ибн Имрон ал Бухорий.....	45

Ҳазрат Бобойи Порадўз.....	45
Ҳазрат Исмоил Сомоний.....	47
Ҳазрат Биби авлиёи Ҳамадоний.....	52
Ҳазрат Хожа Ажвандий зиёратгоҳи.....	52
Абулайс Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал Бухорий.....	52
Абулҳасан Али ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ал Бухорий.....	53
Ҳазрат Абубакр Фолизбон Бухорий.....	54
Устод Абу Абдулло Рўдакий.....	54
Ҳазрат Абдуллоҳ Сипадмунӣ.....	56
Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ан Наршахий.....	57
Ҳазрат Саид Абулҳасан Побанд.....	58
Шайх Абу Бакр Гулободий.....	59
Ҳазрат Мавлоно Абдурахмон Бухорий.....	62
Ҳазрат Турки Жандий.....	62
Ҳазрат Абу Бакр Саъд.....	63
Ҳазрат Абу Бакр Фазл.....	64
Ҳазрат Абу Бакр Ҳомид.....	65
Ҳазрат Абу Бакр Тархон.....	65
Ҳазрат Ҳофизиддин Кабир Бухорий.....	65
Ҳазрат Абу Абдуллоҳ ал Бухорий.....	65
Ҳазрат Тожиддин ал Масдар.....	65
Ҳазрат Ҳисомиддин.....	65
Мавлоно Хожа Юсуф.....	65
Қози Хожа Нажмиддин Гиждувоний.....	66
Мавлоно Сирожиддин Аслий.....	66
Абу Исмаил Абдулвоҳид ибн Тохир Карминий.....	66
Абулхусайн Муҳаммад ал Муродий.....	66
Ҳазрат Шайх Қафғол аш Шоший Кабир.....	67
Абулфазл Аҳмад ибн Али Байкандий.....	70
Абу Абдуллоҳ Фазл ибн Абдул Фазл ал Байкандий.....	70
Ҳазрат Абу Али ибн Сино.....	70
Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал Варроқ ал Гунжорӣ.....	74
Абу Бакр Муҳаммад ал Офуроний.....	74
Ҳазрат Абузайд Дабусий ал Бухорий.....	75
Абу Иброҳим Исмоил ал Мустамлий ал Бухорий.....	75
Ҳазрат Шамсул аимма Ҳалвоӣ.....	75
Ҳазрат Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад Сарахсий.....	76
Ҳазрат Садри Шаҳид.....	77
Абу Ҳафс Умар Воъиз ал Бухорий.....	78
Абу Ҳафс Умар ибн Мансур ал Бухорий.....	78
Шайх Ҳасан Намадпӯш.....	78
Шайх Али Бухорий (Ҳажи пиеда).....	80
Шамсулаимма Зарангарий.....	80
Ҳазрат Зиндафил Аҳмад Жомий.....	81
Имом Ғаззолий.....	81
Ҳазрат Абу Жаъфараш Шаъбий.....	83
Ҳазрат Имом Задзан.....	83

Ҳазрат Заҳириддин.....	84
Ҳазрат Аҳмад ибн Умар аш Шерозий.....	84
Ҳазрат Имом Бадиуддин.....	84
Зорлиқбова авлиёси.....	84
Занжбобо авлиёси.....	84
Хожа Масталибобо зиёратгоҳи.....	84
Меъмор Уста Бақо.....	84
Абу Махлад Абдулмалик ибн Абдулжаббор.....	86
Ҳазрат Убайдуллоҳ ибн ал Имом Абу Бакр Хоҳарзода.....	86
Ҳазрат Нуриддин Собуний.....	88
Муҳаммад ибн Али ал Коканий.....	88
Ҳазрат Абдулқодир Желоний Пири Дастгир.....	89
Ҳазрат Юсуф Ҳамадоний.....	92
Хожа Абдулло Барқий.....	95
Хожа Ҳасан Андоқий.....	96
Ҳазрат Аҳмад Яссавий.....	96
Ҳазрат Имом Қозихон.....	98
Нуриддин Муҳаммад ибн Авфий ал Бухорий.....	99
Шайх Насимий.....	101
Шайх Нуриддин Хилватий.....	101
Мавлоно Нуриддин Сирфий.....	102
Ҳазрат Али ибн ат Тоҳир Имомиддин ал Бухорий.....	104
Мавлоно Шамсиддин ал Маҳбубий ал Бухорий.....	104
Мавлоно Маҳмуд ибн Шамсиддин ал Маҳбубий.....	105
Мавлоно Аҳмад ибн Шамсиддин ал Маҳбубий.....	105
Мавлоно Убайдуллоҳ Садр аш Шариа.....	105
Ҳазрат Шайхул Олам.....	105
Шайх Хованд Жалолиддин Шаҳид Бохарзий.....	112
Ҳазрат Шайх Гулрез.....	112
Ҳазрат Муҳаммад ибн Абу Бакр.....	112
Ҳазрат Имом Саъдиддин.....	112
Ҳазрат Имом Рукниддин Шаҳид.....	113
Ҳазрат Мавлоно Носириддин.....	113
Шайх Хованд Мутаҳариддин Бохарзий.....	113
Шайх Яҳъё ибн Аҳмад Бохарзий.....	113
Шайх Хованд Бурҳониддин.....	113
Шайх Рукниддин Довуд.....	113
Хожа Ҳофизиддин Бухорий.....	114
Ҳазрат Саъди Ваққос зиёратгоҳи.....	114
Ҳазрат Бобойи Лақлақаги.....	114
Мовлоно Бурҳониддин Анжир Фагнавий.....	114
Мавлоно Бурҳониддин Аршадий.....	114
Ҳазрат Абдулҳолиқ Ғиждувоний.....	114
Хожа Аҳмад Сиддик.....	122
Хожа Авлиёи Кабир.....	122
Хожа Ғариб.....	123
Хожа Ҳасан Шоварий.....	123

Хожа Сулаймон Карминий.....	123
Шайх Абу Саъид Бухорий.....	123
Шайх Саъиддин Ғиждувоний.....	124
Ҳазрат Хожа Ориф ар Ревгарий.....	124
Ҳазрат Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий.....	127
Хожа Мири Хурд Вобкандий.....	129
Ҳазрат Хожа Али Арғандий.....	129
Ҳазрат Иброҳим Оқсоқ Авлиё.....	129
Ҳазрат Эшон зиёратгоҳи.....	129
Ҳазрат Дилором Ота зиёратгоҳи.....	130
Хожа Мирон мазори.....	130
Шакаркентвалий зиёратгоҳи.....	130
Ҳазрат Хожа Булғорий.....	130
Хожа Порсо.....	131
Ҳазрат Хожа Али ар Ромитаний.....	131
Хожа Муҳаммад.....	141
Хожа Иброҳим.....	142
Хожа Муҳаммад Кулоҳдўз.....	142
Хожа Муҳаммад Бовардий.....	142
Хожа Муҳаммад Ҳаллож.....	142
Бобойи Таомфуруш зиёратгоҳи.....	142
Ҳазрат Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий.....	143
Ҳазрат Саид Ато.....	146
Ҳазрат Хожа Шарафиддин.....	148
Ҳазрат Саид Амир Кулол.....	149
Ҳазрат Носир Бухорий.....	152
Ҳазрат Сайид Амир Бурҳон.....	154
Ҳазрат Сайид Амир Шоҳ.....	154
Ҳазрат Сайид Амир Ҳамза.....	154
Ҳазрат Сайид Амир Умар.....	155
Ҳазрат Хотуни Калон.....	155
Мавлоно Шаҳобиддин.....	156
Ҳазрат Бобо Ҳасан.....	156
Ҳазрат Мавлоно Ориф Деггароний.....	156
Мавлоно Амир Ашраф Бухорий.....	159
Амир Ихтиёриддин Деггароний.....	160
Шайх Ёдгор Консуруний.....	160
Мавлоно Алоиддин Консуруний.....	160
Ҳазрат Қусам Шайх.....	160
Ҳазрат Халил Ота.....	161
Мавлоно Боҳоиддин Қишлоқий.....	162
Ҳазрат Баҳоиддин Нақшбанд.....	162
Ҳазрат Баҳоуддин оналари зиёратгоҳи.....	170
Ҳазрат Хожа Алоиддин Аттор.....	170
Ҳазрат Хожа Ҳасан Аттор.....	172
Хожа Юсуф.....	172
Ҳазрат Баҳоуддин қизлари зиёратгоҳи.....	172

Хожа Муҳаммад Порсо ал Бухорий.....	173
Хожа Абу Наср Порсо.....	177
Ҳазрат Хожа Алоиддин Ғиждувоний.....	178
Хожа Саид Аҳмад Кулоҳдўз Бухорий.....	181
Шайх Сирожиддин Кулол Пирмасий.....	181
Чор Туқ зиёратгоҳи.....	182
Бобошайх Муборак Бухорий.....	182
Шайх Муҳаммад Халифа.....	183
Ҳазрат Шамсиддин Кулол.....	183
Хожа Бозор Авлиё.....	183
Саид Хўҷам Пўлот авлиё.....	183
Питмон зиёратгоҳи.....	183
Қизбиби зиёратгоҳи.....	183
Хожа Мусофир Хоразмий.....	184
Хожа Муҳаммад Зоҳид ал Бухорий.....	184
Саййид Бурҳониддин Ховандшоҳ.....	184
Ҳазрат Мавлоно Яъкуби Чархий.....	185
Ҳазрат Хожа Аҳроп Валий.....	187
Ҳазрат Муҳаммад Зоҳид.....	190
Ҳазрат Муҳаммад Дарвеш.....	191
Ҳазрат Муҳаммад Амкинагий.....	193
Ҳазрат Мулло Мир.....	195
Ҳазрат Хожа Исматуллоҳ Валий.....	196
Мавлоно Кавсарий.....	201
Ҳазрат Саид Иброҳим.....	202
Мавлоно Хаёлий Бухорий.....	202
Ҳазрат Фазлуллоҳ ибн Рўзбеҳон.....	203
Мавлоно Сайфий Бухорий.....	204
Ҳазрат Мир Араб.....	205
Ҳазрат Муҳаммад Боқир Яманий.....	206
Ҳафт Бародарон зиёратгоҳи.....	207
Ҳазрат Муҳаммад Амин Зоҳид.....	208
Хожа Жалолиддин Ҳошимий ас Сиддикий.....	208
Ҳазрат Маҳдуми Аъзам Даҳбедий.....	209
Хожа Фаҳриддин Муҳаммад Ҳожа Ислом Жўйборий.....	212
Носириддин Хожа Саъд Хожаи Калон.....	214
Хожа Тоҷиддин Ҳасан.....	214
Ҳазрат Абдурахимхожа.....	215
Хожа Абдихожа.....	215
Муҳаммад Юсуфхожа.....	215
Муҳаммад Аббосхожа.....	216
Ҳазрат Ибодуллохожа.....	216
Ҳазрат Шайх Жалол.....	216
Абдулғози Убайдулло Баҳодирхон бин Маҳмуд Султон.....	218
Абдулазизхон бин Абулғози Убайдуллохон.....	220
Мавлоно Хуш Муҳаммад Азизон.....	221
Ҳазрат Муҳаммад Мазид.....	221

Маҳмуд Ғиждувоний.....	222
Мавлоно Нажмиддин Кавкабий.....	222
Муҳаммад бин Саъид Бухорий.....	224
Мавлоно Мир Али Котиб.....	224
Мир Муъмин Котиб Бухорий.....	225
Қози Бурҳониддин.....	225
Мавлоно Ғойибий.....	226
Гург Ато зиёратгоҳи.....	226
Ҳазрат Сайид Ходи Нақшбандий.....	226
Ёқубшайх.....	227
Шайх Пошохожа бин Абдулваҳҳобхожа.....	227
Бобохожа бин Пошохожа.....	229
Ҳазрат Қосим Шайх Азизон.....	229
Хожа Алоиддин Гавсавор.....	230
Ҳасанхожа Нисорий.....	230
Қози Фатхуллохожа.....	231
Абдурахмон Мушфиқий.....	232
Ҳазрат Муҳаммад Тохир ал Бухорий.....	232
Хожа Муҳаммад Обид ал Бухорий.....	233
Қози Хожа Муҳаммад Зоҳид ал Бухорий.....	233
Ҳазрат Хожа Чоршанбе.....	233
Мулло Назар.....	233
Хожа Юқсун зиёратгоҳи.....	233
Биби Кабудпӯш зиёратгоҳи.....	233
Ҳазор Нур зиёратгоҳи.....	233
Хожа Абдуллои Гулрез.....	234
Авлиён Солех Такядор.....	234
Хожа Абдурахмони Авф.....	234
Бурҳониддин Бухорий.....	234
Шайх Абубакр Бухорий.....	234
Имом Шамсиддин зиёратгоҳи.....	234
Ҳофиз Таниш Бухорий.....	235
Қулбобо Кўкалдош.....	235
Хожа Абдуссалом.....	236
Мавлоно Яқиний.....	236
Қалъаи Мири Араб.....	237
Шайх Закариё қабрлари.....	237
Жавонмарди Қассоб зиёратгоҳи.....	237
Ҳазрати Моҳи Нур.....	237
Ҳазрат Чаҳоршанбе Шайхон зиёратгоҳи.....	237
Камолиддин Иброҳим Ширвоний ал Бухорий.....	237
Девона Ҳусомий.....	238
Ҳусайн Алоиддин.....	240
Мавлоно Моилий Сиррож.....	240
Мавлоно Хожа Муҳаммад Садр.....	241
Биби Маъсумаи Пок зиёратгоҳи.....	241
Ҳазрат Поянда Муҳаммад Шоҳ Ахсавий ан Намангоний ал Бухорий.....	241

Амир Аваз қ.х.	244
Мавлоно Мир Раҳматуллоҳ қ.с.	244
Хожа Муҳаммад Юсуф қ.с.	244
Ҳазрат Мавлоно Масти қ.х.	244
Ҳазрат Мавлоно Охунд Камолиддин Вағанзавий.....	245
Қози Маҳмуд қ.с.	245
Хожа Муҳаммад Ширин қ.с.	245
Мирзо Баргий қ.с.	246
Ҳазрат Мавлоно Муҳаммад Қосим ал Бухорий Дарвозайобий қ.с. ...	246
Мавлоно Шоҳ Муҳаммад Сарроф қ.с.	246
Мавлоно Солиҳ қ.с.	246
Мавлоно Дарвеш Муҳаммад Мирободий қ.с.	246
Сўфи Мирзохожа қ.с.	247
Хожа Муқим қ.с.	247
Шайх Музаффар қ.с.	248
Амир Зариф Маснавий қ.с.	248
Ҳазрат Шайх Сирож қ.с.	248
Ҳазрат Шайх Боқи Муҳаммад Шикорий қ.с.	249
Ҳазрат Мирзожон қори қ.с.	249
Хожа Ҳамдий Ромитаний қ.с.	249
Мавлоно Муҳаммад Калон Новдакий Тошкандий қ.с.	249
Мавлоно Иброҳим Калон қ.с.	249
Мавлоно Назар Тошкандий қ.с.	250
Мавлоно Мирак Сепулоний қ.с.	250
Ҳазрат Хожа Бурхониддин Занданавий қ.с.	250
Мавлоно Муҳаммад Максоний қ.с.	250
Мавлоно Абдураҳим қори қ.с.	250
Мавлоно Аваз Насафий қ.с.	250
Мир Ҳошим Манорий қ.с.	250
Амир Сайид Жоруллоҳ Карминий қ.с.	251
Мавлоно Шоҳ Муҳаммад Котиб қ.с.	251
Халифа Боқи Муҳаммад қ.с.	251
Амир Ҳошим девона қ.с.	251
Амир Ҳошим табиб қ.с.	251
Мавлоно Ҳожи Муҳаммад қ.с.	251
Мавлоно Болтавий Миёнколий қ.с.	251
Мавлоно Солиҳ Харақоний қ.с.	251
Мавлоно Шоҳбобо қ.с.	251
Ҳазрат Ҳофиз қ.с.	252
Ҳофиз Боқий Маснавийхон қ.с.	252
Мулло Дарвеш Муҳаммад Чароф Занданавий қ.с.	252
Мавлоно Иброҳим Калон қ.с.	252
Мавлоно Мир Али қ.с.	252
Мулло Шермуҳаммад Заврақий қ.с.	252
Шайх Худойкул қ.с.	252
Мулло Абусалим қ.с.	252
Ҳофиз Муҳаммад Ҳусайн Мунавварий қ.с.	253

Дарвиш Поянда Муҳаммад Мўлтоний қ.с.	253
Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Амин қ.с.	253
Мавлоно Кавкабий қ.с.	253
Мавлоно Абдулолий қ.с.	253
Мулло Сайид Али Занданавий қ.с.	253
Дарвеш Дўст Муҳаммад Мастур қ.с.	253
Мавлоно Одина қ.с.	253
Мавлоно Ортиқ Насафий қ.с.	254
Мулло Абдулло Сирож қ.с.	254
Мавлоно Аваз Сақо қ.х.	254
Мавлоно Муҳаммад Ҳожи Саллох қ.с.	254
Мавлоно Ҳожи Муҳаммад Солиҳ Миёнқолий қ.с.	254
Мавлоно Саъид Занданавий қ.с.	254
Мавлоно Шоҳ Муҳаммад Занданавий қ.с.	254
Ҳазрат Биби Ойбиноқ зиёратгоҳи.....	254
Ҳожа Муҳаммади Паррон.....	255
Ҳожа Тиргар.....	255
Ҳожа Таббанд.....	255
Ҳазрат Мавлоно Поянда Соктареги (Садпираги).....	255
Ҳазрат Ҳожа Ҳошим.....	255
Ҳазрат Охуни Калон (Юсуф Қарабоғий).....	257
Тавбатун Насуҳо қабрлари.....	258
Фиришкан зиёратгоҳи.....	258
Ҳожа Туроб.....	258
Ҳазрат Мавлоно Шариф.....	258
Сўфидеҳқон Вобқандий.....	260
Назар Эшон.....	262
Ҳожа Нигориддин.....	262
Ҳожа Муҳаммад Пайравий.....	262
Биби Зудмурод зиёратгоҳи.....	262
Ҳазрат Шайх Ҳабибуллоҳ Жўйборий.....	262
Ҳожа Давлат.....	263
Ҳожа Ниҳол.....	263
Ниёзмамат Валий.....	263
Хонхўжабобо авлиёси.....	263
Ҳазрат Охунд Мулло Муҳаммад.....	263
Шайх Ниёз Чақмоқий.....	266
Ҳожа Аҳмад Валий Бухорий.....	267
Ҳожа Қаландар.....	267
Халифа Худойдод.....	267
Шайх Ҳаллож.....	269
Исҳоқбобо (Исҳоқ Ота) зиёратгоҳи.....	269
Ҳожа Якшаба.....	269
Ҳожа Муҳаммад Кибриё зиёратгоҳи.....	269
Ҳожа Кўчбардор авлиё.....	269
Ҳазрат Мухтор Ато.....	269
Ҳожа Пўшида зиёратгоҳи.....	269

Ҳазрат Қиличбобо зиёратгоҳи.....	270
Ҳазрат Дўстмат Халифа.....	270
Ҳазрат Абулҳасан ас Сиёзий.....	270
Ҳожа Кордон.....	270
Ҳазрат Шергир (Шергирон) зиёратгоҳи.....	270
Ҳожа Аламдор авлиё.....	270
Халифа Ниёзқули.....	270
Ҳазрат Муҳаммад Шариф Ҳожа Бухорий.....	271
Муҳаммад ал Ҳусайн ал Алавий.....	271
Чибирдон Ота.....	272
Ҳазрат Имом Ота.....	272
Ҳазрат Махтумқули Фироғий.....	272
Ҳазрат Шайх Сўфи Деҳқон Шўрчаги.....	273
Ҳожа Рўшноӣ.....	273
Эшони Пир.....	274
Авлиёи Муродбахш.....	274
Ҳожа Сабри Валий.....	274
Авлиёи Ҳожа Кабўдпўш.....	274
Сайид Олим Ҳожа Охун.....	274
Ҳазрат Ҳожа Аспгардон.....	274
Амири Жаннатмакон.....	274
Халифа Муҳаммад Ҳусайн.....	276
Аҳмад Дониш.....	276
Ҳазрат Жаъфархожа зиёратгоҳи.....	279
Ҳазрат Шаҳобиддин ал Маржоний.....	279
Ҳазрат Умархожа Ҳожи.....	281
Мирзо Салимбек Салимий.....	281
Мулло Мансур Ҳожа Нақшбандий.....	283
Эшон Муҳаммад Аминхожа.....	283
Мавлоно Қурбат.....	283
Нақшбандхон ибн Султонхон.....	285
Эшони Муҳиддинхожа Сайид Нуххожа ўғли.....	287
Шайх Саббоқ Бухорий.....	287
Ҳазрат Абдурахим Қурро Торобий.....	289
Ҳожи Тешабобо Нақшбандий.....	290
Бухорода авлиё бор - тирик авлиё.....	291

Садриддин Салим Бухорий

**БУХОРОНИНГ ТАБАРРУК
ЗИЁРАТГОҲЛАРИ**

МАЪЛУМОТНОМА

**(ТЎЛДИРИЛГАН,
ҚАЙТА ИШЛАНГАН ИККИНЧИ НАШР)**

МУҲАРРИР:	И.СУБҲОНИЙ
ТЕХНИК МУҲАРРИР:	Г.САМИЕВА
МУСАҲҲИҲ:	Ҳ. ТУРДИЕВ
САҲИФАЛОВЧИ:	Н.ТЎРАЕВ
ОПЕРАТОР:	А.ЗОИРОВ

Теришга берилди: 04.04.2012, босишга рухсат этилди:01.05.2012й.

Бичими: 60x84 1/16 “Virtec Times Uz” гарнитурасида
офсет босма усулида босилди. 26 шарт. б.т.

25,75 ҳисоб-нашри.т. Адади 500 нусха. 68-сон буюртма.

Баҳоси келишилган нархда.

“STANDART-POLIGRAF”

Ҳусусий ишлаб чиқариш корхонасида чоп этилди:

Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй

Тел: 223-47-08. E-mail: Standartpol@list.ru

